Пиримқул Қодиров



ЮЛДУЗЛИ ТУНЛАР

Пиримқул ҚОДИРОВ

ЮЛДУЗЛИ ТУНЛАР

Роман

«Nurafshon business» нашриёти
Тошкент – 2019

УЎК 821.512.133-31
КБК 84(5Ў)6
Қ 53

Нашр учун масъул:
Алишер НАЗАР

Қодиров, Пиримқул.
Юлдузли тунлар: роман / П. Қодиров. – Тошкент : Nurafshon business, 2019. – 528 б.

Маълумки, буюк аждодимиз, шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳазратлари ўзининг илмий салоҳияти ва бадиий асарлари билан ҳам машҳурдир. Атоқли ёзувчи Пиримқул Қодиров мазкур тарихий романида китобхонларга Бобур шахсиятини янада яқиндан таништиради.

Асарда шоир ва шоҳ Бобур ҳаёти тасвирланган. Шунингдек, ёзувчи XV аср охири ва XVI аср бошларида юз берган Ўрта Осиё, Афғонистон, Ҳиндистон тарихидаги муҳим воқеаларни ҳаққоний гавдалантиради.

Abdulla Qodiriy nomidagi
viloyat AKM
INV № 168720-2019

УЎК 821.512.133-31
КБК 84(5Ў)6

ISBN 978-9943-5660-3-3

© П. Қодиров
© «Nurafshon business» нашриёти, 2019

АРОСАТ

Биринчи қисим

ҚУВА

ҚИЛ УСТИДА ТУРГАН ТАҚДИРЛАР

1

Милодий 1494 йилнинг ёзи. Саратон иссиғида Фарғона водийсининг осмонига чиққан қуюқ булутлар куни бўйи ҳавони дим қилиб турди-ю, кечки пайт бирдан жала қуйиб берди. Қизил тупроқли тепаликлар орасидан ўтиб келаётган сersув Қувасой қон қўшиб оқизилгандек қип-қизил бўлиб кетди. Сой бўйидаги мажнунтоллар панасида бир йигит билан қиз шивирлашиб гаплашмоқда эди.

– Робия, инон, мен тирик бўлсам, сенга бало-қазони йўлатмасмен!

– Тангрим сизни ҳам паноҳида асрасин, Тоҳир оға!. Ёғийнинг[1] минг-минг аскари бор. Қайси бирига бас келурсиз? Ана, қочқинларга қаранг!..

Тоҳир орқасига ўгирилиб, Қувасойнинг қуйи томонларига кўз югуртирди. Пастда қамишзор ботқоқлик ва унинг устидан ўтган узун ёғоч кўприк бор эди. Кўприкдан чумолидай беҳисоб одамлар, отлар, моллар, аравалар тизилиб ўтиб келаётгани ёмғир пардаси орасидан элас-элас кўзга чалинарди.

Самарқанд подшоси Қўқонни босиб олиб, қўшинига талатган ва Марғилонга ҳужум қилган эди. Босқинчилар шаҳару қишлоқларни талаш билан қаноатланмай, кўҳлик қизларни чўриликка олиб кетишар эди. Бунинг ҳаммасини эшитган одамлар ёвдан қочиб, тинч жой излаб бормоқда эдилар.

– Улуснинг шўри қурсин! – деди Тоҳир. – Касофат подшолар урушмай туролмаса. Биридан қочсанг, бошқасига

[1] Ёғий – душман.

тутилсанг. Ундан кўра қочмаймиз! Таваккал. Пешонага битилгани бўлур!

Тоҳир ёмғирда ҳўл бўлиб, баданига ёпишиб турган қалами яктак устидан ханжар тақиб олган эди. Робия ханжарга қўрқа-писа кўз ташлади-да:

– Қайдам, – деди. – Отамлар мени қўрғонга элтиб қўймоқчилар.

– Қайси қўрғонга?

– Андижон қўрғонида амаким борлар-ку.

Тоҳир Робиянинг ҳозироқ жўнаб кетишидан чўчигандай унинг билагидан олди. Илгарилар ҳуркович оҳудек тутқич бермайдиган Робия ҳозир алланечук ювош бўлиб қолган эди.

Унинг хина қўйилган қўллари гулдай чиройли. Бошига отасининг қора жун чакмонини ёпиниб чиққан экан. Ёмғирда ҳўл бўлиб оғирлашган чакмон унинг нозик бўйнига оғирлик қилди. Робия чакмонни елкасига туширди. Шунда ёқасининг битта боғичи ечилиб кетди-ю, қизғиш мармардай силлиқ бўйнининг пасти кўринди. Яшил нимчаси ўн етти ёшлик қизлардагина бўладиган толма белидан қучиб, қаттиқ кўкракларини маҳкам чирмаб турар эди.

Болаликдан Робия билан девор-дармиён қўшни бўлиб ўсган Тоҳир унинг қанчалик жозибали қиз эканини, босқинчи бек ва навкарлар мана шунақа қизларга қанчалик ўч бўлишини гўё энди астойдил ҳис қилди.

Бу йил баҳорда ота-оналари уларни унаштириб қўйган пайтларида ҳам Робия Тоҳирга ҳозиргичалик чиройли кўринмас эди. Рамазон ойи ўтгандан кейин уларнинг тўйлари бўлиши керак. Тоҳир Робия билан ҳадемай бир ёстиққа бош қўйишларига ишониб, бехавотир юрган эди. Бироқ энди уруш довули Қувага яқинлашиб келаётган шу хатарли дамларда Робия унга ҳар қачонгидан ҳам азиз, ҳар қачонгидан ҳам ғанимат кўринди.

Тоҳир Робиянинг Андижон қўрғонида бирорта бўйни йўғон бекнинг тузоғига илиниб қолиши мумкинлигини ўйлади-ю:

– Йўқ! – деди. – Мени десанг қўрғонга борма!

Робия Тоҳирнинг бахмалдай майин мўйлови тагида хиёл титраб турган лабига ва изтироб билан чақнаётган қўнғир кўзларига тикилди.

– Менинг ҳам сиздан йироққа кетким йўқ... Лекин не қилай... Қўрқамен!..

Тоҳир қизни чакмон билан бирга қучиб, бағрига босди. Робиянинг майин соч толалари йигитнинг юзига тегди, бир лаҳза икковининг нафаси нафасига қўшилиб кетди. Тоҳир қизнинг бадани титраётганини сезди-ю:

– Чиндан қўрққанингми бу, Робия? – деди. – Сенга не бўлди?..

– Мен бир ваҳимали туш кўрдим, Тоҳир оға! Илоҳи, тушим ўнг келмасин!..

Энди Тоҳир ҳам хавотирланиб, қизни қучоғидан бўшатди-да, унинг катта-катта бўлиб кетган кўзларига қаради:

– Ёмон тушми?

– Айтишга ҳам тилим бормайдир.

– Тушга не кирмас!.. Айт!.. Майли...

– Сизни бир қора ҳўкиз ханжардай шохлари билан сузиб... Йўқ-йўқ! Эсласам, этим жунжикиб кетадир!

Тоҳир ёмон бир фалокатни олдиндан сезгандай юраги увишди:

– Шошилмай гапир! Сузган бўлса, қон оқдими?

– Қон? Ҳа-ҳа.. Қон тирқираб кетди.

– Ундай бўлса қўрқма. Тушдаги қон – ёруғлик. Отам доим шундай дейди.

– Тангрим шу таъбирни рост келтирсин! Тоҳир оға, мен... Агар Андижонга сиз бормасангиз... мен ҳам кетмасмен. Неки бўлсак, шу ерда... бирга...

Мажнунтол барглари орасидан сирқиб тушаётган ёмғир томчилари қизнинг пайваста қошларига, тиғиз киприкларига теккан. Тоҳирнинг назарида, Робия ёмон бир бахтсизлик бўлишини ҳозирдан сезиб, кўзига ёш олаётгандек кўринарди.

– Мендан кўп хавотирланма, Робия. Мен бир деҳқон одаммен. Ҳаво очилса, далага чиқиб қўшимни ҳайдаймен. Ўроғимни ўрамен. Ёғийнинг менга не иши бор? Лекин сен... эҳтиётингни қил. Андижон қўрғонида амакиларинг бор...

– Андижонда сизнинг ҳам мулла тоғойингиз борлар-ку! Ё бирга кетайликми?

Тоҳир ўйланиб қолди. Унинг Андижонда меъмор бўлиб ишлайдиган Фазлиддин тоғаси ел орасида танилган машҳур одам. Қувасой ботқоғининг устидан ўтган мана шу узун ёғоч кўприк ҳам мулла Фазлиддин чизиб берган тарҳ[1] бўйича қурилган. Андижон аркида мулла Фазлиддин самовий нақшлар

[1] Тарҳ – чизма, лойиҳа.

ва кошинлар билан безаб қурган девонхона тождор Умаршайх мирзога маъқул бўлгандан кейин унга тўбичоқ от ва бир ҳамён олтин инъом қилганини Тоҳир ҳам эшитган. У тоғасининг шаҳар қўрғонидан ташқаридаги Боғот маҳалласида туришини билади. Мулла Фазлиддин Қувада турган пайтларида Тоҳирга хат-савод ўргатган эди. Энди жияни паноҳ истаб борса, қаноти тагига олиши мумкин. Лекин бу ерда чол-кампирлар нима деркин? Тоҳир – ёлғиз ўғил, жавоб бермасликлари мумкин. У Андижонга Робия туфайли боришини эса ота-онасига айтишдан уялади... Балки буни Робиянинг акаси Маҳмуд айтар?

– Робия, майли, иложи бўлса, Андижонга бирга кетурмиз. Лекин дадамларни кўндириш осон эмас... Маҳмуд оғанг эшикдами?[1]

– Дўконга чиққан эдилар. Ифторгача келурлар. Нима эди?

– Ифтордан сўнг бизникига ўтсин. Маслаҳат бор.

– Хўп, мен айтамен.

Робия юзини Тоҳирнинг кенг кўкрагига босди:

– Тангрим бизни бир-биримизга кўп кўрмасин! – деди-да, мажнунтол шохлари орасидан чиқди.

Сой бўйида турган бўш мис кўзани ёмғир томчилари чертиб-чертиб қўяди. Робия кўзага қараб сувга келганини эслади ва уни тўлдириб, уйлари томон кўтариб кетди. Қалликлар одамларнинг кўзидан йироқда – яширинча учрашиб юрар эдилар. Қиз узоқлашиб кетгандан кейин Тоҳир ҳам мажнунтолларнинг панасидан чиқди. Шунда Робиянинг тушига кирган қўрқинчли воқеа унинг эсига тушди-да, номаълум бир хатар вужудига ларза солиб ўтди...

2

Бу йилги рўза ёз чилласига тўғри келган, жазирама кунларда тонг саҳардан кечқурун қоронғи тушгунча туз тотмай оч юриш кўп одамнинг силласини қуритар, бунинг устига ташналик азоби қўшиларди. Рўзадорлар кунни қандай кеч қилишларини билмай, тезроқ қош қорайишини интизорлик билан кутишарди.

Ғира-шира қоронғиликда Қува масжидининг минорасидан азон товуши эшитилди. Уруш таҳликаси қанчалик кучли бўлмасин, дастурхон атрофига йиғилган одамлар рў-

[1] Эшик – бу ерда уй, ҳовли маъносида.

засини очаётган пайтда очлик ва ташналикдан қийналган вужудлари роҳатланиб, дунё ғамлари бирпасга бўлса ҳам хаёлларидан узоқлашди.

Тоҳир кекса ота-онаси билан бирга ифтор қилмоқда эди. Дастурхондан седанали иссиқ нон ва ҳандалак ҳиди келади. Нон еб, бир косадан қатиқли ош ичганларидан кейин Тоҳир Андижонга кетиш ҳақидаги гапнинг учини чиқаришга чоғланди.

Шу пайт кимдир қамчи дастаси билан дарвозани тақиллатди. Ҳовлида ётган кекса кўппак ит йўғон ва хирри товуш билан вовуллади. Тоҳир ўрнидан турган эди, отаси:

– Эҳтиёт бўл! – деди овозини пасайтириб. – Аввал кимлигини сўраб бил.

Ташқарида ёмғир тинган, лекин осмон булутли, қоронғиликда ҳеч нарсани кўриб бўлмас эди. Тоҳир дарвозахонага яқин бориб:

– Ким? – деб сўради. Кўппак қаттиқроқ ҳура бошлади. Ташқаридаги одам овозини баландлатиб:

– Тоҳир, жиян? – деб сўради. – Оч, мен тоғойингмен! Тоҳир ташқаридаги овозни таниб, очиқ дарча орқали ичкарига:

– Ая, Фазлиддин тоғойим! – деди-ю, чопиб бориб дарвозанинг занжирини туширди. Ичкаридан чиққан чол-кампирлар меҳмон билан кўришаётганда Тоҳир қорайиб турган икки ғилдиракли соябон аравани кўрди. Аравага қўшилган отнинг эгари устидан кимдир пайпасланиб тушмоқда эди.

– Мулла тоға, арава сизданми?

– Ҳа, жияним. Кўч-кўроним билан келдим.

– Шунақами? – деди Тоҳир ҳайрон бўлиб. Унинг кўнглида боя тоғасини кўрганда ёнган қувонч энди ташвишли ўйлар билан алмашинди. Тоҳирнинг Андижондаги паноҳи – мана шу тоғаси эди. Тоғаси кўчиб келган бўлса, Тоҳирнинг қўрғонга борадиган йўли бекилгани шу. Робия нима бўлади?

– Тоҳир, нега ағрайиб турибсан? Юкларни туширишгин! – деди онаси. – Мулло тоғойинг ёмғирда кўп азоб тортганга ўхшайдир.

– Э, азоб ҳам гапми, опа! Арава лойларга тиқилавериб жонимиздан тўйдирди. Йўллар тирбанд. Қочоқлар беҳисоб.

Тоҳир аравадан юк тушираётиб, отнинг сағрисига қўли тегиб кетди. Шунда қўлига шилимшиқ лой илашганини сезди. Лой отнинг сағрисигача чиққан бўлса, бу бечоралар

кела-келгунча қанчалик қийналганикин? Ҳамма ёвдан қочиб Андижонга қараб кетаётганда, булар нега Қувага кўчиб келганикин? Тоҳир қанор қопга солинган юкни аравадан туширмоқчи бўлганда тоғаси:

– Ҳушёр бўл, жуда оғир, икковлашиб кўтаринглар, – деди аравакашга.

Тоҳир қопнинг ичида унча катта бўлмаган пўлат сандиқ борлигини сезди. Мулла Фазлиддин ўтда куймайдиган, сув кирмайдиган бу сандиқни Қуванинг темирчи усталарига буюртма бериб ясаттирган эди. Унинг ичида тарҳлар, лойиҳалар, суратлар сақланарди. Мулла Фазлиддин уч йил Самарқандда, тўрт йил Ҳиротда таҳсил кўрган, ўша ёқдан меъморлик санъати билан бирга мусаввирликни[1] ҳам ўрганиб келган эди. Ҳиротда жангномалар ичига суратлар чизиш одат тусига кирган, мавлоно Беҳзод чизган Алишер Навоий ва Ҳусайн Бойқаро тасвирлари расмий доираларда шуҳрат топган, лекин Самарқандда, хусусан, Фарғона водийсида одам шаклини чизиш ҳали ҳам Қуръон номидан қаттиқ тақиқланиб келмоқда эди. Шунинг учун мулла Фазлиддин ўзи чизган суратларини мана шу пўлат сандиқда доим махфий сақлар эди.

Тоҳир қопдаги пўлат сандиқни аравакаш билан кўтаришиб уйга олиб киришди. Мулла Фазлиддин ҳўл бўлиб оғирлашган пиёзи чакмони ва этигини даҳлизда ечиб қолдирди. Оёғига чарм кавуш кийиб, обрез четида бет-қўлини ювди. Сўнг боя Тоҳирлар ўтирган дастурхонли уйга кирди.

Унинг чакмонидан ўтган ёмғир калта енгли абосини нам қилган эди. Лекин ёз оқшоми илиқ бўлганлиги учун кийим алмаштириш эсига келмади. Йўлда қаттиқ толиққанлиги учун дуруст овқат ҳам емади. Фақат бир-икки тилим ҳандалак еди-ю, уч-тўрт пиёла чой ичди. Аравакаш йигит икки коса тўла қатиқли ош ичгандан кейин отларига қараш учун ҳовлига чиқиб кетди.

– Оббо! Мулла Фазлиддин-ей! – деди Тоҳирнинг отаси узун оқ соқолини ўйчан езғилаб. – Зап келибсиз-да. Шу нотинч кунларда бирга бўлганимизга не етсин!

– Ҳамма ёғийдан қочганда биз аждаҳонинг комига яқин келиб қолганимиз ғалати бўлди, – деб мулла Фазлиддин жиянига маъюс кўзлари билан қаради.

[1] Мусаввир – сурат чизувчи, рассом.

– Бирон сабаб билан келгандирсиз-да, мулла тоға? – сўради Тоҳир.

– Сабаб шуким, жиян, уруш бошланса, қурилиш тўхтайди, меъморнинг кераги бўлмай қоладир...

– Ие, ахир, сизни подшонинг ўзи хизматига олган эмасмиди?

– Подшо Ахси қўрғонида мудофаа билан овора. Тошкент хони Маҳмудхон ҳам Хўжанд томондан бизга қарши қўшин тортиб келмоқда эмиш. Қашқар ҳокими Абубакир дуғлат деган яна бир босқинчи шарқдан Ўзганнинг устига бостириб келмишдир.

Тоҳирнинг кекса отаси қўрқиб, ёқасини ушлади:

– Ё тавба! Бу ёқда Самарқанд қўшини... Уч томонимиздан ёғий бостириб келибдими, а? Бу не кўргулик, мулла Фазлиддин? Ахир бу подшолар сал муроса қилсалар бўлмайдими, а? Ҳаммаси бир-бирига қариндош эмиш-ку. Шу ростми?

– Ҳа, рост. Тошкент хонига бизнинг подшомиз куёв бўладир. Қўқонни талаб, бизнинг устимизга қўшин тортиб келаётган Самарқанд подшоси Султон Аҳмад мирзо эса бизнинг подшомиз билан бир отадан бўлган оға-инидирлар. Яна бу икки подшо бир-бирларига қуда бўлмоқчи эдилар. Самарқанд подшосининг қизи бизнинг валиаҳдимиз Бобур мирзога беш яшарлигидан унаштириб қўйилган эди. Шундан билингки, оға инига, қайнота куёвга қарши қилич кўтариб чиқмишдирлар!

– Ё пок Парвардигор! Охирзамон дегани шумикин, мулла Фазлиддин?

– Билмадим, почча. Ҳар қалай, ёмон тождорларнинг замонаси охирлаб қолаётганга ўхшайдир. Кошки, ўзлари билан ўзлари олишиб, бизни тинч қўйсалар! Урушнинг бутун жабру жафоси эл-улуснинг бошига тушадир.

– Шўримиз бор экан-да!

– Ҳа, толе бўлмаса қийин экан! Мен не-не орзулар билан илм-ҳунар ўрганиб келган эдим! Ватанимиз бўлмиш Фарғона водийсида Самарқанддагидек, Ҳиротдагидек мадрасалару кўркам обидалар қурмоқчи эдим. Бу салтанату подшолардан не қолур? Ҳаммаси ном-нишонсиз кетгай! Биздан ёдгорлик бўлиб қолса Улуғбек мадрасасидек, Навоий Унсиясидек санъат асарлари қолур!

Мулла Фазлиддин оғзидан чиқиб кетган сўнгги гаплардан хавотирланиб, эшик томонга қараб қўйди. Унинг сарой аҳлига яқин юриб, айғоқчилардан юрак олдириб қўйганини Тоҳир ҳам сезди.

– Мулла тоға, сўзлайверинг, бу ерда ҳамма ўз-ўзимиз... Андижон қўрғонидан нечун сизга жой бермадилар?

Мулла Фазлиддин сўнгги кунларда бошдан кечирган мудҳиш ҳодисаларни эслаб, бир лаҳза оғир сукутга кетди...

Ўтган куни хуфтон пайтида мулла Фазлиддин ўзларидан беш-олти уй нарида турадиган бир хаттот ошнасиникида ифтор қилиб ўтирганда қандайдир номаълум кишилар унинг уйига бостириб киради. Ҳовлидаги ит вовуллаб қўймаганда уни қилич билан чопиб ташлайдилар. Бугун бу ерга аравани миниб келган хизматкор йигитнинг оғзига латта тиқиб, қўл-оёғини боғлайдилар-у қазноққа ташлайдилар. Сўнг уйга кириб, тинтув ўтказадилар ва пўлат сандиқни кўрадилар. Лекин уни очишнинг иложини тополмай, қулфини болта билан уриб синдиришга киришадилар.

Қилич билан чопилган ит қаттиқ вангиллаганда девор-дармиён қўшнилар бир фалокат бўлганини сезадилар. Улардан бири чиқиб мулла Фазлиддиндан хабар олмоқчи бўлса, дарвоза қаршисидаги дарахт панасида бир одам тўртта отнинг жиловидан ушлаб турибди. Унинг юзи қора ниқоб билан бекитиб олинган, фақат кўзлари кўринади. Ичкаридан эса пўлат сандиқ қулфига урилаётган болта товуш эшитилади...

Мулла Фазлиддинга қадрдон бўлган қўшни унинг уйига ёмон одамлар тушганини сезади-ю, дарҳол хаттотникига чопади. Ундан воқеани эшитган мулла Фазлиддин уйига югуриб келди.

Пўлат сандиқнинг қулфини синдириб очиб, ундаги қоғозларни титкилаётган босқинчилар уй эгасини кўриб, дарчадан айвонга сакрашди.

– Тўхта, нобакор! – деб мулла Фазлиддин биттасининг қаршисидан чиққан эди, юзига қора ниқоб тутган айиқдай зўр йигит уни елкаси билан уриб четлатди-да, кўчага отилди. Бошқалари ҳам кўчадаги отларига миниб, бир лаҳзада ғойиб бўлишди.

Мулла Фазлиддин уларни қувлаб етолмаслигини сезди-да, тўс-тўполон бўлган уйга қараб интилди ва очиқ ётган пўлат сандиқнинг тепасига келди. Токчада қўшалоқ шам ёниб ту-

рибди. Унинг ёруғида аралаш-қуралаш бўлиб кетган, баъзи жойлари йиртилган лойиҳалар ва чизмалар кўзга ташланди. Сандиқ ичида подшоҳ инъом қилган олтиннинг бир қисми ҳамёни билан турган эди. Шу йўқ. Лекин ҳозир мулла Фазлиддиннинг кўзига олтин ҳам кўринмас эди. Унинг бутун хаёли сандиқ тубидаги махфий тагқутини бекитиб турган силлиқ мис парчасида эди. Уни чапга секин сурган эди, тагқутининг калит солинадиган жойи очилди. Мулла Фазлиддин атрофига аланглади – уйда бошқа одам йўқ, қўшниси қазноқдаги хизматкорнинг оёқ-қўлини ечиш билан овора эди. Мулла Фазлиддин қўйнидан кичкина калит олиб, тагқутининг қулфига солди. Қулф очилгандан кейин тагқутининг мис қопқоғини секин кўтарди-ю, юпқа жилд ичидаги суратларни очиб кўрди... Кекса боғбоннинг дарахт пайванд қилаётган пайти... Чилмаҳрам тоғларидаги ов тасвири... Энг пастда чанг чалаётган гўзал бир қизнинг сурати...

Бу – Умаршайх мирзонинг қизи. Андижон чорбоғида подшоҳ оиласи учун тиллакори кўшк қурган пайтларида ўн саккиз ёшли Хонзода бегим унинг мусаввир ҳам эканлигини билиб қолиб, ўзининг суратини чиздирган. Мулла Фазлиддин бу ишни яшириқча қилган. Агар шариат пешволари унинг одам суратини чизганини билиб қолишса, соғ қўйишмайди. Яна тағин гўзал малика билан яшириқча тил бириктириб сурат чизгани қизнинг подшоҳ отасига маълум бўлса борми, мулла Фазлиддинни тилка-пора қилиб ташлашлари ҳеч гап эмас.

Шу сабабли ҳозир уни энг қаттиқ қўрқитган нарса – бу суратнинг босқинчилар қўлига тушиб қолиш эҳтимоли эди. Хайриятки, улар сандиқ тагида махфий тагқути борлигини сезишмабди. Лекин сандиқни отларига ўнгариб кетишса нима бўларди? Унда тагқутидаги суратларни ҳам албатта топиб олишарди!..

Хизматкор йигит сал ўзига келгандан сўнг, мулла Фазлиддин ундан ва қўшнисидан воқеанинг тафсилотларини сўраб билди, ўзининг кўрганларига буни таққослаб, шундай хулосага келдики, унинг уйига тушганлар – оддий ўғрилар эмас, балки қайси бир зўравон бекнинг йигитлари. Улар уйни тинтиб нимани қидиришган? Тарҳларни ташлаб кетишибди. Демак, суратларни излашган... Мулла Фазлиддиннинг сурат чизишини биладиган одам... унда қасди бор бек юборган бўлиши керак бу йигитларни!..

Изтиробли ўйлар туни билан мулла Фазлиддиннинг кўзига уйқу қўндирмади. Урушнинг алғов-далғовида тобора бўйни йўғон бўлиб кетаётган бебош беклар эсига тушгани сари кўнгли безовта бўларди.

Андижонлик беклардан Ҳасан Ёқуб дегани шу йили баҳорда мулла Фазлиддинни чорбоғига чақиртириб, катта бир иш топширмоқчи бўлди.

– Мирзо ҳаммомидан ҳам улканроқ бир ҳаммом қурдирмоқчимен... Ёзда салқинлайдиган мармар хоналари бўлсин... – Ёқуббек овозини пасайтириб давом этди. – Чиройли асира қизлар сотиб олғаймен. Олтиним етарли. Ўша қизлар ҳаммомнинг мармар ҳовузида чўмилганда мен ўлтириб томоша қиладиган махфий туйнуклари ҳам бўлмоғи лозим. Уқдингизми? – деб Ёқуббек хахолаб кулди-да, гапнинг хулосасини айтди. – Ана шу ҳаммомнинг тарҳини ўзингиз чизинг. Қурилишига ҳам сиз саркор бўлинг. Қанча ҳақ тиласангиз берай. Хўпми?

Меъморликни муқаддас бир санъат деб ишонган мулла Фазлиддин Ёқуббекнинг шаҳвоний ниятларини эшитиб нафрати келди:

– Жаноб бек, узр, мен ҳаром ишдан қўркамен!..

– Нимаси ҳаром?.. Мен ҳаммомни ўз ақчамга қурдиргаймен!

– Ҳаммомга махфий туйнуклар қўйиб қурадиган саркорлар бошқа... Сиз ўшаларга мурожаат қилинг. Менга Мирзо ҳазратлари покиза бир даргоҳ қурдирмоқчилар. Шу кунларда мадраса тарҳини чизиш билан бандмен. Рухсат этинг, мен борай...

Ўринларидан турганда Ёқуббек мулла Фазлиддинга ўқрайиб кўз тикди:

– Лекин мен айтган гап шу ерда қолсин, жаноб меъмор. Акс ҳолда...

– Албатта, бу гап шу ерда қолур! Лекин сиз ҳам мендан озурда бўлманг. Ора очиқ! Маъқулми, жаноб бек?

– Маъқул!

Мулла Фазлиддин шу билан бу бўйни йўғон бекдан қутулдим, деб ўйлаган эди. Лекин бундан ўн беш кунча бурун Аҳмад Танбал деган бир бадавлат бек мулла Фазлиддинни сўроқлаб, кечки пайт унинг уйига келди. Икковлари холи қолганда Аҳмад Танбал чўнтагидан бир ҳамён олтин олди-да, мулла Фазлиддинга узатди:

– Тақсир, мана шу олтинни олингу битта сурат чизиб беринг.

– Қанақа сурат?

Ёши йигирма бешлардан ошган бўлса ҳам, юзига ҳали дуруст соқол чиқмаган, кўсанамо Аҳмад Танбал оғзини меъморнинг қулоғига яқинлаштириб шивирлади:

– Маликамизнинг сурати керак менга!

– Қайси маликамиз? – сергакланиб сўради мулла Фазлиддин.

– Чорбоғда тиллакори кўшк қурганингизда кўргансиз... Хонзода бегим... Ўзи ҳам сизнинг санъатингизга ихлосманд эмиш-ку...

Мулла Фазлиддиннинг юраги така-пука бўлиб кетди. Наҳотки бу бек пўлат сандиқдаги суратдан хабардор бўлса!

– Ким сизга шундай деди?.. Мен меъмормен... Мен фақат иморатларнинг суратини чизамен...

– Мендан яширманг, жаноб меъмор! Мен шариат пешвоси эмасмен. Сурат чизишни бизда ман қилганларига мен ҳам қаршимен! Ҳиротда Шоҳрух мирзо Бойсунқур мирзо учун қурдирган саройнинг деворлари гўзал қизлар сурати билан безалган экан. Тўғрими?

– Тўғри-ю, лекин... Ҳар жойнинг ўз тош-у тарозиси бор. Агар Хонзода бегимнинг сурати ҳақида сиз айтган гапни подшоҳ ҳазратлари билиб қолсалар, нима бўлишини ўйлайсизми?

– Билмагай! – деб шивирлади Аҳмад Танбал. – Икковимиздан бошқа ҳеч ким огоҳ бўлолмагай! Хўп денг! Манг, олтинни олинг!

– Шошманг, бек. Мени сурат чизади, деб сизга ким айтди?..

– Эшитдик-да!

– Кимдан?.. Ҳасан Ёқуббекданми?..

– Ҳасан Ёқуббек бир боғбондан эшитган экан...

«Демак. Аҳмад Танбалнинг бу ерга келганидан Ҳасан Ёқуббек хабардор! – ўйлади мулла Фазлиддин. – Булар биргалашиб мени қўлга тушурмоқчи бўлса керак. Сендек қурбақатахлит бек учун Хонзода бегимнинг суратини чизиб бериб мен аҳмоқ эмасмен!»

– Жаноб Аҳмадбек, камина боғларнинг суратини чизганда бир четига боғбонни ҳам тасвирлашим мумкин. Меъморлик санъати буни инкор этмайди. Аммо маликанинг суратини чизиш учун менда на санъат бор, на ҳақ ва на журъат!

– Хуллас, менинг сўзимни ерда қолдирмоқчимисиз?

– Бошқа иложим йўқ. Мени маъзур тутинг, жаноб бек. Бундай таклиф билан келиш сиз учун ҳам хатардан холи эмас!

– Э, мен буздиллардан[1] эмасмен! – деб Аҳмад Танбал қаҳр билан ўрнидан турди ва йирик тишларини иржайтириб қўшиб қўйди: – Лекин сиз менинг шахтимни қайтарганингиз учун ҳали пушаймон бўлурсиз!

Бу таҳдид мана энди тўртта босқинчининг қиёфасига кириб, қоронғида унинг уйига бостириб келган бўлса ажаб эмас. Қуролсиз, навкарсиз мулла Фазлиддин Аҳмад Танбалдай юз-икки юзтадан қуролли йигитлари бор бекларга қандай бас келади? Лекин «бўлари бўлди», деб индамай юраверса, бу қутурган бек эртага беш баттар ёмонликлар қилиши мумкин эмасми?

Мулла Фазлиддин эрталаб подшоҳ инъом қилган тўбичоқ отни минди-да, шаҳар доруғаси[2] қабул қиладиган маҳкамага йўл олди. Узун Ҳасан исмли ингичка, новча доруға аскарликка одам олиш ва шаҳарни яқинлашиб келаётган душмандан ҳимоя қилиш ташвиши билан банд экан. Мулла Фазлиддиннинг арзини қаёққадир кетмоқчи бўлиб шошилиб турган пайтда тинглади-да:

– Тарҳларингизга тегмай, ҳамёнингизни олиб кетган бўлса, бу – тўқайдан чиққан ўғриларнинг иши, – деди. – Ёғий ташвишидан қутулсак, тўқайларни ўғрилардан тозалагаймиз... Ҳозир аҳволни кўриб турибсиз!..

Қўл қовуштириб тикка турган мулла Фазлиддин доруғага яқинроқ келди:

– Менинг бошқа гумоним бор, жаноб доруға, – деди. Сўнг Аҳмад Танбалнинг сурат чиздирмоқчи бўлганини, рад жавоби олганда эса аччиқланиб кетганини айтиб берди.

– Кимнинг сурати? – деб доруға қизиқиб қолди.

Мулла Фазлиддин Хонзода бегимнинг номини тилга олишга қўркди.

– Парилар суратимиди? Яхши тушунмадим.

– Сандиғингизда парилар сурати бормиди? Босқинчилар шуни олиб кетибдирми?

– Сурат ўзи бўлмаса нени олиб кетсин! Мен ҳазрати олийлари буюрган мадраса тарҳини чизиш билан бандмен.

[1] Буздил – эчкиюрак, қўрқоқ .

[2] Доруға – шаҳар ҳокими.

Сураткашликка вақтим йўқ. Сандиқда хомаки лойиҳаларим бор эди, холос.

– Улар жойида қолганми, ахир? Ундоқ бўлса, Аҳмадбекдан нечун гумонсирамоқдасиз?

– Сабабини айтдим, жаноб доруға! Тафтиш ўтказишингизни сўраймен!

– Аҳмадбек – султонлар авлодидан эканини унутган бўлсангиз, мен эслатиб қўяй. Ҳазрати олийларининг катта хотинлари Фотима бегим Аҳмадбекка қариндош бўлурлар. Фотима бегимнинг чақириғи билан Султон Аҳмадбек бугун азонда пойтахтимиз Ахсига кетдилар. «Агар ўша бек сандиқдаги суратларни қўлга туширса, Ахсига элтиб, подшоҳ оиласига кўрсатмоқчи бўлганми? – деган ўй мулла Фазлиддиннинг ичини музлатиб ўтди. – Булар менинг қонимга шунчалик ташнами? Балки Аҳмад Танбал Хонзода бегимни ҳам шу сурат орқали қўлга туширмоқчидир? Ҳали уйланмаган бу бек подшога куёв ва Хонзода бегимдек гўзал қизга ер бўлишни жон-дили билан истаса керак!»

Ўргимчак тўрига ўхшаш ёпишқоқ бир бало атрофини ўраб келаётганини сезган мулла Фазлиддин жон-жаҳди билан бу тўрни йиртиб чиқиб кетишга уринди:

– Жаноб доруға, мен сиздан адолат истаб келдим! Подшоҳ ҳазратлари мени сизнинг ҳимоянгизга топширган эдилар! Агар босқинчиларни топиб жазо бермасангиз, мен подшоҳ ҳазратларининг ҳузурларига паноҳ истаб кетишга мажбур бўлурмен!

– Аммо шуни билингки, жаноб меъмор, ҳазрати олийнинг ҳузурига сиздан ҳам олдин баъзи бир гапларингиз етиб бориши мумкин!

– Яъни, қайси гапларим, жаноб доруға?

– Баъзи меъморлар ўзларини подшоҳлардан ҳам баланд қўярмишлар. «Бу тахту салтанатлар беному нишон йўқолур, фақат меъмору мусаввирлар яратган зўр санъат асарлари тирик қолур», деган густохона ақидалар бизга маълум!

Мулла Фазлиддин бугун Қувада поччасининг уйида бехосдан айтиб юборган бу эътиқодини бошқа ишонган одамларига ҳам айтган пайтлари бўлган эди. Ана шу ишонганларидан аллақайсиси айғоқчилик қилиб, бу гапни доруғага етказганини, энди доруға буни подшоҳга дастурхон қилиб олиб бориши мумкинлигини сезди-ю, баданидан со-

вуқ тер чиқиб кетди. Лекин доруғага сир бой бериш қанчалик хатарли эканини пайқаб:

– Бу ҳаммаси иғво! – деб хитоб қилди: – Жаноб доруға, сизнинг устингиздан иғво қилувчилар ҳам оз эмас! Буни билурсиз! Мен Андижонда неки бино қилган бўлсам, ҳаммасига Мирзо ҳазратларининг номларини битмоқдамен! Аркдаги девонхонани кўринг! Чорбоғдаги кўшкни кўринг! Мен уларнинг бирор жойига ўз номимни ёзибменми? Қани, иғвогарлар далил келтурсинлар! Мен ҳаммасига Мирзо ҳазратларининг муборак номларини битганмен! Демак, тарихда менинг номим эмас, Мирзо ҳазратларининг номи қолсин, деганмен! Шундоқми-йўқми? Қани айтинг!

Доруға бу мантиқли далилларни рад этолмасдан:

– Шундоқликка-шундоқ, аммо...

– Аммоси йўқ, жаноб доруға! Сиз мени босқинчилардан ҳимоя қилиш ўрнига, айғоқчиларнинг туҳматига ишонадирган бўлсангиз, мен алҳол Ахсига бориб, Мирзо ҳазратларига арз қилурмен!..

Узун Ҳасан бу дўқни писанд қилмай:

– Майли, боринг, арз қилинг! – деди. – Лекин шуни билингки, атрофимизни ёғий босган бу хатарли дамларда подшоҳга меъмордан кўра навкар заруррок! Аҳмадбекдек, мендек жанговар беклар учун подшоҳ ҳозир сиздеклардан қанчасининг баҳридан ўтур!

– Ахсига борганда кўрурмиз, – деб мулла Фазлиддин маҳкамадан шахт билан ташқарига чиқди. Унинг важоҳати ҳозироқ Ахсига, подшоҳ ҳузурига арзга борадиганга ўхшарди.

Лекин у отланиб уйига қайтаётганда сал ҳовуридан тушди-ю, Узун Ҳасан айтган сўнгги гапларда аччиқ бир ҳақиқат борлигини сезди. Ёв қуршовида қолаётган Умаршайх мирзо битта меъморни деб юз, икки юздан навкари бор зўравон бекларга қарши бормаслиги аниқ. Аҳмад Танбал бугун Ахсида – шоҳ саройида. Агар у мулла Фазлиддиннинг малика суратини чизгани ҳақида гап тарқатса... Лекин Аҳмад Танбал буни қандай пайқаганикин? Мулла Фазлиддин Хонзода бегимнинг суратини чизиш учун у билан тиллакори кўшкда пинҳон учрашганда буни зимдан кўриб қолган канизлар ёки савдарлар[1] бўлса, Аҳмад Танбал шунинг бир четини эшитиб, ҳалиги ҳамённи кўтариб келганмикин? Босқинчи йигитларини ишга

[1] Савдар – хос хизматкор.

солиб ҳам мақсадига етолмаган бу ёвуз бек энди шоҳ саройига бориб пешгирлик қилиши мумкин. Агар у ўзи эшитган миш-мишни ҳарамдаги аёллар орқали подшоҳнинг қулоғига етказса... Умаршайх мирзо бўй етган қизининг қаёқдаги бир меъмор билан яширинча учрашиб, сурат чиздирганини ўз шаънига катта иснод деб билиши аниқ. Шоҳ исковучлари ишга туширилса, мулла Фазлиддин яшириб юрган суратни топиб олиб, Аҳмад Танбалнинг гапига далил қилиш қўлларидан келади. Ана ундан сўнг шоҳ қизига иснод келтирган мусаввирни минг қийноқларга солиб ўлдиришлари турган гап!

Мулла Фазлиддин Хонзода бегимнинг суратини чизиш билан нечоғлик хатарли ишга қўл урганини энди астойдил ҳис қилди. Агар сурат қўлга тушса, у қиз ҳам маломатга қолади. Дунё бусиз ҳам ташвиш-таҳликага тўла!.. Мулла Фазлиддин тагқутидаги малика суратини титроқ қўллар билан жилддан олди. Иғвогар аблаҳларга далил қолдирмаслик учун буни йўқ қилиши керак! Мулла Фазлиддин ўчоқда ёнаётган оловга яқин борди. Рангли бўёқлар билан ишланган мўъжазгина суратдаги гўзал қиз шу пайт унга тирик бир одам бўлиб кўринди. Аланга ёлқинида қизнинг киприклари, лаблари билинар-билинмас нафис ҳаракатлар қилаётганга ўхшаб кетди. Қизнинг ақлни шоширадиган жозибаси бор эди. Бу жозиба мулла Фазлиддинни ҳар галгидай яна сеҳрлаб олди, бояги таҳлика хаёлидан узоқлашиб, қалбида илиқ туйғулар уйғонди. «Наҳотки мен бу қизга ошиқ бўлсам? – ҳайрат ичида ўйланди мулла Фазлиддин. – Қора халқ орасидан чиққан мендай бир суратқашнинг шоҳ қизига муҳаббат қўйиши кулгили эмасми? Йўқ! Мен фақат ўзим чизган суратга – ўз ижодимга меҳр қўйганмен, холос! Бошим омон бўлса, бундай суратни яна чизгаймен!»

Шу ўй билан суратни ўтга ташламоқчи бўлиб эгилди. Қиз тасвири оловга яқинлашганда юзи қизариб бўғриққандек, кўзлари эса чақнаб кетгандек кўринди. Мулла Фазлиддин тирик одамни ўлдираётгандек, севиклисини ўтга ташлаётгандек сесканиб орқага чекинди. Ички бир овоз уни «Қўрқоқсен!» дегандек жеркиди. «Душманларинг устингга бостириб келаётгани йўқ-ку! Аҳмад Танбал ҳам Ахсида. Билиб қўй, сен бундай гўзал суратни иккинчи марта чиза олмассен! Тасвирга бунчалик тирик [illegible] – такрорланмас бир илҳомнинг [illegible]

Abdulla Qodiriy nomidagi

қутқариб қолурсен!» Мулла Фазлиддин суратни тағқутига қайтариб солди-ю, хизматкор йигитни чақирди.

– Кўчларни йиғиштир! Аравани қўш! Қувага жўнагаймиз!.. Тез!.. Тезроқ!..

Мана ҳозир опасининг уйида ўтириб, юз берган воқеани поччаси билан жиянига сўзлаб берар экан, пўлат сандиқда Хонзода бегимнинг сурати борлигини уларга ҳам айтмади. Бу сирни у ҳеч кимга билдирмоқчи эмас эди...

– Во дариғ! – деб Тоҳирнинг отаси оғир уҳ тортди: – Бизнинг суянган тоғимиз сиз эдингиз, мулла Фазлиддин!.. Энди сиз ҳам қувғинга учраган бўлсангиз.

– Начора? Ҳаммамизнинг ҳам тақдиримиз қил устида турибди!

– Подшоҳга арзга борсангиз, додингизга етмасмикин, мулла тоға?

– Бу тўполонлар босилса, бир марта бориб арз қилишим аниқ. Агар додимга етса-етди, етмаса, яна Ҳиротга қайтиб кетурмен! Алишер Навоий Шифоия деган бино қурдирмоқчи, деб эшитган эдим. Оламда биз учун ёнган ягона умид чироғи ўша сиймо бўлиб қолди.

– Ҳирот орзусини қилманг, мулла Фазлиддин, Фарғонада ҳам ҳунарингизнинг қадрига етадиган одамлар бор. Қуванинг кўприги сизнинг режангиз билан қурилган эди. Халқ ҳалигача сизни дуо қилиб юрибдир.

– Халқ! Қани энди бу кўприкдан фақат халқ ўтса! Эрта-индин бу кўприкдан ёғий қўшинлари ўтиб келур! Халқнинг бошига ёғиладиган балоларни ўйласам, бугунги жалалар селга айланиб, ўша кўприкни оқизиб кетмаганига афсус қиламен! Агар ёғий, бу томонга ўтолмасин деб, ўша кўприкни ҳозир ёндириб юборсалар, мен жон деб рози бўлур эдим!

«Чиндан ҳам, – ўйлади Тоҳир ўзича, – ёғоч кўприк. Ёғ сепса ёнур. Ёғий фақат шу кўприкдан ўтиши мумкин. Кечув ҳам йўқ. Ҳаммаёқ ботқоқлик, қамишзор. Агар кўприк ёндирилса, ёғий ўтолмагай!» Тоҳир кутилмаган жойдан нажот йўлини топгандай бўлди. Тасаввурида гавдаланган ёнғин алангасидан гўё унинг бадани қизиб кетгандай туюлди. Робияни бало-қазодан асрайдиган энг зўр қалқон ана ўша олов бўлиши мумкин! Тоҳир қалтис истакдан кўзлари ёниб отасига қаради. «Айтсаммикин? Йўқ! Розилик бермас.

Ёлғиз ўғилмен. Тоғам... нозик одам, аралашмагани маъқул. Таваккалчи йигитлардан топишим керак!»

Тоҳир секин ўрнидан туриб, ҳовлига чиқди.

Осмонни тўлдирган булутларнинг йиртиғидан бирдаярим юлдузлар кўриниб қолади. Уйлар чироқсиз. Кўчалар сукутда. Аҳён-аҳёнда кучуклар ҳургани эшитилади.

Ифторни қилиб чиққан Маҳмуд Тоҳирга дарвоза олдида учради. Робиянинг акаси бўлган бу косиб йигит Андижон қўрғонига кетишдан гап очган эди:

– Э, бу ниятлар ҳаммаси пучга чиқди! – деб Тоҳир унга тоғасидан эшитганларини айтиб берди. Маҳмудни ҳам бирдан ғам босиб:

– Энди қайдан нажот излаймиз, э Худо! – деди.

– Ўзинг учун ўл етим, деган гап бор, Маҳмуд... Юр, дарвозахонага кирайлик. Бир сир айтамен. Оғзингдан чиқарма! Кўприкни ёндирамиз!..

– Қандай қилиб? – ҳайрат билан сўради Маҳмуд. Тоҳир унга ўзининг режасини шивирлаб тушунтирди.

– Ёғ сепсак, ёғоч тез ёнгай. Билдингми?

– Жинни бўлибсен! Кўприкда соқчилар бор-ку.

– Ўзимизнинг беклар қўйган соқчиларми? Ҳали ёғий яқин келса ҳаммаси қўрғонга қочгай. Ўшанда биз...

– Йўқ, шошма! Ахсидан бизнинг подшомиз қўшин тортиб келаётган эмиш. Бу кўприк ҳали ўзимизга керак!..

– Подшойинг қўрғонидан чиқса шу кунгача чиқар эди! Ана, Марғилон ҳам бой берилибди! Подшодан дарак йўқ!..

– Билмасам, кадхудо[1] гузарда ишонтириб айтди. «Подшо ҳазратлари йўлда, эрта-индин ҳимоямизга етиб келишлари аниқ!» – деди.

– Чиндан йўлга чиқибдими, а?

– Ҳа, ўз қулоғим билан эшитдим! Бултур подшомиз ёғий билан Хўжанддан нари Ховосга бориб урушган экан-ку. Қува Ахсига Ховосдан ёвуқроқ[2] эмасми?

– Ёвуқликка-ёвуқ-ку!.. Зора, сен айтганинг рост чиқса-я, Маҳмуд?

– Ҳа, ахир, кўприкка соқчиларни бекорга қўйганларми?.. Подшомиз эрта-индин келиб жонимизга оро киргай... Мана, кўрурсен!..

[1] Кадхудо – қишлоқ оқсоқоли.

[2] Йовуқ – Яқин.

Шу топда Тоҳирнинг кўнглида ҳам умид учқунлагандай бўлди. У қоронғи осмоннинг узоқ бир четида – Сирдарёдан нарида жойлашган Ахси томонга интизор кўзлар билан тикилди.

АХСИ

АЖАЛГА ДАВО ЙЎҚ

1

Баланд тепалик устига қурилган Ахси қалъаси тун оғушида тоғ қоясига ўхшаб қорайиб кўринади. Қалъа этагида Косонсойнинг Сирдарёга гувуллаб қуйилаётгани, икки дарё тўлқинлари бир-бирлари билан олишиб, қирғоққа шалоплаб урилаётгани узоқдан эшитилиб туради.

Ахсининг ҳукмрони Умаршайх мирзо бу кеча ҳарамда ўн саккиз ёшли Қоракўз бегимнинг хобгоҳида ухлаб ётибди. Шоҳона тўшакнинг ипак пардаси ортида биттагина шам липиллаб ёниб турибди. Унинг заиф ёғдуси ташқаридан босиб кирмоқчи бўлаётган тун қоронғисидан қўрққандай титраб-қалтирайди.

Саҳар пайтида қалъа сукунатини бузиб ҳазин сурнай товуши янгради. Сўнг унга қўш нақора товуши жўр бўлди. Рўза тутиш – шоҳу малайга баробар келган мажбурият бўлгани учун сурнай ва нақора сарой аҳлини саҳарликка уйғотмоқда эди.

Ёз тунлари қисқа, уйқуга тўймай саҳарликка туриш хийла нохуш. Шундай бўлса ҳам Қоракўз бегим ўрнидан оҳиста туриб ювинди, кийинди. Лекин парқу тўшакда бақувват қўлларини ипак чойшабдан чиқариб ухлаб ётган Умаршайх мирзо ҳамон уйғонмас эди.

Хобгоҳдан икки хона нарида ҳашаматли танобий уйда аллақачон тузаб қўйилган дастурхон Мирзога мунтазир эди. Унинг кеча ифтордан сўнг берган амрига мувофиқ бугунги саҳарлик учала хотинлари ва болалари билан бирга қилиниши керак эди. Мирзонинг биринчи хотини Фотима Султон, иккинчи хотини Қутлуғ Нигор хоним, ўн саккиз ёшли қизи Хонзода бегим ва ўн яшар ўғли Жаҳонгир мирзо – ҳамма-

лари ўша танобий уйга йиғилган эдилар. Лекин ҳазратнинг ўзлари келмагунча ҳеч ким тамадди қила олмас эди. Ички эшикдан Қоракўз бегим чиқиб келди. Кичик жуссали бу ёш жувон тепада ёнаётган қандил ёруғида беҳад чиройли кўринди. У катта бегимларга уялибгина салом берди-да, ҳазратни уйғотишга журъат этолмаганини айтди.

Қоракўз бегимнинг ёшлиги, гўзаллиги, хусусан, уялиб гапириши ҳозир унинг энг суюкли хотин эканини эсга туширди-ю, Фотима Султоннинг рашкини қўзғади.

– Ҳазратимни мунча қаттиқ ухлатибсиз, энди уйғотиш нечун илкингиздан келмайдир?

Қутлуғ Нигор хоним болалар олдида қилинган бу киноядан озорланиб:

– Қўйинг, оға ойи. Бу бегимда айб йўқ! – деди.

Хонзода бегим ойисининг юзига маъноли кўз ташлаб: «Айб бизнинг отамиздами?» демоқчи бўлди. Подшоҳ ота қизи тенглик Қоракўз бегимнинг хобгоҳида, қонли уруш ҳаммани бесаранжом қилиб турган шундай таҳликали тунда қотиб ухлаб ётиши унга беҳад хунук туюлди. Ҳозир отаси келса, Хонзода бегим унинг юзига қарай олмаслигини сезди-ю, ойисидан илтимос қилди:

– Рухсат беринг, мен кетай... Саҳарликни бошқа қизлар билан қилай...

– Ҳазрат отангиз сўрасалар, биз не деймиз? Хафа бўлмасинлар, тағин. Сабр қилинг, қизим... Мунча ошиқманг...

Ташқари эшикдан таъзим қилиб кирган чошнагир[1] аёл овозини қўрқув билан пасайтириб хабар берди:

– Осмонда юлдузлар сийрак қолди. Ҳадемай тонг ёришур. Ҳазрати олий саҳарликсиз қолурларму?

Тонг отиб, азон айтилгандан сўнг рўза ўз кучига киради, ҳеч ким ҳеч нарса еб-ичиши мумкин бўлмай қолади. Узун ва иссиқ ёз кунида подшоҳни саҳарликсиз қолдириш бегимлар учун ўзлари оч-наҳор қолишларидан қўрқинчлироқ эди. Барча кўзлар ички эшик олдида ийманиб турган Қоракўз бегимга тикилди. Мирзо унинг хобгоҳида ётибди, у ерга кириб ҳазратнинг ширин уйқусини бузишга бошқа ҳеч ким ботинолмайди. Чошнагир аёл Қоракўз бегимга илтижо қилди:

– Илоҳо, Рустамдай ўғил кўринг, бегим!.. Бугун умидимиз сиздан!

1 Чошнагир – подшонинг дастурхонига қарайдиган ходима.

Қоракўз бегим ташвишли юз билан секин бурилди-ю, ички эшиклардан ўтиб, хобгоҳга қайтиб борди. Умаршайх мирзо боши ёстиққа ботиб, қаттиқ ухламоқда эди. Қоракўз бегим олтин шамдонни парда ортидан олиб, нақшин токчага қўйди. Шам ёруғи Мирзонинг юзига тушди. Аммо бу ҳам уни уйғотолмади – Мирзо кечаси маъжун[1] еган эди. Қоракўз бегим уни чўчитиб юборишдан қўрқиб, майин товуш билан:

– Ҳазратим! – деб чақирди. Бу ҳам кор қилмади. Қоракўз бегим гилам узра чўккалаб, ваҳимадан хиёл титраётган нафис қўлларини ҳазратнинг майин чойшаб устида ётган залварли билагига қўйди. Тўшакдан гул ҳиди келмоқда эди – кеча оқшом чойшабларга гул атри сепилган эди. Қоракўз бегим Мирзонинг уйғонмаётганидан ажабланиб, унга тикилиб қаради. Лаблари ярим очиқ, оқиш юзи осойишта. Шу ётишда у қўрқинчли подшоҳ эмас, ҳали қирқ ёшга тўлмаган ва баҳодирона уйқуга чўмган кўҳлик бир йигит бўлиб кўринди. Бу йигит Қоракўз бегимга тўсатдан жуда ғанимат туюлди. Ҳозир юрт нотинч, Ахсига ёв бостириб келяпти. Мирзони ажал кутаётганини олдиндан сезгандек, Қоракўз бегимнинг юраги ёмон бир увишди. У тўсатдан эгилиб, Мирзонинг юзидан, кўзларидан видолашган каби ўпа бошлади.

Умаршайх мирзонинг киприклари титради. У кўзини очиб, тепасида турган Қоракўз бегимга карахт юз билан бир лаҳза тикилиб турди.

Қоракўз бегимнинг катта-катта кўзлари хавотир туйғусидан яна ҳам улканлашиб кетди. У уйқудаги Мирзони ўпиш беадаблик саналишидан таҳликага тушган эди. Мирзо:

– Сизми? – деди-ю, нима бўлганини фаҳмлаб, кулимсиради. Қоракўз бегим энди енгил тортди ва дадилланиб таъзим қилди.

– Ҳазратим, саҳарлик вақти ўтиб кетмасин.

– Сизнинг бўсаларингиз саҳарликдан ширинроқ...

Бегим жиддий гапирди:

– Оға ойим, хоним ойи – ҳаммалари ҳазратимга мунтазирлар.

Умаршайх мирзо бугунги режалари ва уруш ташвишларини эслаб, қовоғини солди-да, индамай ўрнидан турди.

[1] Маъжун – зиравор ва доривор гиёҳлардан тайёрланган. Кўпинча унга афюн ҳам қўшганлар.

У зардўзи кўрпачалар тўшалган танобийга тўрдаги эшикдан кириб келди. Салласи ва камарига қадалган қимматбаҳо гавҳарлар шам ёруғида нафис жилоланарди. Одатдаги таъзимлардан сўнг, аёллар нафасларини ичларига олиб, бир лаҳза жим қолдилар. Подшоҳ кимни қайси ёнига таклиф қилса – кимнинг ҳурмати қай даражада экани шу билан белгилаб берилади.

Фарғона водийсига уч томондан душман ҳужум қилиб келаётган шу оғир вазиятда Умаршайх мирзо ҳамма хотинларига иложи борича илтифот кўрсатмоқчи бўлди. Хотинлари орасида энг ёши улуғи ва энг обрўпарасти Фотима Султон бўлганлиги учун Мирзо биринчи бўлиб уни юқорига таклиф қилди. Фотима Султоннинг кўзлари қувончдан чақнаб кетди. У подшоҳнинг ўнг томонига ўтмоқчи бўлиб бораётган эди. Бироқ Умаршайх мирзо унга чап томонидан жой кўрсатди. Энг мўътабар ҳисобланган ўнг томонга эса Қутлуғ Нигор хонимни таклиф қилди. Хоним – тахт вориси Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг онаси эди, унинг ўнг томонида ўтириши адолатдан эканини кичик хотинлар тан олар эдилар. Аммо Фотима Султон ўзининг ҳурмати Қутлуғ Нигор хонимникидан паст эканини яна бир марта ҳис қилиб, кўзлари алам билан қисилди.

Дастурхонга тортилаётган кийик кабоби, каклик гўштлари ҳазратдан сўнг Қутлуғ Нигор хонимга қўйилар, ундан кейин Фотима Султонга навбат келар эди. Шу сабабли оғизда эрийдиган энг аъло гўштлар ҳам Фотима Султонга илитма овқатдек мазасиз туюларди. Оқшом ифторда ейилган таомлар ҳазм бўлиб улгурмаган, дастурхон атрофидагиларнинг кўпчилиги ҳали кун бўйи оч юришини ўйлаб, ўзини мажбур қилиб бўлса ҳам кўпроқ овқат ейишга интилар эди. Қутлуғ Нигор хонимнинг ёнида ўтирган Қоракўз бегим овқатдан ҳам кўпроқ бодринг, ҳандалак ер, шарбат ичар эди – кеча кун иссиғида ташналикдан ниҳоятда қийналгани эсидан чиқмаган эди.

Осмон оқариб қолди. Тонг ёришган сари қандилдаги шамларнинг нури хира торта бошлади. Азон айтадиган пайт ўтиб боряпти. Аркдан ташқаридаги масжиднинг имоми кошинли минорага чиқиб, баковулнинг[1] ишорасини сабрсизлик билан кутяпти. Ахир Мирзо ҳазратлари саҳарлик қилиб улгурмасдан, азон айтиш хатардан холи эмас. Овқат ейилиб, чойга ўтилганда Умаршайх мирзо хотинларига вазият қан-

[1] Б а к о в у л – подшоҳ ошхонасининг жавобгар ходими.

чалик оғирлашаётганини айтиб берди. Шу пайт масжид томондан азон товуши эшитилди. Чой ичаётган Хонзода бегим шошилиб пиёласини дастурхонга қўйди. Умаршайх мирзо хотинларига бир-бир қараб, деди:

– Мўйсафидлар «тўрт мучанг бутун бўлсин», деб дуо қилурлар. Фотима Султон, Қутлуғ Нигор хоним, Қоракўз бегим, фарзандларимиз Хонзода бегим, Жаҳонгир мирзо – ҳар биригиз оиламизнинг азиз бир мучасидирсиз. Истайменки, бу мушкул вазиятда ҳамма мучаларимиз бутун бўлсин, бир-бирларига меҳру шафқат кўрсатсин. Илик[1] ўз ўрнида азиз. Кўз ўз ўрнида мўътабар. Агар кўз билан илик бир-бирига низо қилса, бундан ҳар иккиси жабр кўрур.

Сўнгги гап Фотима Султон билан Қутлуғ Нигор хонимга қаратилганини ҳамма сезди. Хонимнинг хаёли шу хатарли вазиятда ота-онадан узоқда – Андижонда турган ёлғиз ўғли Бобурда эди. Ҳазрат уни нега фарзандлари қатори тилга олмади?

– Ҳазратим, берган ўгитингизни бебаҳо гавҳар ўрнида қабул қилурмиз, – деди Нигор хоним. – Ижозат берсангиз, битта ўтинчим бор.

– Ижозат.

– Уруш хатари кучли экан. Бобур мирзони Андижондан пойтахтга чақиртирсангиз, ёнимизда бўлсалар...

– Андижон қалъаси мустаҳкам. Бобур мирзо у ерда бўлса қалъа янада мустаҳкам бўлур. Бизнинг Мирзога ишончимиз катта.

Бу жавоб билан хонимнинг илтимоси рад этилди. Фотима Султон ёнида уйқусираб ўтирган ўғилчаси Жаҳонгир мирзони секин бағрига босиб, бошини силаб қўйди. Бу билан у Қутлуғ Нигор хонимдан кўра ўзининг аҳволи яхшироқ эканини намойиш қилмоқчи эди.

– Бобур мирзонинг онаси сиздан умрбод миннатдор, ҳазратим, – деди Қутлуғ Нигор хоним, – фақат ҳали ўн икки ёшга тўлмаган бола... уруш майдонида...

– Хоним, ортиқча хавотирга ўрин йўқ. Бобур мирзонинг ёнига энг яхши бекларимиз юборилган. Ёш бўлса ҳам саркардаликка тайёрланмоғи зарур. Агар менинг куним битса, ўрнимни Бобур мирзо олғай.

Энди ўттиз тўққиз ёшга кирган ва қирчиллама йигит ёшини яшаётган Мирзонинг ўз ўлими ҳақидаги сўзларидан ҳарам

[1] И л и к – бу ерда қўл маъносида.

аҳли оғир жимликка чўмди. Ҳамманинг хаёли қонли урушга кетди. Хонзода бегим отаси ҳақидаги бояги нохуш ўйларини унутиб, унга кўзи мўлтираб қаради. Умаршайх мирзо гапининг таъсирини янада оширгиси келиб давом этди.

– Агар мен бу фоний дунёдан кўз юмсам, ҳаммангиз Бобур мирзонинг амрини ҳозирги менинг амрим каби бажо келтиргайсиз. Жаҳонгир мирзо!

Подшоҳ отаси билан муомалага яхши ўргатилган ўн яшар бола дарҳол сергакланиб, қўлини кўксига қўйди:

– Лаббай, ҳазратим!..

– Менинг бу гапларимни сен ҳам эсда тутгил. Бобур мирзо сендан фақат икки ёш катта бўлса ҳам, агар менинг ўрнимда қолса, сен унга фарзанддек содиқ бўлғил.

– Хўп, ҳазратим!..

Бола отасининг сўзларидаги маънони дуруст тушунмагани учун бунчалик тез ва осон «хўп» деди. Аммо аёллар мураккаб ҳислар туғёнида қолдилар. Қоракўз бегимнинг Умаршайх мирзога термилиб турган кўзларида ёш йилтиллади. Мирзо буни кўрди-ю, суюкли хотинининг бояги ўпичлари эсига тушиб, видолашув аломатига ўхшаб туюлди. Умаршайх мирзо ўзининг сўнгги гаплари ҳам васиятга ўхшаб кетганини энди сезди. Юзига бирдан ажал шарпаси теккандай юраги «шиғ» этди. «Менга не бўлди? Ўлимни бўйнимга олиб васият қилдимми? Йўқ-йўқ!»

Мирзо ўз гапларидан ўзи қўрқиб кетганини пайқаган Хонзода бегим бугун отасининг алланечук ёрдамга муҳтож бир аҳволда эканини кўриб, унга бехосдан раҳми келди.

– Ҳазратим, мен мунглиқ қизингиз, сизга Худодан Шайх Саъдийнинг умрини тилаймен! Илоҳим юзга киринг!

– Айтганинг келсин, қизим! – деб Умаршайх мирзо енгил бир сўлиш олди. У қизининг зийраклигини, сўнгги пайтда бўй етиб, ҳусни етилиб, кўзга ниҳоятда яқин бўлиб қолганини гўё энди сезди-да, қўшиб қўйди: – Мен ахир сенинг тўйингни ўтказмоқчимен!

Хонзода бегимни Самарқанд подшосининг ўғли Бойсунқур мирзога сўратган эдилар. Лекин Умаршайх мирзо бунга рози бўлмаган эди. Мана энди агар жуда дўппи тор келса, балки у қизини подшоҳ акасининг ўғлига бериб, шу йўл билан урушни ярашга айлантирар? Лекин бундай истиқбол Хонзода бегимга қоронғи тундек мавҳум ва ваҳима-

ли туюларди. Унинг бошқа орзулари бор эди. Шунинг учун отасининг сўнгги ниятидан чўчиб, гапни бошқа ёққа бурди:

– Агар инимиз Бобур мирзони чақиртириш имконсиз бўлса, мен билан ойимга рухсат беринг, биз Андижонга борайлик!

– Қизим, сен менинг энг бебаҳо гавҳарларимдансен. Бу хатарли аснода сени қанотим остидан чиқармагаймен!

– Ундоқ бўлса, менга рухсат беринг, ҳазратим! – деди Қутлуғ Нигор хоним.

– Хоним, Марғилондан чопар кутмоқдамиз. Вазият аниқланса, рухсат олурсиз. Умаршайх мирзо дастурхонга фотиҳа ўқиб, ўрнидан турди-ю, шошилинч тадбирлар ўйлаб, ҳарамдан чиқди.

Ҳарамга кириш ҳуқуқидан маҳрум қўрчилар туни билан ташқарида қўриқчилик қилган эдилар. Энди ҳазрати олийнинг эътиборини тортмасликка ва хаёлини бўлмасликка тиришиб, секингина унга ергашдилар.

2

Тонг энди отган, ҳали офтоб чиқмаган бўлса ҳам кўпчилик беклар ва мулозимлар девони омда ҳозир ердилар. Ҳаммалари Мирзони таъзим билан қарши олдилар. Зарбоф тўн кийган, белига тилла камар боғлаган серсоқол эшикоға биринчи вазир даражасидаги энг катта бек эди. Мирзо унга юзланиб, қаердан чопар борлигини сўради.

– Ҳазрати олийлари, Исфарадан.

Эшикоға икки букилиб таъзим қилар экан, юзи тунд кўринди.

– Қандай хабар, бек?

– Ҳазратим, қулингизнинг бир қошиқ қонидан ўтинг...

– Демак, Исфара ҳам ёв қўлида! Мирзо ички бир титроқ билан Марғилон чопарини сўради.

– Ҳазратим, Марғилон чопарига интизормиз.

«Наҳотки Марғилон ҳам таслим бўлган? Унда Андижон ҳам хафв остида қолади! Ёки чопарлар ёв қўлига тушганмикин? Балки бирортаси хиёнат қилиб, нариги ёққа ўтиб кетгандир?»

– Ҳазрати олийлари, яна чопар юборишга фармон берурларми?

– Чопар юбориб яна неча кун йўлига қарайлик?!

Эшикоға узр сўрагандек, таъзим қилиб, орқага чекинди.

Ахси қалъасининг қамалда қолиши Мирзога энди муқаррардек туюлди. У эшикоғага олти ойлик захира тайёрлатишни буюрди. Қалъа баланд тепаликда тургани учун унга сув чиқмас, сувни мешкобчилар ташиб келтиришар эди. Мирзо ўттиз ёшли, хушқомат Қосимбекка қалъа ичида бир тошҳовуз қурдириш ва уни сув билан тўлдиртириш амрини берди.

Мирзонинг авзои ёмонлигини сезиб турган беклар дарҳол унинг фармонини бажаришга киришдилар. Мирзонинг ўзи эса отланиб аркдан чиқди. Мулозимлар ва қўрчилар ҳам отланиб, одатдагидай, унга ергашдилар.

Умаршайх мирзо қалъанинг бир четида, дарёнинг баланд қирғоғи устида, жар лабида турган кабутархонага қараб йўл олди. Отлиқ чопарлар дом-дараксиз кетганликлари учун Мирзо энди қанотли «чопар»ларини ишга солмоқчи эди.

Кабутарларнинг дон ва сувларига қараётган кабутарбонлар подшоҳни яқин келиб қолганда кўрдилару шоша-пиша таъзимга чиқдилар. Мирзо отини тўхтатди. Орқадаги мулозимлардан иккитаси – рикобдор[1] билан жиловдор тез отдан тушдилар. Бири Мирзо минган қора қашқа отнинг олтин жиловидан, иккинчиси кумуш узангисидан тутди. Мирзо каттагина қорин қўйган семиз одам эди, отдан эҳтиёт билан секин тушди. Марғилон ва Қўқонга учадиган махсус кабутарлар келтирилди. Найча қилинган қисқа хатлар уларнинг қанотлари тагига маҳкамланди. Умаршайх мирзо кабутарларни ўз қўли билан учиришни яхши кўрар эди. У ҳаворанг чиний кабутарни қўлига олиб, ёғоч зина билан кабутархонанинг томига чиқди.

Томдан атроф жуда яхши кўринар эди. Узоқдаги тоғ ортидан қуёш жимгина кўтарилиб келар, пастда шовуллаётган дарёнинг тўлқинлари нафис жилоланиб турар, ғир-ғир эсаётган эрталабки шабада ипакдай майин туюлар эди. Умаршайх мирзо том тепасида туриб, ўзи мустаҳкамлатган ва пойтахтга айлантирган Ахсига кўз югуртириб чиқди. Қўрғоннинг қўлетмас баландликка қурилганидан ва атрофи чуқур ўнгирлар билан иҳота қилинганидан алоҳида бир мамнуният сезди. «Ҳали бу жарларга қанчадан-қанча ёғийларим қулагай», деган ўй кўнглини шод қилди.

Бироқ бу баҳайбат ўнгирлар оёқ остидаги заминни ичдан ҳилвиратиб қўйганини, кабутархона ортидаги жарнинг тагини сув ўйиб кетганини, ер ўпирилгудек бўлиб турганини Мирзо ҳам, унинг атрофидаги мулозимлар ҳам мутлақо

[1] Р и к о б д о р – узангичи.

сезмас эдилар. Тупроғи тўкилиб, қулашга баҳона тополмай турган жарнинг қаърида хатарли бир шарпа борлигини ҳозир фақат кабутарлар сезаётган бўлса эҳтимол. Чиройли тўрлар ва озода катаклар ичида ўтирган бу жониворлар бугун кечаси негадир жуда безовталаниб, патир-путир қилиб чиқишди. Ҳозир ҳам улар дон-сувга қарамай, нуқул ташқарига интилишар, катак чивиқларини асабий чўқишар эди. Кабутарбонлар бунинг сабабини тушунмай ҳайрон эдилар.

Фақат Умаршайх мирзонинг қўлидаги чиний кабутар катакдаги хатардан қутулгандай осойишта бўлиб қолган эди. Ҳозир бутун олам Умаршайх мирзога мана шу кабутардай маъсум ва осуда туюлди. У том ўртасига бориб, кабутарнинг майин қанотини юзига босди. Уни учиришдан олдин:

– Марғилонга уч, қанотли чопарим! – деб шивирлади. Тагидан нураб турган жар шу аснода бирдан ўпирилди.

Кабутарлар қўнадиган айри ёғоч «шақ» этиб пастга учиб кетди. Одамлар нима бўлаётганини тушуниб улгурмасларидан кабутархонанинг нариги девори жар билан бирга ўнгирга қулаб, томни ҳам тортиб кетди. Томнинг ўртасида турган Умаршайх мирзо чанг-тўзон ичида қаттиқ бир чайқалди-ю, гандираклаб йиқилди. Унинг жон аччиғи билан қичқиргани ваҳимали қарсиллаш ва гурсиллашларга қўшилиб эшитилди. У йиқилиб тушаётганда қўлидаги кабутарни қўйиб юборган эди. Чиний кабутар чанг-тўзон орасидан юлқиниб чиқиб, осмонга қараб отилди. Мирзонинг ўзи эса том ёғочларига, сомон сувоқларига, жар тупроқларига аралашиб, уч терак бўйи пастга қулаб кетди. Мирзонинг кетидан томга энди чиққан кабутарбон зинапоядан ўзини ерга отди. Мулозимлар ва қўрчилар кутилмаган фалокатдан ваҳимага тушиб орқага қочдилар. Отлар ҳуркиб, нўхталарини узгудек силтанишар ва кишнашарди.

Ҳазрати олийни хафв-хатардан асраймиз, деб юрган қўрчилар аввал нима бўлганини фаҳмлай олмай эсанкираб қолдилар. Кейин улар жар ўпирилганини фаҳмладилар, лекин Мирзонинг олдига тезда етиб бора олмадилар. Чунки бош айланадиган баландликдан пастга тушиб бўлмас, нураб турган жарнинг лабига одам борса яна ўпирилиши мумкин эди. Қўрчилар ва мулозимлар қалъадан от чоптириб чиқиб, Мирзо қулаб кетган жар этагига етиб боргунларича, сўнг уйилиб ётган тупроқ, кесак ва ёғочлар орасидан уни топиб, кавлаб олгунларича ўн жонидан бири ҳам қолмаган эди.

Унинг жасадини аркка киритиб ювдилар. Мажақланиб, таниб бўлмас ҳолатга келган юзини оқ шоҳи билан ёпиб қўйдилар.

Бугун эрталаб Умаршайх мирзо саҳарлик еган танобийда Қоракўз бегим Қутлуғ Нигор хонимни қучоқлаб уввос тортиб йиғлар эди.

– Мен сабаб бўлдим, хоним ая! Ҳазратимни мен нечун уйғотдим?! Уйғотмасам ўша жойга кечроқ борар эдилар-ку! Мен юзи қора сабаб бўлдим бу ўлимга! Мен!

Бугун саҳарлик пайтида Мирзо худди ўлишини билгандай васият қилганини эслаб, Қутлуғ Нигор хоним ҳам ўзини йиғидан тутолмас эди.

– Э, воҳ, раҳматли куни битганини қандай билган экан-а?! Шундай гапларни айтдилар... Қоракўз бегим хонимнинг қучоғидан чиқиб, кичкина мушти билан чаккасига урди.

– Мен ҳали туғилмаган фарзандимни отасидан жудо қилдим, хоним ая! – деб ўртаниб шивирлади: – Бўйимда бўлганини шу кеча билиб эдилар! «Ўғил бўлсин!» – деб орзу қилиб эдилар! Энди бу болага отасини қайдан топамиз?! Қайдан топамиз?! Мен ҳазратимни нечун уйғотдим, хоним ая? У кишига келган ажал мени олса бўлмасмиди? Ўша жардан мен қуласам бўлмасмиди?

– Ундоқ деманг, жоним! Биз ҳам энди жар лабида қолдик! Бутун атрофимиз таҳликали жар!

Қутлуғ Нигор хоним эрининг кутилмаган ўлимида қандайдир сирли бир маъно борлигини ҳозир тилига келган шу сўзлардан сезди. Умаршайх мирзодек жанговар одам қонли урушларда қилич чопиб юрганда ўлмасдан, жардан қулаб ўлгани тасодифмикин? Мирзонинг ота-боболари барпо этиб кетган давлат мана шундай баланд жарлар лабига қурилган биноларга ўхшамасмикин? Парча-парча бўлиб кетган ва ўзаро урушларда емирилаётган улкан давлат Қутлуғ Нигор хонимнинг тасаввурида жарга қулаб тушаётган ўша биноларга ўхшаб кўринди-ю, вужудини сескантириб юборди. Ахир унинг ёлғиз ўғли, суюкли фарзанди Бобур ҳам мана шу биноларнинг бирида истиқомат қилмаяптими? Отасини олиб кетган ўпирилишлар Бобурнинг бошига ҳам тушмасмикин?!

– Йўқ-йўқ! Тангрим уни паноҳида асрасин! Мен борай, бегим, Андижонга чопар юборай! Бобур мирзони бу фалокатлардан огоҳ қилай!

Қутлуғ Нигор хоним кўз ёшларини артиб, ўз хонасига чиқди ва энг ишонган амирларидан Қосимбекни чақиртирди. Уни топиб келгунларича Андижон чорбоғида Бобур билан бирга турган онаси Эсон Давлат бегимнинг номига мактуб ёзди. Фотима Султон бегимнинг топшириғи билан Андижонга яширинча жўнаган Аҳмад Танбал бу орада Сирдарё кўпригидан ўтиб, Банди Солор йўли билан анча жойга бориб қолган эди. Кўзга ташланмаслик учун биттагина навкар эргаштириб кетаётган Аҳмад Танбал кеча Андижондан олтмишта навкар билан келган эди. Бугун Фотима Султон унга катта ваъдалар берди. Агар Аҳмад Танбал Андижондаги содиқ бекларнинг бошини қовуштириб, Бобурни четлатса-ю, тахтга Жаҳонгир мирзони ўтқазса, марра уники. Аҳмад Танбал Умаршайх мирзо саройида иккинчи даражали беклар қаторида шунча йил кўнгли чўкиб юрди. Энди бас! Жаҳонгир мирзо подшоҳ бўлса, Аҳмад Танбал унинг энг биринчи вазирига айланади. Норасида подшоҳга вазир бўлиш эса подшоҳ бўлиш билан баробар! Ана унда қаёқдаги мусаввирдан Хонзода бегимнинг суратини сўраб юрмайди. У Хонзода бегимнинг ўзини олади! Мана шу орзу билан Андижонга от суриб бораётган Аҳмад Танбал орқага ўгринча ўгирилиб қараб қўйди.

Банди Солор йўлида бошқа ҳеч ким кўринмас эди. Орадан бир неча соатлар ўтиб, Аҳмад Танбал кўзга кўринмай кетганидан кейин Ахсидан Қосимбек қавчин тўртта навкари билан от чоптириб чиқди. У ҳам тезроқ Андижонга етиб боришга интилар, Бобур мирзонинг тарафдорларини йиғиб, уни тахтга ўтқазиш иштиёқи билан ёнар эди.

АНДИЖОН

ГУЛ ВА ҚУЮН

1

Чопарлар ҳали йўлда. Уруш тўполони Андижонга етиб келганича йўқ. Шаҳарнинг шимолидаги кўркам чорбоғ баланд девор билан ўралган, дарвозаларга соқчилар қўйилган. Чорбоғ ичида ўн икки ёшли Бобур мирзо чавандозлик машқлари ўтказмоқда. У чорбоғ четидаги яланғликдан бўз

отни чоптириб чиқди-ю, бирдан жиловни қўйиб юборди. Камонга чапдастлик билан ўқ ўрнатди ва чопиб бораётган от устидан нишонга отди. Ёй ўқи нишон ёғочига «тақ» этиб урилгани баралла эшитилди. Бир тўп отлиқлар машқни чинор соясида туриб кузатмоқда эдилар. Қора отлиқ Мазидбек нишонга биринчи бўлиб яқинлашди. У Бобурнинг бек аткаси[1] эди. Бобур отини қайтариб келаётганда, Мазидбек унга:

– Мўлжални андак баландроқ олибсиз, аммо зарбингиз беҳад яхши, – деди.

Мазидбек сопига садаф қадалган ёй ўқини нишондан авайлаб суғуриб олди-да, қанчалик чуқур ботганини бармоғи билан ўлчаб кўрди:

– Билагингизда куч кўп, амирзодам! Шерпанжасиз. Подшоҳ ҳазратлари сизни Бобур деб атаганлари бежиз эмас. Бобур арабча шер демакдир!

Бобур мирзонинг навкарлари, яроқбардор, тенгдош-кўкалдош[2] мулозимлари ҳам нишон атрофига йиғилдилар. Улар Бобурнинг ҳали ёш ўспирин эканини, қўлидаги камони бўйи-бастига мос қилиб кичрайтириб ишланганини билар эдилар. Шуни ўйлаб, Бобур мақтовни ўзига олгиси келмади.

– Шерпанжа деб отамни айтсинлар. Мен кўрганмен, зарблари бундан ўн ҳисса ортиқ. Мушт урсалар, энг зўр йигитни ҳам йиқитурлар.

– Камина ҳам айтмоқчи эдимки, амирзодамнинг шерпанжаликлари подшоҳ отангизга тортганлигингиздан нишонадир!

Мазидбек гапни моҳирлик билан бурганини сезиб Бобур кулиб қўйди. Унинг майин сарғиш тукли пешонасида, юқори лабининг устида тер резалари йилтирарди.

– Кун исиди, амирзодам. Ёз рамазони тинкани қуритур. Ифторгача толиқиб қолмасинлар. Энди бориб, салқинда мутолаа қилсинлар. Камина Андижон қўрғонини мудофаага тайёрлаш билан банд бўлурмен.

Бобур мулозимлари билан машқ майдонидан чиқаётганида кўнглида янги бир истак уйғониб, кўзлари шўх йилтиради. У отини тўхтатиб, орқасига ўгирилди ва жийрон қашқа от минган навкарни ёнига чақирди. Навкар ёндашганда, қўлини чўзиб, отининг эгарини силкитиб кўрди.

[1] Бек аткa – ҳали балоғатга етмаган мирзоларга ҳомийлик қилиш учун подшоҳ томонидан тайин этиладиган масъул бек.

[2] Кўкалдош – бир онани эмган болалар.

Эгар маҳкам урилган эди. Бобур навкарга эллик қадамча нарига боришни, отдан тушиб, жиловидан секин етаклаб кетаверишни буюрди.

Мулозимлар орасида энг эътиборлиси Бобурнинг опаси билан бир онани эмиб ўсган ўн етти ёшли Нўён Кўкалдош эди. Мазидбек йўқлигида Бобурни эҳтиёт қилиш Нўёнга топширилган эди. Нўён Бобурнинг нима қилмоқчи эканини фаҳмлаб, безовталанди:

– Амирзодам, ҳозиргина бир машқдан чиқдингиз. Бошқа мушкул машқларни эртага қолдиринг.

– Хўп, мушкули эртага қолсин, ҳозир осонини кўрайлик, – кулиб деди Бобур. Навкар айтилган жойга бориб отдан тушди ва жийрон қашқасини секин етаклади. Бобур бўз отни чоптириб бориб, навкарга етганда оёқларини узангидан бўшатди, қамчини тишига олди. Бўз от жийрон қашқа билан жипс келган заҳоти Бобур бўй чўзиб, нариги отнинг эгаридан икки қўллаб ушлади-ю, бор кучи билан эгардан-эгарга сакради.

Бироқ навкарнинг оти сакраш зарбидан чўчиб, ҳуркиб кетди. Бобурнинг хипча гавдаси бир лаҳза ҳавода муаллақ бўлиб қолди, кейин пастга тушиб кетди. Оёқлари ерга «тап» этиб урилди. Аммо у қўлларини эгардан бўшатмади – бўшатса ёмон йиқилишини сезиб, жон-жаҳди билан ёпишди. Билаклари чиндан ҳам кучли экан, шундай оғирликка бардош берди. Фақат навкар отини тўхтатиб олгунча Бобурнинг оёқлари ерни тирнаб судралиб борди-ю, бежирим ипак салласи бошидан учиб кетди.

Нўён Кўкалдош ёрдамга етиб келганда Бобур ўзини ўнглаб оёқда турар, бироқ ранги жуда оқариб кетган эди. Нўён отдан сакраб тушди ва Бобурга салласини олиб бермоқчи бўлди. Аммо Бобур тупроққа тушган саллага қарагиси ҳам келмади. Қамчи ҳамон тишида эди, уни қўлига олди, навкар етаклаб келган бўз отга индамай минди. Сўнг отига қамчи босиб, чорбоғ дарахтлари орасидан от чоптириб кетди. Нўён унинг кетидан ваҳима билан тикилганича қолди. Ҳаммаёқ дов-дарахт, ариқ. Отлиқлар юрадиган катта йўл чорбоғнинг нариги четидан ўтади. Бобур эса тўғрига кетган тор сўқмоқдан, қалин дарахтлар орасидан елдай учиб боряпти! От ариқдан сакраб ўтаётганда Бобурнинг боши ариқ бўйида ўсган ўрикнинг катта бир шохига уриладиган эди. Аммо у

отнинг бўйнини қучоқлаб, пастга шундай эгилдики, ўрик новдалари орқасини ишқалаб ўтди. Пишган ўриклардан бир канчаси узилиб, арикдаги сувга «чўлп-чўлп» этиб тушди.

– Сен нега отни маҳкам тутмадинг, авбош! – деб Нўён навкарни сўкди. – Ҳаммамиз амирзоданинг қаҳрига қолдик! Биздан хафа бўлиб кетдилар!

Бобур боғ тўридаги муҳташам кўшк олдига бориб, отини тўхтатди. Хизматкорларидан бири шошилиб келиб отнинг жиловидан олар экан, Бобурнинг ёлғиз ва бошяланг қайтганидан таажжубга тушди. Кўшкда Бобурнинг бувиси Эсон Давлат бегим уни кутиб ўтирган бўлса керак. Агар ҳозир у Бобурнинг қай аҳволда қайтганини кўрса-ю, нималар бўлганини билса, мулозимлар ҳам, навкарлар ҳам жазо олиши аниқ. Чунки подшоҳ ҳазратлари Бобурни кўз қорачиғидай асрашни Эсон Давлат бегимга топшириб, чорбоғ ва қасрни ҳамма хизматкорлари билан унинг ихтиёрига бериб қўйган.

Мулозим ва навкарлар қўрқа-писа кўшкка яқинлашаётганларида мармар ҳовуздан беридаги беҳи шохига қантариб қўйилган бўз отга кўзлари тушди. Бобур ҳовуз бўйидаги тиллакори шийпонга кирганини сезишиб, шу ерда секин отдан тушдилар. Нўён Кўкалдош Бобурнинг салласини чангдан тозалаб, қўлида авайлаб олиб келмоқда эди. Шу пайт шийпон ичидан бошига бўрк кийган Бобур чиқди. Оти ҳуркkан навкар ўзини Бобурнинг оёғи тагига ташлаб, узр сўрашга чоғланди.

Нўён Кўкалдош саллани нодир совғага ўхшатиб авайлаб кўтариб келаётгани Бобурга бирдан жуда кулгили туюлди. Ундан қаҳрли дашном кутиб бош эгиб турганлар тўсатдан кулги товушини эшитиб, ҳайрат билан бош кўтардилар. Бобур болаларча завқ билан гавдасини орқага ташлаб, хандон уриб кулар эди. Нўён Кўкалдош ҳам қўлидаги саллага энди бошқача кўз билан қаради ва кулиб юборди. Бошқалар ҳам елкаларидан тоғ қулаб тушгандай яйраб кулар ва жилмаяр эди. Бобур кулгидан тўхтаб, оти ҳуркkан навкарга юзланди:

– Сизда айб йўқ эди...

Навкар ундан катта бир инъом олгандай астойдил миннатдор бўлиб таъзим қилди. Бобур Нўёнга тайинлади:

– Катта онам билмасинлар.

– Муддаомиз ўзи шу, амирзодам, – кулди Нўён ва бошқа мулозимларга сирдошларча кўз қисиб қўйди.

Шундай пайтда кўкалдош ва тенгдошлар ўзларини тахт ворисига хизмат қилиб юрган ёш мулозимлар деб эмас, унинг сирларига шерик бўлган яқин дўстлар деб билишар ва бундан кўнгиллари ўсиб, Бобурга меҳрлари ошар эди. Кўшкдан чиқиб келган савдар Бобур қаршисида қўл қовуштириб, ичкарида мударрис уни кутиб ўтирганини айтди. Бобур бугун шариат илмидан дарс олиши кераклигини эслади ва тенгдошларидан истар-истамас ажралиб, кўшкка йўналди.

Эшиклари нафис ўймакорликлар билан безанган, ичидаги олтин-кумуш буюмлар кўзни қамаштирадиган кўшкда ҳозир Бобурни фақат битта хона ўзига тортар эди. Мударрисниng кутиб ўтирганига қарамай, Бобур яхши кўрган китоблари қўйилган шу хонага бурилди. Бахмал ва чарм муқовалар ичидан саҳифаларга битилган сатрларда улуғ шоирларнинг оташ нафаслари сезилиб тургандай бўлади. Бобур Фирдавсийдан, Саъдийдан минглаб байтларни ёд билади. Ҳозир у китоблари орасидан «Хамса»ни олар экан, узоқ Ҳиротда яшаётган Алишер Навоийни хаёл кўзи билан кўриб тургандай бўлди. Ҳиротда таълим олиб келган андижонлик меъмор мулла Фазлиддин мана шу кўшк ва мармар ҳовузли тиллакори шийпонни қурган пайтларида ёш Бобурга Навоий ҳақида жуда кўп ажойиб ҳикоялар айтиб берган эди. Меъмор Ҳиротдан Алишер Навоийнинг Беҳзод чизган расмидан яхши бир нусха кўчиртириб келган эди. Бобур ҳам Навоийга ихлосманд эканини сезган меъмор унга мана шу расмни инъом қилган эди. Бобур «Фарҳод ва Ширин» достони қатидан шу расмни олди-ю, шариат илмига оид дафтарининг ичига солди. Сўнг мударрис ўтирган хонага чиқди.

Оппоқ соқоли кўкрагини қоплаб ётган, катта оқ салла ўраган қошлари ўсиқ кекса мударрис дарсхона тўрида, баноpас кўрпача устида ўтириб, Қуръондан қироат билан суралар ўқигач, форс тилида фиқҳ[1] илмининг қонунларини тушунтиришга киришди. Бобур араб-форс тилларини яхши ўрганган, Қуръон сураларининг кўпини ёд билар, маъносини ҳам тушунар эди, фиқҳ илмининг баъзи нуқталарига қизиқар ҳам эди-ю, аммо ҳозир шу дақиқаларда унинг кўз олдидан Суҳроб ва Фарҳодларнинг қаҳрамонона ишлари сурон солиб ўтмоқда эди. Чорбоғдаги машқлар пайтида та-

[1] Ф и қ ҳ – мусулмон қонуншунослиги.

насига сиғмай авжланиб кетган шўх, бебош бир куч ҳали ҳам қалбини жунбишга келтириб турибди.

Унга ёд бўлиб қолган севимли байтлар гоҳ туркий, гоҳ форсий оҳангларда мударрис қироатини ёриб ўтиб, хаёлида жаранглаб эшитила бошлади:

«Қоши ёсинму дейин, кўзи қаросинму дейин?»...

«Зи мардони жаҳон марди биёмуз!»[1]

Ёд бўлиб қолган бу сатрлар хаёлидан ўтаётганда, Бобур дафтари орасига солинган суратни мударрисга кўрсатмасликка уриниб секин олди. Кўзларидан илҳом ва меҳр ёғилаётган Навоий узун қора чакмон кийган, ингичка ҳассага суянган. Унинг бутун қиёфаси яхшилик истаб келган ҳар бир кишига катта яхшиликлар қила олишидан далолат беради. Бобур суратга қараб туриб ўзича сўради: «Улуғ амир, насиб қилса, ҳузурингизга борсам, йўлимда Ахриман-у аждаҳо учраса, Фарҳодингиздай ҳаммасини енгиб ўтсам. Ўшанда сиз менга... шеърият тилсимини очғучи калит берурмисиз?» Мударрис қироат билан уқтираётган дарслари беҳуда кетаётганини бирдан сезиб қолди, секин ўрнидан турди-да, Бобурнинг ёнига келди. Бобур суратни яширишга улгуролмади.

– Одам сурати? – шиддат билан сўради мударрис. – Сиз Қуръони шарифдан сабоқ эшитиш ўрнига шариат қатъиян ман этган суратқашлик билан машғулмисиз.

– Мударрис жаноблари, бу суратни мен чизган эмасмен. Буни менга Ҳиротдин келтирмишлар. Бу улуғ зот – Амир Алишер.

Мударрис Навоийни шоир деб эшитган, асарларини ҳали ўқимаган эди.

– Одам суратини тарқатмоқ – шайтони лаъиннинг иши! Қани бу суратни менга беринг, мирзом! Беринг!

Мударрисннинг қаҳрли важоҳати суратни йиртиб ташлашдан ҳам тоймаслигини кўрсатар эди. Шунинг учун Бобур суратни бермай туриб олди. Мударрисннинг ғазаби келди-ю, аммо тахт ворисига қаттиқ гапиришдан қўрқди. Бобурдан хафа бўлиб, Эсон Давлат бегимга шикоят қилгани кетди.

Эллик беш ёшлардаги салобатли кампир сидирға оқ атлас кўйлагини шитирлатиб дарсхонага кириб келаётганда Бобур дарҳол ўрнидан туриб, бувисига салом берди. Эсон

[1] «Мардликни жаҳон мардларидан ўрган».

Давлат бегим суратни қўлига олди ва Навоий тасвирига беихтиёр қизиқиб:

– Юзларида фаришталари бор зот эканлар, – деб қўйди. Сўнг ҳарир даканасининг бир чети билан юзини мударрисдан тўсиб, унга ярим ўгирилган ҳолда деди: – Мударрис жаноблари, бу сурат Ҳиротда шариат пешволарининг рухсатлари билан чизилган-ку.

– Мени маъзур тутинг, ҳазрат хоним, – деди эшик олдида қовоқ солиб ерга қараб турган мударрис, – аммо Ҳиротда шариат қонунлари бузилмишдир. Шиалар таъсирида чизилган бу сурат бизнинг пок сунний мазҳабимизга мутлақо тўғри келмайди. Мен тахт ворисини огоҳ қилмоқчиманки, бизга Муҳаммад алайҳиссалом васият қилган чин мусулмонлик алҳол Хуросонда эмас, Мовароуннаҳрдадир!

Эсон Давлат бегим мударрис билан мазҳаблар тўғрисида баҳслашиб ўтиришни истамади. Бобурга юзланиб:

– Мударрис жаноблари бир жиҳатдан ҳақлар, – деди, – фиқҳ дарсида сурат томошаси ўринсиз, азизим. Тангри иноят қилса, сиз ҳукмдор бўлиб юрт сўрагайсиз. Шунинг учун фиқҳ қонунларини бошидан-охиригача билиб олинг. Суратни мен олиб кетай.

Бобур суратни бувисидан бир нафасга сўраб олди-ю, авайлаб китоб орасига солиб берди.

– Эҳтиёт қилингиз, сизга орзуимни топширдим, – деди. Эсон Давлат бегим неварасининг сўзларини ёқтириб деди:

– Балки Алишербекни Андижонга таклиф қилурсиз.

– Келурмиканлар? – кўзлари ёниб сўради Бобур.

– Самарқандга келганлар-ку, Фарғона водийсининг таърифи оламга машҳур. Илож топсалар, албатта, келурлар. Алишербек ниҳоятда пок, авлиётабиат одам, деб эшитганмиз. Ўзлари келсалар, мударрис жанобларига ҳам манзур бўлишлари шубҳасиз!

Мударриснинг энди сал чеҳраси очилди. Қаддини тиклаб:

– Шояд шундай бўлса! – деб қўйди.

Эсон Давлат бегим уларни усталик билан яраштирганидан мамнун бўлиб дарсхонадан чиқди.

2

Кун қиёмига келиб, пешин намози ўқилгандан кейин кўшкнинг ич-таши жимжит бўлиб қолди. Рўзанинг азоби энди билина бошлаган, ёз кунида чанқаб ҳолсизланган одамлар кунни қандай кеч қилишни билмай бетоқат бўлишар эди. Кошона эгалари салқин хоналарда жимгина ётиб, уйқу билан жон сақлашни одат қилганлар. Бобур ҳам бугунги сабоқларини тугатиб, ўз хонасида ёнбошлаб ётибди. Бироқ бояги ширин орзулар ҳамон хаёлини тўлқинлантириб, кўзига уйқу қўндирмайди. У қоғоз-қалам олиб, шеър ёзмоқчи бўлди. Лекин ҳозир унинг хаёлига ёд бўлиб қолган машҳур байтлардан бошқа шеър келмас эди. Шунда у иккинчи бир дафтарни олди-ю, Фарғона водийси ҳақида билганларини оддий наср тариқасида ёза бошлади: *«Гирдо-гирди тоғлар, ови қуши кўп. Оқ кийикни Ахси чўлида кўрганбиз. Марғилон ёвуғида ҳам бор».* Бобур Фарғона водийсида нимаики гўзаллик кўрган бўлса, ҳаммасини ёзгиси келар эди. Кейин Ҳиротга Амир Алишернинг ҳузурига борганда бу ёзувлари жуда керак бўладиганга ўхшарди. У ёзувга берилиб кетиб, кўшк олдигача чопиб келган отнинг дупурини эшитмади.

Бирдан жимжит кўшкнинг аллақайси хонасида аёл кишининг ўртаниб йиғлагани эшитилди. Бобур чўчиб бошини кўтарди. Йиғи товуши Эсон Давлат бегимнинг хоналари томондан келмоқда эди. Бобур ўрнидан сакраб турди, такрор эшитилган аламли йиғидан эти жунжикиб, бувисининг хонасига қараб югурди.

Эшик ланг очиқ. Эсон Давлат бегимнинг рўмоли бошидан тушиб кетган. У қизи Қутлуғ Нигор хоним юборган хатни очиб ўқимоқчи бўлади, аммо ёшли кўзлари ҳеч нарсани кўрмайди.

Ахсидан ўлим хабарини олиб келган Қосимбек деворга елкаси билан мажолсиз суяниб, оёқларида зўрға турибди. У саксон чақиримли йўлни отда дам олмай босиб ўтган ва киприкларигача чанга ботган эди.

Ҳозиргина гулдай нафис туйғулар ичида юрган Бобурга ўлим хабари шу гул орасидан чиққан илон бўлиб туюлди. У Қосимбекдан сескангандай ранги ўчиб, бирдан орқага тисарилди. Қосимбек эса унга интилди. Бобур қаршисида тиз чўкиб, бўғиқ ва илтимоскорона овоз билан гапира бошлади:

– Мирзом!.. Тангри сизга қувват берсин! Энди бизнинг пушти-паноҳимиз ўзингизсиз! Икки тарафимизни ёғий босган. Волидангиз тайинлаб юбордилар. Дарҳол Андижон қўрғонига бориб, бекларни тўпламоқ керак!

Эсон Давлат бегим қайғуга берилиб, йиғлаб ўтирадиган пайт эмаслигини энди сезди. Қосимбекни оёққа турғизди-да:

– Садоқатингиздан миннатдормиз, – деди. – Сиз Бобур мирзо билан бирга отланинг! Биз ҳам энди чорбоғдан қўрғонга кўчамиз.

Мудҳиш хабар Бобурни жимжит қилиб қўйди. У карахт бир аҳволда кийинди, отига минди. Шу пайт унинг кўзига яшнаб турган дарахтлар, суви тўла мармар ҳовуз алланечук мунғайиб тургандай кўринди. Буларнинг ҳаммасини отаси бино қилган эди. Энди у одам бу жойларга ҳеч қачон келмайди. Ана у нашватиларнинг кўчатини Умаршайх мирзонинг ўзи ўтқаздирган эди. Ҳозир шулар мева солган, ҳадемай пишади. Аммо уларни эктирган одам энди ҳеч вақт бу мевалардан татиб кўролмайди. Чорбоғдан чиқиб, тош йўлдан бораётганларида Бобур яна отасини эслади. Бу йўлга отаси тўшатган тошлар ҳам турибди. Узоқда кўринган баланд қўрғонни ҳам отаси қурдирган эди. Ҳаммаси бутун, ҳаммаси бор. Фақат унинг ўзи йўқ. Бобур энди отасини умрбод кўролмаслигини бутун вужуди билан ҳис қилди-ю, аччиқ жудолик туйғуси бирдан унинг борлиғини тўлдириб, кўзларидан ёқасига ёш бўлиб томди. Олдинда сув тўлдирилган чоҳ ва ўн бир пахсали баланд девор билан ўралган Андижон қўрғони кўринди. Улар Мирзо дарвозасига яқинлашганларида ичкаридан беш-олти киши от чоптириб чиқди. Олдинда саман от миниб келаётган қисиқ кўзли мўғултахлит бек – Бобурнинг онасига қариндошчилиги бўлган Шерим тоғойи эди. У Бобурнинг юзида оғир мусибат аломатини кўрди-ю, отдан сакраб тушди, кўзига ёш келмаса ҳам ҳўнграб:

– Мен ишонмаган эдим, амирзодам! – деди. – Пушти-паноҳимиздан айрилганимиз ростми? Оҳ, бевафо дунё!

– Кимдан эшитдингиз? – сўради Қосимбек. – Бу хабар ҳозирча сир тутилмоғи керак эди!

Шеримбек ёқасини ушлаб:

– Тангрининг қудратини қарангки, – деди, – бир алоқачи кабутарим осмонда учиб юриб бирдан йўқ бўлиб қолди. «Ким уни тушириб олди?» – деб том устига чиқдим. Анчадан

кейин кабутар олдимга келиб қўнди. Қанотининг тагида бир қоғоз кўринди. Олиб қарасам мана шу қайғули хабар! Ким ёзган? Осмонда фаришталар ёзиб юбордими, билмадим!

Шеримбек Бобурнинг эгарига бир қўлини қўйиб, юзини унга яқинлаштирди-да, паст товуш билан.

– Мирзом, қўрғонга кирмангиз, хатарли, – деди.

Бу сўзларни Қосимбек ҳам эшитди. Умаршайх мирзо тириклигида дурустроқ лавозим ололмай кўнгли чўкиб юрган Шеримбек энди Бобур мирзога бошқалардан олдинроқ меҳру оқибат кўрсатиб, унинг ишончини қозонмоқчи ва каттароқ мартабага эришмоқчи эди. Қосимбек буни сезиб Бобурга осойишта гапирди:

– Амирзодам, ортиқча таҳликага ўрин йўқ. Тезроқ қўрғонга кириб, содиқ бекларни тўплайлик.

Шеримбек от устидаги Қосимбек билан ерда туриб сўзлашишни ўзига еп кўрмади. Шошиб отига минди-да, шиддат билан деди:

– Сиз ҳали аҳволни билмайсиз, жаноб Қосимбек! Содиқ бекларингиз Хўжандни ёғийга топширди! Исфарани топширди! Марғилонни топширди!

– Марғилонни?! – сесканиб сўради Бобур. – Қачон?

– Ҳозир хабар келди! Ёғий мўри малахдай ёпирилиб Қувага яқинлашди! Энди навбат Андижонга. Содиқ беклар Андижонга қўшиб Мирзомни ҳам ёғийга берсинларми? Йўқ! Мен тирик бўлсам, бунга йўл қўймаймен!

Оғир мусибат устига қўшилган бу шумхабарлар Бобурни жуда эсанкиратиб қўйди. Ўзи куни билан рўза тутиб, дармони кетиб борар, ниҳоятда қаттиқ чанқаганлигидан тили танглайига ёпишиб қолгандек туюлар эди. Унинг ташна кўзлари қўрғон девори тагидаги хандаққа тўлдирилган қорамтир сувга тушди. Туриб қолган шу қора сув ҳам унга алланечук жозибали кўринди. У қуруқшаган лабларини намсиз тили билан ялаб қўйди. Шеримбек дадил бориб, Бобур минган бўз отнинг олтин безакли юганидан олди:

– Мен содиқ тоғойингизмен, Мирзом, ижозат беринг, сизни бу хатарлардан узоққа олиб кетай!

Бобур Шеримбек айтаётган хатарларни ҳозир унча ўйламас ва аниқ ҳис қилмас эди. Аммо унинг қайғудан эзилган кўнгли ҳам, ташналикдан қийналаётган тани ҳам кўз олдидаги бекик ва дим қўрғондан кўра, узоқдаги дарахтзорлар-

ни, кенг, очиқ жойларни афзал кўрарди. Шунинг учун Шеримбек унинг отини орқага бураётганда Бобур қаршилик қилмади. Қосимбек саросима бўлиб:

– Мирзом, волидангизнинг тайинлаганлари бошқа эди! – деди.

– Волидалари бу ердаги аҳволни билмаганлар! – деб Бобурнинг ўрнига Шеримбек жавоб қилди. Аммо Қосимбек унинг гапига қулоқ солмай Бобурга ёндашди:

– Хоним ҳазратлари бугун дафн маросимини ўтказиб эртага Андижонга келурлар. Улуғ онангиз ҳам чорбоғдан кўрғонга кўчмоқчи эдилар. Улар сизни қаердан топурлар? Бобур энди сал хаёлини йиғиб, Шеримбекдан сўради:

– Қаёққа бормоқчимиз?

Шеримбек Қосимбекка эшиттирмасликка тиришиб, Бобурнинг қулоғига шивирлади:

– Олатоғ томонларга. Ўшга. Балки Ўзганга.

Бобур буни Қосимбекдан сир тутишни истамай, секин унга айтди:

– Ўш йўлида бўлурмиз. Онамга хабар беринг.

– Мен аввал кўрғондаги беклар билан сўзлашай, амирзодам! Уларнинг кайфиятини билай!

– Ундан кўра, Хўжа Абдуллага учранг.

– Бу амрингизни дарҳол бажо келтирурмен!

Қосимбек отини қўрғон дарвозаси томонга бурди. Бобур эса ёнидаги элликка яқин отлиқ билан қўрғондан узоқлашиб кета бошлади.

3

Қўрғон ичидан дарвозахонанинг томига чиқиб олган япасқи бир навкар девор кунгураси орасидан уларни кузатиб турган эди. Қосимбек Мирзо дарвозасидан шитоб билан кираётганда бу навкар ҳам томдан секин тушди-ю, девор олдига боғлаб қўйилган отни миниб, хўжайини Аҳмад Танбал кутиб турган жойга қараб кетди.

Мевалари ғарқ пишган катта боғнинг тўрида мармар гумбазли ҳаммом бор эди. Боғ эгаси Ёқуббек ёзнинг иссиқ кунларида шу ҳаммомнинг меҳмонхонага ўхшатиб безатилган салқин бир хонасида дам олар эди. Асил гиламлар тўшалган бу хонанинг тўрида ҳозир Аҳмад Танбал ўтириб-

ди. У кумуш билан безатилган қимиз кадидан жийда гулли пиёлага қимиз қуйиб, сипқорди. Сўнг сарғиш мўйловини кафти билан артар экан:

– Тангрим мени кечирсин, бугун рўзани буздим, – деди. – Йўлда ташналикдан тилим танглайимга ёпишиб қолди. Ҳушимдан кетиб отдан йиқиладиган ҳолатга келдим.

– Бугун сизга раво, – деди Ёқуббек. – Зарураст – маъзураст. Мушкул ишга бел боғлабсиз. Агар кушойиши коринг-изни бериб, тахт Жаҳонгир мирзоға ўтса, сиз унинг энг ишонган раҳнамоси бўлурсиз.

Аҳмад Танбал бу нурли истиқболни кўз олдига келтириб, бир энтикди. Олдинги тишларидан иккитаси тушиб кетган семиз Ёқуббек унга синовчан назар билан қараб турарди. Ёқуббекнинг нигоҳида «Менинг бу хатарли ишга нечун бош қўшаётганимни унутмасмикансен?» деган маъно бор эди. Аҳмад Танбал сергакланди:

– Бек жаноблари, сиз билан биз асли мўғул[1] уруғидан-миз. Барлосларнинг Фарғона вилоятида шунча вақт ҳукм сурганлари етар. Энди навбат бизники. Мен сизни мўғул бекларининг энг улуғи деб билурмен. Тангри омад бериб, агар мен тахт ворисига раҳнамо бўлсам, ўшанда ҳам менга сиз раҳнамолик қилғайсиз!

– Иншоолло! – деб Ёқуббек мамнун юз билан калта соқо-лини силаб қўйди. – Қани, Аҳмадбек, чанқоқ босилгандан сўнг очлик билинадир. Яхна гўштдин тотининг. Аҳмад Танбал чинни лагандаги гўштга энди қўл узатганда эшик секин очил-ди. Аҳмад Танбал лаганни бир четга суриб, эшикка қадалиб қаради. Бояги ясақи навкар хўжайинининг тинчини бузгани учун узр сўрагандай бўсағадан нарида туриб, таъзим қилди:

– Бек жаноблари, севинчи беринг! – деди. – Бобур мирзо қўрғонга кирмай қайтиб кетдилар.

– Айни муддао!

Аҳмад Танбал учун бу чиндан ҳам қувончли хабар эди. Чарм ҳамёнидан битта олтин танга олиб, бўсаға олдига ташлади. Ясақи навкар тангани шоша-пиша олиб, икки букилиб таъзим қилди. Сўнг Аҳмад Танбалнинг ишораси билан эшикни секин ёпиб, орқага чекинди.

Ахсидан Андижонга келиб тўғри Ёқуббекникига тушган Аҳмад Танбал подшоҳнинг ўлими ҳақидаги хабарни энг

[1] Бу ерда гап туркийлашган мўғуллар ҳақида боради.

аввал Шерим тоғойига етказдирган эди. Унинг ҳовлиқма феълини қўзғатиб, ўзи панада қолиш учун имзосиз хатни кабутар ёрдамида осмондан туширтирган эди.

– Маслаҳатингиз билан тузилган режа шарофатли чиқди! – деди Аҳмад Танбал уй эгасига мамнун кўз ташлаб.

– Ҳа, Шеримбек энди жиянини хафв-хатардан яхшилаб «халос қилур». Унинг энг нуфузли бекига айланиш учун Олатоғдан ҳам ошур.

– Энди биз Бобурнинг хатардан қўрқиб қочганини халойиқнинг қулоғига етказмоғимиз керак. Бобур шундай пайтда ота юрти Андижонни ташлаб кетганини халқ билсин, ундан ихлоси қайтсин. Ана ундан сўнг Жаҳонгир мирзонинг тахтга ўтиришига ҳеч бир монелик қолмас.

Ёқуббек соқолини тутамига олиб, бир лаҳза ўйланиб турди-ю:

– Овоза тарқатишнинг энг афзал жойи – бозор, – деди. – Менинг савдогар мижозларим бор.

– Аммо овоза биздан чиққанини ҳеч ким билмаслиги зарур!

– Хотиржам бўлсинлар, жаноб Аҳмадбек. Сир сақлашга қодирмиз...

* * *

Андижон аҳолиси душман қўшинлари яқинлашиб келаётганини эшитиб, шу кунларда жуда хафвсираб юрар эди. Шунинг устига: «Подшоҳ жардан йиқилиб ўлганмиш, шаҳарни бугун ёғий босар эмиш, Бобур мирзо қўрқиб қочганмиш», деган овоза тарқалди. Андижон расталаридаги ва тимнинг тагидаги дўконлар савдо энг қизиб турган пайтда бирин-кетин ёпила бошлади. Ҳалиги овозанинг қаердан чиққанини ҳеч ким аниқ билмас эди-ю, лекин халойиқ унга бир-биридан ваҳимали тафсилотлар қўшар эди. Ниҳоят, «Ахсини ҳам ёғий босганмиш, ёғий подшони жардан ташлаб ўлдирганмиш», деган гаплар ҳам пайдо бўлди. Халойиқ орасида юрадиган хуфиялар даҳшатли мишмишларни шаҳар ҳокими – доруғага етказиш учун аркка томон шошилдилар.

Бу орада Қосимбек Бобур мирзонинг устози Хўжа Абдуллани уйидан қидириб топган, улар икковлашиб аркдаги беклар олдига чиқишган эди. Хўжа Абдулла ҳам, беклар ҳам подшоҳнинг ўлимидан мутлақо бехабар эдилар. Бу хабарни Қосимбекдан эшитганларидан кейин, уруш хатари кўзларига янада таҳликали кўринди, ёмон ўзгаришлар бўлишини

сезишиб, саросима бўлиб қолишди. Шунинг устига бозорда даллол бўлиб юрадиган ишончли бир хуфия келиб, хунук овозалардан ҳаммаёқ тўполон бўлиб кетганини айтиб берди-ю, Узун Ҳасан номли новча доруға эсанкираб қолди.

– Биздан омад кетди, жаноблар! – деди йиғламсираб. – Ташқарида ғаним. Ичкарида тўполон. Бобур мирзо қўрғонга кирмай кетганлари бежиз эмас!

– Биз ҳам жон сақлаш учун ҳар қаёнга тарқаб қочсакмикин? – киноя билан сўради Хўжа Абдулла.

Ўзи ҳам, соқол-мўйлови ҳам қоп-қора Хўжа Абдулла катта олим бўлишидан ташқари, Андижон бекларининг энг нуфузли пири ҳисобланар эди. Бобур мирзо ҳам уни ўзига муршид санаб қўл берган эди. Шунинг учун Узун Ҳасан Хўжа Абдулланинг киноясига қарши кэскин жавоб бера олмади.

– Пирим, Бобур мирзо узоқлашмасдан қайтариш зарур! – деди Қосимбек.

– Бобур мирзонинг кўнгиллари менга аён, – деди Хўжа Абдулла. – У олий зот қўрқиб қочган эмаслар. Бекларнинг садоқатини билмоқ учун шундай қилганлар. Бозордаги овоза – фитнанинг белгиси. Агар фитна бўлмаса, подшоҳнинг қазо қилганини биздан олдин бозордагилар қандай билмишлар?

Узун Ҳасан ўзининг ақли етмаган бу мантиқли фикрга тан берди. Бобурнинг кўнглида нима борлигини Хўжа Абдулла шу ерда туриб билганига қойил бўлди. Хўжа Абдулла унинг кўзига чинакам авлиё бўлиб кўринди:

– Пиримга ҳаммаси аён бўлган экан! – деди у чуқур эътиқод билан. – Энди пирим нима десалар биз шунга шаймиз!

– Менга аён бўлгани шуки, – деди Хўжа Абдулла овозини пасайтириб, – агар бир тан-бир жон бўлиб, Бобур мирзога хизмат қилсак, ҳаммамиз омон қолурмиз, ҳеч қайсимизнинг бир мўйимиз хам бўлмағай!

Хўжа Абдулланинг комил ишонч билан айтган бу сўзлари Узун Ҳасанни бироз таҳликага солди. Агар иш Хўжа Абдулла айтгандай бўлиб чиқса-ю, Бобур мирзо подшоҳ бўлса... унда Узун Ҳасаннинг бугунги иккиланишлари қандай оқибатга олиб келади? Унинг рақиблари бу иккиланишларни бўлажак подшоҳга айтиб, доруғалик амалини тортиб олишлари мумкин эмасми? Йўқ, Узун Ҳасан бунга йўл қўймаслиги керак:

– Пирим, менга фотиҳа беринг, Бобур мирзонинг ҳузурларига мен ўзим борай. Бекларнинг номидан садоқат изҳор қилиб, қўрғонга таклиф этай!

– Ниятингиз таҳсинга сазовор, жаноб Ҳасанбек. Аммо сиз доруғасиз. Сиз аввал шаҳардаги ғулуни бартараф қилинг, фитнанинг уясини топинг, ана унда Бобур мирзонинг иноятларига сазовор бўлғайсиз.

– Яна каромат қилдингиз, пирим! Биз зудлик билан бу ишга киришурмиз!

* * *

Ёз офтоби еру кўкни шундай қиздирмоқдаки, от туёқларидан кўтарилган чанг юзга аланга тилларидек тегади. Ҳаво дим. «Ғир» этган шамол йўқ. Тупроғи билқиллаб ётган тор кўчадан ўтаётганларида Бобурни тер босди. У бениҳоя чанқаганлигидан оғзи тахир бўлиб кетган эди. Кеча шу пайтларда Андижонсой бўйида салқинлаб ётгани эсига тушди. Бундан бир неча соат олдинги ҳаёти, чорбоғнинг мусаффо ҳавоси, зилол сувли ҳовуз, салқин кўшк, беташвиш дамлар – ҳаммаси бирдан узоқ ўтмишга айланган эди. Назарида, шиддатли бир қуюн уни ўша масъуд ҳаётдан юлиб олиб, аллақаёқларга чирпирак қилиб учириб кетаётибди. От туёқларидан кўтарилган чанг унга мана шу қуюннинг чангидек туюлади. Уни отасидан жудо қилган, пушти-паноҳидан айириб, хафв-хатарлар комига тортган машъум бир куч гўё мана шу қуюннинг кучи эди. Уни қўриқлаб бораётган эллик чоғли отлиқлар ҳам Бобурга мана шу қуюн ичида юргандай хира кўринарди. Рўза тутиб куни бўйи туз тотмаганлигидан унинг боши айланмоқда эди. Атрофидаги отлиқлар тўғри юриб бораётган бўлсалар ҳам, Бобурнинг назарида уларнинг ҳаммасини ўша қуюн чирмаб айлантираётгандай бўларди. Ўзган йўли билан бориб Намозгоҳга етганларида узоқда қорли тоғлар кўринди. Бобур тоғ салқинини кўзи билан ҳис қилгандай бўлди ва ўша ерга тезроқ етиб боргиси келиб, отининг биқинига ниқтади. Қақроқ лабларини қийинлик билан очиб Шеримбекка:

– Тезроқ! – деди.

Шеримбек эса орқага ўгирилиб қараб:

– Чопар бор! – деди. – Тўхтайлик.

Андижон беклари юборган чопар Хўжа Абдулланинг қўли билан ёзилган мактубни Бобурга топширди. Бобур ўрам қилиб юборилган мактубнинг ипак боғичини узиб, ёнида турган Нўён Кўкалдошга берди:

– Ўқинг.

Мактубда Андижон бекларининг Бобурга садоқат билдирганлари айтилган эди. Сўз орасида ёмон овозалар тарқалаётгани, номаълум фитначилар «Бобур мирзо қўрқиб қочди», деган туҳматни тарқатиб, бунга элни ишонтирмоқчи бўлаётгани айтилган эди.

– Мен сизни ана ўша фитначилардан эҳтиёт қилган эдим, амирзодам! – деди Шеримбек Бобурга. – Ҳозир вазият ёмон. Қўрғон – иғвонинг уяси. Қўрғонга қайтманг, амирзодам! Содиқ беклар бўлса кетингиздан келсинлар!

«Ота юртини ташлаб қўрқиб қочди...» Бу овоза оғиздан-оғизга ўтиб шаҳарма-шаҳар, қишлоқма-қишлоқ тарқаб кетиши мумкин!

– Йўқ! – деди Бобур отини орқага буриб. – Мен қочмоқчи эмасмен!

– Амирзодам, бу ҳаммаси иғво!

– Мен бунинг иғволигини исбот қилурмен! Қайтинг ҳаммангиз. Қўрғонга қайтинг! Бобур орқага бурган отининг юганини бўшатди-ю, сағрисига қамчи урди. От чопиб бораётганда кўкрагига шамол тегиб, ўзини бироз енгил сезди. Бояги даҳшатли қуюн энди ундан орқада – изма-из елиб келаётган навкар ва савдарлар орасида қолиб кетгандай бўлди.

Улар офтоб уфққа яқинлашган пайтда Андижон қўрғонига кириб келдилар. Кечқурун гавжум бўладиган кўчалар ҳозир алланечук жимжит. Дўконлар ёпиқ. Ҳаммаёқ ҳувиллаган. Бутун шаҳар хафв-хатардан қўрқиб, биқиниб турганга ўхшарди. Шеримбек олдинда бораётган Бобурни эҳтиёт қилмоқчи бўлиб, навкарларига «қуршаб боринг» ишорасини қилди. Ўзи эса Бобурнинг олд томонига ўта бошлади. Атрофини отлиқлар ўраб ола бошлаганда Бобур яна қуюннинг ичига тушиб қолгандай бўғилди. Кўз ўнгида яна отлар, одамлар чирпирак бўлиб айланишга тушди. Бобур ютоқиб олдинга интилди, отини қамчилаб, навкарлар қуршовини ёриб чиққанда юзига шабада тегиб, хиёл енгиллашди. Шеримбек яна олдинга интилиб, Бобурга ёндашмоқчи бўлганда Нўён Кўкалдош унинг жиловидан маҳкам ушлади:

– Бек жаноблари, қўйинг, амирзодам олдинда борсинлар. Фуқаро тахт ворисини кўрсин, кўнгли таскин топсин. Ана, туйнуклардан мўралаб турган одамлар иғвогарларнинг гапи ёлғонлигига амин бўлсинлар!

– Фитначилар бирор тэшикдан амирзодамни ўқласалар-чи?

– Ниятни яхши қилинг!

Бобур бошлиқ отлиқлар аркка яқинлашганларида улкан дарвозанинг ҳар икки тавақаси ланг очилди. Хўжа Абдулла ва бир тўда беклар, мулозимлар Бобурга пешвоз чиқдилар. Бобур отдан тушиб устози билан кўришар экан, бирдан кўнгли юмшаб, кўзларига ёш қуйилиб келди. Хўжа Абдулла ранги ўчган, лаблари титраётган Бобурни бағрига босиб, тасалли бергиси келди, аммо беклар ва навкарлар олдида тахт ворисини қучоқлаш одобсизлик саналишини ўйлаб, ўзини тутди. У ҳам кўзига ёш олиб:

– Кулфатда қолдик, амирзодам, мусибатда қолдик! – деди. – Энди бизнинг пушти-паноҳимиз ўзингизсиз!

Мазидбек аъёнлар даврасидан бир-икки қадам олдинга чиқди. Ўзининг Бобурга бек атка эканини билдириб қўйгиси келиб, Хўжа Абдулланинг гапини оғзидан олди:

– Амирзодам, ҳамма беклар сизга содиқ хизмат қилишга тайёрдурлар!

Бобур тўпланиб турган бекларга кўз ташлаган эди, улар ҳаммаси Мазидбекнинг гапини тасдиқлаб, қўллари кўкракларида, таъзим адо қилишди. Бобур товуши титраб:

– Миннатдормен, – деди.

У яна отланиб арк дарвозасидан кираётганда орқадан Ёқуббек ҳам етиб келиб, беклар даврасига қўшилди. У Бобур қайтганини эшитган заҳоти ҳар қандай шубҳадан холи бўлиш учун дарҳол отланиб, садоқат изҳор қилишга шошилган эди. Хўжа Абдулла ўнгда, Мазидбек чапда юриб Бобурни арк тўридаги қишлик қасрга бошлаб келдилар. Илгари пойтахт Андижондалигида тахт мана шу қасрга ўрнатилган эди. Кейин пойтахт Ахсига кўчирилгач, устунлари ўймакорликлар билан безатилган мармар зинапояли бу қаср аввалги ҳашаматидан маҳрум бўлиб, кўримсизлашиб қолган эди. Бугун Бобур келишидан олдин Хўжа Абдулланинг фармойиши билан қасрнинг зинапояларига яна пояндоз тўшалди. Илгари тахт қўйилган шаҳнишинга туркман гиламлари ва кимхоб кўрпачалар солиниб, махсус жой ҳозирланди.

Бобур бинафшаранг пояндозга қадам қўйганда қуруқшаб кетган томоғини ҳўлламоқчи бўлиб ютинди. Аммо оғзида нам йўқлигидан томоғини алланарса қириб ўтгандай бўлди.

Бўлажак подшоҳга хизмат қилиш учун тўпланган бекларнинг ҳеч қайсиси Бобурга ҳозир бир қултумгина сув кераклигини сезмас эди. Бирда-ярим сезганлари ҳам шунча одамнинг олдида ёш подшоҳнинг рўзасини очириш мусулмончиликка тўғри келмайди, деб бундай ишни қилишдан қўрқишар эди.

Ҳамма ўтиргач, Хўжа Абдулла Қуръон ўқиб, Ахсида бугун дафн этилган Умаршайх мирзонинг арвоҳига бағишлади. Бир неча киши:

– Илоҳо, жойлари жаннатдан бўлсин! – деб қўйди. Яна бир неча киши Бобурга юзланиб кўнгил сўради.

– Муҳтарам беклар, давлатхоҳлар! – деб гап бошлади Хўжа Абдулла. – Уруш ташвиши бўлмаганда биз аввал мотам маросимини ўтказган бўлур эдик. Эшитишимизча, Ахсида ҳазрати олийни ҳурматларига яраша маърака ўтказиб қабрга қўйганлар. Андижонга ёғий яқин келиб қолган шу оғир кунда бизнинг аввалин машваратимиз давлатни янги подшоҳга топширмоқ хусусида бўлгани маъқул.

Мазидбекдан нарироқда семиз Ёқуббек ўтирган эди. У Хўжа Абдулланинг сўзларини ҳаммадан олдин илиб кетди:

– Доно тадбирни ўртага солдингиз, пирим. Бандангизнинг фикрича, Заҳириддин Муҳаммад Бобур мирзони қонуний подшоҳ атаб, муборак номларини хутбага қўшиб ўқитмоқ керак!

Бобур «ялт» этиб Ёқуббекка қаради. Унинг овозидаги майинлик, юзидаги ҳаяжон, ҳатто олд тишлари тушиб кетган оғзининг кемшиклиги Бобурга алланечук ёқимли туюлди. Ёқуббекнинг энг нуфузли ва қайсар мўғул бекларидан эканлигини ҳамма биларди. Фақат унинг бундан бир неча соат олдин Бобурга қарши фитна уюштириб юргани ўтирганлар учун сир эди. Энди Ёқуббек мана шу сирни яхшироқ бекитиш учун Бобурга ҳаммадан ортиқ садоқат билдирмоқда эди. Унинг шу сир очилиб қолишидан изтиробга тушиб, дардли ва ҳаяжонли кўзлар билан Бобурга қараши, ундан нажот кутгандай бўлиб ҳаяжонланиши ўзи қийналиб ўтирган Бобурга ғалати таъсир қилди. Ёқуббек биринчи бўлиб Бобурни подшоҳ деб атагани ёш ўспириннинг ўртаниб турган қалбига гўё сарин бир шабада бўлиб тегди. Қачондир бир вақт тахтга чиқиш ва шу юрган ҳамма бекларга бош бўлиб, ғолибона жанглар қилиш Бобурнинг энг кучли орзуларидан эди. Ёқуббекдан кейин га-

пирган беклар ҳам бирин-кетин Бобурни подшоҳ деб тан олар эканлар, унинг мана шу орзуси булут орасидан чиққан тўлин ойдай чарақлаб юзага чиқди-ю, кўнглини бирдан ёриштириб юборди. Бошига тушган мусибат ҳам, ичини куйдираётган ташналик ҳам хаёлидан узоқлашди. Шу пайт эшикдан шаҳар доруғаси Узун Ҳасан таъзим қилиб кирди.

– Амирзодам! – деди у энтикиб. – Қулингизни афв этинг, сизни кутиб ололмадим. Мен Андижонда номуносиб гаплар тарқатган фитначиларни овлаш билан банд эдим. Алҳол бир фитначи арбобни тутиб келтирдим.

Бобур беихтиёр олдинга интилиб:

– Қайси арбоб? – деди. – Ким у? Келтиринг!

– Бажонидил, амирзодам! – деб Узун Ҳасан шошилиб орқасига қайтди.

Ҳамма кўзлар очиқ эшикка қадалди. Ёқуббекнинг ранги «қув» ўчди. Наҳотки Аҳмад Танбал қўлга тушган бўлса? Унда сир очилади. Ёқуббек саросима кўзлар билан дарчани қидириб топди. Дарча у ўтирган жойдан анча узоқ. Дарчадан нарида аркнинг ўн пахсали баланд девори бор. Йўқ, бу ердан қочиб қутулиб бўлмайди! Ёқуббекни титроқ босди... Шу пайт эшикдан нарида йўғон бир овоз:

– Қўлимни ечинг, мен гуноҳкор эмасмен! – дегани эшитилди. Товушидан Аҳмад Танбалга ўхшамайди.

Оқ шоҳи яктак кийган йўғон гавдали бўйдор кишини икки навкар икки томонидан маҳкам тутиб олиб кирди.

– Э, бу – Дарвеш гов-ку! – деди Ёқуббек бирдан енгил тортиб.

Андижон миробларининг бошлиғи бўлган бу одам гардани жуда гўштдор бўлганлиги учун ҳўкизга ўхшаб бўйнини бироз олдинга эгиб юрар, шунинг учун орқаворатдан уни «гов», деб аташар эди. Андижон қўрғонига тўққиз ариқ сув кирса ҳам, боғ-роғларнинг кўплигидан ёз ойларида сув етишмайди, амалдорлар оддий фуқаронинг навбатини ҳам олишга интилишарди. Шундай пайтларда Дарвеш гов кўпинча фуқаронинг томонини олар, бекларга навбати келмагунча сув бермас эди. «Бек бўлсанг, ўзингга, Худонинг олдида ҳамма бандаси баробар!» – деб тап тортмай гапирганини кўп одам эшитган. Шу сабабли беклар Дарвеш говни ёмон кўришар, айниқса, доруға Узун Ҳасан кўпдан бери унга кек сақлаб юрарди.

Қўли боғлоғлиқ Дарвеш гов Бобурга ва ундан берироқда ўтирган Хўжа Абдуллага бош эгиб, таъзим қилди-ю:

– Адолат қилинг, амирзодам! – деди. – Мен фитначи эмасмен, устод! Бозорда бир япасқи навкар менга айтди. «Подшоҳ Ахсида маст бўлиб жардан йиқилиб ўлибдир. Бобур мирзо ёғийдан қўрқиб, Олатоғ томонга қочибдир», деди.

Бобурнинг ғаши келиб:

– Бўҳтон бу! – деди.

– Бўҳтонлигини мен кейин билдим, амирзодам, мени афв қилинг! – деб Дарвеш гов бир-икки қадам берига келиб, қўли орқасига боғланган ҳолича тиз чўкди: – Туҳматлигига бу ерда муборак юзингизни кўриб амин бўлдим. Аммо бозорда халойиқ ваҳимага тушиб тўс-тўполон бўлиб қочганда ўзимни йўқотиб қўйдим. Бир одамни тўхтатиб: «Шундоқ гапларни эшитдим, наҳотки рост бўлса?» деб сўраётганимда доруға жанобларининг хуфиялари гапимни эшитиб турган эканлар...

– Йўқ, сен гап сўраш баҳонаси билан бу қабиҳ овозани тарқатиб юрганингда қўлга тушдинг! – деди Узун Ҳасан.

– Каломуллони беринг, қасам ичамен!

– Каломуллони ҳам хор қилмоқчи бу қасамхўр! – деди Ёқуббек Бобурга юзланиб: – Амирзодам, агар бу мардак садоқатли қулингиз бўлганда ёмон овоза тарқатган ўша навкарни қўлидан тутиб доруғага топширмасмиди? Ваҳоланки, бу ўзи ўша овозани бошқаларга айтган, яъни иғво тарқатган. Буни ҳозир ўз тилидан ҳам эшитдик!

Дарвеш гов ҳангу манг бўлиб:

– Ё алҳазар! – деди.

Ёқуббек Бобурга боягидек мулойим кўз ташлаб, кемшик оғзини содиқ бир табассум билан очди:

– Амирзодам, сизнинг раҳматли отангиз Дарвеш говни миробларга сардор қилиб қўйган эдилар. Отангизнинг иноят билан шундай мартабага эришган бу гов энди ҳазрати олийни муқаддас рамазон ойида маст бўлиб йиқилган деса-я! Бу қандай ноинсофлик! Бобурнинг ёш қалби бу машъум иғвога қарши ғазаб туйғусига тўлиб бормоқда эди. «Алдаш учун бола яхши!» ўйланди Ёқуббек умид билан. Иғво тарқатган бу одам ўзининг айбини жон-дили билан Дарвеш говга ағдариб, Бобурни бунга ишонтиришга бутун кучини сарфламоқда эди. Бу ишда Ёқуббек ёлғиз эмас эди, бекларнинг кўпчилиги Дарвеш говни айбдор деб билмоқда эдилар.

– Иғво тарқатганини ўзи бўйнига олди! – деди Ёқуббек.

– Тилидан тутилмишдир, жазосини бериш даркор! – деб Али Дўстбек номли бадқовоқ кўса бир киши Ёқуббекнинг тарафини олди.

Ўйчан ўтирган Қосимбек боя Шеримбек тоғойининг имзосиз хат келтирган кабутар ҳақидаги гапини эслади-ю:

– Балки яна тафтиш ўтказиш лозимдир? – деди. Унга Мазидбек эътироз қилди:

– Ортиқча тафтишларга фурсат қани? Ёғий Марғилонни олиб, Андижонга бостириб келур. Қонли уруш пайтида элни ваҳимага туширган, подшоҳнинг мартабасига раҳна солмоқчи бўлган иғвогарларга раҳм қилинмайдир!

– Сиёсат учун майдонда ясоққа етказиш керак, токи бошқаларга ибрат бўлсин! – деди Узун Ҳасан.

«Ясоққа етказиш» – халойиқ олдида бошини кесиш деган гап эди.

Дарвеш говнинг юзига ўлим шарпаси соя солиб ўтгандай бўлди. У тиззаси билан юриб Бобурга яқинлашар экан, йиғлаб илтижо қилди:

– Амирзодам, мен иғвогар эмасмен! Мен иғвогарларнинг қурбонимен! Менга раҳм қилинг! Бешта ёш болам бор! Ноумид қилманг, амирзодам!

Дарвеш гов, йўғон гавдаси силкиниб, ўкириб йиғлар экан, қўли боғлиқ бўлгани учун юзини яширолмас, кўз ёшлари мош-гуруч соқолига томчилаб оқиб тушар эди. Шундай катта ёшли одамнинг бунчалик куюниб йиғлагани Бобурнинг қалбида кўпириб турган ғазабни бирдан босди. Унинг Дарвеш говга раҳми келди-ю, устози Хўжа Абдулладан «шу бечоранинг қонидан кечинг!» – деган бир гапни кутди. Бироқ Хўжа Абдулла оғиз очгунча бўлмай, яна Ёқуббек гапирди:

– Бешта боласи бор одам тилини тийиб юрса бўлмасмиди!

– Э, бу гов ўзи ҳаддидан ошган! – деди Узун Ҳасан. – Бўлмаса, подшоҳ ҳақида иғво қилганларнинг гапини эшитган ҳамоно оғзига урмасмиди! Ёки у ҳаромнамакларни бизга тутиб бермасмиди!

Бир-бирини инкор қилувчи бу гаплар Бобурнинг хаёлларини чалкаштириб юборди. Вужудини ўртаётган ташналик янги бир куч билан қайтиб келди. Юзлар, деворлар, гиламлар бир-бирига қўшилиб, чаплашиб, чир-чир айлана бошлади. Дарвеш говнинг йиғлаб гапирган сўзлари гўё узоқдан эшитилди:

– Амирзодам! Адолат қилинг! Мен отангизнинг содиқ раийятлариданмен! Сиз ёшсиз, беғуборсиз. Сиз ҳали бу бекларни билмайсиз! Буларнинг менда кеки бор! Бекларга ишонманг, амирзодам! Халқдан сўранг! Мени эл-улус билади! Раийят билади!

Али Дўстбек қўлини миробга пахса қилиб:

– Эшитдингизми, амирзодам? – деди. – Бу говнинг ичи қоралигини кўрдингизми? Ёқуббек Бобур томонга таъзим билан эгилиб, боягидай меҳрибон товуш билан тушунтирди:

– Бу гов эл-улусни бекларга қарши қўзғамоқчи, амирзодам. Ёғий ҳужуми пайтида барият билан раийятнинг[1] орасига нифоқ солмоқчи!

– Нияти бузуқлиги шундан ҳам аён! – деди Узун Ҳасан ва навкарларга қараб буюрди. – Бас, олиб чиқ!

Бояги икки навкар Дарвеш говни икки қўлтиғидан олиб, ўрнидан турғизди-да, куч билан эшикдан олиб чиқа бошлади. Энди Бобурдан ҳам умидини узган банди:

– Мен бегуноҳмен! – деб қичқирди. – Беш боламнинг уволи уради сен бекларни! Менинг бегуноҳ қоним тутади ҳаммангни!

Бу қарғиш Бобурнинг қалбига ўткир тиғдай қадалди. Унинг қўл-оёқлари титраб, ўтирган жойида кўзи тина бошлади. Назарида, бояги қуюн аввалгидан баттар хуруж қилар, уни мана шу одамларга қўшиб чирмаб айлантирар эди. Атроф кўзига чанг-тўзон орасида қолиб кетгандай хира кўринар эди. У ўтирган жойида йиқилиб кетмаслик учун икки қўлини икки ёнига тиради.

Дарвеш говнинг қарғишидан ғазаби ошган беклар энди унинг ўлдирилишини яна ҳам қаттиқ туриб талаб қилдилар:

– Бу кўрнамак ясоққа етмагунга элдаги ваҳима босилмайдир!

– Сиёсат учун битта иғвогарнинг бошини кесмоқ зарур!

– Ясоқ!

– Ясоқ!

Бобурнинг кўз олдидан бояги одамнинг соқолига оқиб тушган кўз ёшлари кетмас, қулоғи тагида унинг аламли қичқириғи ҳамон жаранглаб турарди. Шу тирик одам мурдага айланиши керак. Бобур бунга фармон бериши керак. Нечун? Беклар у одамни гуноҳкор деб Бобурни ишонтиргани учунми?

[1] Б а р и я т – бек ва аъёнлар. Р а и й я т – фуқаро.

Балки бу беклар чиндан ҳам Бобурни алдаётгандир? Балки мана шунақа беклар Ахсида Умаршайх мирзони жардан итариб юбориб ўлдиргандирлар? Балки булар эрта-индин Бобурнинг жонига ҳам қасд қилишар?

Бирдан Бобурнинг беғам юрган даври эсига тушди. Кечагина у тенгдош ўртоқлари билан от чоптириб ўйнаб юрмаганмиди? Алишер Навоийнинг расмига тикилиб мусаффо ёшлик хаёлларига берилгани қачон эди? Орадан бир неча йил ўтганга ўхшайди. Ҳолбуки, шу бугун эрталаб, шу бугун чошгоҳда унинг ҳаёти қуёшли осмондай тиниқ ва соф эди-ку. Бу қора булутлар унинг атрофига қаёқдан ёпирилиб келди? «Ясоқ!» – деб қичқираётган ҳар дарғазаб бек Бобурдан қуёшни тўсиб олган бир қора булутга ўхшарди. Бобурни чирмаб айлантираётган даҳшатли қуюн мана шу қора булутларнинг шамоли эмасмикан? Наҳотки бу булутлар доим тожу тахт билан бирга юрса-ю, Дарвеш говга ўхшаганларнинг қонига шунчалик ташна бўлса?! Боя Бобурга худди булутлар орасидан сузиб чиққан тўлин ойдай гўзал кўринган тожу тахт энди ой тутилган тундай ваҳимали тусга кирди. Бобур номаълум хафв-хатардан сесканиб, Хўжа Абдуллага ёрдам сўрагандай қаради:

– Устод!

Хўжа Абдулла унга томон сурилиб:

– Амирзодам, бардам бўлинг, – деди.

– Не қилай, айтинг!.. – шивирлади Бобур.

– Ҳукм чиқаринг! Беклар ясоққа етсин деб талаб қилмоқдалар.

– Сиз-чи, устод?

Агар Хўжа Абдулла, ўтирганларга қарши чиқиб, Дарвеш говни ёқласа, шунча амал-тақал билан бошлари зўрға қовушган беклар яна пароканда бўлиб кетишлари аниқ эди.

– Амирзодам, – шивирлади Хўжа Абдулла, – подшоҳлик удумига биноан хатарли уруш пайтида тождорлар шаънига номуносиб гап айтган одам жиноятчи ҳисобланур! Дарвеш гов яна бу ерда ҳам тилини тиймай чатоқ қилди. Барча бекларни ёмонлаб, қарғаб, оловга мой сепди! Энди сиз... битта Дарвеш говни деб барча беклардан воз кечолмагайсиз. Вазият таҳликали... Сиёсат учун говни ясоққа етказмоқдан бошқа илож йўқ!

* * *

Эртаси куни пешинда Андижон аркининг қаршисидаги жазо майдонида нақоралар чалинди.

Тўпланган халойиқнинг кўзи олдида Дарвеш гов, ёмон овоза тарқатишда айбланиб боши кесилди.

Ёқуббек Аҳмад Танбални япасқи навкари билан бирга ўша куни кечаси Ахсига яширинча жўнатиб юборган эди. Икки орадаги сир сирлигича қолди.

Душман Марғилонни олиб, Андижонга таҳдид солмоқда эди. Хўжа Абдулла бошлиқ элчилар Бобурнинг номидан Самарқанд подшосининг Марғилондан беридаги қароргоҳига бориб, сулҳ тузишни таклиф қилдилар.

– Сиз билан уруш бошлаган инингиз Умаршайх мирзо жардан йиқилиб шунқор бўлди![1] Бобур мирзони фарзанд ўрнида кўргайсиз! Ахир у зот сизга куёв бўлиш орзусидалар! Сизни бош ҳукмдоримиз, деб тан олурлар! Ўлпон тўлагаймиз! Урушни тўхтатинг, ҳазратим!

Хўжа Абдулланинг бу таклифига самарқандлик беклар қаттиқ қарши чиқдилар. Улар Андижон ва Ахсини босиб, талаб, катта-катта ўлжа олиш умидида эдилар. Сулҳ уларни мана шу ўлжалардан маҳрум қилар, ўлпонни подшоҳнинг бир ўзи олар эди.

– Шунча жойдан қон кечиб, жон бериб-жон олиб келиб, энди етдик деганда қуруқ қайтамизми? – деди Муҳаммад тархон номли бек.

– Сулҳ тузманг, ҳазратим!

– Қаттиқ туринг! – дейишди бошқа беклар ҳам.

Султон Аҳмад мирзо бекларнинг раъйини қайтаролмайдиган заиф тождорлардан эди. Хўжа Абдулла бошлиқ элчилар ундан рад жавоби олиб қайтдилар.

Энди аввалгидан баттар қирғин бўлишини сезган бек ва навкарлар Андижон қўрғонига кириб бекина бошладилар.

---

[1] Вафот этди маъносида.

ҚУВА

ЖАСОРАТНИНГ ЖАЗОСИ

1

Ўтган куни отланиб Андижонга кетган мулла Фазлиддин бугун қаттиқ изтироб ичида яна Қувага қайтди.

У Бобурнинг отаси ўрнига ҳукмдор бўлганини эшитиб ундан ҳимоя сўраш ниятида аркка борган эди. Агар унинг ҳузурига кирса ноумид қайтмаслигига ишонарди. Чунки мулла Фазлиддин чорбоғда кўшк қурган пайтларда Бобур билан кўп ҳамсуҳбат бўлган, унинг зеҳни ўткир, шоиртабиат, зукко ўспирин эканини сезиб, Алишер Навоий суратини ҳадя қилган эди. Энди мулла Фазлиддин бўйни йўғон беклардан кўрган ёмонликларини айтиб берса, Бобур уни ҳимоясиз ташлаб қўймаслиги керак. Лекин арк дарвозаси олдида ўша доруға Узун Ҳасан турган экан.

– Бобур мирзонинг ҳузурига кирмоқ учун махсус рухсат керак, – деб унинг йўлини тўсди.

– Рухсатни ким берур, жаноб доруға?

– Эшикоға Ёқуббек жаноблари!.. Ана, ўзлари ичкаридан чиқмоқдалар!..

Ўнтача навкар қуршовида ичкаридан отлиқ чиқиб келаётган Ёқуббек фақат биринчи вазир даражасидаги эшикоғалар тақадиган энли олтин камарни белига тақиб олган эди. Пули катта бу бек Андижон мудофаасига ҳаммадан кўп маблағ ажратган эди. Унинг навкарлари ҳам бошқа бекларникидан кўпроқ эди, ўзи ҳам Бобурга ихлоси зўрлигини ҳар ишда намойиш қилиб, туну кун тинмас эди. У биринчи куниёқ Бобурга ўзини содиқ кўрсатгани устига бу ҳаммаси қўшилиб, ахири соҳибихтиёр эшикоға бўлиб олган эди. Буни энди билган мулла Фазлиддин хиёл саросимага тушди. Лекин ўзини дадил тутишга тиришиб, отлиқ келаётган Ёқуббекнинг қаршисидан чиқди:

– Жаноб эшикоға, ижозат беринг, камина Бобур мирзо ҳузурларига кирай!

Ёқуббек отининг жиловини тортиб, хиёл тўхтади-ю, қўлини кўксига қўйиб турган мулла Фазлиддинга тепадан киноялы назар ташлади:

– Кириб не қилмоқчисиз?

– Арзим бор... Меъморлик санъатига оид...

– Ҳозир ёш подшоҳимизга меъморлар эмас, мамлакат мудофаасига ярайдиган навкарлар керак! Уруш тугагандан сўнг келинг!

Ёқуббек: «Гап тамом!» дегандек қилиб, отини елдирганича ўтиб кетди. Мулла Фазлиддин бир лаҳза қаққайиб туриб қолди. Бир вақт Узун Ҳасаннинг:

– Жаноб меъмор, тавочилар навкарликка одам олмоқдалар, истасангиз бориб навкар бўлинг! – деган киноясы уни ўзига келтирди.

– Ўлмасак, ҳали меъмор керак бўладиган кунларга ҳам етишурмиз! – деди мулла Фазлиддин доруғага нафратли назар ташлаб.

Энди унинг Бобур ҳузурига киролмаслиги аниқ. Ёқуббек билан Узун Ҳасаннинг ихтиёрига ўтган қалъада қолиш эса жуда хатарли. Дарвеш говнинг ўлимига шу беклар сабаб бўлганини мулла Фазлиддин эшитган эди. Ҳозир унинг учун сал бехатарроқ жой – Қувадаги опасининг уйи эди...

Мулла Фазлиддин хуфтон пайти ҳовлига кириб келса, поччаси билан опаси ёв яқинлашаётганини эшитиб, ваҳимага тушиб ўтиришган экан. Қувасойдин нарида – Каркидон адиридаги ёв илғорлари ёққан гулханлар милт-милт қилмоқда эди.

– Мулла Фазлиддин, ёғий келса пўлат сандиғингизни тинч қўймас, – деди поччаси. – Буни тезроқ яширинг.

– Бўш ўрангиз борми, почча?

– Бор. Ана, бедахонада.

– Тоҳир қани?

– Маҳмуд билан кўприкка қараб кетди. Билмадим, не иши бор? Сўрасам, айтмади. Мулла Фазлиддин поччасининг ёрдамида пўлат сандиқни яна қопга солиб, бедахонадаги бўш ўрага тушириб қўйди-ю, ўранинг оғзини тахталар билан бекитди. Кейин бу тахталар устига беда боғларини баланд қилиб тахлаб ташлади.

* * *

Осмонни яна қуюқ булут қоплаган. Бирда-ярим ёмғир томчилаб қўяди. Қува кўчалари жимжит. Ёв яқинлигини сезган одамлар уй-уйига бекиниб олган. Аҳён-аҳёнда итлар ҳургани эшитилмаса, бутун Қува кўчиб кетганга ўхшарди. Қувасой устидан ўтган ёғоч кўприк ҳам кимсасиз. Элчилар ёмон хабар билан қайтгандан сўнг, кўприкдаги соқчилар кўрғонга қочиб кетишган...

Тун яримлаганда шу кўприкка қараб кетадиган йўл четида уч-тўртта қора кўринди. Йўл бўйидаги дарвозанинг бир тавақаси секин очилди-ю, ундан катта чўва кўтарган пакана одам чиқди. Тоҳир шивирлаб сўради:

– Чақмоқ билан тутантириқни ҳам олдингми?

– Олдим.

Пакана йигитнинг кийимларидан зиғир ёғининг ҳиди келади – унинг касби жувозкаш. Тоҳир юзига ёмғир томчилаганини сезиб осмонга қаради. Булут қуюқлашиб, юлдузлар кўринмай қолган.

«Жала қуйса, олов ёнмай бало бўлармикин? – ўйланди у. – Кўприкнинг ёғочлари ҳам ҳўл бўлиб ивиб ётгандир».

– Маҳмуд, мен битта болта олдим. Энди яна битта болта билан икки кишилик катта арра керак. Сен дурадгорсен, асбобларинг тахт.

– Аррани нима қиласен?

– Керак! Умрзоқ, сен ҳам бирга бор. Дарров олиб чиқинглар.

Икки йигит бир тор кўчага кириб кетишди-ю, анчадан кейин айтилган нарсаларни олиб келишди. Кейин ҳаммалари деворнинг зиҳи билан юриб олдинма-кетин кўприкка яқинлашишди.

Тоҳир кўприкда қоровул йўқлигини боя аниқлаган эди. Андижон қўшини орқага чекиниб, қўрғонга кириб кетган, бостириб келаётган ёв буни яхши билар, шунинг учун Қувадай жойларда ҳеч қандай хафв-хатар бўлишини кутмас эди.

Тоҳир кўприкдан берироқда – қорайиб турган катта бир дарахтнинг тагида ҳамроҳларини тўхтатди:

– Ўзларингдан қолар гап йўқ. Беклар билан навкарлар бизни ёғийнинг оёғи остига ташлаб кетди. «Ўзинг учун ўл етим»,

деган гап бор. Худо кушойиши коримизни берса, ҳаммамиз уй ичимиз билан бир балодан халос бўламиз. Мабодо, ишимиз ўнгидан келмаса... Битта-яримтамиз қўлга тушадиган бўлсак...

– Ўшанда ҳам мард бўлиш керак, – деди Маҳмуд. – Онт ичайлик: кимки ёғийга сир берса, онаси хотини бўлсин!

– Омин!

– Омин!

Ҳаммалари юзларига фотиҳа тортишди-ю, бирин-кетин кўприкка чиқишди. Тоҳирнинг мўлжали қирқ-эллик қадам ичкарироққа бориб, кўприкнинг ўртасидан ўт қўйиш эди. Аммо улар илгарилаган сари атрофлари очилиб, ўзларини ҳимоясиз сеза бошлашди. Сувнинг очиқ сатҳи соҳилга нисбатан ёруғроқ эди. Кўприк ёв қўшинлари қаршисида нишон тахтасига ўхшаб тургандек ваҳимали туюларди.

Бир вақт дурадгор йигитнинг қўлидаги катта арра эгилиб, юпқа пўлати Тоҳирнинг болтасига тегиб кетди. Унинг жаранги қоронғида шундай кескин эшитилдики, йигитлар сесканиб тўхташди. Атрофга қулоқ солиб, бир лаҳза қотиб туришди. Қурбақалар бир текис қурилламоқда эди.

– Тоҳир, кўп нарига бормайлик! – деб шивирлади Маҳмуд. – Келиб қолса, қочиб қутулишни ҳам ўйланглар.

– Нарёқдан келадими? Умрзоқни ўша ёққа қоровул қилиб қўямиз. Қўрқманглар, ёғий узоқда.

Шу пайт ёмғир савалай бошлади. Энди узоқдаги гулханлар ҳам кўздан йўқолди. Ёв уларни кўриб қолиш эҳтимоли бутунлай бартараф бўлганини сезиб, Тоҳир ичида суюниб қўйди.

Кўприк хийла узун бўлганлиги учун уч-тўрт жойида тагидан қўйилган зўр сепоя тиргаклари бор эди. Тоҳир кўприкнинг қанотидан пастга эгилиб қараб, шу тиргаклардан бирини мўлжалга олди-ю, тўхтади. Умрзоқ кўприкнинг нариги четида қоровул бўлиб туриш учун кетди. Қолганлар кўприк ёғочларининг осонроқ ёниши мумкин бўлган жойларидан танлаб, болта билан пайраҳа кўчиришди, сўнг чувадаги ёғдан сепишди. Уч кишилашиб чақмоқни тошга уриб, тутани[1] ёмғирдан бекитиб, роса уринганларидан кейин, ниҳоят аччиқ пахта тутуни димоғларига урилди. Ўт ёқишга эпчилроқ бўлган жувозкаш йигит тутани пуфлаб-пуфлаб чўғ қилди. Тоҳир чакмоннинг тагидан қўлтиғига қисиб олиб келган қуруқ похолни шу чўққа тутди.

[1] Т у т а – чақмоқ учқунидан ёниши қулай бўлган пахта ипи.

Похолнинг заиф олови зиғир ёғи сепилган пайраҳаларг илашиб энди сал кўтарилай деганда, шамол қайириб ураёт ган ёмғир томчилари «жиз-жиз» этиб тегди-ю, ўчириб қўйдг

– Ёнмайдиган сирқинди мой экан! – деди Маҳмуд жу возкаш йигитга таъна қилиб.

– Ёмғир ўчирди-ку! Шу мойни топиб чиққанимга ҳа жон де!

– Бас! – шипшиди Тоҳир жувозкаш йигитга. – Тутан ўчирмай тур!

Тоҳир иккита белбоғни бир-бирига улаб, бир четини бе лига боғлаб, кўприкнинг тагига осилиб тушди. Тиргаклаг нинг нам тегмаган жойларидан пайраҳа кўчириб олиб ё сепиб, минг азоб билан энди олов олдираётганда шамолнин кучли бир епкини ёнаётган пайраҳаларни сувга учириб ту ширди.

Тоҳир кўприкка қайтиб чиқди-ю, болтани қўлига оли ғазаб билан кўприк қанотларини уриб синдира бошлади:

– Мана ёнмасанг! Мана ёнмасанг! Мана! Мана!

Жувозкаш йигит иккинчи болтани қўлига олиб, кўприк нинг нариги қанотини синдиришга тушди.

– Тоҳир, бу ишларингдан нима фойда? – деди Маҳмуд. – Ундан кўра болтани менга бер. Мана бу михланган ёғоч ларини кўчириб ташлайлик.

Ҳансираган Тоҳир Маҳмуднинг олдига келди. Қоронғида мих кўринмаса ҳам касби дурадгор бўлган Маҳмуд ёғоч нинг мих қоқилган жойини тусмоллаб топди. Тоҳир икка ласи кўприкка кўндаланг қўйиб михланган тахтасимон бир ёғочни кўчириб олишди. Аммо иккинчи ёғочни кўчириш жуда қийин бўлди.

– Айтмоқчи, арра бор-ку? – деди Маҳмуд.

Бир четда ётган аррани Тоҳир пайпаслаб топди. Икки йигит унинг икки дастасидан олиб, кўприк ёғочларини ар ралашга тушишди.

– Шошма! – деди Тоҳир. – Бу ердаги беш-ўнта ёғочни арралаб ташлаганимиз билан ҳеч иш чиқмайди.

– Нега чиқмасин? От-арава ўтолмайдиган қиламиз!

– Бирорта устани олиб келиб, кўприкни тузатиб, ўтиб кетаверса-чи?

– Фойдаси йўқ ишга уннадик чамаси-да! – деди жувоз каш йигит умидсизланиб.

– Йўқ, биз кўприкни бўйига эмас, енига қараб аралашимиз керак.

– Энига қўйилган ёғочлар жувозкундадай йўғон-ку. Аралаб бўладими?

– Бўлади!

Тўрт киши навбатма-навбат арра тортиб, кўприкнинг кўндалангига тўсин қилиб қўйилган йўғон ва қаттиқ ёғочни аралаётганда қора терга ботиб кетишди. Илиқ ёмғир ҳали ҳам савалаб турар, уларнинг юзлари ва баданларидан оққан тер ёмғир сувига қўшилиб кийимларини шалаббо қилган эди. Йигитларнинг мақсади кўприкни икки томондан ушлаб турган ўкёғочларни арралаб, уни бир-икки жойидан узиб ташлаш эди. Аммо улар кўприкнинг ҳар икки томонидаги йўғон ўкёғочларни арралаб қирқишди ҳамки, кўприк улар кутгандай узилиб тушмади. Уни яна қандайдир михлар, бир-бирига тишлатиб қўйилган болорлар ва «белбоғ» ёғочлар маҳкам ушлаб турарди. Тоҳир билан Маҳмуд аррани қўйиб, яна болтани қўлга олишди, қоронғида тимирскиланиб, болорларга тишлатилган қавс михлардан беш-олтитасини топишди ва кўчириб ташлашди. Шундан кейин кўприкнинг аллақаери қирсиллади-ю, аммо ўзи аввалгидай тураверди.

– Бўлди! – деди Маҳмуд мадорсизланиб. – Қўлимиздан келмайдиган ишга уннабмиз!

– Падарига лаънат! – деб, Тоҳир қўлидаги болта билан яна кўприк қанотларини қарсиллатиб синдира кетди. Шу пайт кўприкнинг нариги четидан улар қоровул қўйган йигит чопиб келди:

– Қўй, бас! Мунча қарсиллатма! Нариги адирдан ёғий келаётганга ўхшайди.

– А! Кўрдингми?

– Товушларини эшитдим. «Отлан!», «Сафлан!» деб бақириб-чақирганлари қулоғимга чалинди!

– Бўлмаса ҳозир бостириб келади! – деб жувозкаш қочишга чоғланди.

– Аррангни ол, бу ерда ҳеч нарсани қолдирманглар! – деб Тоҳир ёнмаган пайраҳаларни, ёғоч синиқларини сувга отди.

Беш йигит муваффақиятсизликка учрагандай руҳлари тушиб, уйларига тарқалганларида тонг ёриша бошлаган эди.

2

Саҳарликни еб, йўлга тушган ёв қўшинининг олдинги тўпи кўприкка чиқа бошлаганда тонг қоронғиси ҳали тарқалмаган эди. Ёмғир тоғларда қаттиқ қуяётганлиги учун Қувасойнинг суви тобора кўтарилиб бормоқда эди. Олдинда келаётган отлиқ чиғдовуллар унча кўп эмас эди, шунинг учун кўприкдан сийрак саф билан ўтиб кетишди. Аммо улардан кейин келаётган сафлар жуда қалин эди. Ҳар бир бекнинг навкарлари ўзларига қарашли юкларни туя қўшилган оғир араваларга ортиб келмоқда эдилар. Чуғурукдай беҳисоб қўшин отлари, туялари, аравалари билан бирга ёмғирли тонгда қоп-қора селга ўхшаб кўприкни лиммо-лим тўлдириб кела бошлади. Кўприкнинг ўртасида бояги йигитлар михларни суғуриб, тўсинларини арралаб кетган жой бунчалик оғир юкка бардош бериши амримаҳол эди. Бунинг устига, худди ўша жойда бир чўбир отнинг икки олдинги оёғи михи кўчирилган ёғочларнинг ёриғига тушиб кетди. От ўмрови билан йиқилиб тушиб, оёғини суғуриб ололмай типирчилай бошлади. Эгарда ўтирган навкар отнинг бошидан ошиб, бошқа отларнинг оёғи тагига учиб тушди. Ҳозир беҳисоб туёқлар остида қолиб янчилишини сезди-ю, дод солиб қичқирди. Ҳамроҳлари беихтиёр жиловларини тортишди. Баъзи отлар қўрқиб орқага тисарилиб кетди. Орқадагилар эса ҳеч нарсадан бехабар, ёпирилиб келмоқда эди. Бир лаҳзада кўприкнинг шу жойи ҳаддан ташқари тиқилинч бўлиб кетди. Арра ва болта зарбаларидан ночорлашган кўприк ёғочлари тўсатдан қарсиллаб синди. Тиқин бўлиб ётган ўнлаб отлар, одамлар кўприк ёғочларига қўшилиб сувга қулаб тушди. Тошиб турган сойнинг суви қулаб тушганларни лопиллатиб оқизиб кетди.

Кўприк устида қолганлар жонҳолатда орқага бурилиб, қочмоқчи бўлишди. Аммо орқадан ҳамон отлиқлар, аравалар, туялар кўчкидай бостириб келмоқда эди. Олдинда нима ҳодиса бўлганидан бехабар подшоҳ энг яқин беклари билан сойнинг нариги четида туриб, қўшинни кўприкка томон йўналтирмоқда эди. Лекин кўприк ўртасидан кўтарилган қий-чув, тўполон тобора зўрайиб борарди. Ваҳимага тушган қўшин бирдан ўзини орқага ташлади, аммо ур-сур тўполонда кўприкка сиғмай, от-уловлари билан сувга тутдай тўкила бошлади.

Кўприк қанотларининг анча жойи синдириб ташлангани уларнинг қулаб тушишини осонлаштирарди. Тартиби бузилган аравалар бир-бирини итариб, кўприкнинг бутун турган қанотларини ҳам синдириб қуламоқда эди. Баъзи навкарлар йўлида учраган тирик жоннинг ҳаммасини қамчилаб ўтмоқчи бўлса, баъзи беклар қилич яланғочлаб, тўполонни тиғ билан босмоқчи бўлишади. Аммо ғиж-ғиж бўлиб, қурт-қумурсқадай қайнаб ётган қўшин кўприкка шундай тиқилиб қолган эдики, унга на қамчи кор қилар эди, на қилич. Туялар бўкиради. Одамлар қичқиради. Талвасага тушган оломон тиғ кўтарган бекларнинг ўзини отлари билан суриб бориб, кўприкдан ағанатиб юборади. Подшоҳ билан бирга қирғоқда турган хос навкарлар сувда оқиб бораётганларни қутқаришга фармон олдилар. Улар қамишларни шалдиратиб, сувга яқин борганларида ўзлари ҳам балчиққа ботиб кета бошлади. Кейин орқада қолганлари арқон ташлаб уларнинг уч-тўрттасини зўрға қутқариб олди. Бошқаларини қамишзор балчиқ қаърига тортиб кетди. Сувга қулаб тушганларнинг чўккани чўкиб ўлди. Сузишни биладиганлари эса отларнинг бўйнига ёпишиб қамишзор қирғоққа чиқай деганда балчиққа ботди. Сассиқ ботқоқлик аждаҳога айланиб одамни ҳам, отни ҳам оёғидан пастга тортар эди. Отлар жон аччиғида силтаниб кишнар, одамлар қамишлардан қўллари тилиниб дод солар, аммо улар талваса қилганлари сари балчиққа чуқурроқ ботиб, юз азоблар билан жон беришар эди. Ўртаси синиб тушган кўприкнинг устида – ағдарилган аравалар, йиқилиб ётган от ва туялар орасида талай навкарларнинг эзғиланган жасадлари қолди. Ёвнинг шу бир-икки соат ичида кўрган талафоти уруш бошлангандан бери кўрган ҳамма талафотларидан кўпроқ ва даҳшатлироқ эди. Яна бу фалокатнинг сабабини ҳеч ким билмас эди. Шунча одамнинг мислсиз қийноқларда жон берганини кўрган жангчилар мағлубиятга учрагандан баттар эсанкираб, руҳсизланиб қолдилар.

3

Қуваликлар тонг ёришгандан кун ёйилгунча бўлиб ўтган бу фалокатни нариги қирғоқдаги девор ва томлардан мўралаб кўриб турар эдилар. Уларнинг баъзиси «ёғий баттар бўлсин», деб шодланса, баъзиси не-не йигитларнинг сувга оқиб, балчиққа ботиб, минг азоблар билан ўлаётганидан

ачинарди. Тоҳир кечаси ўртоқлари билан қилган ишларини боя Фазлиддин тоғасига «уддасидан чиқолмадик», деган маънода маъюсланиб айтиб берган эди. Кейин юз берган ҳодисани томга чиқиб кўрган мулла Фазлиддин нарвондан тез пастга тушди-ю, Тоҳирни бир четга имлаб чақириб олди:

– Ўртоқларингга айт! Ҳаммаларинг тезроқ беркининглар!

– Нечун, мулла тоға?

– Кўприк арраланган жойидан синганга ўхшайди. Агар кўприкка ўт қўйиб юборганларингда ҳам бунчалик талафот бўлмас эди. Чунки ёғий кўприкнинг ёнган жойини тузатмагунча устига черик чиқармас эди. Улар ғафлатда қолиб балога йўлиққан! Агар қилган ишларингни билиб қолса, ҳаммамизни қириб ташлашлари аниқ!

– Ёғий ҳали нарёқда-ку?

– Чиғдовуллари бу ёққа ўтган экан, мен кўрдим. Гапни кўпайтирмай, тезроқ яширин. Тўқайга чиқиб кетинглар. Тез!

Тоғаси астойдил хавотир бўлаётганини сезган Тоҳир бошқа эътироз қилмади-ю, ўртоқларига секин хабар бериб чиқди:

– Арқон билан ўроқ олинглар. Ким сўраса, ўтинга борамиз, денглар. Лекин хўрак икки-уч кунлик бўлсин.

Беш йигит одамларнинг кўзига ташланмасликка тиришиб, қишлоқдан якка-якка чиқишди-ю, тўқай ичида учрашишди.

Кўприк синмасидан олдин бериги томонга ўтиб қолган чиғдовуллар Қуванинг кадхудосини топиб, унинг ёрдамида дурадгор усталарни кўприк тузатишга ҳайдаб чиқди. Нарёқда қолган навкарлар арқон ташлаб, ёғоч ташиб, уларга кўмаклаша бошлашди. Кўприк тузатишга чиққанларнинг орасида Тоҳирнинг отаси ҳам бор эди. У кечаси ўғлининг қаёққадир бориб, саҳар пайтида чарчаб қайтганини сезган эди. Дурадгорлардан бири ёғочнинг арраланган жойини Тоҳирнинг отасига кўрсатиб, ўз шубҳасини айтмоқчи бўлганда, уста бунинг олдини олиб лабини тишлади:

– Дамингизни чиқарманг, – деб шивирлади. – Агар ёғий бирор гумонингизга ишонса, бутун Қувага ўт қўяди. Ҳаммамизни қиличдан ўтказади!

– Гапингиз ҳақ!

Шундан кейин бу тўғрида ҳеч ким оғиз очмади. Икки кун деганда кўприк наридан-бери тузатилди-ю, ёвнинг отлиқ аскарлари битта-иккитадан бўлиб, эҳтиёт билан ўтиш-

ди. Ниҳоят, подшоҳ ҳам мулозимлари билан кўприкдан ўтиб, Қувада тўхтамасдан йўлида давом этди.

Ёвнинг араваларга ортилган оғир юклари ва туя карвонлари кўприкдан нарида қолиб кетди. Шунга қараганда ёвнинг режаларида қандайдир бир ўзгаришлар юз берган эди. Тўқайда яшириниб юрган Тоҳир Робиядан хавотирда эди. Ота-онаси қизни қўлларидан келганича авайлаб, яшириб юрганларини билса ҳам, ёвнинг ҳамон Қува атрофида ўралашиб юргани жуда таҳликали эди. Учинчи куни йигитларнинг хўраклари ҳам тугади. Аҳвол қандай бўлаётганини билиш ва хўрак ғамлаб келиш учун Тоҳир ўзи борадиган бўлди. У кечки пайт бир боғ қамишни орқалаб секин ҳовлиларига яқинлашди. Дарвоза занжир экан, қўлининг учини тиқиб, занжирни туширди. Мулла Фазлиддин бостирманинг олдида аравaнинг ғилдиракларини кўздан кечираётган эди. Қамиш кўтариб кирган Тоҳирни кўриб унга қараб чопди:

– Сулҳ муборак, жияним! Сулҳ!

– Уруш тугадими?

– Худога шукр, тугади.

Тоҳир елкасидан қамишни ерга ташлаб юборди. Тоғаси уни бағрига босиб, қулоғига шивирлади:

– Жасоратларинг бекор кетмади, жиян! Самарқанд подшоҳининг ўзи сулҳ таклиф қилган эмиш! Кўприкдаги талафот ёғийнинг белини синдирган экан!

Мулла Фазлиддин елкасига энсиз жияк тикилган кифтаки кўйлак кийган эди. Тоҳир энгагини жиякнинг боғичига босиб ва кутилмаган шодликнинг зўридан ўпкаси тўлиб:

– Хайрият! – дея олди, холос.

Мулла Фазлиддин унинг залварли елкасини силаб паст товуш билан:

– Аломат бўлди, – деди. – Не-не бекларнинг қўлидан келмаган халоскорлик сендек таваккалчи йигитларнинг қўлидан келгани аломат бўлди! Киборлар сендекларни «қора халқ», деб писанд қилмайдилар. Аммо бугун шу «қора халқ»нинг жасорати билан уруш балосидан халос бўлганларини билсалар эди!

– Лекин мунчалик бўлишини биз ўзимиз ҳам билмаган эдик, мулла тоға. Бир чеккаси, сизнинг келиб қолганингиз яхши бўлди. Сиз бўлмаганингизда бу иш менинг хаёлимга ҳам келмас эди, сиз туртки бердингиз.

– Шундайми, а, жияним? Агар шундай бўлса менинг бошимни сен кўкка етказдинг! Мулла Фазлиддин нуқул овозини пасайтириб, қандайдир хафв сезиб гапирмоқда эди.

– Мулла тоға, Қувада ҳали ҳам ёғий борми? – деди Тоҳир.

– Ҳа, ёғий ўтиб тамом бўлганича йўқ. Подшоҳлари Андижондан бир йиғоч[1] берида сулҳ тузиб орқага қайтган эмиш. Черигининг бир қисми кўприкдан нарига ўтиб кетганини, ўзим кўрдим. Аммо қолган-қутганлари энди қайтса керак. Эҳтиёт шарт, жияним, уйга кир.

Тоҳир уст-бошига илашган қамиш баргларини қоқиб уйга кираётганда қўшни ҳовлидан аёл кишининг алласи эшитилди.

Тоҳир Робияни эслади-ю юраги бир орзиқди. Сулҳ тузилганини эшитганмикин? Тоҳир уни жуда соғинган эди. Қани энди иложи бўлса-ю, ҳозир девор ошиб, қўшни ҳовлига ўтса. Робияга уруш қандай даф бўлганини айтиб бериб, унинг қувонганини кўрса! Лекин қаллиқлик одоби бунга йўл бермас, Тоҳир Робия билан фақат яширинча учрашар эди.

Тоҳир энди уйга кириб, онасини сулҳ билан муборакбод қилаётган эди, кўчада бирдан итлар асабий хуриб, от дупури эшитила бошлади. Тоҳир шошилиб дарчадан ҳовлига қаради.

Айвондан пастда турган мулла Фазлиддин унга ўтинхонани кўрсатиб:

– Бу ёққа чиқ! – деб шипшиди. – Бекин!

Тоҳир белига тақилган ханжарни сопидан ушлаб, айвон орқали ўтинхонага чопиб ўтди ва қамиш боғларининг орасига яширинди.

Дарвоза тавақалари шахт билан очилди. Эгарларининг қошига ёй осилган, бошларига дубулға кийган, кенг чолворлари этикларининг қўнжини ёпиб турган отлиқ аскарлар ҳовлига кираётиб, атрофга аланг-жаланг кўз югуртириб чиқди. Улардан иккитаси битта қора отга мингашиб олган эди.

Дубулғасининг учига яшил матодан байроқча қадалган понсод бостирмада турган яйдоқ отни кўрди-ю, мингашиб келаётганларга қараб:

– Ана у сеники! – деди.

Ҳабашдай қорайиб кетган ўсиқ мўйловли йигит қора отнинг сағрисидан сакраб тушди-ю, бостирмага қараб югурди.

[1] Бир йиғоч – тахминан ўн олти чақирим.

Қолган йигитлар понсоднинг ишораси билан уйга кириб, янгироқ кигизми, гиламми, бўхчами ҳаммасини ҳовлига кўтариб чиқа бошлади. Айвоннинг устунига суяниб жим турган мулла Фазлиддин буларни: «Кўприк воқеасидан хабар топиб Тоҳирларни қидириб келганми?» деб қаттиқ қўрққан эди. Энди буларнинг баднафс талончилар эканини кўриб нафрати келди. Отдан тушмай ҳовли ўртасида турган понсодга қараб:

– Меҳмон, инсоф ҳам даркор! – деди. – Подшоҳларимиз сулҳ тузганларидан кейин бунчалик талон-торож қилиш мусулмончиликка тўғри келармикин?

Бостирмада мулла Фазлиддиннинг отини аллақачон ўзиники қилиб, унга эгар ураётган қора йигит:

– Сулҳ, омон-омон! – деб, бу сўзларни масхаралагандай кулиб айтди. Бошқа бир йигит бўхчани титкилаб, ундан бир жуфт атлас топди-да, понсодга узатиб:

– Моли амон![1] – деди.

Понсод атласни олиб хуржунга солар экан, мулла Фазлиддинга зуғум қилиб, самарқандча талаффуз билан гапира бошлади:

– Олтмишта отимиз ўлат бўлиб ўлди. Бизга касофатларинг урди. Сен бунда савори юргин-у мани йигитим Самарқандга пиёда кетсунми? Икки киши бир отга мингашиб кирганини кўрдингми?

– Кўрдим. Агар аравага қўшилган шу чўбир от йигитингизни Самарқандга кўтариб боролса, майли, олинг. Лекин аёлларнинг бўхчасини кавлаш, сиздек олижаноб понсодга жоизмикан?

– Бизнинг аёлларимиз Фарғона атласидан савғо келтиринг, деб тайин қилган. Биз шунча жойдан овора бўлиб келиб, энди бесавғо қайтайлукми? Инсоф шуми?!

Понсод сўнгги сўзни алам билан айтганига қараганда, урушнинг ғалабасиз тугаганидан жуда норози эди. Бу одамлар, урушдан катта ўлжалар олиш умидида ойлаб-йиллаб қон кечиб, ҳамма азоб-уқубатларга бардош бериб юрар эдилар. Агар Андижон ва Ахси каби бой шаҳарлар босиб олинса, жангчиларнинг ҳар бири ўлжадор бўлиши шубҳасиз эди. Бироқ Қувадаги талафотдан кейин дарҳол сулҳ тузилди. Андижондан ярашиш учун чиққанлар Самарқанд подшоҳига олтин-кумуш совғалар, қимматбаҳо саруполар, бир неча юз чопқир от ва

[1] М о л и а м о н – урушда тўланадиган товон.

туялар инъом қилдилар. Бу инъомлар подшоҳнинг ичкилари, мулозимлари, беклари ва бошқа яқинларидан ортмай қолди. Мана бу понсодга ўхшаган жангчилар эса ўлжасиз қолди. Шунинг аламига улар орқага қайтишда йўлларида учраган қишлоқларни тинтиб, ўлжа қидиришга тушган эди.

Улардан бештаси ҳозир Робияларнинг ҳовлисига ҳам бостириб кирган эди. Ўтинхонанинг бир девори Робияларнинг ҳовлисига туташ бўлгани учун Тоҳир қўшни ҳовлида ҳам тўполон кўтарилганини эшитиб қолди.

Кеча эҳтиётини қилиб ичкарида бекиниб ўтирган Робия уруш тугаганини эшитган, сўнг ҳовлига сигир соғишга чиққан эди. Сигирга бузоқни қўйиб, уни ийдириш билан андармон бўлди-да, ҳовлиларига отлиқ аскарлар кириб келганини кеч сезди. Аяси оғилхонага чопиб кирди.

– Вой, ўлай, сен шу ердамидинг?

– Нима бўлди, ая?

– Ёғий! Тўхта! Ҳовлига чиқма!.. Ана у туйнукдан сомонхонага ўт!

Ўлжа от қидириб юрган навкарларнинг иккитаси дарҳол оғилхонага кирди-ю, унинг тўридаги туйнукдан нарёққа ошиб ўтаётган қизни кўриб қолди. Қисиқ кўзли қипчоқ йигит ёнидагига қараб:

– Сулув қизга ўхшайди! – деди.

– От жўқ экан-да, – деди шериги афсусланиб.

– Жахши қиз отдан ҳам қиммат бўлади. Жур, олиб чиғайиқ. Самарқандга олиб бориб Фозилбекка сотамиз!

Сигирнинг панасида турган она бу даҳшатли сўзларнинг маъносини тушунди-ю, чопиб бориб туйнукнинг оғзини гавдаси билан бекитди.

– Мусулмон бўлсаларинг қизимга тегманглар! Мени ўлдирсаларинг ўлдиринглар! Қизимга яқинлашманглар! Бировнинг омонати! Бировга фотиҳа бўлган!

Бу сўзлар қисиқ кўзли йигитнинг назарида қизнинг қийматини яна ҳам оширгандай бўлди. У кампирни қўлидан бир силтаб, охурга қараб улоқтирди. Кампир охурга боши билан урилиб чинқирди-ю, ҳушидан кетди.

Қипчоқ йигит туйнукдан сомонхонага ўтганда Робия сомонхонанинг эшигидан қочиб ҳовлига чиқди. Шунда иккинчи йигит қаршисидан чопиб чиқиб уни тутиб олди. Ичкаридан қисиқ кўзлиги етиб келди. Қиз уларнинг қўлидан

чиқиб кетмоқчи бўлиб балиқдай патиллар эди. Учинчи бир йигит эгаридан қоп олиб қопнинг оғзини очганича уларга яқинлаша бошлади. Қиз ҳозир бошига қоп кийдирилишини сезди-ю, бор овози билан дод солиб қичқира бошлади.

Тоҳир шу вақтгача тишини-тишига қўйиб, уйларида бўлаётган талон-торожга чидаб ўтирган эди. Аммо Робиянинг чинқириғини эшитгандан кейин кўзига ҳеч нарса кўринмай қолди. Ўтинхонадан чопиб чиқди-да, қўшни ҳовлининг деворига тирмашди. Деворнинг сувоқларини кўчириб, нарёққа ошиб тушар экан, шунча кундан бери уни хавотирга солиб юрган энг ёмон бахтсизлик у кутгандан ҳам даҳшатлироқ бир тарзда рўй бераётганини кўрди. Бири Робияни оёқларидан ушлаб олган, иккинчиси унинг қўлларини белига қўшиб маҳкам қисиб турган ва учинчиси қизнинг бошига қоп кийдирмоқчи бўлаётган йигитлар Тоҳирнинг баданига ҳам заҳарли илон бўлиб ёпишаётгандай туюлди. Тоҳир қичқириб юборди. Ҳовлида бир йигит отларни жиловидан тутиб турибди. Яна бири қўлида узун найзаси билан от устида ўтирибди. Ҳаммасининг белида қиличи, ёнида ўқ-ёйи. Тоҳир бир ўзи буларга бас келоладими-йўқми, буни ўйлаб ўтирадиган аҳволда эмас. Робияга ёпишган илонларга тезроқ тиғ уришдан бошқа ўйи ҳам, истаги ҳам йўқ. У югуриб бораётиб ханжарини қинидан суғурди. Найза кўтарган отлиқ:

– Тўхта! Тўхта! – деб унинг кетидан от солди. Тоҳир икки сакраб мўлжаллаган жойига етиб борди. Робияни оёғидан қучоқлаб олган қисиқ кўзли йигитнинг биқинига ханжар урди. Ханжар сопигача ботиб кетгани, қисиқ кўзли йигит инграб Робиянинг оёқларини қўйиб юборгани эсида. Тоҳир ханжарни тортиб олаётганида ўзининг елкасига ғарчиллаб санчилган найза зарбидан гандираклаб кетди. Унинг ханжар тутган қўллари даҳшатли бир оғриқдан бўшашди. От устидан унга найза санчган йигит найзасининг узун сопидан тортиб суғуриб олаётганда Тоҳирнинг елкасидан – қўйлаги билан бирга кесилган баданидан қон тизиллаб отилиб кетди. У ўзи қулатган қисиқ кўзли йигитнинг устига йиқилар экан, Робиянинг косасидан ўйноқлаб чиққан ваҳима тўла кўзини кўрди. Қизнинг:

– Вой, Тоҳир оғам! – деб қичқиргани узоқлардан келган шарпадай зўрға эшитилди. Сўнг бу ҳам зулмат қаърига шўнғиб йўқ бўлди.

Тоҳир қонига беланганича қолди-ю, Робияни Самарқанд томонга олиб кетишди.

ЎШ

НАЖОТ ҚАЙДА?

1

Баланд қоятошлар билан текис воҳалар бир-бирига ғалати тарзда киришиб кетган Ўш атрофлари бир неча кундан бери жуда серҳаракат. Андижондан туяларга ортиб келинган ҳашаматли чодирлар Буратоғ этагидан оқиб ўтадиган Жаннатариқ бўйига ўрнатилди. Оқбурасой бўйларида ҳам, Чилмаҳрам тоғининг этакларидаги кўкаламзорларда ҳам юзлаб чодирлар ва ўтовлар пайдо бўлди. Тоғдан ҳайдаб тушилган думбали қўйлар сўйилди, кабоб қўраларида арчанинг пистоқи кўмири чўғлатилди, дошқозонларда гўшт қайнай бошлади.

Бугун Ўшга Бобур мирзо бошлиқ ҳамма аркони давлатларнинг келиши кутилмоқда. Мулла Фазлиддин ёш подшоҳнинг амри билан Буратоғнинг чиқиш қийин бўлган хушманзара бир қоятоши устига кичкина ҳужра қурган. Бобур мирзо бултур шу ишни унга топширгандан кейин Самарқандга қўшин тортиб кетган ва Ўшга мана энди йўли тушмоқда эди. Мулла Фазлиддин савдарлар билан пастга тушиб, ҳужрага ярашадиган гилам ва зарбоф кўрпачаларни ўзи танлади. Тик, сирғанчиқ қоятошга чиқиб ўрганмаган савдарлар жиҳозларни олиб келаётганда жуда қийналиб қолишди. Қашқарча кумуш обдаста кўтариб келаётган семиз офтобачи ҳар ўн қадамда бир тўхтаб қоларди. Мулла Фазлиддин унинг қўлидан обдастасини олиб, ўзини суяб чиқди. Савдарбоши айвоннинг сангфарш[1] қилинган зиналарига гулдор пояндоз тўшатган эди, мулла Фазлиддин илтимос қилиб, уни олдириб ташлади. Чунки зиналарга ишлатилган рангли тошлар ҳар қандай пояндоздан қимматроқ ва гўзалроқ эди.

Тоғ қиррасида турган ҳужрадан бутун Ўш шаҳри ва унинг атрофлари кафтдагидек аниқ кўринар эди. Ҳали ҳам нафасини ростлаб ололмай ҳансираб ўтирган офтобачи пастга тикилиб қаради-ю, ўрнидан сакраб турди:

[1] С а н г ф а р ш – гўзал тошлардан гул ясаш.

– Ана, келдилар!

Мулла Фазлиддин айвон четига бориб, пастга кўз югуртирди.

Оқ отлиқ Бобур мирзо юздан ортиқ беклари ва хос навкарлари билан Жавзо масжидидан ўтиб, тоғ этагига яқинлашиб қолган эди. Улар ҳаммаси Жаннатариқ бўйига ўрнатилган боргоҳ[1] ва хиргоҳ[2] олдида тўхтадилар. Ичи заррин ипак, усти қимматбаҳо майин мовут билан қопланган бу чодирларнинг зарҳал чилвирлари кумуш қозиқларга боғланган эди. Чодирларда дам олиш ва катта зиёфатлар бериш учун ҳамма тайёргарликлар кўриб қўйилганини мулла Фазлиддин билар эди. «Энди бугун Бобур мирзо ўша ерда дам олсалар керак, бизнинг ҳужрага балки эртага чиқарлар», деган ўй билан ишини секин давом эттирди. Аммо орадан бир соат ўтар-ўтмас пастдан сарсоқол қўрчибоши тўртта соқчиси билан ҳансираб чиқиб келди:

– Ҳозир бу ерга олий зотлар қадам ранжида қилурлар. Тахтиравон қаерда?

Савдарбоши мулла Фазлиддинга ёрдам сўрагандай қилиб қаради. Зира беқасамдан юпқа тўн кийган мулла Фазлиддин қўрчибоши қаршисида қўл қовуштириб:

– Маъзур тутинг, жаноби бек, – деди.

– Хўш?

Мулла Фазлиддин шу ҳужрани қуришда ғиштларни замбилга солиб кўтартириб чиқмоқчи бўлган, аммо иложини тополмаган эди. Чунки бу тик қояга одам фақат битта-битта бўлиб, гоҳо қўли билан қояга суяниб чиқиши мумкин эди. Тахтиравонни эса тўрт киши тўрт томонидан кўтаради, унинг ичида подшоҳ ёки маликалар ўтиради.

– Биз тажриба этиб кўрдик, бу қояга тахтиравон кўтариб чиқиш мумкин эмас, – деди мулла Фазлиддин.

Қўрчибоши уч томони девордай тик қоятош бўлган, фақат бир томонидан ёлғиз одам зўрға ўтиб келадиган тоққа дурустроқ қаради-ю, тахтиравон ишлатиш фикридан қайтди. Савдарбошига хўмрайиб:

– Бу ерда ортиқча одам бўлмасин! – деб буюрди.

Ҳужра атрофидаги саҳн торроқ бўлса ҳам қоянинг шимол томонида – уйдай баланд тошлар ортида кичкина майдонча

[1] Боргоҳ – подшоҳнинг хос чодири.

[2] Хиргоҳ – подшоҳнинг тахти қўйиладиган ва қабул маросимлари ўтказиладиган чодир.

бор эди. Соқчилардан иккитаси офтобачи ва савдарбоши билан бирга ўша ёққа ўтиб туришди. Бошқа савдарлар пастга тушиб кетишди. Қўрчибоши мулла Фазлиддинга қараб:

– Жаноби меъмор, сиз йўлни яхши билурсиз, подшоҳга пешвоз чиқинг, – деб буюрди. Қоидага биноан қўрчибошининг ўзи ҳам пастга қайтиб тушиб, подшоҳ билан бирга чиқиши керак эди. Аммо бу тоққа икки қайта устма-уст тушиб чиқиш бениҳоя қийин. Буни сезган ўрта яшар қўрчибоши иккита соқчини мулла Фазлиддинга қўшиб пастга тушириб юборди-ю, ўзи ҳужра ёнидаги силлиқ тош курсига ўтириб, терлаб кетган йўғон бўйинларини арта бошлади.

Мулла Фазлиддин Буратоққа ҳар куни неча қайтадан тушиб-чиқиб ўрганиб қолган. Унинг оёғидаги ихчам мўккиси тошдан-тошга енгил ўтиб боради. Аммо кўнгли нотинч. Ҳозир подшоҳ ва унинг бекларига дуч келиши кераклиги, улар билан муомала қилишнинг қийинлиги қалбига таҳлика солади.

Бобур мирзо ва унинг одамлари тоғнинг кунчиқиш томонидан отлиқ айланиб ўтиб, қоятошга жанубдан яқинлашдилар-да, мозоротдан юқорироқда отдан туша бошладилар. Шунда мулла Фазлиддин бек ва навкарларга қўшилмай алоҳида тўп бўлиб келаётган аёлларни кўриб қолди. Ювош қора отда ўтирган ва оппоқ кийинган ўрта яшар аёл – Бобурнинг онаси Қутлуғ Нигор хоним эди. Гулибодом рангли шўх, ўйноқи отда қирмизи ипак қабо[1] кийган Хонзода бегим келмоқда эди. Мулла Фазлиддин уни шўх от устида чавандоз йигитлардай яхши ўтирганидан ҳам таниди-ю, вужуди бирдан қизиб кетгандай бўлди. Кўнглидаги бояги безовталик устига оловли бир ҳаяжон қўшилиб, юраги қинидан чиққудай ҳаприқиб кетди. Мулла Фазлиддин ўзида бирдан юз берган бу ўзгаришни бировга сездириб қўйишдан қўрқиб, подшоҳни кутиб олаётган мулозимларнинг панасига ўтди-да, бош эгиб, қўл қовуштириб турди. Шунда тиззалари ҳам қалтираётганини сезиб, «Худоё ўзинг шарманда қилма!» деган сўзларни дилидан ўтказди.

2

Бобур мирзонинг опаси Хонзода бегим мулла Фазлиддинни кўпдан бери ҳайратга солиб келади. Бундан тўрт йил

[1] Аслзода аёллар киядиган узун енгли устки кийим. Камзулга ўхшаш.

муқаддам мулла Фазлиддин Ҳиротдан келиб Умаршайх мирзонинг Андижондаги чорбоғида кўшк қура бошлаган кезларида Хонзода бегим ўн олти ёшда эди. Аслзода қизлар орасида энг кўҳлиги бўлган Хонзода бегим бир марта эркакча кийиниб от миниб, инисининг ўсмир мулозимлари билан чавгон[1] ўйнаган. Мулла Фазлиддин буни кўриб бир ҳайратга тушган эди. Орадан икки йил ўтгач, мулла Фазлиддин Андижон аркидаги тўрхонанинг баъзи нақшларини янгилаш учун чақирилди. Шунда ўн саккиз ёшли Хонзода бегимни равонда канизлар орасида сетор чалиб ўтирган пайтида яна бир кўрди-ю, ўз кўзларига зўрға ишонди. Чунки бир вақтлар йигитча кийиниб чавгон ўйнаган ўша қиз энди сеторда шунчалик нафис, шунчалик майин куй чалар, унинг ўзи ҳам шу қадар нафосатга тўлиб ўтирар эдики, мулла Фазлиддин беихтиёр унинг сеҳрига берилиб, ғалати бўлиб кетди.

Кейин мулла Фазлиддин деворга хомаки нақш чизаётганда Хонзода бегим унинг олдига келиб, ишини қизиқиб томоша қила бошлади. Мулла Фазлиддиннинг қўлидаги паргор[2] ҳаяжонидан ерга тушиб кетди. – Ажойиб нақш чизган эдингиз, кўзим тегдими, мавлоно? – деди Хонзода бегим айбни ўзига олгандай бўлиб.

Мулла Фазлиддин паргорни ердан кўтарар экан:

– Йўқ, аксинча, бегим, сизнинг назарингиз тушган нақш янада яхшироқ чизилгай!

– Мен эшитдимки, мавлоно мусаввир ҳам эмишлар.

– Аслида меъморлар мусаввирлик санъатидан хабардор бўлмоқлари даркор.

– Ундоқ бўлса, менинг суратимни чизиб кўринг!

Кутилмаган бу таклифдан чўчиган мулла Фазлиддин атрофга аланглаб қаради. Тўрхонада бошқа ҳеч ким йўқ. Шундай бўлса ҳам овозини пасайтириб деди:

– Бажонидил чизар эдим... Фақат...

– Хавотир олманг, мавлоно, мен сир сақлашга қодирмен!

– Агар мен чизган сурат нариги дунёда жон талаб қилса, қайдан топурмен, бегим?

Мулла Фазлиддин бу сўзлар билан шариат сурат чизишни ман этганини, агар қўлга тушса жони хафв остида қоли-

[1] Ч а в г о н – ҳозирги хоккей ўйинига ўхшайди. Фақат очиқ майдонда от миниб ўйналади.

[2] П а р г о р – циркул.

шини айтмоқчи эди. Хонзода бегим унинг очиқ айтолмаган фикрини тушунди-ю, жилмайди:

– Агар суратим учун сиздан жон талаб қилсалар, менга айтинг, мен ўз жонимни бергаймен!

...Мулла Фазлиддин пўлат сандиқда яшириб юрган суратни мана шу гаплардан кейин чизишга журъат этган эди. Шундан кейинги тўполонларда у Хонзода бегимни узоқ вақт учратолмай юрди.

Ниҳоят, бултур кузда мана шу Буратоққа Хонзода бегимнинг ўзи келиб қолди. Бобур Самарқандга кетишда ўз онаси ва эгачисига «Ўшдаги ҳужрадан хабар олурсизлар», деб тайинлаб қўйган экан. Мезон ойида Ўшга меҳмон бўлиб келган Хонзода бегим битта канизи билан Буратоққа чиқди. Мулла Фазлиддин ўша пайтда ёлғиз шогирди билан ишламоқда эди. Ҳар битта ғиштни, ёғочни, ҳар бир кўза сувни пастдан олиб чиққунларича тинкалари қуриб кетарди. Мармар йўниб сангкорлик қилишга сангтарош йўқ. Сирланган кошин олишга пул йўқ. Бу ҳаммаси мулла Фазлиддинни жуда қийнаб қўйган. Лекин бу мушкулотларни Хонзода бегимга қандоқ айтади? Бегимнинг марварид қадалган ипак тоқисидан[1] тортиб учи қайрилган қизил этикчасигача бутун борлиғи шундай нафис кўринар, бу самовий гўзаллик олдида тош ва ғиштдан гап очиш жуда эриш туюларди. Бироқ Хонзода бегим мулла Фазлиддиндан бўлажак ҳужранинг режаси чизилган тарҳни сўраб олди. Қоғозга қараб туриб:

– Гумбазини кошин билан безатмоқчи бўлибсиз, кошинингиз етарликми? – деди.

Мулла Фазлиддин энди дардини айтишга мажбур бўлди. Бу қиз меъморлик санъатидан ҳам хабардор бўлиб, анчагина китоб мутолаа қилган экан.

– Бобур мирзо зафар билан қайтсалар, Худо раҳмати отамнинг ўша орзуларини рўёбга чиқарурлар, – деди. – Ўшанда яна ўзингиз бош бўлурсиз, мавлоно!

Дунёда ҳали ҳеч бир товуш мулла Фазлиддинга бунчалик ёқимли туюлмаган эди. Хонзода бегим ҳар гал уни «мавлоно», деб улуғлаш билан гўё порлоқ бир истиқбол ваъда қилгандай бўларди. Подшоҳ оиласидан меъморчилик санъатини шунчалик биладиган, қадрлайдиган иттифоқдош топилгани

[1] Т о қ и – чўққисимон заифона бош кийим.

мулла Фазлиддиннинг кўнглини кўтарибгина қолмай, қалбида ғалати бир завқ ва дадиллик уйғотди.

У сирпанчиқ қоятошга кўтарилишдан кўра тушиш қийинлигини билар эди. Шунинг учун Хонзода бегимни пастга кузатиб туша бошлади. Халқ «қилкўприк» деб ном қўйган тор ва хатарли тош сўқмоқдан ўтаётганларида Хонзода бегимнинг оёғидаги таги силлиқ чармдан тикилган этиги тойиб кетди. Хонзода бегим мувозанатини йўқотиб, ёнида бораётган канизига қўл чўзди. Аммо каниз ҳам зўрға келаётган эди, иккови баробар чайқалиб кетди. Каниз қўрқиб чинқириб юборди. Улар пастдаги чақир тошларга йиқилиб тушадиган бўлганда мулла Фазлиддин олдинга сакраб ўтиб, икковини икки қўли билан қучоқлаб тутиб қолди. Ёшгина каниз қўрққанидан мулла Фазлиддиннинг елкасига ёпишиб олди. Кийикдай чаққон Хонзода бегим йигитнинг елкасидан тутиб, ўзини тез ўнглади ва унга секин раҳмат айтди. Шу пайт мулла Фазлиддин ўз юзида Хонзода бегимнинг илиқ нафасини ҳис қилди. Қизнинг юзидами, лабларидами, гул атрига ўхшамайдиган, аммо ундан ҳам ёқимлироқ, сирлироқ бир ҳид бор эди. Мулла Фазлиддин шу ҳидни олди-ю, Хонзода бегимнинг шоҳ қизи эканлигини гўё унутди. Қизнинг салқин, юмшоқ қўлидан ушлаб нарёғи текис кетган сўқмоққа чиққунларича қўйиб юбормади. Беш-ўн қадамлик масофада оддий меъмор билан малика орасидаги фарқ гўё йўқолиб кетди, улар бир-бирларига фақат забардаст йигиту гўзал қиз бўлиб туюлдилар. Лекин ундан нарида яна канизлар, жиловдорлар, савдарлар орага тушиб, Хонзода бегимни қуршаб олиб кетдилар. Мулла Фазлиддин ғалати бир туш кўриб уйғонган одамдай ҳайратланиб қолаверди.

Эртаси куни Хонзода бегим ёрдамга юборган иккита норғул йигит мулла Фазлиддинга керакли юкларни пастдан ташиб чиқа бошлади. Орадан бир ҳафта ўтгач, туяга ортилган кошинлар ҳам етиб келди. Хонзода бегим юбортирган ҳар бир нарсада мулла Фазлиддин унинг ўзини кўргандай бўларди. Пўлат сандиқдаги суратни оқшомлари ёлғиз қолганда қўлига олиб узоқ-узоқ тикилади. Қиз сирғаниб кетган мана шу тоғнинг тошларидан Хонзода бегимнинг ўшандаги илиқ нафаси ва сирли ҳиди ҳамон келиб турганга ўхшарди. «Наҳотки бу муҳаббат бўлса? – дерди мулла Фазлиддин ўзи-

га-ўзи. – Йўқ, зинҳор! Мендаги туйғу – беғараз илоҳий бир меҳрнинг нишонаси, холос. Бошқача бўлиши мумкин эмас!»

Ҳозир яна Хонзода бегим яқинлашиб келаётганини кўриб, саросимага тушиб қолган мулла Фазлиддин ўзининг мана шу эътиқодида маҳкам туришга тиришар ва аёллар томондан нигоҳини олиб қочарди.

3

Бобур мирзо отдан тушганда бўйи ўсиб, катта йигитларга тенглашиб қолгани билинди. Қадам олиши ҳам хийла салмоқли. Тахтга ўтирганидан бери ўтган сўнгги уч йил уни жуда тез улғайтирган, кўз қарашлари кўпни кўрган одамларникидай вазмин. Фақат хипча қомати ва ҳали унча тўлишмаган елкалари энди ўн беш ёшга кирганини эслатиб турарди.

Аммо тоққа чиқишда Бобурнинг ўсмирлиги жуда иш берди. У ҳаммадан олдинда тошдан-тошга енгил кўтарилиб борар, гоҳ онасига, гоҳ опасига юқоридан қўл чўзиб ёрдамлашиб қўярди.

Беклар ва мулозимларнинг кўпчилиги пастда қолишди. Йўл тор, ҳужра кичкина бўлганлиги учун ҳозир биринчи навбатда подшоҳ оиласи ва Бобурга энг яқин киши бўлган эшикоға Қосимбек чиқишмоқда эди. Қавчин уруғидан чиққан Қосимбек тўладан келган барваста киши эди, тоғнинг ярмига чиққунча нафаси бўғилиб, қийналиб қолди. Бобур буни кўриб, текисроқ бир тош устида тўхтади. Қосимбек ҳам тўхтаб, орқада келаётган мулла Фазлиддинга юзланди:

– Жаноби меъмор, бу тошлардан зинапоя тарашлаш хотираларига келмабдир-да.

Мулла Фазлиддин пастроқда тўхтаб қўл қовуштирди-ю, енгил бир таъзим билан жавоб берди:

– Агар зоти олий амр берсалар, зинапоя тарашлаш имкони бор.

Қосимбек юқорига юз ўгириб, Бобурга савол назари билан қаради. Бобур кулимсираб:

– Ажабо! – деди энди йўғонлаша бошлаган ўсмир овози билан. – Тоғ чўққисига ҳам зинапоя билан чиқурларми?

Соддароқ одам бўлган Қосимбек таклифи ўринсиз чиққанини сезди-ю, иззат-нафсга бормай, гапни кулгига бурди:

– Амирзодам, лутф қилдилар. Каминани бу терлаб-ҳансирашлардан зинапоя ҳам қутқаролмас эди.

Энди Қутлуғ Нигор хоним ҳам кулди:

– Қосимбек жаноблари ҳақдир. От-улов ўтолмайдиган бу чўққиларга шоҳ ҳам пиёда чиқур, малика ҳам!

– Ҳатто, хонзодалар ҳам! – деб Бобур опасига қараб шўх кулимсиради. Шунақа ҳазил-ҳузуллар билан ҳужрага етиб бордилар. Нилий гумбазли жажжи бино кўклам қуёшида шундай нафис жилоланиб кўриндики, Бобурнинг дили бирдан равшан тортиб кетди. Атрофдаги табиатнинг гўзаллиги, баҳор ва тоғлар айвонга ишлатилган нақшларни, гумбаздаги кошинлар рангини алланечук жуда очиб кўрсатар эди.

Қосимбек Бобурни, унинг онаси ва опасини тавозе билан ичкарига кузатиб қўйди-ю, ўзи мармар зинапоя олдида қўл қовуштирганича қолди. У аёллар бор жойга подшоҳдан ишора бўлмагунча кирмас эди.

Мулла Фазлиддин Қосимбекдан берироққа – айвон тагига келиб турди.

Ҳужра эшиги ёнғоқ ёғочидан ўймакор қилиб, зар билан ишланган эди. Бобур гўзал ўймакорликларга, девор ва шифт безакларига бир-бир кўз ташлаб чиқди-да, ҳужранинг эшигини очди. Онаси билан опасига йўл бериб кейин ўзи ичкарига кирди.

Ҳужранинг ичи қоронғи бўлмаса ҳам қоидага биноан ғарб томонидаги меҳробга шам ёқиб қўйилган эди. Кундузги ёруғлик қаршисида кўзга зўрға ташланаётган шам ёғдуси ён-веридаги гулгун нақшларга тушиб, элас-элас жилваланарди.

Бу ҳаммаси Бобурда ғалати бир завқ уйғотди. У шам ёнидаги тўқ-қизил нақшларни Хонзода бегимга кўрсатиб:

– Ислими гулхан шуми? – деб сўради.

Хонзода бегим бир укасига, бир нақшга қаради-ю, шўх жилмайди:

– Бир қошиқ қонимдан кечсангиз, айтурмен. Бобур ҳам кулимсираб:

– Кечдим, айтингиз, – деди.

Хонзода бегим ўнгга қайрилиб, эшик тепасидаги қип-қизил нақшларни кўрсатди.

– Ислими гулхан мана бу. Сиз нақши лолани бунга ўхшатмишсиз, амирзодам. Хонзода бегим кўрсатган нақшлар

ҳақиқатан қип-қизил олов тилларини эслатар, унинг эшик тепасига нақшланиши ҳам бежиз эмас эди. «Келувчига эргашган бало-қазони олов олиб қолади», деган қадимий эътиқод ва келин-куёвни эшик олдига ёқилган оловдан айлантириб олиб ўтиш одатлари Бобурнинг эсига тушди. У опасига тан берган каби қараб:

– Сиз ҳақсиз, мен саҳв қилибмен, – деди. Шунда Қутлуғ Нигор хоним гап қўшди:

– Бобур мирзонинг саҳвлари узрли. Чунки бу ҳужрада нақши лола ҳам худди гулхандек ёниб кўринур!

Онасининг лутф қилиб айтган сўзлари Бобурнинг ҳужрадан олган завқини яна бир даражада оширди.

Учовлари айвонга қайтиб чиқар эканлар, пастда турган мулла Фазлиддин Бобурнинг чеҳраси очилиб кетганини кўрди. Бобур зинапоя олдида турган Қосимбекка қараб:

– Буратоққа жуда муносиб! – деб қўйди.

Буратоғни Бобур ёшлигидан яхши кўрар эди. Текис водийнинг ўртасига тушган бу баланд тоғ одамларни ҳайратлантириш учун яратилганга ўхшарди. Гўё у улкан тоғнинг бир парчасини илоҳий бир куч шундай кўтариб олиб келгану томоша учун сайҳон жойга чиройли қилиб ўрнатиб кетган. Мана шундай тоққа муносиб бўлиш ҳужра учун жуда катта шараф эканини сезган Қосимбек бир четда қўл қовуштириб, сукут сақлаб турган меъморни чақирди.

Бобур подшоҳ бўлгандан бери ўз кўнглидан чиқариб қурдирган биринчи иморати жуда кичик бўлса ҳам унга азиз ва ғанимат туюлди. Бу ҳужра тоғ қиррасида шундай жозиба билан узоқ вақт туришини истаб, меъморга савол назари билан қаради:

– Тоғда қор-ёмғирлар кўп бўлур. Ҳужра узоқ вақтга бардош берурмикин? Айвонда турган Қутлуғ Нигор хоним билан Хонзода бегим ҳам меъморга кўз тикишди. Мулла Фазлиддин ҳаяжонланганидан тиззалари букилиб-букилиб кетмоқда эди. У қўлини таъзим билан кўксига қўйиб:

– Иншоолло, бардош берур, – деди.

Қосимбек унинг гапини тасдиқлаб:

– Ҳа, қирқ-эллик йил яхши турур, – деб қўйди.

«Қирқ-эллик йил» деган сўзлар мулла Фазлиддинга озор бергани унинг Қосимбекка қисқа бир кўз ташлаб қўйганидан сезилди. Шу пайт мулла Фазлиддин ўз юзига ким-

нингдир майин нигоҳи тушганини ҳис қилди. Бошини кўтарса, Хонзода бегим юзига ёпилган юпқа оқ ҳарир парда орқали мулла Фазлиддинга қараб турибди. Мулла Фазлиддиннинг бутун вужуди олов сели ичида қолгандай бўлди. У ҳозир сири фош бўлиши мумкинлигини сезиб, яна таъзимга бош эгди. Шунда Хонзода бегим Бобурга изоҳ берди:

– Амирзодам, Худо хоҳласа, бу ҳужра кўп авлодларни кўргай. Қаранг, қор-ёмғир тегадиган жойлари сангкорлик қилинган. Пойдевори қоятошга маҳкам ўрнатилган. Мулла Фазлиддиннинг маҳоратлари баланд – Ҳирот билан Самарқанд меъморларидан таълим олмишлар.

Мулла Фазлиддин Хонзода бегимнинг мақтовини ишга оид оддий гаплардек қабул қилмаса, кўнглидаги нозик ҳисларни сездириб қўйса, ўн жонидан бири ҳам омон қолмаслигини сезди. Ахир жўн бир меъморнинг шоҳ қизига муҳаббати подшоҳ оиласига ҳам, унинг бекларига ҳам ҳақоратдай туюлиши мумкин!

Хайриятки, ҳукмдорлар олдида ҳаяжонга тушиш ва таъзим қилиш одат тусига кириб қолган. Мулла Фазлиддин Хонзода бегимнинг илиқ сўзларига жавобан яна бир таъзим қилди-да, ерга қараб, худди қиличнинг тиғи устидан юриб бораётгандай эҳтиёт бўлиб гапира бошлади:

– Ҳазрати олийга арзим шулки, Самарқандда Улуғбек мадрасасининг деворлари учун қандай ганчу гилмоя, ғишту кошин ишлатилган бўлса, бу ҳужранинг деворларига ҳам фақир шуларни ишлатмишмен. Худодан умидим бор. Бобур мирзонинг муборак номларига мансуб бу ҳужра асрлар давомида мустаҳкам турур[1].

---

[1] Чиндан ҳам, Ўшдаги бу ҳужра тўрт юз йилдан ортиқ мустаҳкам турди. Тоғ тепасида оқариб кўрингани учун халқ уни «Оқ уй» деб атайдиган бўлди. Асрлар ўтиши билан тамагир шайхлар бу бинони «Сулаймон пайғамбар томонидан қурилган қадамжо» деб эълон қилдилар, тарихдан бехабар одамларни бунга ишонтириб, назр-ниёз ундириш воситасига айлантирдилар. Йигирманчи асрнинг ўрталарида академик Иброҳим Мўминов Қирғизистон олимлари билан ҳамкорликда тарихий ҳақиқатни тиклаб, бу ҳужрани Бобур мирзо қурдирганини илмий жиҳатдан асослаб бердилар. Оқ уйнинг пештоқига буни билдирадиган мармар ёдгорлик ўрнатилди. Аммо Бобур номининг бундай улуғланиши мустабид шўро мафкурачиларининг қаҳрини келтирди. Улар ҳужранинг

Бобур бу сўзлардан таъсирланиб:

– Айтганингиз келсин, – деди. – Ҳужра биз истаганимиздан ҳам яхши!

Қосимбек «қирқ-эллик йил турар», деб ҳужранинг умрини қисқа қилиб қўйганидан энди хижолат бўлди. Ҳужрадан нарида харсангтош ортида буйруқ кутиб турган савдарбошига бир қараб олди-да, кейин меъморга ўгирилди:

– Офарин сизга, мулла Фазлиддин!

Бобур Қосимбекнинг гапини тўғрилаб:

– Мавлоно Фазлиддин! – деди.

Шу билан меъморга мўътабар мавлонолик унвони берилгандай бўлди. Қосимбек подшоҳнинг олдида бир неча марта устма-уст саҳв қилганини бир ҳаракат билан тўғрилагиси келди-ю, савдарбошига буюрди:

– Мавлонога тўн келтирилсин!

Савдарбоши саросима бўлиб пастга қаради. Мукофот учун олиб юриладиган тўнлар тоғ этагидаги чодирларда қолган эди. Қосимбек буни сезди-ю, ўзининг эгнидаги янги кимхоб тўнни ечмоқчи бўлиб:

– Мирзо ҳазратлари, ижозат беринг! – деди. Бобур унинг жўмардлигига тан бергандек, жилмайиб бош ирғади.

Қосимбек зар ёқали кимхоб тўнини ечиб, мулла Фазлиддиннинг елкасига ташлади.

– Мавлонога биздан битта от анжоми билан инъом қилинсин, – қўшимча қилди Бобур. Мулла Фазлиддин таъзимга эгилиб миннатдорчилик билдирар экан, бир неча кишининг:

– Муборак! Муборак! – деган сўзларини эшитди.

зиёратгоҳ бўлганини баҳона қилишиб, динга қарши кураш шиори остида 1963 йилда Оқ уйни аскарий қисмлар ёрдамида портлатиб бузиб ташладилар. Лекин ҳужранинг мустаҳкам қоятошга ўрнатилган пойдевори бутун қолди. Унинг тасвири туширилган суратлар бор эди. Адолатпарвар одамларимиз орасида Бобур мирзо қурдирган бу ажойиб обидани қайта тиклаш нияти йиллар ўтган сари кучайиб борди. Саксонинчи йилларнинг охирида миллий уйғониш шабадалари эса бошлаган даврда Ўш шаҳрининг ўзбек, қирғиз ва бошқа миллатларга мансуб вакиллари Оқ уйни қайта тиклаш учун махсус жамғарма ташкил қилдилар. Бу жамғармага Бобур мирзонинг барча мухлислари томонидан тўпланган маблағлар ҳисобига Оқ уй тарихий аслига мос гўзал шаклда қайта тикланди (Муаллиф).

Бу сўзларнинг орасида энг ёқимлиси – Хонзода бегимнинг муборакбоди бўлди. Мавлоно Фазлиддин унга иккинчи марта қарашга журъат этолмай, ерга кўз тикиб турган бўлса ҳам, шу дақиқаларда ўзини бахтиёр сезар эди.

4

Кечки пайт ҳужрада Бобурнинг ёлғиз ўзи қолди. Қосимбек керакли одамларга: «Ҳужра – мирзо ҳазратларининг хилватгоҳлари бўлди, кечаси ҳам ўша жойда тунамоқлари мумкин», деб билдириб қўйди. Қўрчилар Бобурнинг кўзига ташланмасликка тиришиб, ҳужранинг орқа томонида қўриқчилик қила бошладилар.

Доимо кўпчиликнинг диққат-марказида бўлиш ва подшоҳнинг ҳар бир гапи, ҳар бир ҳаракати кимнингдир тақдирига таъсир қилишини унутмай ҳамиша зийрак ва эҳтиёткор туриш Бобурни жуда сиқилтирар эди. Ёш танаси эркин бўлишни, оддий тенгдошлари каби очиқ-сочиқ яйраб юришни қўмсар эди. Ҳозир у ҳужра ичкарисига тўшалган беқасам кўрпачалар устида бошига ёстиқ қўймасдан бирпас чалқанча ётди. Кейин ағанаб юзтубан бўлди-да, энгагини кафтига тираб, девордаги нақшларга тикилди. Куни бўйи отда юриб толиққан бўлса ҳам дам олиб ётгиси келмас эди. Ўрнидан сакраб туриб бир-икки марта қулочини ёзиб керишди, эснади. Сўнг айвонга чиқди-да, яна атрофни томоша қила бошлади.

Тўрт томон баҳор нафосатига тўла. Ҳаво мусаффо бўлгани учун пастда ёқилаётган оловнинг тутуни ҳам одатдагидан тиниқроқ кўринади. Охири қорли тоғлар билан туташиб кетган водийнинг кўз илғаган ҳамма жойи кўкаламзор. Бир ёғида Ўзган, бир ёғида Марғилон, узоқларда Исфара, Хўжанд, Косон ва Ахси – бу ўрчинларнинг[1] ҳаммасида боғроғлар чаман бўлиб гуллаганини Бобур гўё хаёл кўзи билан кўриб турибди. Улуғвор тоғлар афсонавий қалъа деворларидек атрофни ўраб турган бу гўзал водий ҳозир аввалгидан хийла осуда. Уруш тугаганига икки йилдан ошди.

Бундай тинч, масъуд дамларда уни қоғоз-қалам ўзига тортарди. Савдарлар ҳужрага олти оёқли миз[2] келтириб

[1] Ў р ч и н – ҳозирги туман тушунчасига тўғри келади.

[2] М и з – столча.

қўйишган. Бобур мирзо ёнига ўтириб «Вақоеъ» деб атаган хотира дафтарини очди. Сўнгги ёзувлари – ўзи яқинда кўрган Конибодом ва Исфара ҳақида эди. Энди бу ёзувларини давом эттириб, Ўш тўғрисида бита бошлади: *«Ўш қасабаси Андижондин тўрт йиғоч йўлдир... Боратоғнинг[1] тумшуғида тарих тўққиз юз иккида[2] мен бир айвонлик ҳужра солдим. Бу ҳужра бисёр яхши воқеъ бўлибдур. Тамом шаҳар ва маҳаллот оёғ остидадур...»* Бобур Ўшнинг бинафшаси, лолалари, оқар сувлари, оқ мавжли қизил тошлари ҳақида ҳам берилиб ёзаётган эди, бирдан Қосимбек эшик оғзида пайдо бўлди:

– Амирзодам, хаёлингизни бўлсам, маъзур тутинг. Бухородан – Султон Али мирзодан мактуб келмишдир!

Бобурдан ишора бўлгач, Қосимбек ичкарига кириб, ўрам қилинган олтин боғичли мактубни Бобурга узатди. Бобур мактубни очиб ўқиди-ю:

– Султон Али мирзо бизни Самарқанд юришига чорлабдир, – деди.

– Битим тузган эдингиз-да, амирзодам. Сафарга чиқмоқ керак.

– Ошиқманг, бек. Аввал онам ҳазратларининг ризолигини олайлик.

Бобур ҳар муҳим ишда онасидан маслаҳат сўраши Қосимбекка унча ёқмас эди. Чунки аёллар жангу жадалдан жуда безган эдилар. Жанговар беклар эса урушсиз юрса қиличлари занглаб қоладигандек бетоқат бўлишади.

Қосимбек Қутлуғ Нигор хонимнинг чодирига Бобур билан бирга тушиб борди. Хонзода бегим ҳам онасининг ҳузурида ўтирган экан. Улар Бобур учун дастурхон ёздириб, чинни лаганда кабоб келтирдилар. Кабобдан сўнг қимиз ичилди. Қосимбек мўйловига теккан қимиз юқини кафти билан артиб, сўз бошлади:

– Амирзодам Султон Али мирзо билан иттифоқ тузганлар. Бу ердан черик тортиб бормоққа сўз берганмиз.

---

[1] Буратоғ баъзи манбаларда Боратоғ ҳам деб аталади. Бироқ «Оқ Бурасой» каби асли «бура» сўзидан олинган бўлиши керак. Туркий тилларда нортуянинг энг улкани «бура» ёки «буғра» деб аталади. Бу тоғ чиндан ҳам текис жойда чўк тушиб ётган улкан нортуяга ўхшаб кетади (муаллиф).

[2] Милодий 1497 йил.

– Тангрим бизни фараҳли кунларга етказди, – деди Қутлуғ Нигор хоним. – Энди шуни ғанимат билайлик, жаноб Қосимбек. Султон Али мирзо ўз оғаси Бойсунқур мирзо билан Самарқанд тахтини талашурлар. Бобур мирзо улардан баланд турмоқлари керак. Тангрига шукр, амирзодамнинг Андижонда ўз тахтлари бор.

Қосимбек бу сўзларга тезда жавоб тополмай тараддудланиб қолди. Шунда Хонзода бегим гапга аралашди:

– Амирзодам, Самарқанд юришининг сарфу харожатига Андижонда саройлар, мадрасалар қурсангиз бўлур. Андижон ҳам Самарқанддек сайқали рўйи замин бўлса номингиз Улуғбек мирзонинг номидек шуҳрат қозонса – биз муштипарларингизнинг орзуимиз шу!

Бобур ҳазиломуз кулимсиради:

– Мен аввал Самарқанд сайқалини бир кўрмоқчимен. Ибрат олсак, ундан сўнг олурмиз.

Қосимбек Бобурнинг сўзларини ёқтириб:

– Лутф қилдингиз, амирзодам! – деб қўйди.

– Лекин амирзодам Самарқандни ёшликларида кўрганлар, – деб эътироз қилди Қутлуғ Нигор хоним.

– Беш ёшимда кўрганим ёдимда унча қолмабдир.

Хонзода бегим кулди:

– Бултур Самарқанд азимати билан кетиб бизни кўп соғинтирган эдингиз-ку? Бобур бултурги муваффақиятсиз юришини эслаб, жиддийлашди:

– Рост, бултур тўрт ой Самарқанд атрофини кездик. Аммо шаҳар дарбозалари биз учун бирон марта очилмади. Биз бобокалонимизнинг пойтахтини кўришга муносиб эмас эмишмиз!

Бобур бу сўзларни шундай куюниб, алами келганини яширолмай лаблари титраб айтдики, унинг ҳали ҳам жуда ёш эканлиги бирдан билиниб қолди. Ҳолбуки, у Самарқандга қўшин тортиб борган, агар шаҳарга кирса, тахтга ўтириши керак эди. Тўғри, Бойсунқур мирзо ҳам темурийлар авлодидан бўлиб, яна тағин Бобурдан беш ёш катта эди, демак, тахтда ўтириши қонуний эди. Бироқ Андижон беклари Бойсунқур мирзодан юз хил камчилик топиб, уни ҳамиша ёмонлаб гапиришар ва Самарқанд тахтига фақат Бобурни муносиб кўришар эди. Бойсунқур мирзо буни билганлиги учун Бобурни Самарқандга йўлатмас эди. Мабодо, Бобур шаҳарга қўшинсиз, шунчайин пойтахтни кўриш учун ки-

радиган бўлса, Бойсунқур мирзо уни туттириб, йўқ қилиб юбориши мумкин эди. Чунки орадаги тахт талаши ва бекларнинг адовати уларни бир-бирларига душман қилиб қўйган эди.

Қутлуғ Нигор хоним энди ўн беш ёшга кирган ўғлининг бу талашлар ва адоватларга аралашмасдан, ўз мулкида осойишта ҳукм суришини истарди. У Бобурнинг аламдан ўзгариб кетган юзига оналарча қайишиб қаради-ю, унга жону дилини бергиси келиб гапирди:

– Бобуржон, сўзимга ишонинг, бу беш кунлик дунё сизнинг куюнишингизга арзимайдир!

Онаси ўғлини подшоҳ бўлмасидан олдинги номи билан атаб, меҳри товланиб гапиргани Бобурга жуда ёқимли туюлди. Бир лаҳза у ўзини меҳрибон бир онанинг беғам, беташвиш бўталоқ ўғлидек сезди-ю, елкасидаги катта юк ерга тушгандек енгил тортди.

– Вақти-соати келур. Самарқанд орзусига ҳам етишурсиз, – деб давом этди Қутлуғ Нигор хоним. – Бироқ ҳозир раийят осойишта умр кўришга муштоқ. Қанотингиз остида Қосимбекдек тадбиркор амиру умароингиз бор. Мана шу Ўшдаги ҳужрани қурган меъмордек ҳунарпешалар сизнинг хизматингизда. Энди онангиз сиздан илтимос қилур: Самарқанд муҳорибасини беш-олти йилга кечиктирсангиз. Барчамизга бош бўлиб, водийни обод қилсангиз, Андижонда, Марғилонда, Ўшда катта обидалар қурсангиз!

Қутлуғ Нигор хоним подшоҳ ўғлига кўпдан бери бунчалик жиддий, бунчалик қатъий илтимос билан мурожаат қилмаган эди. Қосимбек ерга қараб сукутга кетди. Бобур ҳам бир лаҳза дастурхон четида олтин жомда қизғиш кўринаётган қимизга кўз тикиб жим қолди. Умумий сукунатда Хонзода бегимнинг нафис, тиниқ овози эшитилди:

– Амирзодам, сиз Навоийнинг достонларини ёд билурсиз. Фарҳод қандай ажиб бинолар қурганини бир эсланг. Мен бир мунглиқ эгачингиз доим орзу қилурмен: сиз ҳам Фарҳоддек бунёдкор бўлингиз! Дунёда бундан улуғ, бундан савобли иш йўқ! Бобур Ўшда ўзи қурдирган кичик бир ҳужрадан бугун қанчалик завқ олганини эслади-ю, онаси билан опасининг тилакларини қўллаб-қувватлагиси келди. Аммо у бундай муҳим давлат ишларини бир ўзи ҳал қилол-

маслигини ҳам билар эди. Бобур Қосимбекка кўмак сўраган каби қараб:

– Чораси топилурмикин? – деди.

Гап Самарқанд юришини қолдириш ҳақида эканини Қосимбек сезди. Асли ҳарбий одам бўлган ва жуда кўп жангу жадалларда қатнашган Қосимбек Бобур истаган чора топилмаслигини ич-ичидан сезиб турарди. Чунки Самарқанд юриши ҳамма нуфузли бекларнинг машваратида маъқулланган, тайёрлик ишлари аллақачон бошлаб юборилган. Катта бир тўсиқдан ўтиш учун бутун кучи билан сакраётган отни бирдан тўхтатиб бўлмайди, мабодо зўр билан тўхтатилганда ҳам от йиқилиши, чавандозини ерга улоқтириши мумкин. Қосимбек буни очиқ айтишга журъат этолмади-ю, қўлини кўксига қўйиб:

– Амирзодам, қулингиз чора топишдан ожизмен, – деди. Бу жавоб Бобурга оғир ботди.

– Онамнинг илтимосларини рад этайликми?

Бобур бу сўзларни шундай зарда қилиб айтдики, Қосимбек унинг ҳозир онаси ва опаси айтган ишларни қилгиси келиб турганини аниқ сезди. Сўнг у Бобурнинг кечагина Самарқанд юришига тарафдор бўлиб, жангларда қатнашиш иштиёқида ёниб айтган сўзларини эслади-ю, ичида ғижиниб қўйди. Бобурдаги бу ўзгарувчанликни Қосимбек ёшлик ғўрлигидан кўрар, хусусан, бундай мураккаб давлат ишларида аёлларнинг гапига киришни катта бир заифлик белгиси деб биларди. Аммо Қосимбек Қутлуғ Нигор хоним билан ҳам ҳисоблашишга мажбур, чунки ёш подшоҳга онасининг таъсири кучли эканини ўз кўзи билан кўрмоқда эди.

– Хоним ҳазратларининг илтимослари менга тожи сар бўлсин, – деди Қосимбек чўккалаб ўтирган кўйича бош эгиб. – Қулингиз айтмоқчименким, бундай муҳим ишда барча нуфузли бекларнинг ризолигини олмасак бўлмас.

Подшоҳ оиласи Қосимбекка алоҳида эҳтиром билдирганда унинг номига «амирлар амири» деган унвонни қўшиб айтар эди. Ҳозир ҳам Қутлуғ Нигор хоним:

– Жаноби амирул умаро, – деди унга. – Сиз бошқа бекларнинг ризолигини олишда Бобур мирзога кўмак берурмисиз?

– Жоним билан! Аммо бекларнинг баъзи андешаларидан фақир хабардормен. Густохлик саналмаса айтай.

– Айтингиз, – деди Бобур.

Қосимбек ерга қараб, бир лаҳза ўй сурди, ҳали оқ тушмаган ғайир қўнғиртоб соқолининг учлари сакарлот чакманининг[1] заррин, ёқасига тегиб, қайрилди. Ниҳоят, Қосимбек бошини кўтариб Бобурга қаради-ю, Самарқанддаги улуғ обидалар улкан бир давлатнинг кучи ва бутун вилоятларнинг иштироки билан қурилганини, ҳозир ўша ягона давлат парчаланиб кетганини, Фарғона катта водий бўлса ҳам, аммо Мовароуннаҳрнинг фақат бир қисми эканини гапира бошлади. Унинг нима демоқчи эканини сезган Хонзода бегим истеҳзоли жилмайиб сўради:

– Жаноби амирул умаро, Андижонда обидалар қуришга кучимиз етмайди, демоқчимисиз?

– Олийнасаб бегим, сиз Самарқанддек улуғ шаҳар қуриш ҳақида сўз очдингиз. Беклар айтурларки, улуғ шаҳар бунёд этмоқ учун яна ўша улуғ давлатни тикламоқ керак. Бутун вилоятларнинг кучини бир жойга йиғмоқ керак. Ҳозирги парокандалик улуғ қурилишлар қилишга имкон бермагай.

Қосимбекнинг бу гаплари Бобурга жуда мантиқли туюлди. У онасига қараб бундан ҳам мантиқлироқ бир сўз кутди.

– Жаноб Қосимбек, улуғ обидаларни фақат Амир Темурдек соҳибқиронларгина қурган эмас, – деди Қутлуғ Нигор хоним. – Ҳиротда Алишербек Ихлосия, Унсия отлиқ бинолар қурмишлар, Бобур мирзонинг ҳокимиятлари Алишербекнинг ҳокимиятларича эмасми? Ахир Алишербек бир тождорнинг мусоҳиби[2] бўлсалар, Бобур мирзо мустақил давлатнинг подшоҳилар-ку! Қутлуғ Нигор хонимнинг бу сўзлари Бобурнинг қалбида чўкиб ётган энг ўтли истакларини юзага қалқитиб чиқаргандай бўлди. Унинг ёшлик эҳтироси билан қалбига тугиб юрган энг кучли орзуси – жангларда катта ғалабаларга эришиб ёки ажойиб шеърлар, достонлар ёзиб эл оғзига тушиш, сўнг Навоийдек улуғ одамларга танилиш ва уларнинг махсус эътиборларига сазовор бўлиш эди. Етти ой овора бўлиб Самарқандни ололмай келганидан кейин, жангларда катта ғалабаларга эришиш ҳали ушалмайдиган бир орзу эканига унинг кўзи етиб қолди. Улуғ шоир бўлиш орзуси ҳам қўлетмас бир баландликда учиб юрган бахт қушига ўхшайди. Бобур уни тутишга ҳали кучи етмаслигини сезади.

[1] С а к а р л о т ч а к м а н – туя жунидан қилинган енгил, қимматбаҳо чакмон.

[2] М у с о ҳ и б и – яқин суҳбатдоши, дўсти.

Аммо ҳозир онаси Навоий қурган иморатларни тилга олиши билан Бобурни ўша ўтли орзусига етказадиган бошқа бир йўл «ялт» этиб кўзига кўриниб кетди. Навоий қурган Ихлосия ва Унсияларнинг шуҳрати оғиздан-оғизга ўтиб, Фарғона водийсига етиб келган экан, энди бу ерда ўн беш ёшли подшоҳ ўшанақа обидалар қурдирса, овозаси Ҳиротга ҳам етиб бормасмикин? Кейин, эҳтимол, Навоий ҳам буни эшитар, Бобурнинг кимлигини сўраб билар, уни орқаворотдан таниб қолар. Кейин балки Бобур Ҳиротга борар ёки Навоий ўзи бу томонларга келишни ихтиёр қилар. Навоий Ҳусайн Бойқаронинг саройидан безиб юрганини Бобур ҳам эшитган эди. Балки улуғ шоир Хуросондан Фарғона водийсига келиб, ёш Бобурга мураббий бўлар. Ўйи шу ерга етганда Бобур жуда ҳаяжонланиб кетди. Кўзлари ёниб, Қосимбекка қаради-ю:

– Онам ҳақлар, – деди. – Бекларни кўндирмоқ керак!

Бобурнинг сўнгги сўзи фармондек эшитилди-ю, Қутлуғ Нигор хоним билан Хонзода бегимнинг чеҳралари очилиб кетди. Улар, «Қосимбек энди енгилди», деб ўйладилар. Аммо улкан гавдали Қосимбек ўзининг кенг елкалари ортида зўр беклар турганини ҳис қилгандай ҳамон таслим бўлмас эди.

– Амирзодам, фармойишингизни адо этишдан олдин бекларнинг яна бир андешасини айтишга рухсат этинг.

Бобур истар-истамас бош ирғаб, рухсат берган бўлди. Қосимбек лабларини ёпиб турган узун қўнғир мўйловини қўли билан икки ёнга сурди-да, кулимсираб Хонзода бегимга қаради:

– Бегим, сиз амирзодамни Фарҳодга яхши қиёс қилдингиз. Бекларимиз замон Фарҳодининг хизматида бўлишдан ифтихор қилурлар. Бизнинг орзуимиз – Фарҳодимизни ўз Ширинларига етказишдир. Аммо, – деб Қосимбек бирдан жиддийлашди, – маълумингизким, бизнинг Ширин бугун Самарқандда ёғий қуршовида асира каби изтироб чекмоқдалар.

Бобурнинг юзига нафис қизиллик югурди. У уялганини сездиргиси келмай, бошини эгди-ю, ўз тиззаларига кўз тикди.

Қосимбек жуда мушкул ва нозик бир гапни қўзғаган эди. Бобур беш ёшлигида унга Самарқанд подшоси Султон Аҳмад мирзонинг ўртанча қизи Ойша бегимни унаштириб қўйишган эди. Ҳозир шу қиз ўн уч ёшга кирган. Бобур уни яқин йилларда кўрган эмас, аммо кўрганлар ҳаммаси Ойша бегимнинг ғунчадек гўзаллигини мақтаб келганини эшит-

ган. Ўша гўзал қизча Бобурни ўз нажоткорини кутгандай кутади, буни ҳам Бобурга келиб айтувчилар бор. Бобур ҳам ўзининг маликасига қаҳрамонликлар кўрсатиб етишишни истайди. У Ойша бегимнинг ўзини эслолмаса ҳам, беш ёшида Султон Аҳмад мирзога узатилган термизлик гўзал бир келинчакни яқиндан кўргани ёдида.

«Беточар» деган одатга биноан, ёш келинчакнинг юзидаги пардасини пок нафасли ёш бола очиши керак эди. Ўша кунларда Қутлуғ Нигор хоним беш ёшли жажжи ўғли Бобурни Самарқандга тўйга олиб борган эди. Султон Аҳмад мирзонинг ўғли йўқ эди, Бобурга подшоҳ оиласи ҳавас билан қарар эди. Шунинг учун кайвонилар «янги тушган келин ҳам мана шу шердек ўғил кўрсинлар», дейишиб, бет очишга Бобурни муносиб топдилар. Бу ҳодисанинг кўп тафсилотлари Бобурнинг хотирасида қолмаган. Аммо олтин қўшиб тўқилган ҳарир оқ пардани келинчакнинг юзидан олганда бутун борлиғини ниҳоятда ёқимли бир туйғу чулғаб олгани ҳеч эсидан чиқмайди. Бу – гўзаллик туйғуси эканини энди билади у. Термизлик келинчак ақлни шоширадиган даражада кўҳлик бўлганига беш яшар боланинг фаҳми етмаган бўлса ҳам, аммо гўдак қалби афсонавий бир жозибадан тўлқинлангани ёдида қолган. Шунинг учун ҳозир унга Самарқанддаги қаллиғининг ҳуснини мақтаганларида, ўша келинчак эсига тушади. Бошқа тафсилотлар ўқиган китобларидаги гўзаллар тасвиридан олиб қўшилади. Бобур Самарқанддаги қаллиғини ўсмирларча бир софлик билан ғойибона севади. Мана шу севгилиси бугун Бобурнинг душманлари асоратида экан, у Андижонда бамайлихотир юра оладими?

– Жаноб Қосимбек, – деди Қутлуғ Нигор хоним, – келинимизнинг тақдири бизни ҳам изтиробга солур. Биз оналаридан илтимос қилиб китобат юборган эдикки, Ойша бегимни Тошкентга эгачилари Робия бегим ҳузурига жўнатсинлар. Эҳтимол, шу илтимосимиз бажо келтирилгандир?

Қосимбек маъюс бош эгиб:

– Афсус, хоним ҳазратлари, афсус! – деди. – Қулингиз Самарқанддаги хуфиялардан келган бир хабарни амирзодамга кўрсатишдан тортинган эдим. Сизларни ҳам хавотирлантирмоқчи эмас эдим...

– Нима хабар? Тинчликми? – хавотирланиб сўради Бобурнинг онаси.

– Ойша бегим оналари-ю опалари билан бирга Тошкентга яширинча кетмоқчи бўлганларида Бойсунқур мирзо билиб қолиб, монелик қилмишлар. Ёғийлик мақомида кўпол гаплар айтмишдир. Уйлари атрофига одам қўймишлар. Ҳовлиларидан чиқармас эмишлар. Асиралар энди бутун нажотни Андижондан кутар эмишлар!

Сўнгги сўзлар Бобурнинг бутун вужудини зирқиратиб ўтди. Унинг қаллиғига қўпол гапириб, бечорани асирадек азоблаётган Бойсунқур мирзо шундай ғазабини келтирдики, эртагаёқ унинг устига қўшин тортиб, бостириб бориш ва қаллиғини асоратдан қутқариш истаги Бобурнинг қалбидаги бошқа ҳамма истакларини босиб кета бошлади. Хонзода бегим укасидаги ўзгаришни сезиб:

– Амирзодам, илоҳо асираларни қутқариш сизга тезроқ насиб бўлсин! – деди. – Аммо нажотни фақат жангу жадал келтирурмикин? Заифа эгачингизнинг эътиқоди шулки, қон тўкилса, адоват кучаюр. Бойсунқур мирзо асираларга баттар ўчакишур. Нажот урушда эмас, амирзодам, нажот – сулҳда!

Бегим ҳаяжонланиб айтган бу сўзлар Бобурнинг кўнглида қўзғаган бояги ғазабни анча пасайтирди. «Сулҳ» сўзи қалбига илиқ туюлди. Хоним дарҳол қизнинг гапини қувватлаб, ўғлига юзланди:

– Бойсунқур мирзога элчи юборингиз, амирзодам! Орадаги адоватни йўқотингиз!

– Бойсунқур мирзо зўравонлик қилсин! Мен мўминларча бош эгиб элчи юборай!

Бобур бу гапларни айтар экан, унинг зўрликка зўрлик, зарбга зарб билан жавоб бериш истаги нақадар кучли эканлиги ҳаммага сезилди. Қосимбек ундаги бу истакни қўллаб-қувватлашга тушди:

– Хоним ҳазратлари, ҳозирги замонда зўравонликка мўминлик мутлақо рост келмас. Зўрлар орасида зўр бўлмоқ керак! Алҳол, Шайбонийхон Самарқандга шимолдан кўз тикмишдир. Ҳисор ҳукмдори Хисравшоҳ илож топса, Самарқандга жанубдан чанг солғусидир. Бойсунқур мирзо – ношуд тождор. Пойтахтни эртами-кечми бой бергай. Агар Бобур мирзо Самарқандни тезроқ эгалламасалар, боболаридан қолган салтанат бегона сулола илкига ўтиб кетгусидир. Худо кўрсатмасин, агар Шайбонийхонми, Хисравшоҳми – бирортаси Самарқандни забт этса, куч-қудрати

ошиб, тез кунда Андижон устига ҳам қўшин тортиб келгусидир...

– Ахир барча темурийлар бирлашиб иттифоқ тузсалар бўлмасми? – деди Нигор хоним куюниб.

– Барча темурийларнинг пароканда кучларини йиғиб бирлаштирмоқ учун ҳам қудрат керак. Истеъдод керак! Бойсунқур мирзога ўхшаганларда на униси бор, на буниси. Мовароуннаҳрдаги темурийлар орасида энг соҳибистеъдод, соҳибқудрат сиймо – Бобур мирзодирлар. Шунинг учун биз жонимизни амирзодам кўзлаган улуғ мақсадлар йўлига тикканмиз. Иншоолло, Самарқандни бу йил забт этсак, хафв-хатарлар бартараф бўлғай. Ана ундан кейин чинакам осуда давр келур, ҳар қанча бинолар қурсак осон бўлур. Хонзода бегим Қосимбекка тикилиб сўради:

– Хуллас, волидаи муҳтарамамизнинг илтимослари рад этилурми? Қосимбек қўлини кўксига қўйиб, бош эгди:

– Қулингизнинг густохлигини афв этинг, бегим, мен амирзодамнинг ижозатлари билан дилимда борини сўзладим.

Бобур аросатда қолиб қийналар эди. Онаси шунчалик ишонтириб айтган ҳақли илтимосларни рад этишга унинг тили ҳам бормас, кўнгли ҳам чопмас эди. Аммо Қосимбек унинг қалбида шундай туғёнли ҳислар қўзғадики, улардан қутулишнинг ҳам иложи кўринмай қолди. Агар у Самарқанддан воз кечса, нариги зўравонлар пойтахтни олиши, кейин Андижонга бостириб келиши муқаррар экани, унга ҳозир жуда аниқ сезилмоқда эди. Бутун Мовароуннаҳрда уруш гирдобидан қочиб қутуладиган бирон вилоят кўзига кўринмас. Бобур қашқирлар қуршовига тушиб қолгандек безовталанар эди. Онасининг: «Сулҳ тузинг, бинокор бўлинг!» – дегани «кийикдай беозор яшанг» дегани эди. Лекин Бобур йиртқичлар орасида кийик бўлиб кун кўролмаслигини ич-ичидан ҳис қилар, шунинг учун атрофини қуршаб келаётган бўрилар билан шер бўлиб олишишни истар эди. Буни сезиб турган Қосимбек мунозарани ортиқ чўзиб ўтиргиси келмади.

– Амирзодам, бугун отлиқ сайрга чиқмоқчи эдингиз, хоним ҳазратларининг таклифларини барча беклар билан кенгашиб кўрурмиз. Оқшом хиргоҳда машварат ўтказайлик. Хонзода бегим онасига «ялт» этиб қаради-ю: «Ҳозир биргина Қосимбекка ўтказа олмаган таклифларимизни барча бекларга қандоқ ўтказурмиз кейин?» демоқчи бўлди. Қутлуғ

Нигор хоним Бобурга яна нималарнидир айтмоқчи бўлиб оғиз жуфтлади. Аммо Бобур Қосимбекка қараб:

– Машварат эртага чақирилсин, яхшироқ ўйлаб кўрайлик, – деди-да, ўрнидан турди. Сўнг Қосимбек бошлиқ мулозимлари билан отлиқ сайрга чиқиб кетди.

5

Ўшнинг жанубидаги кенг текисликлар, тўлқинсимон қир ва адирлар турли-туман дала гуллари билан безанган. Сап-сариқ қоқилар, кўк-қизғиш нахўтаклар, нафармон эр-баҳолар орасида узоқдан қип-қизил гиламга ўхшаб кўзга ташланадиган – қийғос очилган лолақизғалдоқлар эди.

Бобур олисдаги қорли тоғларга қараб борар экан, тиззага чиқадиган юмшоқ кўкат устида отлар ҳам майин қадам ташлаб бораётганини сезарди. Баҳор нафосати ҳозир унинг кўзини эркалаётган бўлса ҳам, аммо дилига таъсир қилолмас эди. Бояги мушкул зиддиятлар ҳали ҳам хаёлини банд қилиб, кўнглида тугун бўлиб турибди. Бобур бу чигал тугунларни ўзи ечолмаслигини сезади. Бу тугунларни у истагандай ечиб бера оладиган доно одам бормикин? Унинг эсига устози Хўжа Абдулла тушди. Бетоб бўлиб Ўшга бирга келолмаган Хўжа Абдулла ҳам Бобурнинг Самарқандга қўшин тортиб боришига тарафдор эди. «Мовароуннаҳрдаги парокандаликни тугатиб, қудратли давлат тузмагунча катта орзуларимиз рўёбга чиқмагай!» – деган сўзларни Бобур устозидан ҳам кўп эшитган. Аммо бунинг учун яна урушиш керак. Урушга эса онаси қарши. Ким ҳақ? Бобур бу саволга жавоб тополмайди. Отлиқлар узун бир тепаликка кўтарилганларида Қосимбек тоғ томонни кўрсатиб:

– Сурувлар бу қадар кўп? – деб таажжуб билдирди.

Бобур у кўрсатган томонга кўз югуртирди. Қир ва адирларнинг ҳар биридан бир нечтадан сурувлар ёпирилиб тушиб келмоқда эди. Хўжа Калон деган йигирма беш ёшли қоп-қора бек қўлини пешонасига соябон қилиб кунботиш томонга қаради-ю:

– Ў-ҳў-ў! – деди. – Бу томонда ундан ҳам кўп!

– Кунчиқиш томонда ҳам бор!

Сурувлар ғуж-ғуж келаётганига қараганда, ёйилиб юрган қўйлар эмас. Ана, тўғридаги қирлар ортидан яна икки

сурув чиқиб келди. Сўнг узоқдаги адирлар орасидан бирин-кетин уч тавила йилқи отилиб чиқди-ю, бериги томонга қараб селдай бостириб кела бошлади.

Чап томонда яна уч-тўрт тавила йилқи кўринди.

Йилқилар ҳам, қўй сурувлари ҳам узоқдаги қорли тоғлардан Ўшга қараб келмоқда эдилар.

Ниҳоят, тоғ томондан тизилиб тушиб келаётган отлиқ аскарлар кўринди.

Шунда Бобур тоғларга қўй ва йилқи ундириш учун уч юз аскар билан чопқинга кетган Аҳмад Танбални эслади. Қосимбек қувониб:

– Азаматларнинг ўлжаси жуда улуғ-ку! – деди.

Хўжа Калон ҳам ҳаяжонланиб:

– Беадад! – деб хитоб қилди. – Баҳодирона ўлжа!

Одатга биноан, бу беҳисоб қўй ва йилқиларнинг бешдан бири подшоҳ ихтиёрига ўтар, қолган тўрт қисми ҳамма бек ва мулозимларга тақсимланар эди. Шуни билган беклар гўё осмондан тушаётган бу катта бойликка қараб севинчларини яширолмас эдилар. Бобур отини тоғдан келаётган аскарлар томонга буриб, жиловини бўшатди. Бедов от қушдай учиб бора бошлади. Бошқалар ҳам Бобурнинг кетидан от чоптириб кетдилар. Бир қир ўтиб, иккинчисига кўтарилганларида, наригилар ҳам буларни кўриб, бурилиб кела бошладилар. Бобур баланд бир жойда отини тўхтатди.

Аскарларнинг олдида келаётган Аҳмад Танбал зирҳли кийимда эди. Елкаси ва кўкрагини ёпиб турган жибанинг темири офтобда йилтирарди. Унинг бўйнига ёй ўқи теккан, яродор жойини яшил мато билан боғлаб олган эди. Ўзи озиб, мўғулча ёноқларининг суяклари яна ҳам бўртиб чиққан. У Бобурдан эллик қадамча нарида отдан тушиб, қўл қовуштириб келди-да, ер ўпиб юкунди:

– Мирзо ҳазратларига ёғийлик мақомида бўлган чаграклар ўлпон тўлашдан бош тортганлари учун ўн олти минг қўйлари, икки ярим минг йилқилари жарима тарзида тортиб олиб келинди!

– Чопқин талафотсиз бўлдими?

– Мирзо ҳазратлари, бизнинг уч йигитимиз ҳалок бўлди, ўн киши яраланди. Аммо биз ёғийлардан бунинг қасдини олдик!

Аҳмад Танбал олдинги сафда турган йигитларидан бирига ишора қилди. Айиқтахлит, қўпол бир йигит эгарининг усти-

да дўмпайиб турган хуржунни олди-да, подшоҳга яқинлашди. Олачадан тикилган хуржуннинг ҳаммаёғи қон эди. Айиқтахлит йигит Аҳмад Танбалнинг ишораси билан хуржуннинг ҳар икки кўзини тўлдирган нарсани ерга ағдарди. Ўн-ўн бешта одам калласи кўкатлар ва лолақизғалдоқлар устига юмалаб тушди. Бобур каллаларни кўрган заҳоти: «Чаграклар ҳам бизнинг одамларга ўхшар экан-ку!» деган ўйдан эти жунжикиб кетди. Чорвадор туркий қабила бўлган чаграклар ҳам Бобурнинг ватандошлари эканлигига, ҳаммалари бир эл, бир улусданлигига унинг ишонгиси келмас эди. Чунки чаграклар унинг ҳукмига бўйсунмас, юборган кишиларини қўлда қилич билан қарши олишарди. Мана энди ўзлари қиличнинг тиғидан ўтиб, бошлари оёқ остида ағанаб ётибди. Бу жонсиз бошлардан бирининг соқоли йўқ, кўк-сарғиш юзи силлиққина, мўйлови энди чиқа бошлаган. Бобур унинг ўн етти-ўн саккиз ёшли йигит бўлганини пайқади-ю, энгаги тагидан кесилган гўшт аралаш қонли бўйнига қараб, кўнгли бирдан беҳузур бўлди. Ёрдам сўрагандай, ўнг томонидан турган Қосимбекка қаради. Султон Аҳмад Танбал ҳам, унинг отлиқ аскарлари ҳам Бобурдан мақтов ва мукофот кутмоқда эдилар. Ўн олти минг қўй, икки ярим минг йилқи ҳазилакам бойлик эмас эди. Уч йигит ўлган бўлса, уларнинг қасдига ўн беш-йигирма ёғийнинг бошини кесиб келиш ҳам шу турганларнинг одатига биноан мардона иш ҳисобланар, буни тақдирламаслик эса адолатсизлик саналар эди.

Қосимбек Бобурнинг юзи оқариб кетганини кўриб ҳайрон бўлди. Унинг фикрича, кесик каллалар Бобурга бунчалик таъсир қилмаслиги керак эди. Бултур Самарқанд урушида ёш подшоҳ бундай бошларни кўп кўрган эди. Одатда: «Фалончи юзта ёғийни ўлдирибди», деб қуруқ мақтасалар унча ишонарли бўлмайди, чунки озгина ишни кўп қилиб кўрсатиб, лоф урадиган бек ва навкарлар ҳам бор. Жангчининг хизмати ишонарли бўлиши учун ўлдирилган душманларининг бошини кесиб келиб ҳисоб бериш эскидан одат тусига кирган.

– Амирзодам, – деб шивирлади Қосимбек. – Қулингиз сўзлайинми?

Бобур тасдиқ маъносида бош ирғади. Қосимбек юзини Бобурга яқинроқ келтириб, яна эшитилар-эшитилмас қилиб сўради:

– Мукофотига қилич берсак... Розимисиз?

Бобурнинг яроғбардори олиб юрган тиғлар орасида ёйдай эгик катта бағдодий қилич бор эди, Бобур бир-икки марта таққанда жуда оғир туюлган эди. Бобурнинг нигоҳи шу қиличда тўхтаганини кўрган Қосимбек, «тушундим», дегандек бош ирғади.

– Султон Аҳмад жаноблари, – деб овозини кўтариб гапирди Қосимбек. – Сиз баҳодирона зафар билан қайтганингиз Мирзо ҳазратларини беҳад шод қилди. Сиз Бобур мирзога нечоғли содиқ эканлигингизни яна бир бор исбот этдингиз. Бутун мавкаб[1] бугун сизларни олқишлағай! Ўшдаги қароргоҳда бу оқшом сизларнинг шарафингизга тантанали зиёфат берилур, ҳамма йигитларингиз шоҳона инъомлар олурлар. Ҳозир Мирзо ҳазратлари Султон Аҳмад жаноблариға шамшири хос инъом этдилар!

Қосимбек бағдодий қилични яроғбардордан олди-ю, ерга таъзим қилиб турган Султон Аҳмадга узатди. Султон Аҳмад тиз чўкиб қилични қинидан тўрт энликча чиқарди-да, пўлатидан ўпди, сўнг овози ҳаяжондан титраб деди:

– Мирзо ҳазратлари, ўлгунимча бу марҳаматингизни унутмасмен! То умрим охирича сизга содиқ хизматда бўлғаймен!

Шу куни оқшом Ўш қалъасининг миноралари устида, шаҳар атрофига тикилган юзлаб чодир ва ўтовлар олдида карнайлар, нақоралар чалинди, машъаллар ёқилиб, катта тантаналар бошланди. Минг-минг қўй ва йилқиларни инъом тариқасида текинга оладиган барча беклар, навкарлар ва мулозимлар бугун астойдил шодланмоқда эдилар. Подшоҳнинг ҳашаматли хиргоҳида оқшом қабул маросими ва базм бўлди. Созандалар энг қувноқ куйларини чалишди, ҳофизлар энг яхши ашулаларини айтишди. Бобур хиргоҳ тўрида тўртта олтин зина билан чиқиладиган баланд шоҳсупа устида ёлғиз ўтирибди. Бугун унинг ўнг томонидан ўрин олган энг нуфузли беклари орасида Аҳмад Танбал ҳам пайдо бўлган. У кундузги зирҳли кийимлар ўрнига зарбоф тўн ва симобий салла кийган, подшоҳ инъом қилган олтин сопли қилични кумуш камарга тақиб олган. Ҳамма уни мукофот билан муборакбод қилади. Табрикларнинг барчасидан ёқимлиси – боя хиргоҳга кирганда уни Қутлуғ Нигор хоним муборакбод қилгани бўлди. Подшоҳнинг онаси билан эгачиси ҳозир катта дастурхоннинг нариги томонида Аҳмад Танбалга ярим ўгирилган ҳолда

[1] М а в к а б – подшоҳ ва унинг барча аъёнлари, яқинлари.

ўтириб, созандаларнинг куйига қулоқ солишяпти. Аҳмад Танбал ҳар замонда уларга кўз қирини ташлаб қўяди. Хонзода бегимнинг нафис қадди-қомати, ҳафткор[1] ипак матодан кийган камалакдай товланувчи қабоси Аҳмад Танбалга бугун ҳар қачонгидан ҳам жозибали кўринади.

Ёш подшоҳнинг базмларида ичкилик ичилмас, Бобур ҳали майни оғзига ҳам олган эмас эди. Қосимбек ҳам ичкиликни ёмон кўрар ва уни базмларга йўлатмас эди. Лекин Умаршайх мирзо даврида май ичиб ўрганган бошқа беклар мана шундай базмларда Бобурдан яшириб чет-четда ичиб олишар эди.

Али Дўстбек деган қотма, кўсанамо бир бек орқада шарбат кўтариб турган шарбатчига сирли кўз қисди-ю, Аҳмад Танбални кўрсатди. Шарбатчи маъноли кулимсираб Аҳмад Танбалга яқинлашди ва кумуш кўзачадан чинни пиёлага тўлдириб кўкимтир шарбат қуйиб берди. Аҳмад Танбал пиёлани қўлига олар экан, димоғига ўткир май ҳиди урилди.

– Олинг, бек, илоҳим Самарқандда бундан ҳам улуғ зафарларга муяссар бўлинг! – деди Али Дўстбек.

Аҳмад Танбал миннатдорона бош иргаб, майни сипқарди-ю, кейин дастурхондаги тандиркабобга қўл чўзди.

– Мана энди Самарқанду Бухорони олгунча етадиган захирамиз бор! – деди ширакайф Дўстбек. – Муҳорибани тезлатмоқ керак.

Аҳмад Танбалнинг ўнг томонида Узун Ҳасан ўтирган эди. Туриб юрганда жуда новча кўринадиган бу озғин одам ўтирганда гўё қатланиб, кичкина бўлиб қолар эди.

– Шайбонийхон Дашти Қипчоқдан Самарқандга бўйин чўзармиш, – деди Узун Ҳасан.

– Тушини сувга айтсин! Самарқанд бизники бўлур! – деди майдан бадани қизий бошлаган Аҳмад Танбал овозини хиёл кўтариб.

Унинг бу сўзлари Бобурнинг қулоғига ҳам чалинди. Бугун тоғдан ҳайдаб тушилган беҳисоб қўй ва йилқилар сарой аҳлининг Самарқандга юриш қилиш иштиёқини яна ҳам ошириб юборгани Бобурга тобора аниқ сезилмоқда эди. Илгари ҳам уларнинг бу иштиёқларига қарши бориш қийин эди. Аммо ҳозир бек ва навкарларнинг Самарқандга интилиши – тоғ дарёсининг юқоридан пастга қараб отилишига ўхшарди. Бу дарёни орқага қайтариш ҳеч кимнинг қўлидан келмасди...

[1] Ҳ а ф т к о р – етти хил ранг.

6

Оқиш сувли жўшқин Бурасой Ўш қалъасининг тош ётқизилган пойдеворига бош уриб, кўпириб ўтади. Сойнинг ўнг бетидаги сердарахт маҳаллада мавлоно Фазлиддин бултурдан бери истиқомат қилаётган пешайвонли мўъжаз бир уй бор. Унинг олдидаги беш-олтита нок ва беҳи дарахтлари ҳозир оппоқ бўлиб гуллаб турипти. Ҳовлининг четидаги бостирмага иккита от боғлаб қўйилган. Бериги ёқдаги оёқлари узун тўриқ қашқа отни анжомлари билан Бобур мирзо инъом этган эди. Мавлоно Фазлиддин подшоҳнинг хос меъмори қилиб тайинланган, унга яхшигина улуфа[1] белгиланган эди. Бунинг ҳаммасидан мавлоно Фазлиддин ўзида йўқ хурсанд бўлиб юрган эди. Бироқ кейин баъзи бир нохуш хабарларни эшитиб, кўнгли ғаш торта бошлади.

Мавлоно Фазлиддин Андижонда қурмоқчи бўлган катта иморатларини шу бу йил ёздаёқ бошлаш орзусида эди. Бобур мирзо кўрсатган марҳаматлар бу орзунинг рўёбга чиқишига йўл очгандай бўлган эди. Ҳатто Бобур мирзонинг ўзи уни боргоҳда қабул қилиб, қанақа мадраса, қандай хонақоҳ ва кутубхоналар қуриш ҳақида гаплашган, мавлононинг бу ҳақдаги таклифларини маъқуллаган, «Хонзода бегим биз йўғимизда мутасадди бўлурлар, режаларни бутун тафсилотлари билан тузиб, бегимга кўрсатурсиз», деган эди. Иш устида яна Хонзода бегим билан учрашишини ўйлаганда, мавлононинг қалбида қўрқув аралаш ширин бир ҳаяжон қўзғалар эди.

Бироқ Бобур яқинда яна Самарқандга қўшин тортиб бормоқчи эканлиги, давлатнинг бутун кучи шунга кетиб, қурилишлар номаълум вақтга кечиктирилиши маълум бўлди. Агар Бобур Самарқандни ололмай, урушда енгилса, унда мавлононинг барча орзулари ўз-ўзидан пучга чиқади. Агар Бобур Самарқандни олса, табиий, ўша ерда подшоҳ бўлиб қолади. Кейин у Фарғона водийсида катта қурилишлар қиладими, йўқми? Одатда, подшоҳлар қаерни пойтахт қилсалар, ўша ер кўпроқ обод бўлади. Андижон яна пойтахт бўлиши гумон. Демак, мавлононинг бу ерда қилмоқчи бўлган ишлари, барча режалари қум устига қурилгандай омонат.

[1] У л у ф а – маош ва тураржой.

Ҳозир айвонда эски ҳандаса ва риёзиёт китобларини титкилаб, керакли бир жадвални ахтараётган мавлоно мана шу нарсаларни ўйлаб, таъби тирриқ бўлмоқда эди. Бир пайт дарвоза устма-уст тақиллади. Бостирмада отларнинг тагини тозалаётган кекса хизматкор ёғоч курагини деворга суяб қўйиб, дарвозага қараб ўтди. Бирпасдан сўнг хизматкор айвоннинг олдига қайтиб келди-ю:

– Мавлоно, бир кимса ҳузурингизга кирмоқчи.

– Ким?

– Кийими увада, ўзи баҳайбат бир йигит. «Жиянлари бўламан», деди, аммо мен сиздан берухсат киргазмадим.

– Жияним? Шошманг-чи! – деб, мавлоно ўрнидан турди. Яланг оёғига чарм кавуш кийиб, ярим очиқ дарвозанинг олдига борди.

Олача тўни ҳам, оёғидаги чанг босган чориғи ҳам йиртилиб кетган новча бир йигит кўзлари ялтираб, кулимсираб унга қараб юрди. Қадам олиши, қараши жуда таниш. Йигит:

– Мулла тоға! – деб қучоқ очганда мавлоно унинг овозини таниди-ю:

– Тоҳир! Тоҳиржон! – деб у билан қучоқлашиб кетди. – Шунча ўлимлардан омон қолган жияним, сени зўрға танибмен. Бу қадар ўзгариб кетибсен! Юзингга не бўлди?

– Э, сўраманг, мулла тоға...

– Майли, юр, аввал дамингни ол. Кейин айтиб берурсен...

Улар айвонга чиқар эканлар, мавлоно Фазлиддин бундан салкам уч йил олдин Қувасой бўйида бўлиб ўтган қонли воқеаларни яна бир эслади. Ўшанда Тоҳирга найза санчган самарқандлик босқинчи уни ўлдирганига шубҳа қилмай кетган эди. Онаси ёлғиз ўғлининг қонига беланиб, жонсизланиб ётганини кўриб, уни «ўлди» деб ўйлаган ва шайтонлаб йиқилган эди, бечора она шу ётганича қайтиб туролмай, эртаси куни вафот этди. Тоҳир эса отаси топиб келган табиблар ва дори-дармонлар таъсирида уч кундан кейин ҳушига келди. Найза ўпканинг бир четини кесиб ўтган бўлса ҳам юрак ва жигар каби нозик аъзоларга тегмаган. Тоҳирнинг ёшлиги ва бақувватлиги устун келиб, аста-секин тузалиб кетган эди. Қўни-қўшнилар: «Тоҳирга келган ўлимни онаси ўзига олди-ю, бу тирик қолди», дейишарди. Мавлоно Фазлиддин ўшанда опасининг қирқини ўтказиб келганича, қайтиб Қувага бормаган эди.

– Отанг қалай, бардамми? – сўради мулла Фазлиддин Тоҳирни юқорига таклиф қилиб. Тоҳир чанг босган чориғи билан кўрпачага чиқишдан ибо қилди-ю, пойгаҳдаги шолча устига ўтирди:

– Отам сизга салом айтиб юбордилар. Мен бир йилча қишлоқда бўлмадим... Қариндошлар «Чолнинг иссиқ-совуғидан хабар олиб турсин», деб бир бева кампирни олиб берибдилар... Онам раҳматли эсимга тушди-ю, уйда тургим келмади.

Фақат онасининг мусибати эмас, босқинчилар боғлаб олиб кетаётганларида Тоҳирдан нажот кутиб қичқирган Робия ҳам унинг хаёлидан нари кетмайди. Қизнинг ўшандаги нидоси ҳали ҳам Тоҳирнинг қулоғига эшитилиб тургандай бўлади. У бурноғи йили Самарқандгача пиёда бориб келди, йўлларда ўроқчилик қилиб, карвонларга қўшилиб юриб, иложи бўлган жойдан Робияни қидирди, «Синглим эди, Султон Аҳмад мирзонинг навкарлари олиб қочиб кетган эди», деб сўроқлади. Аммо ҳеч қаердан дарагини тополмади.

Султон Аҳмад мирзо ўша йилиёқ ўлиб, қўшини тарқаб кетган, бир йил давомида Самарқанд тахтида икки марта подшоҳ алмашинган, кўп тўполонлар бўлиб, ит эгасини танимайдиган аҳволга келган эди. Жиззахлик бир киши Тошкент томонларга чўрилар кўп сотилганини айтиб қолди. Бултур кузда Тоҳир пиёда Тошкентгача борди, яна ҳар жойларда мардикорлик билан кун ўтказиб Робияни сўроқлади, аммо ҳеч натижа чиқмади. Замона нотинч, юрт алғов-далғов, ҳаёт ҳамма жойда худди лойқалатилган дарёга ўхшаб оқади. Робияни топиш – лойқа дарёга тушиб кетган гавҳарни топишдек қийин эканини Тоҳир ич-ичидан сезар эди-ю, барибир умидини узолмас эди. Мавлоно Фазлиддин Тоҳирнинг гапларидан шуни пайқаб:

– Жияним, сен ўша бечора қизни ҳали ҳам унутолмай икки йил излаганинг – жуда ажойиб бир дилинг борлигидан далолат берур. Мен сенинг садоқатингга тан бердим! Аммо сен энди ўзингга ҳам жабр қилмаслигинг керак. У қиз тақдирида борини кўргай. Агар тирик бўлса, балки... биров унга уйлангандир. Балки фарзандлик ҳам бўлганлар. Ахир уч йил уни тек қўйишлари мумкинми? Сен ўзинг бир ўйлаб кўргин...

– Мен бунинг ҳаммасини аллақачон кўнглимдан ўтказганмен, мулла тоға... Фақат мен у қизнинг олдида ўз гуноҳимни ювмоқчимен, холос.

– Қайси гуноҳингни?

– Ўшанда Робияни Андижонга қочирмоқчи бўлганларида мен Қувада олиб қолганмен. Агар Андижонга кетганда бу фалокат бўлмас экан.

– Сен нима бўлишини қайдан билибсен, жияним?

– Ҳар қалай, мен уни топиб, шу гуноҳимни ювмагунимча тинчиёлмаймен. Робия, сиз айтгандек, уйли-жойли бўлиб, тинчиб кетган бўлса, унда... майли... Тақдирга тан берурмен. Агар ҳали ҳам нажот излаб, мени кутиб юрган бўлса-чи? Ахир мен уни унутолмай юрибмен-ку? Унга ҳам мен керак бўлсам-чи?

Мавлоно Фазлиддин бош чайқаб:

– Дил дардига даво йўқ экан-да, – деди ва мавзуни ўзгартирди: – Йўқлаб келибсен, энди меҳмон бўл. Қани, дастурхонга қара...

Тоға-жиян бирга ўтириб ширчой ичдилар. Кейин мулла Фазлиддин Тоҳирнинг кийим-бошларига яна бир кўз югуртирди-ю:

– Жияним, тоғанг ҳозир хийла бадавлат, – деди қўйнига қўл солиб, боғичи попукли қора чарм ҳамён олди. У ҳамённи очиб, жиянига бир нечта олтин танга олиб бермоқчи эди. Ҳамён тезда очилавермагач, мавлоно уни очмасдан жиянига узатди. – Ма, Ўшнинг расталарига чиқ, бугун жума, мол кўп, ўзингга керакли кийим-кечак ол. Тоҳир ҳамённи олмай туриб деди:

– Йўқ, мулла тоға, менга ўзингиз санаб, қарз беринг.

– Ҳа, хўп, қарз! Ўзинг керагича ол, пулдор бўлганингда қайтарурсен.

– Ундай бўлса, майли.

Тоҳир ҳамённи қўйнига солиб чиқиб кетганича пешиндан кечроқ оёғига янги аскарий этик, бошига мўғулча бўрк кийиб, чакмонга ўхшаш дағал юнгли дағалани елкасига ташлаб келди. Унинг қўлида қини эскириб кетган арзон бир қилич ҳам бор эди. Мавлоно Фазлиддин ҳайрон бўлиб:

– Нечун бундай кийимлар олдинг? – деди. – Қилични не қилурсен?

– Мулла тоға, ёлғиз саргардон бўлиб юриш менинг жонимга тегди. Энди Самарқандга Бобур мирзонинг қўшини билан бирга бормоқчимен.

– Сарбоз бўлибми?

– Ҳа, тавочилар аскарликка одам олаётган эмишлар...

Жияни Ўшга ҳам шу ният билан келганини мавлоно Фазлиддин энди сезди-ю, ундан қаттиқ ранжиди.

– Жинни бўлибсен, Тоҳир! Ҳамма урушдан қочса, сен бу аждаҳонинг комига ўз ихтиёринг билан бормоқчисен! Бир марта найза еб, ўлимдан қолганинг озмиди?

– Мулла тоға, ундан кейин мен яна неча ўлимлардан қолганимни сиз билмайсиз. Тошкентда бир мўғул беги бечора косибнинг қизини зўравонлик билан тортиб олмоқчи бўлганда мен чидаб туролмадим. Орага тушганим учун, мана, юзимда ўша бекнинг ханжаридан чандиқлар қолди.

– Замона зўрникилигини ҳали ҳам билмайсенми?

– Билганим учун мен ўшандай зўрлар билан зўр қўшиннинг сафида туриб олишмоқчимен, мулла тоға. Мен кўп юртларни кўрдим, турли одамлар билан бирга ишлаб, бирга юрдим. Бобур мирзонинг табиати покиза, кўнгли тийрак эканини кўп одам билар экан. «Атрофдаги подшоҳлардан яхшилик чиқмаса ҳам Бобур мирзодан бир ёруғлик чиқар», деб умид қиламен.

Мавлоно Фазлиддин ерга қараб:

– Қайдам, – деди. – Бобур мирзо ҳали ёшлар. Мен ҳам шу зотга умид боғлаган эдим... Лекин яна уруш, қон... Ҳаммамиз тун зулматидай интиҳосиз бир қоронғилик ичида юрибмиз. Мамлакат пароканда, золим тождорлар қон устига қон тўкурлар. Бобур мирзонинг атрофидаги беклар ҳам раҳм-шафқатни унутмишлар. Муҳит шундоқ ғаддор бўлгач, сен ҳам ёмон беклар хизматида юриб, ўзингга ўхшаш жабрдийда заҳматкашларнинг кушандасига айланмасмикинсан, жияним?

– Ишонинг, мулла тоға, мен ёмон бекларнинг зулмига иложим борича қарши тургаймен!

– Бобур мирзо ҳукмдор бўла туриб даф қилолмаган адолатсизликларни сен нечун даф қилурсен?

– Балки Бобур мирзонинг мендек навкарлари бўлмагани учун даф қилолмагандирлар? Балки у зотга мен керакдурмен, мулла тоға! Мен ўзим учун шундан маъқул йўл тополмадим. Ёлғиз яшашимнинг маъноси қолмади. Не қилай?

Мавлоно Фазлиддин жиянининг юзига тикилиб қаради-ю, уни ниятидан қайтариб бўлмаслигини сезди. Тоҳир бундан уч йил олдин Қувасой кўпригини бузиб, ёв қўшинига катта талафот келтирган пайтларда тарих дарёсининг қудратли оқимига тортилмаганмиди? Энди умрбод ўша оқимдан чиқолмасдан, тарихий воқеаларнинг ичида юришга маҳкум

этилганмикин? Ҳар қалай, жиянининг сўнгги гаплари мавлонони ўйлантириб қўйди. У бирпас жим тургач:

– Тавочига учрадингми? – деди.

– Учрадим. «Отинг йўқ экан, пиёда қўшинга оламиз», деди. Мен пиёда юриб ўрганиб қолганмен, мулла тоға.

– Аммо жангда энг кўп талафот пиёдалар орасида бўлур, буни билурсенми?

– Майли-да, қирқ йил қирғин бўлса ҳам ажали етган ўлгай.

– Бас!

Мулла Фазлиддин бу ҳақда бошқа гаплашмади. Эрталаб нонуштадан кейин хизматкорига айтиб, бостирмада турган ҳар иккала отни ҳам эгарлатди. Тоҳирга оёқлари узун жийрон отни кўрсатиб:

– Сен мана шуни мин, – деди. – Мен сенинг пиёда аскар бўлишингни ўзимга муносиб кўрмасмен.

Мулла Фазлиддин ўзи Бобур инъом қилган тўриқ қашқани минди. Сўнг икковлари Бобурнинг қароргоҳига отлиқ йўл олдилар.

Одатдагидай, Бобур ҳузурига кириш учун эшикоғадан рухсат олиш керак. Тоға-жиян саккиз бурчакли улкан оқ ўтовдан берироқда отлиқ келаётган Қосимбекни кўрдилар ва унинг ҳурматига отдан тушиб қўл қовуштирдилар.

– Жаноби амирул умаро, жияним ҳам Бобур мирзога содиқ хизмат қилиш орзусида келди, – деди мавлоно Фазлиддин. – Ижозат берсангиз, амирзоданинг ҳузурига кирсак.

– Амирзодам ҳозир беҳад банддир, мавлоно. Балки илтимосингизни менга айтурсиз?..

– Жияним Тоҳир... амирзодамнинг хос навкарлари қаторига олинишини ўтиниб сўрамоқчи эдим.

Қосимбек Тоҳирнинг барваста гавдасига ва юзидаги чандиққа қаради-ю:

– Йигит, аскарий хизматда бўлганмисен? – деди.

Қосимбекнинг «сенсираб» гапиргани Тоҳирга унча ёқмади. Лоқайд товуш билан:

– Ҳали бўлган эмасмен, – деди. Мавлоно Фазлиддин орага тушди:

– Жаноби амирул умаро, жиянимиз асли деҳқон бўлса ҳам, лекин табиатида жанговарлик бор. Эсингизда бўлса, Қуванинг кўпригида ёғийларимиз жуда катта талафот

кўриб, ўзлари сулҳ таклиф қилган эдилар. Ўшанда бизга ғалаба келтирган азамат йигитларнинг бири – мана шу Тоҳир!

– Ғалаба келтирган?! – ишонқирмай сўради Қосимбек. – Қандай қилиб? Мавлоно Фазлиддин Қувада ўз кўзи билан кўрган воқеаларни Қосимбекка қисқача сўзлаб берди. Унинг ҳикоясига қараганда, жанговар беклар ва навкарлар эплай олмаган ёвнинг белини оддий «ялангоёқлар» синдирган бўлиб чиқарди. Қосимбек бунга ишонгиси келмади.

– Қувада ғалабани тангрим ўзи бизга инъом қилган, мавлоно! – деди Қосимбек. Бу гапга қарши чиқиб бўлмас эди.

– Албатта, буларнинг кўнглига шу ишни Худо ўзи солган. Лекин ўшандаги жасорати учун ёғийлар Тоҳирга найза санчиб, уни оғир ярадор қилдилар. Жияним нақ бир ўлимдан қолди, жаноб Қосимбек!

– Шундоқми? – деб Қосимбек энди Тоҳирга илиқроқ назар билан қаради. – Самарқанддаги ёғийларимизда қасдинг борми, йигит?

– Ҳа, ўчим бор.

Қосимбек кетида сукут сақлаб турган тавочига ўгирилди:

– Бу йигитни Чилмаҳрам тоғи этагида аскарий машқ ўтказаётган навкарлар қаторига қўшинг! – Сўнг у мулла Фазлиддинга изоҳ берди. – Жиянингизнинг машқи етилсин, ҳарбий муомалани ўргансин. Ундан сўнг амирзодам лозим кўрсалар, хос навкарлари қаторига олурлар.

Тоҳир мавлоно Фазлиддин билан қучоқлашиб хайрлашди-да, отига минди ва тавочининг кетидан Чилмаҳрам тоғига қараб йўл олди.

7

Бекларнинг машваратида Самарқанд юришини рамазон ойида бошлашга, тайёрлик ишларининг асосий қисмини Ўшнинг ўзидаёқ битириб кетишга қарор қилинди.

Бобур онасининг сўзини ерда қолдирганидан хижолат бўлиб, Қутлуғ Нигор хонимнинг кўзига ташланмасликка тиришарди. Сафар тайёргарликларидан бўшаган пайтларда ўз чодирида ёлғиз ўтириб китоб ўқирди.

Бугун намозигар кечроқ Бобур «Вақоеъ»[1] номли дафтарга отасининг ўлими ҳақида ёзаётган эди, ясовул кириб, Қутлуғ

[1] «В а қ о е ъ» – «Чиндан юз берган воқеалар», демакдир. «Бобурнома» энг аввал шундай деб аталган.

Нигор хоним билан Али Дўстбекнинг чодирга киришга ижозат сўраётганларини айтди. Бобур дафтарини ёпиб, онасини эшик олдида қарши олди ва тўрга ўтқазди.

Қутлуғ Нигор хонимнинг ранги хиёл ўчган. Унинг пешонасидан юқорида – сочининг фарқ очилган жойида Бобур бир тутам оқарган соч толаларини кўрди. Энди қирқ ёшга кирган онаизор кампирлардек одми кийинар ва қаддини эгиброқ юрар эди. Бобур онасига алланечук раҳм қилиб паст товуш билан гапирди:

– Онажон, сўзим ерда қолди, деб куюнманг. Насиб бўлса, Самарқанддан қайтганда ҳамма айтганларингизни қилурмен.

– Худонинг хоҳиши шундай бўлса, биз бандалар қаноат қилгаймиз. Илоҳо, яхши ниятларингизга етинг, шоҳ ўғлим!

Али Дўстбек бақувват қўлларини фотиҳа учун очиб:

– Илоҳи омин! – деди.

Сўнг катта-катта панжаларини қоп-қора силлиқ юзига, соқолсиз узун иягига суртди. Юзи мўғулча бўртган бу чайир кўса одам Бобурнинг бувиси Эсон Давлат бегимга амакиваччa бўлади. Шу сабабли ўз номига «тоғойи» деган сўзни унвондек қўшиб айтади ва Қутлуғ Нигор хонимга акаларча меҳрибончилик кўрсатиб юради. Ҳозир ҳам кўрпачалар устига ўтирганларидан кейин Али Дўстбек Қутлуғ Нигор хонимга «Гапни очайми?» дегандай бир қараб олди. Хоним тасдиқ маъносида бош ирғагач, Али Дўстбек томоқ қириб, сипориш билан сўз бошлади:

– Амирзодам, волидангиз икковимиз нозик бир муаммода сизнинг маслаҳатингизни олгани келдик. Муҳтарама эгачингиз Хонзода бегим ҳозир йигирма ёшдалар. Айни узатиладиган пайтлари. Бегим ой деса ойдек, кун деса кундек, оқила-ю фозиладирлар. Шу вақтгача муносиб куёв учрамай доғда эдик. Волидангиз ҳам, тоғойингиз ҳам вақт ўтиб кетаётганидан изтиробда эдик.

– Яна бир-икки йил уйда ўлтириб қолса, «қари қиз» деб кулурлар, – деди Қутлуғ Нигор хоним.

Опасининг тақдирига оид бунақа гапларни Бобур илгарилари ҳам эшитган эди. Аммо бугун Дўстбекнинг гапларига қараганда, қандайдир куёв топилганга ўхшарди. Бобур шуни билгиси келиб, ўсмирларча қизиқиш билан сўради:

– Ким бизга почча бўлмоқчи?

Рўйирост берилган бу савол, Дўстбекни шошириб қўйди. У яна гапни айлантирди:

– Сиздек олий зотга «муносиб почча бўлурмен», деб ҳеч ким журъат қилиб айтолмас. Аммо умароларингиз орасида аслзода беклар бор. Чунончи, Султон Аҳмадбек. Йигирма беш ёшга кирган норғул йигит. Чопқунга бориб, баҳодирона зафар билан қайтди. Беклар орасида обрўси баланд. Ёнида уч забардаст иниси бор. Уч юз навкари билан ҳаммаси сизга то ўлгунча содиқ хизмат қилмоқчилар.

Бобур ҳали оила нималигини, куёв-келин қандай бўлишини билмаса ҳам опаси Хонзода бегимни Аҳмад Танбалнинг ёнига қўйиб тасаввур қилди-ю, икковини бир-бирига тўғри келтиролмади. Сўнг онасига қараб:

– Сиз розимисиз? – деди. Қутлуғ Нигор хоним оғир тин олиб:

– Начора! – деди. – Хонзода бегим тождор, тахтдор куёвларга муносиб қиз. Аммо ҳозирги нотинч замонада қани биз истаган куёв? Биз тоғойингиз билан суриштириб билдик. Султон Аҳмадбекнинг авлод-аждоди аслзодалардан экан. Бобокалонлари Жўжихон, Чингизхонларга қон-қариндош бўлган султонлар экан. Ҳозир Тилба Султон номли оғаси Тошкентда тоғойингиз Маҳмудхонда соҳибихтиёр эшикоға экан. Энди бу Аҳмадбек куёв бўлса, орага оғаси тушиб, тоғойингиз Маҳмудхон билан сизни яқинлаштирармикин? Шундай нуфузли бек сизга куёв бўлиб, бутун уруғлари-ю навкарлари билан қанотингиз тагига кирса, ишингизнинг ривожи яхшироқ бўлурмикин?

– Шубҳасиз, шундай бўлур! – деди Дўстбек чуқур эътиқод билан.

Бобур нима дейишини билмай елка қисди: ёш ўсмир ўзидан катта опасини кимга эрга бериш ҳақида ўйлашдан ҳам тортинар эди. Аммо онаси ва тоғаси бу ишни унинг подшоҳлик ҳукми билан амалга оширишни истардилар.

– Бегимнинг ўзлари учун ҳам яхши бўлур, – деб давом этди Дўстбек. – Агар бошқа бир юртдаги тождорга тушсалар, оналаридан йироқда бўлурлар, амирзодамдай суюкли иниларининг ҳимояларидан узоқлашурлар.

– Ҳа, ундан кўра ёнгинамда бўлгани афзал, – деди Қутлуғ Нигор хоним. – Хонзода – менинг тўнғич қизим, маслаҳатгўйим. Аҳмадбекка берсак, кўз ўнгимда менинг ёлғизлигимни билинтирмай юрур.

Бобур бу борада ўзи билмайдиган кўп нарсаларни онаси яхши билишини ўйлади-ю:

– Онам рози бўлсалар, бўлди, – деди. Дўстбек қувониб кетди:

– Ҳақ гапирдингиз, амирзодам, жуда ҳақ! Она рози – Худо рози, деб бежиз айтмаганлар! Қутлуғ Нигор хоним ҳамон хомуш эди. Бобур бунинг сабабини сезгандай бўлиб:

– Бегимнинг ўзлари нечук? – деб сўради. Қутлуғ Нигор хоним оғир тин олиб:

– Бегим рози эмаслар, – деди. – Эшитиб кўп йиғладилар.

– Бундай пайтларда йиғлаш – қизларнинг азалий одати, – деб кулиб қўйди Дўстбек.

– Аммо, Хонзода бегимнинг аҳволидан мен хавотирдамен, амирзодам, – деди Қутлуғ Нигор хоним. – «Ўзимни ўлдирамен», деган сўзларини эшитиб қолдим.

– Наҳот? – деди Бобур ҳам бирдан хавотирга тушиб.

– Эгачингиз сизни жондан азиз кўрурлар, Мирзо ҳазратлари, сўзингизни икки қилмаслар, – деди Дўстбек. – Волидаи муҳтарамангиз билан иккаламиз сиздан илтимос қилгани келдик. Хонзода бегимни ҳузурингизга чорлаб, насиҳат қилинг. Давлатингизнинг манфаатлари учун эгачингиз ризолик бермоқлари керак. Султон Аҳмадбек орага одам қўйган. Бутун уруғлари билан сизнинг марҳаматингизга мунтазир. Рад жавоби уларни сиздан... совитиб қўйиши мумкин. Сўнгра, агар Хонзода бегим ризо бўлмай, яна уч-тўрт йил уйда ўлтириб қолсалар, «Куёв топилмабдир, қари қиз бўлибдир», деб ёғийларингиз маломат қилурлар. Бундай гаплар подшоҳ оиласининг шаънига мутлақо тўғри келмас. Агар Хонзода бегим сизга яхшилик истасалар, ризо бўлмоқлари керак. Буни энди бегимга фақат сиз тушунтирурсиз, Мирзо ҳазратлари!

Бобур бошини чангаллаб бир лаҳза жим қолди. Бундай нозик, бундай чигал ишга умрида биринчи дуч келиши. Бегона бўлса ҳам бир сари эди, гаплашиши осонроқ бўларди. Ўзининг жонажон опаси. Бобур Хонзода бегим билан бу тўғриларда гапиришишдан ҳам ийманади. Лекин бу ёқда онаси мушкул аҳволга тушиб, ёрдам кутиб ўтирибди. Бу ёқда опаси жонига қасд қилмоқчи эмиш.

– Майли, – деди Бобур онасига маъюс кўз ташларкан, – бегим келсинлар, ўзим бир сўзлашай.

Қутлуғ Нигор хоним тез ўрнидан қўзғалиб:

– Ҳозир... ҳозир бориб айттириб юборурмен, – деди ва чодир эшигига йўналди. Дўстбек йирик тишларини очиб мамнун кулимсиради-ю, чодирдан орқаси билан юриб чиқа бошлади. Эшик олдида таъзим қилди-да:

– Амирзодам, сиз шоҳсиз, сизнинг ҳукмингиз вожиб, – деб Бобурни дадилроқ бўлишга ундаб кетди.

* * *

Бобур қатор шамлари липиллаб ёнаётган иккита олтин қандил оралиғида садаф билан безатилган бежирим мизга кўкрагини тираб китоб варақлаб ўтирганда Хонзода бегим чодир эшигидан секин кириб келди. Эгнида сидирға сариқ атлас кўйлак. Ҳазин товуш билан саломлашиб, Бобур таклиф қилган зарбоф кўрпача устига хасталардек бўшашиб ўтирди. Унинг қовоқлари шишинқираганини кўрган Бобур:

– Мунча ғамгинсиз, бегим? – деди.

– Амирзодам, мен ҳузурингизга нажот излаб келдим!

Хонзода бегимнинг сўлғин юзига кўзларидан ёш сирғалиб тушди. Бобур яқиндагина яйраб-яшнаб юрган опасини ҳозир бу аҳволда кўриб, юрагини бир нарса тимдалаб ўтди. Онаси унинг зиммасига юклаб кетган вазифа қанчалик мушкул эканини у энди астойдил ҳис қилди. Тақдир унинг бошига солаётган мушкулотлар озмиди, устига бу ҳам қўшилди? Бобур куюниб гапира бошлади:

– Мен ўзим бу фалакнинг дастидан нажот излаймен, бегим. Ечилмас муаммолар бири устига бири қўшилур. Шу аснода наҳотки сиз ҳам менинг мушкулларимни кўпайтирмоқчи бўлурсиз?

Хонзода бегим укасининг ўзи чиндан ҳам ёрдамга муҳтожлигини, ёшига номуносиб ишлар уни жуда қийнаб юборганини сезди-ю, кўзини тез артди. Боягидан тетикроқ оҳанг билан гапира бошлади:

– Амирзодам, мен бир гап эшитдим. Ростмикин?

– Қайси гап?

– Аҳмад Танбал тоғдан бир хуржун одам калласини олиб тушганмиш...

Бобур ўтган куни кўрган кесик каллаларни, хусусан, ҳали соқоли ўсиб улгурмаган ёш йигитнинг гўшти чиқиб ётган қонли бўйнини эслади-ю, бирдан сесканиб тушди.

– Жанг ўлимсиз бўлмас, – деб Бобур гўё ўзини-ўзи босмоқчи бўлди. – Ёғий ҳам бизникиларни ўлдирмишдир. Бу – эски одат. Сиз буни унутинг, бегим.

– Бунисини унутсам, омилиги, жоҳиллиги бор. Мен умримни фозил киши билан ўтказиш орзусида эдим. Аҳмад Танбал – қўли қон, бераҳм одам. Амирзодам, наҳотки сиз мени унга муносиб кўрурсиз?

– Сизга муносиб йигит, балки етти иқлимда ҳам йўқдир. Аммо... сабабларини онам айтгандирлар... Мен ҳам... мажбурмен!

Хонзода бегим қандилда липиллаб ёнаётган шамларга қараб туриб, Аҳмад Танбални кўз олдига келтирди-ю, ўша бадқовоқ йигит билан бир ёстиққа бош қўйишини ўйлаб, эти жунжикиб кетди:

– Мен бу бекдан қўрқамен!

– Биз бор эканмиз, сиз ҳеч кимдан қўрқманг, бегим. Мен сизга заррача зулм ўтказишларига йўл қўймасмен.

– Мени маъзур тутинг, амирзодам. Аммо эгачингизни хоҳламаган одамига зўрлаб узатсалар, шунинг ўзи катта бир золимлик бўлмагайми?

Бу мантиқли сўзлар Бобурни довдиратиб қўйди:

– Золимлик... Ҳа, фалакнинг ўзи золим! Мен ҳам ҳар куни суймаган одамларим билан муомала қилурмен. Хоҳламаган ишларимга мени аралаштирурлар. Давлат манфаатларини ўйлаб ўзимни-ўзим мажбур қилурмен. Бошқа иложим йўқ!

Бобур ўз ёшига ярашмайдиган бу сўзларни қанчалик қийналиб айтаётган бўлса, кўнглига ёқмайдиган, аммо муҳит, вазият талаби билан мажбуран адо этадиган ишларни ундан ҳам ортиқ азоблар билан қилиши сезилиб турарди. Бобур бу мушкул аҳволдан чиқишнинг йўлини тополмай ич-ичидан эзилиб юрганини Хонзода бегим энди пайқади-ю, укасига раҳми келди. Бобурнинг подшоҳлигини унутиб, уни кичиклигида еркалатиб суйган пайтларини эслади.

– Бобуржон, – деди, – сиз ёлғиз иним, пушти-паноҳимсиз, мен сиз учун жонимни ҳам аямаймен! Агар сизга чиндан ҳам шу зарур деб ишонсам, ҳозирги гапингизга ҳам ризо бўлур эдим. Лекин мен сизнинг куйрак кўнглингизни билурмен. Агар мен умрбод бебахт бўлиб қолсам, кейин сиз ҳозиргидан ортиқроқ изтироб чекурсиз!

– Худо хоҳласа, бебахт бўлмассиз.

– Кўнглим сезиб турибдир, агар шу одамга тушсам, бебахт ўтурмен. Бобуржон, эгачингизнинг сўзига ҳам ишонинг. «Давлат манфаатлари» деб ўзингизни кўп езманг. Сиз билан биз учун ҳам бу умр ғанимат. Ўз кўнглимизга ҳам ишонишимиз керак! Кўнгил тоза бўлса, кишини алдамайдир!

Хонзода бегим шундай бир самимият билан ёниб гапирмоқда эдики, унинг қалбидаги олов гўё Бобурнинг қалбига ҳам ўтди. Шафқатсиз беклар муҳити ва подшоҳлик мажбуриятлари ёш Бобурнинг қалбини қаҳратон қишнинг музларидай сиқиб ётар эди. Хонзода бегим эса ўзининг оловли нафаси билан гўё шу музларни эритар, Бобурнинг қалбига баҳор майинлиги, ёшлик еркинлиги яна қайтиб келаётгандай, эти жимир-жимир қиларди. Хонзода бегим яна кўзларига ёш олди:

– Бобуржон, сизнинг дилингиз беғубор, сиз нодир истеъдодли фидокор йигитсиз! Бу беклар ўз манфаатларини ҳам «давлат манфаатлари» деб кўрсатишга ўрганиб қолганлар. Булар сизнинг ёшлигингиздан фойдаланурлар. Аммо сиз суймаган ишни «давлат манфаатлари учун» деб қилдирмоқчи бўлганларида, кўнглингизга ҳам бир қулоқ солинг. Энг маҳрам дўстингиз – сизнинг мусаффо қалбингиздир. Сиз бу дўстингизга ишонинг, жоним!

Хонзода бегим ўтирган кўйича укасига қўл чўзиб, йиғи аралаш илтижо қилди:

– Мен сизнинг пок қалбингиздан адолат излаймен! Қалбингиз нима буюрса, сиз менга шуни буюринг! Мен розимен!

Бобур сакраб ўрнидан турди-ю, опасининг қўлларидан олиб, уни ўрнидан турғазди:

– Йиғламанг, бас! – деди. Аммо Бобурнинг ўзи ҳам кўнгли эриб, кўз ёшини зўрға тутиб турарди. – Сиз менга барча бекларимдан яқинроқсиз. Бир туғишган ягона эгачимсиз. Сиз туфайли не оғирлик келса, майли, кўтарай! Хотиржам бўлинг! Токи бормен, суймаган одамингизга узаттирмасмен!

Хонзода бегим азбаройи қувонганидан укасини маҳкам қучиб пешонасидан, кўзларидан ўпди.

САМАРҚАНД

ЗАФАР ВА КУЛФАТ

1

Бобурнинг қўшини Самарқандни бутун ёз ва куз бўйи қамал қилди. Бойсунқур мирзо етти ой шаҳар дарвозаларини беркитиб ётди-ю, ахийри очлик ва танқисликка бардош беролмай, совуқ қиш кечаларидан бирида яқин одамлари билан Самарқанддан яширинча чиқиб, Ҳисор томонга қочди.

Шаҳарда қолган беклар бундан хабар топганларидан кейин қалъа дарвозаларини очтирдилар.

Бобурнинг уч мингга яқин қуролли кишилари зафар куйини чалиб, қўш нақоралар ва карнайлар садоси остида шаҳарга кира бошладилар.

Бобур беш яшарлигида кўрганлари яхши эсида қолмаган экан. Самарқанднинг ҳар ер-ҳар еридан мовий тоғлар каби кўкка бўй чўзиб турган улуғвор гумбазларнинг қайсиси Улуғбек мадрасасиники эканини, қайсиси Бибихоним мадрасасига мансублигини ёнида бораётган Қосимбекдан сўраб билди. Фақат аркка яқинлашганда чап томонда кўринган улкан обиданинг Амир Темур мақбараси эканини жангчининг дубулғасига ўхшаш гумбазнинг афсонавий гўзал тарам-тарамларидан таниди. Қанча даврлар ўтса ҳам, бўёқлари худди бугун сурилгандай яп-янги турган бу ажойиб бинолар, уларнинг тантанавор кўриниши ва офтобда ғалати товланиши Бобурнинг қалбидаги зафар завқига яна завқ қўшарди.

Арк жойлашган баландликка кўтарилаётганларида Бобур ўнгу сўлда кўринган айвонли уйлар ва ҳовлиларга кўз ташлади-ю, бирдан ўзининг асира қаллиғи Ойша бегимни эслади.

Ажаб эмаски, бегим мана шу уйлардан бирида дарча тирқишидан ғолибларга қараб турган бўлса. У бечора энди барча азоб-уқубатлардан қутулиб, Самарқанд қизлари орасида энг мўътабари бўлишини, ҳамма уни «ёш подшоҳимизнинг қаллиғи», деб эъзозлашини билармикин?

Бобур отини Қосимбекнинг отига яқинлаштириб, паст овоз билан сўради:

– Асирлардан хабар олишга одам тайинландими?

Қосимбек бу саволнинг яширин маъносига тезда тушунолмади:

– Амирзодам, қайси асирларни айтурсиз?

Бобур отаси тенги Қосимбекнинг олдида қаллиғини тилга олишдан уялар эди. У алланечук ийманиб қовоғини солганидан Қосимбек гап нимадалигини фаҳмлади-ю: – Ҳа, асираларми? – деб, Бобур айтолмаган сўзни ўзи айтди. – Бу ишга Нўён Кўкалдошни тайин этганмен. Аввало, Султон Аҳмад мирзонинг фарзандларидан хабар олинур. Қулингиз айтганмен. Кечқурун Нўён сизга ахборот берур.

Арк ичига кирдилар. Бу ердаги энг улкан ва салобатли бино – тўрт қаватли Кўксарой эди. Кўксаройда жуда кўп фожиалар бўлган, талай шаҳзодалар шу ерда ўлдирилган. Шунинг учун Самарқанднинг сўнгги тождорлари Кўксаройда турмас эдилар, фақат машҳур Кўктош устига чиқиб, тантана билан тахтга ўтириш маросимини ўтказар эдилар. Бобур ҳам аркнинг ўнг томонида жойлашган Бўстонсаройга тушди.

Оқшом Бўстонсаройда қандиллар ёндирилганда Бобур ўтирган хонайи хосга Нўён Кўкалдош кириб келди. Зар билан нақшланган бу хона жуда совуқ эди. Улар иккови пўстинларини ва телпакларини ечмасдан кўрпача устида ўтириб гаплаша бошладилар.

Нўён Кўкалдошнинг овозида илиқ бир ҳаяжон сезилди. Бобур подшоҳ бўлганидан бери улуғ беклар атрофини ўраб олиб, Нўён Кўкалдошдай тенгдошлари анча четга чиқиб қолган эди. Бугун оралари яна илгаригидай яқин бўлиб қолганидан қувонган Нўён тўлқинланиб сўзлай бошлади:

– Амирзодамнинг номларидан олтин билагузуклар, асл матолар, субҳони ўриклар[1], лавзиналар[2] олиб бордик. Улуғ холангиз Меҳр Нигор хоним пешвоз чиқдилар...

Бобур ўз онасини эслади. Меҳр Нигор хоним – Қутлуғ Нигор хонимнинг туғишган опаси ва Султон Аҳмад мирзонинг катта хотини эди. Ойша бегимнинг онаси ёшлигида ўлиб кетган, уни фарзандсиз Меҳр Нигор хоним тарбиялаб ўстирган, ҳозир ҳам унга она ўрнида ғамхўрлик қилар эди. Шунинг учун Меҳр Нигор хоним Бобурга ҳам хола-ю, ҳам бўлажак қайнона эди.

[1] С у б о ҳ и ў р и к – данаги ўрнига мағиз солинган ўрик.

[2] Л а в з и н а – бодом қўшиб ишланган ширинлик.

– Озиб кетибдилар, – деб давом этди Нўён. – Ошлиқдан[1] жуда қийналмишлар. «Қаҳатчилик бўлиб, пулга ошлиқ топилмай қолди», дейдилар. «Зоғора нонга ҳам зор» бўлдик, деб йиғлаб юбордилар. Ўтин-чўплари ҳам йўқ экан. «Совуқда дийдираб ўлтирибмиз» дейдилар.

– Бойсунқур мирзо шу қадар ноинсофлик қилибдирми, а?

Мирзонинг ўзи ҳам охирги пайтларда қорни тўйиб таом емаган бўлса керак, амирзодам. Етти ой қамалда ётиш осонми? Кўчаларда очдан ўлган одамларнинг ўликлари ётибди. Фақир-у бечоралар очдан ўлмаслик учун эшак гўштини, ит гўштини ейишгача етиб бормишлар... Биз бундан бехабар эканмиз. Дарҳол қайтиб келиб, Қосимбек қавчинга учрадим. Бир арава ун, гуруч, бир арава ўтин, ўнта қўй олдик. Кейин ҳаммасини яна ўзим элтиб топширдим. Шунда мени ичкари уйга таклиф қилдилар.

Нўён Кўкалдош сирли кулимсираб, бир лаҳза тараддудланиб турди. Бобур унинг ҳозир Ойша бегим ҳақида гапирмоқчи эканини сезиб, сабрсизланди:

– Сўзланг, Нўён, сўзланг!

– Тиллакори уйда Ойша бегим юзларига оқ ипак парда ёпиб қаршимдан чиқдилар... – Нўён бир тўхтаб олди. Ойша бегим унинг кўзига жуда кичкина, норасида ўсмир қизчадек кўринган эди. У буни Бобурга айтишга журъат этмади. – Жуда нозик кўриндилар. «Хуш келибсиз», дедилар. Овозлари шундай майин, шундай соф.

Бобур Андижондан Ойша бегимни ўйлаб келиб, энди кўришолмаслиги, балки сабрсизлик қилган каби қиз томонни ҳам ранжитиши унга бедаво бир дард бўлиб туюлди. Нўён Кўкалдош бу дардга дори топмоқчига ўхшаб қўйнига қўл солди-ю, жажжигина оқ ипак халтача олди.

– Ойша бегимнинг номидан сизга буни Меҳр Нигор хоним бериб юбордилар. Бобур халтачани қўлига олганда ичида ҳеч нарса йўқдай туюлди. Боғичини очиб халтачани кафтига секин ағдарган эди, икки дона гавҳар тушди. Ҳар бири гуручдан сал каттароқ, аммо хийла салмоғи бор. Жилоси нафис ва улуғвор.

– Сиртига ҳам қаранг, – деди Нўён.

Нозик мунчоқлар билан безатилган халтачанинг сиртига каштага ўхшатиб тикилган чиройли ипак ёзувни Бобур энди

[1] О ш л и қ – бу ерда дон, ун маъносида.

кўрди. «Нажоткоримизга» деган биргина сўз унга бутун бир муҳаббатномадек ширин туюлди. Ойша бегим бу ипак ёзувни олдиндан тика бошлаган бўлса керак. Акс ҳолда, Нўён борган заҳоти тикиб улгурмас эди. Демак, у Бобурнинг нажот келтиришига ишонган!

– Амирзодам, қўлингиздаги гавҳарларнинг тарихини эшитинг, – деб давом этди Нўён. – Булар Султон Аҳмад мирзонинг саллаларига қадалган асл гавҳарлардан экан. Унинг мунглиқлари тилак билдирдиларки, Султон Аҳмад мирзонинг шу гавҳарлари сиз билан бирга яна Самарқанд тахтига чиқсин-у, сизнинг азиз бошингизда юз йил безавол порлаб турсин! Султон Аҳмад мирзо тилга олинганда Бобурнинг кўнгли бир хира тортди. Аммо унинг қўлидаги гавҳарлар шундай мусаффо товланар эдики, уларда порлаган гўзал нур қаллиғининг кўзларидан нишона бериб турганга ўхшарди.

– Майли, мунглиқлар тилагандек бўлсин! – деди Бобур Нўёнга.

Сўнг секин қарсак чалиб, дасторпечни чақиртирди. Дасторпеч бу гавҳарларни Бобурнинг тантанали маросимларда ўрайдиган салласига қадаб қўйди. Шу оқшом Бобур ғойибона меҳр қўйган қаллиғини кўргиси келиб, ғазал ёза бошлади:

Жамолинг васфини, эй ой, неча элдан эшитгаймен,
Не кун бўлғай висолингга мени дилхаста, етгаймен?

2

Қиш чилласи авжида. Изғиринли еллар эсади. Қўлоёқларига кишан солинган, кийимлари йиртиқ маҳбуслар Самарқанднинг Регистон майдонида совуқдан қалтираб, шаҳар қозисининг ҳукмини тинглайдилар.

Ишончли амалдорларнинг аниқлашларига қараганда, булар Бобур мирзога хиёнат қилганлар – қамал пайтида унга махфий одам юбориб, «кечаси келинглар, дарвозани очиб берурмиз», деганлар. Бобурнинг бир даста ботир навкарлари Ғори Ошиқон олдидан қалъага ошиб ўтганда, хиёнатчилар уларни душманларига тутиб берганлар.

– Биз эмас! Тутиб берганлар қочиб кетмишлар! – йиғламсираб қичқирди маҳбуслардан бири.

Аммо унинг сўзига ҳеч ким эътибор бермади. Фармони олийга биноан жаллод уларнинг қўлларини орқаларига

боғлаб, махсус чуқур олдига чўккалатиб қўйди-да, бўғизларига ханжар тортди. Қатл этилганларнинг иссиқ қони майдоннинг тошларига сачраб, совуқда ҳовур чиқариб буғланар эди.

Кечаси бўралаб ёққан қор бунинг ҳаммасини бекитиб, борлиқни оппоқ қилиб кетди. Эртаси куни тушдан ҳаво юмшаб, гумбазларнинг қорлари эриб туша бошлади.

Пешин намозидан кейин Бобур мирзо отланиб Самарқанд расталарини айланишга чиқди.

Ёнида эшикоға Қосимбек, Аҳмад Танбал ва Хонқули деган яна бир бек орқароқда навкарлар билан келишмоқда. Шаҳарнинг қаерида нима борлигини яхши биладиган самарқандлик кекса шоир Жавҳарий уларга йўл кўрсатиб, олдинда боряпти.

Улуғбек қурдирган улкан гумбазли хонақодан ўтганларидан кейин Жавҳарий кунчиқиш томондаги кўчани кўрсатди.

Амир Алишер Самарқандга келганларида мана шу кўчадан кўп ўтар эдилар. Мазкур кўчанинг охирида Алишербекнинг устозлари фақиҳ Абуллайс истиқомат қилур эди. Уйлари ҳали ҳам бор.

– Сиз Мир Алишернинг суҳбатларида бўлганмисиз? – сўради Бобур.

– Ҳа, ёшимиз Алишербек билан тенг эди, аммо фақир у зотни устоз ўрнида кўрур эдим, мудом ашъорларимни ўқиб бериб, маслаҳат олур эдим. Унутмаган эканлар, «Мажолис ун-нафоис» номли китобларида фақирни ҳам тилга олмишлар.

Соқоллари оппоқ, қошларига ҳам оқ тушган Жавҳарий ҳозир Бобурнинг ҳавасини келтирди. Қани у ҳам Навоийнинг назари тушган шоирлардан бўлса! Аммо Бобур ҳали машқ шеърлар ёзишдан нарига ўтган эмас, уларни бировга кўрсатишга уялади. Шундай бўлса ҳам катта шоир бўлиш орзусини ҳеч тарк этмайди. Мана шу орзунинг таъсирида бугун Бобур ўзига йўл кўрсатувчиликка Самарқанднинг машҳур бекларини эмас, Навоийни кўрган мўътабар шоирни таклиф қилган эди.

Жавҳарий уларни новвойлар маҳалласига бошлади. Кўчалар алланечук ҳувиллаган. Босилмаган қор отларнинг тиззасига чиқади. Соя жойларда изғирин юзни ялаб ўтса ҳам, офтоб тушиб турган пахса деворлар ва том бўғотлари эриган қордан ҳўл бўлиб борар эди. Бобур томларга қаради. Бирортаси куралмаган. Том кураётган биронта одам кўринмайди.

Новвойлик растасига келсалар, қатор дўконларнинг ҳаммаси ёпиқ. Бобурнинг таажжуби ортиб, Жавҳарийга қаради:

– Мавлоно, новвойлар кўчиб кетганмилар?

– Мирзо ҳазратлари уч ойдирки, растага нон чиқмайди. Чунки ун йўқ. Қамалда кўп новвойлар очдан ўлиб кетди. Одамлар ҳолдан тойган. Томга чиқиб қор курашга ҳам мадорлари йўқ.

Бобур бунга сабабчи бўлган одамдек ўнғайсизланиб Қосимбекка қаради. Қосимбек эса шоирга кесатиброқ гапирди:

– Новвойларнинг тирик қолганлари ҳам бордир, мавлоно?

– Албатта, бор. Лекин ёрдамга муҳтож. Қани, энди амирзодам буюрсалар-у новвойларга ун берилса. Расталар яна очилса, Самарқанднинг машҳур нонларидан одамлар тўйиб эса.

Бобур Жавҳарийнинг айтганини қилмоқчи бўлаётганини сезиб, Қосимбек бунинг олдини олишга интилди:

– Амирзодам, бизда ҳам ошлиқ оз қолди. Қўшинга захира керак. Расталарга ҳозир ун беролмасмиз. Балки кейинроқ...

Кекса шоир Бобурга умид билан қараб турибди... Шу пайт унинг қора мовут чакмонини, хиёл эгик елкасини, калта қирқилган соқолини, нимасидир Бобурга Навоийнинг Беҳзод чизган расмини эслатди. Бобур мавлонони ноумид қилса, Навоийнинг умидини ҳам оқлолмайдигандай бўлди. У Қосимбекка буйруқ оҳангида гапирди:

– Биз унни расталарга эмас, новвойларга бермоғимиз керак. Ишончли бир киши назорат қилсин, новвойлар нон ёпиб, бизнинг номимиздан очларга тарқатсинлар. Беш-олти қоп ун билан қўшин захирасиз қолмас. Жиззахга юборилган карвон эрта-индин ошлиқ олиб қайтгуси!

– Саховатингизга офарин, Мирзо ҳазратлари! – деб Бобурнинг сўзларига фақат Жавҳарий қувонч билдирди.

Семиз тўриқ айғирнинг жиловидан тортиб турган Аҳмад Танбал мавлонога қараб пўнғиллади:

– Амирзодам Бойсунқурдан қолган очларнинг қайси бирига ошлиқ етказсинлар? Биз буларни боқишга келдикми?

Аҳмад Танбал, «амирзодам» деб, гўё Бобурга жон куйдириб гапирган бўлса ҳам, аслида Бобурнинг ҳозирги буйруғидан норозилиги сезилиб турарди. Аҳмад Танбал Ўшда Хонзода бегимга одам қўйиб ниятига етолмаганидан бери Бобурга қарши адовати аввалгидан ўн ҳисса ортиқ бир куч билан хуруж қилмоқда эди.

– Жаноб Аҳмадбек, – деди Бобур. – Биз Самарқандни боқиш учун келмаган бўлсак, талаш учун ҳам келган эмасмиз!

Танбал кеча заргарларни талатганини эслаб, кўзлари бир бежо бўлди. Аммо ўзини осойишта кўрсатиб:

– Сўзингиз тўғри, Мирзо ҳазратлари, – деди. – Бироқ шунча жангу жадал билан олган шаҳримиздан озгина ўлжадор бўлишга наҳотки ҳақимиз йўқ? Ахир ғолибларнинг ўлжа олиши ота-боболаримиздан қолган русум-ку!

Танбалнинг гапи навкарлар орасида турган Хонқулибекка жуда ёқиб тушгани унинг кулимсираб бош ирғаганидан билинди. Кўпчилик навкарлар ҳам Аҳмад Танбални ҳақ деб билар эди. Самарқанддан дуруст ўлжа ололмаган беклар-нинг барчаси норози бўлиб юргани маълум эди.

Шу топда Бобур ўзини икки ўт орасида қолгандай сезди. Беклару навкарларнинг кўнглига қарай деса, бу ёқда раийят очарчиликдан ўляпти. Раийятни очлик чангалидан қутқазай деса, беклару навкарлар: «Булар нега бизнинг насибамизга шерик бўлади?» – деб дод солади.

Бобур Қосимбекка умид билан кўз тикди-ю:

– Очарчиликка фақат Бойсунқур мирзо сабабчими? – деди. – Агар биз шаҳарни етти ой қамал қилмасак, бу бахт-сизлик бўлмаслиги мумкин эди-ку!

Қосимбек Бобурнинг Танбал қаршисида яккаланиб қолишини истамади-ю, мунозарани тезроқ тугатишга тиришди:

– Амирзодамнинг сўзлари қулингизга сари тож бўлсин! Эртагаёқ новвойларга ун бериб, очларга нон ёптириб тарқатишни мен ўз зиммамга олурмен!

Бобур Қосимбекка миннатдорона кўз ташлаб:

– Гап тамом, – деди. Сўнг Жавҳарийга юзланди. – Қани энди саҳҳофлар[1] растасига ўтайлик.

Жавҳарий уларни қинғир-қийшиқ бир кўчага бошлар экан, Аҳмад Танбал, қовоқ-тумшуғи осилиб, Бобурнинг кети-дан эргашди. Кенг бир саҳнга чиқдилар. Ёпиқ турган саҳҳоф-лик дўконлари кўринди. Икки дўкон оралиғидаги икки та-вақали дарвоза ичидан аввал қандайдир шовқин эшитилди, сўнг оёқяланг, бошяланг бир кампир дод солиб чиқди:

– Вой боламни ўлдирган Худонинг ўзи ўлсин! Оч қолиб шишиб ўлсин! Кампирнинг кетидан ўрта яшар озғин бир

[1] С а ҳ ҳ о ф – муқовачи. Китоб савдоси билан саҳҳофлар шуғулланган.

эркак югуриб чиқди-ю, отлиқларни кўриб, қўрққанидан бир лаҳза ағрайиб туриб қолди. Кампир ҳамон бор овози билан бақириб Худони қарғарди:

– Худонинг ўзи қамалда қолиб ўлсин! Илоё, менинг боламдай очдан ўлсин! Ўлсин!!!

Жавҳарий отини эркак киши томонга буриб:

– Мулла Қутбиддин, нима бўлди? – деб сўради.

Мулла Қутбиддин энди ҳушини йиғиб, кампирга қараб чопди. Озғингина, мадорсиз кампирни судраб ҳовлига олиб кириб кетди-да, энтикиб қайтиб чиқди. Қўл қовуштириб отлиқлар томонга келар экан:

– Афв этгайсизлар, – деди. – Оғамнинг заифаси фарзанд доғидан телба бўлиб қолди. Бечоранинг ўғилчаси очликдан кунжара еган экан, шишиб ўлди.

Оғир сукунатда Бобурнинг:

– Яна бу шўрликлардан ўлжа олмоқчи бўлурлар! – деган кинояли сўзлари эшитилди-ю, Аҳмад Танбал билан Хонқулибекка ўқдай тегди.

Мулла Қутбиддин Самарқанднинг таниқли саҳҳофларидан эди. Мавлоно ким келганини саҳҳофга секин айтди. Мулла Қутбиддин кўпдан бери очилмаган дўконини шоша-пиша очди. Бобур отдан тушиб, мавлоно билан бирга дўконга кирди. Мулла Қутбиддин бисотида бор энг нодир китобларни бир-бир олиб, чангларини артиб, Бобурга кўрсата бошлади. Қимматбаҳо зарҳал муқовалар ичида Маҳмуд Кошғарий, Абдураҳмон Жомий... Шарафиддин Али Яздийнинг Беҳзод суратлари билан безалган «Зафарномаси»... Абдураззоқ Самарқандий... Ҳа, мана. Навоийнинг «Мезон ул-авзон»и. Бу китобни Бобур кўпдан бери сўроқлаб юрган эди. У олтинга топилмайдиган ажойиб китобларнинг кўплигини кўриб, афсонавий хазинага кириб қолгандай ҳаяжонланар, нуқул:

– Яна не бор? Яна? – деб сўрарди.

Мулла Қутбиддин ҳам бири-биридан ноёб китобларни унинг олдига қалаштириб ташлади. Машҳур хаттотлар катта пуллар эвазига кўчирган, ҳар бир варағига нафис безаклар ишланган бу қўлёзма китобларнинг ҳар бири бир неча минг динор туришини Бобурнинг ёнида турган Қосимбек ҳам билар эди. У Самарқанд хазинаси шип-шийдам эканини, Андижондан олиб келинган олтинлар эса кўпга бормас-

лигини ўйлаб қараб турарди. Ниҳоят, Бобур ажратиб олган китоблар ўндан ошганда, Қосимбек секин шипшиди:

– Амирзодам, ҳозир хизоначи йўқ...

Китоблардан бошқа нарсани унутган Бобур Қосимбекнинг шамасини тушунмади.

– Хизоначини юборурмиз, – деди ва танлаган китобларини саҳҳофга кўрсатди: – Ҳаммасини ҳисоблаб қўйинг. Китобдор билан хизоначи пулини тўлаб олиб кетурлар. Мулла Қутбиддин қўл қовуштириб:

– Бош устига! – деди-ю, аммо унинг ниманидир айтолмай тараддудланаётгани Бобурга сезилди.

– Не тилагингиз бор, мулло? Айтинг, тортинманг. Китобларингиз бебаҳо!

Бобур бу китоблар учун мол-дунёсини аямайдигандай кўринди. Саҳҳоф дадилланиб:

– Мирзо ҳазратлари, – деди. – Ҳозир пулга ошлиқ топилмайди. Болаларим, «нон» деб йиғлаб, ҳар куни юрак-бағримизни езурлар. Агар иложи бўлса, озгина ун...

Бобурнинг кўз олдига бояги телба кампир келди-ю, саҳҳофнинг муҳтожлигини олдинроқ сезмагани учун ўзидан койинди. Қосимбекнинг новвойлик растасидаги эътирозлари эсига тушиб, унга ҳеч нима демади. Яна бекларнинг жинини қўзғамаслик учун саҳҳофга керакли нарсани сарой ошпазидан бериб юборишни кўнглига тугди. Саҳҳофга паст товуш билан:

– Ғам чекманг, – деди. – Тилагингиз амалга ошур. Хайр!

Бобур ташқарига чиқди. Аҳмад Танбал ҳамон отидан тушмай ўшшайиб турар эди. Шу куни шомда китобларни олиб кетишга келган китобдор ва савдарлар саҳҳофга сўраган пулини беришди-ю, унинг уйига бир қоп ун ва битта семиз қўй тушириб кетишди. Эртаси куни новвойлик растасига Қосимбекнинг навкарлари бир арава ун олиб келганликлари, қор тагида совиб ётган тандирларга ўт қаланиб, иссиқ нон ҳиди атрофга таралгани, отлиқ жарчилар подшо номидан очларга нон улашилишини эълон қилгани ҳамманинг қулоғига бориб етди. Новвойлик растасига келиб, хушбўй буғдой нонининг таъмидан кўзи чарақлаб очилаётган очлар Бобурдан нечоғлиқ мамнун бўлсалар, тамагир бек ва навкарлар: «Бизнинг оғзимиздан олиб, авбошларга берди!» – деб, ёш подшоҳдан шунчалик норози эдилар.

Самарқанддаги очлик ва танқисликдан безган бир қисм жангчилар Андижонга қайтиб кетишга интила бошладилар.

3

Тандирдан узилган нонларни қопга солиб чиқиб очларга улашаётган навкарлардан бири – Тоҳир эди. Аввал у ҳам: «Менга найза санчиб, онамнинг ўлимига сабаб бўлган ёғийларга хизмат қилгани келганми мен?!» деб аччиқланди-ю, лекин увада кийинган, бўйинлари қилтириқдай бўлиб қолган оч ўсмирларга, чолларга, аёлларга кўзи тушганидан кейин ҳовури босилди. Ичкаридан ола қопда иссиқ нон кўтариб чиқар экан: «Балки бу аёлларнинг орасида Робия ҳам бордир? – деб ўйланди. – Ёки Робияни кўрган-билганлар учраб қолар?»

Тоҳирнинг бошида тулки телпак, эгнида почапўстин, сўнгги ойларда мудом отлиқ юриб, қадам олиши хийла ўзгарган. Узангига ўрганиб кетган оёқлари ерда аввалгидай равон одимлай олмайди. Аммо қўллари чавандозча бир чаққонлик билан қопга тез тушиб чиқади. Кўзлари лўқ очлар Тоҳирнинг ўзини эмас, нон улашаётган қўлларини кўришади, холос.

Уларнинг кўпи имиллаб, кичик-кичик қадам ташлаб жуда секин ҳаракат қилишади. Йўлларида кичкина ариқ ёки дўнглик учраб қолса, ўтолмай тўхтаб қолишади. Бақувватроқлари суяб, кўмаклашиб ўтказиб қўйишади.

Тоҳир одамларнинг ҳар бирини синчиклаб кўздан кечиради. Наҳотки уларнинг орасида Робияни кўрган-билган бирорта одам бўлмаса? Ана, бир аёл тўн ёпиниб, ярим ўгирилиб турибди. Тоҳир унинг ёнидаги кампирга қараб:

– Холалар, ораларингда андижонлик ёки қувалик аёллар борми? – деб сўради. Кампир тожикча талаффуз билан:

– Ундоқлар йўқ, айланай, – деди.

Тоҳир юзлаб марта айтган сўзларини такрорлаб:

– Синглимни излаб юрибман, – деди. – Султон Аҳмад мирзонинг аскарлари Қувадан олиб қочиб кетганига тўрт йил бўлди.

– Бечора! – деб қўйди кампирнинг ёнидаги аёл.

Нарироқда нонга кўз тикиб турган бир киши сабрсизланиб йўталди. Тоҳир нон улашишда давом этар экан, ўттиз беш ёшлардаги, сийрак малла мўйловли новча бир кишининг қаршисида тўхтади.

– Сиз илгари навкар бўлганмисиз?

Юзи шишинқираган бу одам хавотирли товуш билан:

– Ҳа, – деди.

– Қачон?

– Кўп жил бўлди.

– Андижонга борганмисиз?

– Жўқ... берироғидан қайтканмиз.

Бу одамнинг талаффузи ўшанда Робияни қопга солиб олиб кетган «жўқ»чи йигитларни эслатди-ю, Тоҳирнинг вужуди қалтираб кетди. Эҳтимол, бу ўша босқинчиларнинг биридир? Тоҳир орқасига ўгирилиб, новвойхона томонда турган шеригини чақирди. Қопнинг тагида қолган нонларни унга берди-ю, малла мўйловли кишини билагидан олиб бир четга бошлади. У одам қўрқувдан бўшашиб, каловланиб, тўхтаб қолди:

– Укажон, мен бир бечора одамман! Мени қўйиб жубаринг! Нонға келиб эдим... Нонға!...

Тоҳир калаванинг учини шу одам топиб бериши мумкинлигини сезиб, мулойимроқ гапиришга тиришди.

– Нон оласиз. Сизга кўпроқ нон берамен. Менга ростини айтинг. Султон Аҳмад мирзога навкар бўлганмисиз?

– Бўғанмен.

– Андижондан беридаги Қуванинг кўпригидан ўтганмисиз?

– Қайси кўприк? Синиб кетиб, бизни хароб қилған кўприкма?

– Худди ўзи! – деди Тоҳир ғазаб аралаш қувонч билан. – Мана, ўша босқинчи!

Тоҳир унга ҳозир ханжар урса бир аламдан чиқар эди. Аммо Робия нима бўлади? Буни ўлдирса, Робияни кимдан сўроқлаб топади?

Тоҳир малла мўйловли йигитни ёқасидан олиб қаҳр билан силкитди:

– Робия қани? Айт тезроқ!

Очликдан дармони кетиб, зўрға юрган йигит Тоҳирнинг силталашидан тўкилиб, парчаланиб кетадиганга ўхшарди. У нафаси ичига тушиб:

– Қа-қайси Рокия? – деди.

Рокия эмас, Робия? У қизни Қувадан олиб қочиб қаёққа олиб бордиларинг? Ҳозир қаерда? Ростини айтмасанг, калланғни оламен! Айт!

– Ука! Укажон! Мен Робия деган қизни кўрганим жўқ. Ўлдирсанг, майли, ўлдир, лекин мендан бекорга гумонсирама, ўшанда мен қиз обқочадиган аҳволда эмас эдим. Туғушган укам кўприкдан жиғилиб, сувға оғиб ўлди. Қамишларнинг орасидан уч кун қидириб ўлигини тополмадим. Балчиқ жутиб кетган экан.

Тоҳир ўша кўприкни ўзи бузганини эслади, малла мўйловли йигитнинг кўзлари ёшланганини кўрди-ю, унинг ёқасини қўйиб юборди.

Робияни қопга солаётган «жўқ»чи йигитлардан бири иккинчисини «Жуман» деб атагани Тоҳирнинг ёдида қолган эди. У қаршисида кўзлари мўлтираб турган одамга тикилиб:

– Отинг нима? – деди.

– Отим Мамат.

– Маматми ё Жуманми?

– Ука, ишонмасангиз, мана шу маҳалланинг одамларини чақириб сўранг. Отим Маматлигини ҳамма билади. Ўзим кўнчи косибман.

Тоҳир ўзича ўйланди: «Агар укаси Қувада балчиққа ботиб ўлган бўлса, бу ҳам менинг гирибонимдан олишга ҳақи бор!» Шу ўй таъсирида Тоҳир жаҳлидан тушди. Маматга яна «сиз»лаб гапира бошлади:

– Жуманни билармидингиз?

Мамат пешонасини ушлаб, ниманидир эслашга тиришди:

– Тўхтанг-тўхтанг, Жуман маймоқ деганимиз бўлар эди. Шериклари билан ўша ёқдан иккита қиз обқочиб келган, деб эшитиб эдим.

– Самарқандга олиб келганми?

– Қизларними? Бунисини билмадим. Ўратепанинг нарёғида Оқсув деган сой бор. Оқсувга жетганимизда подшомиз ўлиб қолди. Ўшанда бир алғов-далғов бошланди, мана, ҳалигача босилмайди. Навкарлик ҳам жонимга тегди, бўшаб кетдим.

– Жуман маймоқ ҳозир қаерда?

– Билмадим-ов. Уч-тўрт жилдан бери кўрган эмасмен. Баттарин жигит эди, ўлиб кетдима ё бошқа подшонинг хизматига ўтиб кетдима. Подшо ҳам кўп-ку. Тошкентда Маҳмудхон дегани, Туркистонда Шайбонийхон дегани, Ҳисорда яна бирови.

– Бу подшоларнинг уруш-жанжаллари бошларидан қолсин! – деди Тоҳир куюниб. – Сиз бир косиб бўлсангиз. Мен

бир деҳқон эдим. Келиб-келиб биздай заҳматкашларни бир-биримизга душман қилиб қўйган замонанинг уйи куйсин!

Мамат Тоҳирнинг ханжар изи қолган юзига энди ботиниброқ қаради:

– У қиз кимингиз бўлар эди, ука? Синглингизмиди?

– Кўзимнинг оқу қораси эди!

Мамат гап нимадалигини фаҳмлаб, Тоҳирга хиёл ҳайратланиб тикилди. Сўнг унинг армон тўла кўзларини кўриб, бу йигитга ўзини алланечук яқин сезди ва унга тасалли бергиси келди:

– Худо хоҳласа, товилади! Менинг таниш-билишларим кўп, ука. Сўроқлайман. Хотинимга айтаман. Аёллардан суриштиради.

Маматнинг астойдил ёрдам бермоқчи эканини сезган Тоҳир уни енгидан олди-ю:

– Бу ёққа юринг, – деди. Маматни новвойхонанинг йўлагига олиб кирди-да, ичкаридан тўртта нон олиб чиқди.

– Олинг! Сиз бу ерга нонга келган эдингиз.

Мамат нонларни титроқ қўллари билан олиб, қўйнига тиқди. Иссиқ буғдой ноннинг ҳиди ва тафтидан оғир-оғир нафас олиб, устма-уст ютинди. У ҳар қанча оч бўлса ҳам Тоҳирнинг олдида дарҳол нон кавшашдан ўзини тутди. Фақат ноннинг ҳидидан маст бўлгандай эзмаланиб гапира бошлади:

– Нондай азиз бўлинг, ука. Биз кўрган кунларни ҳеч кўрманг. Қўлдан берганга қуш тўймас. Жотиб жесанг бу нон икки кунга ҳам жетмайди. Лекин мен шунинг кучи билан қишлоғимга жетиб оламан. Ана у товнинг орқасида оға-иниларим бор. Биз ўзбекнинг қўянқулоқ уруғиданмиз. Қишлоғимга жетиб борсам, бир-икки қоп ғалла товиб келаман. Лекин бўш қоп тик турмас экан, ука. Битта чўбир отим бор эди, кузда сўйиб жеб қўйдик. Пиёда кетай десам, оч одам товда жиғилиб совуқда қотиб ўламан, деб қўрқдим. Мана энди қўрқмасам бўлади...

– Мен сизни қаердан топамен? – деди Тоҳир унга аввалги ваъдасини эслатиб.

– Кўнчилик гузарида уйим бор. Мамат полвон десангиз, ҳамма билади. Бир вақтлар полвон эдик, ука. Мана энди гавдамизни зўрға кўтариб журибмиз.

– Эсингизда бўлсин, қизнинг оти Робия.

Мамат полвон бу номни бир-икки такрорлаб хотирасига жойлагач:

– Агар хабари чиқса, сизни қаердан товаман? – деди.

– Қосимбекнинг навкаримен. Отим Тоҳир.

– Хўп, Тоҳирбек, мен сизни қидириб товамен. Бизнинг одамлар сизга жаманлиқ қилган бўлса, сиз менга жахшилиқ қилдингиз. Бу жахшилиғизни албатта қайтараман. Хайр!

Тоҳир унинг орқасидан қараб қолди. «Қувада укасининг балчиққа ботиб ўлганига мен сабабчи бўлганимни билса нима қиларкин?» деб ўйланди.

Мамат эса нарироққа бориб шоша-пиша қўйнига қўл тиқди-ю, иссиқ нондан бир бурда узиб олиб, тез оғзига солди.

4

Андижонлик бек ва навкарлар «Самарқандни олсак ҳамма мушкулларимиз осон бўлади», деб ўйлаган эдилар. Бироқ энг катта ишкалликлар Самарқанд олингандан кейин бошланди. Уч минг кишилик қўшиннинг беш-олти минг от-улови бор. Қаҳратон қишда қамалдан абгор бўлиб чиққан шаҳарда на очларни тўйдириб бўлади, на қўшинга озиқ-овқат етказиб бўлади, на отларни ем-хашак билан таъминлаб бўлади. Шаҳар дарвозалари очилган, бу ёғи Ўратепагача, бу ёғи Қаршигача барча томонларга туя карвонлари жўнатилган, бозор ва расталарни тирилтириш учун турли чоралар кўрилаётган бўлса ҳам пойтахтда ҳаёт ҳали-вери изга тушадиганга ўхшамас эди. Самарқанд сўнгги йилларда кўп марта қўлдан-қўлга ўтиб, даҳшатли талон-торожлардан қашшоқланиб қолган эди.

– Бу мушкулотлар кўз очиб-юмгунча ўтиб кетгай, – деб, машваратларда Бобурнинг устози Хўжа Абдулла андижонлик бекларни сабр-қаноатга чақирар эди: – Баҳор яқин, пишиқчиликка етсак, оғир кунларни кўрмагандек бўлиб кетурмиз. Танқисликлар ўтур, аммо бу ёғи Қарши-ю Шаҳрисабзгача, у ёғи Ўшу Ўзгангача – шундай улуғ мамлакат қолур. Тангрим бизга шундай катта кишварни иноят қилгани учун, биз Самарқанддай оламшумул доруссалтанага муяссар бўлганимиз учун шукроналар айтмоғимиз керак. Бобур мирзонинг орзулари шулким, Мовароуннаҳр яна Улуғбек давридаги каби бирлашса, пойтахт аслига қайтса, ҳамма вилоятлар ҳамжиҳату обод бўлса. Амирзодамнинг бу орзулари сиз-у бизнинг муқаддас мақсадимиздир. Илоҳи омин, Парвардигори олам бизни бу мақсадимизга ҳам етказсин!

Бу гаплар Хонқулибек ва Аҳмад Танбалга ўхшаган бекларнинг ғашига тегса ҳам, улар машваратга тўпланган бошқа беклар қатори:

– Илоҳим омин! – дейишиб, юзларига фотиҳа тортадилар.

Четдан қараган одам буни якдиллик белгиси деб ўйлайди. Аммо беклар машваратдан янги бир вазифани зиммаларига олиб, уй-уйларига тарқалганларидан кейин хилватда иккита-учтадан бўлиб олиб, ғийбатга тушиб кетишади:

– Хулласи калом. Бобур мирзоингиз Улуғбекдек улуғ одам бўлмоқчи эканлар-да, Аҳмадбек? – сўрайди Хонқулибек истеҳзо қилиб.

Улар бахмал кўрпа ёпилган иссиқ сандалнинг икки четида ўтириб кечки таомни бирга емоқда эдилар. Аҳмад Танбал қазидан бир парра олиб, киноя билан кулди:

– Ҳа, Бобур мирзоингиз улуғ одам бўлишлари учун яна биргина нарса етмай турганмиш...

– Хўш?

– Бугун машваратда айтдилар-ку! Самарқанд деҳқонлари очарчиликда уруғлик донларини еб қўйган эмишлар. Биз Қаршига карвон юбориб олиб келган донларимизни деҳқонларга қарз берур эмишмиз.

– Дард устига чипқон!

– Илож қанча, Хонқулибек! Ёш подшоҳимиз улуғ бўлишлари учун ҳаммасига чидайсиз. Яна бу кишим Самарқандга куёвлар, қаллиқлари бор. Домод раийятга ўзларини яхши кўрсатмоқлари зарур. Бу ҳам етмагандай, ёш подшоҳимиз ҳар ҳафтада шоирларни тўплаб мушоира ўтказмоқдалар.

– Шоир ҳам бўлмоқчилар шекилли-да!

– Ҳа, бизнинг насибамизга қаёқдаги шоирларни ҳам шерик қилганлари ана шу сабабдан! Хазинадаги олтинларни совуриб, қатор-қатор қимматбаҳо китоблар олишлари ҳам ана шундан!

Хонқулибек соқолини ғижимлаб:

– Этак силкиб Андижонга кетай десам, рухсат бермайдир, – деди. – Тангри ҳаққи, Бобурингиздан тўйдим, Аҳмадбек!

Аҳмад Танбал заҳарханда қилиб кулди-да, ўрнидан туриб эшикни зичлаб ёпди. Жойига келиб ўтиргач:

– Хонқулибек, – деб товушини пасайтириб гапира бошлади, – беклар бўлмаса, подшоҳларнинг илкидан ҳеч иш келмайдир. Навкарнинг кўпчилиги бизники. Жангни биз

қилдик. Азобни биз тортдик. Энди бундай муте бўлиб, ёш йигитчадан рухсат сўраб ўтирмоғимиз не керак?

– Гапингиз рост! – шивирлади Хонқулибек. – Подшо бўлса ўзига! Рухсат бермаса-бермасин, мен барибир кетурмен!

– Мен ҳам бу ерда хор бўлиб юрмоқчи эмасмен. Омон бўлсам, подшоҳ топилур. Ахсида Жаҳонгир мирзо бор. Бухорода Султон Али мирзо бор. Буларнинг уруғи кўп. Ҳаммасига сизу биздек беклар керак. Сизга менинг маслаҳатим – Андижонда кўп турманг. Иликка тушиб қолурсиз.

– Ахсига борайми?

– Ҳа, Ахсида Узун Ҳасанга учранг. Сизни Жаҳонгир мирзонинг хизматига олур.

– Олурмикин? Балки Жаҳонгир мирзо Бобурга қарши боролмас?

– Сиз-у биздай беклари кўпайса борур! Жаҳонгир мирзо Андижон тахтига ишқибоз...

... Икки бек шу куни гапни бир жойга қўйдилар-у эртаси куни кечаси Аҳмад Танбалнинг ишончли одамлари Феруза дарвозасида соқчилик қилаётган пайтда Хонқулибек элликтача навкари билан секин шу дарвозадан чиқиб қочди. Орадан бир ҳафта ўтгач, Аҳмад Танбалнинг ўзи Зоминга карвонни кузатиб бориш баҳонаси билан навкарларини эргаштириб кетди-да, Самарқандга қайтмай, тўғри Ахсига йўл олди. Шундан кейин шаҳардан ташқарига зарур иш билан юборилган бек ва навкарларнинг қайтиб келмаслик ҳоллари тобора кўпая бошлади. Кечалари қалъа деворларидан ошиб тушиб қочаётганлар бунинг устига қўшилди. Қишнинг охирига бориб, Самарқандга Бобур билан келган бек ва навкарларнинг ярми ҳам қолмади. Одами жуда сийраклашиб қолган Бобур кетганларни қайтариб келиш учун энг содиқ беклардан бирини Андижонга юборди. Бироқ орадан йигирма кун ўтгач, бу бекни Аҳмад Танбал ва унинг тарафдорлари Андижон билан Ахси оралиғида тутиб олиб ўлдирганлиги ҳақида хабар келди. Фарғона водийсида ёмон бир фитна бошланганига энди шубҳа йўқ эди.

Фитначи бекларнинг бир қанчаси Хўжа Абдуллага қўл бериб, унга мурид бўлганликлари маълум эди. Бобур Қосимбек билан маслаҳатлашиб, охири Хўжа Абдуллани Андижонга юборди. Бобур тахтга ўтирган кезларда Хўжа Абдулланинг гапига кирган Узун Ҳасан ва бошқа фитначи

беклар бу гал унинг насиҳатлари-ю ваъдаларига мутлақо қулоқ солмадилар. Ниҳоят, фитначилар Андижонга ҳужум қилдилар. Хўжа Абдулла бошлиқ содиқ беклар шаҳар дарвозаларини беркитиб, қамалда қолдилар.

Бу мудҳиш хабар Самарқандга етиб келганда Бобур қаттиқ бетоб бўлиб, Бўстонсаройнинг иккинчи қаватидаги хобгоҳда иситмалаб ётган эди. Андижондан келган чопар ўрам қилиб сўрғичланган мактубни ясовулга кўрсатди-ю, аммо бермади:

– Ҳазрати хоним «амирзоданинг ўз иликларига беринг», деб буюрганлар!

Бобур ҳар куни неча қайта: «Андижондан чопар борми?» – деб сўрар эди. Ясовул чопарни дарҳол юқорига бошлади.

Хобгоҳ эшиги олдида уларни Бобурнинг шахсий табиби бўлган кичик жуссали мўйсафид тўхтатди:

– Бу китобатни аввал Қосимбек ўқимоқлари керак. Агар хушхабар бўлса, кейин амирзодамга берурсиз.

– Оналари буюрганлар, устодлари Хўжа Абдулла ҳам тайинлаганлар, амирзодамнинг ўзлари ўқимоқлари керак.

– Ёмон хабар Мирзо ҳазратларини хароб қилиши мумкин! – деди табиб куюниб. – Асли ўзлари тумовлаб тузалиш арафасида эдилар. Ташвиш устига изтироб, изтироб устига кулфат, ҳаммаси қўшилди-ю, муолажани охирига етказмай туриб кетдилар. Мана бугун узликиб аҳволлари оғирлашиб ётибдилар!

– Андижон хафв остида. Агар тезроқ билдирмасак, кейин кеч бўлур, биздан норози бўлурлар!

– Йўқ, мен ҳозир ижозат бермайдирмен!

– Жаноби табиб...

– Йўқ-йўқ!

Бу баҳс ичкарида ётган Бобурнинг қулоғига чалинди. У баланд товуш билан:

– Чопар бўлса кирсин! – деб буюргандан кейин, табиб чопарга йўл берди. Бобур катта танобий хонанинг тўрида ердан бир газча баланд қилиб солинган парқу тўшакда ётган эди. Чопар тўшакдан анча берида юкунди-да, тиззасида сирғалиб бориб, мактубни Бобурга икки қўллаб узатди.

Иситманинг зўридан бўғриқиб ётган Бобур ёнбошга туриб, мактубни титроқ қўллари билан очди. Ичма-ич иккита хат. Бирида Хўжа Абдулланинг имзоси. Бирини Қутлуғ Нигор хоним ёзган. Улар иккови ҳам Андижоннинг даҳшатли аҳво-

ли, қамал тафсилотлари ҳақида ёзишган. Бобурдан бошқа нажоткорлари йўқлигини айтишиб, тезроқ етиб келишини илтижо қилишган эди.

Андижон қуршовда! Фитначи беклар Андижон тахтига Жаҳонгир мирзони ўтказмоқчилар. Аҳмад Танбални лашкарбоши қилишиб, Бобурдан ота юртини тортиб олмоқчилар! Бобур уларни бунчаликка боради, деб ҳеч ўйламаган эди. Тўсатдан унинг устидан бир челак совуқ сув қуйилгандай бўлди-ю, аъзойи бадани музлаб, бўшашиб, боши ёстиққа «шилқ» этиб тушди. Тамом!

Танбал билан Жаҳонгир ғалаба қилса, уларнинг томонига қочиб ўтувчилар яна кўпаяди. Бобур ким билан қолади? Балки ҳозир ҳам Танбал томонга қочиб ўтаётганлар бордир? Балки Қосимбекнинг ўзи ҳам... Кутилмаганда хаёлига келган бу ўйдан Бобур шундай даҳшатга тушдики, бутун кучини тўплаб, ўрнидан сапчиб турди:

– Қосимбек қани??!

– Ҳозир келурлар, одам юбордик, – деди табиб мулойим товуш билан. – Амирзодам, ётинг, сизга ором керак!

Бобурнинг хаста хаёлида бирдан қилич тутган Танбал гавдаланди. Бобур бу қилични таниди. Ўшда Танбал шу қилични ўпиб, «то ўлгунимча содиқ қулингизман», деган эди. Танбал ўша қилични ҳозир гўё Бобурнинг боши устида ўйната бошлади... Танбалнинг оёғи остида тоғдан хуржунга солиб келинган каллалар юмалаб ётибди. Уларнинг бири танишга ўхшади. Қутлуғ Нигор хонимнинг боши... Бобур алаҳсираб кўз олдига келтирган бу қўрқинчли хаёл уни гўё тўшакдан отиб юборди. У гилам устида ички кийимда оёқяланг турганича:

– Шамширни беринг! – деб қичқирди. – Менга шамширни беринг!

Табиб уни маҳкам қучоқлаб олди:

– Амирзодам, хастасиз, ётмоғингиз керак... Амирзодам!

Табиб Бобурни гўё Танбалнинг қиличига тутиб бермоқда эди. Бобур унинг қучоғидан юлқиниб чиқиб эшикка интилди:

– От келтиринг! Мен Андижонга борамен! Шамшир қани? Бекларга хабар беринг! Тезроқ тайёрлансинлар!

Табиб унинг кетидан югурди. Дасторпеч Бобурнинг кимхоб тўнини олиб бориб елкасига ёпди, оёғига кавушини берди. Бобур кавушнинг бир пойини кийди-ю, иккинчисини кийишга тоқати етмади. Унинг боши гир-гир айланар, ҳаво

етишмай, нафаси қисилар эди. Кўз олдида ҳамон ўша қонли қилич ва кесик каллалар.

– Хоин! – деди у Танбалга қарата. – Қонхўр!

Бобур айвон эшигига қараб чопди. Лекин эшик олдида гандираклаб йиқилди. Табиб билан дасторпеч уни беҳуш аҳволда тўшакка кўтариб келиб ётқизишди. Сўнг у ярим кечага бориб сал ҳушига келди. Кўзини очиб, оғзига пахтадан сув томизаётган табибни кўрди. Назарида, тили шишиб, шундай катта бўлиб кетган эдики, бутун танасини тоғдай босиб ётарди. Бобур кўзини очганини сезиб, Қосимбек унинг тепасига келди:

– Хайрият-е!.. Амирзодам, бизни мунча қўрқитдингиз?

Бобур кўзлари мўлтираб нимадир демоқчи бўлди, аммо беҳад оғирлашиб кетган тилини қимирлатолмади.

– Энди яхшимисиз, амирзодам?

Бобур жим. Қарайди-ю, гапиролмайди. Унинг тилдан қолганини сезган Қосимбек кўзидан тирқираб чиққан ёшни кўрсатмаслик учун юзини четга бурди.

АНДИЖОН. ХЎЖАНД

УВОЛ БЎЛГАН ОРЗУЛАР

1

Тун қоронғиси устига осмонни қуюқ булут қоплади-ю, қалъа ичини зулмат босиб кетди. Андижон кўчалари таҳликали бир сукутга чўмган. Жимжит кечада арк дарвозасининг ғийқиллаб очилгани узоқларга эшитилди. Дарвозахонадан тушган хира ёруғда аркдан чиқиб келаётган бир тўп қуролли отлиқлар кўринди. Олдинда эркакча тўн ва бўрк кийган, белига камар боғлаб, ханжар осган Хонзода бегим. Унинг навкарлари орасида келаётган мавлоно Фазлиддин ҳам тўнининг устидан ҳарбийча камар боғлаб, белига қилич тақиб олган.

Самарқанддан қайтган чопар Бобурнинг ҳаёт билан ўлим орасида беҳуш бўлиб ётганини айтиб бергандан кейин қалъа ҳимоячиларининг бир қисми фитначилар томонга қочиб ўтиб кетди. Қўрғон деворларининг ҳар бир газини қўриқлаб

туришга одам етишмай қолди. Қоронғи тунда душманнинг деворга нарвон қўйиб, ошиб тушиш хафви кучайди. Ўн олти ёшида шўхлик билан йигитча кийиниб, чавгон ўйнаб юрган Хонзода бегим энди чинакамига қуролланиб, ҳаёт-мамотлари қил устида турган қалъа ҳимоячиларига кўмакка боряпти.

Қуюқ қоронғиликда отларнинг тақалари кўча тошларига урилиб учқун чиқаради. Ҳаводан ёмғир ҳиди келади, майин шабада эсади. Мавлоно Фазлиддин баҳор кирганини, қалъа ичидаги боғчаларда ўрик ва бодом гуллаганини эслади ва атрофига синчиклаб қаради, аммо бирон та оқарган нарса кўзига чалинмади. Тун бутун борлиққа қоп-қора парда тортиб қўйган эди.

Мавлоно Фазлиддин мана шу шаҳарда қурмоқчи бўлган мадраса ва сарой тарҳини Хонзода бегимга кўрсатиб, унинг мақтовини эшитган ёруғ кунларини эслади-ю, юрагини армон ғижимлаб ўтди. Бобур Самарқандни олгани ҳақида хабар келгандан кейин мавлоно Фазлиддин орзуси энди амалга ошишига астойдил ишонган эди. Хонзода бегим ҳам уни бир неча марта ўз ҳузурига чақириб, бўлажак қурилишларга қаердан ўрин танлаш ва тайёргарлик ишларини қандай бошлаш ҳақида узоқ-узоқ гаплашган эди. Аркдан чиққан отлиқлар қоронғида тусмол билан қалъанинг Мирзо дарвозаси томонга борар эканлар, мавлоно Фазлиддин олдинда хомуш кетаётган Хонзода бегимнинг ўша суҳбатлар пайтидаги маъсум ва шод қиёфасини эслай бошлади.

Одатда Хонзода бегим уни канизлари билан истиқомат қиладиган олти хонали сиркор уйининг ташқи бўлмасида қабул қилар эди. Бегим эркаклар билан гаплашганда махсус ишланган ипак парданинг ортида ўтиради. Лойиҳанинг баъзи жойларини сўз билан изоҳлаш мушкул бўлиб қолса, Хонзода бегим орадаги пардани очиб:

– Қани, гумбаз билан миноралар орасида нелар бўлур? – деб сўрайди.

Улар иккови икки томондан қоғоз устига энгашганларида гоҳ нафаслари бир-бирлариникига қўшилиб кетгандай бўлади. Мавлоно Фазлиддин Ўшда, қоятош устида биринчи марта бошдан кечирган ажойиб туйғу яна борлиғини маст қилади. У ишдан бошқа нарса ҳақида гап очишга қўрқади, атрофларида юрадиган канизларга ҳаяжонини сездирмасликка тиришади. Қутлуғ Нигор хоним дуч келиб қолса, эгилиб таъзим

қилиш билан кўзини ундан яширади. Бироқ сўнгги марта учрашганларида Хонзода бегимнинг ўзи тўсатдан:

– Мавлоно, нечун шу ёшгача уйланмагансиз? – деб сўраб қолди.

Қиз аслзодаларга хос бир назокат билан ўзини еркин тутиб кулимсираётган бўлса ҳам, кўзининг ҳаёдан ялтиллаб кетганини мавлоно Фазлиддин пайқади. Мавлоно сири очилиб қолишидан қўрқиб, ҳазил билан қутулмоқчи бўлди:

– Бегим, фақир дунёдан тоқ ўтмоқчимен.

– Менга ўхшабми?

– Йўқ, бегимнинг тоқ ўтишларига ақлим бовар қилмайдир.

– Не сабабдан?

– Ахир сиз... бу дунёда... не-не шаҳзодалар, аслзодалар бор.

– Бўлса бордир. Аммо мавлоно ўзлари билган шаҳзода-ю аслзодаларнинг қайси бирига... мени муносиб кўрурлар?

– Агар бўлса, фақат Фарҳодни сизга муносиб кўрур эдим.

– Нечун фақат Фарҳодни?

Мавлоно жавоб тополмай тараддудланган эди, Хонзода бегим яна савол берди:

– Фарҳод ҳам сиздек меъмору бинокор бўлгани учундир?

– Бундай дейишга фақирнинг ҳадди сиғмайдир.

Мавлоно маъюс бўлиб айтган бу сўзлар Хонзода бегимни ҳам маъюслантириб қўйди. У оғир тин олди-да:

– Худойим мени нега шоҳ қизи қилиб яратди экан? – деди. – Мен ҳам фақир бир қиз бўлсам, бахтимни топишим балки осонроқ бўлур эди...

Мавлоно Фазлиддин бегимнинг бу сўзларини ҳар эслаганда кўнгли бир даража кўтарилади. Демак, Хонзода бегим унинг муҳаббат дардини билади. Биладигина эмас, балки ўз қалбида унга ҳамдардлик ҳам сезади. Шоҳ қизи билан оддий меъмор орасидаги тоғдай фарқлар бегимни ҳам эзади. Агар Хонзода бегим унга астойдил кўнгил берса, мавлоно бу тўсиқларни енгиб ўтиши мумкин эмасмикан? Ўшда қурган кичик бир ҳужраси учун Бобур мирзо уни шунчалик эъзозлаган эди. Энди агар бу водийда катта обидалар қурса, мавлононинг обрўси баъзи аслзодаларникидан кам бўлмаслиги мумкин. Бобур танти йигит, опасини яхши кўради. Балки уларга марҳамат кўрсатар. Бундан қатъи назар, мавлононинг меҳрига Хонзода бегимнинг қарши эмаслиги, у билан учрашиб туришга майли

борлиги – мана шунинг ўзи ҳам мавлононинг қалбини ҳароратли, ёруғ туйғуларга тўлдириб юрар эди.

Бироқ Андижон қамалда қолгандан кейин мавлононинг орзу-умидларини мана шу тун каби қоронғи зулмат ўз қаърига тортиб кетди. Барча лойиҳалари кераксиз қоғозга айланди. Мавлоно Фазлиддин урушни ҳам, навкарликни ҳам бутун вужуди билан ёмон кўрар эди. Бироқ бугун аркка бориб Самарқанддан келган ёмон хабарни эшитди ва Хонзода бегимнинг куролланиб чиқаётганини кўрди-ю, лоқайд қараб туролмади. Бу мушкул вазиятда титраб-қалтираб, тақдир зарбасини кутиб ўтиргандан кўра, қурол билан ҳимояга чиқиш яхшироқ эканини сезиб, умрида биринчи марта белига қилич тақди. Мана, ҳозир ваҳимали қоронғиликда сув қуйгандай жимиб ётган шаҳарни оралаб борар экан, бир неча қадам олдинда Хонзода бегим ҳам кетаётгани, мавлоно уни шу навкарлар қатори ҳимоя қилиши мумкинлиги кўнглига бир қадар таскин берарди. Улар Мирзо дарвозасига яқинлашганларида қалъа ташқарисида бирдан карнай ва нақора чалингани, юзлаб навкарларнинг қичқириқлари эшитилди. Хонзода бегим орқага ўгирилиб:

– Ёғий дарвозани очмоқчи! – деди-ю, отининг бошини қўйди. Бошқалар унинг кетидан от чоптиришди.

Ёвнинг бир қисм кучлари Мирзо дарвозаси қаршисида ғавғо кўтариб, қалъага ёниб турган ўқлар отаётган пайтда бошқа бир гуруҳ навкарлар қалъанинг пана томонига нарвон қўйиб, секин чиқиб келмоқда эдилар. Девор шинакларидан бирида ўтирган қоровул йигит буни сезиб қолди-ю, дарвозахона тепасида машъала ёруғида одамларга иш буюриб турган Хўжа Абдуллага қичқирди:

– Пирим, ёғийлар бу ёқда нарвон қўйиб чиқмоқдалар! Нарвон!!

Хонзода бегим навкарлари билан ўша қоровул турган жойга бориб отдан тушди. Навкарлардан бири машъала ёқди. Унинг ёруғида деворга чиқиладиган зинапоя кўринди. Мавлоно Фазлиддин девор тепасидаги хатарга Хонзода бегим ҳаммадан аввал рўбарў бўлишидан қўрқди-ю, зинапояга биринчи бўлиб қадам қўйди. Шинакка етганларида бегимнинг қўлидаги машъаласини олди:

– Эҳтиёт бўлинг, бегим, ёғийга кўринманг!

Деворга ташқаридан қўйилган кенг нарвонларнинг учлари хиёл чиқиб турар эди. Ёрдамчилар етиб келганидан да-

дилланган бояги қоровул йигит нарвонлардан бирини икки қўллаб итариб, ағдариб ташлаётган пайтда пастдан зарб билан отилган ёй ўқи унинг кўкрагига қадалди. Бечора йигитни ушлаб қолишга улгуролмадилар – нарвон билан бирга қалъадан ташқарига учиб кетди.

Шинак атрофига киррали тошлар тайёрлаб қўйилган эди. Хонзода бегим шу тошлардан бирини икки қўллаб олди-ю, пастга отди. Бошқа навкарлар ҳам нарвон қўйилган жойнинг пастини мўлжаллаб тош ота бошлади. Пастда эшитилган дод-войлар ва инграшларга қараганда, бу тошлар мўлжалга тегмоқда эди.

Шу пайт қалъанинг нариги четида – Хакан дарвозаси томонда қўшкарнайларнинг ғат-ғати, табл ва нақора товушлари, аллакимларнинг ғолибона қичқириқлари эшитилди. Мавлоно Фазлиддин шовқин келаётган томонга қулоқ солиб туриб қўрқиб кетди. Бу галги ғавғо шаҳар ичида кўтарилмоқда эди.

– Бегим, қулоқ солинг! Ёғий қалъага кирганми?

Шаҳар ичидан бу томонга ёпирилиб келаётган шовқиндан Хонзода бегим ҳам сесканиб кетди. Пастдан Нўён Кўкалдош жон-жаҳди билан қичқирди:

– Бегим, хиёнатчилар Хакан дарвозасини ёғийга очиб бермишлар. Тезроқ аркка қайтинг! Аркка!

Нўён от чоптирганча Мирзо дарвозаси томонга ўтиб кетди. Хонзода бегим зинапоядан пастга чопиб тушар экан, мавлоно Фазлиддин қўлидаги машъала билан унинг изидан югурди. Отга минганларидан кейин Хонзода бегим:

– Машъалани ташланг! – деб буюрди.

Машъала мавлонони ёв ўқига нишон қилиб бериши мумкин эди. Мавлоно Фазлиддин ёниб турган машъалани ерга ташлади-ю, бегим билан бирга аркка қараб от чоптириб кетди. Аммо улар аркка яқинлашганларида бир неча юз отлиқлар олдиларидан қирқиб чиқдилар ва дарвоза йўлини тўсиб қўйдилар. Қуролли отлиқлар орасида машъала кўтарган навкарлар ҳам бор эди. Машъала ёруғида белига олтин камар боғлаган, дубулға ва жиба кийган Аҳмад Танбал кўринди-ю, мавлоно Фазлиддиннинг борлиғи музлаб кетгандай бўлди. Танбалнинг қўшини Хонзода бегимни ва унинг навкарларини дарҳол қуршовга олди. Аҳмад Танбал ёнидаги навкарга шўх товуш билан гапирди:

– Машъалани яқинроқ тут! Ие, Хонзода бегиммилар? Кўзларимга ишонмаймен! Бегим, бу не ҳол? Нечун мардона кийим кийибсиз?

– Номардлар кўпайиб кетгани учун мардона кийиндим!

Танбал бу истеҳзони ўзига олгиси келмай кулди:

– Қўрғонда мардлар қолмаган бўлса, мана, биз келдик, бегим!

Танбалнинг кетида турган Узун Ҳасан бу гапни ёқтириб хахолади. Машъала ёруғи беклар орасида аянчли кулимсираб турган кўсанамо Али Дўстбекка тушди. Бобур Андижонни мана шу одамга ишониб топшириб кетган эди. Али Дўстбек эса Бобурни ўлим тўшагида ётипти, деб эшитиб ундан умидини узган эди. Боя Танбалнинг қўшини Мирзо дарвозасининг олдида жўрттага ғавғо кўтарган, деворга нарвон қўйиб чиқмоқчи бўлганлар ҳам ҳимоячиларни атайлаб чалғитган эди. Аҳмад Танбал билан тил бириктирган Али Дўстбек бугун мана шу тўполон пайтида қалъанинг нариги четидаги Хакан дарвозасини ёвга секингина очиб берган эди. Хонзода бегим буни энди фаҳмлади-ю, Дўстбек билан Аҳмад Танбалга нафрати ошиб, жирканиб кўз ташлади:

– Сизларми мардлар?! Сизлар учун мардлик билан хоинликнинг фарқи қолдими?! Кечагина Бобур мирзога содиқмиз, деб қасамёд этганлар бугун унга шунчалар ёмонлик қилмоқдасиз! Мен аминмен: эртага сиз Жаҳонгир мирзога ҳам хиёнат қилурсиз!

Аҳмад Танбал қиличининг сопини чангаллаб:

– Ҳаддингиздан ошманг, бегим! – деди. – Бобур мирзо адолатсизлик қилди. Самарқанд олингандан кейин Андижон Жаҳонгир мирзога берилмоғи керак эди. Бобур мирзо бермади! Биз адолат учун жанг қилиб, мана бугун ғалабага еришдик! Аммо сиз шарму ҳаёни унутиб, нечун бизни бунчалик ҳақорат қилмоқдасиз? Шоҳ қизига ярашмайдиган бу қилиқни сизга ким ўргатди? Ёнингиздаги муллоча ўргатдими?!

Аҳмад Танбалнинг ғазабли кўзлари мавлоно Фазлиддинга қадалди. Мавлоно Фазлиддин ҳам унинг кўзларига кўзини қадаб гапирди:

– Бегим шарму ҳаёдан сизу бизга сабоқ беришга қодирлар! Бегимнинг ҳақ сўзларини фақат қаллоблар ҳақорат деб тушунурлар!

– Ким қаллоб? – деб Аҳмад Танбал қиличини суғуриб, мавлонога қараб от чоптирди. Шунда Хонзода бегим отини ниқтаб унинг йўлини тўсиб чиқди:

– Илму ҳунар аҳлига тиғ тортиш уят!

Икковининг отлари бир-бирига урилиб, айқашиб кетди. Аҳмад Танбал қиличини ҳавода ўйнатар экан:

– Бегим, бу муллочани маъшуқалардек ҳимоя қилишлари уят эмасми? – деди. – Биз махфийлардан эшитган эдик, аммо лойиҳа чизиш баҳонаси билан бу муллоча бегимни нечоғлик ром қилганини билмас эканмиз!

Кўпчилик олдида Аҳмад Танбал Хонзода бегимнинг номига доғ туширмоқчи бўлгани Хонзода бегимни шунчалик ғазаблантирдики, у белидан ханжарини суғурди:

– Мени бадном қилолмайсен, аламзада хоин! – деб, бор кучи билан Танбалнинг кўкрагига тиғ урди. Ханжар Аҳмад Танбалнинг тўни тагидан кийган зирҳли жибасига тегди-да, жаранглаб, сирғаниб кетди. Аҳмад Танбал қиличини Хонзода бегимнинг тепасида сермади. Қилич зарбидан Хонзода бегимнинг бошидаги бўрки учиб кетди-ю, узун сочлари ёйилиб елкасига тушди.

Шу пайт орқадан ўн тўрт ёшли Жаҳонгир мирзо бир тўп мулозимлари билан келиб қолди. Буни кўрган Дўстбек Аҳмад Танбални огоҳлантирди:

– Аҳмадбек жаноблари, бас, бўлди!

Хонзода бегим ўгай бўлса ҳам ҳар қалай, Жаҳонгир мирзонинг опаси эди, шоҳ қизини кўпчиликнинг олдида сазойи қилишга йўл қўймас эди. Аҳмад Танбал Жаҳонгир мирзо томонга отини бурди ва ўзини оқламоқчи бўлиб гапирди:

– Бу қандай ҳол, амирзодам? Наҳотки эгачингиз сизга қарши қурол кўтариб чиқса? Ёнларидаги фитначи меъмор эгачингизни йўлдан урмиш, амирзодам!

– Мавлоно Фазлиддин сиздек хиёнатчи бекдан минг ҳисса софдил, минг ҳисса олижаноб! – деди Хонзода бегим. – Мавлононинг меъморлик санъати Андижоннинг ифтихори бўлиши мумкин эди. Аммо сиздек қонхўрлар унинг орзуларини увол қилдингиз! Илоҳим шу орзуларнинг уволи тутсин сизни!

Хонзода бегим сўнгги сўзларини йиғлаб айтди-ю, отини қамчилаб, арк дарвозасига қараб интилди. Бироқ дарвозани девордек тўсиб турган навкарлар унга йўл бермадилар.

Бегим ёшли кўзлар билан орқага – мавлоно Фазлиддинга ўгирилиб қаради.

Мавлоно Фазлиддин белини пайпаслаб, қиличининг сопини топди-да, уни қинидан уқувсизлик билан суғуриб олиб, Хонзода бегимнинг йўлини тўсган навкарларга қараб интилди. Аммо Аҳмад Танбалнинг отлиқ навкарлари мавлоно Фазлиддиннинг йўлини тўсиб чиқдилар. Иккитаси мавлоно минган отни жиловидан ушлаб тўхтатди. Бири оғир чўқмор билан мавлононинг билагига уриб, қиличини қўлидан тушириб юборди.

Бу орада Жаҳонгир мирзонинг ишораси билан нариги навкарлар Хонзода бегимга йўл берган эдилар. Бегим ёлғиз ўзи арк дарвозасидан от қўйиб ўтар экан, яна орқага ўгирилиб қаради. Навкарлар яна девордек бўлиб, дарвоза йўлини тўсиб олган эдилар. Мавлоно Фазлиддин ёв қўлида қолганини сезган бегим ўкириб йиғлади. Унинг йиғисига фақат дарвозахона шифти бўғиқ бир нидо билан жавоб берди, холос.

Танбалнинг одамлари мавлоно Фазлиддинни отдан тортиб туширдилар ва қўлини орқасига боғлаб, пиёда ҳайдаб кетдилар.

2

Чўқмор зарбидан жароҳатланган билаги қаттиқ оғриётганини мавлоно Фазлиддин қоронғи бир ҳибсхонада ёлғиз ўзи қолганда сезди. Уни Андижоннинг Чақаридаги тош истеҳком ичига, ўлим жазосини кутадиган маҳбуслар ҳужрасига қамаб, эшигини ташқаридан қулфлаб олдилар. Бу билан ҳам қаноат қилмай эшик олдига иккита соқчи қўйиб қўйдилар. Боя арк дарвозаси олдида Аҳмад Танбал билан Жаҳонгир мирзонинг ўзаро гапларидан мавлоно Фазлиддин шуни аниқ сездики, уни шоҳ қизига тама қилишда ва олий зотларга беадабона муносабатда бўлишда айблаб, эртага тошбўрон қилиб ўлдиртирмоқчилар. Шу билан Аҳмад Танбал Хонзода бегимни ҳам бадном қилиб, бир аламдан чиқса керак. Бобур ва унинг тарафдорлари халқ орасида ёмонотлиқ бўлишларидан Жаҳонгир мирзо ва унинг онаси Фотима Султон бегим ҳам манфаатдор эдилар, бу билан улар Андижон тахтини наригилардан тортиб олиб тўғри иш қилганларини исботлагандай бўлардилар.

Рутубатли зах ҳужрада қоронғиликка тикилиб ўтирган мавлоно Фазлиддин орқасига боғланган қўлларини белига босиб, билагининг оғриғини тўхтатмоқчи бўлар, лекин оғриқ пасайиш ўрнига тобора зўраяр эди. Бу ҳали биргина чўқморнинг зарби... Эртага унинг устига дўлдай ёғиладиган тошларнинг оғриғи қанчалик даҳшатли бўларкин? Мавлоно буни кўз олдига келтирганда эти жунжикиб, ўрнидан туриб кетди. Гўё у ҳозир ҳибсхонада эмас, бир-бирига қараб қулаётган икки тоғнинг оралиғида турибди-ю, энди ҳар икки томондан учиб тушган қоятошлар уни эзиб мажақлаши керак. Мавлоно бу балодан қутулмоқчи бўлгандай эшикка томон интилди. Елкасини ёпиқ эшикка уриб, жон-жаҳди билан қичқирди:

– Очинг! Очинг дейман! Очинг!

Кутилмаган бу қичқириқдан чўчиб тушган бир соқчи қаҳр билан сўради:

– Жин урдими? Не гап?

– Илкимни ечинглар! Жоним керак бўлса эртага олурсиз! Илким жароҳатланган! Ечиб қўйинглар!

Соқчилар бу ерда пойлоқчи бўлиб ўтирганларидан жуда асабий эдилар. Чунки ҳозир бошқа ғолиблар Бобур тарафдорларининг молу мулкларини талон-торож қилиб бойимоқда эди. Тун ярмидан оғган бўлса ҳам Андижоннинг кўчалари ва ҳовлиларидан отларнинг дупури, итларнинг вангиллаши, аёлларнинг дод-войи, бемаҳал қўзғатилган сигир ва қўйларнинг маъраши эшитилмоқда эди. Бу ерда қолган соқчилар қанчалик кўп ўлжалардан маҳрум бўлаётганларини мана шу товушлардан пайқаб, ич-этларини еб ўтирар эдилар. Бунинг устига, маҳбуснинг асабий гаплари қўшилиб, уларнинг жаҳлини чиқарди. Хириллаган овозга қараганда ёши анчага бориб қолган бир соқчи:

– Илки жароҳатланган эмиш-а! – деди. – Эртага асфалософилинга кетадиган ҳароми, бугун илкингни ўйлаб нима қиласен?

Эшик ортидаги маҳбуснинг нафрат билан:

– Жаллодлар! – дегани эшитилди.

Хириллоқ соқчи ўрнидан сапчиб туриб дўқ қилди:

– Жим ёт, ўлакса! Ҳозир кириб, бир жароҳатингни ўнга етказамен! «Қандай кунларга қолдим? – деди мавлоно ўзига-ўзи. – Одамзод шунчалик шафқатсизми?» Ўлим шунчалик нақд экан, бугун мана бу махлуқлардан гап эшитиб, эртага

тошбўронда хор бўлиб ўлгандан кўра, Танбал билан олишиб, қўлида қиличи билан жон бергани яхши эмасмиди? Боя Хонзода бегимнинг олдида мавлоно шунга қодир эдику! Нега тақдир уни шундан ҳам маҳрум қилди?

Ташқарида от тақасининг ҳовли тошларига урилиб қарсиллагани эшитилди.

– Ким келди? Тўхта!

Ҳовлига кириб келган уч отлиқдан бири:

– Хўжа Абдулла, мавлоно қози ёш подшоҳнинг фармойиши билан келдилар! – деди. Келганлар бирин-кетин отдан тушдилар. Икки соқчи узун найзаларини уларга тўғриладилар:

– Фармойишни аввал ўнбошига кўрсатмоқ керак! – деди хириллоқ соқчи.

Унинг тепасида хирагина фонус ёниб турар эди. Малла чакман кийган Хўжа Абдулла соқчиларнинг найзасига қараб келар экан:

– Ўнбошини тополмадик! – деди. – Нечун бу ерда сизлардан бошқа ҳеч ким йўқ?

Ёшроқ соқчи аламли товуш билан:

– Бошқалар ўлжанинг кетидан қувиб кетгандир-да, – деди.

Хўжа Абдулла қўлида ўрам қилинган қоғоз билан икки соқчининг найзалари қаршисига келиб:

– Ундай бўлса фармойишни сиз бажармоғингиз керак, – деди. – Олинг, ўқинг!

Нариги икки навкар отларини девор тагидаги устунга боғлаб, ўзлари Хўжа Абдулланинг кетидан келмоқда эдилар.

– Сизлар ўша жойда тўхтангиз! – деди хириллоқ соқчи.

Навкарлар тўхташди. Хириллоқ соқчи найзасини кўтариб, Хўжа Абдуллага йўл берди, сўнг унинг қўлидаги қоғозни очиб кўрди. Қимматбаҳо қоғоздаги қисқагина ёзув тагига шоҳона муҳр босилган эди. Хириллоқ соқчи муҳрни чироқ ёруғига солиб кўрди, аммо ўқиёлмади. У чаласавод эди.

– Қани, сен ўқи-чи, – деб ёшроқ соқчига берди. Бироқ униси бутунлай саводсиз эди. Қоғозни қўлида айлантириб, Хўжа Абдуллага қаради:

– Пирим, бу қанақа фармойиш?

– Бу ерда ётган нобакор жуда хатарли маҳбус. Уни аркка олиб кетмоғимиз керак.

Орқада турган навкарлардан бири қўшимча қилди:

– Мавлоно қози аркда у ҳаромини сўроқ қилмоқлари зарур!

Хўжа Абдулла Андижоннинг энг машҳур қозиси ва жуда кўп мўътабар одамларнинг пири эканини соқчилар ҳам билар эдилар. Улар Хўжа Абдуллани бир кўришдаёқ таниган эдилар-у, аммо унинг Бобур тарафида туриб жанг қилганини эслаб иккиланар эдилар.

– Бу ўзи Жаҳонгир мирзонинг фармойишларими? – сўради хириллоқ соқчи.

– Шубҳалансангиз, ўқиб кўринг!

– Маҳкам сақланглар, деб буюрган эдилар-да, пирим.

– Маҳкам сақлаганларинг шуми? Юзбоши қани? Нечун фақат икковлон қолмишсиз? Бу нобакорнинг тарафдорлари кўплашиб ҳужум қилса қандоқ қилурсиз? Йўқ, буни тезроқ аркка олиб кетмоқ зарур! Эшикни очинг!

Ёш соқчи кексасига қараб: «Бу қози ҳам энди Жаҳонгир мирзо томонига ўтибди-да, бўлмаса бунчалик жон куйдирармиди?» – демоқчи бўлди. Бироқ униси ҳамон иккиланар-ди:

– Биз кейин не деймиз?

– Сиз икковингиз ҳозир биз билан бирга кетурсиз! – деди Хўжа Абдулла. – Буни кўплашиб қўриқлаб бормасак, олдириб қўйишимиз мумкин!

Шундан кейин хириллоқ соқчи ҳам бўшашди. Найзасини деворга тираб қўйиб, эшикни очди. У ичкарига қадам қўйиши билан Хўжа Абдулланинг ҳамроҳларидан бири ёш соқчининг бошига қора бир нарсани ёпиб, ўзини ерга ағанатди. Иккинчи навкар хириллоқ соқчининг бошидаги дубулғасига чўқмор билан қарсиллатиб уриб, уни ичкарига қулатди-да, устидан босиб тушди. Хўжа Абдулла ҳамроҳларига шивирлади:

– Ўлдирманглар, уволларига қолмайлик!

– Ўлдирмасак кейин булар сизни тутиб берурлар! Мавлоно Фазлиддин жияни Тоҳирнинг овозини таниб:

– Жияним! Тоҳиржон! – деб қичқирди.

Қора парда ичида талваса қилаётган ёш йигит эса:

– Пирим, шафқат қилинг! – деди. – Пирим! Сизга зинҳор ёмонлик қилмаймиз! Қутқаринг, пирим!

– Бас! – деб шивирлади Хўжа Абдулла Тоҳирга. – Оёқ-қўлларини боғласаларинг бўлди! Мавлоно Фазлиддин Тоҳир билан Хўжа Абдуллага томон отилди:

– Устод!... Жияним!.. Нажоткорларим!..

Тоҳир наригиларнинг қўл-оёғини боғлаш билан овора эди.

– Мавлоно Фазлиддин, қанисиз? – деди Хўжа Абдулла.

Хўжа Абдулла мавлонони бағрига босар экан, унинг қўли боғлиқ эканини сезди-ю, қучоғидан қўймай эшикдан ташқарига олиб чиқди. Фонус ёруғида белидан ханжарини олиб, мавлононинг қўли боғланган ола чилвирни кесиб ташлади.

Тоҳир шериги билан нариги икки соқчини ичкарига қамаб, эшикни қулфлади-да, тоғасининг қучоғига отилди.

– Жияним, Худо сени қайдан етказди?

– Боя Самарқанддан чопар бўлиб келдим!

– Бобур мирзо соғмилар?

– Ҳа, тузалиб қолдилар. Ёрдамга етиб келмоқчилар!

– Андижон қўлдан кетганини билурларми?

– Ҳали билмайдилар-да!..

Хўжа Абдулла уларга шипшиди:

– Энди жим!

Тоҳир тоғасини отига мингаштириб олди. Чақардан секин чиқиб, қалъанинг овлоқ бир четига қараб кетдилар. Ғолиблар ҳовлиларда ҳамон талон-торож билан банд эдилар. Тўртовлон уч отда қалъа деворининг тагига келдилар. Энди ҳамма ҳимоячилар тарқаб кетиб, девор атрофи ҳувиллаб қолган эди.

– Мана шу ерда ошиб ўтишга қулай жой бор, – деди Хўжа Абдулла.

Ҳаммалари отдан тушдилар. Тоҳирнинг шериги хуржунидан ўрам қилинган арқон олди. Тўртовлон махсус зинапоядан девор тепасига чиқанларида Хўжа Абдулла мавлоно Фазлиддинга ёндашди:

– Мавлоно сизни дарвозадан отлиқ чиқариш хатарли. Таниб қолурлар.

– Миннатдормен, устод!

Хўжа Абдулла қўйнидан бир нарса олиб, мавлононинг қўлига тутқазди. Бу – ичи олтинга тўла оғиргина чарм ҳамён эди.

– Буни сизга хоним ҳазратлари бериб юбордилар, – деди Хўжа Абдулла.

– Воқеадан хоним ҳазратлари ҳам хабар топдиларми?

– Ҳазрат хоним йиғлаб мендан илтимос қилдилар. Аҳмад Танбал сиз орқали бегиму хонимларни шармисор қилмоқчи экан. Аммо биз тирик бўлсак, Бобур мирзонинг оиласига ҳам, муборак номига ҳам доғ тушурмагаймиз!

Мавлоно ҳамённи олиб қўйин чўнтагига солар экан:

– Мен тўғри Бобур мирзонинг ҳузурларига йўл олурмен! – деди.

– Мавлоно, – деди Хўжа Абдулла маъюс товуш билан. – Биз хоним ҳазратлари билан сизга бошқа бир маслаҳат бермоқчи эдик.

Андижонда араб тилини Хўжа Абдуллачилик яхши биладиган одам йўқ эди. Бир вақтлар мавлоно Фазлиддин ҳам шу одамдан араб тилидан сабоқ олган эди ва шундан бери уни устод деб атар эди:

– Қандай маслаҳат бўлса бош устига, устод!

– Самарқандга Тоҳирбек борурлар.

– Мен тоғамни бирга олиб кетсам-чи? – деди Тоҳир.

– Йўқ, Тоҳирбек, сиз чопарсиз. Балки Бобур мирзо Самарқандни ташлаб чиққандирлар... Мавлоно, сизнинг ноёб истеъдодингиз бор. Сиз ўзингизни эҳтиёт қилмоғингиз керак. Мовароуннаҳрдаги бу фаторатлар[1] ҳали-вери босилмаса керак. Мавлоно, сиз бир вақтлар Ҳиротга кетиш фикрингиз борлигини айтган эдингиз. Энди шу фикрни амалга оширадиган пайт келди.

Ҳиротга бир марта бориб келган мавлоно Фазлиддин нотинч ўлкалардан ойлар давомида юриб ўтиладиган беҳад машаққатли йўлларни кўз олдига келтирди-ю, юрагини ғам босди. Жароҳатли қўлининг оғриғи боя эсидан чиққан экан, энди бу оғриқ янги бир куч билан қайтиб келди. Мавлоно оғриётган билагини чангаллаб:

– Мен ватанни қандай тарк этай, пирим? – деди.

– Ҳозир Алишер Навоий яшаб турган Хуросон ҳам бизга ватан эмасми, мавлоно?

– Ватан, албатта... Аммо мен... балки қайтиб келолмасмен. Кулбамда китобларим, лойиҳаларим қолган, Тоҳир жиян!..

– Ҳозироқ қайтиб бориб, барчасини яширтириб қўюрмен, хотиржам бўлинг, мулла тоға!

Мавлоно Фазлиддин Хонзода бегимни энди умрбод кўролмаслигини олдиндан сезаётгандай юраги увишди. Хўжа Абдулла билан Қутлуғ Нигор хоним уни Ҳиротга жўнатаётганларининг бир сабаби, мавлоно билан Хонзода бегим орасидаги нозик муносабат ва шунга оид пасту баланд гаплар эди. Мавлоно Ҳиротга кетиши билан Хонзода

[1] Ф а т о р а т – алғов-далғов.

бегим атрофида бўлаётган гаплар тезроқ босилиши мумкин эди. Мавлоно шуни ўйлади-ю:

– Майли, устод, – деди. – Мен Бобур мирзонинг номларини пок тутиш учун ҳар ишга тайёрмен. Аммо бир илтимос: хоним ҳазратларига айтинг, ёлғон овозаларга ишонмасинлар. Хонзода бегим ҳалолу покизаликда беназирлар!

– Сиз ҳам шундайсиз, мавлоно, мен билурмен. Биз бунга ишонмаганимизда, жонимизни гаровга қўйиб, бояги соқчиларни алдаб юрмас эдик. Мен умримда шундай ишлар қилурмен, деб ҳеч ўйламаган эдим. Мана, Тоҳирбек менга далда берди. Аммо ёғийларнинг ғаламислиги ҳам кишини мажбур қилар экан!

– Сизлар менга янгидан жон ато қилдиларингиз, устод! Энди ўзингиз ҳам эҳтиёт бўлинг! Жияним, сен ҳам!..

– Рост, пирим ҳам Андижондан узоқроқ кетсалар, бехавотир бўлур эдик! – деди Тоҳир.

– Ҳаммамиз кетсак, хониму бегимларга ким мадад берур? – деди Хўжа Абдулла. – Шўрлик муштипарлар ҳозир мени кутиб ўтирган бўлсалар керак.

Осмоннинг шарқ томонидан бир парчаси хиёл оқариб келмоқда эди. Мавлоно Фазлиддин шуни кўриб, арқонни белига боғлай бошлади.

– Насиб бўлса ҳали яна кўришурмиз, мулла тоға!

– Тоҳир, жияним, менинг тарҳларим... чизган суратларим йўқолиб кетмасин. Сен ҳарбий одамсен, асрашинг қийин. Шунинг учун иложи бўлса, ҳаммасини Хонзода бегимга бергин.

– Бажонидил!

– Мен бу илтимосингизни Хонзода бегимга ҳам етказурмен! – деди Хўжа Абдулла.

Улар қучоқлашиб хайрлашдилар. Сўнг мавлонони белига боғланган арқон ёрдамида ўн бир газли девордан пастга туширдилар. Мавлоно тонг ёришганда Қуванинг йўлига чиқиб олди.

Аммо қўрғон ичида қолган Хўжа Абдулла эртаси куни чошгоҳ пайтида Хакан дарвозасининг яқинида турадиган бир муридининг ҳовлисида яшириниб ўтирганда Аҳмад Танбалнинг одамлари уни қўлга туширдилар. Чақарда қўли боғлиқ ётган соқчилар қаттиқ сиқув остида мавлоно Фазлиддинни ким озод қилганини Аҳмад Танбалга айтган эдилар. Аҳмад Танбал Хўжа Абдулла тутилган жойга от чоптириб келганда

кўчани одам тутиб кетган эди. Қўли орқасига боғланган кўйлакчан Хўжа Абдулла қуролли навкарлар қуршовида секин юриб бормоқда эди. Унинг оёқларидан мадор кетган, ранги ўчган. Оқ салласи ва кўйлагининг оқлиги ўсиқ соқолини одатдагидан қорароқ кўрсатар эди. Халойиқ Аҳмад Танбалга йўл бериб четланди. Хўжа Абдуллани ҳайдаб бораётганлар тўхтадилар. Аҳмад Танбал ҳам отини жиловидан тортиб тўхтатди:

– Ҳа, алдамчи пир! – деди. – Бизга шунча ёғийликлар қилганингиз озмиди, энди соқчиларни алдаб, ҳароми муллочани ҳам қочирибсиз!

– Мен бир бегуноҳ ҳунарпешани адолатсиз ўлимдан қутқардим, холос!

– Соқчиларга ёлғон муҳрлар кўрсатишга уялмадингизми, алдамчи пир?!

Ўнлаб кўзлар Хўжа Абдуллага тикилди. Агар Хўжа Абдулла Танбалдан қўрқиб, саросимага тушса, ўзини йўқотиб қўйса, гуноҳи бўйнига тушгандай кўриниши мумкин эди. Шуни ўйлаб, Хўжа Абдулла иложи борича дадил гапиришга тиришди:

– Мен соқчиларга Бобур мирзонинг муҳрларини кўрсатдим. Чунки Бобур мирзони Андижоннинг ягона подшоси деб билурмен!

– Сен, имонсиз, муридларингни яна алдамоқдасен! Бобур мирзо Самарқандда вафот этган. Ҳозир тожу тахт Жаҳонгир мирзоники!

– Мусулмонлар, бу гапга ишонманг! Алҳамдулиллоҳ, Бобур мирзо тириклар! Андижонга яна келурлар!

– Ёлғон! Халойиқ, сиздек муридларини алдаб юрган, айбини яширмоқ учун ифлос бир ҳаромини биздан қочирган бу имонсиз пир тошбўрон қилиб ўлдирилиши керак! Тош отинг бунга! Савобталаб бўлсангиз тош отинг!

Аҳмад Танбал эгар устидан улоқчиларга ўхшаб пастга энгашди-ю, узун қўли билан ердан муштдай бир тошни олди. Сўнг қаддини тиклаб, тошни Хўжа Абдуллага қараб отди. Хўжа Абдулланинг кенг кўкрагига «тўп» этиб теккан тош оқ кўйлакда чангли из қолдириб, ерга юмалаб тушди. Оғриқдан Хўжа Абдулланинг кўзлари ёшланди, нафаси қайтди. Навкарлардан баъзи бирлари ҳам ерга энгашиб тош қидираётганини кўрган Хўжа Абдулла нафаси титраб:

– Мусулмонлар! – деди ва ҳамон жим турган халойиққа тикилди. Уларнинг орасида йигирма беш ёшлардаги

гардани йўғон бир йигитни кўрди-ю, бир вақтлар ёлғон овоза тарқатишда айбланиб ўлдирилган мироб Дарвеш говни эслади. Бу йигит ўша миробнинг ўғли эди. Хўжа Абдулла ўшанда ёш Бобурга бир оғиз: «Буни қатл эттирманг!» – деса, эҳтимол мироб ҳали тирик юрар эди. Хўжа Абдулла ўшанда Аҳмад Танбалга ўхшаш бекларнинг кўнглига қараб Дарвеш говни қутқариб қололмагани энди қалбида армон қўзғади. Ҳозир ўзи ҳам ўша миробнинг аҳволига тушди-ку! Нечун ўшанда лоқайдлик қилди? Миробнинг ўғли отасининг қасди учун Хўжа Абдуллага тош отса, балки ҳақли бўлар!.. Лекин бегуноҳ меъморни қутқариб, ўзи балога қолаётган Хўжа Абдуллага ҳеч ким тош отмади.

– Мусулмонлар! – куюниб такрорлади Хўжа Абдулла. – Мен адолат йўлида жон беришдан қўрқмаймен! Адолат ким томонда, шуни бир ўйлаб кўринглар. Инини оғага душман қилганлар кимлар? Яхшиларга бахиллиги келиб, пойига болта ураётганлар кимлар? Бу қора кунларни бошимизга солганлар кимлар?!

– Сен ўзинг! – деб қичқирди Аҳмад Танбал.

– Мен Бобур мирзога кичиклигидан илм ўргатдим, лисон ўргатдим, мен уни одил подшоҳ бўлишга ундадим, Мовароуннаҳр яна бирлашсину юрт ички урушлардан қутулсин, дедим. Бобур мирзо мардона ишлар қилиб, Самарқанд билан Андижонни бирлаштирганда мен езгу орзуларимга етгандай суюнган эдим. Ҳайҳот, мамлакат яна парчаланди. Юрт вайрон бўлди! Халойиқ, агар мени ўлдириш билан мушкулингиз осон бўлса, майли, ўлдиринг!

– Тошбўрон қилинг! – буюрди Аҳмад Танбал халойиққа.

Одамлар тўпининг орқарофидан йиғламсираган товуш эшитилди:

– Шайхулислом фатво бермагунча тошбўрон қилишга ҳақимиз йўқ!

Кекса бир киши:

– Пирнинг қарғишидан қўрқамиз! – деди.

Навкарлар ҳам қўлларидаги тошларини Хўжа Абдуллага отишга журъат этолмай, Аҳмад Танбалга қарадилар. Аҳмад Танбал юзбошига буюрди:

– Ундай бўлса, қиличингни ол, калласини кес! Бўйнига тиғ ур!

Барзангидай қоп-қора ўрта яшар юзбоши кумуш сопли қиличини қинидан имиллаброқ суғурди. Хўжа Абдулла унга тикилиб, паст товуш билан деди:

– Мирбадалбек, ҳушёр бўлинг, менинг қоним етти пуштингизга сачрайди!

Халойиқ орасидан қўрқув аралаш нидо эшитилди:

– Пирнинг қони тутади ҳаммамизни!

Юзбошининг қўлидаги қиличи қалтирай бошлади. У Аҳмад Танбалга қараб ялинди:

– Ўтинамен, бу ишдан мени озод қилинг!

Аҳмад Танбал унга ғазаб қилиб, елкасига қамчи урди.

– Сени юзбошиликдан озод қилурмен, қўрқоқ!

Аҳмад Танбал бошқа навкарларига буюрди:

– Бу имонсизни дарвозахонага ҳайданг! Халойиқ шу ерда қолсин! Ким бизга эргашса қилич билан чопинг! Аяманг!

Навкарларнинг бир қисми Хўжа Абдуллани дарвозахонага ҳайдаб кетди. Қолган навкарлар халойиқнинг йўлини тўсиб, Хўжа Абдулланинг кетидан боргани қўймади.

Орадан ярим соат ўтгандан кейин Аҳмад Танбал одамлари билан аркка томон от чоптириб қайтиб кетди. Шундан сўнг дарвозахонага борган одамлар Хўжа Абдулланинг шифтдаги йўғон тўсинга осиб ўлдирилганини кўрдилар. Марҳумнинг оқ салласи оёғи тагида чувалиб ётарди, бўйи эса тириклик пайтидагидан хийла узайган эди. Одамлар уни дордан секин тушириб олдилар. Кафан ўрнига салласига ўраб, шаҳидлардек кўмдилар.

3

Устма-уст ёққан баҳор ёмғирлари йўлларини балчиқ қилиб юборган. Андижонда юз берган даҳшатлар хабарини тезроқ Самарқандга етказиш учун лой сачратиб, от чоптириб бораётган Тоҳир энди Қувага яқинлашди. Агар Бобур мирзо тузалган бўлса-ю, Андижонга ишониб, Самарқандни ташлаб чиқса, аҳвол ҳозиргидан баттар бўлиши мумкин. Тоҳир шуни ўйлаб, тагидаги бедовни қистайди. Аммо от қанчалик зўр ва чопқир бўлмасин, тиззага чиқадиган лой унинг йўлини боғлайди, тинкасини қуритади. Чопиб келаётган от балчиққа йиқилиб тушади-ю, қайтиб туролмасдан, бурнидан қон келиб, жон беради. Тоҳир уни йўл устида қолдириб, эгар-юганларини олади-ю, Қувадан бошқа от

топади. Аммо бир кун юрмасдан бу от ҳам ҳолдан кетиб йиқилади. Нарёқда Хўжанд, Жиззах – яна ўн кунлик йўл... Тоҳир осмонда учиб бораётган қушларга ҳавас ва армон билан қарайди.

* * *

Бироқ Тоҳир қуш бўлиб учганда ҳам энди Бобурни Самарқанддан тополмас эди. Бобур хасталик тўшагидан турган заҳоти онаси ва устозини қутқаришга шошилиб, Самарқандни аллақачон ташлаб чиққан эди. Унга келган ахборотларга биноан, Андижон қамали ҳали узоқ давом этиши керак бўлиб, бир йилга етарли захира бор эди. Шунчалик абгорлиги билан Самарқанд етти ойлик қамалга чидаганда ўн икки минг қўйи бор Андижон қўрғони Хўжа Абдулладай довюрак одам раҳбарлигида ҳали беш-олти ой «қилт» этмай туриши шубҳасиз туюларди. Шу туйғу билан мингга яқин одамларнинг ҳаммасини Самарқанддан олиб келаётган Бобур Булунғур ва Халилия[1] қишлоқларидан ўтиб, Сангзор дарёсига яқинлашиб қолган эди.

Оғир хасталикдан яқинда турган Бобур яна узликиб қолмаслиги учун уни тўрт отлиқ маҳофага ўтказганлар, тагига юмшоқ парқулар солганлар. Маҳофанинг эшик ва деразаларига осилган қизғиш ипак пардалар йўлнинг ўнқир-чўнқирларида аланга тилларидай муттасил силкиниб ўйнаб боради. Пар ёстиққа ёнбошлаб ўтирган Бобур ҳар замонда бир ўрнидан қўзғалиб, маҳофанинг орқа томонидаги пардани кўтаради-ю, узоқларга тикилиб қарайди.

Унинг қўшинидан беш-олти чақирим орқада яна бир маҳофа келмоқда эди. Бир талай отлиқлар қўриқлаб бораётган бу кўркам маҳофада Бобурнинг холаси Меҳр Нигор хоним ва қаллиғи Ойша бегим сафар қилмоқдалар. Бобур Самарқандни ташлаб кетмоқчи эканидан Бухородаги Султон Али мирзо аллақачон хабар топган ва пойтахтни дарҳол эгаллаш учун Шаҳрисабзга келиб шайланиб турар эди. Бобур ўз рақиби Султон Али мирзодан яхшилик кутмас ва қаллиғини унинг қўли остида қолдиргиси келмас эди. Бир вақтлар Бойсунқур мирзодан қаттиқ жабр кўрган Меҳр Нигор хоним ва Ойша бегимлар ҳам эндиги хафв-хатарлардан тезроқ қутулгилари келар эди. Ҳозир улар учун энг бехатар жой – Тошкент эди. Тошкент хони Маҳмудхон –

[1] Ҳозирги Ғаллаорол яқинидаги қадимий қишлоқ.

Меҳр Нигор хонимнинг акаси, Ойша бегимнинг опаси Розия Султон бегим ҳам Тошкентга, Маҳмудхонга тушган. Тошкент йўли Жиззахгача Андижон йўли билан бир. Мана шу сабабларга кўра Бобур холаси ва қаллиғини бутун одамлари-ю кўч-кўронлари билан бирга қўриқлаб олиб кетмоқда эди. Фақат урф-одатни бузмаслик учун куёв билан қаллиқ орасида беш-олти чақиримлик масофа қолдириб, икки тўп бўлиб бормоқда эдилар. Кечқурун Сангзордан ўтиб, кўм-кўк адирларда тунаш учун тўхтаганларида ҳам ўша масофани сақлаб, икки жойга чодир ва ўтов тикдилар.

Ёнбағирларда лолалар очилган. Ҳаво ниҳоятда ёқимли. Бобур майин кўкат устига қадам қўйганда ўзини хийла енгил сезди.

Самарқанддан чиқаётганда вужудини зилдай босиб ётган ғам-ғуссалар энди аста-секин тарқаб кетаётгандай туюлди. Пойтахтни шунча машаққатлар билан олиб, охири ўз ихтиёри билан бошқага қолдириб кетиши унга сўнгги йилларда қилган барча ҳаракатларини беҳуда кўрсатиб, таъбини тирриқ қилган эди. Ҳозир мана бу кўклам адирларда яйраб нафас олар экан, у онаси ва устозини қутқариш ниятида кетаётганини, бунда бир олижаноблик борлигини, қаллиғини асоратдан қўриқлаб олиб бораётгани ҳам мардликдан эканини ўйлади-ю, кўнгли бир қадар таскин топди.

Темур дарвозаси деб аталган улуғвор тангидан ўтганларидан кейин Бобур маҳофанинг эшигини очиб, мирохурни[1] чақиртирди. Мирохур маҳофага жипс келганда:

– Б-б-бўз о-о-отимни кел-т-т-тиринг, – деб буюрди.

У соғайиб кетгандай кўринса ҳам, аммо ҳали тилида ўша оғир хасталикнинг асорати бор эди. Унинг дудуқланиб гапиришидан хавотирланган Қосимбек:

– Амирзодам, от нечук керак? – деди. – Минмоқчиларми?

Бобур яна тили тутилиши мумкинлигини сезиб, тасдиқ маъносида сўзсиз бош ирғади-ю, мирохурга: «Айтганимни қилинг!» дегандек қаради. Маҳофа юриб бормоқда эди. Мирохур:

– Бош устига! – деб отга кетди.

Қосимбек орқароқда келаётган табибни чақиртирди. Калта оқ соқолли ўша жиккак табиб маҳофага ёндашиб,

[1] Мирохур «амири охур» дегани. М и р о х у р – подшоҳ отбоқарларининг бошлиғи.

Бобурдан ҳали яна уч-тўрт кун от минмасликни илтимос қилди. Аммо Бобур ўзини яхши ҳис қилмоқда эди:

– Б-бир-пас отл-лиқ юрай!

– Тилингиздан калолат кетмагунча сабр қилинг, амирзодам!

Эгар-жабдуқларидаги олтин безаклари қуёш нурида ялт-ялт қилаётган бўз отни жиловдор етаклаб келди. Қосимбек унга:

– Қайт! – деди-ю, Бобурга маҳофада тинчгина кетаверишни маслаҳат берди.

У билан табиб Бобурнинг яна узликиб қолишидан астойдил қўрқмоқда эдилар. Аммо Бобур отни орқага етаклаб кетаётган жиловдорга кулиб қаради-ю:

– Йў-йўқ, отни к-келл-тиринг! – деди.

Сўнг Қосимбекка ҳам кулимсираб гапирди:

– Х-ха-во-отир олм-мангиз!

Жиловдор отни яна маҳофа олдига етаклаб келди. Маҳофа тўхтади. Бобур унинг зинасига оёқ қўйиб, бўз отнинг эгаридан олди-ю, бир сакраб отга минди. Жиловдор бундан завқи келиб жилмайди ва жиловнинг учини Бобурнинг қўлига тутқазди.

Қосимбек Бобурни ортдан синчиклаб кузатиб боради, агар унинг беҳол бўлгани сезилса, дарҳол ёрдамга етмоқчи бўлади.

Аммо Жиззахга етиб бордилар ҳамки, от устидаги Бобурнинг беҳол бўлгани сезилмади. Кичиклигидан от миниб суяги қотган чавандоз сўнгги кунларда суворилиқни жуда соғинган эди. Маҳофанинг юмшоқ парқуллари унга хасталик тўшагини эслатарди. Тагидаги бўз отнинг шўх қадам олиши ва соғлом бир қудрат билан ўйноқлаши эса Бобурнинг аъзоларида анчадан бери мудраб ётган ёшлик кучларини уйғотгандай бўларди. У отлиқ юрган сари бадани яйраб, баҳри-дили очилиб борарди. Жиззахдан наридаги кўкалам адирларга ўтиб тунаш учун тўхтадилар ва икки жойга чодир тикдилар. Бобурнинг бугун отлиқ юргани ва ўзини жуда соғлом сезаётгани ҳақидаги хабар холаси билан қаллиғига ҳам етиб борган эди.

Меҳр Нигор хонимнинг куёвга хола, айни чоқда, қизга она экани совға-салом юбориш ва борди-келди қилиш учун қулай эди. Намозшом пайтида Меҳр Нигор хонимнинг эшикоғаси Бобур мирзога совға олиб келди: чиройли зар-

боф тўн, олтин камар, кумуш дастали қимматбаҳо қамчи. Тўн – Бобурнинг тузалиш шодиёнаси. Камар – «куёвнинг бели яна ҳам бақувват бўлсин», деган тилакни билдиради. Қамчи – бугун Бобур отлиқ юргани туфайлимикин? Ёки «Подшоҳ отини қамчилаб, тезроқ Андижонга етсину ёғийларни саваласин!» деган маъноси ҳам бормикин? Нима бўлганда ҳам Бобур бу совғалардан жуда таъсирланиб кетди.

Эртага улар хайрлашишлари керак. Тошкент йўли шимолга бурилиб кетади. Бобур томонидан ҳам совға юборилиши лозим. Бироқ аёлларга ёқадиган қимматбаҳо матолару тақинчоқларни улар қаердан топишади? Ҳаммалари эркаклар. Қўнган жойлари ҳам чўл. Қосимбек шуни Бобурга айтиб:

– Кумуш лаганларда олтин пул юбора қолсакмикин? – деди.

Бобур эса шу лаган ва олтинларни бугун бўш қолган маҳофага солиб юборишни таклиф қилди.

– Маҳофа ҳам совға бўлсинми? Балки эртага ўзингиз маҳофада юрурсиз, амирзодам?

– Ху-Худо хоҳл-ласа, юр-масмен. З-заифалар юрс-синлар.

Сўнгги гапни Бобур буйруқ оҳангида айтди, шунинг учун Қосимбек бошқа эътироз қилолмади.

Эртаси куни эрталаб икки муҳташам маҳофа кўч ортилган туялар-у аравалари билан бирга шимол томонга бурилиб, Мирзачўл орқали Тошкентга йўл олди.

Бобур ўз қўшинидан юз кишини қўриқчиликка ажратган эди, улар ҳам маҳофалар билан бирга узоқлашиб кета бошладилар.

Андижон йўлидан четроқда катта бир қоровултепа кўринди. Бобур ёлғиз ўзи шу тепанинг устига от қўйиб чиқди-да, эгардан тушди. Отининг жиловидан тутганича чексиз чўлда тобора кичрайиб бораётган маҳофаларга анча вақт тикилиб турди. Гўё у шу туришда қаллиғи билан хайрлашди, унга ўз эҳтиромини билдириб, оқ йўл тилаган бўлди.

Бобур юз кун Самарқандда туриб Ойша бегим билан бирор марта юзма-юз кўришган эмас. Бунга урф-одат ҳам йўл бермади, ёшлик ҳаёси ҳам монелик қилди. Кўксаройда ёза бошлаган ғазалининг: «Не кун бўлғай висолингга мени дилхаста этгаймен», – деган сатри эсига тушди. Сўнг от устида кун бўйи йўл юриб бораётиб хаёлан ўша ғазалини давом эттирди:

Муяссар бўлмаса бошимни қўймоқлик оёғига,
Бошимни олиб, эй Бобур, оёқ етгунча кетгаймен.

Кечқурун тунаш учун Қўштегирмон деган жойда тўхтаганларида Бобур бу сатрларни қоғозга ёзиб қўйди. Ғазал – шу сатрлар билан тугалланиши керак. Лекин ўртада яна уч-тўртта байт бўлиши керак. Уларни кейинчалик, хотиржамроқ пайтда топмоқчи бўлди.

* * *

Андижонда бўлган воқеалар даҳшати Тоҳир қиёфасига кириб Бобурга тобора яқинлашиб келмоқда эди.

Бобур одамлари билан Новдан ўтганда Тоҳир Қўқондан ўтиб, Ходарвеш чўлига кирди.

Бобур чўлларда олти марта тунаб, еттинчи куни кечки пайт Хўжандга етганда қора оти лойга беланган, ўзи таниббўлмас даражада қорайиб, озиб кетган Тоҳир унинг қаршисидан чиқди.

Бобур ҳамма бек ва навкарлари билан келаётганини кўрган Тоҳир отдан ўзини ерга ташлаб, дод солиб йиғлаб гапирди:

– Нечун Самарқандни ташлаб келдингиз, амирзодам?!

Бобур Андижон қўлдан кетганини эшитди-ю, назарида, бутун борлиқ зилзила ичида қолди, еру кўк чайқалиб силкиниб кетди. Чапда ялтираб кўринган Сирдарё қирғоқларидан тошиб чиқа бошлагандай туюлди.

Дарёдан нарида Хўжанд тоғлари. Бу ердан Андижон нақадар узоқ! Самарқанд нақадар узоқ! Ўгай тақдир Бобурни бу ерга гўё алдаб олиб келгану бирваракайига Самарқанддан ҳам, Андижондан ҳам маҳрум қилган! Энди унинг ора йўлда муаллақ бўлиб қолганини Андижондаги Аҳмад Танбал ҳам, Самарқанддаги Султон Али мирзо ҳам, Туркистондаги Шайбонийхон ҳам гўё узоқдан кўриб турар эдилару «Боладай алданибди!» деб қаҳ-қаҳ уриб кулар эдилар. Уларнинг кулгилари атрофдаги тоғлардан акс садо бўлиб қайтаётгандай туюлар эди.

Тоҳир Али Дўстбекнинг хиёнат қилиб, дарвозани кечаси очиб берганини, Хўжа Абдулла эса Бобурга садоқати туфайли шу дарвозахонага осиб ўлдирилганини айтганда Бобур ортиқ бардош қилолмай отига қамчи босди. Қаёққа кетаётганини

ўзи ҳам билмас эди. Чанқаган от уни дарёнинг жар бўлиб ётган баланд қирғоғига олиб келди. Бирдан Бобур Ахсида жар қулашидан ҳалок бўлган отасини эслади. Назарида, у турган замин ҳам ҳозир қулаб тушмоқда эди. Бобур отини орқага бурди. Лекин орқадаги пасту баланд ерлар ҳам жаҳаннам қаърига қулаб тушаётгандай лопиллаб кўринди. Бобур отининг бўйнидан қучоқлади-ю, елкалари силкина-силкина йиғлаб юборди. Қосимбек билан табиб чол унинг ёнига келдилар. Қосимбек қайғу тўла товуш билан йиғламсираб гапирди:

– Амирзодам, ҳаммамиз ҳам хонавайрон бўлдик. Менинг молу мулкимни талатибдилар. Ўғлим оғир ярадор эмиш...

Бобур бошини кўтарди. Кўз ёшидан юзи нам. Табиб унинг елкасини силади.

– Амирзодам, шукр, онангиз, эгачингиз саломат эканлар. Кўп куюнманг, бошингиз омон бўлса, давлат топилур... Ўзингизни эҳтиёт қилинг, яна хасталаниб қолманг!

Бобур дарвозахонага осилган устозини эслади-ю, кўзига яна ёш қуйилиб келди:

– Пирим, мени кимларга ташлаб кетдингиз? Шундай одамни осиб ўлдирсалар?! Мен устозим учун қасос олмоғим керак! Қасос!

Ўртаниб гапираётган Бобурнинг тили тутилмаётганидан табиб чол ҳайратга тушиб, унга тикилиб қолди.

– Охирги нафасим қолгунча олишурмен!

Бобурнинг юзи қаҳру ғазабдан бир оқариб, бир қизариб кетаётган бўлса ҳам сўзлари равон эди. Самарқандда Бобурни тилдан қолдирган касаллик – ғоят кучли бир руҳий ларзанинг оқибати эди. Энди ундан ҳам кучлироқ руҳий ларза Бобурнинг тилида қолган дудуқликни бирдан йўқ қилиб юборди. Душманларига қарши чексиз бир нафрат ва ғазаб унга куч-қувват бермоқда эди.

– Хоинлар жазосини олур! Чекиниш йўқ! Одамларни тўпланг! Ҳаммага айтинг! Андижонга борурмиз!

Бобур отини кескин бурди-ю, паришон бўлиб тарқаётган одамларга қараб кетди.

ХЎЖАНД, МАРҒИЛОН, АНДИЖОН

АМИР ТЕМУР САБОҚЛАРИ

1

Бобур минган ёлдор саман от эгасининг изтиробларини сезгандай юган сувлиғини асабий чайнайди, жиловни тортиб, олдинга учмоқчи бўлади. Қосимбекнинг тўриқ қашқаси саман билан ёнма-ён йўрғалаб боради. Йўл Сирдарёнинг баланд қирғоғидан кунчиқиш томонга қараб кетади. Бобур тезроқ Андижонга бориб, ота юртини Аҳмад Танбал истилосидан халос қилишга ошиқади. Қосимбек уни Хўжандда тўхтаб, куч йиғишга, вазият етилишини кутишга ундайди.

– Амирзодам, Самарқанддан бемаврид йўлга чиққан эканмиз. Андижон чопарини кутсак бўларкан. Энди шошилмайлик!

– Устозим Хўжа Абдуллани осиб ўлдирган Танбал онам билан эгачимни соғ қўйгайми? Уларни ким қутқаргай?

– Парвардигор ўзи қутқарибдир. Ҳазрат онангиз билан эгачингиз Андижондан Қўқонга келибдирлар.

– Ким айтди?

– Тоҳир уларни Қўқондан берида йўлда кўрибдир. Бир кеча Конибодомда тунаб, кейин Хўжандга борурмиз дейишибдир.

– Қўқон ҳали бизга тобеми?

– Ҳа, шукр. Хўжанд ҳам сизга хайрихоҳ!

Бу хабарлар Бобурга хиёл таскин бергандай бўлди. Қосимбек сўзида давом этди:

– Онаизор сизни беҳад соғингандирлар. Мулозимлар билан пешвоз чиқиб кутиб олсангиз қанчалик шод бўлғайлар. Унгача мен Хўжанд доруғаси билан сўзлашиб, сизларга жой ҳозирлагаймен.

Бобурнинг ўзи ҳам ўн ойдан бери кўришмаган онаси ва эгачисининг илиқ меҳрларига жуда ташна эди. Қосимбекнинг сўнгги таклифи маъқул тушиб, мулозимлари ва икки юзтача қўриқчи навкарлари билан Хўжанддан Конибодом йўлига чиқди.

Қайроққумдан берида туя ва хачирларга кўч ортган карвон кўринди. Карвон ортида сандиқлар юкланган катта ғилдиракли қўқонаравалар ҳам келмоқда. Уларнинг ҳаммасини

тўрт-беш юз кишилик отлиқ навкарлар уч томондан қўриқлаб йўл юрмоқда. Хон қизи бўлган Қутлуғ Нигор хонимнинг беш юздан ортиқ хос навкари борлиги Бобурнинг ёдига тушди.

Олдинги қатордаги қўриқчилар орасида бўз от миниб келаётган Қутлуғ Нигор хоним Бобурни салласига қадалган тождорлик белгисидан таниб отини ўғли томон елдирди. Она-бола ва эгачи-ини отларидан тушиб, қучоқлашиб кўришар эканлар, гоҳ хонумондан айрилиш аламларини, гоҳ дийдор кўришиш қувончларини ичларига сиғдиролмай, кўзларига дам-бадам ёш олишар эди. Яна отланиб Хўжандга етгунларича кўрган-кечирганларини бир-бирларига сўзлаб беришди.

– Танбал асоратидан қандай қутулдиларингиз? – сўради Бобур онасидан.

– Мана шу қўриқчи навкарларим Танбални биз турган жойга яқин келтирмади. «Мен Юнусхоннинг қизимен, иним Маҳмудхон Тошкент тождоридир, агар Аҳмадбек бизга зиён еткизса, хонлар олдида жавоб берур!» деб, орада турган одамларига айтдим. Ҳар қалай, гапим таъсир қилибди, бешикаст чиқиб келдик.

– Афсус, мен бундан бехабар қолдим! Чопар кечикди!

– Биз ҳам шунисига куюнурмиз, Бобуржон! Сиз бизни деб Самарқандни жангсиз топширибсиз!

Шу тарзда дардлашиб, Хўжандга етиб келдилар. Шаҳар доруғаси нуфузли аъёнлари билан қўрғон дарвозасидан чиқиб, Бобур ва унинг онасини эҳтиром билан кутиб олдилар. Бу қадимий шаҳар халқи Чингизхон билан мардона олишган Темур Малик давридан бери мўғул босқинчиларидан кўп жабр кўрган. Ҳозир ҳам Тошкентда ҳукмрон бўлиб олган чингизийлар Хўжандга хафв солиб турарди. Бунинг устига, Андижон ҳам Аҳмад Танбалдай золимларнинг қўлига ўтган пайтда хўжандликлар Бобур каби темурий шаҳзодалар ҳимоясига эҳтиёж сезарди. Шунинг учун шаҳар доруғаси Бобурни олий даражада эъзозлаб, Сирдарё соҳилидаги улкан боғини икки ошиёнли қасри билан унинг ихтиёрига берди.

Қосимбек Бобурга, унинг онаси ва эгачисига иккинчи ошиёндаги энг яхши хоналарни тайёрлатиб қўйди. Ўзи бек-у мулозимлар ва қўриқчи йигитлар билан биринчи қаватни эгаллади.

Ҳаммалари нарсаларини жойлаштириб тинчиганларидан сўнг, иккинчи ошиёндаги катта танобий уйда Бобур онаси

ва эгачиси билан яккама-якка қолиб, бошқалар олдида айтилмайдиган дард-у аламларини тўкиб солдилар.

– Толе биздан юз ўгирди! – деди Бобур «уҳ» тортиб, – Танбалнинг ўн минг қўшини бор эмиш, ростми?

– Рост! Нобакорлар сизни «Самарқандда вафот этди», деб овоза тарқатдилар, – деди Қутлуғ Нигор хоним. – Беҳуш ётганингизни кўриб келган чопарни гувоҳ қилиб кўрсатиб, кўп одамни бунга ишонтирдилар. Шундан сўнг тарафдорларингиз маъюс бўлиб, Танбал билан Жаҳонгирга бўйин эгдилар.

– Қосимбек ҳам хато қилганки, мени беҳуш аҳволда кўрган навкарни Самарқандда тўхтатиб турмаган. Буни сир тутмоқ керак эди! Ҳозир бизнинг бир ярим мингга етар-етмас навкаримиз қолди. Уларнинг ҳам кўпи водийдаги уйларига, аҳли оиласига талпинур, Хўжандда кўп туролмай тарқаб кетгай. Мен энди қайси куч билан Танбалга қарши борай? Бу не кўргуликки, бирваракай ҳам Самарқандан, ҳам Андижондан маҳрум бўлдик! Икки мулк орасида муаллақ қолдик! Нажот йўқ! Атрофимиз зимзиё қоронғилик! Боши берк кўча!!

Бобур жигарбандларига дил ёриб сўзлар экан, иложсизликдан кўнгли эзилиб, руҳи қийналар, кўзларига ёш қуйилиб келарди.

Яқиндагина оғир хасталикдан турган ўн олти ёшли ўғлининг бунчалик эзилиб қийналишлари Қутлуғ Нигор хонимни изтиробга солди.

– Бобуржон, болам, шукрки, соғ-саломат кўришдик! Хайрият, тузалиб кетибсиз.

– Баракс, тузалмай турганим маъқул эди! Самарқандни ташлаб чиқмас эдик!

Бундай оғир кайфият билан ёлғиз ўғли яна узликиб ётиб қолиши мумкин. Хавотирланган она Бобурга таскин берадиган, унинг кўнглини кўтарадиган чора излай бошлади. Шунда қизи Хонзода бегим ёрдамга келди:

– Онажон, амирзодамни мамнун қиладиган ноёб бир совғамиз бор эди-ку!

– Қайси совға?

– Шаҳнишиннинг орқасидан топилган махфий сандиқ-чи?

– Ҳа, айтмоқчи! – Қутлуғ Нигор хоним ўғлига юзланиб, овозини сирли тарзда пасайтирди:

– Бобуржон, сизга аталган буюк бир мерос топилди. Юринг, кўрсатай!

Қутлуғ Нигор хоним Бобурни ва қизини ўзи жойлашган нариги томондаги хонага бошлади. Бобур онаси билан ёнма-ён борар экан, унинг бўйи шу ўн ой ичида хийла ўсганини, Бобур тез улғайиб ўн олти ёшида девқомат, паҳлавон йигит бўлаётганини сезган Қутлуғ Нигор хоним ичида яратганга яна бир шукрона айтиб қўйди. Айвони Сирдарёга қараган баҳаво, кенг хонага кирдилар. Гиламлар, беқасам кўрпачалар тўшалган хонанинг тўрида силлиқ чарм қопланган сандиқ кўринди. Учовлари шу сандиққа яқинлашганларида Қутлуғ Нигор хоним Бобурга қараб деди:

– Эсингиздами, отангиз сизга «Бобокалонимиз Амир Темурдан қолган ноёб мерос бор, асраб-авайлаб юрибмен, катта бўлганингизда берурмен» дер эдилар?

– Ҳа, отам бизга соҳибқирон бобомиз ҳақида кўп ғаройиб ҳикоялар ҳам айтиб берганлар.

– Бобокалонларига ихлослари зўр эди-да. Вафотларидан кейин ўшал меросни Ахсидан изладим, тополмадим. Ўтган ҳафта Андижонда кўч йиғиштирган пайтимизда хонаи хоснинг деворига осилган туркман гиламини олсак, усти шувалган туйнукнинг изи кўринди... Туйнук орқасидаги махфий жойга мана шу сандиқ беркитилган экан!..

Қутлуғ Нигор хоним намоз ўқиган пайтидаги каби езгу бир товуш билан секин:

– Бисмиллоҳир роҳманир роҳийм! – деди-да сандиқни очди. Ундан нафис ипак матога ўралган олтин сопли қилични икки қўллаб олиб, ўғлига кўрсатди:

– Соҳибқирон Амир Темурнинг қиличлари!

Бобур қулоқларига ишонмай, кўзларини катта-катта очиб қиличга тикилди:

– Ростданми, а?

– Ёзувлари бор! Олинг, болам, ўқиб кўринг!

Қиличнинг қини енгил бир маъдан қотишмасидан қуйма қилиб ясалган, устидан олтин суви югуртирилган эди. Қиннинг юза томонига иккита йирик яшил зумрад тоши қадалган, уларнинг оралиғида чиройли хаттотлик ҳарфлари билан битилган арабча ёзув бор эди.

Бобур қилични онасининг қўлидан икки қўллаб олди-да, ёзувини кўзларига яқин келтириб ўқиди:

«Бизким, малики Турон, подшоҳи Туркистон Амир Темур Кўрагон фарзандимиз Мироншоҳ Мирзога Тўхтамиш билан муҳорибада кўрсатган жасорати учун ўз қиличларимиздан бирини инъом этдик».

Бобур бу қилич дастасига Амир Темурнинг қўли тегканини, балки Соҳибқирон уни жангларда ишга солганини кўз олдига келтириб ҳаяжонланиб кетди. Тўхтамишхон ва бошқа чингизийлар билан қилинган даҳшатли жанглар хаёлида гавдаланди.

– Қиличнинг ўзида ҳам битик бор, – деди паст товуш билан Хонзода бегим.

Бобур қиличнинг олтин сопидан секин тортиб, уни бир қарийча қинидан чиқарди. Шунда олмосдай ялтираган қисқа бир ёзув кўзига жилваланиб кўринди. Амир Темурнинг муҳридаги «Рости-расти», яъни «Куч – адолатдадир» деган сўзлар қиличнинг пўлатига қадама тарзида мустаҳкам қилиб битилган эди.

Бу қисқа сўзларни ўқиганда негадир Бобурнинг эти жимирлаб кетди, дилида қўзғалган кучли бир туғёндан энтикди, олмос ёзувни кўзларига суриб, ўпди.

Қилич унча оғир эмас эди. Бобур уни белига таққанда атрофидаги ҳамма нарса кўзига боягидан бошқача – алланечук сокин ва салобатли кўринди.

– Онажон, сиз менга янги бир руҳ ато қилдингиз!

– Бобокалонингизнинг руҳи сизга мададкор бўлсин, ўғлим! Бу қилични Мироншоҳ баҳодирдан сўнг отангизнинг оталари Султон Абусаъид баҳодир таққан эканлар. Иншоаллоҳ, сиз ҳам боболарингиздек баҳодир бўлғайсиз!

– Айтганингиз келсин!

– Худо раҳмати Абусаъид бобонгиз вафот этганларидан сўнг қолган мерослари ўғиллари орасида тақсим этилур. Катта ўғиллар олтин-у жавоҳир тўла сандиқларни талашиб олурлар. Аммо сизнинг жаннатмакон отангиз мана шу сандиқдаги қилич билан хотиротлар битилган дафтарларни афзал кўрурлар. Чунки бу хотиротларда Амир Темур ҳазратларининг кўрган-кечирганлари битилмишдир. Хонзода, қизим, сиз ўқиб кўрдингиз, шекилли?

– Ҳа, Соҳибқирон бобомиз йигитлик пайтларида чингизийлар ҳукмронлигига қарши чиққан эканлар. Эл-юрт Самарқандда Темурбекни ўз ҳукмдорлари, деб эълон қилган экан. Чингизийларни юртимиздан қувмоқчи бўлганлар кўп

экан. Бундан ғазабланган Туғлуқ Темурхон билан унинг ўғли Илёсхўжа Мўғулистондан эллик минг қўшин билан келиб, Темурбек тарафдорларини қирғин қилурлар. Темурбекнинг ўзи Қорақум, Қизилқум саҳроларида, Ҳисор-у Бадахшон тоғларида олти йил қувғинда юриб, куч тўплайдирлар. Бобур бу ҳодисалар ҳақида отасидан ҳам кўп мароқли ҳикоялар эшитганини эслади. Айниқса, Темурбекнинг суюкли ёш хотини Ўлжой Туркон оға билан энг оғир дамларда бирга бўлгани, гоҳо хотинини отига миндириб, ўзи қум саҳросида пиёда юрганлари ёш Бобурга кучли таъсир қилган эди.

Шуни биладиган Хонзода бегим инисига меҳри тобланиб тикилди:

– Сизда ҳам Соҳибқирон бобокалонингиздаги жўмардликдан бор, амирзодам! – деди. – Ўшдаги тажовуздан мени қутқарганингизни умрбод унутмагаймен! Бўлажак келинимиз Ойша бегимни сиз Самарқанддан ёғий асоратидан халос қилиб, бизга хайрихоҳ Тошкентга кузатиб қўйибсиз. Бу ҳам бир жўмардлик эмасми? Етти ой қамал азобини тортган самарқандликларга ошлиқ тарқатибсиз, уруғлиғи қолмаган деҳқонларга баҳорда уруғлиқ келтириб берибсиз. Бу ҳаммаси – дилингизда адолат туйғуси кучли эканидан далолатдир. Белингиздаги қиличга Соҳибқирон бобокалонингизнинг «Куч – адолатдадир» деган ҳикматлари бежиз битилмаган. Аҳмад Танбалнинг ўн минг аскари бўлгани учун у ҳозир «Мен кучлимен!» деб юрибдир. Аммо ёлғоннинг умри қисқа! Аҳмад Танбал Андижонни алдамчилик билан эгаллади, сизни «ўлди» деб овоза тарқатди. Сиз соғ-саломат қайтганингизни одамлар ҳадемай билурлар, Танбалнинг ёлғони фош бўлур. Унинг золимлигидан ҳамма безор бўладиган кунлар келур.

– Ана ўшал кунлар келгунча сабр-бардошли бўлинг, Бобуржон, – деди онаси. – Соҳибқирон бобонгиз мана шу Хўжандга ҳам неча бор келганлар. Сирдарёдан неча марта ўтганлар, вазият етилишини йиллар давомида кутганлар, ахийри адолат ғолиб чиққан кунларга етганлар. Сиз ҳам етурсиз, ишонинг!

– Ишондим, онажон! Сиз билан эгачим менинг дилимда ўчиб қолган умид чироқларини қайта ёндиргандай бўлдиларингиз. Минбаъд мен доим Соҳибқирон бобокалонимиздан сабоқ олиб иш тутгаймен!

Онаси инъом қилган буюк мерос чиндан ҳам Бобурнинг дилини равшан қилиб юборган эди. Улар келиб тушган боғда ўриклар оппоқ бўлиб гуллагани энди унинг кўзига ташланди. Дарё бўйидаги қалин чакалакзорда булбуллар басма-бас сайраётгани қулоғига чалинди. Айвонга чиққанда кечки шабада юзига ипакдай майин салқинлик берди.

2

Аммо бу масъуд дамлардан кейин келган кунлар, ойлар, ҳатто йиллар ломаконлик ва саргардонликда ўта бошлади. Соҳибқирон бобокалонидан сабоқ олиб яшашга аҳд қилган Бобур бунинг қанчалик қийин бўлишини ўз бошига оғир кунлар тушганда билди. У онаси инъом қилган сандиқдаги хотиротларни такрор-такрор ўқиб, Соҳибқирон бобосининг йигитлик пайтидаги исми билан хаёлида Темурбек деб аташга ўрганди. Темурбек йигирма беш ёшида Самарқанд ва Шаҳрисабздаги хонумонидан жудо бўлгани ва ота юртининг тўрт томонига бош уриб нажот излагани Бобурнинг ҳозирги аҳволини эслатарди. Тўғри, Темурбекка тажовуз қилган Илёсхўжа ва Амир Бекчиклар Аҳмад Танбалдан юз чандон қудратлироқ ва хатарлироқ эди. Улар Темурбекни тутиб олиб ўлдириш учун минглаб одамларни сафарбар этадилар. Ўлим хафви йиллар давомида Темурбек билан изма-из юради. Қорақум саҳросидан нарида Хива бўсағасида Темурбек олтмиш йигити билан минг кишилик ёв қуршовини қўлда қилич билан ёриб чиқиб, қутулиб кетади.

Энди ўн етти ёшга кираётган Бобур ҳали бундай даҳшатли хатарларга дуч келган эмас. Фақат ота юртидан айрилиб, ломакон бўлиб юргани ва Аҳмад Танбалга бас кела оладиган кучли қўшин йиғиш ниҳоятда мушкул бўлаётгани уни қийнайди. Бобурнинг ишонган одамлари яширинча Андижон-у Ахсига, Марғилон ва Ўшга бориб келмоқда. Хайрихоҳлар кўп, аммо юрак ютиб майдонга чиқадиганлар кам. Бобурнинг ўзи ҳам бу ёғи Исфара ва Конибодомга, у ёғи Зомин ва Жиззахгача, жанубда Ўратепа, шимолда Тошкентгача ҳамма жойга бир неча марта бориб келди. Бир ярим йилдан бери қишни қиш, ёзни ёз демай йўл босди. Сирдарёдан қайта-қайта сузиб ўтди. Қишда музни тешиб чўмилган пайтлари бўлди. Унинг ўзига ўхшаб чиниққан йигитлари Темурбекнинг Ҳисор тоғларида,

афсонавий ғорларда яшаб тобланган йигитларини эслатади. Бироқ навкар-у сардорлари билан бир жойда узоқ вақт меҳмон бўлиб туришга юзи чидамайди. Чунки ҳафталар, ойлар давомида юзлаб одамларга овқат, отларга емиш топиб бериш мезбонларга жуда оғир тушишини сезади. Шунинг учун онаси ва эгачисини Хўжанддан Ўратепага, холаси Хуб Нигор хонимнинг уйларига келтириб қўйди. Ўзи уч юзга яқин бек-у навкарлари билан жанубдаги тоғларга чиқиб кетди. Овчи деб аталадиган бир қишлоқ яқинига чодир ва ўтовлар тикишиб, анча вақт ов ўлжалари билан рўзғор тебратишди.

Овчи қишлоғига тор бир дарадан ўтиб борилади. Даранинг тубидан одамни оқизадиган катта сув ҳайқириб оқади. Сув бўйида беш қаватли уйдай бир баҳайбат қоятош осмонга бўй чўзиб туради.

Бобур шу қоятошнинг устини текислатиб, чодир ўрнатгирган. Овдан бўшаган пайтларида чодирда ўтириб китоб ўқийди, хотира дафтарига кўрган-кечирганларини ёзади, шеър машқ қилади.

Бир кун шу чодирда Бобур Мирзо Улуғбекнинг «Тарихи арбаа улус»[1] китобини ўқиб ўтирганда, даранинг нариги четидан бир отлиқ одам жадаллаб келаётганига кўзи тушди. Оти терга ботган бу отлиқ Марғилондан келган чопар йигит эди. У Бобур қаршисида тиз чўкиб арзини айтди:

– Амирзодам, мени Марғилон доруғаси Али Дўстбек тоғойингиз юбордилар.

– Бизга хиёнат қилиб, Андижонни Танбалга яширинча топширган тоғойимизми?

– Ҳа, тоғойингиз бу қилган ишларидан ҳозир минг пушаймонлар. Аҳмад Танбал унинг уйларига бостириб келиб, яхши кўрган қизларини зўравонлик билан ҳарамига олиб кетибдир. Мол-мулкини талатибдир!

– Қасос қайтар экан-да! – деди Қосимбек. – Дўстбекнинг ўзи Андижонда бизнинг мол-мулкимизни талатган эди.

– Жаноб амирал умаро, Танбалнинг амалдор-у солиқчилари ҳам жабр-зулмни ҳаддидан ошириб юборди. Эл-юрт уларга қарши исён кўтарадиган бўлиб турибдир. Айниқса, марғилонликлар ҳозир жўш-у хурўшга келган. «Бобур мирзо келсалар қўрғон дарвозаларини очиб бергаймиз!» деб, тоғойингиз мени ҳузурингизга юбордилар.

[1] Тарихи арбаа улус – тўрт улус тарихи демакдир.

– Тоғойимиз Танбал билан тил бириктириб, бизни унга тутиб берсалар-чи?!

– Тепамизда Худо турибдир, амирзодам! – деб чопар қасам ичди. – Ҳазрат момонгиз Эсон Давлат бегим Али Дўстбекка яқин қариндош эканлар. Момонгиз яқинда Марғилонга борибдилар.

– Сиз момомни ўша ерда кўрдингизми?

– Ҳа, маслаҳатларини ҳам олдим. «Али Дўстбек билан Танбалнинг ёвлашгани рост!» дедилар. Момонгиз сизга салом айтдилар, «Тезроқ етиб келсинлар!» деб тайинладилар. Бобур энди ҳаяжон билан ўрнидан кўтарилди:

– Жаноб Қосимбек, таваккал қилайлик! Одамларга буюринг. Дарҳол кўч йиғиштирсинлар!

Ўша куни қоронғи тушгунча барча ўтовлар қатори Бобурнинг қоятош[1] устидаги чодири ҳам йиғиштириб олинди. Туни билан йўл юриб, саҳар палла Хўжанддан берида бир-икки соат дам олдилар-да, яна йўлга тушдилар. Тўрт кунлик йўлни бир ярим кунда шитоб билан босиб ўтдилар. Марғилондан берида Исфайрамсой шовуллаб оқмоқда. Саҳар палла эди. Сой бўйида бирпас тўхтадилар. Бобур сой сувидан таҳорат олиб, икки ракат намоз ўқиди. Жойнамоз устида ўтириб, Соҳибқирон бобокалонига бағишлаб тиловат қилди, улуғ аждодлар руҳидан мадад сўраб, юзига фотиҳа тортди. Сўнг тонг қоронғусида Марғилон қўрғонининг ёпиқ дарвозаси олдига келдилар.

Али Дўстбек дарвоза қоровулхонасида уларни кутиб ўтирган экан. Дарвозани тўрт енлик очиб, қўрқа-писа Бобурга мурожаат қилди:

– Амирзодам, Андижонда қилган гуноҳларим учун афв сўраймен! Танбал ҳаммамизни алдаган экан!

– Минбаъд садоқат сақлай олурмисиз?! – шиддат билан сўради Бобур.

– Қуръони карим олдида сўз берурмен, умрбод содиқ қулингиз бўлурмен, амирзодам! Фақат мени иноятларингиздан маҳрум қилмасангиз, бас!

– Иноятлар истаганингиздан ҳам зиёда бўлғусидир. Очинг, дарвозани!

---

[1] Овчи қишлоғи ва ундан пастроқдаги қоятош ҳозир ҳам бор. Ўша жойнинг туркийзабон аҳолиси бу қоятошни «Бобуртош» дейди, тожикзабон аҳолиси эса уни «Санги Бобурхон» деб атайди.

Бу буйруқни Али Дўстбек дарҳол адо этди. Бобур фонус ёруғи тушиб турган дарвозахонага кирганда Али Дўстбек ўзини унинг оёғи тагига ташлаб юкунди. Бобур уни қўлтиғидан олиб турғизди:

– Маъзурсиз! Танбалнинг содиқ одамлари бўлса, ҳозир уйқуда тутдирмоқ керак!

– Унинг талончилари ухлаб ётган жойларини билурмен!

– Жаноб Қосимбек, бизнинг навкарларимизга сиз бош бўлинг!

* * *

Тонг ёришганда Марғилон кўчаларида отлиқ жарчилар Бобур мирзонинг қайтиб келганини эълон қилдилар. Танбалнинг кўпчилик одамлари қуролсизлантирилгани ҳам шаҳарликларга маълум бўлди. Бутун Марғилон аҳли оёққа қалқди. Шаҳар аъёнлари Бобур келиб тушган кўшкка бориб, уни ғалаба билан қутладилар. Бозорларда Танбал солиқчилари учраб қолса, одамлар уларни таёқ билан уриб, шаҳардан қувдилар. Маҳаллаларда нақоралар, карнай-сурнайлар янгради.

Қосимбек Бобур мирзо номидан дошқозонларда палов дамлатиб, минглаб одамларга ош улашди. Кечагина Танбал зулмидан мотамсаро аҳволга тушган Марғилон бугун Бобур мирзо қайтгани туфайли байрам тусини олди. Бу ҳодиса кўп ўтмай Андижон, Ахси ва Ўшларга ҳам маълум бўлди. Бобур мирзонинг пинжига кириб олган Али Дўстбек Қосимбекнинг ўрнига соҳибихтиёр эшикоға бўлиш ниятида эди. У Бобурни холи топиб, гапнинг учини чиқарди:

– Амирзодам, кутганимдан ҳам ортиқ иноятлар қилмоқчи эдингиз...

– Марғилон доруғалиғи сизга етарли эмасми?

– Доруғаликни менга Танбал берган эди. Энди бундан каттароқ иноятни сиздан кутмоқдамен.

– Қани, Андижон-у Ўшлар ҳам бизга қайта насиб қилса. Кейин ўйлаб кўрурмиз.

– Иттифоқо, Ўшдан Қамбарбек келди. Ўшликлар ҳам сизга мунтазир эмишлар.

– Аммо ҳозир Андижондан ёмон хабар олдик. Аҳмад Танбал катта қўшин тўплаб Марғилон томонга бостириб келмоқда.

– Ундай бўлса, Ўшга Қосимбек сиздан вакил бўлиб борсин. Ўзганга ҳам ўтиб, тарафдорларингизни ишга солсин!

Айёр Али Дўстбек шундай нозик пайтда Қосимбекни Бобурдан узоқлаштириб, соҳибихтиёр эшикоға вазифасини ўзи бошқармоқчи эди. Лекин Бобур барча машаққатларни бирга бошдан кечирган қадрдони Қосимбекдан ажралгиси келмади.

– Жаноб Дўстбек, Танбалдай ёғий бостириб келаётган пайтда кўпни кўрган Қосимбек ёнимизда бўлмоғи керак. Ўшга бошқа беку навкарларни юборгаймиз.

Сўзи ерда қолган Али Дўстбек қовоғини солиб, тўмтайиб қолди.

Қосимбекнинг ўз одамлари билан Марғилонда қолгани яхши бўлган экан. Танбал Андижондан катта қўшин билан Марғилонга ҳужум қилиб келганда, барча кучлар бирлашиб ҳимояга чиқдилар. Марғилондаги беку навкарлар қўрғондан ташқаридаги маҳаллалар ва қишлоқлардан йиғилган минглаб ботир йигитлар ёрдамида Танбал қўшинини улоқтириб ташладилар.

Бу орада қуваликлар Танбалга орқадан зарба бердилар. Ўш ва Ўзган халқи ҳам Танбалга қарши исён кўтариб, Бобурга кўмак юборди. Тўрт томонидан ўт кетган Танбал тезроқ Андижон қўрғонига қайтиб бориб жон сақламоқчи бўлди.

У Андижонга Носирбек деган кишини доруға тайинлаб келган эди. Аҳмад Танбал Марғилонда Бобурдан енгилиб, талвасага тушиб келаётганини эшитган андижонликлар Носирбекнинг қароргоҳини ўраб олдилар. Тўрт тарафдан ҳайқириқ ва хитоблар эшитила бошлади:

– Аҳмад Танбал даф бўлсин!

– Дарвозадан киритилмасин бу золим!

– Бобур мирзога одам юборинг, туғилган юртиға тезроқ қайтсин!

– Тўйдик чингизийлардан! Бобур келсин!

– Агар доруға яна Танбалга ён босса, қўрғон дарвозаларини биз ўзимиз Бобур мирзога очиб бергаймиз!

Тошган дарёдай тўлқинланаётган бир неча минг кишилик издиҳом Носирбекни қўрқитиб юборди:

– Халойиқ! Тинчланинг! Менга қулоқ солинг! Ораларингизда мўйсафидлар бор! Мана, менинг ёнимда Шайхулислом жаноблари турибдилар. Мўйсафидлар жоме масжидига борсинлар! Қуролланган йигитлар бизга ёрдамга келсинлар. Дарвозаларни дарҳол бекитгаймиз. Танбални Андижонга киритмагаймиз. Жума намозида Бобур мирзонинг номини хутбага қўшиб ўқигаймиз! Кейин бунинг хабарини мўътабар одамлар орқали

Бобур мирзога етказгаймиз. Токи ул зоти олий Андижонга иззат-икром билан қайтиб келсинлар. Шунга розимисизлар?

Бу режа амалга ошди-ю, эртаси куни андижонликлар Бобур мирзони қўрғон дарвозаси олдида карнай ва нақоралар чалиб кутиб олдилар. У миниб келаётган гулибодом отнинг оёғи тагига гилам пояндозлар тўшадилар. Бобур шодликдан кўзлари ёшланиб, ёнида келаётган Қосимбекка сўз қотди:

– Эл-юртда адолат бор экан-а!

– Ҳа, меҳр-у оқибат ҳам кучли экан. Фақат юзага чиқиши осон бўлмас экан!

– Шукр, масъуд кунларга етишдик!

* * *

Шу тарзда Андижондан қувилган Аҳмад Танбал қолган-қутган одамлари ва кўч-кўрони билан Ахсига йўл олди. Бироқ Ахсида ҳам Танбалга қарши исён кўтарилган, Бобур тарафдорлари қўрғон дарвозаларини эгаллашган. Танбалга садоқат сақлаб турган Ахси доруғаси Узун Ҳасан аркка кириб бекинган эди.

Бобур ва Қосимбекнинг қўшини сўнгги вақтларда беш мингдан ҳам ошиб кетди. Улар Андижонда кўп тўхтамай, Банди Солор йўли билан Ахсига етиб бордилар ва аркдаги Узун Ҳасанни асир олдилар.

Бу хабарни эшитган Аҳмад Танбал мустаҳкам қўрғонлардан бири бўлган Попга қараб чекинди. Аммо у етиб боргунича Бобур тарафдорлари Поп қўрғонини ҳам беркитиб, Аҳмад Танбални дарвозадан киргизмай қувдилар.

Аҳмад Танбал Ғова орқали Чотқол тоғларига қараб чекинди. Унинг сўнгги умиди – катта акаси Тилба Султондан ва Тошкент хони Маҳмудхондан эди. Тилба Султон хон саройида сўзи ўтадиган эшикоға эканини Бобур биларди. Аҳмад Танбал Фарғона водийсини талон-торож қилиб орттирган бойликларидан катта бир қисмини Оҳангарон орқали Тошкентга, Маҳмудхонга совға қилиб юборгани ҳам хуфиялар маълумотидан маълум эди. Лекин Маҳмудхон – Қутлуғ Нигор хонимнинг акаси бўлатуриб, жияни Бобурнинг ашаддий душмани Аҳмад Танбалга ён босиши мумкин эмасдай туюларди. Шунинг учун Бобур қўшини Аҳмад Танбални Чотқол тоғи этагигача таъқиб этиб борди.

Кун совуқ, йўллар тойғоқ. Кечки пайт Танбал беш юзтача аскари билан Архиён деган жойдаги қўрғонга кириб

бекинди. Бу қўрғон деворларига шоти қўйиб ошиб ўтиш мумкин эди.

– Кеч киряпти, қоронғи тушмасдан тезроқ ҳаракат қилайлик! – деди Бобур. Аммо шотиларни ўн чақиримча беридаги Ғазнайи Намангандан келтиргунларича ғира-шира қоронғи тушди. Кечки изғиринда оғиздан чиққан ҳовур узоқдан кўзга ташланади, навкарларнинг қўли қовушмайди, гапирганда лаблари ҳам қийинлик билан ҳаракатланади.

– Амирзодам, – деб Али Дўстбек Бобурга арз қилди: – Қоронғи тушиб қолди, ёвни ўзимизникилардан ажратиш қийин бўлғай. Қамални эрталабдан бошлайлик.

– Унгача Танбал қочиб кетса-чи? – сўради Бобур.

– Қочиб қаёққа боргай? Нарёғи тоғ, довон бекилган! Танбалнинг акаси Тилба Султон Арчакент довони орқали инисининг олдига келиб кетибди-ку! – деди Қосимбек.

– Не бўлганда ҳам, энди Танбал иликка тушмоғи керак! – деди Бобур. – Архиён қўрғони атрофига чодирлар тикдиринг! Минг киши туни билан қоровуллик қилсин! Эртадан беш минг киши билан деворга шотиларни қўйиб ҳамла қилурмиз!

– Бош устига! – деб Али Дўстбек бу фармонни бажаришга киришди.

Қосимбек Бобур учун шу атрофнинг энг обод ва кўркам жойи бўлган Ғазнайи Наманганда қароргоҳ тайёрлата бошлади.

ТОШКЕНТ. НАМАНГАН. АНДИЖОН

ЧИНГИЗИЙЛАР ЯНА ҲУКМРОН БЎЛМОҚЧИ

1

Қирчиллама қишда самур[1] пўстин ва қундуз телпак кийган Маҳмудхон хонайи хосда эшикоға Тилба Султон билан яккама-якка суҳбатлашмоқда. Осмонни қуюқ булут қоплаган. Кундуз куни бўлишига қарамай, хонайи хосдаги қандилларда шамлар липиллаб ёнмоқда. Маҳмудхон шам ёруғида Тилба Султоннинг юзига тикилиб қаради-ю, унинг озиб кетганини пайқади. Одоб билан чўкка тушиб ўтирган

[1] С а м у р – собол, сувсар.

Тилба Султон хонга томон қаддини букиб, қўлини кўксига қўйиб сўзламоқда:

– Шу совуқ кунларда довон ошиб Фарғона водийсига икки марта бориб келдим, хон ҳазратлари. Арчакент довони пастроқ экан, ундан ошиб ўтиб, Косонсойга қишда ҳам борса бўлар экан.

Қорли довонлардан қайта-қайта ошиб ўтиш осон бўлмагани Тилба Султоннинг совуқда қорайиб кетган кўсанамо юзидан, қалин лабларининг у ер-бу ерини изғирин ёриб юборганидан билиниб турарди:

– Иним Аҳмадбек бутун нажотни сиздан кутмоқда, хон ҳазратлари! Ахир сиз бугунги Чиғатой улусининг энг қудратли ҳукмдорисиз. Бизнинг етти пуштимиз Чингизхон наслига содиқ хизмат қилиб келмоқда. Ўзимиз ҳам аслан ҳазрати Чиғатойхоннинг қиз авлодларидан туғилганимиз сизга маълумдир.

– Рост, сиз билан бизнинг узоқ қариндошчилигимиз бор. Шунинг учун иним Аҳмадбек Фарғона водийсини Бобурга эмас, сизга топширмоқчи!

– Аммо Бобур ҳам бизга жиян-да.

– Хон ҳазратлари, бу жияннинг сизга бирон фойдаси теккани йўқ! Отаси Умаршайх мирзо сиздан Тошкентни тортиб олмоқчи бўлиб қанча урушлар қилди? Пайтини топса, Бобур ҳам сизга қарши қилич яланғочлагай!

– Унчалик эмасдир, жаноб вазир. Бобур Тошкентга келганда жуда одобли, меҳру оқибатли кўринган эди.

– Ташқи кўринишдан шундайдир. Аммо қилаётган ишлари батамом сизга қарши! Мен буни ўзим бориб кўрдим, ел-юрт орасида айтган гапларини ўз қулоғим билан эшитдим, хон ҳазратлари!

Тилба Султон ёлғонни ҳам ростдай қилиб гапиришга уста эди. У Бобур айтмаган сўзларни ичидан тўқиб чиқара бошлади:

– Бобурнинг ўзи ҳам, тарафдорлари ҳам чингизийларни «жете»[1] деб камситади. «Йўқолсин чингизийлар! Фарғона водийси темурийлар мулкидир! Жетеларни қир!» деган бақириқларни Фарғона водийсининг кўп жойларида мен ўзим эшитдим!

– Наҳотки Бобур бизга жиян бўлатуриб шундай гапларни айтса?!

[1] Ж е т е – боскинчи, талончи демакдир.

– Айтиш ҳам гапми?! Бобур Амир Темурнинг қиличини тақиб олган. Бу қилични Тўхтамишхон тор-мор бўлган пайтларда Темурбек ўғли Мироншоҳга инъом қилган экан. Энди Бобур бошқа чингизийларни ҳам худди Тўхтамишга ўхшатиб шу қилич билан тор-мор қилмоқчи эмиш! Маҳмудхон аччиқ истеҳзо билан кулди:

– Бу ҳаммаси бекорчи хомхаёл! Темурийлар Чиғатой улусида юз йилдан ортиқ ҳукм сургани етар! Энди уларнинг даври тугади! Бир йилда катта ёшлик, тажрибали темурийлардан учтаси кетма-кет оламдан ўтди. Яна Бойсунқур мирзо деганини Ҳисорда Хисравшоҳ ўлдириб, тахтини эгаллади. Бухорода Султон али мирзо деган бўш-баёв бир ўсмир ҳукмрон эди. Шайбонийхон Бухорони осонгина ундан тортиб олди.

– Шайбонийхонга сиз ёрдам бердингиз-да, хон ҳазратлари! Бу одам аввал темурийзода Султон Аҳмад мирзо хизматида уч юзтагина навкари билан понсад даражасида хизмат қилиб юрган эди.

– Ёрдам бердик, чунки Шайбонийхон билан илдизимиз бир. Биз соҳибқирони аъзам, хоқони муаззам Чингизхоннинг ўртанча ўғли Чиғатойхондан тарқаган хонлармиз. Шайбонийхон Чингизхоннинг катта ўғли Жўжихондан тарқаган хонлар авлодидандир. Буни билурмисиз?

– Яхши билурмен, хон ҳазратлари. Аммо Жўжихоннинг ўғли Ботухон Чиғатой улусини Олтин Ўрдага бўйсундирмоқчи бўлиб, сизнинг боболарингизга кўп жабру ситамлар ўтказган! Қанча-қанча чиғатойларни Ботухон бегуноҳ ясоққа етказган!

– Лекин Шайбонийхон Ботухон авлодидан эмас, Шайбон улусидандир, шуни унутманг, жаноб вазир! Шайбон Жўжихоннинг бешинчи ўғли бўлган, Ботухонга қарши турган.

– Бунисини билурмен, хон ҳазратлари. Шайбон улуси Ёйиқ билан Иртиш дарёлари орасидаги яйловларда кўчиб юрган. Шайбонийхоннинг невара-чевараларидан бири Абулхайрхон номи билан шуҳрат қозонган. Ҳозирги Муҳаммад Шайбонийхон ана ўша Абулхайрхоннинг невараси экан. Отаси Шоҳбудоқ султон хонлик маснадига етишолмай ўлиб кетган.

– Ҳа, рост, Шайбонийхоннинг асли оти Шоҳбахт экан. Уни болалигида Абулхайрхон ўзи тарбиялаган экан. Бобоси ўлгандан кейин алғов-далғов бошланиб, Шоҳбахтхон кўп азоб тортади. Ахийри Дашти Қипчоқдан Бухорога кўчиб келиб, жон сақлайди.

– Тасанно, хон ҳазратлари! Бухорода темурийлар хизматида бир бек бўлиб юрган Шоҳбахтхон сизнинг кўмагингизда қаддини тиклаб, кимсан, Шайбонийхон бўлди-я![1]

– Лекин Шайбонийнинг ўзи ҳам калласи яхши ишлайдиган, пишиқ, довюрак одам экан-да. Чирчиқ дарёси бўйидаги жангда жонини гаровга қўйиб бизга қандай кўмак бергани ёдингиздами?

– Нега ёдимда бўлмасин, хон ҳазратлари? Ўзим кечаси дарё бўйларига бориб воситалик қилган эдим-ку.

Хон билан вазир икковлари учун ҳам ёқимли бўлган ўша воқеаларнинг тафсилотларини эслаб кетдилар.

Бу воқеаларнинг орасида қуда-андачиликнинг алоҳида ўрни бор эди. Маҳмудхоннинг отаси Юнусхон бир эмас, уч қизини ака-ука темурийларга узатган эди. Улардан ўртанчаси Аҳмад мирзо – Самарқанд подшоси, иккинчи куёв – Маҳмуд мирзо – Ҳисор ҳукмдори, учинчи куёв – Умаршайх мирзо – Фарғона тождори. Хонлар удумига биноан, Юнусхон ҳар бир қизига мингдан ортиқ мўғул беклари, навкарлари, каниз ва хизматкорларидан қўшиб юборган эди. Улар куёвнинг даргоҳига ўрнашиб, келиннинг хизматини қилишар, айни вақтда, темурийларнинг ички ишларига аралашиб, уларнинг ораларида низо чиқишига сабаб бўлар эдилар.

Ана шу тарзда чиққан низолар туфайли Аҳмад ва Умаршайх мирзолар бир-бирлари билан Тошкентни талашиб кўп урушдилар. Қайноталари Юнусхон уларни яраштириш баҳонаси билан Мўғулистондан Тошкентга келиб-кетиб юрди, ахийри бу шаҳарга ўрнашиб олди. Юнусхоннинг вафотидан сўнг, унинг катта ўғли Маҳмудхон Тошкентни бутунлай мўғул хонларининг қароргоҳига айлантирди.

Чингизийлар ҳукмронлигининг қайта тикланиши кўпчилик туронликларни норози қилмоқда эди. Самарқанд подшоси Аҳмад мирзо шу норозилар орасидан олтмиш минг қўшин тўплаб, Тошкент бўсағасида, Чирчиқ дарёси бўйида ҳал қилувчи жангга тайёрлана бошлади. Жанг арафасида Шайбонийхоннинг уч юз кишилик навкарларига Бухоро ҳокими Абдуали Тархон бошчилигида жуда масъулиятли вазифа юкланди. Уларга қўшин марказида бўлиш ва Аҳмад мирзонинг туғларини, байроқдорини қўриқлаш топширилди.

[1] Шайбонийхон ва Маҳмудхон муносабатлари Мирзо Муҳаммад Ҳайдарнинг «Тарихи Рашидий» китобида келтирилган.

Ўттиз олти ёшли Шайбонийхон жанг пайтида байроқ ва туғлар қанчалик улкан аҳамият касб этишини яхши биларди. Унинг дили – ўзи мансуб бўлган сулоланинг вакили Маҳмудхон томонида эди. Жанг арафасида Шайбонийхон ишончли бир хуфиясини Маҳмудхон қароргоҳига яширинча жўнатди. Бу хуфияга қуйидаги гапни айтиб юборди: «Мен ҳам Чингизхон наслиданмен, темурийларнинг ички сирларини билурмен, агар Маҳмудхон ҳазратлари лозим кўрсалар, кечаси яширинча Чирчиқ бўйига келсинлар, мен бу томондан ўтиб борурмен, эртанги жангда хонга ғалаба келтирадиган бир режанинг маслаҳатини қилурмиз».

Бу хуфиянинг гапи тайинли эканини тафтиш қилиб билган эшикоға Тилба Султон уни Маҳмудхон билан учраштирди. Сўнг Тилба Султон билан Маҳмудхон ярим тунда дарё бўйига Шайбонийхон тайин этган жойга бордилар. Шайбонийхон дадил йигит экан, отни ҳам оқизадиган Чирчиқ дарёсидан кечаси сузиб ўтиб келди.

– Аҳмад мирзо ношуд саркарда, – деди у Маҳмудхонга. – Унинг ишонган амири Абдуали Тархон эртага бўладиган жангда марказга – ғулга тайин бўлди. Подшо ҳам, унинг туғлари, байроқдори ҳам ғулда бўлур. Сиз қўшинингизни дарё қирғоғидан орқароққа олиб, гўё чекингандай бўлсангиз. Улар дарёдан ўтгунча, ҳаммалари ҳўл бўлиб сафлари анча-мунча тўзғийдир. Шунда мен уч юз навкарим билан уларнинг байроқдорларини уриб йиқитиб, сиз томонга қочиб ўтгаймен. Байроқ ерга тушиб оёқости бўлдими, қўшин енгилган ҳисобланган! Шунда сиз ҳужумни кучайтирурсиз. Мен ҳам навкарларим билан сизлар томонда Аҳмад мирзога қарши жанг қилгаймен. Ёғийнинг орқасида тошқин дарё. Қочганларининг аллақанчаси сувга чўкиб ҳалок бўлур. Шайбонийхоннинг бу режаси Маҳмудхонга маъқул тушди. Эртаси куни жангда ўша режага амал қилган Маҳмудхон Аҳмад мирзо устидан ғалаба қозонди. Шундан кейин Маҳмудхон дадилланиб, Ўратепани ҳам Аҳмад мирзодан тортиб олди-да, у ерга ўзининг қадрдони бўлган мўғул-дуғлат амири Муҳаммад Ҳусайнни ҳоким қилиб қўйди. Чирчиқ бўйидаги жангда катта хизмат кўрсатган Шоҳбахт – Шайбонийхон Маҳмудхондан мукофот кутмоқда эди. Маҳмудхон уни ўз ҳузурига чақириб шундай деди:

– Туркистон шаҳри ҳамон темурийлар илкида. Ҳолбуки биз, чингизийлар, бу жойларни Чиғатойхондан мерос олган эдик!

– Хон ҳазратлари, менинг бобом Абулхайрхон ҳам Туркистон шаҳрини ўзига мулк қилган эди.

– Чунки пўлат варақка битилган аҳдномага биноан, хонлик маснадига фақат Чингизхон авлодлари муносиб кўрилган. Темурнинг бобокалони Қорачор нуён бу аҳдномага имзо чеккан, илоҳий тангри олдида хонлик даъвосидан воз кечган. Доим хонлар хизматида лашкарбоши амир бўлиб хизмат қилишга сўз берган. Амир Темур ҳам ўзини хон деб атамаган-ку!

– Ўзини хон деб атамаган-у, лекин хонларни қўғирчоқ қилиб ўйнатган! – деди Шайбонийхон алам билан. – Чингизхон наслидан бўлган Суюрғатмишхон, Маҳмудхон деганларни хўжакўрсинга оқ кигизга солиб хон кўтарган. Аслида бу хонлар унинг хизматини қилган. Фақат Тўхтамишхон Темур билан дадил олишган, аммо омади келмай енгилган. Олтин Ўрда ер билан яксон қилинган. Темур Мўғулистон хонларига қарши бир эмас, етти марта юриш қилиб, Чингизхон авлодларини Чиғатой улусидан бутунлай сиқиб чиқарди. Унинг ўғли Шоҳрух билан невараси Улуғбек чингизийларни Туронга йўлатмай қўйди. Мана енди, орадан юз йил ўтгандан кейин темурийлар давлати парчаланиб, ўзаро урушлардан батамом заифлашди-ю, сизу бизга омад келди.

– Гапингиз тўғри, жаноб Шоҳбахтхон, Чиғатой улусидан темурийларни сиқиб чиқариб, чингизийлар ҳукмронлигини қайта тиклаш сиз билан бизнинг зиммамизга тушадир. Сайраму Туркистонлар ҳам икки юз йил давомида чингизийлар тасарруфида бўлган. Кейин Амир Темур Яссавий мақбарасини қуриб, бу ерларга эга бўлиб олди. Ҳозир ҳам Туркистон темурийларга садоқат сақлаб турибдир. Мен сизга уч минг кишилик сара қўшин берай. Бобонгиз Абулхайрхоннинг мулкини темурийлардан қайтариб олинг!

– Миннатдормен, хон ҳазратлари! Туркистонни темурийлардан тортиб олиб, сизнинг давлатингиз таркибига қўшиш – менинг орзуимдир! Сиз барча чингизийларга раҳнамо бўлгайсиз! Менинг эзгу ниятим – сизнинг йўлбошчилигингизда чингизийларнинг улуғ салтанатини қайта тикламоқдир!

– Мана бу ният – таҳсинга сазовор, жаноб Шоҳбахтхон. Аммо замонлар ўзгарди. Сиз билан биз ҳам Чингизхон авридаги мўғуллар эмасмиз. Исломни қабул қилдик. Туркий тил – она тилимизга айланди. Мана, сиз мадрасада ўқидингиз. Биз ҳам форсча, арабча ўргандик. Кийим-кечак, озиқ-

овқат, уй тутиш, ҳаёт тарзи – ҳаммаси ўтроқ туркий аҳолиникидан фарқ қилмагани яхши бўлди. Чунки бу ҳаммаси бизнинг Туронзаминга отган янги илдизларимизга айланди.

– Аммо ўқилдизимиз – Чингизхон наслидан эканлигимиздир! – гап қўшди Шоҳбахтхон.

– Ҳа, ана шу ўқилдизни маҳкам тутинг, аммо Туронзаминга отган янги илдизларингиздан ҳам озиқланинг!

– Менинг дилимдаги гапни айтдингиз, хон ҳазратлари. Мен ўз атрофимга Турондан ҳам, Дашти Қипчоқдан ҳам барча турк-мўғул қавмларни йиғмоқдамен. Буларнинг бири қипчоқ, бири найман, бири қўнғирот, бири жалойир, аммо ҳаммаларини «ўзига-ўзи бек – ўзбек» деган чиройли ном билан атасам, кўпчилигига маъқул тушди. Ораларида Қуръонни менчалик яхши қироат қиладиган имомлари йўқ. Шунинг учун ҳаммалари мени «Имоми замон!» деб тан олурлар!

– Кўпчиликнинг бошини қовуштириш учун нимаики зарур бўлса, ҳаммасини қилинг. Энг муҳими, аҳилликдадир. Ўзаро урушлар темурийларнинг бошига етмоқда. Сиз билан биз бир ёқадан бош чиқарсак, Ислом байроғини темурийлардан кўра баландроқ кўтарсак, барча мусулмонлар бизга эргашгай!

– Тўғри айтдингиз, ҳазратим! Ҳозир бобокалонимиз Чингизхоннинг мафкураси билан иш юритиб бўлмагай! Энди фақат исломнинг сунний мазҳаби бизга мос келур.

Маҳмудхон Шайбонийхоннинг бу фикрини ҳам маъқул кўрди. Уларнинг маслакдош эканликлари, айниқса, Шайбонийхонга қўл келди. Маҳмудхоннинг ёрдами билан Шайбонийхон аввал Туркистонни, сўнг Бухорони ношуд темурийзода Султон Али мирзодан тортиб олди. Вазият етилиши билан Шайбонийхон Самарқандни ҳам эгаллайди. Унинг ҳомийси Маҳмудхон бундан мамнун.

Шайбонийхонга раҳнамо бўлиб бутун Туронда, ундан сўнг Хуросону Эронларда ҳам Чингизхон авлодларининг шону шуҳратини, давлату ҳокимиятини қайта тиклаш Маҳмудхоннинг энг улкан орзусидир. Буни яхши биладиган Тилба Султон:

– Илоҳим, ана шу орзуингиз тезроқ рўёбга чиқсин, хон ҳазратлари! – деб тилёғламалик қила бошлади. – Сиз Соҳибқирони аъзам Чингизхоннинг даҳосини мерос олгансиз. Она томондан Искандар Зулқарнайн авлодларидан экансиз! Муҳтарама волидангиз Шоҳбегим менга сўзлаб бердилар.

– Ҳа, она томондан бобомиз Шоҳ Муҳаммад ҳазратлари буюк юнон подшоси Искандар Зулқарнайннинг Помирда қолиб кетган авлодларидан эканлар. Раҳматли отамиз Юнусхон Шоҳ Муҳаммад ҳазратлари билан Бадахшонда танишган эканлар.

– Қаранг, хон ҳазратлари, Худо суйган бандасига қўша-қўша қилиб берар экан-да! Ҳали келажакда Бадахшон ҳам сизга мерос бўлиб қолғай. Тошкенту Андижону Фарғоналар сизга буюк Чингизхондан меросдир. Иним Аҳмадбек Фарғона водийсида орттирган бойлигини тўққиз туяга юклаб, сизга инъом қилиб юборгани шу боисдандир. Олтину жавоҳир, кимхобу атлас...

– Кўрдим! Аҳмадбекнинг саховати дуруст. Лекин у ҳалигача норасида бир темурийзода Жаҳонгир мирзо хизматида юргани ғалати.

– Бу ҳаммаси ноилождикдан, хон ҳазратлари. Қани эди, сиз катта ўғлингиз Хоникахонни иним Аҳмадбекка ёрдамга юборсангиз. Биргалашиб темурийзодаларни даф қилсак. Ана унда Фарғона водийси сизнинг ўғлингизга тобе бўлғай. Аҳмадбек то ўлгунча сизгаю, ўғлингизга содиқ хизмат қилғай.

– Мана бу режа ҳақида ўйлаб кўрсак бўлади, – деди Маҳмудхон. – Бобурга авом халқ тарафдор бўлиб исён кўтаргани, бизнинг одамларни водийнинг шаҳару қишлоқларидан қувиб чиқаргани менга ёқмайди!

– Сиз минг бора ҳақсиз, хон ҳазратлари! Менинг иним Аҳмадбек ўша авомларнинг йўлини тўсиб турибдир. Агар Аҳмадбек мағлуб бўлса, бу исёнлар шундай тоғдан ошиб, Тошкентга етиб келиши муқаррар! Бу ерда ҳам темурийлар даврини қўмсаб юрган аламзадалар оз эмас. Буни хуфиялар ахборотидан ҳам билурсиз. Худо кўрсатмасин, агар ичкарида пусиб ётган ғанимларингиз бош кўтарса, нарёқдан Бобур Амир Темурнинг қиличини яланғочлаб келса...

– Йўқ-йўқ, бунга мутлақо йўл қўймаслигимиз керак! Айтинг-чи, Аҳмадбек Фарғона водийсини бизнинг давлатимиз таркибига қўшмоқчи экани шунчаки гапми ёки асоси борми?

– Асоси бор! Мана, Аҳмадбек ўз илки билан сизга мактуб ёзган! Агар уни ҳозирги хафв-хатардан сақлаб қолсангиз, иним умрбод сизнинг хизматингизни қилгусидур. Андижон-у Ахсини темурийлар номидан эмас, сизнинг номингиздан идора этишга сўз берган! Маҳмудхон Аҳмад Танбалнинг имзоси қўйилган ва муҳри босилган мактубни ўқиб

кўрди-да, ўзининг махсус қоғозлари сақланадиган жуздонга солиб қўйди.

Хоннинг ён бераётганини сезган Тилба Султон қўлини кўксига қўйиб илтижо қилди:

– Хон ҳазратлари, ўн беш минг лашкарингиз кўпдан бери куч йиғиб ётибдир. Катта ўғлингиз Хоникахон ҳам йигит бўлиб қолди. Улкан ғалабаларга эришгилари келур...

– Қиш кунида ўн беш минг қўшинни бошқариш осон эмас. Фармон ҳозирланг, Хоникахон олти минг лашкар билан ҳарбий юришга отлансин. Аммо бу юришнинг бутун масъулияти сизнинг зиммангизга тушадир, жаноб эшикоға!

– Бошим билан жавоб берурмен, хон ҳазратлари!

– Ана шу сўзларингизни аҳднома тарзида ёзиб, имзо чекинг!

– Бош устига!

Мазкур аҳдномага биноан Маҳмудхоннинг олти минг кишилик қўшини Аҳмад Танбални қутқариш учун Арчакент довонидан ошиб, Косонсой атрофларига бостириб келди.

2

Архиён қўрғонини қамал қилаётган Бобур энди асосий кучларини Косонсой томонга буришга мажбур бўлди. У Аҳмад Танбалга келадиган ҳар қандай кўмакнинг йўлини тўсмоқчи, керак бўлса, тоғасининг ўғли Хоникахон билан ҳам олишмоқчи эди. Бу хабар Ахсида турган Қутлуғ Нигор хонимга ва унинг кекса онаси Эсон Давлат бегимга ҳам етиб борди. Оналар тоға-жиян орасида уруш бошланса, жуда кўп бегуноҳ қонлар тўкилишидан изтиробга тушиб, аввал Ахсидан Косонсойга бордилар, Тилба Султон билан Хоникахонни яхшиликча Тошкентга қайтишга ундаб кўрдилар. Бироқ олти минг қўшиннинг кучига ишонган Тилба Султон Маҳмудхоннинг номидан бир қанча оғир шартларни ўртага қўйди:

– Бобур мирзо қўшинини Андижон томонга олиб кетсинлар. Ахси билан Сирдарёнинг ўнг қирғоғидаги ҳамма жойлар аввалгидай Жаҳонгир мирзо ихтиёрида қолсин. Ана ундан сўнг биз қўшинни Тошкентга олиб қайтгаймиз.

Қутлуғ Нигор хоним онаси билан Косонсойдан Наманганга, Бобур қароргоҳига келдилар. Саккиз бурчакли катта оқ ўтовда Бобур ўнг ёнига онаси ва бувисини эъзозлаб

ўтқазди. Унинг чап ёнидан Қосимбек ва Али Дўстбек ўрин олдилар. Оналар келтирган нохуш хабардан оташин бўлган Бобур куюниб сўз бошлади:

– Биз Танбал туфайли шунча жабр кўрдик, икки йил саргардон бўлдик, хон тоғамиз бизга биронта ҳам навкарини ёрдамга юбормади. Танбал ўз қилмишига яраша ҳамма жойдан қувилиб тор-мор бўлаётган пайтда хоннинг олти минг қўшини уни қутқариш учун тоғ ошиб етиб келибди! Буни қандай тушунмоқ керак, ҳазрат моможон? Қани бу ерда адолат?!

Қутлуғ Нигор хоним хон оғасининг қилмишидан хижолат бўлиб ерга қаради. Эсон Давлат бегим томоқ қириб қийналиб гапирди:

– Амирзодам, адолат сиз томонда. Лекин Маҳмудхоннинг эшикоғаси Тилба Султон ўта муғамбир одамда. Хонни шу одам қўшин юборишга кўндирган. Биз Косонсойда улар билан сўзлашдик. Мақсадлари урушиш эмас. Инингиз Жаҳонгир мирзо билан сизни яраштириб қўйишмоқчи.

– Мен Жаҳонгир билан эмас, Танбал билан олишмоқдамен. Майли, Жаҳонгир ҳали бола, узр сўраб келса у билан ярашайлик. Аммо Танбални қамалдан бўшатмагаймиз! Бу қотил ўз қилмишлари учун жавоб бермоғи керак!

– Бироқ Танбал Жаҳонгирнинг оталиғи-ку! Бири билан ярашсангиз, иккинчиси билан ҳам ярашмоғингиз керак бўлур, – деди Али Дўстбек. – Бундан ташқари, Аҳмад Танбал ҳам Чиғатойхон авлодларидандир. Хон тоғойингиз шунинг учун унинг ҳимоясига катта қўшин юбормишдир!

– Ҳа, ана, коса тагидаги нимкоса энди кўринди! – деди Қосимбек. – Маҳмудхон ҳазратлари темурийларга ўгай кўз билан қарайдирлар. Амирзодам, мен буни кўпдан бери кузатиб юрибмен. Тошкентда, Бухорода, Туркистонда сизнинг тарафдорларингиз, бизга ҳақиқатни етказиб турувчи хуфияларимиз бор. Улар Маҳмудхоннинг Шайбонийхонга ён босаётганлиги бежиз эмаслигини маълум қилмоқдалар. Асли Чингизхон наслидан бўлган бу хонлар ҳозир темурийларга қарши тил бириктирганлар. Улар нафақат Тошкенту Фарғонада, балки бутун Туронда Чингизхон авлодларининг ҳукмронлигини қайта тикламоқчилар!

Бу гаплардан Қутлуғ Нигор хонимнинг юзи қизариб, кўзлари чақнаб кетди:

– Мен ҳам Чингизхон наслиданмен! Сиз бизни Маҳмудхонга қўшиб ўғлимиз Бобур мирзодан бегона қилмоқчимисиз?!

– Мени афв этинг, хоним ҳазратлари! Сиз Бобур мирзога Амир Темур қиличини, унинг руҳий мададини етказиб бериб, олижаноб ишлар қилдингиз!.. Салкам икки йил барча саргардонликлар азобини сиз амирзодам билан бирга тортдингиз. Шунчалик қийналган пайтларингизда Маҳмудхон оғангиз сизга ҳам ён босмади-ку!

– Бу рост! – деди Эсон Давлат бегим. – Маҳмудхон бошқа онадан туғилган. Унинг онаси Шоҳбегим Бадахши менга кундошлик қилур, бизни кўрарга кўзи йўқ. Ана шунинг таъсирида Маҳмудхон бизга ўгайлик қилиши мумкин. Аммо бунинг учун барча чингизийларни темурийларга душман қилиб кўрсатишингиз нотўғри, жаноб Қосимбек!

– Мени маъзур тутинг, «барча хонлар» деганим йўқ. Фақат Маҳмудхон билан Шайбонийхонни, яна Аҳмад Танбални назарда тутдим!

– Булар ҳам сизу биз каби туркий тилли мусулмонлар-ку! – деб гап қўшди Али Дўстбек.

– Айирмачилик қилиш кимга керак?

– Айирмачиликни биз эмас, улар қилишмоқда! – деди Бобур. – Мен тарих китобларида ўқидим. Энг қадимий бобокалонимиз Ўғизхоннинг Кунхон, Ойхон, Тоғхон деган ўғиллари бўлган экан. Шулардан бўлган фарзандлардан бири Юлдузхон деб аталган экан. Қаранг, ҳаммаси туркий номлар! Ана шу Юлдузхоннинг невараси – афсонавий аёл Аланқува қурлос уруғидан экан. Қурлос барлосга қон-қариндош. Номи ҳам уйқаш. Мен буни Мирзо Улуғбекнинг «Тўрт улус тарихи» китобида ўқидим. Илоҳий руҳдан ҳомиладор бўлиб ўғил туққан Аланқува туркий қавмларнинг афсонавий онаси саналаркан.

– Ҳа, рост, – деб бу гапни Эсон Давлат бегим маъқуллади, – оталари мўғул қавмидан бўлган Чингизхон ҳам Аланқувани ўзининг момокалони деб билган. Шундай бўлгач, чингизийларни темурийларга ашаддий душман деб таърифлаш адолатдан эмас-да, жаноб Қосимбек!

– Аммо бу икки сулола тарихда бир-бири билан озмунча ёғийлашганми, ҳазрат бегим? Ҳокимият учун курашда оғаинини, қариндош-уруғ бир-бирини аямаганлиги ҳеч кимга сир эмас-ку!

– Бобур мирзо ўз аждодларининг ёғийлашган даврларидан эмас, иноқ бўлган даврларидан ибрат олмоқлари керак! – деди Эсон Давлат бегим. – Ҳазрати Амир Темурнинг бобокалонлари Қочувли баҳодир билан ҳазрати Чингизхоннинг бобокалонлари Қобулхон иноқ бўлиш ҳақида аҳду паймон қилишиб, фўлод китобга буни ўйиб ёздирган эканлар.

– Хўп, бу аҳдномани кимлар мудом бузиб келмоқда, ҳазрат момо? Соҳибқирон бобокалонимиз Амир Темур Жўжихон авлодидан бўлган Тўхтамишхонга қанча яхшиликлар қилганини билурмисиз?

– Билурмиз, аммо...

– Энди шошманг! Тўхтамишхон нечун бу яхшиликларга ёмонлик билан жавоб берди? Нечун Амир Темур давлатига қарши тажовузлар қилди? Чунки Тўхтамишхон Олтин Ўрдага хон бўлгандан кейин атрофидаги хушомадгўйлари уни ҳовликтирди. «Сиз Чингизхон наслидансиз, сизнинг мартабангиз Темурбекникидан баланд, давлатни фақат сиз бошқаришингиз керак, Темурбек лашкарбоши бўлиб, сизга хизмат қилиши керак!» деган ақидага уни ишонтиришди!..

– Ахийри бу ақида Тўхтамишхоннинг бошига етди, буни биз яхши билурмиз, – деди Эсон Давлат бегим.

– Аммо сиз ақиданинг ҳали ҳам тирик эканини билмасангиз керак, ҳазрат бегим! – деб Қосимбек Бобурга ён боса бошлади: – Бизга келган махфий ахборотлар бор. Тилба Султон ҳазрати Маҳмудхонга хушомадлар қилиб, Аҳмад Танбалнинг совғаларини бериб, худди шу ақида асосида бизга қарши қўшин юборишга хонни кўндирибдур!

– Айғоқчиларнинг ахборотига мунча инонманг, жаноб эшикоға, – деб эътироз қилди Али Дўстбек. – Ҳазрати Маҳмудхон Тилба Султоннинг ақли билан иш қиладиган заиф тождор эмаслар. Ул зот бугунги Чиғатой улусининг энг қудратли султонидурлар!

– Бугунги Чиғатой улуси? – ҳайрон бўлиб сўради Бобур. – Тўғри, она томондан биз ҳам Чиғатойхонга авлодмиз. Мен ҳазрат онамни ардоқлаб, бошимга кўтарурмен. Аммо Чиғатойхондан минг йиллар олдин Турон, Туркистон деб номланган муаззам заминни ҳанузгача Чиғатой улуси деб аташга ҳеч бир асос кўрмаймен! Ахир Чиғатойхон Туронда бирон йил яшамаган, биронта тарихий обида қурдирмаган, бирон жойни обод қилмаган! Аксинча, обод жойларни харо-

бага айлантирган, тўғонларни буздириб, шаҳару қишлоқларни сувга бостирган!

– Тўғонлар ҳазрат Чингизхоннинг фармони билан буздирилган, шекилли, – деб гап қўшди Эсон Давлат бегим.

– Ҳар қалай, барча қирғинлар, бузғунчиликларга Чиғатойхон ҳам катта улуш қўшган, – давом этди Бобур. – Тарих китобларидан ўқидимки, Чингизхон ўзига ҳам биронта ёдгорлик қурдирмаган экан. «Ўлсам, текис ерга дафн қилинглар, қабрим устидан мингта от юриб ўтсин, токи кўмилган жойимни ҳеч ким тополмасин», деган экан. Вафот этганидан кейин худди унинг айтганини қилишибди. Мингта от унинг қабрини топтаб ўтибди. Ҳалигача унинг қабрини ҳеч ким тополмас эмиш.

– Эътиқоди шундай бўлган экан-да, – деди Эсон Давлат бегим. – Доим ўтовда ёки отда, табиат бағрида бўлишни истаркан. Шаҳарларни, қўрғонларни ёмон кўраркан.

– Бегуноҳ шаҳарликларни-чи? – сўради Бобур. – Табиат билан ҳамкорлик қилиб чўлларга сув чиқарган, боғ-роғлар бунёд қилган бутун ўтроқ аҳолини нечун аёвсиз қирган? Турон халқининг доди Парвардигорга етган эканки, Амир Темурдек бир нажоткорни юборибдир. «Биз Чингизхон наслиданмиз!» деб кўкракларига уриб мақтаниб юрганлар билсинлар! Насл-насаб билан мақтаниш заифлик белгисидир! Ўзининг илкидан яхши иш келмайдиганлар мудом насл-насаблари билан керилурлар. Аммо одамнинг кимлигини қилган иши-ю авлодларга қолдирган мероси кўрсатгай. Чингизхондан, Чиғатойхондан, Тўхтамишхондан қандай мерос қолди-ю Амир Темурдан, Шоҳрухдан, Улуғбекдан қандай мерос қолди? Бир қиёслаб кўринг! Адолат ким томонда экани шунда дарҳол билинур!

Баҳсга аралашмай бошини эгиб жим ўтирган Қутлуғ Нигор хоним ўғлига меҳр тўла кўзлар билан қаради-да:

– Сиз ҳақсиз, Бобуржон! – деди. – Бугун бўлмаса эртага ҳақ жойида қарор топгай. Мен шундай паҳлавон, ҳақгўй, баҳодир ўғлим борлиги билан ифтихор қилурмен. Сиз ўз номингизга муносиб шер йигитсиз. Аммо Аҳмад Танбал билан унинг оғаси чиябўрига ўхшайдилар. Сиз ўшалар билан тенг бўлманг, улар туфайли хон тоғойингиз билан орани бузманг, сулҳ таклиф қилишса, яраша қолинг, болам!

– Қайси шарт билан ярашайлик? – сўради Бобур.

– Ахси Жаҳонгир мирзода қолсин, майли денг. Сахий бўлинг!

– Ие, икки йил жон чекиб олишганларимиз бекор кетгайми? – норози бўлиб сўради Қосимбек Бобурдан. – Отангиздан қолган яхлит давлат яна парчалансинми?!

– Агар бунга кўнмасангиз Маҳмудхон юборган қўшин билан жанг қилурмисиз?! – таҳдид қилиб сўради Али Дўстбек.

Қосимбек ҳам унга тик жавоб берди:

– Агар амирзодам буюрсалар, жангга тайёрмиз!

– Олдинда Маҳмудхон! Орқада Танбал! Сиз амирзодамни икки ўт орасига ташламоқчимисиз?! – сўради Эсон Давлат бегим ҳам қизишиб. – Сиз Бобур мирзога нуқул хонларни ёмонлаб, икки орани бузмоқдасиз-ку, жаноб Қосимбек!

– Мен ҳақиқатни айтдим, холос, ҳазрат бегим!

– Сиз ҳақиқат деган нарса айғоқчиларнинг ёлғон-яшиқ иғволаридир!

Али Дўстбек бу даъвони яна бир парда баланд кўтарди:

– Жаноб Қосимбек шу иғволарга таяниб хонларга туҳмат қилмоқдалар!

Бобур орага тушди:

– Жаноб Дўстбек! Ҳазрат момо! Қизишмангизлар!

«Туҳмат!» деган гап Қосимбекка жуда оғир ботди. У Бобурдан ҳимоя истарди. Аммо Бобур момоси билан Дўстбекни янада асабийлаштирмаслик учун Қосимбекни очиқчасига ёқлай олмади:

– Жаноб Қосимбек, ўйлаб кўрайлик, – деди. – Балки бирон муроса йўли топилар!

Қосимбек ўзини босолмади:

– Мен Танбал билан муроса қилолмагаймен! Амирзодам, менга ижозат беринг, бу ердан кетай! Сизга қачон керак бўлсам, чақиртирсангиз яна келгаймен! Аммо ҳозир... туҳмат балосидан Худо асрасин! Ҳазрат бегим, хоним ҳазратлари, узр сўраймен!

Қосимбек боргоҳдан чўғдай қизарган, асабий бир алпозда чиқиб кетди. Яна Қутлуғ Нигор хоним ўғлига мулойимлик билан гап қотди:

– Ўйлаб кўринг, Бобуржон! Косонсойда хон тоғойингизнинг олти минг қўшини турибдир. Агар сиз бу қўшин билан жанг қилиб, уни енгсангиз... тоғойингиз жим қараб турмагай... Орқадан яна ўн минг, балки йигирма минг қўшин билан ўзи етиб келгай!.. Унда не қилурсиз?..

– Мен тоғойим билан жанг қилмоқчи эмасмен... Фақат Танбалнинг қандай хоин эканини хонлар ҳам билсалар эди!..

– Вақт ўтиши билан билиб олурлар, – деди Қутлуғ Нигор хоним. – Сизга хиёнат қилган Танбал хонга ҳам хиёнат қилмай туролмагай. Хўжа Абдулладай пирни осиб ўлдирган қотилга қасос қайтмай қолмас!

Бобур ўйланиб жим қолганидан фойдаланган Али Дўстбек гапни кутилмаган томонга бурди:

– Икки йилдан буён сиз кўп азоб тортдингиз, амирзодам! Энди бу дунёнинг роҳатини ҳам кўришингиз керак. Ёшингиз ўн саккизда, алпқомат йигитсиз. Айни уйланадиган пайтингиз. Қаллиғингиз Ойша бегим ҳам ўн олтига тўлиб, сеп йиғмоқда эмишлар.

Мавзу ўзгарганидан жонланган Эсон Давлат бегим Ойша бегимни таърифлай кетди:

– Бориб кўрганлар маҳлиё бўлиб гапирганларини мен ўзим эшитдим! Эгачилари Қоракўз бегимнинг гўзаллиги таърифга сиғмас эди. Ойша бегим эгачисидан ҳам кўҳлироқ бўлиб етилибдур!

Бобурнинг уруш-жанжаллар қаҳратонидан жунжиккан қалбига бирдан баҳорнинг илиқ шабадаси теккандай бўлди. Ўзи ёзган ғазалнинг сатрлари: «Жамолинг васфини, эй ой, неча элдин эшитгаймен? Не кун бўлғай висолингга мени дилхаста этгаймен?» деган саволлар дилида гўё най навосига қўшилиб эшитилди. Агар тоғаси Маҳмудхон билан ёвлашса, Тошкентдаги Ойша бегимнинг тақдири нима бўлади? Яна Самарқанддаги каби аросатга тушадими?

– Худо сақласин! – деди Эсон Давлат бегим. – Уруш бошланса қаллиғингизни гаровга олиб азоб бергайлар! Лекин сулҳ тузилса, хон тоғангиз келинимиз Ойша бегимни сеплари билан Андижонга хуш-у хурсанд жўнатмоқчи эканлар!

– Оҳ, қани, ёлғиз ўғлимнинг тўйларини кўрсам! – деб орзиқиб хитоб қилди Қутлуғ Нигор хоним.

Бобур шунча вақтдан бери бир кўришга муштоқ бўлиб юрган қаллиғига етишадиган кунларни кўз олдига келтирди-ю, мулойим бўлиб қолди. Оналар Андижонда бўладиган тўй шодиёнасидан ел-юрт ҳам тинчиб бир яйраб олишини айтишди ва, ниҳоят, Бобурни Аҳмад Танбал билан сулҳ тузишга кўндиришди.

3

Жавзо ойининг илиқ оқшомларидан бирида Андижон аркидаги ҳарамда икки ойлик келинчак Ойша бегимнинг хобгоҳида канизлар шоҳона тўшакка гул атри сепдилар. Олтин-кумуш буюмлар ва ипак гиламлар билан безатилган танобий уйнинг эшиги олдига чиройли пояндоз тўшалди. Ойша бегимнинг қўлларига хина, қошига ўсма қўйилган эди. Гўзал келинчакнинг бошқа пардозлари энди тугаганда канизлардан бири қувониб шивирлади:

– Келдилар!

Айвонда бошига олтин жиға кийган Бобур кўринди.

Сўнгги йилларнинг тинимсиз олишувлари уни хийла пишитган. Елкалари тўлишиб, ўн саккиз ёшли дуркун йигитга айланган.

Хобгоҳ олдида Бобурни таъзим билан кутиб олган ўн олти ёшли Ойша бегим куёвга нисбатан кичкинагина, ингичкагина кўринади. Унинг бошига кийган сербезак баланд тоқиси, бўйнига тақилган зебигардон ва маржонлар нозик қоматига оғирлик қилаётгандек туюлади.

Канизлар таъзим қила-қила чиқиб кетдилар. Бобур улардан баъзиларининг кўзлари шўх чақнаганини пайқаб, ўнғайсизланади. Куёв ҳарамда тунайдиган тунни канизлару савдарлар олдиндан билиб, махсус тайёргарлик кўриши, хобгоҳга шунча одамнинг кириб-чиқиши унга нохуш туюлади. Бунинг устига Ойша бегим ҳаддан ортиқ уятчан. У Бобурни:

– Марҳабо, ҳазратим! – деб тўрга таклиф қилганда овози ҳаёдан титраб, зўрға эшитилди. Уйнинг тўрида – ҳарир парда ортида икки кишилик баланд тўшак бор. Ойша бегимнинг уятчанлиги Бобурни баттар ўнғайсизлантирди. У юқорига ўтиб ўтираётганда тўрдаги тўшакка қарамасликка тиришди. Кўзини дастурхонга тикиб:

– Хушвақт юрибсизми, бегим? – деб сўрашди.

– Шукр.

Ойша бегим азбаройи тортинганидан дастурхоннинг Бобурдан энг узоқ четига ўтирди. Сўнгра орага ноқулай жимлик чўкди.

Ойша бегим хушсурат бўлса ҳам, ҳали етилмаган нарасида қиз эди. Ота-онасидан эрта ажралган бу қиз кўп касалга чалиниб озиб кетган.

Бир вақтлар Бобур уни кўрмасдан олдин хаёлида тасаввур этиб юрган афсонавий паризод бутунлай бошқа эди. Хаёл билан ҳаёт орасидаги фарқ қанчалик катта бўлишини Бобур энди билди.

Урф-одатга биноан улар бир-бирларини тўйдан сўнг гўшангада биринчи марта кўрдилар.

Улар ҳали бирор марта ҳамсуҳбат бўлмасларидан ва руҳан яқинлашишга улгурмасларидан олдин бошланган жисмоний яқинлик Бобурга уят ишдек туюлар ва унинг илгариги мусаффо туйғуларини поймол қилаётгандай бўларди. Шунинг учун кечалари давлат ишлари билан бўлиб, кўпинча ўзининг хобгоҳида тунаб қоларди... Ҳукмдорлик удумига биноан унинг фақат баъзи тунларни хотини билан ўтказиши расм-русумга хилоф ҳисобланмас, Бобурнинг отаси Умаршайх мирзо ҳам шундай қиларди. Лекин ёш келин-куёв орасида аввалги хаёлий орзу билан ҳозирги аҳволнинг кэскин фарқидан келиб чиққан нохуш бир мураккаблик борлигини Ойша бегим ҳам пайқар ва ўзини Бобурга номуносиб сезиб ич-ичидан изтироб чекарди.

Ойша бегим орага тушган ноқулай жимликда қирмизи чойнакдан пиёлага чой қуйиб, тавозе билан Бобурга узатди.

Бобур пиёлани олаётганда Ойша бегимнинг ҳали унча тўлишмаган озғин қўллари титраб кетганини кўрди.

– Раҳмат, – деганда унга ўз овози ҳам гуноҳкорона товланиб эшитилди.

Бобур бир вақтлар хаёлида ардоқлаб, оёғига бош қўйгиси келиб ғазал ёзган қаллиғини энди бунчалик уялтираётгани учун ўзини ҳам гуноҳкор сезарди. Чошнагир аёл чинни лаганда зира ҳиди келаётган кабоб кўтариб кирди. Ёши элликка борган бўлса ҳам дуррани чаккасига қия қилиб ўраган бу шаддод аёл куёв-келиндаги уятчанликни сезиб, ҳазил қилди:

– Амирзодам, йигит киши ёш келинчакни гапга солиб ўтириши керак эмасми? Қизиқ-қизиқ ҳангомалардан сўзлаб беринг. Самарқанддан элчилар келган эмиш. Қандай хушхабарлар бор?

Чошнагир аёл лаганни куёв-келиннинг ўртасига қўйиб, кумуш соврини[1] очди. Оқ кийикнинг гўштидан тайёрланган тоза кабобнинг ҳиди зира ҳидига қўшилиб атрофга таралди.

– Бегим, сиз ҳам очилибгина ўлтиринг. Бундай бахтли ёшлик бир марта келадир. Завқини суриб қолинг, айланай бегим, бизга ўхшаб кексайганингизда эслаб юрарсиз! Чошнагир аёл кулиб чиқиб кетди. Унинг «завқини суриб қолинг» деган сўзлари Ойша бегимдаги уятчанликни камайтириш ўрнига баттар оширган эди. Бобур эса бироз дадилланиб:

– Қани, бегим, – деди. Лаган устига қўл чўзди-ю, лекин Ойша бегим кабобга қўл узатишини кутди.

– Сиз бошланг, – шивирлади келинчак.

– Хўп, мана. Қани, енди, сиз...

Шу тарзда бироз кабоб еганларидан кейин яна чойга ўтдилар.

– Бегим, шаҳрингизни соғинганингиз йўқми? Ойша бегим энди Бобурнинг юзига ботиниброқ қаради:

– Самарқандними?.. Соғиндим.

– Агар насиб қилса, ёзда Самарқандга қайтурсиз.

– Кошки эди... Бироқ мен... ўзим кетурменми?

– Йўқ, Самарқанд насиб бўлса, бу ердан ҳаммамиз кўчиб кетурмиз.

– Кўчиб?.. Андижон кимга қолур?

Бобур ҳорғин товуш билан:

– Ҳозирча Аҳмад Танбал билан Жаҳонгир мирзога, – деди.

Ойша бегим ҳеч нарсага тушунолмай таажжубланиб қолди. Бобур Андижонни қайта қўлга киритгунча озмунча азият чекдими? Энди нечук Андижонни ихтиёрий равишда ташлаб кетмоқчи?

– Мен Самарқандни соғинган бўлсам ҳам, – деди Ойша бегим, – лекин сизнинг ота юртингизда осуда яшашни афзал кўрурмен!

Ойша бегим бояги уятчанлигини унутиб, очилиб гапира бошлаганида Бобурга унинг юзи аввалгидан жозибалироқ кўринди.

– Сиздан ҳам ўтинамен, ҳазратим, – давом этди Ойша бегим, – кўп азоб тортгансиз. Самарқанд сизга жангсиз дар-

[1] С о в р и – овқат совиб қолмаслиги учун устига ёпиладиган махсус идиш.

воза очмас. Энди ўзингизга раҳм қилинг. Урушга борманг, ўтинамен!

– Бегим, бу ердаги ҳозирги аҳволимиз сизга ҳам муносиб эмас, менга ҳам.

– Нечун бундай дедингиз? Ахир сиз ўз юртингизда подшоҳсиз-ку.

Бобур киноялы кулимсираб, бош чайқади:

– Ҳозир фақат номим подшоҳ, – деб қўйнидан бир варақ букланган қоғоз олди-да, Ойша бегимга узатди.

Сўнгги ойларда Бобур кўнгил дардларини қоғозга туширишга кўп эҳтиёж сезар ва деярли ҳар куни шеър машқ қилар эди. Бу қоғозда унинг шу бугун ёзган бир қитъаси бор эди. Ойша бегим қоғозни очиб, сатрларга кўз югуртирди:

Қолмади ҳурмат аҳли оламда,
Олам-у олам аҳлидан юв илик.
Бобуро, икки подшоҳлиғдин
Яхшироқ бу замонда бир беклик.

– Ҳазратим, шеърингиз муборак бўлсин!

– Қуллуқ. Энди менинг дардимни тушунгандирсиз?

– Тушундим. Сиз Жаҳонгир мирзонинг Ахсида иккинчи подшоҳ бўлиб олганидан дард чекмоқдасиз. Илгариги ягона давлат иккига бўлинган...

– Бегим, гап фақат Жаҳонгирда эмас, ҳозир Али Дўстбек билан Аҳмад Танбал бизни ўргимчак тўридай чирмаб келурлар, – деди Бобур Ойша бегимга. – Агар биз шу ўргимчак тўрини ёриб чиқиб кетмасак, кейин буларга эмиш бўлурмиз!

– Ҳазратим, Самарқандда ҳам ёғийларингиз беҳисоб. Яна уруш бошланса...

– Самарқандда ҳозир дўстларимиз ҳам оз эмас.

– Келган элчи сизни пойтахтга чорладими?

Бобур элчи билан бўлган гапларни ҳозирча жуда махфий тутиши зарур эди. Самарқанд беклари билан Султон Али мирзо орасида нифоқ кучайган. Мазид тархон бошлиқ беклар мингдан ортиқ навкарлари билан шаҳарни ташлаб чиққанлар. Улар Ургутда Бобурга мунтазир турган эмишлар. Яқинда Бухорони забт этган Шайбонийхон энди Самарқандга кўз тиккан эмиш. Агар Бобур тезда етиб бормаса, Султон Али мирзо пойтахтни Шайбонийхонга бериб қўйиши аниқ.

Шайбонийхоннинг бераҳмликларини кўп эшитган одамлар ундан қўрқиб, энди шаҳар дарвозаларини Бобурга пинҳона очиб бермоқчи эмишлар. Бобур мана шу қулай пайтдан фойдаланиб қолишни истайди.

– Элчи бизни чорлагани рост, – деб, у Ойша бегимга умумийроқ жавоб қилди. – Аммо Султон Али мирзо тахтни бизга осонликча бермас.

– Демак, яна уруш! Яна хавфу хатар!..

– Бегим, тоғнинг боши қорсиз бўлмас, йигитнинг боши – хатарсиз.

– Ҳазратим боя ўргимчак тўридан гап очган эдилар. Агар сиз кетсангиз, ўргимчак тўрида биз қандай қолурмиз?

– Истасангиз, сизни бирга олиб кетурмен!

– Жанг майдонигами?

Ойша бегимнинг саволида озгина киноя ҳам бор эди. Буни сезган Бобур хижолатдан хиёл қизарди.

– Уруш тугагунча онам билан Хонзода бегим учовларингиз Ўратепада туришларингиз мумкин. Баҳаво жой. Шаҳар ҳокимининг хотини – онамнинг туғишган синглиси. У ердан Самарқандга боришларингиз ҳам осон.

– Ўратепа тоғлик жойми? Йўллари жуда ёмондир? Мен отлиқ юролмаймен.

– Маҳофада боришингиз мумкин.

Шаҳар қизи бўлган Ойша бегим бир жойда муқим яшашни яхши кўрарди, йўл азобини кўтаролмас эди.

Бобурнинг сўнгги гапига бош чайқаб:

– Маҳофадан қўрқамен, – деди.

«Ўгай тақдир менга бу борада ҳам киноя қилмиш! – деди Бобур ичида. – Мендек қўнимсиз сайёҳтабиат кишига бунингдек нозиг-у муқим табиат рафиқа бермиш!» Ойша бегим ҳозир ҳимояга муҳтож бир муштипар қиз бўлиб кўринди. Бобур унинг кўнглини кўтаргиси келиб, қувноқ оҳангда гапирди:

– Отда юролмасангиз, бегим, маҳофадан қўрқсангиз, унда мен сизни... кафтимда олиб юрурмен!

– Кулманг, мирзо ҳазратлари! Мен кафтингизда юришга муносиб эмасмен...

Ойша бегимнинг сўнгги сўзлари Бобурга алланечук ширин туюлди. Унинг йигитлик қони кўпиргандек бўлиб ўрнидан кўтарилди-ю:

– Йўқ, муносибсиз! – деди.

– Кулманг...

– Муносиблигингизни исбот этайми?

Ойша бегим ҳуркович кийикдек чаққонлик билан ўрнидан турди ва қочишга ҳозирланди. Бобур тўй кечаси уни маҳофадан қандай азот кўтариб туширган бўлса, ҳозир ҳам ўшандай кўтариб олди. Уни тўрдаги тўшак томонга олиб ўтаётиб, пастки қандилда ёниб турган шамларни пуфлаб ўчирди.

Ҳозир шу дақиқаларда Ойша бегим Бобурнинг кўзига оловли жозибага тўлиб кўринди. Ўзининг бу хобгоҳда уч-тўрт кунда бир марта тунаши энди тушуниб бўлмайдиган англашилмовчиликдай туюлди. «Минбаъд ҳар куни шу хобгоҳга келурмен! – деб ўзича аҳд қилди. – Мен Самарқандга кетсам, неча ой, неча ҳафталар айриликда ўтгай. Ундан кўра Андижонда муросаю қаноат билан яшайверсаммикин?»

Тонг отди. Кечаси Бобурнинг режаларини ўзгартирмоқчи бўлган сеҳрли туйғулар эрталаб офтобдан қочган юлдуздай қаёққадир яширинди. Эр-хотин нонушта қилиб ўтирганларида Аҳмад Танбал билан Али Дўстбекнинг ўргимчак тўрлари яна унинг хаёлини чирмаб олди. Бобур кеча элчига «Самарқандга албатта борурмиз», деб ваъда берган, Қосимбек бошлиқ содиқ кишилар янги юриш тайёрлигини бошлаб ҳам юборишган эди. Бобур ваъдасидан қайтиши мумкин эмаслиги эрталабки ёруғликда аниқроқ кўринаётганга ўхшади.

Ойша бегим ундаги хомушликни сезиб, сукут сақлаб ўтирибди. Бобур унинг юзига ботиниб қарай олмай кўкрагидаги олтин баргакларига кўз ташлади:

– Бегим, Ўратепага борадиган бўлдингизми?

Бобурнинг яна Самарқандга юриш қилиши қатъий экани унинг гап оҳангидан сезилди. Олдиндаги бир неча ойлик ҳижрон Ойша бегим учун беҳад оғир эди. Бу оғирликни Бобур унчалик сезмаётгани Ойша бегимга худди бемеҳрлик нишонасидек туюлди-ю, бирдан аламини келтирди.

– Ҳазратим, аввал Самарқанд сизга муяссар бўлсин. Кейин борсам биратўла шаҳримга борурмен. Ўратепага эмас!

Бобурнинг назарида, Ойша бегим унинг Самарқандни қайта эгаллашига кўп ҳам ишонмаётгандай кўринди. Шунинг учун Бобур ҳарамдан чиқиб кета туриб:

– Майли, бегим, – деди совуқ оҳангда: – Худо хоҳласа, шаҳрингизда кўришганда бу гапларни яна давом эткарурмиз.

САМАРҚАНД

ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ОЛИШУВ

1

Бўстонсаройнинг бир четида ранг-баранг тошлар билан сангфарш қилинган мармар ҳовузли ҳаммом бор эди. Кечки пайт шу ҳаммомга Султон Али мирзонинг ҳарамидаги энг чиройли қизлар чўмилишга келдилар.

Ҳаммомнинг ичида гиламлар ва кўрпачалар тўшалган, шоҳона дастурхон тузаб қўйилган махсус бир хона бор эди. Бир вақтлар Султон Маҳмуд мирзо тириклигида шу хонадан қизлар чўмиладиган бўлмага махфий бир туйнук очилган эди.

Шаҳвонийпарастлик билан донг чиқарган Султон Маҳмуд мирзо ўша туйнукдан қизларнинг чўмилишини томоша қилар эди.

Султон Маҳмуд мирзо ўлиб кетганига беш йил бўлди. Ҳаммомда махфий туйнук борлигини унинг ўн етти яшар ўғли, ҳозир Самарқанд тахтида ўтирган Султон Али мирзо яқинда билиб қолди. Уни бу сирдан воқиф қилган Абу Юсуф Арғун ҳарамга бир қанча чиройли қизлар келтириб бериб, ёш подшонинг соҳибихтиёр, сирдош бегига айланди.

Ҳозир Султон Али мирзо қўлида май тўла биллур қадаҳ билан махфий туйнук олдида ўтирибди.

Мармар ҳовузда қий-чув қилиб чўмилаётган яланғоч қизлар унинг кўзларини ёндириб, вужудини жингак қилаётгандай бўлади. У томоғи қуруқшаганда май ҳўплаб қўяди-ю, аммо кўзини туйнукдан олмайди.

Бир пайт унинг бу томошасига кимдир халақит берди.

– Мирзо ҳазратлари, хуфиялар фавқулодда хабар келтирмишлар.

Султон Али мирзо Абу Юсуф Арғуннинг майин овозини танийди-ю, аммо унга ўгирилиб қарагиси келмайди:

– Нима хабар бўлса онамга айтаверинг.

– Бегим ҳазратлари мени сизга юбордилар, амирзодам!

Султон Али мирзо энди Абу Юсуф Арғунга ўгирилиб қаради. Унинг қуюқ таъзими ҳам, пастки тишлари тушиб

кетган кемтик оғзининг табассуми ҳам кўзига жуда ёмон кўринди:

– Жаноб бек, ўзингиз-ку, бизга меҳрибончилик кўрсатиб, гўзал қизлар пешкаш қилдингиз... Энди нега ором олгани қўймайсиз?

– Мирзо ҳазратлари, салтанатингиз хафв остида! Мен шунинг учун оромингизни бузишга журъат этдим!

– Яна қандай хафв? Онам қаердалар?

– Девони хосда сизга мунтазирлар.

Султон Али мирзо кайфини бузганларидан аччиғи келиб, қўлидаги қадаҳни майи билан мармар деворга отиб уриб чил-чил синдирди. Сўнг барвақт семирган йўғон гавдаси кайфдан хиёл чайқалиб, ташқарига чиқди.

Қоронғи тушиб қолган эди.

Девони хоснинг кираверишида эллик ёшлардаги қоровуқлари қалин, жингалак соқолли бир бек қўл қовуштириб, бош эгиб турибди. Уй тўрида тикка турган Зуҳра бегимнинг юзи қаҳрданми, қўрқувданми оқариб кетган:

– Амирзодам, сиз айшу ишрат билан бандсиз. Хиёнатчилар пойтахтни ёғийга пинҳона топширмоқчилиғидан бехабарсиз!

Султон Али мирзодан норози бўлиб шаҳарни ташлаб чиққан мингдан ортиқ бек ва навкарлар Андижондан қўшин тортиб келган Бобур билан бирга Дарғом бўйларида фурсат кутиб юрганлари маълум эди. Аммо Султон Али мирзо барча дарвозаларга энг ишончли кишиларини қўйиб, шаҳарни маҳкам беркитиб ётар эди. Шунинг учун онасига зарда қилиб:

– Яна нима ваҳима? – деди.

– Менга ишонмасангиз, мана Муҳаммад Султон жанобларидан сўранг. Бу бек ҳозиргина Бобурнинг қароргоҳидан қочиб келмишлар. Шаҳар ичидаги фитначилар бугун кечаси Сўзангарон дарвозасини Бобурга яшириқча очиб бермоқчи эмишлар. Пирингиз Хўжа Яҳё ҳам сиздан юз ўгириб, Бобурга тарафдор бўлган эмишлар.

– Ишонмаймен! – деб Султон Али мирзо қўл қовуштириб турган Муҳаммад Султонга тикилди.

– Амирзодам, гапим ёлғон бўлса бугун кечаси текшириб кўринг! Мен ёғийларингиз билан Дарғом бўйида икки ҳафта юрдим. Хўжа Яҳёнинг ризолигини Бобур роса ўн бир кун кутди. Ниҳоят, бугун эрталаб Мамадали китобдор хўжанинг ризолигини олиб борибдир. «Тун ярмида келсинлар, шаҳарга ки-

ритгаймиз», деганмиш. Бобур бугун пешинда ишонган бекларини тўплаб, машварат ўтказди. Хайриятки, унинг ишонган бекларидан бири, мен – сизнинг содиқ қулингиз эдим!..

Султон Али мирзо қовоғи қалин бекка энди мамнун назар ташлади-ю:

– Ўғрини қароқчи ургандай бўлибдир! – деб хахолаб кулди. Унинг кайф билан бепарво кулиши Зуҳра бегимнинг ғашини келтирди:

– Амирзодам, ҳар бир дақиқа ғанимат. Хос навкарларингиз отланган. Ҳаммаси фармойишингизга мунтазир.

– Фармойишми? – деб Султон Али мирзо бир лаҳза ўйланиб олди: – Майли, Бобур дарвозадан кирсин. Кейин туттириб кўзига мил торттирмоқ керак! Токи бизга қасд қилгани учун абадий кўр бўлиб қолсин!

Абу Юсуфбек оқ оралаган қалин соқолининг учини тутамлаб бош чайқади:

– Туттиролсак яхши эди-ю, аммо бу режа анча қалтис, амирзодам. Дарвозани очсак, сўнгра ёпиб бўлмас. Бобурнинг улкан қўшини бор. Қалъа ичида ҳам тарафдорлари кўп. Ўтган сафар Самарқандга кирганда очларга нон улашиб, деҳқонларга уруғлик қарз бериб, авомнинг кўнглини овлаган экан. Бир ёқдан Хўжа Яҳёнинг фатвоси билан авом кўтарилса, ташқаридан қўшин кирса...

– Йўқ, бу – жуда хатарнок! – деди Зуҳра бегим.

– Ҳа, ундан кўра тезроқ Сўзангарон дарвозасига бориб, у ердаги соқчиларни алмаштириш лозим, – деди Абу Юсуф ва зарҳал жилдга солинган бир қоғоз келтирди. – Амирзодам, мана бу – сизнинг муборак номингиздан ёзилган нишон[1]. Бунда фитначи бекларнинг номлари ҳам кўрсатилган. Шулар бугун кечаси қўлга олинмоғи лозим.

– Фитначиларнинг молу мулклари мана бу Муҳаммад Султон каби садоқатли бекларга олиб берилсин! – деб қўшимча қилди Султон Али мирзо.

Қовоғи қалин бекнинг жосуслик қилишдан мақсади ҳам шу эди. У Султон Али мирзога икки букилиб таъзим қилди:

– Ўлгунимча хизматингиздамен, амирзодам. Ижозат беринг, мана бу муборак фармойишингизни бажо келтиришда фақир ҳам навкарларим билан иштирок этай.

---

[1] Н и ш о н – фармон, буйруқ.

Бу бек фитначиларнинг ҳовлиларини талашда бевосита иштирок этса, кўпроқ ўлжа олиши мумкинлигини сезиб шундай демоқда эди.

– Ижозат бердик.

Муҳрдор чақиртирилди ва қоғоздаги фармойишга подшоҳнинг муҳри босилди.

– Қолган ишни биз бажо этурмиз, – деди Абу Юсуф Арғун.

Султон Али мирзо тил учида:

– Мен ҳам бирга борай, – деди.

– Йўқ-йўқ! – деди Зуҳра бегим тез.

У ёлғиз фарзандини қоронғи тунда душман кўпайиб кетган шаҳарга чиқаришни истамас эди. Мирзо онасининг юзидан ўтолмагандай бўлиб саройда қолди. Сўнг она-бола Бўстонсаройнинг иккинчи қаватидаги очиқ айвонга чиқиб, Сўзангарон дарвозаси томонга қулоқ сола бошладилар.

Тун сукунатида отларнинг дупури қулоққа баралла чалинарди. Амир Темур мақбарасидан сал нарироқда жойлашган Сўзангарон дарвозаси Бўстонсаройга кўп ҳам узоқ эмас эди.

Ярим кечада Бобурнинг илғорлари дарвозага секин яқинлашганда Абу Юсуф ва Муҳаммад Султоннинг навкарлари дарвозахона устидан уларга камондан ўқ отиб, бир қанча кишини яradор қилди.

Қоронғида девор тепасидан тусмол билан отилган баъзи ўқлар отларга ҳам теккан эди. Оғриқдан асабийлашган отларнинг қаттиқ кишнагани Бўстонсаройга ҳам эшитилди. Дарвозахона устидаги қўриқчилар Бобурнинг одамларини масхара қилиб кулишарди:

– Мирзоларинг баракни[1] хом санабдир!

– Ҳа-ҳа-ҳа!

– Самарқандни энди тушларингда кўринглар!

– Кейин тушларингни сувга айтурсанлар?

– Ҳо-ҳо-ҳо!

Бобурнинг қўшини орқага қайтиб кетиши билан дарвоза олдида шовқин тинди-ю, кейин шаҳарни у ер-бу ерида итларнинг жон-жаҳд билан ҳургани, одамларнинг аччиқ фарёди эшитила бошлади. Абу Юсуф Арғун бошлиқ хос навкарлар дарвозани тинчитиб, энди фитначиларни овлашга киришганини айвонда ўтирган Султон Али мирзо шу узуқ-юлуқ дод-войлар товушидан сезди.

[1] Б а р а к – чучвара.

– Энди тинч ухласак бўлур, – деб хобгоҳига кириб кетди. Аммо Зуҳра бегим қандиллар ёниб турган ўз хонасига келиб, тонг отгунча ухламай ўтирди.

Ҳозиргина бир фалокатнинг олди олинган бўлса ҳам, аммо келажакдаги мушкулотлар унинг уйқусини қочирмоқда эди. Бобур Самарқандни яна қамал қилиши мумкин. Унинг ўтган галги қамали ҳали кўпчиликнинг эсидан чиққан эмас. Ичкарида Зуҳра бегим ишонадиган одамлар тобора камайиб боряпти. Бугун фитначи беклар жазоланса ва таланса, Султон Али мирзодан норози бўлувчилар яна кўпаяди. Уларнинг бошчиси – Хўжа Яҳё жуда нуфузли руҳоний. Султон Али мирзо Хўжа Яҳёга қарши кескин чора кўролмайди. Чунки бутун диндорлар Хўжанинг томонида. Агар Хўжа авом халққа фатво бериб, бутун муллоларни ишга солса, ғулу кўтарилиб кетиши мумкин.

Зуҳра бегим хаёлида ўзига таянч излар экан, яқинда Бухорони олган, энди Самарқандга қўшин тортиб келиши кутилаётган Шайбонийхон эсига тушди. Бундан уч кун бурун нақшбандий дарвешларидан бири Зуҳра бегимга Шайбонийхондан махфий бир хат келтириб берган эди. Бегим пардали махсус токчада турадиган олтин сандиқчасига калит солиб очди-да, ўша хатни олиб, қандил ёруғида қайта ўқий бошлади. Зарвараққа битилган чиройли ёзувда Зуҳра бегимнинг ақли ва ҳусни усталик билан таърифланган, ёш умрини ўғлига фидо қилиб эрсиз юргани алоҳида эҳтиром билан тилга олинган эди. Хатнинг энг ғалати жойи – Шайбонийхоннинг Зуҳра бегимга ғойибона кўнгил қўйиб, унга уйланмоқчи эканини шеър билан айтгани эди:

«Ўғлингиз ўғлиму ўзингиз ёрим,
Дилбару ҳамнафасу дилдорим».

Ҳозир шу сатрларни ўқиётганда Зуҳра бегим забардаст бир эркакнинг ўтли нафасини ўз юзида ҳис қилгандай бўлди. Зуҳра бегим олти йилдан бери мана бу тўшакда ёлғиз ётади. Унинг гулдай умри беваликда сўлиб боряпти. Зуҳра бегим тегаман, деса уни оладиган зодагонлар топилар эди. Ахир у таърифи кетган гўзал қиз бўлгани учун Султон Маҳмудхондай подшоҳнинг суюкли хотинига айланган эди. Бироқ ўғли тахтда ўтирган Зуҳра бегим фақат ўзига муносиб подшоҳга тегиши мумкин, удум шундай.

Мана энди унга харидор подшоҳ ҳам топилди. Бегим Шайбонийхоннинг шеъридаги иккинчи сатрни яна бир ўқиганда, хаёлий бир эркак уни қучиб, «Дилбар ёрим, дилдорим!» – деб эркалаётгандай бўлдию, бадани қизиб кетди.

У ўрнидан туриб, катта тошойна олдига борди-да, ўзининг аксига тикилиб қаради. Уйқусиз тундан кўз остилари хиёл кўкариб салқиган. Аммо қошлар – қалдирғоч қаноти. Қора кўзлари учқун сочиб порлайди. Кўкраклар баланд. Бўйни оқ мармардай силлиқ, лаблари эҳтиросли.

Шайбонийхоннинг ёши элликка яқинлашган, хотинлари ва болалари бор, Зуҳра бегим буни билади. Аммо бегим ўзининг ойнадаги аксига мамнун тикилиб турган шу дақиқаларда:

«Шайбонийхоннинг саҳройи хотинлари нима бўлипти? – деб ўйланди. – Мен хонни ўзимга шундай ром қилайки, ҳаммаси оғзини очиб қолсин!»

Эртасига ўша дарвеш келиб, бегимнинг жавобини олиб кетиши керак. Бегим Шайбонийхонга хат ёзиш учун қоғоз қалам олди.

Бироқ қандилларда кўпдан бери ёнаётган шамларнинг тутунидан уй сал хира тортиб қолган эди. Зуҳра бегим ҳаворанг барқут дарпардаларни очди-ю, саҳар салқинига юзини тутиб, айвон эшиги олдида бирпас турди.

Шунда аркка яқин бир маҳалладан эр кишининг жон аччиғи билан қичқиргани эштилди. Аёл кишининг ўкириб йиғлагани унга жўр бўлди.

Абу Юсуф Арғун билан Муҳаммад Султон ҳамон фитначиларни овлаб юргани, уларнинг уйларини талаб бойиётгани, аллакимлар ўқ ёки тиғ зарбидан жон бераётгани Зуҳра бегимнинг кўз олдига келди. Шунда хаёли бирдан бошқа ёққа бурилди. Шайбонийхон Самарқандни жангсиз олиш учун Зуҳра бегимга ёлғондакам ишқ изҳор қилаётган бўлса-чи? Самарқандни олганидан кейин сўзидан қайтсаю, Зуҳра бегимни мана бу қоронғи тунда ўкириб йиғлаётган аёлнинг аҳволига солса-чи? Бу шубҳадан бегимнинг борлиғи музлаб кетди. У орқасига қайтиб Шайбонийхоннинг мактубини яна қўлига олди. Хон унинг шундай шубҳаларга боришини олдиндан сезгандай, мактубнинг яна бир жойида шеър айтган эди:

Мен Самарқандни сенсиз нетайин,
Жасади тийрани жонсиз нетайин?

Бу сатрларнинг тафтидан Зуҳра бегимнинг қалбига яна илиқлик югурди. Шу топда бегимнинг ўзига ҳам ёрсиз Самарқанд – жонсиз танадай совуқ туюларди. Шайбонийхон унинг бевалик ҳаётига иссиқ жон бўлиб кириб келиши кўз олдида гавдаланди-ю, қаламни қўлига олиб, хонга жавоб ёзишга киришди. Сатр бошидан хоннинг таърифини юксакларга кўтариб: «Ҳазрати имоми замон, халифаи раҳмон», деб ёза бошлади...

2

Самарқанд қалъасининг ташқарисидаги боғ кўчалар, Улуғбек расадхонасининг атрофлари, Обираҳмат ариғининг бўйлари беҳисоб қўшинга тўлиб кетган. Чўпонота тоғининг этакларида, нарёғи Зарафшон соҳилида юзлаб ўтовлар ва чодирлар пайдо бўлган. Бу қўшиннинг саркардаси Шайбонийхон Боғи Майдонга, Улуғбек қурдирган машҳур Чилсутун кўшкига келиб тушган эди. Шайбонийхон кўшкнинг юқориги қаватида тўрт тарафи айвонли катта уйда пешин намозини ўқиб бўлган ҳам эдики, ясовул кириб, Султон Али мирзо бир неча ичкилари билан қалъадан хон ҳузурига келганини айтди. Шайбонийхоннинг кичик-кичик кўзлари қувончдан ялтиллаб кетди.

– Султонларни бу ерга чорланг. Кейин мирзони бошлаб киринг.

– Ҳазратим, тахтингиз пастки ошиёнда.

– Жойнамозим тахтимдан баланд!

– Лутф қилдингиз, ҳазратим!

Ясовул икки букилиб таъзим қилганича орқаси билан юриб чиқиб кетди.

Шайбонийхон бўталоқ жунидан тўқилган майин малла жойнамоз четига қайтиб ўтирди.

Ясовул пойгакдаги эшикдан Султон Али мирзони бошлаб кирганда Шайбонийхон ҳали ҳам шаҳнишинда ўша жойна-

моз устида ўтирган эди. Шаҳнишин пастида унинг ўн чоғли султонлари чўккалаб ўтиришибди.

Шайбонийхон безаксиз жўн кийинган эди. Султон Али мирзо эшикдан кирган заҳоти унинг салласига қадалган дуру гавҳарлар, тўнига тикилган олтину марваридлар дабдаба билан ялтираб кўзга ташланди. Аммо Мирзонинг кўзлари бесаранжом, семиз гавдаси бўшашган. У онасининг ва Абу Юсуф Арғуннинг гапига кириб, қалъадан қўшинсиз чиқиб келган эди. Бу ерда хоннинг беҳисоб қўшинини кўриб, юраги така-пука бўлиб кетди.

Шайбонийхон билан аввалдан тил бириктириб юрган Абу Юсуф Арғун Султон Али мирзони хон ҳузурига авраб олиб келиш учун боя тушки овқат пайтида мирзога яхши кўрган майларидан анча ичирган эди. Ҳозир Султон Али мирзо Шайбонийхонга томон таъзим билан бораётганда оёқлари гиламда қоқиниб, гавдаси гандираклаб кетди. Абу Юсуф Арғун суяб қолмаганда йиқилиб тушарди.

Шайбонийхон ўрнидан туриб, Мирзо билан кўришар экан, хушбўй май ҳиди димоғига урилди. У Мирзонинг кайфи борлигини дарров сезди-ю, уни ўғли Темур Султон ва куёви Жонибек Султондан қуйироққа ўтқазишни ясовулга имо қилиб буюрди.

Шайбонийхон бошига қизил бўрк устидан оқ салла ўраган, кўк мовутдан або кийган. Олтин тугмали або тагидан кийган яшил кўйлаги мусулмон байроғининг рангини эслатади.

Жойнамоз устида ўтиргани ҳам уни Художўй бир одамга ўхшатиб кўрсатар эди. Бунинг ҳаммаси Султон Али мирзонинг ваҳимасини сал босди-ю, аммо қуйидан жой кўрсатилгани унинг иззат-нафсига тегди. Бошқа султонлар Шайбонийхоннинг олдида чўккалаб ўтирганда, Султон Али мирзо атайлаб чордана қуриб олди. Шайбонийхоннинг ўғли унга ғаши келиб қараб қўйди.

– Сиз менга фарзанддек яқин бўлмоқчимисиз, Мирзо? – сўради Шайбонийхон мулойим товуш билан.

– Хон ҳазратлари иттифоқ тузиш учун чорлабдирлар...

– Волидаи муҳтарамангиз келмадиларми?

– Онам мени юбордилар.

– Аммо ўзлари ҳам келмоқчи эдилар.

– Аёл киши, тортинурлар.

– Одам юборинг, Мирзо, онангиз ҳам келсинлар.

Султон Али мирзо ёнида чўккалаб ўтирган Абу Юсуфбекка қаради. Абу Юсуф Арғун дарҳол ўрнидан туриб, Шайбонийхонга таъзим қилди:

– Ижозат беринг, хон ҳазратлари, мен ҳозир бориб Зуҳра бегимни айтиб келай.

Бу нозик ишларнинг ҳаммаси Абу Юсуф Арғуннинг ҳаракатлари билан битаётганини яхши биладиган Шайбонийхон ясовулга буюрди:

– Абу Юсуфбекка менинг энг чопқир отларимдан бирини инъом қилинг!

– Миннатдорман, ҳазратим!

– Бек, қайтишда Хўжа Яҳёга ҳам хабар қилинг. Султон Али мирзо келган жойга Хўжа келмаса ора узилур.

– Ҳақ гапни айтдингиз, хон ҳазратлари!

Абу Юсуф Арғун бу топшириқни бажариш учун кетгандан кейин Шайбонийхон ўрнидан турдию, султонларига қараб:

– Мирзо билан суҳбатлашиб ўтиринглар, – деди, ўзи эса орқа эшикдан айвонга чиқиб, пастга тушиб кетди.

Султон Али мирзо атрофидаги султонларнинг адоватли юзларига қараб, улар орасида ёлғиз қолишга қўрқди ва ўрнидан туриб, ён эшикка қараб йўналди. Шунда туркистонлик султонлардан бири ўрнидан сакраб туриб, унинг йўлини тўсди.

– Амирзода, буйруқ бўди[1], энди бизинг янимиздан кетмайсиз!

Барваста бир навкар қўлини ханжарининг сопига қўйиб, эшикка кўндаланг бўлиб олди. Султон Али мирзо қопқонга тушганини энди сездию, кайфи бирдан тарқаб кетди. Юзи бўздек бўлиб, бояги жойига қайтиб ўтирди.

Орадан бир-икки соат ўтгандан кейин Зуҳра бегим ҳам тўртта канизи билан Боғи Майдонга кириб келди. Унинг бошида келинчакларни эслатувчи оқ ҳарир рўмол, пешонасига эса тиллақош тақилган. Эгнида хипча белли гулгун қабо. Унинг тагидан кийилган оқ атлас кўйлагининг этаги шунчалик узунки, икки каниз икки томондан кўтариб келяпти.

Зуҳра бегимни Чилсутуннинг пастки ошиёнида махсус безатилган хонаи хосга бошлаб ўтаётганларини Шайбонийхоннинг қирқ ёшлардан ошган катта хотини кўриб қолди:

– Бу не деган юзсиз хотин? – деб ёнидаги аёлга шипшиди: – Эрсираган мегажин иззатини билиб уйида ўтирмай-

[1] Б ў д и – «бўлди» дегани.

дими? Совчи бориб ишни битиргунча шошмай турмайдими? Илойим касофати ўзидан берига келмасин!

Зуҳра бегим хонаи хосга кирганда Шайбонийхон тахт устида ўтирар эди. Зуҳра бегим икки букилиб таъзим қилар экан, Шайбонийхон у билан тахт устидан тушмасдан сўрашди.

– Хуш келдингиз, бегим.

Хондан бошқача муомала кутган Зуҳра бегим тўсатдан кўнгли бузилиб, кўзига ёш олди.

– Хон ҳазратлари, мен ўзимни сизга қурбон қилдим. Фарзандимни, хону моним – ҳаммасини марҳаматингизга ишониб топширдим!

Зуҳра бегимнинг юзи оқ ипак тўр ортидан аниқ кўринмас эди. Хон унинг гавҳар кўзли олтин узуклар тақилган қўлларига қаради. Томирлари бўртиб турган бу титроқ қўллар бегимнинг анча ёшга борганидан далолат берарди. Шайбонийхон яқинда Бухородa никоҳлаб олган ўн тўққиз ёшли кичик хотинини эслади. Сўнг Зуҳра бегимнинг каттагина ўғли Султон Али мирзо кўз олдидан ўтди.

– Хотиржам бўлинг, бегим Сизнинг мақсадингиз бизга маълум. Худо хоҳласа, муродингиз ҳосил бўлмай қолмас.

Шайбонийхон бошқа ҳеч нарса демади. Ясовул Зуҳра бегимни хонаи хосдан олиб чиқиб кетди. Уни канизлари билан бошқа бир кичикроқ хонага киритиб, эшикларини ташқарисидан ёпиб олдилар.

* * *

Шайбонийхоннинг нима қилмоқчи эканини ҳеч ким тушунмас, аммо бугун Боғи Майдонда фавқулодда бир ҳодиса бўлаётганини сезган барча лашкарбошилар ва аъёнлар Чилсутун кошонасининг ён-верида икки-учтадан бўлиб айланиб юришар эди. Уларнинг орасида шоир Муҳаммад Солиҳ ҳам бор эди. Унинг ипак салласи нозик қилиб ўралган, калта енгил ипак абоси ўзига жуда ёпишиб туради. Ёзда ҳам телпак кийиб юрадиган, урушдан бошқа нарсани билмай қўполлашиб кетган кўчманчи султонлар унинг зиёлича нозик кийинишини ёқтирмайдилар, темурийлар хизматида ўтган оғир ўтмишини эслатиб туришни яхши кўрадилар. Найман уруғининг бошлиғи Қамбарбий боғда Муҳаммад Солиҳга тегишди:

– Ҳа, жаноб шоир, Самарқанддан мирзонгиз минан чечангиз[1] келиб, суюниб турибсизми?

[1] Ч е ч а – бу ерда келинойи, янга маъносида.

– Қамбарбий жаноблари, Зуҳра бегим асли ўзбекнинг найман уруғидан бўлурлар. Бегимни мендан олдин сиз чеча дейишингиз лозим.

Манғит, дўрмон ва қўшчи уруғининг султонлари бу гапни ёқтириб хахолаб кулдилар. Қамбарбийнинг аччиғи келди. Муҳаммад Солиҳга ўшқириб:

– Сиз-чи? – деди. – Сиз барлос туркиданмисиз?!

Темур ва темурийлардан чиққан барлослар Шайбонийхоннинг энг ёмон кўрган уруғи эди. Муҳаммад Солиҳ Ҳусайн Бойқаро саройида хизмат қилган, Султон Али мирзога ҳам мулозим бўлган, ахийри, мирзолардан айниб, Шайбонийхон томонига қочиб ўтган эди. У Султон Али мирзонинг ҳарбий сирларини Шайбонийхонга айтиб бериб, Бухоро ва Дабусия қалъасининг олинишига кўмаклашгани учун хон уни ёқтириб қолган эди. Аммо Қамбарбий ичида уни: «Хиёнат йўли билан обрў орттирган беқарор турк!» деб ёмон кўрар эди. Муҳаммад Солиҳ Қамбарбийнинг бу нафратини ўзига олгиси келмай, гапни ҳазилга бурди:

– Жаноб Қамбарбий, мен ўзбек туркиданмен!

– Қувлик қилманг, ўзбек бошқа, турк бошқа!

– Лекин ўзбекда «ота юртим Туркистон» деган нақл борку, бунисига не дейсиз?

– Вой-бўй, – деди Кўпакбий, – манав шоиринг бизнинг Туркистонни ҳам туркларга бериб жубормоқчи-ғу!

Дашти Қипчоқдан чиққан оми Кўпакбий Туркистондай маданий шаҳарни ўзиники қилиб гапирганидан Муҳаммад Солиҳнинг кулгиси келди:

– Жаноб Кўпакбий, сиз аввал Туркистон деган сўзнинг маъносини тушунинг! Туркистон – турклар макони дегани-ку!

– Не демоқчисан? Биз Рум[1] туркидан тарқаганмизми?

– Аксинча, Рум турклари ҳам Туркистонни «ота юртим» дерлар. Улар билан бизнинг илдизимиз бир. Самарқанд қўрғонидан берида турган ҳу ана у тепаларга бир қаранг. Ана ўша ерда бундан минг йил аввал Афросиёб деган улкан шаҳар бўлган. Афросиёб эса Мовароуннаҳр туркларининг афсонавий қаҳрамони эди. «Унинг асли оти Алп Эр Тўнга бўлган» деб, «Қутадғу билиг»да Юсуф Хос Ҳожиб ёзмишдир.

– Бу шоир ўзбекнинг нонини еб, нуқул туркни мақтайди-я!

[1] Р у м – Туркия.

– Жаноб Қамбарбий, ўзбек, қозоқ, туркман, қирғиз – барчаси ҳам туркий улуслардир. Бир отанинг болаларидек еримиз бир, тарихимиз бир. Сизлар ўзбек уруғларининг тарихини Ўзбекхондан[1] бошлайсизлар. Бу тўғри эмас.

– Нега тўғри бўлмас экан? – ўшқирди Кўпакбий, – Ўзбекхондан тарқалган эмасмизма?

– Жаноб Кўпакбий, сизнинг қипчоқ уруғингиз Ўзбекхондан минг йил олдин машҳур бўлган. Қўнғирот уруғининг тарихи ҳам олти-етти асрга боради. Манғит, найман, дўрмон, қушчи уруғлари ҳам қадимдан бери бор. Бу уруғлар ҳаммаси ҳозир онҳазратим Шайбонийхон қўл остига бирлашиб «ўзбек улуси» деган умумий ном олган экан, сизлар бу улуснинг тарихини эсдан чиқарманглар. Ўзбек деган исм туркий халқларда Ўзбекхондан неча юз йил олдин ҳам мавжуд бўлган. Мен Хоразмда ўсмишмен. Қадимий китоблардан ўқидимким, Чингизхондан олдин шоҳ бўлган Хоразмшоҳ Муҳаммад ўз ўғилларидан бирига Ўзбек деб ном қўймишдир. Шундан маълумки, бу ном юртимизда Чингизхон келмасидан олдин ҳам мўътабар бўлган. Ўзбек номини бизнинг улусимиз Ўзбекхондан олган эмас. Аксинча, бу қадимий номни Ўзбекхон бизнинг туркий улуслардан олмишдир!

– Яна туркий дейди-я! Хон ҳазратларининг бобокалонлари улуғ Чингизхон турк бўлмаган-ку!

Қамбарбий қалтис мавзуда гап очганини сезиб, ҳамма жим бўлиб қолди. Чунки Чингизхоннинг ғайридин бўлганини, Бухоронинг жоме масжидига от миниб кирганини Туроннинг кўпчилик аҳолиси биларди. Шайбонийхон бу аҳолини чўчитмаслик учун Чингизхон наслидан эканини ошкор қилмасдан дил тубида сақларди. Аммо хоннинг туркий тилли мусулмон эканлиги, ислом байроқдори бўлиб майдонга чиққанлиги катта бир сиёсат шаклида очиқчасига тарғиб қилинарди. Муҳаммад Солиҳ ҳам ана шу сиёсатга мос келадиган сўзларни излаб топди:

– Жаноб Қамбарбий, Шайбонийхоннинг боболари Абулхайрхон, оталари Шоҳбудоқ Султон ислом динидан баҳраманд бўлишиб, хоқони аъзам Чингизхондан ҳам баландроқ маънавий юксакликка кўтарилганлар. Шайбоний-

1 Ў з б е к х о н – Олтин Ўрда хони, 1312–1342-йилларда ҳукмронлик қилган, унинг пойтахти Сарой Берке Волга бўйида, ҳозирги Волгоград яқинида бўлган.

хон ҳазратлари ҳозир ана шу юксакликда туриб, Туроннинг пок мусулмон халқига раҳнамо бўлмоқдалар!

– Об-бо, сарттинг боласи-ей, энди Туронни ўртага солиб, сўзини ўтказмоқчи-да!

– Тарих шундай бўлса мен не қилай, жаноб Қамбарбий? Минг йиллардан буён Хуросондан нарёғи Эрону бериги ёғи Турон деб юритилур... Хон ҳазратлари буни яхши билурлар. Имоми замон Бухоро мадрасасида таҳсил кўрганларида жуда кўп туркий шеърларни ёд олганлар. Ўзлари ҳам туркий тилда ғазаллар ёзганлар. Мен онҳазратнинг ғазалларидан бир байт келтирай, эшитинг:

Фирқат отидан йиқилдим, ёр келди сурғали
Эй Шайбоний, ёр дардингга даво қилди яна.

Хон ҳазратларининг бу шеърлари туркийча эмас, ўзбекча! – деди Қамбарбий.

– Лекин барча туркигўй шоирлар худди шу тилда шеър ёзганлар-ку! Агар бу ўзбек тилида бўлса, демак, Навоий ҳам ўзбек тилида ёзган. Демак, камина ҳам ҳозир сизлар билан ўзбек тилида сўзлашмоқдамен. Демак, Мовароуннаҳрнинг туркий тили-ю ўзбек тили, аслида бир тил. Жаноблар, энди дилимиз ҳам бир бўлмоғи керак. Темурийлар турк-у ўзбек деб улусни улусдан ажратиб, халқни пароканда қилдилар, мамлакат парчаланиб, хароб бўлди. Энди имоми замон, Искандари соний[1] яна шу улусни бирлаштириб, мамлакатга ягона жон ато қилмоқчилар! Илоҳим, ҳазрат хонимиз шу мақсадларига етсинлар!

Муҳаммад Солиҳнинг бу гапига энди ҳеч ким эътироз қилолмади. Мунозарада усталик билан ғолиб чиққан шоир кўшкка қараб кетди. Кўпакбий Қамбарбийга қараб:

– Сарттинг боласини кўрдингизма? – деди. – Буларни гап билан женгиб бўлмайди!

– Гап билан енгмасак қилич билан енгамиз! – деди Қамбарбий. Ҳаммалари хахолаб кулдилар.

[1] И с к а н д а р и С о н и й – Иккинчи Искандар, Шайбонийхонга берилган юксак таърифлардан бири.

* * *

Кўшкдан ясовул чиқиб, боғда мунтазир турган лашкарбоши ва аъёнларни хон ҳазратлари юқориги қаватга кенгашга чақирганини айтди.

Боғдаги аркони давлат кўшкнинг тўрт бурчига минорага ўхшатиб ишланган ва торгина йўлак ичидан ўтган зинапоялар билан юқорига кўтарила бошладилар.

Хоннинг ўзи ҳали ҳам пастдаги хонаи хосда яна нимани-дир кутмоқда эди.

Кечки пайт Самарқанддан беш-олтита муридини эргаштириб, Хўжа Яҳё ҳам чиқиб келди. У Боғи Майдонга кириб отдан тушаётганда саросима бўлиб, оёғи узанги қайишига ўралиб қолди. Муридлари уни суяб туширдилар.

Катта оқ салла, малла сақарлот делагай кийган Хўжа Яҳё Шайбонийхон ўтирган тахтнинг олдигача таъзим қилиб борди. Қироатга ўрганган жарангдор товуш билан:

– Ассалому алайкум, хон ҳазратлари, – деди. – Самарқанд дарвозалари сиз улуғ зот учун очиқдур!

Шайбонийхон Хўжа Яҳё билан ўрнидан турмай сўрашдию, киноя қилиб деди:

– Самарқанд қопқаларини биз учун сиз очиб келдингизми?

– Ҳазратим, ҳар иш Худонинг хоҳиши билан бўлур.

– Бироқ сизнинг хоҳишингиз – Самарқандни Бобурга бериш эди-ку?

– Осий бандалармиз, хон ҳазратлари. Хатолик ўтган бўлса, афв этинг, ҳузурингизга бош эгиб келдим...

Хўжа Яҳё кўзига ёш олди. Шайбонийхон ясовулга буюрди:

– Юқорига олиб чиқиб, мирзосининг қапталига[1] ўтирғизинг!

Хўжа Яҳёни олиб чиқиб кетганларидан кейин Шайбонийхон ўзининг энг яқин маслаҳатгўйи бўлган олтмиш ёшли мўйсафид мулла Абдураҳимни чақирди ва у билан нима ҳақдадир яккама-якка гаплаша бошлади.

Хоннинг шошилмаётгани баъзи султонларни таажжубга солмоқда эди. Самарқанд дарвозалари очиқ пайтда нега пойтахтга от қўйиб кирмасдан, бу ерда имиллаб ўтиришибди?

[1] Қаптали – Ёни, қатори.

3

Шайбонийхон тўрдаги эшикдан кирганда ҳамма ўтирганлар ўринларидан сапчиб туриб, хонга эгилиб таъзим қилдилар. Хон шаҳнишинга тўшалган кимхоб кўрпача устига чордана қуриб ўтирди. Унинг ўнг ёнига чўкка тушган мулла Абдураҳим Қуръондан қисқа бир оят ўқиб, хон ҳазратларига энг олий тилаклар билдирдию, ниҳоят мақсадга ўтди:

– Имоми замон, халифаи раҳмоннинг ниятлари фақат шаҳар олиш эмас, дину миллат душманларини фош этиб, сизу бизни Муҳаммад алайҳиссалом юрган муқаддас йўлга етаклашдир. Агар фақат молу мулкни ўйлайдиган подшоҳ бўлса, Самарқанд қопқалари очилган заҳоти урҳо-ур, деб қалъага от қўйиб кирур эди, карнай-сурнай чалдириб, ўз ғалабасини тезроқ халққа ошкор қилур эди. Аммо бизнинг улуғ хонимиз – доноликда Искандари замон Шайбонийхон молу мулкдан аввал инсофу имонни ўйлаюрлар.

– Барҳақ! – деб қўйди мулла Абдураҳимдан пастроқда ўтирган Муҳаммад Солиҳ.

– Подшоҳ инсофу имонни унутса, не чоғлиқ мурдорликлар юз бериши, мамлакат не чоғлиқ хароб бўлиши темурийларнинг кирдикорларидан бизга аён. Абдуллатиф мирзо ўз отаси Улуғбек мирзони ўлтиртирди. Ҳиротда Ҳусайн Бойқаро ўз невараси Мўмин мирзони ўлтиртирди. Мана ҳозир биз билан ўлтирган Султон Али мирзо ўз оғаси Бойсунқур мирзони туттириб ўлдирмоқчи бўлганда, оғаси қочиб қутулди. Кейин Бойсунқур мирзо бу инисини туттирганда кўзини кўр қилмоқчи бўлди. Аммо жаллодни олтинга сотиб олиб, бу Мирзо ҳам қочиб қутулди. Мирзоларнинг саройида сотқинлик, хиёнат, бузуқлик авж олди. Қуръони шариф майни макруҳ деб қатъий тақиқлаган. Аммо даврамизда ўлтирган мана бу ёш Мирзо жойнамоз устида ўлтирган имоми замон ҳузурига май ичиб ширакайф келмиш. Бу Мирзонинг шаҳвонийпарастлиги, шу ёшдан ҳаром йўлга юришлиги имоми замон хонимизга аввалдан аён эди!

Кўпакбий ғазабланиб гап қўшди:

– Осиб ўлдириш керак бундай Мирзони!

– Айб фақат бу навжувон Мирзода эмас, – деб Муҳаммад Солиҳ унга эътироз қилди. – Бунинг отаси Маҳмуд мирзо

бағоят имонсиз бузуқ одам эди. Самарқандда подшоҳлик қилганда хотинбозликка қаноат қилмай, баччабозликни ҳам авжига чиқарган эди. Бечора халқ чиройли ёш ўғлонларини кўчага чиқартиришга қўрқиб, қизларни яширгандек ичкарига яширар эди.

– Ўғил отасига тортибдир-да?

– Онаси-чи? Мирзонинг онаси қалай?

Бу қалтис саволдан ҳамма бир лаҳза жим бўлиб қолди. Чунки «Шайбонийхон Зуҳра бегимни никоҳлаб олмоқчи эмиш», деган овоза кўпчиликнинг эсига тушди. Хон бу аёлга уйланса, обрўси тушишини бояёқ сезган ва уйланмоқчи эмаслигини мулла Абдураҳимга айтган эди. Ҳозир мулла Абдураҳим миш-мишларни бартараф қилишга шошилди:

– Мирзоларнинг касофати хотинларига ҳам урмиш. Бу Мирзонинг онаси ўз нафси учун ёлғиз ўғлини қурбон қиладиганга ўхшайди!

Мулла Абдураҳимнинг бу гапидан кейин хоннинг Зуҳра бегимга муносабати ҳам кўпчиликка аён бўлди. Султонлардан бири:

– Қутурган бияга судратиб ўлдириш керак ундай хотинни! – деди. Яна бири:

– Қопга солиб энг баланд минорадан ташлаш керак! – деди.

Шайбонийхон мунозарага ерк бериб, ўзи ҳамманинг гапига зимдан қулоқ солиб ўтирарди. Бир-биридан қўрқинчли таклифлар кўпайиб кетгандан кейин Шайбонийхоннинг ишораси билан мулла Абдураҳим ҳаммани жим қилди.

Хон гапирар экан, ўнлаб кишилар унинг салмоқдор, вазмин овозидан, дона-дона қилиб айтаётган сўзларидан сеҳрлангандай қотиб қулоқ сола бошлади. Шайбонийхон мирзоларнинг инсофни, имонни унутганлари, эл-улусни вайрон қилганларига яна бир талай мисоллар келтирдию, бирдан Хўжа Яҳёга юзланди:

– Бу мирзоларингнинг пири – сизнинг отангиз Хўжа Аҳрор эди. «Мен валийман» деб, подшоҳларга ҳукмини ўтказиб, жуда катта бойлик орттирган эди. Бизнинг хабаримиз бор, отангиздан сизга жуда кўп олтин қолган. Отангиз ўлгандан кейин, мана, ўн бир йилдан бери сиз Самарқандга руҳоний ота бўлиб юрибсиз. Сиз ҳам нафсга берилиб, жуда кўп сийму зар тўплағансиз. Балиқ бошидан бузилади. Пир қандай бўлса, мурид ҳам шундай бўлади. Қапталингизда ўтирган

мана шул шаҳвонийпараст ёш Мирзо сизнинг муридингиз, Худо олдида сиз шунга жавоб бераман деб қўлини олғансиз!

Шайбонийхон шаҳодат бармоғини бигиз қилиб, аввал Мирзони, сўнг Хўжа Яҳёни кўрсатди-да, кейин ўша бармоғини пастга қаратиб силкитди:

– Сизнинг яна бир муридингиз аёл боши билан эр истаб келиб, пастда ўтирипти. Сизнинг қандай пирлиғингизни мана шулар кўрсатиб турипти! Сиз аввал муридларингизга хиёнат қилиб, Самарқандни Бобурга бермоқчи бўлдингиз. Кейин булар пирларига хиёнат қилиб, менинг олдимга келди. Хиёнат устига хиёнат! Бири у ёққа тортса, бири бу ёққа тортади! Подшоҳ ўзичаю, дин раҳнамоси ўзича! Бири бирини алдайди. Бири бирининг гўштини емоқчи бўлади! Муҳаммад алайҳиссалом ҳам пайғамбар эдилар, ҳам подшоҳ эдилар, ҳам лашкарбоши эдилар. Ким шунга қодир бўлмаса, ким пайғамбаримизнинг муқаддас йўлидан юрмаса, мана шу пир билан муридга ўхшаб кофирлик жарига йиқилади! Шайбонийхон бу гапларни ўзининг қўл остидаги аъёнларига ҳам тегизиб гапирмоқда эди. Чунки уларнинг баъзиси «Хонимиз тахт-у тожга қаноат қилмай имоми замон, халифаи раҳмон ҳам бўлиб олдилар», деб шивирлашар эди. Темурийларнинг ишини кўпдан бери кузатиб юрган Шайбонийхон уларнинг салтанатларида Хўжа Аҳрор каби диний раҳбарлар ўзларича мустақил ҳукмдор бўлиб олиб, мирзоларнинг ҳокимиятини ичдан заифлаштирганини яхши билар эди. Шайбонийхон хонлик ҳокимияти билан диний ҳокимиятни ўз қўлида бирлаштириб, темурийларга нисбатан катта бир устунликка эришмоқда эди. У Бухорода мадрасада ўқиб юрганда шариат ва тариқат илмини яхши ўрганган, Қуръонни ёд билар эди. Ҳозир Шайбонийхоннинг қароргоҳида ислом динини ундан яхши биладиган, Қуръонни қироат билан ўқишда ундан ўтадиган одам йўқ эди. Унинг имомлик ва халифалик унвонлари шундан ҳам келиб чиққан эди. Шайбонийхон марказлашган улуғ бир давлат тузишга интилар экан, бу мақсадга тезроқ етиш учун қўл остидаги одамларнинг ихлос ва эътиқодини ҳам қозонишга, уларнинг мафкурасини ўзига бўйсундириб, ҳаммасини бир доҳий атрофига жипслаштиришга алоҳида эътибор берар эди. У ўз даврининг энг зўр мафкураси – диний мафкура эканлигини яхши биларди. Шунинг учун ҳозир ўзи эришаётган муваффақиятларни ҳам динга ва илоҳий кучларга боғлаб гапира бошлади:

– Бизнинг Самарқанддаги душманларимиз етти бошлиқ аждарҳодай зўр эди. Бу аждарҳо не-не қўшинларни комига тортиб ютиб юборган. Аммо бизнинг имонимиз пок, ниятимиз холис. Олло таоло шу аждарҳони инидан тортиб чиқариб, бизнинг ҳузуримизга олиб келди. «Нима қилсанг қил!» деб қўлимизга берди. Худонинг қудрати билан Самарқанддек шаҳарнинг қопқалари бизга жангсиз очилди!

Самарқанд урушсиз таслим бўлаётганлиги, унинг подшоҳи ва диний раҳбарлари ўз оёқлари билан Шайбонийхон ҳузурига кириб келганлиги нақадар улкан бир зафар эканини барча аъёнлар гўё энди астойдил ҳис қилдилар. Бу зафарнинг Худо томонидан берилганлиги эса Шайбонийхонни уларнинг кўзига Худонинг назари тушган бир авлиё қилиб кўрсатар эди. Шайбонийхон нафаси ўткир валий бўлмаса, бу қадар мураккаб, бу қадар қийин ишни шунчалик донолик ва усталик билан амалга оширолармиди? Мулла Абдураҳим ўрнидан сакраб туриб:

– Имоми замонимиз минг йил умр кўрсинлар! – деб олқиш айтди. Бошқалар ҳам оёққа қалқдилар. Устма-уст олқиш янгради:

– Искандари сонийга офарин!

– Ҳазрати валийга минг раҳмат!

– Халифаи раҳмон дунё тургунча турсинлар!

Ҳамма аъёнлар ўринларидан турганларидан кейин Султон Али мирзо билан Хўжа Яҳё ҳам жойларидан кўтарилдилар. Аммо улар тирик мурдадек оёқда зўрға туришар эди. Агар ҳозир Шайбонийхон мана бу олқиш айтаётганларга бир оғиз буюрса, улар Мирзо билан Хўжани тилка-пора қилиб ташлашлари аниқ эди. Хоннинг ишораси билан олқишлар тинди, ҳамма жойига қайтиб ўтирди.

– Манави хўжа билан мирзоға, – деди Шайбонийхон, – минг азоб бериб ўлдирсак ҳақимиз бор. Бироқ инсофу имон қанчалик бўлишини буларга яна бир кўрсатиб қўяйлик. Майли, қонларидан кечайлик, жонлари омон қолсин!

Боятдан бери ўлимни бўйинларига олиб, жонларидан умид узиб ўтирган Мирзо билан Хўжа энди бирдан эгилиб, хонга миннатдорчилик билдирдилар. Хўжа Яҳёнинг кўнгли юмшаб, кўзига ҳатто ёш келди:

– Худо умрингизни берсин, хон ҳазратлари!..

– Бироқ, – деди хон овозини кўтариб, – жаноб Хўжа Яҳё молу дунёга ҳирс қўйиб, тафвиқни унутган. Имонларини пок-

лаш учун Маккаи мукаррамага сафар қилсинлар. Хўжага эрталабгача муҳлат берамиз. Керакли нарсаларини йиғиштириб, икки ўғиллари билан бирга ҳажга жўнасинлар. Кўпакбий!

– Лаббай, хон ҳазратлари!

– Хўжа Яҳёни ўғиллари билан эрта эрталаб Самарқанддан чиқариб қўйишни сизга топширдик!

– Бош устига, хон ҳазратлари!

– Мана бу ёш Мирзо, – деб Шайбонийхон Султон Али мирзога қараб давом этди, – бизга ўғил тутингиси келибди. Майли, диндан қайтганни яна дин йўлига солиш – савоб иш. Шаҳзода Темурхон уни ўз одамлари қаторига олсинлар.

Отасига яқин ўтирган йигирма ёшли хушбичим Темурхон семиз Мирзога нафратли бир назар ташладию, аммо хонга таъзим қилиб, буйруқни бажаражагини айтди.

– Яхши бўлса ошини ер, – қўшиб қўйди Шайбонийхон, – ёмон бўлса бошини! Султон Али мирзо вақтинча тирик қолаётганини кўп одам шу сўзлардан сезди. Энди пастки қаватда ўтирган Зуҳра бегимнинг тақдирини ҳал қилиш керак эди.

Шайбонийхон бир вақтлар Зуҳра бегимни жуда гўзал деб эшитиб, «ўзимга ғунчачи[1] қилиб оларман», деб ўйлаган эди. Шунинг учун бегимга ёзган хатига бир неча сатр шеър қўшган эди. Аммо уни бугун ўз кўзи билан кўргандан кейин бегимдан ихлоси қайтди. Тўғри, шеър ёзиб бегимни алдагани кўнглининг бир четини хира қилиб турар эди. Аммо бу ерда Зуҳра бегимдан нафратланиб гапирган аъёнлар у хотиннинг бузуқлигига хонни ҳам ишонтирдию, кўнглидаги бу хираликни тарқатиб юборди. «Ўзи шундай алданишга муносиб хотин экан, – деб ўйланди хон. – Агар ҳозир қўйиб берсам, султонлар уни қутурган бияга судратиб ўлдиради. Лекин мен «Муродингизга етасиз!» – дедим. Муроди – эрга тегиш экан. Зўр бир эр топиб бериб, сўзимнинг устидан чиқайин!» Хоннинг кўзлари даврада ўтирган султонларни оралаб ўтиб, пойгакроқда ўтирган йўғон гавдали чўтир қора кишида тўхтади. Мансур бахши деб аталадиган бу одам табиблик қилар эди. У чилдирма чалиб «кўчириқ» қилишни ҳам билар эди, «кўтарувчи» деган лақаби бор эди. Унга хотин чидамас – олган хотинлари ё бир-икки йил умр кўрмай ўлар, ёки қочиб кетар эди.

[1] Ғ у н ч а ч и – муваққат хотин.

– Мансур бахши, сиз хотинга ёлчимай юрибсиз, – деди Шайбонийхон. – Пастдаги бегим келинчак ёнглиқ ясаниб келибди. Шуни сизга узатайикми?

Мансур бахши ўрнидан сакраб турди, қувонганидан оғзи қулоғига етгудай кулиб таъзим қилди:

– Марҳаматингиздан айланайин, ҳазратим, жон дейман!

Ҳамма кулиб юборди. Шайбонийхон бу тугунни ҳам султон ва аъёнларга ёқадиган бир усталик билан ечганидан кўпчилик мамнун эди:

– Хон ҳазратлари доно йўл топдилар!

– Мансур кўтарувчи энди бегимни қучоғидан қўймай роса кўтаради.

– Бири бирига муносиб!

– Бироқ, – Шайбонийхон яна сўз бошлаган эди, ўзаро гаплар ва кулгилар дарҳол босилди, – бахшининг тўйини Самарқандда қиламиз. Ҳаммамиз шаҳарга тартиб билан кирамиз...

Самарқандда бир неча марта бўлган ва қаерда нима борлигини яхши биладиган хон қўшинларнинг шаҳарга кириш ва жойлашиш тартибини олдиндан ўйлаб қўйган эди. Ҳозир шуни буйруқ шаклига келтириб, лашкарбошиларга аниқ кўрсатмалар бера бошлади. Шайбонийхоннинг беш минг кишилик қўшини Чорраҳа дарвозасидан Самарқандга кириб борганда шаҳарнинг нариги томонидаги Сўзангарон дарвозасидан юзлаб одамлар қочиб чиқиб кетмоқда эдилар. Бобур ҳозир Шаҳрисабзда эди. Самарқанддан қочиб чиққан унинг тарафдорлари Шаҳрисабзга қараб шошилмоқда эдилар. Аммо Шайбонийхоннинг қуюндай югурик отлиқлари уларнинг кўпини қувиб етиб, кўчларини талашди, кўпларини аёвсиз ўлдиришди.

Кечаси шаҳарда талончилик авжига чиқди. Фақат Хўжа Яҳёнинг ҳашаматли уйига ва кенг ҳовлисига талончилар йўлатилмади. Кўпакбийнинг юзтача навкари Хўжа Яҳёнинг ҳовлисини қўриқлаб турди. Бироқ Кўпакбий қўйган махсус одамлар Хўжа Аҳрордан қолган бойликлар, олтин ва жавоҳирларнинг қайси сандиқларга жойлаштирилаётганини пана-панадан кузатиб, кўз тагига олиб қўйдилар.

Хўжа Яҳё икки ўғли, уч хотини, ўн бештача хизматкори ёрдамида туни бўйи кўч йиғиштирди. Тонг отганда барча сандиғу бўхчаларини, кўч-кўронини тўртта аравага ва ўн икки туяга юклатди. Аёлларни соябон аравага чиқа-

ришди. Хўжа Яҳёнинг ўзи, икки ўғли ва ўнта қўриқчи хизматкор йигити энг яхши отларини миндилар, Самарқанд билан ғамгин хайрлашиб, қалъадан чиқдилар. Кўпакбий ўз навкарлари билан бирга Хўжа Яҳёни Оҳаклик тоғигача кузатиб қўйди. Термиз йўлига тоғ ошиб ўтиш керак эди. Бир тоғ дарасининг ичида Кўпакбий Хўжа Яҳёга қараб:

– Биз онҳазратимнинг буйруғини бажардик, энди у ёғига ўзингиз кетаверинг! – дедию, навкарлари билан орқага бурилди.

У кўринишидан Самарқандга қайтмоқчига ўхшарди. Аммо дарадан чиққандан кейин йўлни ўнгга бурди, бошқа бир дара орқали Хўжа Яҳёнинг ўнг томонидан айланиб ўтди. Ғира-шира қоронғилик тушиб, одам одамни яхши танимайдиган пайт бўлганда Кўпакбий барча аскарлари билан юқоридан кўчкидай ёпирилиб тушди. Қий-чув, дод-войларга қарамай, Хўжа Яҳёнинг ўзини ҳам, икки ўғлини ҳам, қўриқчи йигитларини ҳам қиличдан ўтказишди. Тирик қолган аёллар Кўпакбийнинг ўнбошиларига бошқа ўлжалар қаторида улашилди. Сандиқдаги жавоҳирлар ва олтин-кумушларнинг ярми кечаси хоннинг хазинасига элтиб топширилди. Чунки Кўпакбийнинг Хўжа Яҳёни ҳажга жўнатиш баҳонаси билан тоғ ичида ўлдириши ва бойлигини мусодара қилиши Шайбонийхоннинг имо-ишораси билан қилинган эди.

Бу воқеадан хабар топган Султон Али мирзо ўлим хафви ўзига ҳам яқинлашиб келаётганини сезди-ю, қандай қилиб бўлса ҳам қочиб қутулишнинг пайига тушди. Қуюқ туман тушган куни азонда икки навкари билан Феруза дарвозасидан яширинча чиқиб, Панжакент томонга қочди. Бироқ Темур Султон унинг кетига қўйган хуфиялар бу воқеадан хабардор эдилар. Султон Али мирзо қалъадан қочиб чиққунча уни атайлаб қўйиб берган эдилар. Чунки унинг айбини бўйнига қўйиб қочиб кетаётган пайтида тутиб ўлдирмоқчи эдилар. Султон Али мирзо Сиёб бўйларига бормасданоқ кетидан Темур Султон икки юз навкари билан уни қувиб етди ва дарҳол ўраб олиб, бир қилич зарби билан бошини танасидан жудо қилди.

Мансур бахшига никоҳлаб берилган Зуҳра бегим ёлғиз ўғлининг тобутда бошсиз ётган танасини кўрганда ўзининг калласига муштларини уриб дод солди, юзини қўли билан тирнаб қонатиб юборди, кўйлагининг ёқасини йиртиб

чинқирди. Лекин ғолиблар бунинг ҳаммасига: «Баттар бўл, ўзинг сабабчисан!» дегандек бир заҳарханда билан қарашди.

4

Сувларнинг юзи хазонларга тўлиб оқадиган сершамол куз кунлари бошланди. Самарқанддан ўттиз чақиримча шарқи-жануб томонда, Панжакентдан қуйида Зарафшон дарёсини кечиб ўтган икки юздан ортиқ қуролли суворийлар қоронғи тушганда Сиёб бўйига яқинлашдилар. Улар йўлларида учраган қишлоқларни четлаб ўтишар, ҳеч қаерда тўхтамасдан, шовқин-сурон кўтармасдан, мумкин қадар сукут сақлаб келишар эди. Уларга бирда-ярим дуч келиб қолган деҳқонлар қўрқиб ўзларини четга олар эдилар. Шайбонийхоннинг аскарлари ҳамманинг юрагини олиб қўйган эди. Ҳозир Самарқанд атрофларида хоннинг беш мингдан ортиқ қўшини бор эди. Одамлар мана бу отлиқларни ҳам шу қўшиннинг бир бўлаги деб ўйлаб, улардан балодан қочгандай қочар эдилар.

Бироқ отлиқларнинг ўзлари алланарсадан хавотири бордай эҳтиёт билан бормоқда эдилар. Қоронғида Сиёбдан ўтаётганларида, отларнинг беш-олтитаси балчиққа тиқилиб қолди. Уларни балчиқдан чиқаришга уриниб, ўзлари лойга ботган, юзларини қамишлар тирнаган навкарлар аччиқ устида баланд овоз билан сўзлашган эдилар, таниш овоз уларни уришиб берди:

– Мунча додлайсиз? Ёғийга хабар бермоқчимисиз?

Бобурнинг овозини таниган бир навкар:

– Маъзур тутинг, амирзодам, – деди. – Ҳаром ўлгур от ёмон тиқилди!

Булоқ сувларидан йиғилган Сиёб совуқ куз кечасида буғланиб оқмоқда эди. Тун қоронғиси устига сув буғлари ҳам қўшилиб, балчиқни қуруқ ердан ажратиб бўлмас эди.

Лойга ботган отлар анча одамни йўлдан тутиб қолаётганини кўрган Бобур:

– Бас, чиқариб бўлмаса, қолсин! – деди. Қосимбек дарҳол унинг сўзини қувватлади:

– Пиёда қолганлар менинг отларимдан олсинлар! Оти лойга тиқилган навкарлардан бири Тоҳир эди.

– Тоғларда қанча оту тевалар қолди, учмалардан ўтиб келган отим энди шу балчиқда қолсинми, а? – деди Тоҳир отига ачиниб.

– Ўзимизнинг жонимиз ҳам қил устида! – деди Бобур.

Тоҳир Қосимбек учун етаклаб келинаётган отлардан бирига минди. Яна икки навкар пиёда қолган эди. Уларга Бобур ўзининг тўртта отидан иккитасини берди. Ҳозир унинг кўзига от-улов кўринмас эди. Энг муҳими, унинг Самарқандга яқинлашаётганини Шайбонийхон мутлақо сезмаслиги керак. Бобур ёзи билан тоғларда юрди, Шаҳрисабздан Ҳисорга, ундан Фондарё бўйларига ошиб ўтди. Самарқанд беклари бутун навкарлари билан Ҳисор ҳокими Хисравшоҳ томонига ўтиб кетди. Андижондан Бобур билан келган одамларнинг кўпчилиги Искандаркўл бўйларидан Ўратепа орқали Фарғона водийсига қайтдилар.

Жангдовуллар бу хабарларнинг ҳаммасини Шайбонийхонга аллақачон етказган эдилар. Бобурнинг бир неча юз киши билан тоғ орасида қийналиб юрганини аниқ биладиган Шайбонийхон энди унинг Андижонга қайтиб кетишига ёки ўзгандан нарида хонлик қилаётган тоғаси Олачахон олдига боришига шубҳа қилмас эди. Шайбонийхон ёв ҳужум қилишини кутмас, шунинг учун шаҳарда беш юз кишилик қўшин қолдириб, қалъа ташқарисидаги Хўжа Дийдор деган жойни қароргоҳ қилган эди. Шайбонийхоннинг бехавотир юрганидан хабар топиб, Самарқандга таваккал қилиб бораётган Бобур жуда қалтис бир ишга бел боғлаганини сезарди. Шайбонийхоннинг жосуслари кўплиги унга маълум эди. Хон ўзини сезмаганга солиб, Бобурни шаҳарга яқин келгунча қўйиб бериши, кейин қуршовга олиши мумкин эди. Шаҳар ичидаги қўшин ҳам Бобурнинг одамларидан икки-уч баробар кўп. Бобур Шайбонийхоннинг қўлига тушса, тирик қутулолмаслигини билади. Навкарлар, беклар омон қолиши ва хон аскарлари сафида хизмат қилиб кетиши мумкин – Султон Али мирзонинг кўпчилик бек ва навкарларини хон ўз лашкарларига қўшиб олгани ҳаммага маълум. Аммо янги бир сулолага асос солмоқчи бўлган Шайбонийхон темурийларни аёвсиз ўлдиришга қасд қилганини Бобур билар эди. Шунинг учун агар бирон фалокат бўлса-ю, қутулиб кетолмаса, охирги нафасигача жанг қилишга, хоннинг қўлига тирик тушмасликка аҳд қилиб бормоқда эди. Қоронғида яна бир талай ариқлардан ўтдилар, куз кириб, эгалари кўчиб кетган кимсасиз боғотларни оралаб бориб, Самарқанддан берироқдаги Пули Мағок кўприги олдида тўхтадилар. Бундан икки кун олдин тўртта ишончли навкар деҳқон

кийимида шу ерга юборилган, улар қалъа деворига қўйиб чиқиш учун улкан шотилар тайёрлаган, шу билан бирга, вазиятни ўрганган эдилар. Олдиндан тузилган режага биноан, навкарлардан етмиш-саксонтаси шу ерда отдан тушдилар ва шотиларни кўтаришиб, секин Ғори Ошиқон деб аталадиган баланд жарликка томон пиёда кетдилар.

Бобур қолган навкарлар билан Феруза дарвозасига яқин бориб, дарахтзор тепалик панасида тўхтади.

Атроф жимжит. Узоқдан хўрознинг биринчи қичқириғи эшитилди. Осмон ола булут. Қорайиб турган баланд қўрғон кўзга зўрға чалинади. Бобур ёнидаги Қосимбекнинг ютоқиб, титраб нафас олганини сезди-ю, ўзининг ҳам эти уча бошлади. Қалъадан ажал совуғи эсаётгандай туюларди. Бундан тўрт ой олдин мана шундай қоронғи тунда Хўжа Яҳё шаҳар дарвозасини яширинча очиб беришига ишониб душманнинг масхарасини эшитиб қайтгани эсига тушди. Ундан олдин Ғори Ошиқонга кечаси борган йигитларнинг алданиб, қўлга тушиб ҳалок бўлгани кўз олдига келиб, қалбига таҳлика солиб ўтди. Бобур бу гал яна алданмаслик учун шаҳар ичидаги тарафдорларнинг ҳеч бирига хабар бермасдан, фақат ўз кучига ишониб, таваккал қилиб келди. Аммо унинг икки юз қирқ кишилик бир даста қўшини Шайбонийхоннинг беш-олти минг кишилик лашкарларига қандай бас келиши мумкин? Яна хон қўшини мустаҳкам қалъа ичида. Тарихда бунчалик таваккалчилик бўлганмикин?

Қўрғонга пинҳон етиб олдилар. Агар Шайбонийхон ичкарига «қопқон» қўйган бўлса-чи? Бобур бу «қопқон»га ўз оёғи билан кириб борадими? Баъзи беклар мана шу андишаларни айтиб, Бобурни қалтис ниятидан қайтармоқчи ҳам бўлдилар.

Аммо бу ниятдан қайтиш – Андижонга шумшайиб бориб, яна Али Дўстбекка муте бўлиш деган сўз эди. Ёки уйсиз, жойсиз, куз изғиринлари-ю қиш совуқларида хору зор бўлиб юришлари керак эди. Бобур мутелигу хор-зорликдан кўра бир ўлимни бўйнига олиб, Шайбонийхонга йўлбарсдай дадил ташланишни афзал кўрган ва бекларни ҳам шунга кўндирган эди.

Агар ишлари чаппасидан келсаю, Шайбонийхоннинг қопқонига тушсалар, ажал сиртмоғи энг аввал Бобурнинг бўйнига тушишини ҳаммалари билардилар. Бобурнинг барча ҳаракати – ёв «қопқони»нинг қопадиган жойига тегмасдан ўтишга қаратилган эди. Шу ергача шарпаларини ёвга сездирмай келдилар. Энди бу ёғи қандоқ бўларкин?

Бобур бутун вужуди билан атрофга қулоқ солар экан, тун сукунатида ўз юрагининг дукиллаб уришини баралла эшитди. Бу дукиллашда гўё тақдир отининг дукури ҳам бор эди.

* * *

Оғир шотиларни секин кўтариб, қадимий Чақардиза[1] қабристонини айланиб ўтаётган навкарларнинг бири – Тоҳир эди. Улар қоронғида туртина-туртина Шоҳи Зинданинг орқа томонидаги баҳайбат бир ўнгирга яқинлашдилар. Ўнгирнинг тепаси баланд жар. Унинг этагида ғор ҳам бор. Бу ваҳимали жойларга кундузлари ҳам ҳеч ким келмайди. Оёқ ости чакалакзор. Қўрғоннинг девори мана шу жар устидан ўтади. Шотиларни девор тагига кўтариб боргунча, йигитлар қора терга ботиб кетишди.

Уларга бошчилик қилаётган Нўён Кўкалдош девор тепасига тикилиб бирпас кутди. Терак бўйи келадиган ғиштин девор жуда энли бўлиб, унинг тепасидан бир неча киши бемалол юриб ўтиши мумкин эди. Бироқ тепада ҳеч бир шарпа сезилмас, қоровуллар совқотиб пастга тушиб кетганга ўхшарди.

Шотиларни секин тикладилар, учини девор қиррасига тираб қўйдилар.

– Қани, чиқинглар! – шивирлади Нўён Кўкалдош ғуж бўлиб турган навкарларга. Аммо ўн уч газ баландликдаги девор жуда ваҳимали, ундан йиқилган одам тирик қолмаслиги аниқ эди. Эҳтимол, қоровуллар сезиб қолишар, чиқаётганларга тош отар, ўқ ёғдирар? Сал итариб юборса ҳам тамом. Шуни сезган навкарларга биринчи бўлиб чиқиш жуда даҳшатли туюларди.

Охири Нўён Кўкалдош ўзи шотининг поясига оёқ қўйдию:

– Бир ўлим бўлса ҳамма вақт бор, мардона бўлинглар, қани! – деди.

Тоҳир иккинчи шотидан чиқа бошлади. Шотилар кенг, мустаҳкам қилиб ишланган, ҳар бири олти-етти кишини бемалол кўтарар эди.

Йигитлар олдинма-кейин юқорига чиқар эканлар, Нўён ҳаммадан олдин девор тепасига етди. Деворнинг усти йўлкадай кенг, отлиқ юрса ҳам бўладиган. Яқин орада ҳеч ким йўқ.

[1] Чақардиза – кейинчалик «Шакаржиза» деб айтиладиган бўлган.

Тоҳир ҳам чиқиб, ўзини девор кунгурасининг панасига олди ва пастдан чиққан навкарни қўлидан тортиб шивирлади:

– Болта қани?

– Мана.

Иккинчи навкар белига қистирилган болтани Тоҳирга олиб берди.

– Шинакка бекин! – шивирлади Нўён кимгадир.

Кунгура ва шинаклар бўлмаса, девор устидаги одамнинг қораси пастдан кўриниб қолиши мумкин эди. Шунинг учун пастдан чиққан навкарлар шинакларга бекиниб турдилар. Ҳамма чиқиб бўлгандан кейин, секин-секин юриб, энгашиб, девор усти билан Феруза дарвозаси томонга бора бошладилар.

Деворнинг маълум бир жойларида қоровулхоналар бор эди. Бир қоровулхонага яқин келганларида ичкаридан кимдир найманча талаффуз билан уйқу аралаш:

– Ирисбай, келдингма? – деб сўради.

Девор устидан келаётганлар таққа тўхташди. Тоҳир қўлидаги болтанинг сопини икки қўллаб қисдию:

– Ҳа, – деди.

Аммо ичкаридаги қоровул унинг овозини танимай ҳадиксиради шекилли, уйқуси бирдан ўчиб:

– Кимсан? – деди.

Нўён Кўкалдош қоровулхонага қараб отилди. Қоровул ичкаридан шошиб чиқаётганда кўкрагига ғарчиллатиб ханжар санчди. Қоровул жон аччиғида чинқириб юборди. Пастдаги қоровуллар ҳам уйғониб кетди.

– Тоҳир, тўхтамасдан дарвозага югур! – деди Нўён Кўкалдош. У йигитларнинг беш-ўнтасини пастда уйғонган қоровулларни бир ёқли қилиш учун қолдирдию, ўзи бошқа навкарларни ергаштириб, Феруза дарвозасига томон югуриб кетди.

Шайбонийхон бу дарвозани қўриқлашни Фозил Тархон билан унинг юз эллик йигитига топширган эди. Ҳозир бу йигитларнинг кўпчилиги уй-уйига тарқаб кетган, дарвоза қоровулхонасида йигирматача одам ухлаб ётар эди. Улар то уйғониб, қурол-яроғларини қўлларига олгунларича болта кўтарган Тоҳир дарвоза қулфига яқинлашди. Отнинг калласидай келадиган қулф бир-икки зарбани писанд қилмади. Уйи бу ерга яқин бўлган Фозил Тархон машъала кўтарган йигитлари билан дарвозахонага етиб келди. Уларнинг бири дарвоза қулфига болта ураётган Тоҳирга қараб найза отди. Найза

Тоҳирнинг дубулғасига ёнлама тегиб сирғалиб ўтдию, дарвоза ёғочига қадалди. Дарвозахонада найзабозлик ва қиличбозлик бошланди. Нўён Кўкалдош бошлиқ йигитлар кўпчилик эди. Фозил тархон бўйнидан қилич еб, отдан йиқилиб тушди.

Тоҳир болтани икки қўллаб кўтариб, гоҳ қулфга, гоҳ дарвоза занжирининг зулфига урар, темирдан учқун сачрар, аммо зўр қулф, «қилт» этмас эди. Ниҳоят, зулфин синди-ю, занжир шарақлаб тушди.

Қўрғон атрофида сув тўлдириб қўйилган энли чоҳ бор эди. Чоҳдан дарвозага ўтиладиган кўприк ҳам махсус занжир билан дарвоза томонга кўтариб қўйилган эди. Тоҳир дарвозани очаётганда йигитлардан бири кўприкнинг занжирини ҳам бўшатди. Бобур ва Қосимбеклар ичкаридаги олишув шовқинини эшитиб, чоҳ лабига келиб турган эдилар. Дарвоза очилиб, кўприк тушиши билан улар ичкарига от қўйиб, қилич яланғочлаб кирдилар. Фозил Тархоннинг тирик қолган навкарлари шаҳар ичига қараб қочдилар. Қосимбек бошлиқ отлиқлар уларни қувиб кетди. Нўён Кўкалдошга отини келтириб бердилар. Тоҳир ҳам, бошқа пиёдалар ҳам яна отландилар. Бобур навкарларнинг бир қисмини Нўён Кўкалдош билан бирга Чорраҳа дарвозасини эгаллашга юборди. Ўзи қолган навкарлар билан Сўзангарон дарвозасига қараб от чоптириб кетди. Агар дарвозалар тезроқ эгалланмаса, ташқаридан Шайбонийхон бутун қўшини билан кириб келиши мумкин эди. Феруза дарвозаси олдидан бошланган жанг шовқини бирпасда бутун шаҳарни қамраб олди. Шаҳар доруғаси Жонвафо Шайхзода дарвозаси томонда – Хўжа Яҳёдан тортиб олинган ҳашаматли ҳовлида ухлаб ётган эди. Тўполондан чўчиб уйғониб, бор навкарлари билан ҳовлидан отланиб чиққунича, Қосимбекнинг йигитлари Фозил Тархоннинг одамларини қувиб келди. Чорраҳа дарвозасидан қувилган Кўпакбийнинг навкарлари ҳам доруға ётган жойга қочиб келмоқда эдилар. Қоронғида ёв қайси-ю ўзининг одамлари қайси, доруға ажратолмай қолди. Унинг кўзига ҳамма чопиб келаётган ёв бўлиб кўринди. Назарида, Самарқандга бир неча минг кишилик ёв бостириб кирганга ўхшади. Доруға «Беҳисоб ёвга бас келолмайман», деб ўйлаб, отини Шайхзода дарвозаси томонга бурди. Бобурнинг одамлари ҳали бу дарвозага етиб келмаган эдилар. Доруға ўз навкарларига буюриб, дарвозани очтирди-ю, юзтача одами билан хон қароргоҳига томон от чоптириб кетди.

Саҳар палла маст уйқудан қўрқиб уйғонган кўпчилик самарқандликлар хон навкарларини Бобурнинг одамлари қувиб юрганини тонг ёришганда фаҳмладилар, Шайбонийхондан норози кишилар жуда кўп эди. Косиблар таланган, деҳқонларнинг экинларини кўчманчи қўшиннинг беҳисоб моллари топтаб ташлаган. Ҳаж йўлида икки бегуноҳ ўғли билан ваҳшийларча ўлдирилган Хўжа Яҳёнинг тарафдорлари қотиллардан қасд олиш учун косиб ва деҳқонларни қўзғатдилар. Ҳокимият ўзгаргандан кейин амалидан ажралган илгариги амалдорлар: «Шайбонийхоннинг одамлари Султон Али мирзони ҳам номардларча ўлдирдилар», деб хун талаб қилиб чиқдилар. Бобурнинг икки юзу қирқ кишиси ёнига беш-олти минг кишилик қасоскор оломон қўшилди. Селдай даҳшатли оломон хоннинг одамларини яшириниган жойларидан топиб чиқар, кўчада қочиб бораётганларнинг олдини тўсиб қуршаб олар, пичоқми, болтами, таёқми, тошми, ғиштми, қўлларига нимаики тушса, ҳаммаси билан золимларни ура-ура ўлдириб, янчиб ташларди. Оломон орасида аввалги мирзалар ва беклардан жабр кўрган одамлар ҳам кўп эди, улар беш-ўн йил олдинги қасосларини ҳам энди мана бу золимлардан олмоқда эдилар.

Кун чиқаётганда шаҳар ташқарисида бир қисм қўшини билан Шайбонийхон пайдо бўлди, аммо сув тўла чоҳдан берига ўтолмади. Барча дарвозалар Бобурнинг одамлари томонидан бекитиб олинган, чоҳларнинг кўприклари кўтарилган, ичкарида интиқом давом этмоқда эди.

5

Тоҳир кечаси билан ухламай югуриб-елиб юрган бўлса ҳам ғалабанинг шодлигидан чарчаганини сезмас, фақат қорни очқаб, Самарқанднинг новвойлик ва ошпазлик расталари дам-бадам эсига тушар эди. Эрталаб ҳамма дарвозаларга қоровуллар тайин бўлгандан кейин Қосимбек Тоҳирга жавоб берди. Тоҳир отига миниб, яна иккита отлиқ ўртоғи билан новвойлик растасига келди. Бу ерда ҳам бир неча юз кишилик издиҳом беш-олтита хон навкарларини ўраб олиб, тошбўрон қилмоқда эди. Навкарларнинг баъзилари йиқилиб, тош-кесаклар остида жон берган, бир-иккитаси қўли билан юзини тўсиб дод солар, инграр эди. Яланг бошидан қон оқаётган, йиртилган кўйлаги орасидан момата-

лоқ бадани кўриниб турган, ўзи чўкка тушиб, одамлардан шафқат сўраётган йигирма ёшлардаги йигитга Тоҳирнинг раҳми келди. У оломон орасига от солиб:

– Халойиқ Бобур мирзо фармон бердилар! – деб қичқирди. – Таслим бўлганларни асир олмоқ керак! Булар ҳам мусулмон! Халойиқ, бас қилинг! Биз ҳам навкармиз! Навкар айбдор бўлмаслиги мумкин! Ҳамма айб буларнинг хонларида! Халойиқ тўхтанг! Бобур мирзонинг фармонини бажаринг!

Одамлар Бобурнинг номини эшитиб отлиқ йигитнинг гапига қулоқ сола бошладилар. Шунда нариги икки отлиқ ҳам оломон орасига ёриб кирди. Учовлашиб, тошбўронни тўхтатдилар. Тоҳир бу ерга нега келганини ҳам унутди. Чала тирик йигитлардан учтасининг қўлини орқасига боғлатиб, асир қилиб олиб кетмоқчи бўлди. Шунда оломон орасида турган сарғиш мўйловли, баланд бўйли бир киши:

– Тўхта, йигит, сен... Тоҳир эмасмидинг? – деб қолди.

Тоҳир йўғон сўйил кўтариб олган бу одамга тикилиб қарадию, бундан уч йил олдин мана шу кўчада очларга нон улашган пайтини эслади.

– Мамат оға! Сиз нега сўйил кўтариб юрибсиз? Ўзингиз ҳам ўзбек уруғидан эмасмисиз?

– Э, ука, булар ўзбекка кўп жаманлик қилди. Менинг бечора хотиним шуларнинг дастидан ўлиб кетди!

Маматнинг кўзларида ёш йилтиради. Тоҳир бу одам билан Робия ҳақида гаплашганини эсладию, унутилган аламлари бирдан янгиланди. У асирларни нариги икки шеригига ҳайдатиб юборгач, ўзи отини етаклаб, Маматни четга бошлаб чиқди.

– Мамат оға, мен тайинлаб кетган гап эсингиздами?

– Қайси?.. Ҳа-ҳа... Айтмоқчи, бечора хотиним тириклигида бир гап эшитиб келган экан... Сиз айтган қиз андижонликмиди?

– Қувалик.

– Билмадим, ишқилиб, ўша томондан обқочиб келишган экан. Кейин туркистонлик бир савдогар тархон сотиб олиб кетган экан.

– Туркистонгами?

– Ҳа, кейин шу тархон Шайбонийхон билан бирга Самарқандга кўчиб келипти.

– Қиз биланми? Қиз тирикми, йўқми?

– Тирик!

Тоҳир Маматнинг сўйил тутган қўлларидан маҳкам ушладию, шошилиб сўради.

– Оти Робиями, а, Робиями?

– Раҳматли хотиним отини билмас эди.

– Ўзини кўриптими? Қаерда кўрипти?

– Фозил тархоннинг уйида.

– Қайси Фозил тархон?

– Бугун кечаси уни ўзларинг ўлдирибсизлар-ку?

– Уйи қаерда, уйи?

– Журинг, мен кўрсатиб қўяйин!

Тоҳир бир сакраб отига миндию, Маматни орқасига мингаштирди. Мамат сўйилини ташлади, Тоҳирнинг қўлтиғи тагидан ушлаб, уни қинғир-қийшиқ кўчалардан бошлаб бора бошлади. Отини йўрттириб бораётган Тоҳир: «Илоҳим ноумид қилмагин-да Парвардигор! – дерди ичида. – Илоҳим Робия бўлсин-да!» У олти йилдан бери Робияни қидира-қидира, ахири, энди топилмайди, деган фикрга келган ва бу фикрга кўника бошлаган эди. Ҳозир чақмоқдай чақнаган умид унинг важоҳатига момақалдироқ ларзасини соляпти. Бу умиднинг чақиндай тез сўниши мумкинлиги юрагини така-пука қиларди, аъзои баданини зир титратарди.

– Ана ўша уй! – деб Мамат орқасида катта боғи бор икки қаватли ғиштин иморатни кўрсатди.

Дарвоза ланг очиқ, қуролли йигитлар ичкаридан жимжимали сандиқлар ва чўғдай гиламлар кўтариб чиқмоқда эдилар. Яқинроқ бориб, Тоҳир Қосимбекнинг навкарларини таниди. Уларга катта савдогар бой ва Шайбонийхоннинг яқин кишиси Фозил тархоннинг мол-мулкини мусодара қилиш топширилган эди.

Тоҳир дарвоза олдида отдан тушди-ю, таниш навкарларнинг ҳайҳайлашларига эътибор бермай, тўғри ичкари ҳовлига йўналди. Равонда Фозил тархоннинг қонга беланган мурдаси ётипти. Юқориги қаватдан аёлларнинг йиғи-сиғиси эшитилди. Фозил тархоннинг хотинлари эрлари учун аза очган, баъзилари бойлик тўла сандиқлардан ажралаётганлари учун ҳам додлашар, баъзилари эса ёвдан қўрқиб йиғлашар эди. Тоҳир пастки қаватдаги очиқ эшикларга бош тиқиб қаради. Ҳеч ким йўқ. Фақат аёлларнинг кийимларию безаклари турибди. Бу тархоннинг нечта хотини бўлганикин? Робия шунга тушган бўлса, уни ҳам хотин қилиб олганмикин?

Тоҳирнинг хаёлига тўсатдан келган бу фикр қалбини ўртаб ўтди. У айвондан пастга сакраб тушиб, ҳовлининг ўртасига келдию, юқорида йиғлаётган аёлларга қарата қичқирди:

– Ҳей, Робия борми? Роби-я! Қувалик Робия шу ерда борми?

Хотинларнинг йиғиси бирдан тинди. Юқоридаги қаватнинг айвонидан яшил дуррали бир жувоннинг боши кўринди. Унинг қош-кўзи Робияникига ўхшарди. Тоҳир юқорига талпиниб, қалтираб:

– Робия! – деди. – Робия!

Яшил дуррали жувон уни кўрди-ю, ўзини орқага олди, сўнг яна айвон четига чопиб келди. Тоҳир энди унинг бахмал нимчасини, бўйнидаги маржонларини ҳам кўрди. Жувонга йигитнинг товуши таниш туюлар, аммо қилич ва ханжар таққан, юзида катта чандиғи бор, соқол-мўйлови ўсиқ баҳайбат навкар унинг ваҳмини келтирарди. Жувон алданишдан қўрқиб, яна орқага қочди. Тоҳир юқориги қаватга қараб чопди, аммо саросима бўлганидан, айвон четидаги зинапояни тополмади. Негадир ўпкаси тўлиб кўзига ёш келди:

– Робия, мен Тоҳирмен! Тоҳир! Юқоридан жувоннинг чинқириғи эшитилди:

– Тоҳир оға!

Сўнг яшил дуррали жувон сочпопугини шилдиратиб, зинапоядан ўзи чопиб туша бошлади. Юз-кўзи Робияники, аммо маржонлари, кийимлари, яна нимасидир бегона. Тоҳир уни кўриб жойида қотиб қолди. Робия ҳам зинапоя олдида тўхтади, кўзларини чақчайтириб, қўрқув аралаш шивирлади:

– Сиз Тоҳир оғамнинг арвоҳисиз!

Робия Тоҳирни ўша найза зарбидан ўлиб кетган деб ўйлар, унинг арвоҳига бағишлаб дуолар ўқир эди. «Энди тирик кўрмаймен, арвоҳини кўрсам ҳам рози эдим», деб Худодан астойдил сўраган пайтлари кўп бўлур эди. Унинг шу илтимосига фаришталар омин деган эканми?

– Арвоҳингиз ҳам жонимдан азиз, Тоҳир оға!

– Мен тирикмен, Робия! Сени олти йилдан бери излаб юрибмен!

– Тириксиз?! – деб, Робия Тоҳирга яқин келди. Унинг чакмонини, қиличини, қўлларини бир-бир ушлаб кўрди. Тоҳир уни елкасидан қучиб бағрига босган эди, Робия унинг арвоҳ эмаслигига энди ишониб, йиғлаб юборди: – Тирик! Тирик! Худога шукр, тирик!

Тоҳир унинг сариқ атлас кўйлаги устидан елкасини силаб:

– Робиям, жоним! – деди. – Хайрият, ўзинг ҳам тирик экансен! Мен сени олти йил изладим, қаерларда юрдинг? Нима бўлди?

Робия Фозил Тархоннинг еттинчи хотини бўлиб ўтказган йилларини эслади-ю, бирдан орқага силтаниб, Тоҳирнинг қўлларидан юлқиниб чиқди:

– Мени қучманг, Тоҳир оға! Мен сизга муносиб эмасмен!

Робия аламли кўзлари билан айвонда ётган ўликка қараб қўйди. Фозил тархон уни ўша босқинчилардан бир ҳамён олтинга сотиб олган эди. Робия элликдан ошган бу чолдан ҳазар қилар эди. Фозил тархон Туркистоннинг Ясси шаҳрида уни никоҳлаб олгандан кейин беш-ўн кун турар-турмас, савдо иши билан Бухорога жўнади, у ердан бошқа бир кўҳлик қизни олиб, кейин ўша билан бўлиб кетди. Робия олти йилдан бери унинг ҳарамида бевадай яшайди. Лекин буни энди Тоҳирга қандай тушунтиради? Тоҳирга фотиҳа қилинган Робия кейин бировга хотин бўлган, бунинг доғини қандай ювиш мумкин? Робия юзини қўллари билан тўсиб юм-юм йиғлай бошлади. Унинг бўйнидаги маржонлари, сочига тақилган чиройли кумуш сочпуклари, эгнидаги атлас кўйлаги – ҳаммаси ўша бой савдогарнинг пулига келган. Тоҳир шуни ўйлади-ю, унинг назарида, Робия ўлган эрига куюниб йиғлаётгандай кўринди.

– Робия, ростини айт, сен эрингга... содиқмисен?!

– Мени пулга сотдилар! Зўрлаб никоҳладилар!

– Бўлмаса нечун мунча куюниб йиғлайсен!

– Мен сизга вафо қилолмаганимга куюнамен! Сизни унутганим йўқ эди, Тоҳиржон оға! Мана, тепамизда Худо турипти! Бу савдогар сизнинг тирноғингизга ҳам арзимас эди! Лекин мени унга қул қилиб бердилар.

Тоҳир тишини-тишига босиб сўради:

– Боланг борми?

Робия йиғи аралаш бош чайқади:

– Мен номига хотин эдим... Аслида бева...

Бир вақтлар гулдай қиз бўлган Робиянинг ўзини «хотин», «бева», деб аташи Тоҳирнинг борлиғини қақшатиб юборди. Робиядай қизга олти йилдан бери «ит тегмай» юриши мумкин эмаслигини у илгари ҳам хаёлида кўп ўтказарди. «Фақат тирик топсам бас!» деб қидирарди. Бироқ Робияни топгани билан ёшликдаги беғубор, содда бахти энди абадий

топилмаслигини у илгари билмас эди. Бадандаги оғир жароҳат тузалганда ҳам чандиғи умрбод қолганидай, бошларига тушган савдонинг даҳшатли изи кўнгилларидан осонликча кетмаслигини Тоҳир энди сезмоқда эди. Робия ҳам абадий йўқолган беғубор ёшлигига куюниб йиғламоқда эди.

– Робия, бас! Омон қолганимизга шукр қил, қани, юр!

Тоҳир Робиянинг билагидан олиб ташқарига бошлади. Қиз йиғидан тўхтаб:

– Қаёққа? – деди.

– Сен ҳали ҳам менинг қаллиғимсен. Юр, тезроқ!

– Ахир мен... мен нарсаларимни олай!

– Ҳеч нарса олмайсен. Ҳаммасини унут. Иккинчи ёдимга солма!

Ташқи ҳовлига чиққанларида Робия юк ташиётган навкарларни кўрди-ю:

– Кўчада... уяламен! – деди. – Ёпинчиғим йўқ.

Тоҳир чакмонини ечиб берди. Робия товонига тушадиган узун симоби чакмонни бошига ёпинди-ю, Тоҳирнинг отига мингашиб чиқиб кетди.

Кейин Тоҳир Қосимбекка арз қилиб, Фақиҳ Абуллайс маҳалласидан Шайбонийхоннинг одамлари ташлаб кетган дурустгина бир ҳовлини олди. Робиянинг иддаси ўтгач, маҳалла имоми уни Тоҳирга никоҳлаб берди.

6

Кечаси ёққан қалин қор ҳар бир томни, деворни, ҳар бир дарахт ва гумбазни майин оқ ҳошия билан безаб чиққан.

Бобур Бўстонсаройнинг юқориги қаватидан шаҳарга қараб турибди. Тоза қор орасидан жимжима бўлиб кўринаётган дарахт шохлари ҳозир унинг назарида худди оқ қоғозга битилган настаълиқ[1] хатига ўхшаб кетади. Бугун Ҳиротдан, Алишер Навоийдан келган хат ҳам настаълиқ билан ёзилгани эсига тушдию, қалбидаги қувонч ва фахр туйғуси янги бир куч билан мавжлана бошлади.

Бобур Самарқандни Шайбонийхондан тортиб олгандан бери унинг жасоратига тан бериб шеър ёзганлар, сатрлардан абжад ҳисоби билан ғалабанинг аниқ санасини чиқарган

[1] Настаълиқ – араб ёзувидаги ҳуснихатнинг кенг тарқалган бир тури.

тарихнавислар кўп эди. Алишер Навоийдан Бобурга келган табрик эса ҳаммасининг гултожи бўлди. Ҳирот Самарқанддан қанчалик узоқ, Навоийнинг диққат-эътиборини банд қиладиган машҳур одамлару муҳим ишлар қанчалик кўп! Шунга қарамай, Навоий Бобурни ҳам билар экан, унинг тақдирига узоқдан қизиқиб қарар экан, Самарқандни аввал бир марта олганидан хабардор экан. «Бу дафъа Самарқандни ўз номингизга муносиб ҳамла билан олмишсиз», дебди. Бобурнинг ўтган дафъа Самарқандни етти ой қамал қилганда, шаҳар халқи очликдан нечоғлик азоб тортганини Навоий ҳам эшитган бўлса керак. Бундай қамалларни у Бобурга муносиб кўрмагани учун шундай деб ёзганмикин? Бобур қимматбаҳо жавонларига китоблар териб қўйилган хонаи хоснинг тўрига ўтди. Хушбўй сандал дарахтидан ишланган миз устида Навоийдан келган олтин боғичли хат турипти. Бобур миз олдига тўшалган зарбоф кўрпачага ўтириб, хатни бошқатдан ўқишга тушди.

Ҳар бир сатр туркий тилнинг гўзал жилвалари билан тўлган. Бобур биринчи ўқишда унча эътибор бермай ўтказиб юборган бир неча жумлага бу гал қайта-қайта тикилди. Навоий Бобурнинг шоирлик орзуси борлигини андижонлик бир меъмордан эшитиб, уни дадилроқ ёзишга ундаган эди. Бу меъмор мавлоно Фазлиддин бўлса керак. Агар мавлоно Ҳиротга етиб бориб, Навоийнинг ҳузурига кирган бўлса, бошқа кўп нарсаларни ҳам айтиб берган бўлиши керак. Бобур Навоийга йўлламоқчи бўлган жавоб мактубига яхши бир шеърини ҳам қўшиб юбормоқчи бўлди-ю, машқлари ёзилган қалин дафтарни олиб варақлай бошлади.

Кўпчилиги йўлда, от устида хаёлига келган, жангу жадаллар орасида дафтарга узуқ-юлуқ ёзиб қўйилган, аммо ҳали тугалланмаган шеърлар. Хиёнат устига хиёнат бўлган, Бобур хонумонидан айрилган, атрофида биронта сирдош дўст тополмай ўзини ниҳоятда ёлғиз сезган оғир кунларда бир ғазал бошлаган эди:

Жонимдин ўзга ёри вафодор топмадим,
Кўнглимдин ўзга маҳрами асрор топмадим.

Аммо бу ғазал чала ётипти. Балки шуни битириб юбориш керакдир? Алишер Навоий ҳам атрофидаги кишилардан кўп бевафолик кўрганини, ҳатто яқин дўсти Ҳусайн Бойқаро

ҳам унинг сиру асрорига маҳрам бўлолмаётганини Бобур ишончли бир одамдан эшитган эди.

Қани энди Бобур Навоийнинг кўнглидагини ҳам топиб айтолса!

Бу ғазал Навоийга ёқиши мумкин. Уни тезроқ тугаллаш керак. Бобур қоғоз-қалам олди.

Шу пайт савдарбоши эшикдан ҳовликиб кириб, таъзим қилди:

– Мирзо ҳазратлари, қўлингизни маъзур тутинг.

– Хўш? – деди Бобур норози бўлиб.

– Хоним ҳазратлари қабулингизга мунтазирлар.

– Онаммилар? – деб Бобур сакраб ўрнидан турди. – Келдиларми?

– Бегимлар ҳам келдилар!

– Воажаб! – деб Бобур қувониб эшикка томон шошилди.

* * *

Улар салкам олти ойдан бери кўришмаган эдилар. Қутлуғ Нигор хоним Ойша бегим ва Хонзода бегимлар билан Ўратепада қолган эдилар. Кейин Самарқанддан Бобур юборган ишончли одамлар уларни Ўратепадан бу ерга кўчиртириб келдилар. Бобур улар билан Бўстонсаройнинг биринчи қаватидаги катта танобий уйда кўришди. Онаси уни бағрига босганда, Бобур онасининг озиб, қўллари енгиллашиб қолганини сезди. Опаси Хонзода бегим эса совуқдан киргани учунми, юзлари чўғдай ёниб, кўзлари чақнаб турипти. Узоқ йўл уни ҳеч қанча қийнамагандек қувноқ. Аввалгидан ҳам чиройли. Бобур унга ўнг елкасини тутиб сўрашар экан:

– Нечун бу қадар ҳаял қилдиларинг? – деди. – Неча ҳафтадан буён мунтазирмиз!

– Э, сўраманг, амирзодам, узрли сабабларимиз бор, – деб Хонзода бегим Ойша бегимга кўз ташлаб қўйди.

Бир вақтлар Ойша бегимни кўрмасдан севиб юрган пайтларида унинг оёғига бош қўйгиси келиб ғазал ёзганлари энди Бобурга таъбири хато чиққан бир тушдай туюларди... У Ойша бегимни ойлар давомида кўрмаса ҳам соғинмасди... шундай бўлса ҳам у Ойша бегимга иложи борича яхши муомала қилар эди. Ҳозир ҳам кичик жуссали қотма келинчакка яқинлашиб:

– Хуш кўрдик, бегим! – деди-да, унга ўнг елкасини тутди. Ойша бегим озғин қўлини унинг елкасига қўйиб кўришар экан:

– Ҳазратим, ғалабангиз муборак! – деди.

Ҳамма Бобурни «амирзодам», деса Ойша бегим уни яна ҳам улуғлаб «ҳазратим», дерди.

– Сизга она шаҳрингиз муборак, бегим!

– Қуллуқ, – деб Ойша бегим таъзимга бош эгди.

– Келинимиз йўлда кўп азоб тортдилар, – деди Хонзода бегим.

Бобур хотинининг бели йўғонлашиб, қорни дўппайиб қолганини кўрди. Ажабо, Бобур ота бўладиганми? Кўришмаганларига олти ой бўлди. Демак, камида олти ойлик... Ойша бегимнинг озғин юзида ҳомиладор хотинларда бўладиган доғлар пайдо бўлган эди. Илгари ҳам отда юролмайдиган, маҳофада боши айланадиган бегим энди оғриоёқлигида қанчалик қийналганини, унга қараб қанчалик секин йўл босганларини Бобур ўзича тасаввур этди.

– Худо хоҳласа, энди барча машаққатлардан халос бўлдиларингиз, – деди. – Ҳаммаларингиз учун махсус жойлару жиҳозлар тайёрланмишдир. Яна неки даркор бўлса буюрурсиз. Бўстонсаройда кимки бор, ҳаммамиз хизматларингизда бўлурмиз!

Хонзода бегим қувноқ кулиб:

– Миннатдормиз! – деди. – Амирзодам билан дийдор кўришиб, бошимиз осмонга етди. Энди шу осмонда суҳбатингиздан баҳраманд қилсангиз бас.

– Камина ҳам суҳбатларингизни соғинганмен. Сизлар жойлашгунларингизча осмонда дастурхон ҳозирланур, – деб, Бобур қўли билан юқориги қаватга ишора қилди.

Унинг осмонни пайров қилиб ҳазиллашганидан ҳаммалари кулиб олдилар.

Бобур юқориги қаватга чиқар экан, қалбини тўлдирган шодликлар орасида сурнай навосидек жарангли ва ёқимли бир туйғу янграб эшитилаётганини сезди. Бу унинг дилида бирдан уйғониб кетган оталик туйғуси эди. Унинг бўлажак фарзандини бағрида кўтариб юрган Ойша бегим юзидаги қўнғир доғлари билан Бобурга аввалгидан қадирдонроқ туюларди.

Буни сезган Ойша бегим аввалгидан дадилроқ муомала қилар эди. Эр-хотин хобгоҳда чироқни ўчириб ётганларида бегим кўрпани юзига тортиб:

– Мен фахрланамен, – деб шивирлади.

Бобур ўз сўзининг устидан чиққанлиги учун, «енди Самарқандда учрашамиз», деб кетиб, ахири шу айтганини қилгани учун хотини ундан ифтихор қилмоқда эди. У Бобурнинг бўлажак фарзандига она бўлиш билан фахрланишини ҳам айтмоқчи эди. Бобур буни тушундию, ҳомиланинг неча ойлик бўлганини билгиси келди, аммо сўрашга тили бормай гапни айлантирди:

– Энди... шодиёнаси қачон?

– Салкам уч ой бор. Ўйласам, ваҳмим келур.

– Ваҳмни қўя туринг. Ҳозир фахрдан гап очдингиз-ку.

– Ҳа, агар Худо ўғил берса, исмини Фахриддин қўюрмизми?

Ойша бегим Бобурнинг номи Заҳириддин эканини ўйлаб, шунга оҳангдош ном топган эди. Бобур мамнун товуш билан:

– Хўп, ўғил бўлса, Фахриддин, – деди. – Агар қиз бўлса, Фахринисоми?

Ойша бегим қиз бўлишини истамас эди, чунки ўғил туғиб, тахт ворисига она бўлишни орзу қиларди. Шундай бўлса ҳам Бобурга:

– Майли, – деди. – Лекин мен Худодан ўғил тилаганмен.

– Айтганингиз келсин!

Фахриддин... Фахринисо... Шу кунларда Бобурнинг кўнглини тўлдириб-тоширган ифтихор туйғусига бу номлар жуда мос эди.

* * *

Омад ҳам бир келса, қўша-қўша бўлиб келишини Бобур энди билмоқда эди. Самарқанд унинг қўлига ўтгандан кейин бу ёғи Ургут, у ёғи Суғд ва Дабусия қалъаси бирин-кетин Шайбонийхоннинг ихтиёридан чиқиб, Бобурнинг ҳокимиятини тан олди. Мана бугун Қарши ва Ғузордан хушхабар келди – бу шаҳарлар Шайбонийхон қўйган доруғаларни қувибди. Бобурга совға-саломлар юбориб, унинг ихтиёрига бир неча юз навкар ҳам йўллабди. Бобур бу навкарларни бошлаб келган бекларни девони хосда қабул қилиб, ҳаммасига сарпо кийдирди ва улуфа тайинлади.

Сўнг кеча тамомланмай қолган мактубининг давомини ёзиш учун иккинчи қаватга кўтарилар экан, кенг мармар зинапояда опаси Хонзода бегимга дуч келди.

– Амирзодам, Ҳиротдан китобат келгани ростми?

Бобур тўхтаб, опасининг юзига синовчан кўз билан қарадию:

– Рост, ҳазрат Алишербекдан, – деди.

– Муборак бўлсин!

– Қуллуқ.

Хонзода бегим инисидан яна қандайдир мураккаб бир хабар кутиб, унинг юзига термилиб қаради. Бобур опасининг кўнглидаги дардни сезиб бир лаҳза тараддудланди. Сўнг рост гапни яширса ёлғон гапиргандай бўлишини ўйладию:

– Юринг: китобатни кўрсатай, – деди.

Хонзода бегим хонаи хосда Бобурнинг қаршисида ўтириб, Алишер Навоийнинг мактубини ўқир экан, андижонлик меъмор тилга олинган жойига етганда кўзида ёш йилтиради.

– Нечун кўзингиз ёшланди, бегим? Мен сизни суюнтирмоқчи эдим-ку!

– Қандоқ қилай, толеим паст экан.

– Инингиз подшоҳ бўла туриб, наҳотки сизга ёрдам беролмаса?

– Сиз ҳали ҳам мени деб кўп жафо чекдингиз. Агар ўша йили... Ўшда мен рози бўлсам, эҳтимол кейин Аҳмад Танбал сизга бунча ёғийлик қилмас эди.

Опасининг бунчалик тантилик билан айтган сўзлари гўё Бобурни яна танти бўлишга ундар эди. Кўнгли яхши туйғуларга тўлиб юрган шу кунларда наҳотки туғишган эгачисига катта бир яхшилик қилолмаса?

Мана, ҳозир улар Самарқанднинг муҳташам бир кошонасига кўчиб келишди. Бу ерда қанча асилзодаю шаҳзодалар яшаган. Аммо кўпчилиги из қолдирмай кетган. Фақат меъморлар яратган гўзалликлар ҳали ҳам кўрган кўзни қувонтириб, ял-ял ёниб турибди.

– Яхши бир меъмор – ҳунарсиз аслзоданинг юзтасидан афзал эмасми?

– Бегим, сиз Танбалнинг ёғийлиги учун хижолат чекманг. Илон барибир илонлигини қилур эди.

– Миннатдормен, амирзодам.

– Ҳазрати Алишербек ҳам биздан улуғ ишлар кутиб китобат юбормишлар. Насиб қилса, биз ҳам умрбоқий обидалар қурурмиз, ҳунарпешалар яна йиғилиб келурлар. Мен бу муборак китобатнинг жавобини махсус элчидан бериб юборурмен. Агар Ҳиротга борган ўша андижонлик меъмор – мавлоно Фазлиддин бўлсалар, элчи топиб, Самарқандга таклиф қилур. Хонзода бегимнинг ҳали ёши қуримаган

кўзларида энди шодлик учқунлади. У инисига завқ билан тикилиб шивирлади:

– Сиз Мовароуннаҳр осмонида бизнинг ягона умид юлдузимизсиз!

– Энди Парвардигор Шайбонийхонни тезроқ даф қилсин-у юрт тинчисин, денг. Ўшанда нафасни ростлаб, Ўшда қилган орзуларимизнинг ижросига киришурмиз.

Мавлоно Фазлиддин Андижонда қурмоқчи бўлган меъморлик обидаларининг тарҳларини, лойиҳаларини Хонзода бегим онасидан олиб, ҳамон асраб юрар эди. Ҳозир буни Бобурга айтишдан ийманди-ю:

– Амирзодам, мен энди кеча-ю кундуз Худога илтижо қилурмен – деди, – илоҳим шу орзуларимиз рўёбга чиқсин!

Хонзода бегим руҳи кўтарилиб чиқиб кетганидан кейин Бобур сандиқчадан шеър дафтарини олди-ю, кечаги машқини давом эттирмоқчи бўлди. Дафтардаги бир матлаъ унинг ҳозирги руҳига мосроқ эди:

Ҳар кимки вафо қилса вафо топқусидир,
Ҳар кимки жафо қилса, жафо топқусидир...

Алишер Навоийга шу шеърни битириб юборса яхшироқ бўлармиди? У яна бир сатр ёзди, ўзига ёқмагандан кейин ўчириб, яна ёзди, яна ўчирди, ниҳоят учинчи уринишда:

«Яхши киши кўрмагай ёмонлиқ ҳаргиз» деган сатрни топдию, уни ич-ичидан ёқтириб, илҳом ҳаяжонидан нафасида титроқ пайдо бўлди. Назарида, Навоий унинг елкаси оша бу янги сатрни ўқиётгандек эди. У одамларга Навоийдек кўп яхшилик қилган сиймонинг ҳеч қачон ёмонлик кўрмаслигини истар, энди шу истагини шеърига ҳам сингдирмоқчи бўларди. Бобур тўртинчи сатрни бошлаганда савдарбоши эшикдан бош эгиб, қўрқа-писа:

– Мирзо ҳазратлари, – деди.

– Мени тинч қўйинг демабмидим?

– Қулингизни афв этинг...

– Яна не ташвиш?

– Амирзодам буюрган эдилар. Агар мулла Биноийни келтирсалар, дарҳол хабар беринг, деган эдингиз.

– Шоир Биноий Шаҳрисабздан келибдирми?

– Қосимбек жаноблари келтирмишлар.

Бобур бу хабарни эшитди-ю, ёзишдан тўхтаб, қаламни миз четига қўйди. Пастдаги қабулхонага тушиб бораётганда Биноийнинг тақдирига оид мураккаб воқеалар хаёлидан такрор ўта бошлади.

* * *

Бобур ҳиротлик машҳур шоир Камолиддин Биноий билан бундан уч йил олдин Самарқандга биринчи гал келган пайтларида танишган эди. Биноийнинг санъаткор хаттотлар томонидан кўчирилган нодир бир қўлёзма китоби бор экан. Китоб йиғишга ҳавасманд Бобур бу китобга жуда ҳаваси келди. Биноий китобини унга совға қилмоқчи бўлди. Бобур Биноийнинг Самарқандда мусофир эканини, танқислик тортиб қийналганини билар эди. Шунинг учун Бобур саҳҳофларни чақириб, бу китобнинг энг баланд нархи қанча бўлишини сўради. Саҳҳофлар «энг баланд баҳоси беш минг дирҳам», дейишди. Бобур бу пулни Биноийга юборишга улгурмай, қаттиқ бетоб бўлиб ётиб қолган эди. Кейин у касалликдан туриб, Андижонга жўнаш учун йўл ҳозирлигини кўраётганда «Мажмуати Рашидий» деб аталадиган ўша китобни кўрди-ю, Биноийга ҳали ҳақини бермагани эсига тушди. Дарҳол хазиначини чақириб, беш минг дирҳам олтинни санатди, сўнг пулни китобдорга бериб, Биноийга юбортирди.

Бир вақт китобдор Биноийни тополмай қайтиб келди. Мусофир шоирнинг Самарқандда муқим турадиган уйи йўқ, у бугун қаёққадир меҳмонга кетган эди. Бобурнинг одамлари Андижонга тезроқ жўнаш ва куч йиғиш ташвиши билан ниҳоятда банд бўлганликлари учун ҳозир Биноийни қидириб юриш уларга жуда малол келди. Лекин Бобур:

– Шу қиёмат қарзни узмагунча Самарқанддан қўзғалмаймен! – деб туриб олди. Шундан кейин савдару навкарлар шаҳарнинг ҳар тарафига от чоптиришиб, ниҳоят Биноийни топдилар, унга бўлган воқеани айтиб, беш минг динор пулини топширдилар.

Киши молига суқ подшоҳларни кўп кўрган Биноий ўн олти ёшли Бобур мирзонинг бунчалик ҳалоллигидан жуда қаттиқ таъсирландию, унга атаб бир шеър ёзди. Бу шеърдан бир нусхасини хаттотга кўчиртириб, Бобур жўнаётганда унга эсдалик қилиб бериб юборди. Қирқ тўрт йўллик бу шеърда у Бобурни кўп мақтаган:

«Шоҳ султони Заҳириддин Бобур,
Ки жаҳон шуд зи сити адлаш пур!»

– деб, гўё жаҳон Бобурнинг адолат бобидаги шуҳратидан нурга тўлганини айтган эди. Бобур, «Жаҳон, қайдаю, менинг шуҳратим қайда!» деб, бу сатрлардаги муболағадан кулган бўлса ҳам, лекин замонадан кўп жабр кўрган Биноий учун шу кичик яхшилик туфайли, эҳтимол, бутун жаҳон адолатга тўлиб кўрингандир, деб ўйлади. Бироқ кейинчалик Самарқандга Шайбонийхон хон бўлди ва шаҳар шоирларини йиғиб бир мушоира ўтказди. Бу мажлисида Биноий ҳам қатнашиб, шеър ўқиди. Хон унинг шеърини ёқтирадию, Биноийни ўзига мулозим қилиб олади ва эришган ғалабаларининг тарихини ёзишни топширади. Биноий «Шайбонийнома» деган асарини энди ёза бошлаган пайтда Самарқанд яна қайтадан Бобурнинг қўлига ўтади. Шайбонийхон атроф туманлардан ҳам қувилиб, Бухорога қараб чекинган кунларда Биноий унинг қароргоҳидан қочиб, Самарқандга келади. У Бобур билан учрашмоқчи бўлади, лекин Қосимбек уни Шайбонийхон тарафдори деб, Бобурнинг ҳузурига киритмай, Шаҳрисабзга жўнатиб юборади. Бобур бу ҳодисадан яқинда хабар топиб, Қосимбекка:

– Чакки қилибсиз, – деди. Мулла Биноий – катта шоир. Ўзи келган бўлса рухсат бермоқ керак эди.

Қосимбек важ кўрсатди:

– Катта шоирингиз Шайбонийхонни мақтаб шеър ёзган.

Бобур кулди:

– Бизни мақтаб шеър ёзганини билмасмисиз? Тождорлар мақтовни суйсалар, шоир не қилсин!

Қосимбек жиддий туриб эътироз қилмоқда эди:

– Амирзодам, бу одам Шайбонийхоннинг хуфияси бўлиши мумкин. Бобур ўйлаб туриб:

– Йўқ, – деди. – Ҳиротда Бойқародай шоҳга хуфия бўлмаган киши Шайбонийхонга хуфия бўлмас.

– Аммо бу шоир Хўжа Яҳёнинг ҳовлисида туриб, унинг тузини ичган, кейин Хўжа Яҳёни ноинсофларча ўлдиртирган Шайбонийхонга мулозим бўлган. Шу яхшими?

– Бу яхши бўлмаса, яхшилик қандай бўлишини биз кўрсатмоғимиз керак. Одам юборинг, мулла Биноийни Самарқандга бешикаст олиб келсинлар.

Сўнгги сўз фармойиш тарзида айтилгани учун Қосимбек уни бажаришга мажбур бўлган эди.

...Бобур пастга тушиб, девони омга тўрдаги эшикдан кирди. Кўп ўтмай пойгакдаги эшикдан Қосимбек Биноийни бошлаб кирди.

Биноийни Бобур бундан икки-уч йил олдин ҳам бир кўрган эди. Ўшанда у жуда салобатли эди. Ҳозир эса жуда озиб, гавдаси алланечук кичрайиб қолган. Тўни ҳам, салласи ҳам эскириб кетган. Фақат йирик-йирик кўзлари аввалгидай мағрур чақнаб турибди. Бобур унга пешвоз чиқиб уй ўртасида қўл бериб кўришди. Ўнг ёнига Қосимбекни, чап ёнига Биноийни ўтқазиб ҳол-аҳвол сўради. Шунда Биноий ёдаки бир рубоий айтиб, егулик ғалласи йўқлигини, кияй деса ғалланинг қопи ҳам топилмаслигини айтди:

Не ғалла маро к-аз тавонам нўшид,
Не муҳмали ғалла то тавонам пўшид, –

деган сатрлардаги нозик сўз ўйинини сезиб, Бобур беихтиёр жилмайди. «Муҳмал» аслида ноаниқ деган маънони билдирарди. Бу сўз билан мулла Биноий ўз аҳволининг ноаниқлигига ишора қилмоқчи эди. Айни вақтда, «муҳмали ғалла» – яъни қоп киядиган даражага етганини ҳам айтиб, ўз аҳволига киноя қилмоқда эди. «Хон ҳузурида топган мартабамиз шу бўлди!» демоқчи эди.

Бобур бунинг ҳаммасини тушунган маънода бош ирғадию, панжасини пешонасига тираб, бир лаҳза жим қолди. Унинг авзоидан шеърга шеър билан жавоб бермоқчи эканлигини сезган Қосимбек Биноийга «Шошмай туринг!» дегандай ишора қилди. Ниҳоят, Бобур қўлини пешонасидан олдию, Биноийга кулимсираб қаради:

Инъому вазифа бори буйрулғусидир,
Муҳмалга бўю ғаллага уй тўлғусидир.

Бобурда бунчалик шеърий истеъдод бор деб ўйламаган Биноий бир лаҳза ҳайратланиб турдию, сўнг тожикча талаффуз билан:

– Яна бир такрорланг, амирзодам, фақир радифини уқиб олмоқчиман! – деди.

Бобур шеърни иккинчи айтишда баъзи жойларини силлиқлаб, «ғаллага уй» жумласини «ғалладин уй тўлғусидир»,

деб тўғрилади. «Бўй» ва «уй» деган ички қофиялар ўзига ҳам ёқимли туюлиб, завқини келтирди.

– Таъби назмингизга тан бердим, амирзодам! – деди Биноий. Сўнг у оқ оралаган қалин соқолининг учларини тутамлаб бирпас жавоб қидирди. Топди шекилли, бошини тез кўтариб, қаддини тиклади:

Бир муҳмал учун мунча иноят бўлди,
Мустаъмал агар десам нелар бўлғусидир!

Биноийнинг туркий шеърга ҳам бунчалик усталиги энди Бобурни ҳайратга солди. Бу ерда «муҳмал» сўзи учинчи бир маънода ишлатилгани – Биноий аввалги рубоийсига камтарона баҳо бериб, уни «муҳмал», яъни «хом» деб атагани ҳам ажойиб эди. «Муҳмал»га «мустаъмал», яъни «пишиқ», «мукаммал» сўзининг ички қофия қилингани ҳам Бобурга жуда ёқди, у муншийни чақириб, мулла Биноий айтган рубоийларни ёзиб олишни буюрди. Икки орада бўлиб ўтган мушоирадан Қосимбек ҳам хийла таъсирланган эди. У ўша куниёқ Биноийни яхши бир ҳовлига жойлаштирди, Бобурнинг буйруғи билан аравада ун, гуруч, бир қўй, иссиқ барра пўстин бериб юборди. Биноий подшоҳ мулозимлари қаторида улуфа ола бошлади.

Орадан икки кун ўтгач, янги зира беқасам тўн устидан барра пўстин кийган Биноий яна Бўстонсаройга келди. Бобур бу гал уни иккинчи қаватдаги меҳмонхонада қабул қилди. Улар дастурхон атрофида яккама-якка суҳбатлашдилар. Биноий Бобурнинг Шайбонийхон ҳақида савол беришини кутиб, хон саройида кўрганларини киноя билан гапириб беришга тайёрланиб келган эди.

Лекин Бобур Биноийни ўнғайсизлантирмаслик учун ўтган гал ҳам, бугунги суҳбатда ҳам, Шайбонийхонни атайлаб тилга олмади. Сўнгги кунларда Навоийдан келган хатнинг таъсирида юрган Бобур Ҳиротдан гап очди. У Навоий билан Биноийнинг ўзаро муносабатлари ҳақида баъзи бир гаплар эшитган, энди бунинг тафсилотларини билгиси келар эди. Шайбонийхон тилга олинмаганидан енгил тортган Биноий кулиб гап бошлади:

– Алишербекнинг қулоқлари оғриганда кўк қийиқ боғлаган эканлар. Буни баззоз эшитиб, кўк рўмолга «Нози Алишерий» деб ном қўйиб сотадиган бўлдилар. Алишербек – улуғ сиймо, номларига ярашадиган улуғ ихтиролар қилганлар.

Бачкана кишилар арзимаган нарсаларга ҳам «Алишерий» деб ном қўйиб, пул ишлашлари фақирнинг ғашига тегди. Эшагимга ғаройиб бир эгар ясатдим-у бунга ҳам «Алишерий» деб от қўйдим. Кейин шу эгар ҳам машҳур бўлди! Мен бу билан савдогарларнинг бачкана гапларига киноя қилган эдим. Аммо иғвогарлар буни «Алишербекка беҳурматлик» деб овоза қилдилар, икки орага ғубор солдилар.

Мулла Биноий ҳазиломуз бошлаган гапини ҳасратли товуш билан тугатди:

– Амирзодам, менинг Алишер Навоийга эҳтиромим чексиз! Фақир у зотнинг суҳбатларидан баҳраманд бўлган пайтларимни эсласам, юрагим эзилур.

– Ёмон одамлар солган ғуборни орадан олиб ташлаш мумкин эмасмикин?

– Мен ҳозир шу ғуборни тарқатиш ҳаракатидамен. Мусофиротда юриб, Алишер Навоийга атаб бир қасида ёздим. Жоиз бўлса, баъзи жойларини амирзодамга ўқиб берай.

– Марҳамат!

Мулла Биноий ўзи ёзган шеърий асарларнинг ҳаммасини ёддан билар эди. Ҳозир ҳам бир бурчакка тикилиб, «Мажмаъ ул-ғаройиб» деган қасидасини ёдаки айта бошлади. Мулла Биноий Навоийдан узоқда унинг суҳбатини соғиниб:

Бе ту чун оби Дарғамам дар ғам,
Бе ту чун руди Кўҳакам гирён[1], –

– деганда Бобур завқдан бош ирғаб:

– Ўҳ! – деб қўйди.

Қасида ўқиб тугатилганда Бобур таъсирланганидан қасрда ўтирганини ҳам унутган эди. У атрофига қараб, гўё меҳмонхонага узоқлардан қайтиб келгандай бўлди.

– Мавлоно, бу қасидани Алишербекка нега юбормайсиз?

– Ҳиротга борадиган тайинли одам йўқ, амирзодам.

– Биз яқинда Ҳиротга элчи юбормоқчимиз. Каминага Алишербекдан китобат келган эди. Жавобини ёзиб юбормоқчимен.

– Амирзодам, қани эди, қулингизнинг бу қасидасини ҳам...

[1] Сенсиз Дарғам сувидек дарду ғамдамен,
Сенсиз Кўҳак (Зарафшон) дарёсидек гирёнман.

– Марҳамат, хаттотга бериб кўчиртирмоқ зарур бўлса, мен буюрурмен. Сўнг элчидан бериб юборурмиз.

Гап шунга қарор топдию, мулла Биноий хурсанд бўлиб чиқиб кетди. Бобур яна хонаи хосга кириб, чала қолган шеърини қўлига олди. Бироқ энди катта шоир билан бўлган узоқ суҳбатдан сўнг, аввалги шеърлари Навоийга юборишга муносиб эмасдек туюлди. Унга илгари жўн туюладиган нарсалар ҳам аслида жуда мураккаб экани ҳозир жуда аниқ сезилаётгандай бўларди. Ҳамма нарсани муҳит, аҳли жаҳон мураккаблаштиради. Ҳиротда яшаётган Алишер Навоий ҳам, ҳозир Бобурга кўп нарсаларни куюниб айтиб берган Биноий ҳам муҳитдан, замона аҳлидан норози бўлганларича бор эди.

Бобурнинг ўзи бу замонадан озмунча жабр кўрдими?

Ким кўрибдир, ей кўнгил, аҳли жаҳондин яхшилиқ!

Бу ҳароратли сатр қоғозга тез ва равон тушди. Бобур ўз зеҳнининг гўё қайралиб, ўткирлашиб қолганини сезиб турарди. У ҳозир хаёл кўзи билан Ҳиротдаги Алишер Навоийни аниқ кўраётганга ўхшарди. Бобур муҳитдан, замонадан, фақат ўз манфаатини кўзлайдиган жаҳон аҳлидан яхшилик кутган одам алданиши муқаррарлигини Навоийга айтиб дардлашгиси келарди:

Кимки ондин яхши йўқ, кўз тутма ондин яхшилиқ.

Яъни, ўз муҳитидан баланд туролмайдиган одам бировга яхшилик қилолмайди. Алишер Навоийнинг одамларга шунча кўп яхшилик қилаётгани – Бобурга унинг жаҳон аҳлидан беқиёс даражада юксак эканини яққол кўрсатаётгандай бўларди. У ўз кўнглини ҳам мана шу юксакликка ундаб яна бир байт ёзди.

Бори елга яхшилиқ қилғилки, мундин яхши йўқ–
Ким, дегайлар даҳр аро қолди фалондан яхшилиқ.

Шу куни кечаси Бобур Навоийга аталган мактубини ҳам, шеърини ҳам ёзиб тугатди.

Орадан икки кун ўтгач, бу мактуб махсус элчи билан Самарқанддан Ҳиротга жўнатилди.

Бобур Навоийдан қиш чиққунча жавоб олиш умидида эди. Бироқ қиш чиқиб, энди бойчечак очилган кунларда Ҳиротдан мусибатли хабар келди: қиш чилласи пайтида ҳали Бобур юборган элчи йўлда эканида Алишер Навоий вафот этган эди. Бобур ўзига улуғ бир мураббий топдим, деб суюниб юрганда, ўтай тақдир уни бу мададкоридан ҳам жудо қилган эди.

7

Тепаликка учиб чиқаётган чопқир отнинг туёғи ердан бош кўтариб, бугун-эрта очилай деб турган лола ғунчасини эзиб-янчиб ўтди. Бу от устида ўтирган Шайбонийхоннинг кўзлари эса пастдаги кенг текисликда чуғурчуқдай ёпирилиб пойга ўтказаётган отлиқларда эди.

Тиниқ баҳор осмонининг бир четида Самарқанд билан Бухоро оралиғининг энг машҳур қўрғони бўлган Дабусия[1] қалъаси савлат тўкиб турибди. Кеч кузда бу қалъа ҳам Шайбонийхоннинг қўлидан чиқиб, Бобурга ўтиб кетганда, қўшини Бухорога чекиниб, оғир аҳволга тушиб қолган эди. Руҳи тушган баъзи саркардалар: «Эсимиз борида этак ёпиб, Туркистонга қайта қолайлик!» дейишган эди. Аммо Шайбонийхоннинг Самарқанддаги хуфиялари Бобурнинг шоирлар ва олимлар суҳбатига берилиб, янги жангларга суст тайёрланаётганини билдириб турар эдилар. Қўлдан-қўлга ўтиб, жуда кўп таланган Самарқанд баҳорга чиқиб яна очлик ва қаҳатчилик балосига йўлиққан эди. Бунинг ҳаммаси Шайбонийхонни дадиллаштирди. Яқинда у Бухородан Дабусияга қўшин тортиб келди. Қалъанинг баланд деворларига улардан ҳам баланд шотилар қўйдирди. Қалъа ҳимоячилари тепадан ўқ ва тош ёғдиришаётган бўлса ҳам хон ўз аскарларига тап тортмай чиқаверишни буюрди. Одамлар ўлган-қолганига қарамай чиқиб келаётганини кўрган ҳимоячилар тепадан катта ёғоч болорлар отишди, ёниб турган ёғларни чиқаётганларнинг бошидан қуйишди. Девор таглари ўликларга тўлиб кетди. Хон навкарлари қўрқиб чекина бошладилар. Шунда Шайбонийхон ўзининг туғишган укаси Маҳмудхонни ва суюкли ўғли Темурхонни бутун навкарлари билан жангга солди. Хон укаси ва ўғлини ҳам аямаётганини кўрган жангчилар яна шотиларга ёпишдилар.

[1] Дабусия – «Темир қўрғон» демакдир. Зиёвиддин деган жойда ҳозир бу қалъанинг харобалари бор.

Юқоридан ёғилаётган ажал шотига чиққанларни тутдай тўкаётган бўлса ҳам, бир неча юз киши шовқин-сурон билан девор тепасига чиқиб борди. Девор тепасидаги жангда икки томондан ҳам жуда кўп одам қирилди, ўликлар туйнукларни бекитиб қўйганидан пастга ўқ отиш мумкин бўлмай қолди. Хон қўшини сон жиҳатдан бир неча баробар кўп бўлиб, шотилардан орқама-орқа чиқиб бормоқда эди.

Бобурдан ёрдам сўраб кетган чопар Самарқандга етиб боргунча бўлмай Шайбонийхон Дабусияни қонга белаб ахийри олдию, ҳимоячиларни битта қолдирмай қиличдан ўтказди.

Бу зафар хон қўшинининг руҳини кўтарди.

Энди Шайбонийхон Дабусияни тоғдай бир таянчга айлантириб, ундан Самарқанд устига сакраш тайёрлигини кўряпти.

Ҳозир пастда ўтказилаётган пойга ҳам – шунчаки кўнгил очиш учун эмас, Бобур билан бўладиган ҳал қилувчи жангларда Шайбонийхонга энг зўр, энг чопқир отлар танлаш учун керак.

Куни кеча Самарқанддан келган дарвеш кийимидаги бир махфий Бобурнинг хотини қиз туққанини, отини Фахринисо қўйганларини айтиб берган эди.

Шайбонийхон пойгада бир-биридан ўзиб, сор бургутлардай учиб бораётган йигитларига завқ билан тикилдию, ўзича деди, «Майли, Бобур куздаги ғалабасидан фахрланиб, қизига Фахринисо деб от қўйсин, керилиб, шеърини ёзиб ётаверсин! Унгача мен бургутларимнинг ҳаммасини овга ўргатаман».

Шайбонийхон ҳали ҳеч қайси жангга бунчалик жон-жаҳди билан тайёрланган эмас. У Бобурни енгиш осон эмаслигини сезарди. Бобур энди ўн тўққизга кирган ёш йигит бўлса ҳам ниҳоятда истеъдодли, ниҳоятда довюрак саркарда эканини Шайбонийхон амалда кўрди. Ҳозир бу атрофдаги шаҳару қишлоқларнинг кўпчилиги Бобурга ён босади.

Шайбонийхоннинг душманлари эса беҳисоб. Султон Али мирзонинг кўпчилик бек ва навкарлари бултур Шайбонийхонга қўшилган эди, Бобур Самарқандни олгандан кейин ҳаммаси унинг томонига қочиб ўтиб кетди. Бобурнинг қўшини кун сайин кўпайиб боряпти. Ҳатто Андижондаги Аҳмад Танбал ҳам укаси Султон Халилни икки юз навкари билан Бобурнинг ихтиёрига юборипти. Шайбонийхон шуни эшитгандан кейин, ҳозир Бобурнинг обрўси жуда баланд эканини, ундан ҳатто Аҳмад Танбал ҳам қўрқиб қолганини сезди. Бу кетишда ёзга

бориб Бобурнинг қўшини яна ҳам кўпаяди. Шайбонийхон ҳал қилувчи жангни тезлатмаса, кейин ютқизади.

* * *

Шайбонийхон султонлари билан кенгашиб, эрта баҳорда Бухоро ва Дабусия қалъасини ишончли одамларига қолдирдию, ўзи Самарқанд томонга қўшин тортиб кела бошлади.

Шундан сал олдин Шайбонийхон Бобурга мактуб йўллаб, уни масоф урушга[1] чақирган, «Мардлар майдонда синалгай, қалъада бекиниб ётиш ёш боланинг ҳам қўлидан келур!» деган мазмунда аччиқ киноялар қилган эди.

Ниҳоят, Бобур ҳам Самарқанддан қўшин билан келдию, Сарипулда[2] Шайбонийхон аскарларидан бир тош берида тўхтаб, жангга тайёрлана бошлади. Бобур Зарафшон дарёси кўриниб турган бир жойни ўрда қилиб, атрофига чуқур хандақлар қазитди, шох-шаббалардан ўқ ўтмайдиган иҳоталар ясатди.

Шунга қараганда Бобур масоф урушга унча тез киришмоқчи эмас эди, орқадан яна янги кучлар етиб келишини кутмоқчи эди.

Бироқ Шайбонийхоннинг йиғиладиган аскарлари йиғилиб бўлган, энди узоқ Туркистондан янги кучлар етиб келолмаслиги аниқ. Шаҳрисабздан келган махфий хабар хонни изтиробга солиб қўйди. Ўша ёқда Боқи тархон икки минг қўшин тўплаб, яна мингта аскар йиғиб кейин ҳаммасини Бобурга ёрдам бергани олиб келмоқчи эмиш. Агар бу қўшин ҳам Бобурга келиб қўшилса, Шайбонийхон енгилиши мумкин. Хон урушни тезроқ бошлашнинг чорасини излаб, Бобур қароргоҳида мунажжимлик қилиб юрган яширин кишисига хабар юборди. «Осмондаги юлдузларга қараб, Бобурни тезроқ жанг қилишга кўндирсин, агар ишни чўзса, жосуслигини фош қилиб, бошини кестиргаймен!» деб мунажжимга таҳдид қилди.

Бу мунажжим ҳам шоир Биноийга ўхшаб, хон қароргоҳидан Бобур ҳузурига қочиб борган эди. Хон Бобурнинг раҳмини келтириш учун мунажжимни Бобур ҳузурига қочиришдан олдин калтаклатиб, оғиз-бурнини қон қилган, кийимларини йирттирган эди. Мавлоно Шаҳобиддин исмли бу мунажжим ҳозир Бобур саройида иззат-икромда экани

[1] М а с о ф у р у ш – очиқ жойда юзма-юз олишиш.

[2] С а р и п у л – ҳозирги Каттақўрғон шаҳри яқинидаги бир қишлоқ.

ҳам Шайбонийхонга маълум эди. Хоннинг яширин топшириғи қаландар кийимидаги киши орқали мунажжимга етказилган куни кечаси Шайбонийхон ўн минг қўшини билан Бобур ўрдасига бостириб борди, нақоралар, карнайлар чалдириб, истеҳком деворлари орқали ўқлар ёғдирди.

Отлар хандақлардан ўтолмас, аммо хон аскарларининг ҳақоратомуз қичқириқлари ўрдада ўтирган Бобурга ва унинг одамларига баралла эшитиларди:

– Жонинг бўлса, майдонга чиқ!

– Қўрқоқлар, курк товуқдай мояк босиб ўтира берасанми?!

– Бобурингда юрак бўлса, улуғ хонга ўзини кўрсатсин!

– Мард бўлса, чиқсин майдонга!

Ҳимояда ётган одамларга тунги ҳужум ва шовқин-сурон оғир таъсир қилишини Шайбонийхон яхши билар эди. Бобурнинг ўрдаси атрофида унинг юзлаб отлиқлари урра-ур қилишиб, борлиқни ларзага келтиришди, иҳота қилинган шох-шаббаларга ёниб турган ёй ўқларини отишиб, бир-икки жойини ёндириб юборишди. Ичкаридан ҳам ўқлар отилди, аччиқланган навкарларнинг ҳақоратлари эшитилди, аммо хон қўшини билан олишиш учун ҳеч ким юрак ютиб чиқолмади.

Шайбонийхон Бобурнинг кеча қўққисдан майдонга қўшин тортиб чиқолмаслигини олдиндан биларди, чунки ҳеч бир ақлли-ҳушли саркарда бу қоронғи тунда селдай ёпирилиб келган лашкар қаршисига тайёргарликсиз бетартиб отилиб чиқмаслиги ўз-ўзидан аён эди. Бу тунги шовқин-сурон Шайбонийхонга ўз лашкарининг руҳини кўтариш учун керак эди. У ўзининг ҳеч нарсадан қўрқмаслигини, Бобур эса гўё тиззаси қалтираб, истеҳкомдан берига чиқолмаётганини ҳар икки томонга намойиш қилмоқчи, шу билан ёш душманининг иззат-нафсини қўзғатмоқчи эди. Айни вақтда, бу тунги ҳужум – Бобур қароргоҳида иш олиб бораётган мунажжимни ҳам дадиллаштиришга қаратилган эди. Чиндан ҳам бу тунги ҳужум Бобурнинг иззат-нафсига қаттиқ тегди. Мунажжим эса осмондаги юлдузлар тартибини мураккаб бир тарзда унга тушунтириб: «Ҳозир саккиз юлдуз сиз томонда рост турур, – деди. – Яна икки кун ўтгач, бу саккиз юлдуз ғанимингиз томонига оғиб кетгай. Агар эрта-индин жангга киришсангиз, ғалаба сизники бўлишидан бутун фалакиёт далолат бермоқда!»

Ахири шу сабаблар бир бўлиб, Бобур Шаҳрисабз ва Тошкентдан келадиган катта кўмакни кутиб ўтирмасдан, индин

чоршанба куни жанг майдонига чиқишга қарор берди. Мунажжим буни ўша алоқачи қаландар орқали Шайбонийхонга етказдирди. Шайбонийхон чоршанба куни ҳаёт-мамоти ҳал бўлишини сезиб, бор истеъдодини, бутун тажрибасини ишга сола бошлади. Куни бўйи бўлажак жанг майдонининг ҳар бир пасту баланд жойини кўздан кечириб чиқди, офтоб қаёқдан чиқиб, шамол қаёқдан эсишигача эътибор берди. Кечаси эса отларни эгарлатиб, ҳамма нарсани тахт қилиб ётишни буюрди, ёв майдонга чиққан заҳоти дарҳол қулай томонни эгаллашнинг режасини тузиб қўйди. Икки кеча деярли ухламади. Ярим тунда ҳам, саҳар паллада ҳам унинг оқ ўтовидан кучли овоз ва катта ихлос билан ёдаки қироат қилинаётган Қуръон товуши эшитилиб турди. Шайбонийхон жойнамоз устида саждага бош қўйиб, Худога муножот қилар, кўзларига ёш олиб «Шарманда қилма, Парвардигор!» деб пичирларди. Жангдовуллар азон палла Бобур қўшинининг шошилинч сафланаётганини ва туғ тикаётганини айтиб келган заҳоти Шайбонийхон ҳам бор аскарларини оёққа турғизди. Чавкар отда сафларни айланиб чиқди.

– Шунқорларим! – деб жарангли овоз билан қўшинга мурожаат қилди. – Бу атрофда бизнинг Худодан бўлак суянчиғимиз йўқ. Ота юртимиз узоқ, енгилсак етолмаймиз. Бирдан-бир нажот – енгиш! Менинг Парвардигордан умидим катта. Тушимда аён бўлди – насиб қилса, ғалаба бизники!

– Иншоолло! – деди ўнлаб овоз бирдан.

Шайбонийхон Қуръондан қисқа бир сурани оҳангдор товуш билан таъсирли қилиб ўқиди-ю, диний раҳбарларга хос сирли ва салобатли тарзда фатво берди:

– Омин, оллоҳу акбар!

Минглаб одам бирдан:

– Оллоҳу акбар! – деб такбир туширганда осмон титраб кетгандай бўлди.

Шайбонийхоннинг валийлигига ишонадиган, унинг фатвосидан руҳланган қўшин аввалдан ўйланган аниқ режа билан ёв томонга йўналди.

Узоқ машқлар бекор кетмаган эди. Хоннинг қўшини гўё бир тан-бир жон бўлиб ҳаракат қилар, худди таранг тортилган ёйдай ўртаси хиёл олдинга чиқиб борар эди.

Чап томон дарё. Шайбонийхон қўшинини ўнг томондаги кенгликлардан дарё томонга қиялатиб йўналтирди. Чунки дарё томон нишаброқ эди, бугун шамол ҳам жануб-

дан эсмоқда эди. Йўл нишаб бўлсаю, шамол орқадан эсса, чопқир отлар янада тезроқ учиши мумкин. Шайбонийхон бугун қўлламоқчи бўлган тўлғама усули – яшин тезлигида ҳаракатланишни талаб қилади. Шунинг учун у отларнинг чопқирини аввалдан танлаб қўйган, бугун эса шамолнинг йўналишию ернинг нишаблигини ҳам ҳисобга олган эди.

Шайбонийхон қўшинининг жанубдан қиялаб яқинлашаётганини кўрган Бобур қўшини ёв билан юзма-юз тўқнашиш учун ўнг қанотини олдинроқ чиқариб, дарёга орқа ўгирдию, жанубга томон бурила бошлади.

Орада икки-уч чақиримча масофа қолганда Шайбонийхон хос навкарлари, ичкилари ва туғбардори билан бирга баланд бир тепаликда тўхтади. Бобур ҳам шунақа бир тепаликда отлиқ турар, унинг орқасидаги дарёнинг суви эрталабки қуёш нуридан товланиб кўринарди.

Бобурнинг қўшинлари орасида тўра[1] кўтарган, дастаси узун найзалар ва ойболталар билан қуролланган пиёдалар ҳам кўп эди. Агар отлиқлар уларга тўғридан рўпара бўлса узун найзалар отга ёки отлиққа санчилади. Шайбонийхон пиёдаларнинг марказда келаётганини кўриб, ўзининг қўшинига ёв марказини очиқ қолдиришни, ёвнинг икки қанотини айланиб ўтиб, икки биқинидан ва орқадан зарба беришни буюрган эди.

Ўнг қанотдаги Маҳмуд Султон, Жонибек Султон ва Темур Султон хоннинг буйруғига амал қилишиб, ёвга бир чақирим қолганда отларини тўсатдан ўнг томонга буришди ва Бобур қўшинининг чап қанотини айланиб ўта бошлашди. Шайбонийхон қўшинининг чап қанотидаги машҳур лашкарбошилар Ҳамза Султон ва Маҳди Султон ҳам марказга тегмай, Бобурнинг ўнг қанотини айланиб ўтмоқда эдилар.

Энг зўр кучларини марказга қўйган Бобур аввал тузган режасини шошилинч равишда ўзгартира бошлади. Бобур марказга қўйган қўшиннинг бир қисми ўнг қанотга қўшилиб, Шайбонийхоннинг чап қанотига ташланди.

Тўлғаманинг бир қалтис жойи шунда эдики, марказга тегмай ўтган икки қанот бир-биридан ажралиб қолиши мумкин эди. Ёв уларни иккига бўлиб ташлаши, сўнг орқадан ҳужум қилиб тўлғама ишлатмоқчи бўлганларнинг ўзларини тўлғаб, қуршаб олиши мумкин эди. Ҳозир Шайбонийхон қўшинининг чап

[1] Т ў р а – қалқоннинг бир тури. Отлиқларнинг калконидан каттароқ бўлади.

қаноти худди мана шу аҳволга туша бошлади. Аммо ана шу ерда энг югурик отларнинг танлангани иш берди. Бобурнинг отлиқлари олдиндан қирқиб чиқишга улгурмадилар. Маҳмуд Султон бошлиқ уч-тўрт юз чавандоз ёв қўшинининг орқасига ўтиб олишга муваффақ бўлди. Ўнг қанотдан Ҳамза Султоннинг икки юз отлиғи ҳам чопқир отларда ёвни айланиб ўтиб келиб, Маҳмуд Султоннинг йигитларига қўшилди. Бобур қўшини кутилмаганда ҳам икки ёндан, ҳам орқадан зарба еб, эсанкираб қолди. Жон аччиғида бақираётган, қилич ва ўқ зарбидан йиқилаётган, оёқ остида мажақланиб чинқирган ваҳимали овозлар, тиғ, найза зарбалари, «Урҳо-ур!» деган нидолар отларни ҳам қутуртириб юборган эди. Бобур қўшинининг дастлабки ясоғи бузилиб кетди, икки томоннинг отлиқлари аралаш-қуралаш бўлиб, пиёдаларнинг устига отда бостириб келди. Пиёдаларни энди ўз қўшинининг отлиқлари ҳам босиб-янчиб кета бошлади.

Очиқ қолган марказдан Бобур аскарларининг бир қисми аланга тилидай отилиб чиқди-ю, Шайбонийхон турган тепаликка ҳамла қилиб кела бошлади. Ўнг қанотдаги Темур Султон билан Жонибек Султоннинг йигитлари ҳали ҳам қуршовдан чиқолмас эди. Шайбонийхон томонга бостириб келаётган икки юздан кўпроқ отлиқнинг рафтори жуда ваҳимали эди. Кўпакбийнинг уч-тўрт юз йигити қирғин бўлаётган жойдан чиқиб, ёв отлиқларининг кетидан тушди. Аммо орадаги масофа анча узоқ, Кўпакбий етиб келгунча беригилар Шайбонийхонни бутун ичкилари билан янчиб ўтиши мумкин эди. Буни сезган хоннинг ичкилари саросимага тушиб қолишди. Ювошгина от миниб чиққан мулла Абдураҳим:

– Ҳазрати имоми замон, вақт ўтди, бехатар жойга чекинайлик! – деди. Шайбонийхоннинг рангида қон қолмаган. У ҳам бехатар жойга кетишни истарди. Аммо бу тепаликда у туғлар билан турибди. Агар пастга тушиб кетсаю, аскарлари ўгирилиб қараб, уни ва туғларни кўрмаса, «Енгилибмиз!» – деб ўйлашади. Хоннинг чекиниши – енгилиш аломати бўлади. Шунинг учун Шайбонийхон титраб-қақшаб:

– Ўлим бор, чекиниш йўқ! – деб қичқирди. Сўнг у юз қадамча нарида турган хос навкарларига буюрди:

– Чиқ ҳамманг! Ана у келаётган отлиқларнинг йўлини тўс!

Бу хос навкарлар хоннинг энг сўнгги таянчи ҳисобланар, улар одатда енгилиб қочиш керак бўлганда хонни қўриқлаб олиб кетиш учун сақланар эди. Хон буйруқ бергандан кейин

ёпирилиб келаётган нариги ёвнинг қаршисидан чиқиб, ёйлардан ўқ ота-ота уларга яқинлашдилар. Хос навкарлар нариги-ларга қараганда икки баробар оз бўлсалар ҳам дадил сава-ша бошладилар. Нарёқдан Кўпакбий ҳам уч-тўрт юз отлиғи билан етиб келди. Энди ёв илғорлари қуршовда қолди. Бир вақт шу қуршовни ўнтача отлиқ ёриб чиқди. Худди кўпкари пайтида улоқ талашиб тўсатдан томошабин устига бостириб келиб қоладиган улоқчиларга ўхшаб, Шайбонийхон турган те-паликка чиқиб борди. Мулозимлардан бир нечаси «гур» этиб орқага қочди. Аммо Шайбонийхон ўз навкарларининг қўли баланд келаётганини кўриб турар эди. Камонга ўқ ўрнатиб, тепани қиялаб қочиб ўтаётган ёв отлиқларига қараб отди. Ўқ ҳеч кимга тегмаган бўлса ҳам хон шахсан ўзи жангга қўл урганини кўрган навкарлар аввалгидан ҳам қаттиқроқ қичқи-ришиб, ёв илғорини битта қўймай қириб ташладилар.

Нарёқда ёв қўшинини ўраб, чулғаб, тўлғама усулини хон айтгандай амалга ошираётган султонлар мингга яқин йигитлари билан Бобур турган тепаликка етиб бордилар. Пиёдалар Бобурга иш бермай қўйди. Яқинда Тошкентдан келиб қўшилган мўғул отлиқлари Бобурнинг жангни бой бе-раётганини сезишди-ю, ўлжасиз кетмаслик учун эгасиз қол-ган отларни жиловидан тутиб, етаклаб, жанг майдонидан чиқиб кета бошладилар. Баъзи мўғуллар эса ўзлари билан бир сафда жанг қилаётган андижонлик ва самарқандлик йигитларни эгарларидан ағдариб ташлаб, отларини ўлжа қилиб олиб қочишга тушдилар. Бир вақт Шайбонийхон Бобурнинг ўн-ўн бешта ичкилари билан тепаликдан тушиб, дарё томонга қараб чекинаётганини кўриб қолди. Бу бир ҳийла эмасмикин, деб тикилиб қараса, Бобур тўлиб-тошиб оқаётган дарёга от солиб кирди. Қирғоқда қолган унинг бир неча юз навкарлари Бобур кетидан интилган ёвнинг йўлини девордай тўсиб олди. Бобур Самарқандга қараб қочаётгани-га энди астойдил ишонган Шайбонийхон қўлларини осмон-га чўзиб, ҳаяжон билан:

– Худоё, ўзингга шукр, ўзингга шукр! – деди. Аммо ёви енгилиб қочаётгани энди унга озлик қиладиган туюлди. Шу топда у ўз ғалабасининг яна бир даража баланд бўлишини истарди. Шунинг учун ортда турган чопар томонга ўгирилди:

– Тез бориб шунқорларимга айт. Бобурнинг бошини ке-сиб келган одамга боши баробар олтин бераман!

Чопар энди отининг жиловини бўшатиб жойидан силтаниб қўзғалганда Шайбонийхон:

– Тўхта! – деди. У мағлуб бўлган Бобурни асир олиб, тавбасига таянтирса, ғалабасининг шуҳрати яна бир даража ошишини сезди: – Шунқорларимга яна бир буйруғимизни еткиз! Бобурни тирик тутиб келганга бўйи баробар олтин бераман! Ё тирик, ё ўлик, албатта, олиб келинглар!

Чопар тепаликдан от чоптириб тушиб кетаётганда Шайбонийхон кўзларининг нам эканини сезди. Ғалаба завқидан кўзига ёш келганини у энди пайқади-ю, кулимсираб, кафти билан кўз ёшини секин артиб қўйди.

8

Саратон ўтиб, асад ойи кирди. Самарқанд атрофидаги боғларда мевали дарахтларнинг шохлари етилган ҳосилдан эгилиб, ерга салом бера бошлади. Шаҳар ичида ҳам мевали дарахтлар, токлар жуда кўп, аммо улар ҳаммаси ҳозирданоқ шип-шийдам бўлиб қолган. Ҳали сарғаймаган кўм-кўк барглар орасида бирорта олма, бирорта шафтоли, бирор шингил узум қолмаган. Беш ойдан бери қамал азобини тортаётган шаҳар халқи бор меваларни пишар-пишмас еб тугатган. Қўрғоннинг ҳамма дарвозалари ёпиқ, шаҳар атрофини Шайбонийхоннинг қўшини қуршаб ётибди. Ичкаридан ҳам ҳеч кимни чиқармайди, ташқаридан ёрдам бермоқчи бўлганларнинг ҳам йўлини тўсади. Улуғбек мадрасасининг баланд томи устидаги текис саҳнга Бобурнинг оқ ўтови ўрнатилган, бу ердан қўрғон деворлари, атроф маҳаллалар, шаҳар дарвозалари яхши кўринади. Бобур гоҳо оч одамларнинг том бўғотларига ин қурган мусичаларни овлаб юрганини кўради. Қанотли қушлар силласи қуриган очларга тутқич бермайди. Шаҳар ичида қушлар ейдиган дон-дун, овқат қолдиқлари ҳам топилмайди. Шунинг учун бу ердан қушлар ҳам ўзини олиб қочади. Гоҳо атроф кўчаларда бирор киши ит ёки мушук тутиб олса, очлар шуни ҳам талашиб, ғижиллашиб қолишади.

Мадрасанинг орқа томонида подшоҳнинг катта отхонаси бор. Илгари бу ерда саройнинг етмиш-саксонта оти боқилар эди. Ҳозир шулардан тўрттагинаси қолган. Бир қисми Сарипулда қўлдан кетди. Кўпчилиги сўйиб ейилди. Бироқ шу тўртта отга ҳам емиш топилмайди. Дон юзини кўрмаганла-

рига бир ойдан ошди. Пичану бедалар аллақачон тугаган. Атрофдаги дарахтларнинг баргларини ҳам юлиб, қоқиб, от ва туяларга едиришган. Ҳозир баргсиз дарахтлар ёзда ҳам худди қишдагидай яланғочланиб, кўзга жуда хунук кўринади.

От-уловларга барг ҳам топилмай қолгандан кейин дарахтларнинг қуриган ёғочларини рандалаб берадиган бўлишган.

Бобур отхона ҳовлисида ёғоч рандалаётган Тоҳирни кўрди. Сарипулда бу йигит Бобурнинг хос навкарлари орасида эди, дарёдан ўтишда ҳам, кейин ҳам жонбозлик кўрсатган эди. Бобур яқинда унинг уйланиш тарихини эшитди. Шунча азоблар билан қайта топиб олган хотини очарчиликда нобуд бўлиб кетмасин деб, Робияни онаси Қутлуғ Нигор хонимга каниз қилиб қўйди.

Тоҳир майда қилиб рандалаган ёғочни сарғиш мўйловли Мамат сувга ивитиб юмшатмоқда эди. Шундай қилинмаса уни от еёлмас эди.

Сарипул жангига Мамат ҳам навкар бўлиб қатнашган эди. Ўша қирғиндан эсон-омон қайтган бу йигит ўтган ҳафта қўрғон ташқарисига мева ўғирлашга чиқиб, бир қулоғидан ажралиб қайтди.

Қўрғон деворидан бўй чўзиб, ташқарига қараган очлар ташқи боғларда пишиб, шохларда тиралиб турган, ерларга тўкилиб ётган олмалар, ноклар, шафтолиларни кўриб чидаб туролмас эди. Кечаси эл ухлаганда Мамат уч-тўртта эски косиб ошналари билан қалъа девори тагидаги обмўридан ташқарига чиқади. Чоҳдан ҳам бир амаллаб ўтиб пишган мевалардан тўйганича ейишади. Кейин қўлларидаги халта ва хуржунларни ҳам мевага тўлдиришади, аммо қўрғонга томон қайтаётганларида шафқатсиз Кўпакбийнинг йигитлари уларни тутиб олишади. Мамат ҳам ўзини косиб деб танитди. Агар «Бобурнинг навкариман» деса тирик қолмас эди. Кўпакбий «Мева ўғирлагиси келганларга ибрат бўлсин», деб тутилганлардан учтасининг бурнини, иккитасини қулоғини кестиради-ю, қўйиб юборади. Бир сиқим мева учун қилинган бу ваҳшийлик туфайли Мамат энди ёзда ҳам телпагини кесик қулоғидан пастгача бостириб киядиган бўлган. Баъзида у ўзига-ўзи тасалли беради:

– Қулоқни-ку, жаширса бўлади, бурним кесилса нима қилар эдим?

Бобур кўчадан ўтаётиб гоҳо бурни кесилган бечораларни ҳам кўриб қолади.

У бир вақтлар ўзи Самарқандни етти ой қамал қилиб ётганда одамларнинг бошига қанчалик оғир кулфатлар тушганини мана энди чинакам биляпти. Ўша очарчиликда саҳҳофлик растасига борганларида ўғли кунжара еб шишиб ўлган, ўзи жинни бўлиб қолган бир кампир Худони қарғаб, «Илоҳим ўзи ҳам шу кўйга тушсин!» – деганини Бобур энди қасоскор тақдирнинг ҳукмидек эслайди...

Камбағаллар кулбасидан бошланган очлик аста-секин навкарлар, беклар қароргоҳига ҳам, подшоҳ саройига ҳам ўрмалаб келди. Мана, ўн кундирки, Бобур нон юзини кўрмайди. Ун аллақачон тугаган, унга олтин-кумуш идишларда эрталаб бир сиқим майиз билан чой, кечқурун туя гўштидан пиширилган бир коса шўрва ёки уч-тўрт туюр кабоб берадилар. Бобур олтинлари ялтираган шоҳона идиш-товоқларга термилиб қарайди-ю, ҳозир шуларнинг ҳаммасидан бир парча нонни афзал кўради. Лекин нон олтинга ҳам топилмайди.

Ойша бегимнинг олти ойлик эмизикли қизчаси биғиллаб йиғлайди. Чунки озиб, мадордан кетиб қолган Ойша бегимнинг сийнасидан сут келмайди. Яқинда бола кўрган бошқа бир онани топиб, Фахринисони беш-ўн кун эмиздирган эдилар, фалокат юз берди, у она вабога учраган хонадондан экан. Даҳшатли касаллик Фахринисога юқдию, икки кун ичида бола мумдай эриб жон берди.

Бобур кафанга ўралган гўдакни янги қазилган қабр олдигача кўтариб борар экан, унинг буришган юзчасига юзини босиб йиғлаб юборди: «Майли, шу вабо менга ҳам юқсину бу азоблардан биратўла халос бўлай!» – деган аламли ўй билан гўдакнинг совуқ лабларидан ўпди.

Ғалаба кунлари дунёга келиб Фахринисо номини олган қизчани қабрга қўйиб, устига тупроқ тортганларида Бобур бир лаҳза ўзини унинг ўрнида кўрди, ҳали тирик бўлса ҳам ҳаётининг бир бўлаги, аввалги зафарларию қувончлари билан бирга умрбод тупроқ тагида қолганини бутун вужуди билан ҳис қилди.

Ичкарида Бобур кулфат чекиб ғам-ғуссага ботган сари ташқарида унинг душманлари тантана қилишмоқда эди. Бобур Ҳиротдаги амакиси Ҳусайн Бойқародан, Тошкентдаги тоғаси Маҳмудхондан беш ой давомида ёрдам кутди, келмади. Энди келмаслиги аниқ.

Шуни пайқаган Шайбонийхон ҳар куни кечаси дарвозалар ташқарисида нақора чалдиради, карнай-сурнайлар билан шаҳар аҳлини уйғотади. Сўнг хон жарчилари қўрғон ташқарисидаги кўтармаларга чиқиб, шаҳардагиларни хон томонига ўтишга чорлайди, оч одамларга турли ноз-неъматлар ваъда қилади. Бобур энди урушни бой берганини сезган бек ва навкарлар деворлардан ошиб тушиб, сув мўриларидан ўтиб, қамал балосидан қочади.

Бир кун кечаси Бобурни қўриқлаб юрадиган қўрчи беги ҳам қалъадан яширинча чиқиб қочди. Хос қўриқчилар орасида Тоҳир бор эди. Эртаси куни кечаси Бобур уни ўз ҳузурига чақириб олди.

Тоҳир озиб кетганидан елкалари пучайиб қолган, кўзлари ичига ўпирилиб тушган. Юзидаги чандиғи эса бўртиб, гўё аввалгидан хийла катта бўлиб кетган.

– Тоҳирбек, – деди Бобур, – Амир Темур мақбарасининг ҳошиясига араб тилида бир ҳикмат битилмишдир. Бу ҳикматда «Жаҳон сендан юз ўгирмасдан олдин сен жаҳондан кўнгил уза билгин» дейилмишдир. Мен энди жаҳондан кўнгил узмоқчимен. Вабо мени олиб кетса, балки тез қутулар эдим. Лекин мени вабо ҳам четлаб ўтди...

– Худо сақласин, амирзодам! Бизнинг суянган тоғимиз ўзингизсиз!

– Суянган тоғингиз ҳозир ер билан яксон бўлмишдир, Тоҳирбек! Кеча бир байт битмишмен:

Эй кўнгул, гар Бобур ул оламни истар, қилма айб,
Тангри учун де, бу оламнинг сафоси қолдиму?!

Тоҳир шеърдан таъсирланиб:

– Рост, ҳозирги кунларимизда сафо қолмади, амирзодам! – деди. – Лекин ойнинг ўн беши қоронғи бўлса, ўн беши ёруғ. Шукр, ҳали танда жон, белда шамширимиз бор! Бобур ўйланиб турди-ю:

– Энди сўнгги илинж ёғий илкига тирик тушмаслик! – деди. – Бор кучларни тўплаб, қулай бир пайтда қалъадан чиқайлигу ёғий ҳалқасига ҳамла қилайлик! Кунимиз битмаган бўлса ёриб ўтурмиз, битган бўлса қилич билан жон берурмиз!..

– Худо хоҳласа ёриб ўтурмиз, амирзодам!

– Бу сирни ҳозирча фақат Қосимбек билур, сиз ҳам сир сақланг, тайёрлик кўринг!

– Жоним билан!

Тоҳир ўша куни кечаси Қосимбекка учрашди. Икковлари қалъа деворининг хокрезлари орқали ташқарини кузатиб, ёвнинг асосий кучлари Оҳанин, Феруза ва Чорраҳа дарвозалари томонда жойлашганини, Шайзода дарвозасининг атрофларида эса ёв ҳалқаси заифроқ эканини аниқладилар. Навкарлар ва отлиқларнинг энг бақувватларини танлаб, уларни ҳамлага тайёрлай бошладилар.

Бобур Бўстонсаройда хонаи хосда китоблари ва қоғозларини кўздан кечириб, уларнинг энг кераклиларини олиб кетмоқчи бўлиб саралаётганда эшикдан Қутлуғ Нигор хоним, Эсон давлат бегим ва Қосимбек кириб келишди. Важоҳатларидан фавқулодда бир гап бўлган.

* * *

– Амирзодам, – деб Бобурнинг бувиси, сўнгги йилларда анча букчайиб қолган Эсон Давлат бегим гап бошлади: – Шайбонийхон сулҳ таклиф қилиб одам юбормиш! Сулҳ сўзи Бобурнинг қулоғига нажот оҳангидай эшитилди. Аммо нажотни ҳеч қачон Шайбонийхондан кутмаганлиги учун қулоқларига ишонмай, кўзларини бувиси билан онасига тикди. Қутлуғ Нигор хоним негадир қаттиқ изтиробга тушган. Эсон Давлат бегимнинг қўлида зарҳал ҳошияли қоғоз. Кампир алланарсадан хижолат чеккандай бўлиб:

– Хоннинг номаси, – деди-да, қўлидаги қоғозга истар-истамас қараб қўйди. Хоннинг номаси нега энг аввал бувисининг қўлига келиб тушганидан Бобурнинг таажжуби ошди:

– Номани ким келтирди?

– Нуфузли бир дарвеш. Нақшбандийлардан. Раҳматли Хўжа Яҳёга қўл берган мўйсафид экан.

Бобур онасига қаради:

– Сизга келтириб бердими?

– Йўқ, – деб Қутлуғ Нигор хоним маъюс бош чайқади.

Эсон Давлат бегим номани Бобурга узатар экан, уялинқираб қўшиб қўйди:

– Аслида бу нома Хонзода бегимнинг номларига келмишдир.

– Ажабо! – деб Бобур хатни жирканиброқ қўлига олди.

– Амирзодам, – деди бувиси, – сизга айтишга ҳам уялурмен... Шайбонийхон Хонзода бегимнинг таърифларини эшитиб ғойибона дард чекармиш. Номасида бир пора шеър ҳам бор.

Бобур Шайбонийхоннинг бу йил эллик ёшга кирганини, ўғилларини аллақачон уйлантириб, неварали бўлганини ҳам билар эди. Заҳарханда билан номани очар экан, энг аввал шеърий сатрларга кўзи тушди:

Сифатингни эшитиб зор ўлдим,
Ишқинг илкига гирифтор ўлдим.

Бобурнинг ғаши келиб, номани гилам устига отди:

– Бу хон бултур Султон Али мирзонинг онаси Зуҳра бегимга ғойибона ошиқ бўлиб нома юборганини нечун унутдиларингиз? Наҳотки, ишониб бўлса?!

Қутлуғ Нигор хоним уҳ тортди. Эсон Давлат бегим эса иложи борича совуққонлик билан гапира бошлади:

– Амирзодам, бошқа вақт бўлса душманингизнинг бу номасини ўқишга ҳам ҳазар қилур эдик. Лекин ҳозир жонимиз қил устида. Мен-ку, ёшимни яшаб, ошимни ошаганмен, беш кун олдинми-кейинми, барибир кетурмен. Лекин сиз фарзандимнинг ёлғиз ўғли, кўзимизнинг оқу қораси...

– Мен ҳам тақдиримда борини кўрурмен. Насиб қилса ёв ҳалқасини ёриб чиқурмиз! Бобурнинг қалтис қарорини Қутлуғ Нигор хоним Қосимбекдан эшитган экан шекилли, таҳлика тўла товуш билан гапирди:

– Тақдир деб ўзингизни ўтга ташламанг, амирзодам! Бизни ҳам ўйланг! Сиз ёв тиғига ўзингизни урсангиз, биз не қилурмиз? Умр йўлдошингиз Ойша бегим не қилур?

Бобур бундай хатарли жангга аёлларни олиб чиқиб бўлмаслигини энди ўйладию, онасининг сўзларига жавоб тополмай қолди. Бир лаҳзалик сукутдан сўнг Эсон Давлат бегим гилам устида ётган номага ишора қилиб, истеҳзоли кулимсиради:

– Бунинг келганига икки кун бўлди. Мени билурсиз, амирзодам. Кўп балоларни кўриб пишган тадбиркор кампирмен. Нома келтирган дарвешни гапга солдим. Шубҳаларимизни айтдим. Дарвеш қасам ичди. «Хон астойдил сулҳ тузмоқчи», деб бир талай далил келтирди. Барибир ишонмадим. «Бўлмаса вакил юборинг, хон ўз ниятини қўлида Қуръон билан тасдиқласин!» – деди. Биз буни сизга айтишдан олдин ўзимиз

тафтиш қилмоқчи бўлдик. Раҳматли Хўжа Яҳёга қўл берган ҳалолу покиза бир мўйсафид бор эди. Ўшани дарвеш билан бирга хон ўрдусига чиқардик. Бугун эрталаб қайтиб келди. Хон барча султонларнинг олдида қўлига Қуръон олиб айтибдир: «Шунча қон тўкилгани етар, энди Хонзода бегим рози бўлсинлар, иниларига, оналарига, бошқа одамларига тегмаймиз, қалъадан бехавотир чиқиб кетсунлар», дебди. Катта тўй-томоша билан уйланмоқчи эмиш. Самарқанд халқига ҳам афви умумий бермоқчи эмиш! Бир қанча мўйсафидлар буни эшитиб, биздан илтимос қилдилар. Начора?

Бобур чаккаларини икки қўли билан қисиб, бир лаҳза жим турдию, сўнг бирдан алами келиб гапирди.

– Гулдай Хонзода бегим неварали хоннинг ҳарамида... Йўқ-йўқ! Бу инсофсизлик!

– Амирзодам, – деб энди Қосимбек гапга аралашди. – Шу кетишда Шайбонийхон Самарқандни барибир олур. Ўшанда зўрлик билан бўлса ҳам ўз ниятига етур.

Бобур онасидан ҳимоя кутиб, Қутлуғ Нигор хонимга юзланди:

– Онажон, Хонзода бегим ҳам сизнинг суюкли фарзандингиз-ку. Шундай жигарбандимизни қайси виждон билан ўтга солурмиз?!

Ўзи зўрға турган Қутлуғ Нигор хоним ўғлининг бу гапидан куюниб йиғлай бошлади:

– Худо менинг бошимга бу кора кунларни солгунча жонимни олса бўлмасмиди?! Хонзода бегим – менинг тўнғичим! Ёлғизлигимни билдирмай юрган сирдошим, меҳрибоним! Мен ундан қандоқ айрилгаймен, е, Парвардигор? Мен шундай қизимни ёғий панжасига қандай топширурмен?!

Эсон Давлат бегим қизининг елкасидан силаб, унинг изтиробини босишга тиришар экан:

– Ўзингизни босинг, болам! – деди. – Сиздан кўра қизингиз ақллироқ. Хонзода бегим ҳамма нарсани тушунди. Мушкулотларга фаҳми етди. Йиғлаб-сиқтаб, ахири кўнди.

Бобур ҳанг-манг бўлиб Қосимбекка юзланди:

– Наҳотки шу гап рост? Хонзода бегим рози бўлдиларми?

– Ҳа, амирзодам!

– Ишонмаймен! – деди Бобур.

Сўнг кафтини кафтига асабий уриб савдарбошини чақирдию:

– Хонзода бегимни чорланг! – деб буюрди.

Кейин онаси, бувиси ва Қосимбекка қарата деди:

– Мени маъзур тутингиз, бегим билан яккама-якка сўзлашмоқчимен.

Учовлари индамай чиқиб кетишди. Анчадан кейин яшил қабо кийган Хонзода бегим эшикдан мотамсаро бир алфозда секин кириб келди.

Бобур уни қаршисига ўтқазиб, бир лаҳза юзига тикилиб турди. Илгариги гулгун ёноқлар энди сарғайиб ичига ботган. Лаблар сўлғин. Фақат йирик-йирик кўзларида қандайдир қатъият аломати бор.

– Бегим, сиз... Шайбонийхон таклифига ризолик берган эмишсиз. Шу ростми?

– Ризо бўлмай не иложим бор?

– Менинг мағлубиятим сизни иложсиз қолдиргани рост. Лекин инингиз ҳали тирик. Мен асир тушмоқчи эмасмен. Бир ўлим бўлса, ҳамма вақт бор. Ажал етмаган бўлса, сизларни олиб чиқиб кетурмиз. Куним битган бўлса, илкимда қилич билан жон берурмен. Ана ундан кейин ризолик берсангиз майли. Унда ҳеч ким: «Ўзи омон қолиб эгачисини қурбон қилди», деёлмас. Менга бундай маломатдан ўлим афзал. Ризо бўлманг!

Хонзода бегимнинг кўзига ёш қуйилиб келди. У Бобурни ёв ҳалқасини жанг билан ёриб чиқиб кетолмаслигини биларди. Бобур бир ўлимни астойдил бўйнига олиб шундай деганини сезарди. У Бобурни мана шу мардлиги ва довюраклиги учун ҳам жонидан ортиқ кўрар, ўзини ёв қўлига тутқазиб, укасини нақд ўлимдан олиб қолишни истарди. Лекин у ўзининг бу ниятини Бобурдан яширишга мажбур эди. Чунки Бобур, ҳозир ўзи айтгандай, опасини қурбон қилиб қутулиб кетиш маломатидан ўлимни афзал кўрарди. Агар у Хонзода бегимнинг асл ниятини билиб қолса, ҳар қандай йўл билан бўлса ҳам опасини ниятидан қайтаради. Ундан кейин нажот йўли бутунлай бекилади!

– Бобуржон, сиз мени деб бевақт ўлимни бўйнингизга олманг. Мен сизнинг улуғ истиқболингизга ишонурмен. Сиздек нодир истеъдодлар дунёга кам келишини бошқалар билмаса ҳам мен билурмен. Ўзингизни эҳтиёт қилинг! Тақдирингизни толеи паст эгачингизнинг тақдири билан тенглаштирманг!

– Нечун бундай дейсиз? Ҳаммамиз ҳам бу ўткинчи дунёга меҳмонмиз! Сиз билан мен бир онанинг фарзандларимиз!

– Лекин мен қиз туғилганмен, фарқимиз шунда! Ёшим йигирма бешга кирди-ю, ҳамон ёлғизмен. Мен кўнгил қўйган одамни тақдир менга раво кўрмади! Омадингиз келиб, Шайбонийхонни енгганингизда, балки менинг орзуларим ҳам рўёбга чиқур эди! Ўшанда балки менинг ҳам бахтим очилармиди? Йўқ ҳамма умидларим тарихнинг ғилдираги тагида янчилди! Қачонгача даргоҳингизда қари қиз бўлиб юргаймен, иззатимни билишим керак!

– Наҳотки, сиз неварали чолни ўзингизга муносиб кўрсангиз?

– Муносибимни топишдан умидим узилган! Энди кексами-ёшми, менга барибир!

– Бир вақтлар Ўшда сиз менга нелар деган эдингиз? «Кўнглингизга ишонинг», демаган эдингизми? Наҳотки, сизнинг кўнглингиз шу бераҳм хонга мойил бўлса? Булгур бу одам Зуҳра бегимга қанчалик ноинсофлик қилганини бир эсланг. Наҳотки, сиз шундай одам туфайли биздан ажралиб кетмоқчи бўлсангиз?!

Хонзода бегим ўкириб йиғлаб юборди:

– Не қилай?! Бошқа нажот йўқ! Йўқ!!!

– Бир онадан туғилганмиз, энди тақдиримизда неки бўлса бирга кўрурмиз! Биздан ажралманг! Тунда ёв ҳалқасига ҳамла қилурмиз! Тайёр туринг!

Хонзода бегим ҳам яна эркакча кийиниб, укаси билан жангга киришни бутун вужуди билан истарди. Ҳозир унга ҳам душман асоратидан кўра қўлида қурол билан ўлиш афзал туюларди. Хонзода бегим тўсатдан шу туйғуга берилиб:

– Қачон? – деб сўради.

Бобур овозини пасайтириб:

– Шу бугун кечаси! – деди.

Хонзода бегим бугун кечаси суюкли укасининг ёв қуршовида ҳалок бўлиши муқаррарлигини гўё олдиндан сездию, сесканиб ўрнидан турди:

– Бугун эмас! Йўқ-йўқ!

Бобур ҳам ўрнидан турди:

– Бегим, менинг иниларча айтган сўзим инобатга ўтмаса, буни подшоҳлик фармони деб билинг!

Хонзода бегим индамай Бобурга яқинлашди. Юзини укасининг кўкрагига босиб, елкалари силкина-силкина ўртаниб йиғлади. Шу тарзда у Бобур билан сўзсиз видолашдию,

кейин гўё унинг фармонига бўйсунгандай бош эгиб, чиқиб кетди.

* * *

Ярим тунда Бобур, Қосимбек, Қутлуғ Нигор хоним, Ойша бегим, Тоҳир хотини Робия билан бирга, яна ўттиз-қирқта бек ва навкарлар Шайхзода дарвозасига йиғилдилар. Бироқ уларнинг орасида Хонзода бегим йўқ. Бобур Хонзода бегимни бирга олиб чиқишни онасига топширган эди.

Қутлуғ Нигор хоним йиғлайвериб овозини олдириб қўйган. Унинг ҳазин товуш билан берган узуқ-юлуқ изоҳидан Бобур шуни билдики, Хонзода бегим бувиси билан бирга Чорраҳа дарвозасига қараб кетган.

– Шайбонийхоннинг қароргоҳи ўша томонда. Наҳотки Хонзода бегим ўша ниятидан қайтмаган?

Бобур орқароқда турган навкарларига ўгирилдию, кўзи Тоҳирга тушди:

– Тез Чорраҳа дарвозасига боринг! Хонзода бегимни топиб, менинг буйруғимни етказинг! Дарҳол бу ёққа етиб келсинлар! Бегим келмагунларича биз қўзғолмаймиз! Шуни бориб айтинг!

– Амирзодам!.. – деб Қосимбек Бобурга эътироз қилмоқчи бўлган эди.

Бобур унга қулоқ солмай яна Тоҳирга буюрди:

– Тезроқ боринг!

Шиддат билан чопаётган отнинг тақалари тошларга қарсиллаб урилиб, кўчаларнинг тунги сукутини бузиб ўтди. Тоҳир Чорраҳа дарвозасига етиб борганда Хонзода бегим тушган маҳофа машъал кўтарган отлиқлар қуршовида қўрғондан чиқиб кетмоқда эди. Кўпдан бери давом этаётган қамал ёв қўшинини ҳам толиқтирган, ҳамма уруш тугашини сабрсизлик билан кутар, агар Бобурнинг опаси хоннинг шартини қабул қилса, сулҳ тузилишини кўп одам билар эди. Энди шаҳардан машъалалар ёқиб, дарвозани очиб чиққан шоҳона маҳофа ва унинг ичида ўтирган Хонзода бегим хон қўшинига тинчлик аломати бўлиб кўриндию, ҳаммани уйғотиб юборди. Сулҳ келтираётган малика шарафига нақоралар ва карнай-сурнайлар чалинди.

Маҳофа атрофига мўри-малахдай қўшин тўпланиб бораётганини Тоҳир очиқ дарвоза орқали кўрдию, отини тез

орқага бурди. Шайхзода дарвозаси олдига учиб бориб, ҳамма кўрганларини Бобурга айтиб берди.

Шодликка тўлиб янграётган нақора садолари, карнайнинг «ваҳ-ваҳа-ҳу-у»си, сурнай навоси бу ерларга ҳам эшитилмоқда эди. Бобурнинг назарида, Хонзода бегим қари қиз бўлишдан қўрқиб ва укаси даргоҳида тортган кулфатларидан безиб, Шайбонийхон ҳузурига роҳат-фароғат излаб кетган эди.

– Дунёда садоқат йўқ экан! – деди у алам билан ва отининг жиловини силтади: – Дарвозани очинг!

Дарвоза секин очилди. Чоҳ кўприги туширилди. Олти ойдан бери қўрғондан чиқмаган бир даста отлиғу пиёда одамлар қоронғи тунда юракларини ҳовучлаб, чоҳ кўпригидан ўтдилар. Атроф таҳликага тўла. Гўё ҳар дарахт ортида бир ўлим кутиб турибди. Йўлларда ёв жангдовуллари учраб қолишидан хавотирланиб, йўлсиз жойлардан юрдилар, чуқур ариқлардан ўтдилар. Лекин бирор жойда ёвга дуч келмадилар.

Самарқанд қўрғонига ўралиб, унинг олти дарвозасини олти бошли аждарҳодай қўриқлаб ётган ёв қўшинининг бутун диққат-эътибори хон қароргоҳидан келаётган карнай-сурнай товушига ва қалъадан гўё сулҳ тимсоли бўлиб чиққан маликага жалб бўлган эди. Хонзода бегим хоннинг шартини қабул қилгандан сўнг Бобурни таъқиб этмаслик ҳақида бутун қўшинга фармон берилган эди.

Хонзода бегим ҳамма балоларга ўзини тутиб бериб укасини ёв қуршовидан халос қилганини Бобур билмаса ҳам Қутлуғ Нигор хоним яхши билар эди. Узоқдаги нақора ва карнай-сурнайлар тўй шодиёнасини эслатувчи қувноқ куйлар чалган сари Қутлуғ Нигор хонимнинг юраги қон бўлиб, кўзларидан дув-дув ёш тўкиларди.

ТОШКЕНТ. ЎРАТЕПА. СЎХ

КЎЧКИ БОСГАН БУЛОҚ

1

Тошкент... Ўн беш-йигирма йилдан бери урушнинг совуқ нафаси тегмаган бу шаҳар Самарқандга нисбатан осуда ҳаёт кечирмоқда эди. Тошкент қўрғонининг ҳар ўн икки

дарвозасидан одамлар бемалол кириб-чиқиб турибди. Бўзсув ва Солор ариғининг бўйларидаги мевали дарахтлар куз ёмғирида ювинган. Ўрик, олча барглари ўз бутоқлари билан видолашиш олдидан шафақдай қизил тус олган. Узоқдан кўриниб турган Чотқол тоғларига қор тушган.

Қамал даҳшатларини бошдан кечириб келаётган Бобурга Тошкентнинг тўкин-сочин кузи, бағрикенглиги, тоғдан эсган сарин шабадаси масъуд ўсмирлик даврини эслатди. У ўн олти яшарлигида келганида Хадрадан пастдаги Ҳазрати Ўккоша булоғидан сув ичган. Ўқчи маҳалласида Тошкентнинг жаҳонга машҳур ўқ-ёйларини ясаган усталарга олтин безакли «камони шоший»га буюртма берган, Шайҳантоҳурга кўмилган бобоси Юнусхоннинг қабрини зиёрат қилган эди.

Ҳозир у элликтача бек ва навкари билан (қолганлари уни Ўратепада кутиб турадиган бўлишди) Бешоғоч дарвозасидан кириб, Қоратош маҳалласи орқали хон саройи томон борар экан, ёнидаги Қосимбек бирдан безовта бўлди:

– Нечун доруға пешвоз чиқмади?

Бобур Тошкент хонининг жияни эди, ўтган гал келганларида шаҳар доруғаси уларни қўрғондан ташқарида иззат-икром билан кутиб олиб, саройга бошлаб борган эди.

– Бу гал биз хонумондин айрилиб, мағлуб бўлиб келмоқдамиз, жаноб Қосимбек! – деди Бобур маъюс кулимсираб. – Шунинг учун ортиқча эҳтиром кутманг.

Чиндан ҳам Маҳмудхон саройида Бобурни жуда совуқ қарши олишди. Унинг навкарларини ҳатто аркка киргизишмади. Бобур Қосимбекнинг иззат-нафсга бориб асабийлашаётганини кўрди-ю:

– Сиз билан биз Самарқандда нақд ўлимни зиммамизга олган эдик, ҳатто ўлимдан нажот излаган эдик! – деди. – Ўшал даҳшатларнинг олдида бу майда беҳурматликлар ҳеч гап эмас. Кеча Ўратепада бир байт битдим, айтайми?

– Бажонидил!

– Эшитинг:

Давлат учун кўнгулни зор этма,
Иззат учун ўзингни хор этма!

– Ҳақ гапни битибсиз, амирзодам. Бу бевафо дунё ғам емакка арзимайдир!

Шу билан икковлари бир-бирларига сал тасалли берган бўлдилару, Бобур хоннинг қабулхонасига қараб кетди.

Қўлига олтин дастали ҳасса ушлаган, зарбоф тўн кийган шиғовул Маҳмудхоннинг Шайбонийхон элчиси билан банд эканини айтганда, Бобурнинг қалбида бирдан нохуш туйғулар қўзғалди. У қамалдан чиққандан сўнг икки ойча Ўратепада холасиникида турган, Шайбонийхон Маҳмудхонга элчи юбориб, Мовароуннаҳрни бўлиб олиш ҳақида битим тузишга интилаётганини ўша ерда эшитган эди. Мишмишларга қарағанда, Шайбонийхон Фарғона водийсини Тошкент хонига бериб, Ўратепани ўзи ишғол қилмоқчи эмиш. Агар шу гап рост чиқса, Бобурнинг бу атрофда жон сақлайдиган жойи қолмайди, Мовароуннаҳрдан бош олиб чиқиб кетиш керак бўлади.

Унинг бугун Тошкентга келишидан мақсади – тоғасини Шайбонийхоннинг макру ҳийлаларидан огоҳ қилиш ва уни босқинчиларга қарши мудофаага чорлаш... Бобур қабулхонада анча вақт мунтазир тургандан кейин шиғовул чиқиб, уни хоннинг ҳузурига бошлаб кирди. Тўрда қиммат-баҳо тошлар билан безатилган шатранж доналари кўринди. Шайбонийхоннинг элчиси йўғон гавдали, баҳайбат Жонибек Султон хонга таъзим қилиб турибди. Сарғиш юзли, хушбичим Маҳмудхон тилларанг мўйловини диккайтириб мамнун кулимсираётганига қараганда, ҳозир Жонибек Султонни шатранжда ютган эди. Тўрт йилдан бери жиянини кўрмаган тоғаси шунча узоқдан бошига кулфат тушиб келган Бобурни куттириб қўйиб, ўзи Шайбонийхоннинг элчиси билан шатранж ўйнаб ўтирганида қандайдир яширин маъно бор эди. Маҳмудхон мағлуб бўлган жиянидан кўра ғолиб Шайбонийхонни ортиқроқ ҳурмат қилишини элчига сездириб қўймоқда эди.

Буни пайқаган Бобур Жонибек Султонга атайлаб салом бермади, унга худди деворга қарагандай бепарво бир назар ташлади-да, тоғасига юзланди:

– Хон ҳазратлари, мен сизни ёғийларингизнинг макру ҳийлаларидан огоҳ қилгали келдим! У Жонибек Султоннинг чиқиб кетишини кутиб бир лаҳза сукут қилди. Орага тушган ноқулайликни тарқатиш учун Маҳмудхон элчига махсус эҳтиром билдириб, уни эшик олдигача кузатиб қўйди. Сўнг Бобурни зарбоф кўрпача устига таклиф қилиб, ўнг ёнига ўтқазди:

– Хуш келибсиз, Мирзам! Кўп оташин бўлманг. Бу кунлар ҳам ўтар. Сиз ҳали ёшсиз, ўн гулингиздан бири ҳам очилган эмасдур.

– Менинг кўп гулларим очилмай хазон бўлди, ҳазратим. Менинг бир қанотим Аҳмад Танбалнинг оловида куйди-ю, иккинчи қанотимни Шайбонийхон куйдирди. Илоҳим, энди сиз шу машъум оловларнинг орасида қолманг!

Маҳмудхон бу гапни сал бошқача тушунди:

– Тўғри, Танбал бизга ҳам хиёнат қилди. Шунинг учун биз Танбал элчисини эмас, Шайбонийхон элчисини қабул қилдик.

– Аммо сиз учун Танбалдан кўра Шайбонийхон юз чандон хатарлироқ, ҳазратим! Чунки Танбалга Фарғона водийси етиб ортадир. Аммо Шайбонийхон бутун Мовароуннаҳрни эгалламоқчи. Хуросон билан Эронни ҳам олмоқчи. Эътибор берган бўлсангиз, унинг унвони: «Халифаи раҳмон, Искандари соний!» Шайбонийхон Искандар Зулқарнайндек барча мамлакатларни фатҳ этмоқчи, яна бу билан қаноатланмай, бутун мусулмон оламининг диний раҳбари – халифаи замон бўлмоқчи! Шайбонийхоннинг нияти унинг унвонидан ҳам кўриниб туришига Маҳмудхон илгари унча эътибор бермаган эди. Ҳозир Бобурнинг сўзлари таъсирида бир лаҳза ўйланиб олди, сўнг бояги хон элчисининг сўзларини эслади:

– Назаримда, Шайбонийхон бизга қарши юриш қилмоқчи эмас. Элчисининг айтишича, улар Ҳисорни, сўнг Хуросон билан Эронни эгаллашмоқчи.

– Хон ҳазратлари, бу ҳаммаси сизни ғафлатда қолдириш учун келтирилган ёлғон далиллардир! Тарихни бир эсланг: қайси фотиҳ аввал Тошкент билан Фарғонани олмай туриб, Хуросону Эронга юриш қилган? Чингизхонми? Йўқ! Амир Темурми? Йўқ! Ахир бутун Мовароуннаҳрни, Самарқанду, Тошкенту, Фарғонани эгалламасдан, уларнинг кучига таянмасдан туриб, Хуросону Эронга юриш қилиш аҳмоқлик бўлур-ку! Буни Шайбонийхон билмагай дейсизми?

Шайбонийхоннинг Тошкентга ҳужум қилиш эҳтимоли Маҳмудхонни анчадан бери таҳликага солиб келарди. Шунинг учун у Иссиққўлдан нарида ҳукмронлик қилиб юрган укаси Олачахонни ўн беш минг қўшини билан ёрдамга чақирган. Бу қўшин ҳозир йўлда, бирор ой ичида Тошкентга етиб келади. Шайбонийхоннинг одамлари бундан аллақачон хабар топган бўлишлари керакки, Тошкентга элчи юбориб,

муроса йўлини излаб қолишди. Маҳмудхон Шайбонийхоннинг саркардалик қобилиятини яхши билади ва у билан урушишни истамайди. Жияни Бобур эса уруш бўлишини жуда нақд қилиб қўяяпти. Нега? Маҳмудхон жиянининг ниятини аниқроқ билмоқчи бўлди:

– Хўш, Мирзам, Шайбонийхоннинг урушиши аниқ бўлса, биз не қилмоғимиз керак?

– Шайбонийхонга қарши турган барча кучлар тўпланиб иттифоқ тузмоғимиз лозим! Маҳмудхон қўнғир кўзларини Бобурга синовчан назар билан тикди.

– Сиз билан иттифоқ тузайликми, Мирзам?

– Фақат биз эмас, кичик хон додам Олачахон ҳазратлари борлар-ку.

– Ҳа, Олачахоннинг қўшини билан менинг қўшиним бирлашса ўттиз минг бўлур. Кейин биз сизнинг қўшинингиз билан бирлашурмиз – шунда қанча бўлғай?

Бобурнинг икки юз-у элликтагина одами қолган эди. Буни яхши биладиган Маҳмудхон Бобурни кулги қилмоқчи бўлиб, шу саволни бермоқда эди. Чиндан ҳам ўттиз минг қўшини бор хонлар бир даста аскари қолган, хонумонидан айрилган Бобур билан иттифоқ тузиб ўтирармиди? Бобур Маҳмудхонни ўзига яқин олиб, шу гапни айтганидан изза бўлди.

– Ҳазратим, ўгай тақдир ҳозир мени шу кўйга солди. Аммо биз мағлубият заҳрини ичишдан олдин ғалаба шаробини ҳам татиб кўрган эдик. Шунинг учун сизга кўнглимни очиб гапиришга журъат этдим!

– Очиқ гапирганингиз маъқул, албатта. Қалай, илож бўлса Шайбонийхон билан яна олишмоқчимисиз?

Маҳмудхоннинг саволида: «Йиқилган курашга тўймайди, чамаси-да!» деган киноялы маъно бор эди.

– Олишишга менинг ҳақим бор, – деди Бобур. – Чунки бирда йиқилган бўлсам, бирда йиқитганмен! Аммо сиз Шайбонийхонга кўп ёрдамлар бергансиз!..

– Бу – рост, рост! – деди Маҳмудхон. Шу топда унинг кўнглидан: «Агар оға-ини икковимизнинг ўттиз минг қўшинимизга Бобурни саркарда қилиб қўйсак, жиянимиз Шайбонийхон билан урушиб, анча тажриба орттирган, ўзи ҳам довюрак йигит, енгиб чиқиши мумкин», деган фикр кечди.

Маҳмудхоннинг ўзида саркардалик истеъдоди йўқ эди. Агар Бобур унинг қўшинига бош бўлиб Шайбонийхонни

енгса, кейин одамлар Маҳмудхонни эмас, Бобурни ва унинг истеъдодини улуғлайди. Ундан сўнг, Бобур Тошкентни ҳам тоғасидан тортиб олишга ҳақли бўлади. Чунки азалдан маълум: қўшин кимнинг қўлида бўлса, ҳокимият ўшаники. Маҳмудхон шуни ўйлади-ю, ўз қўшинига Бобурни саркарда қилиш фикридан дарҳол қайтди. Гапни бошқа ёққа буриб:

– Шўрлик Хонзода бегим... не кўйларга тушди, а? – деди. – Шайбонийхон маккор тулки-да. Хонзода бегим она томондан бизга авлод, ота томондан темурийларга мансуб. Бегимни олса обрўси ошишини билган. Самарқандда дабдабали тўй бериб уйланганмиш.

Маҳмудхоннинг гап авзоидан, Бобур гўё опасини қурбон қилиб, ўзи қутулиб чиққан эди. Бобур воқеанинг бошқача бўлганини айта бошлаганда, Маҳмудхон ишонгиси келмай бош чайқади:

– Жуда уят бўлди-да, Мирзам, ҳаммамиз маломатга қолдик!

– Даврон менинг бошимга тож кийдирган эди, – деди Бобур яна оташин бўлиб. – Энди шу тож ўрнида таъна тоши! Ҳаммасидан тўйдим, хон ҳазратлари! Энди борсакелмас бўлиб бош олиб кетишдан бошқа иложим қолмади!

– Ундоқ деманг, Мирзам! Минбаъд сиз бизнинг азиз меҳмонимизсиз. Эгачим Қутлуғ Нигор хоним сизга мунтазир эдилар. Заифангиз Ойша бегим ҳам шу ердалар. Бориб улар билан кўришинг, дам олинг. Эртага Шайбонийхон элчиси шарафига қабул маросими ўтказмоқчимиз. Сиз ҳам иштирок этинг!

Бобур хон ҳузуридан чиқар экан, ҳамма гапи бекор кетганини, Маҳмудхон Шайбонийхондан таҳликага тушиб қолганини ва у билан дадил олишишга журъат этолмай, хушомад йўлига ўтганини энди аниқ сезди. Арк ҳовлисидан ўтиб бораётганда Тошкентдаги осудалик ҳозир унга довул олдидан бўладиган хатарли сукунатдек туюлди. Яқинлашиб келаётган довулдан онаси ва хотинини олиб чиқиб кетиш нияти билан аркнинг тўридаги аёллар турадиган ички ҳовлиларга қараб кетди.

* * *

Ойша бегим Тошкентга бундан икки ой аввал келганди. Самарқандда илк фарзандининг ўлими устига қамал азоблари қўшилиб, ёш жувон касалманд бўлиб қолган эди.

Маҳмудхоннинг суюкли хотини Розия Султон синглисига ўзи турган қасрдан жой бериб, уни энг яхши табибларга қаратган ва яхши парвариш қилиб, оёққа турғизган эди. Бобур шунинг ҳурматини қилиб, аввал Розия Султон бегим ҳузурига кирди. Ойша бегимга қилган парваришлари учун қайнэгачисига миннатдорчилик билдирдию, энди хотинини Ўратепага олиб кетмоқчи эканини айтди. Лақаби «Қоракўз бегим» бўлган ўттиз ёшлардаги бу чиройли жувон шаҳло кўзларидан учқунлар сочиб:

– Амирзодам, Ойша бегим саргардонликдан тўйган, энди уни чекка жойга юбормагаймиз! – деди.

– Тақдиримизда бори шу бўлса, начора, ҳазрат бегим?

– Мени маъзур тутинг, амирзодам, аммо ҳар кимнинг тақдири ўз пешонасига битилур.

– Бироқ... кемага тушганнинг жони бир бўлмасми?

– «Жонимиз бир» деб бечора синглимга шунча азоб берганларингиз етар. Озиб чўп бўлиб келди. Энди соғайганда яна сарсонлик, яна ломаконлик!

Бобур бугун майда-чуйда беҳурматликларга бардош беришни зиммасига олиб келган бўлса ҳам, лекин хоннинг бояги киноялари устига қайнэгачисининг бу беандиша гаплари қўшилиб, жон-жонидан ўтиб кетди.

– Ҳазрат бегим, мақсадингизни очиқ айтинг – энди синглингизни мендан ажратиб олмоқчимисиз?!

– Мен ундоқ деганим йўқ! Сиз ҳам саргардонликни бас қилинг, амирзодам. Энди Тошкентда муқим туринг!

Бобур: «Сизга сиғинди бўлибми?» дегиси келдию, лекин яна ўзини босиб:

– Таклифингиз учун ташаккур! – деди ва хайрлашиб чиқиб кетди. Ўша куни оқшом у Ойша бегим билан ёлғиз қолганда Розия Султон бегимнинг гапларидан норози бўлганини айтди:

– Тўн илиғини эгаси билур, дейдилар. Розия Султон бегим бизни ўзимизчалик билмасалар керак. Кўп аралашмасалар яхши бўлур эди.

– Аммо мен эгачимга ҳамма гапни айтиб берганмен, Мирзам.

– Эр-хотиннинг ҳеч кимга айтмайдиган сирлари бўлмагайми?

– Ойша бегимнинг илгариги уятчанликлари энди қаёққадир йўқолганди. У ҳам опасига ўхшаб, Бобурга тик гапирди:

– Менинг эгачимдан яширадиган сирим йўқ, Мирзам!

Бир вақтлар Бобурни улуғлаб, «ҳазратим» дейдиган Ойша бегим энди хонга ўхшаб, баландроқдан келиб, «мирзам» дейиши ҳам ғалати эди. Бобур киноя билан сўради:

– Демак, энди сизга мен керак эмасмен, фақат эгачингиз керак?

– Нечун ундай дейсиз? Мен ҳали ҳам сизнинг никоҳингиздамен!

– Ундай бўлса, мен сизни бу ердан олиб кетурмен. Сафар тайёргарлигини кўринг!

Йўл азобига чидами йўқ Ойша бегим озорланиб сўради:

– Яна Ўратепагами? Мен ўша йўлларни эсласам, кўнглим беҳузур бўладир. Ҳазратим, менинг жонимни йўл олди! Самарқандга бежон бўлиб бормасам эдим, жигарпорам ўлмас эди. Мана ҳозир бир ёшга кириб тетапоя бўлиб юриб кетур эди!

Ойша бегим гўдак ўлган қизалоғини эслаб, кўзлари жиққа ёшга тўлди. Ўшандаги ўлимнинг совуқ нафаси Бобурнинг ҳам юзига тегиб ўтгандай эти увишди.

– Ажалга даво йўқ экан, бегим. Лекин ундан берида бир бошга неча қайта офтоб тегиб, неча марта кулфат тушар экан. Ёш бўлсак ҳам буни кўп кўрдик. Ўлмасак, ҳали яна ёруғ кунларга етишурмиз, фарзандли ҳам бўлурмиз. Шу мушкул дамларда бир-биримизни тарк этмайлик. Мен билан бирга юринг.

– Бирга юрган пайтларимда сиз менга қарадингизми, Мирзам? Ҳамиша салтанат ташвишию уруш-юришлар... Мен сизни деб шунча саргардон бўлдим. Сиз мени ойлар давомида кўрмасангиз ҳам соғинмас эдингиз... Балки мен сизга муносиб эмасдурмен?.. Суймаган хотинингизнинг сизга не кераги бор?!

Бобур хотинига кўнгилсизроқ бўлиб юрган пайтларини эслади. Ҳозир ҳам Ойша бегимни бирга олиб кетишга уринаётгани – уни ортиқ даражада суйганидан ёки усиз яшай олмаслигидан эмас, балки Ойша бегимни яқинлашиб келаётган хафв-хатар гирдобига ташлаб кетишни ўз шаънига муносиб кўрмаганидан эди.

– Хонзода бегимни ёғийга олдирганимиз озми? – деди Бобур. – Шунинг маломати ҳам менга етиб ортадир, бегим! Энди сизни бундай балолардан узоққа олиб кетмоқчимен!

– Ҳозир мен учун Тошкентдан тинч жой йўқ!

– Бу ҳаммаси – муваққат тинчлик, инонинг! Кўп ўтмай Шайбонийхон бу ерга ҳам бостириб келур!

– Мен эгачимнинг қаноти остида ҳеч нарсадан қўрқмаймен! Даргоҳингиздан адои тамом бўлиб келиб, эгачимнинг ёнида яна тирилдим!

– Менинг даргоҳимда қийналганингиз рост. Лекин... яхши кунларимиз ҳам бўлган эди-ку!.. Инсоф билан бир эсланг ахир!..

Ойша бегимнинг барча аламлари янгиланиб, хотираси лойқаланиб турган шу дақиқаларда бирорта яхши кун эсига тушмади.

– Даргоҳингизда қачон яхши кун кўрибмен, Мирзам! Мудом сафар! Мудом таҳлика! Мудом сарсонлик! Мудом бемеҳрлик!

Бобур Ойша бегимдан бунчалик адолатсиз гап кутмаган эди. Ахир у Самарқандни биринчи марта олганида Ойша бегим «нажоткоримизга» деб совға юбормаганмиди? Кейинги ғалабасида «фахрланамен» деб шивирлаган ким эди? Бобур буларни эслаб ўтиришни ўзига еп кўрмади-ю, хотинига ҳайрат билан тикилиб:

– Наҳотки ҳаммасини унутгансиз? – деди.

– Йўқ, кўрган азоб-уқубатимни умрбод унутмасмен!

– Фақат азоб-уқубат?!

– Бу озми? Оз бўлса, хўрланиб йиғлаганларимни ҳам унутмасмен! Энди қолган умримни эгачимнинг дуои жонини қилиб ўтказурмен. Саргардонлик бас! Хўрлик бас! Мен ҳам шоҳ қизимен!

Бобур олтин камарига осилган чарм ҳамёнини титроқ қўллари билан очиб, ниманидир қидирди, аммо тополмади. Сўнг индамай ташқари чиқдию, мулозимлари турадиган хонага ўтди.

Дасторпеч эртага бўладиган қабул маросими учун Бобурнинг шоҳона кийимларини сандиқдан олиб, дазмолламоқда эди. Олтинлар, қимматбаҳо гавҳарлар билан безатилган ипак кийимлар Бобур ҳозиргина хотини ва қайнэгачисидан эшитган беандиша гаплар аламини янада ошириб кўрсатгандай бўлди. Шунинг устига Қосимбек Бобурга рўпара бўлиб шикоят қилди:

– Хон шиғовули эртанги қабул маросимида Жонибек Султонни сиздан баландроққа ўтқазмоқчи эмиш! Бу не сурбетлик! Ахир сиз шоҳсиз! Наҳотки даштий бир бекни сиздан ортиқроқ эъзозласалар?!

Қосимбек ҳали ҳам ўзини Бобурнинг эшикоғасидек тутар ва унинг обрў-иззатини ҳимоя қилишни ўзининг бурчи деб биларди. Хон бугун Бобурни қабулхонасида мунтазир қилиб қўйиб,

Шайбонийхоннинг элчиси билан шатранж ўйнаб ўтирганда ҳам даштий султонни жиянидан баланд қўйган эмасмиди? Бир кунда шунча камситиш!.. Эртага бундай майда-чуйда камситишлар янада кўпайиши аниқ. Бунинг ҳаммасига чидаб, сиғинди бўлиб юришга бардоши етмаслигини энди аниқ сезган Бобур:

– Йўқ! – деди. – Ҳаммасидан кечдим! Жаноб Қосимбек, мен энди шоҳ эмасмен! Керак эмас менга хон қабули! Бас! Улоқтиринг ҳаммасини!

Бобур дасторпечнинг қўлидаги олтин безакли тўнни юлқиб олиб, ерга отди. Нарироқда гавҳар ва ёқутлар билан безатилган шоҳона салла турган эди. Бобур саллага қадалган иккита гавҳар донасини – бир вақтлар Ойша бегим берган совғани ситиб, юлиб олди, сўнг саллани эшикка қараб отди. Салла чувалиб кетиб, бир учи остона устига узала тушди. Қосимбек саросима билан Бобурнинг елкасига қўлини қўйди:

– Амирзодам, сизга не бўлди? Амирзодам!

Рангида қон қолмаган Бобур ҳансираб хитоб қилди:

– Минбаъд мен бир дарвеш бўлиб кун кўрмоқчимен! Жаноб Қосимбек, онамга айтинг! Мен ҳозир Ўратепага кетурмен! Юз чумчуққа бир кесак! Тожу тахт даъвосидан воз кечдим! Ким шунга кўнса, мен билан юрсин! Қолганларга жавоб!

Бобур салладан юлиб олган иккита гавҳарни сиқимлаганича арк ҳовлисига чиқди. «Суймаган хотинингиз сизга не керак?» деган сўзлар қулоғига қайтадан эшитилиб кетди. Чиндан ҳам юлдузи тўғри келмаган бегимни энди ўз ихтиёрига қўйган маъқул эмасми? Аммо бу бегим энди тил чиқариб, шунча аччиқ гапларни айтиши, эридан биронта ҳам яхшилик кўрмадим, дейиши, Бобурнинг қалб яраларига сепилган туздек вужудини ачиштирмоқда эди. У ўз хонасига кириб қоғоз ва дафтарлари сақланадиган сандиқ тагидан Ойша бегим бир вақтлар ипак билан тиккан халтачани қидириб топди. Йиллар давомида халтачанинг оқ матоси сарғайиб, хиралашган, аммо қизил ипак билан тикилган «Нажоткоримизга» деган каштасимон ёзув аслидай турган эди. Бобур гавҳарларни халтачага солиб, Ойша бегимнинг олдига борди.

– Бегим, сиз мени нажоткор билиб, бу гавҳарларни «Тахтга чиққанда тожга қадаб чиқсинлар» деб юборган эдингиз. Ҳозир менинг тожу тахтим йўқ... Шоҳлик даъвосидан ҳам бутунлай воз кечдим. Дарвеш бўлиб тоғларга чиқиб кет-

моқчимен. Сиз эса шоҳ қизисиз... Олинг гавҳарларингизни!.. Балки яна бошқа бирон... нажоткорингизга совға қилурсиз!

Ойша бегим халтачани олар экан, аччиқ билан бидиллаб деди:

– Мени яна ташлаб кетадиган бўлсангиз, жавобимни бериб кетинг!

– Шундоқми? Ажрашмоқчимисиз?

– Ҳа. Ажрашамен!

– Бўлмаса... бугундан бошлаб менга хотин эмассиз! Бошингиз очиқ! Шариат бўйича учталоқсиз!

2

Ўратепанинг жанубидаги Туркистон тизма тоғи этакларига баҳор анча кечикиб келади. Ҳамал ойининг охирларида далаларга энди қўш чиқади. Қорли Пирях чўққисининг тагида тўрт томони баланд тепаликлар билан ўралган шамолпана Даҳкат қишлоғида ўриклар савр ойига бориб гуллайди.

Қишлоқнинг кунботиш томонида баланд тепаликка кўтариладиган тик йўл – бароз бор. Бароз шунчалик баландки, унинг юқорисидан Даҳкатга қаралса, қишлоқ теран бир чуқурликнинг тубига жойлашгандай кўринади.

Бароздан юқоридаги текис далада Тоҳир ялангоёқ бўлиб, ҳўкиз билан ер ҳайдамоқда. Самарқандда Тоҳирга қўшилиб навкар бўлиб келган бир қулоғи кесик Мамат эса ҳали ҳайдалмаган зоғ ерга қулочкашлаб уруғ сочяпти. У ҳам ялангоёқ бўлиб иштон почасини шимариб олган. Улардан нарида уч-тўртта даҳкатлик тожик деҳқон ҳам ер ҳайдаб, экин екаётир. Ер юмшоқ, ҳаво ёқимли, ишнинг унуми яхши. Шунинг учун ҳаммаларининг руҳлари кўтаринки. Шунча вақт жангу жадалда юриб, деҳқончилик касбини соғинган Тоҳир энди яйраб ер ҳайдайди ва бирда-ярим ашула хиргойи қилиб қўяди.

Бароздан пиёда кўтарилиб келган Бобур тоғда қўй боқиб юрган, далада қўш ҳайдаётган ёш-яланғларга қарар экан, бир нарсадан таажжубланди. Тоғу тошга поябзал чидамагани учун камбағалларнинг кўписи ялангоёқ юрарди. Уст-бошлари ҳам юпун, лекин руҳлари тетик, қоринлари тўйиб овқат ейишса, кайфлари чоғ.

Бобур ўзини шу ёшларга қиёс қилади: унинг ҳам тўрт мучаси соғ, ўзи кучга тўлган йигирма ёшли йигит, қишлоқ йи-

гитларидан камлиги йўқ. Лекин нега у бунчалик ғамгин? Мана бу улуғвор тоғлар бағрида нега у гўзал табиатнинг тирик бир бўлагидай яйрай олмайди? Ҳамма гап ялангоёқ юришда бўлганидай, Бобур ағдарма этигини ечиб марзага қўйдию, ҳайдалган ер устида сарпойчан юриб кўрди. Тупроқ бахмалдай майин, ундан баҳор ва ёшликнинг ҳиди келади. Одамнинг тупроқдан яратилгани ҳақидаги ривоят эсга тушади.

Навкарлар ва деҳқонлар Бобурнинг ялангоёқ юрганини аввал ҳазилга йўйиб кулишди. Кейин Бобур этигини марзада қолдириб, Даҳкатнинг барозидан яланг оёқ тушиб кетаётганини кўришдию, ҳайрон бўлишди. Барознинг майда тошлари Бобурнинг товонларига ботар, тикжойлардан тушаётганда чақир тошлар оёғига тикан бўлиб кириб кетаётгандай оғриқ қўзғар эди. Лекин Бобур тишини-тишига қўйиб оғриққа чидаб борар эди. Барознинг ярмигача тушганда кетидан ағдарма этикни қўлига олиб, сакраб-сакраб Тоҳир етиб келди:

– Амирзодам, этикни кийинг! Тўхтанг. Бу тошлар оёғингизни яра қилмасин!

Бобур тўхтаб, Тоҳирнинг товонлари қорайган катта-катта оёқларига қаради:

– Сизнинг оёғингиз жароҳатсиз-ку?

– Э, амирзодам, биз ўрганиб кетганмиз.

– Мен ҳам ўрганмоқ истаймен.

– Нечун?

– Сизларга ҳавасим келур, – деди Бобур йўлида давом этиб. Тоҳир ундан сал кейинроқда борар экан, кулди:

– Амирзодам, подшоҳнинг навкарга ҳаваси келиши мумкин эмас. Бобур Тоҳирдан хиёл ранжиб:

– Сиз ҳам менга ишонмадингизми? – деди. – Тошкентда подшоҳлик даъвосидан воз кечганимни айтган эдим-ку!

Бу ҳодисага Қосимбек ҳам, бошқа кўпчилик бек ва навкарлар ҳам «Аччиқ устида шунчаки айтилган гап», деб қарашган ва ўша икки юз эллик кишининг ҳаммаси Қутлуғ Нигор хоним билан бирга Бобурнинг кетидан Даҳкатга келишган эди. Тоҳир оғир тин олди-ю:

– Амирзодам, мен сизга ўзимдан ҳам ортиқ ишонурмен, – деди. – Аммо сизнинг шоҳлик ташвишидан қутулишингиз мумкин эмас.

– Нечун? Ахир шаҳзодаларнинг тож- тахтсиз ўтганлари йўқми?

– Бор. Аммо сиз ундайлардан эмассиз.

– Аммо мен тожу тахтнинг бевафолигини билганлардан-мен. Шоҳ Жамшиддек, Искандар Зулқарнайндек тождорлар ҳам орттирган давлату молу дунёларини ташлаб, қабрга битта кафан билан кетган эмасларми?

Тоҳир яқинда тоғнинг нариги томонидаги Оббурдон қишлоғига борганларини эслади. Бобурнинг тожу тахтдан ихлоси қайтганлиги беҳазил бўлса керакки, шоҳ Жамшиднинг тилидан айтилган тожикча шеърни чашма бўйидаги тошга ўйдирди. Тўрт сатр бу шеърнинг икки сатри Тоҳирнинг эсида турибди:

Гирифтем олам ба марди-ю зўр,
Ва лекин набурдем бо худ ба гўр[1].

Оламни забт этган жаҳонгирларнинг салтанати ҳам омонат – ўзлари дунёдан кетишлари билан тугайди. Лекин шоирнинг яхши сўзлари тошга битилган ҳарфлардай асрлар давомида ўчмайди. Шундай экан, Бобур қолган умрини шоирликка бағишласа яхши эмасми?

– Мен жон дер эдим-у, лекин беклар сизни қўймаслар, – деди Тоҳир.

– Бекларга ижозат берурмиз, кетурлар.

Бобур шу сўзининг устидан чиқа олишини ялангоёқ юриш билан исбот қилмоқчи бўлгандай, яна майда тошлар устидан сарпойчан юриб кетди. Бироқ унинг қийналиб бораётгани майишиб юришидан сезилди. Тоҳир уни қувиб етди-ю:

– Амирзодам, этикни кийинг, – деди. – Ялангоёқликни ҳавас қила кўрманг. Худо сизни ҳеч вақт бу кўйларга солмасин.

– Қайси кўйларга?

– Ялангоёқларнинг аҳволига тушманг!

– Ажабо! Ялангоёқлар одам эмасдирларми?

– Одам. Лекин сиз шоҳ бўлиб туғилгансиз!

– У ҳолда, шоҳ одам эмасдирми?

[1] «Оламни мардлик ва зўрлик билан олдик, лекин ўзимиз билан бирга гўрга олиб кетмадик». Бобур 1502-йилда тошга ўйдирган бу сатрларни орадан 452 йил ўтгандан кейин 1954-йилда тожик олими А. Мухторов Оббурдон қишлоғидаги бир қудуқ йонидан топиб олади. Тошга битилган бу шеър ҳозир Душанбедаги музейда сақланмоқда.

Тоҳир жавоб тополмай қолди. У шоҳ билан навкар орасида тоғдай баланд девор борлигини билар, Бобур бу девордан бир сакраб ошиб ўтмоқчи бўлаётгани ғалати туюларди. Тоҳирнинг назарида, Бобур қайта шоҳ бўлишдан умидини узгану тушкунликка учрагани учун шу гапларни айтяпти.

– Амирзодам, агар сиз шоҳликдан шоирликни афзал кўрсангиз, унда мен ҳам... аҳли аёлим билан тинч бир гўшада деҳқончилик қилиб, сизга садоқат билан умр ўтказган бўлур эдим... Лекин бунинг иложи бўлмас...

Бобур этигини Тоҳирнинг қўлидан олди.

– Сиз қайтинг, – деди Тоҳирга. – Аммо бу гаплар орамизда қолсин. Кейин яна кенгашурмиз. Боринг!

Тоҳир бароздан қайтиб чиқар экан, Бобурнинг унга ўзини яқин олиб шунча ғалати гаплар айтганидан кўнгли кўтарилиб кулиб қўйди. Бироқ Бобур бир гўшада тинчгина яшайдиган мискинтабиат одамлардан эмас эди. Унинг ялангоёқ юришга ўрганмоқчи бўлгани эса Тоҳирга шоирона бир шўхлик бўлиб кўринарди. Тоҳир барознинг тепасига чиққанда орқасига ўгирилиб қаради. Бобур ҳамон этигини қўлига олиб, пастлаб бормоқда эди. Тоҳир унинг чидамига тан бериб: «Лекин сўзидан қайтмайдиган одати ҳам бор!» деб қўйди.

Бобур оёғининг бир-икки жойи қаваришиб шилинганини сезса ҳам оғриғига чидаб, қишлоқнинг бериги четидаги чашма бўйига сарпойчан борди. Ундан нарида юмшоқ тупроқли сўқмоқ бор эди. Лекин қишлоқ одамлари унинг ялангоёқ юрганини кўриб, пасту баланд гап қилишлари мумкин эди.

Унга уйини берган қишлоқнинг кадхудоси ҳам, бек ва мулозимлар ҳам «Мирзо ҳазратлари» деб, Бобурга ҳамиша таъзим қилишар эди. Агар Бобур камбағал деҳқонга ўхшаб сарпойчан юрса, булар оддий ялангоёққа таъзим қилгандай кўриниб, иззат-нафсга боришлари ва хафа бўлишлари мумкин эди. Шунинг учун Бобур аъёнлар учрайдиган жойлардан одатдагидай этик кийиб ўтар эди-ю, Даҳқатнинг атрофидаги ёнбағирларга боргач, яна ялангоёқ бўлиб оларди. Оёғига ботиб озор берадиган ғадир-будур тошлар, буталар дилини ўртаётган аламли ўйларнинг тафтини оладигандай бўлар эди. Кунлар ўтиши билан унинг товонлари сағри чармидай қалинлашиб тош-пошлар, ёғин-сочинлар кор қилмайдиган бўлиб кетди.

* * *

Даҳкатдан уч-тўрт чақирим қуйида Қоразов деб аталадиган баланд жарлар тагидан одамни оқизадиган улкан Оқсув елиб ўтади. Бу сувнинг ўнгга бурилиб, ёйилиб оқадиган сокинроқ бир жойида кечув бор.

Тоғ бағридан қиялаб ўтган сўқмоқ билан арчалар орасидан юриб келаётган Бобур тушга яқин Оқсувнинг шу кечуви олдидан чиқди ва дарёдан ўтиб келаётган йигирматача қуролли отлиққа рўпара келиб қолди. Олдинда пиёзи чакмон ва қизил бўрк кийган Қосимбек. Унга ергашиб келаётган навкарлар ҳам таниш.

Бобур уларга ялангоёқ юрганини кўрсатгиси келмадию, йўлдан четланиб, баланд бир арчанинг соясига бориб ўтирди.

Лекин бу орада Қосимбек ҳам уни кўриб қолди. Кечувда қорнигача ҳўл бўлган отини Бобурдан анча нарида тўхтатиб, тез ерга тушди. Навкарлар ҳам Бобурни ҳурмат қилиб апил-тапил отдан тушдилар. Қосимбек отининг жиловини навкарига бериб, эгилиб таъзим қилган кўйича Бобурга яқинлашди. Мусибатли товуш билан деди:

– Амирзодам, бир қошиқ қонимдан кечинг! Яна бир шумхабар!...

Бобурнинг хаёли Тошкентга кетди. Қосимбек уч ойдан бери ўша ёқларда юрган эди. Бобурнинг тоғаси Маҳмудхон Шайбонийхоннинг элчиси шарафига зиёфатлар бериб юриб, ахийри хон билан битим тузган эди. Бу битимга биноан Шайбонийхон Ўратепани Маҳмудхонга бериб, ўзи Ҳисорга қўшин тортиб кетган эди. Пайтдан фойдаланган Маҳмудхон укаси Олачахон билан бирга Фарғона водийсидаги Аҳмад Танбалга қарши уруш очган эди. Улар водийни Аҳмад Танбалдан тортиб олиб, Тошкент хонлигига қўшмоқчи эдилар. Шайбонийхон аввал бу ниятга қўшилган эди. Наҳотки энди сўзидан қайтган бўлса?!

– Не бўлди? Сўзланг!

– Шайбонийхон манфурлик билан сўзидан қайтмишдир, амирзодам! Тоғаларингиз Фарғона водийсида Аҳмад Танбал билан олти ой олишиб, уни енголмай, кўп талафотлар бериб, заифлашиб қолган пайтда Шайбонийхон битимни бузиб, кутилмаганда кетларидан бостириб келмишдир! Олдинда Аҳмад Танбал қўшини, кетларида ёлғон иттифоқчи

Шайбонийхон қўшини! Тоғангиз бу икки балонинг орасида қолиб тор-мор бўлдилар! Шайбонийхон уни асир олмишдир.

Бобур жойида ўтиролмай ўрнидан туриб кетди.

– Ё алҳазар! Тошкент ҳам кетдими, а?

– Э, сўраманг, амирзодам! Тошкентда икки минг қўриқчи аскар бор эди. Олти ойга етгулик захира бор эди! Қўрғонни қаттиқ туриб ҳимоя қилса бўлур эди. Бироқ асир тушган Маҳмудхон беҳад уят бир иш қилмишдир. Шайбонийхон уни қатл эттирмоқчи бўлганда, Маҳмудхон: «Қонимдан кечинг, не талабингиз бўлса бажарай!» деди. Шунда Шайбонийхон шарт қўюрки, Тошкентдаги қўриқчи аскарларингизга буйруқ ёзиб юборинг, токи қўрғонни жангсиз ташлаб чиқиб кетсинлар, аммо хазина билан ҳарам қўрғонда қолсин. Жон ширинлик қилиб, Маҳмудхон бу шартни қабул қилмишдир!

– Наҳотки бутун ҳарам Шайбонийлар илкига тушган бўлса?!

– Ҳа, амирзодам, ғолиблар қўриқчисиз Тошкентда уч кун элни таламишдир! Тоғойингиз Маҳмудхоннинг энг кўҳлик синглиси Давлат бегим Шайбонийхоннинг ўғли Темур Султон ҳарамига учинчи хотин бўлиб кирмишдир. Эллик уч яшар Шайбонийхоннинг ўзи Маҳмудхоннинг ўн олти ёшлик гўзал қизи Мўғил хонимни никоҳлаб олмишдир! Маҳмудхоннинг суюкли хотини Розия Султон бегим илгариги элчи Жонибек Султонга ғунчачи қилиб никоҳланмишдир! Бултур Хонзода бегим учун бизни шунчалар маломат қилган Маҳмудхон энди суюкли хотинини, қизини, синглисини ўз жони учун бунчалик шармандали аҳволга солгани бутун эл-улуснинг нафратини келтирмишдир! Бобурнинг хаёли Ойша бегимга кетди. Ундан кўнгли қолиб, ажрашиб кетган бўлса ҳам, лекин бир вақтлар илк ёшлик меҳри билан суйган хотинининг Шайбонийхон ҳарамига тушиши эҳтимоли уни даҳшатга келтирди. Опаси Хонзода бегимнинг Шайбонийхон ҳарамига тушгани озми? Бобур Қосимбекка даҳшат тўла кўзларини тикиб сўради:

– Наҳотки Ойша бегим... Эгачим Хонзода бегимнинг кундошига айлантирилган бўлса?!

– Йўқ, амирзодам! Не тил билан айтайки, Ойша бегим хоннинг амакиси – эллик беш ёшли Кўчкинчихонга тўқол хотин қилиб никоҳланмишдир!

Бобур юзини қўллари орасига олиб нидо қилди:

– О, бу не разолат? Не шармандалик?!

Қора кўзларидан учқунлар сочиб Бобурга аччиқ гаплар айтган ўша Розия Султон бегим бугун Жонибек Султоннинг қучоғида! Бу йўғон гавдали маккор бек Маҳмудхон саройида элчи бўлиб, хон билан шатранж ўйнаб, атайлаб ютқизиб юрган пайтларидаёқ унинг суюкли хотинини кўз остига олиб қўйган бўлса эҳтимол. Ойша бегим-чи? Тоғойим ўлдирилдими?! Кошки Маҳмудхон шунча уят ишлар қилиб, тирик қолган бўлса!

Қосимбек армон тўла товуш билан сўзида давом этди:

– Шайбонийхон биринчи мартасида уни ўлдирмаган эди. Лекин ҳалиги шармандаликлар билан руҳан ўлдиргандан баттар қилиб Мовароуннаҳр чегарасидан шарққа – Олтой томонга қувиб юборган эди. Бундан алами келган Маҳмудхон ўша ёқларда ўзига тарафдорлар топиб, қўшин йиғиб Шайбонийхондан қасд олиш учун яна Сирдарё бўйига келади. Хўжанд яқинида иккинчи марта жанг бўлиб, Маҳмудхон яна енгиладию, икки ёш ўғли билан асир тушади. Бу гал Шайбонийхон Маҳмудхоннинг ўзини ҳам, ёш ўғилларини ҳам аёвсиз қатл эттирмишдир!

– Ё алҳазар!.. Ё Раб!..

Бир вақтлар Бобурга оқибатсизлик қилиб, алам ўтказган яқинларининг тақдир томонидан бунчалик шафқатсизларча жазоланиши Бобурни қора босириқдай эзиб, карахт қилиб қўйди. Бобур улардан ҳар қанча ранжиганда ҳам бундай оғир жазоларни уларнинг ҳеч бирига раво кўрмас эди.

Бобурнинг ранги қув ўчиб, юз мускуллари титраётганини кўрган Қосимбек шумхабар келтиргани учун яна бир марта узр сўради. Бобурнинг сал тафтини оладиган чора қидириб:

– Амирзодам, қани, ўлтирсинлар, марҳумларнинг арвоҳига тиловат қилайлик, – деди.

Тиззалари бўшашиб, оёғида зўрға турган Бобур арча тагидаги бояги жойига қайтиб ўтирди. Қосимбек унинг қаршисига тиз чўкди. Навкарлар ҳам бирин-кетин чўнқайдилар. Қосимбек ширали, йўғон овоз билан Қуръон сураларини оҳангдор қилиб айтиб, узоқ тиловат қилди. Дарёдай бир зайлда оқадиган бу оҳанглар Бобурга дунёнинг бебақолигини, ўтиб турган ҳар бир дақиқа умр қайтиб келмайдиган неъмат эканини, ҳаётнинг ғаниматлигини эслатдию, у ўзини сал босиб, яланг оёқларини тўнининг этаги билан бекитиб қўйди. Тиловат тугаб, юзларига фотиҳа тортганларидан сўнг Қосимбек навкарларга қўли би-

лан нарироқ бориб туриш ишорасини қилди. Улар узоқлашгач, Бобурга янада яқинроқ келиб, паст овоз билан деди:

– Шайбонийзодалар бу ғалабалардан қутуриб, Андижонга кўз тикмишлар. Босқинчилар эрта-индин Ўратепага ҳам келурлар. Энди бу ерларда юриш хатарли, амирзодам. Тоғ ошиб, Ҳисорга кетмоқ керак.

Ҳисор ҳукмдори Хисравшоҳ тахтни Бобурнинг амакиваччаси Бойсунқур мирзодан тортиб олиб, тахтга даъвогар бўлмасин, деб, ўлдиртирган эди. Бобур шуни эслади-ю:

– Менинг қордан қочиб дўлга тутилишим не даркор, жаноб Қосимбек? – деди.

– Менинг мақсадим бошқа, амирзодам. Камина Ҳисор беклари билан бултурдан бери махфий музокара олиб бормоқдамен. Уларнинг кўпи Хисравшоҳдан норози экан. Ўзи бир навкардан чиққан таги паст ҳукмдор. Тахтда ўлтиришга ҳақи йўқ. Борсак, яхши беклари сизга ён босгайлар.

– Яна тахт талашишми? Йўқ, жаноб Қосимбек! Мен бу талашлардан жуда тўйдим! Ҳозир менга тинч бир гўша бўлса, дарвешона ҳаёт кечирсам, ашъор ёзсам – шу ўзи бас!..

Қосимбек боядан бери кўзини Бобурнинг яланг оёқларидан олиб қочмоқда эди. Шаҳзоданинг бундай юриши унга жуда эриш туюларди.

– Амирзодам, сиз бизнинг тақдиримизни ҳам ўйланг! Икки юз элликта содиқ одамларингиз беклару мулозиму навкарларингиз сизга омад тилаб, аввалгидан ҳам катта мартабаларга етишингизга ишониб, тоғу тошда саргардон бўлиб юриши нечун? Қосимбекнинг гапи тагида: «Чиндан дарвеш бўламен десангиз сизга бунча бек-у навкарларнинг не кераги бор? Нечун жавобини бермайсиз?» деган маъно ётар эди.

– Сиз келтирган мудҳиш хабарлардан кўнглим вайрон бўлиб турган пайтда яна бир мушкул гапни қўзғадингиз, жаноб Қосимбек!

– Густохлигим учун мени кечиринг!

– Аммо сиз ҳақсиз. Мен сиздек содиқ кишиларимнинг тақдирини ҳам унутмаслигим керак. Ростини айтинг, жаноб Қосимбек, Хисравшоҳнинг ўзи ҳам сизни хизматга чорлаганми?

– Чорлаган. Икки қайта махсус одам юбормишдир.

Бобур Қосимбекнинг мардона юзига, қирқ ёшга бормасдан оқ оралай бошлаган калта соқол-мўйловига маъюс бир назар ташлади.

– Сиздан маҳрум бўлиш мен учун беҳад мушкул! – деди. – Отам ўлгандан бери менга отадек ғамхўрлик қилдингиз. Мен сиздан кўрган садоқату яхшиликни ҳали бошқа ҳеч қайси бекдан кўрган эмасмен!

– Сарафрозмен, амирзодам!

– Энди шу яхшиликларингиз ҳурмати, мен сизга жавоб берурмен. Майли, Ҳисорга боринг!

– Сизни тарк этиб кетишга кўнглим йўқ, амирзодам! Бирга кетайлик!

– Мен ўзим ҳам шоҳлик занжиридан бутунлай озод бўлишга интилмоқдамен, жаноб Қосимбек. Бу занжирнинг бир учи тобе одамларга боғланган бўлса, унинг иккинчи учи шоҳнинг ўзига боғланур экан! Шу сабаб, тобеларни занжирдан бўшатмагунча подшоҳнинг ўзи ҳам занжирбанд бўлур экан. Мен энди мана шу табиат бағрида занжирсиз яшашга қасд қилдим. Шунинг учун сизга жавоб! Бошқа беку мулозиму навкарлар ҳам вақт-соати билан жавоб олурлар!

Бобур Қосимбек билан хайрлашмоқчи бўлиб ўрнидан турди. Самарқандда суюкли опасидан, Тошкентда хотинидан айрилган, бугун эса шунча машъум хабарлар эшитиб, яна энг ишонган бекидан ҳам ажрашишга мажбур бўлаётган Бобур ўзини ҳар қанча тетик тутишга уринса ҳам тиззалари букилиб, гандираклаб кетди. Қосимбек уни қучоқлаб хайрлашар экан, кўзлари жиққа ёшга тўлди.

3

Бобур ўзига азоб берадиган оғир туйғуларни тоғлардан кўринадиган кенгликларга сочиб юбора олса ёки гўзал шеърий сатрларга жойлай олса бир қадар енгил тортади.

Не ерда сокин ўлай? Не қилай? Қаён кетайин?
Не дайрдин эшигим очилур, не масжиддин.
Неча эшикдин эшикка гадо каби етайин?

Куйиб-ёниб ёзган бу сатрлари қалбининг тафтини олар, дунёда унинг учун ҳамма эшиклар бекилганда ҳам бир муқаддас қопқа – шеърият қопқаси доим очиқ эканини ич-ичидан сезиб кўнгли кўтариларди. У ўз қалбида ҳали сарф этилмаган

қудратли кучлар борлигини, опаси Хонзода бегим Бобур билан видолашган пайтида: «Сизнинг нодир истеъдодингиз бор, бу буюк неъматни ҳайф қилманг!» деган сўзлари кўп эсига тушади. Кеча мана шу Оқсув бўйидаги бир қишлоқда тўй бўлган, шунда ёш бир хонанда сеҳрли товуш билан Бобурнинг «Кўнглимдан ўзга ёри вафодор топмадим» деб бошланадиган ғазалини ашула қилиб айтганини у ўзи кўчадан ўтаётиб эшитган эди. Ўша дақиқаларда унинг қалбидаги энг зўр куч жунбишга келиб, юзага чиқиш учун йўл ахтарган эди. Бу ички куч унга Даҳкатнинг кунчиқиш томонидан уч минг газ баландликдаги Осмон Яйлов тоғининг учидан отилиб чиқиб турган мўъжизавий булоқни эслатди. Жилғалар бўйидан, тоғ ёнбағирларининг тагидан кўз очган булоқлар кўп. Лекин шундай юксак тоғнинг энг баланд бир нуқтасидан ёриб чиққан бундай ғалати чашмани Бобур биринчи марта шу ерда учратди.

Жанубда мангу қорга бурканган улуғвор Пирях чўққиси ялтираб турибди. Аммо у чўққи билан Осмон Яйлов тоғнинг орасида беҳад чуқур жилғалар, катта-катта баландликлар бор. Бу булоқнинг суви ўша чўққидан тушиб, яна Осмон Яйловга чиқиб келгунча икки орадаги чуқурликлардан ҳам тераноқ жойга тушиб, сўнг яна юксак тоққа кўтарилган бўлиши керак. Булоқ бунча кучни қаердан олганикин? Уни шунчалик баланд жойга чиқишга, шундай тошлар орасидан кўз очишга нима мажбур қилган экан? Эҳтимол, илгари унинг кўзи пастдаги тоғ камарларида бўлгандир? Балки булоқнинг устига тоғ кўчиб тушиб, аввалги кўзини бекитиб қўйгандир?

Бобурга бирдан ўз ҳаёти ҳам кўчки босган булоққа ўхшаб кўринди. Ахсида қулаган жар ҳам шу булоқнинг кўзига тушган. Кўчманчи султонларнинг Самарқанддаги ғалабаси ҳам... Ички бир куч билан қайнаб чиқаётган булоқ кўчкининг тупроқларини ювиб, тошлар орасидан йўл топиб ўта бошлаганда Мовароуннаҳрдаги ижтимоий зилзилалар зарбидан янги-янги жарлар қулайди, қоялар кўчади-да, яна шу булоқнинг кўзига тушади.

Булоқ ҳамон туғилган заминининг бошқа жойларига бош уриб, ёруғ дунёга олиб чиқадиган янги йўллар излайди.

Агар Осмон Яйлов булоғи тошлар орасидан йўл топиб, мана шундай баланд қояни ёриб чиққан бўлса, Бобур умидсизланмаслиги керак. Эҳтимол, унинг толеи ҳам мана шу булоққа ўхшаб, баланд бир нуқтадан қайта кўз очар. Балки бу баланд нуқта шеъриятдадир?

Бир куни пешин кечроқ Бобур Осмон Яйлов булоғи бўйида мана шу хаёлларга ғарқ бўлиб ёлғиз ўтирганда, катта-катта иккита бўрибосар итни эргаштириб бир чўпон йигит келиб қолди. Оёғида чориқ, бошида қизил ҳошияли оқ қалпоқ, белига катта пичоқ осиб олган, қўлида қизил ирғай таёқ. У тош устида ўтирган Бобурга салом бердию, итларни орқароқда қолдириб, ўзи булоқдан кафтида сув олиб ичди. Кейин ҳўл қўлларини қалами яктагининг қўлтиқларига арта туриб, Бобурга гап қотди:

– Ҳа, жўра, пошшоинг зиқналик қилдими, тоққа ялангоёқ чиқибсен? Чўпоннинг «сен-сен»лаб гапиргани Бобурнинг қулоғини тирнаб ўтгандай бўлди. Аммо ўзини босиқ тутиб:

– Қайси подшоҳим? – деб сўради.

– Бобур деган бир подшо Даҳкатда юрган эмиш. Сен ўшанинг одамлариданмисен? Бобур эски кийимларини кийиб чиққан, ўзи тоғ офтобида куйиб қорайган, аммо унинг юзида, қўлларида аслзодаларга хос бир назокат борлиги билиниб турарди. Чўпон уни подшоҳнинг мулозимларидан деб ўйламоқда эди. Бобур ўзини танитгиси келмай:

– Ҳа, – деди.

Чўпон ирғай таёғига кенг кўкрагини тираб, Бобурга синовчан назар билан тикилди:

– Подшоингга жуда содиқмисен? Бобур мийиғида кулиб:

– Мен ўзимга содиқ бўлсам бас, – деди.

– Подшоинг ҳам сени ёмон кўрса керак-да, хор қилиб қўйибди.

Энди Бобур чўпоннинг юзига тикилиб қаради. Бетига ҳали устара тегмаган йигирма ёшлардаги йигит. Лекин чуқур кўзлари қирқ-эллик ёшга кирган ва кўп ғам чеккан одамникидай сўлғин, кексанамо.

– Подшоҳимни мунча кўп сўроқладинг, бирон арзинг борми? – деди Бобур кулимсираб. Чўпон қовоқларини уйиб:

– Мен уни мана шу тоғда яккама-якка учратмоқчимен, – деди.

– Агар учратсанг... Не гапинг бор?

Чўпон йигитнинг кўзлари ғазаб билан қисилди:

– Отам билан акамнинг бошини не қилган, шуни сўраб билмоқчимен.

– Бошини? Бобур-а?! Сен... сен кимсан ўзинг?

– Чаграклардanмен!

Бобур Андижон тоғларида яшайдиган чорвадор туркий қабила – чагракларни эслаб ҳайрат билан сўради:

– Бу ерда ҳам чаграклар борми?

– Биз бу ерга Ўш томонлардан қочиб келганмиз. Мен ўшанда ўн тўрт яшар бола эдим. Бобур келиб отам билан акамнинг қўйларини, йилқиларини тортиб олмоқчи бўлган. Чўпонлар: «Бермаймиз!» деб ғалаён қилган. Кейин Бобур ҳаммасини ўлдириб, бошларини кесиб кетган. Онам билан борсак, ўн беш-йигирмата ўлик ётибди. Бошлари йўқ. Танасидан таниб олиш қийин бўларкан. Онам дам у танани қучоқлаб йиғлайди, дам бу танани...

Бобур Ўшнинг жанубида бундан олти йил аввал Аҳмад Танбалнинг қонли хуржунидан лолақизғалдоқлар устига юмалаб тушган каллаларни яна кўз олдига келтирди. Ўшанда уни сескантириб юборган ёшгина йигитнинг калласи ва устара тегмаган юзи кўз олдида қайтадан гавдаланди. Мана бу турган чўпоннинг юзи Бобурга бирдан ўша юзни эслатдию, кесик бўйиннинг қон аралаш гўштлари хаёлида такрор пайдо бўлиб, борлиғини даҳшатга келтирди. У чўпонга саросима кўзлар билан қараб:

– Аҳмад Танбал ўлдирган! – деди. – Султон Аҳмад Танбал! Чўпон таёғини кўкрагидан олиб, Бобурга яқинроқ келди:

– Сен ўша бошларни кўрганмидинг?

– Ҳа, яйловда... Ўшнинг яйловида Аҳмад Танбал ўша бошларни келтириб кўрсатган. Бунга олти йил бўлди... Чўпонлар ғулу кўтариб, навкарлардан уч-тўрттасини ўлдирмишлар. Танбал ўшанинг қасдига бош кесиб келган эди!

– Танбал эмас! Менга кўрган одамлар айтган! Отамнинг бошини Бобур кесиб кетган!

– Одамлар ёлғон айтмишлар! Мен... аниқ биламен. Бобур норасида ўсмир эди. Тоққа Султон Аҳмад Танбал борган!

Бобур ўзини оқлаётган одамга ўхшаб шошилиб гапираётгани учун чўпон йигит энди ундан гумонсиради. Зуғум қилиб:

– Сен ўзинг кимсен? – деди. – Бобур сенинг киминг?

Бу савол Бобурнинг этини жунжиктирди. Гўё чўпон ҳозир ундан отасининг хунини талаб қиладигандек туюлди. Эгасининг овозидаги ғазаб ва таҳдидни пайқаган итлар бирдан ириллаб, Бобурга ташланишга тайёрланишди. Бобур ўрнидан сапчиб турди. Қўли беихтиёр белидаги ханжарнинг

сопига борди. Лекин унинг оёқлари яланг эди. Итлар энг аввал унинг оёғидан оладигандай кўринди. Шу пайт у ўзининг ялангоёқ юрганидан қаттиқ пушаймон бўлди.

– Нега индамайсен? – деди чўпон яна таҳдид билан.

Бобур ўзини иложи борича вазмин тутиб:

– Не дейин? Гапимга ишонмасанг! – деди.

Чўпон итларига ўгирилиб:

– Тўрткўз, Бўйноқ, ётинглар! – деди. Сўнг яна Бобурга юзланди: – Хўш, гапинг чин бўлса, менинг отамни Бобурнинг ўзи эмас, Танбал деган беки ўлдирган. Шундайми?

– Шундоқ.

– Ўша бекка ким фармон берган? Бобурми?

– Бобур бундай бўлишини билмаган... Ёшлик қилган!

– Яна пошшойингнинг тарафини оласан-а! Агар мен ҳозир мана бу итларимга «ол»! – десам, сени тилка-пора қилиб ташлагай. Шунда фақат итлар айбдор бўлгайми? Буларни олқишлаганим учун мен гуноҳкор бўлмасменми?

Бобур чўпоннинг бу гапига эътироз қилиб бўлмаслигини сездию, бошини қуйи солди:

– Балки сен ҳақлидирсен...

– Кимсен ўзинг? Айт ростини!

Чўпоннинг овозидаги таҳдидни сезишиб, итлар яна ириллашди. Бобур қўрққанини сезса, итлар унга ташланадиганга ўхшарди. У бор кучини гўё кўзларига йиғиб, чўпонга тик қарадию, дадил туриб:

– Мен Бобурмен! – деди.

Чўпон қулоқларига ишонмай, унинг яланг оёқларига яна бир қаради:

– Наҳотки подшоҳ Бобур сен бўлсанг?!

– Ҳа, мен подшоҳ эдим!

– Ҳозир-чи?

– Ҳозир... тожу тахт даъвосидан воз кечдим. Энди фақат шоирона ҳаёт кечирмоқчимен.

– Шошма-шошма!

Оқсув бўйида бўлган кечаги тўйда чўпон ҳам бор эди. У хушовоз ёш ҳофизнинг Бобур ғазали билан айтган ашуласини тинглаб ғалати бўлиб кетган эди. Ашула охирида:

Бобур, ўзунгни ўргата кўр ёрсизки, мен
Истаб жаҳонни, мунча қилиб ёр топмадим!

– Деган сатрлар унинг эсида қолган эди.

Ҳозир Бобур бир ўзи тоғу тошда ёлғиз юргани ҳам унинг ўша байтини тасдиқлаган кўриндию, чўпон итларига қараб:

– Ёт! Бўйноқ, ёт! – деб буюрди. Итлар тинчлангач, яна Бобурга кўз тикиб сўради:

– Шоирлигинг рост бўлса, шу ерда ёзган шеърларингдан бирини айт-чи? Бобур ерга қараб ўйланиб олди-да, бошини кўтарди.

Эшит:

Не хеш мени хушлару не бегона,
Не ғайр ризо мендину не жонона.
Ҳар нечаки яхшиликда қилсам афсун,
Халқ ичра ёмонлик билан мен афсона.

Ички туғён билан ўртаниб айтилган бу сатрларнинг тафти чўпоннинг бирдан ялтираб кетган кўзларида акс этди.

– Сен ҳам куйганлардан экансен, шоирлигингга тан бердим! Агар шу шоирлигинг бўлмаса, сени раҳматли отамнинг қасдига итларимга талатиб юборар эдим! Хайр, шоир, омон бўл!

Чўпон итларини эргаштирганича чағатда ёйилиб юрган қўйларига қараб кетди. Бобур шу куни Осмон Яйловдан Даҳкатга қандай тушиб келганини билмайди. У машъум ўтмишидан осонликча қочиб қутулолмаслигини, ёмон беклар Бобурнинг номидан қилган золимликларни одамлар ундан кўришини ўйлаб, вужудини янги бир безовталик чулғаб олди. Ёшликда бекларнинг раъйига қараб қилган хатолари бояги иккита ваҳимали итнинг қиёфасига кириб, ҳали ҳам кетидан қувиб келаётганга ўхшарди. Даҳкатда эса уни яна бир таҳликали хабар кутиб турарди. Шайбонийхон қўшинлари Ўратепага етиб келган, шаҳарга бозор қилиш учун борган даҳкатлик кадхудони хон кишилари тутиб олиб калтаклашган.

– Бобур яшириниб юрган жойини кўрсатасан! – деб талаб қилишган эди. Юзлари қамчи изидан қонталаш бўлиб шишиб кетган эллик ёшлардаги кадхудо тожикчалаб:

– Мен меҳмонимни тутиб берадиган аблаҳ эмас! – деди Бобурга, – Ёвларингизни Оқтанги деган дарага бошлаб бориб, адаштириб, ўзим тоғма-тоғ қочиб келдим! Оқтанги Даҳкатдан ўттиз чақиримча ғарбда эди. Хоннинг искабтопарлари бугун бўлмаса, эртага бу ерларга етиб келиши муқаррар. Шайбонийхон Бобурнинг бошини кесиб келганларга катта олтин ваъда қилган.

Ички ҳовлидан Қутлуғ Нигор хоним чиқди:

– Бобуржон, ҳаммамиз нажотни сиздан кутмоқдамиз! Дарвешона юришларни энди бас қилинг. Ҳамма сизни қувғиндаги шоҳ деб билур, бошқа гапга ҳеч ким ишонмагай. Хон кишилари ҳам сизни тахтга даъво қилиши мумкин бўлган бир шаҳзода деб излаб юрурлар. Даҳкатликлар ҳам шунча вақт бизга нону туз бердилар. Энди бу қишлоқни хафв-хатардан қутқариш ҳам сизнинг бурчингиздир, жоним!

Бобур агар ёв билан бу ерда тўқнашса, қишлоқ оёқости бўлишини ўйлади. Бу ерда у билан бирга юрган онасини, бек ва навкарларини ёвдан омон сақлаш учун ҳам, ўзи бояги чўпонга ўхшаш қасоскорларнинг тасодифий қурбони бўлиб кетмаслиги учун, даҳкатлик кадхудонинг тузини оқлаш учун ҳам Бобур яна қайтадан қурол-яроғ тақишга ва одамларига бошчилик қилишга мажбур эканини, ҳозир шундан бошқа иложи йўқлигини ҳис қилдию, оғир «уҳ» тортди:

– Шоҳлик тақдиримдан ялангоёқ қочиб қутулолмас эканмен! Жаноб Шеримбек! Сиз энди Қосимбекнинг ўрнида амирал умаросиз!

Бобурни ўн икки ёшида Олатоғ томонларга олиб қочиб кетиб қутқармоқчи бўлган кекса Шеримбек тоғойи қувониб таъзим қилди:

– Иноятингиздан сарафрозмен, амирзодам! – деди. – Буюринг!

Одамларимизнинг барчасига амримизни етказинг. Кўч-кўронни йиғиштирсинлар! Шу бугун кечаси Даҳкатдан жўнаб кетгаймиз!

– Муборак буйруғингиз алҳол адо этилур, амирзодам!

Яна зирҳли кийимлар кийган, қурол-яроғ таққан Бобур ўша кеча тоғдан-тоққа ошиб кун чиқиш томонга – Исфарадан наридаги Сўхга қараб кетди.

4

Тоғдан тушиб келаётган Сўх сойи тошларга бош уриб шовуллайди. Бобур арчазор сўқмоқдан Ойнатоғ томонга кўтарилиб боради. Тоғларда кўп юриб ҳар қанча чиниққан бўлса ҳам, тик сўқмоқ йўлда ҳансираб қолади. Ойнатоққа етгунча икки-уч марта тўхтаб нафас ростлайди.

Табиат мўъжизаси бўлган бу тоғнинг силлиқ тошларида атроф худди ойнадаги каби аксланиб туради. Бобур бу тоққа чиққанда унинг сеҳрли ойнасида ўз тақдирини кўришга интилади.

Қачонгача тоғдан-тоққа ўтиб, чет қишлоқларда Шайбонийхон қиличидан жон сақларкан? Ана, яшил боғларга бурканган Сўх, Ҳушёр қишлоқлари. Булар ҳам чингизийлар ҳуружидан ҳимоя истаб, Бобурни уч юзтача навкари билан йил бўйи меҳмондай эъзозлаб юришибди. Босқинчиларнинг шум қадамлари ҳали бу ерларга етиб келган эмас. Улар Сирдарё бўйларида ва Андижон томонларида ўзаро урушлар билан банд.

Бобур қуёшли кунда Ойнатоғ тепасига чиқиб, Қўқон томонларга оқиб кетаётган Сўх сойига тикилади. Бу сойнинг сувида тилларанг шуълалар ўйнайди. Айтишларича, Сўх сувининг таркибида олтин бор экан, шунинг учун бу сувни ичган одамнинг вужуди яйрайди. Наҳотки шу Ойнатоғ ҳам, шу тиллоли сой ҳам – ҳаммаси яна чингизийлар истилосига гирифтор бўлса?

Бобурнинг ортидаги қорли тоғлардан совуқ шамол эсади. Узоқдаги яшил водийларга осмондаги оқиш булутларнинг сояси тўшалиб ётади. Ҳозир авжи баҳор, Фарғона водийси яшил либосда.

Уфқнинг ҳарир пардаси ортида – кўзилғамас узоқликларда Чотқол тоғларию Тошкент воҳаси бор. Жиззах ва Самарқандни, Марғилон ва Андижонни Бобур ҳозир гўё хаёл кўзи билан кўрдию, бир вақтлар шундай кенг дунёда бехавотир, еркин юрган пайтларини эслаб, юрагини армон тимдалади. Ҳозир мана шу улкан ватанда унинг осуда яшайдиган макони, тайинли бир уйи йўқ. Ҳаммаси Танбал билан Шайбонийхоннинг қўлига ўтиб кетган. Эшикоға Шерим тоғойи Бобурни Хуросонга кетишга ундайди.

Бироқ Бобур кетса, ватанидан умрбод айрилиши мумкинлигини гўё олдиндан сезади. Илгари туғилган юртида бемалол юрганда унчалик билинмайдиган ватан туйғуси энди ватанидан айрилиш хафви туғилганда унинг бутун вужудини қамраб олган. У мана шу ўлкани неча қайта у четидан-бу четигача кезиб чиққан, унинг ҳар бир чақиримига кўз нурини тўкиб, ёшлигини уруғдай сочиб ўтган. Унинг бутун умри, бутун борлиғи мана шу муаззам заминга илдиз отган. Энди бу илдизларнинг ҳаммасини қандай юлиб олиб кетади? Бунинг оғриғига қандай чидаш мумкин?

Аҳмад Танбал билан Шайбонийхон аввал бир-бири билан иттифоқ тузиб, ҳозир бир-бирининг пайини қирқишга тушган. Шу кунларда улар жанг қилаётганини Бобур аниқ билади. Зора бу иккаласи бир-бирининг бошини эгса-ю, Бобурнинг бекилган йўллари очилса...

Бобур шу умид билан Андижон томонга махсус одамлар юборган. У эртаю кеч шу одамларнинг хушхабар билан қайтишини кутади.

Лекин юборилган одамлар бир ярим ойдан бери қайтмаяпти. Нима бўлдийкин? Кутиш оғир. Кунлар бениҳоя секин ўтади. Бобур нима қилишини билмай тоғ ёнбағирларини ёлғиз кезгани-кезган. Тадбиркор Қосимбек кетиб қолмаганда, балки ундан яхши бир маслаҳат чиқармиди? Жонкуяр сафдоши Нўён Кўкалдош ҳам йўқ – бултур Тошкентнинг жанубидаги Оҳангаронда бир номард уни баланд жардан ташлаб ўлдирган. Бир-биридан машъум хотиралар Бобурнинг хаёлида муттасил чарх уради. У интиҳосиз ғам-ғуссалар қуршовидан чиқиб кетишга интилиб, хаёлида шеър машқ қилиб кўрди. Аммо уни бу кўйларга солган даҳшатли воқеаларни қофияга солиб, оҳангдор қилиб айтишга ҳуши келмади.

* * *

Кечки пайт тоғларга туман тушди. Арчазор ёнида хаёл суриб юрган Бобур пастдаги водий йўлларини ҳам туман тўсиб қўйганини кўрди-ю, сой бўйига келди. Қуюқ туман дунёни алланечук тор ва совуқ қилиб қўйди. Сўх сойининг юқори-пастлари ҳам кўздан йўқолди. Тезоқар тоғ дарёчасининг қаёқдан келиб, қаёққа кетаётгани энди фақат унинг тошларга урилиб шовуллашидан билинар эди, холос. Бобурнинг ҳозирги қароргоҳи мана шу сойнинг яқинида – кенг бир сайҳонликда эди. Баландроқ бир жойда унинг қизил мовут чодири бор. Чодирнинг ўнг ёнида Қутлуғ Нигор хонимнинг саккиз бурчакли оқ ўтови турипти. Қолган йигирма-ўттизта ўтов ва чодирлар уларнинг нари-берисига ўрнатилган. Совуқ туман ичида чодир ва ўтовлар гўё бир-бирларидан узоқлашиб кетгандай ва ҳаммасини моғор босаётгандай кўринарди. Бобур йўлида учраган одамларнинг таъзимларига индамай бош ирғаб ўтдию, Мамадали китобдорнинг ўтови томонга бурилди. Бу ерда Бобур доим ўз кўчи билан бирга олиб юрадиган китоблари сақланар эди. Беш-олти туяга юк бўла-

диган нодир китоблар қалин чарм қопланган махсус сандиқ ва қутиларга ёғин-сочин ўтмайдиган қилиб жойланган эди. Кексайиб қолган бўлса ҳам ҳамма сафарларда Бобур билан бирга юрадиган захил юзли эллик беш яшар Мамадали китобдор китобларни худди чақалоғини авайлайдиган онадай авайлаб-асрар эди. У Бобурга таъзим қилиб:

– Буюринг, амирзодам! – деди.

Бобур тарихий китоблардан бир-иккитасининг номини айтди.

Мамадали китобдор китобларга қўл уришдан олдин қўлини яхшилаб ювадиган одати бор эди.

– Сиз мунтазир бўлманг, қулингиз елтурмен!

Бобур ўтовдан чиқиб ўз чодирига кирди. Орадан анча вақт ўтганидан кейин Мамадали китобдор айтилган китобларни ипак матога ўраган ҳолда икки қўллаб кўтариб кирдию, тўрдаги миз устига секин қўйиб, орқаси билан юриб чиқиб кетди.

Бобур машҳур саркардалар ва шоҳларнинг ҳаётлари ҳақидаги тарихий китобларни варақлар экан, мураккаб жумлалар, жимжимадор ўхшатишлар, афсона ва ривоятлар орасидан чинакам бўлган ва одамни ишонтирадиган воқеаларни изларди. Лекин кўпчилик китобларда нуқул ғалабалар дабдабали услуб билан куйланарди.

Эҳтимол, ҳозир Шайбонийхон ҳақида ҳам мана шундай дабдабали китоблар ёзилаётгандир. Бобур Биноийнинг яна Шайбонийхон томонига ўтиб кетганидан, Муҳаммад Солиҳ эса «Шайбонийнома» деган шеърий китоб ёзаётганидан хабардор эди. Улар Шайбонийхоннинг Бобур билан олишувларини қандай ёзишаркин? Мана бу китоблардаги каби ғолибни кўкларга кўтариб мақташса, Бобурга бўлмаган айбларни тақиб, уни ёмонлашса, кейин одамлар ҳақиқатни қаердан билади?

Бобур нуқул зафар тантаналарини куйлаган жангомаларни бир четга суриб қўйди. Сўнг ўрнидан туриб, ўзининг «Вақоеъ» деб аталган хотира дафтарларини сандиқдан олди.

Қизиқ: сўнгги марта дафтарга Бобур ўзининг Самарқандни Шайбонийхондан қандай тортиб олганини ёзгану кейин унга қўл урмаган эди. Демак, кейинги мағлубият ва саргардонликларни унинг ўзи ҳам ёзишни истамаган экан! Аммо булар дафтарга ёзилмагани билан Бобурнинг хотирасида муттасил такрорланиб юрибди-ку. «Иситмани яширсанг, ичга урар», дейдилар. Бобур қилган хатоларини дафтари-

дан яширгани билан улар ҳар куни неча қайта янги-янги тафсилотлари билан хаёлидан ўтиб, қалб ярасини тирнагани-тирнаган. Бундан кўра ҳамма воқеаларни ростгўйлик билан мана бу дафтарга ёзса, балки ўшанда иситма ташига чиқиб, дили хиёл енгиллашар?

Бобур дафтарига Сарипулда қандай мағлуб бўлганини, кейин қандай хўрликлар кўрганини ёза бошлади.

У бу ишни гўё ўзи учун, ўз виждони олдида ҳисоб бергиси келиб қиларди. Шунинг учун боя ўқиган китобларидаги жимжимадор, баландпарвоз услуб бу ёзувларга мутлақо ярашмаслигини сезарди. Шу сезги таъсирида китоблари орасида турган Шомийнинг «Зафарнома»сини қўлига олиб варақлади.

Бу китобнинг муқаддимасида Шомийнинг Амир Темурдан қандай топшириқ олгани ҳикоя қилинган эди. Соҳибқирон жангномалар ва тарих китобларида кўп учрайдиган ҳашамдор такаллуфларни суймас эканлар, ортиқча лоф уришлар, муболағалар ичида ҳақиқат йўқолиб кетишини, дабдабали услуб чиндан содир бўлган воқеаларнинг маъно ва моҳиятини одамлардан тўсиб қўйишини айтган эканлар. «Шунинг учун сиз бор ҳақиқатни аниқ равон қилиб ёзинг, токи унинг маъносини авом халқ ҳам англагай, хос кишилар ҳам мақбул кўргай», – деб соҳибқирон Шомийга махсус тайинлаган эканлар.

Афсуски, Шомий бу топшириқни тўлиқ уддалай олмаган экан. Амир Темур унинг «Зафарнома»сини ўқиганда қаноатланмаганини Бобур онаси инъом қилган сандиқдаги бошқа қўлёзма манбалардан билди. Эҳтимол, шундан сўнг Амир Темурнинг кўрган-кечирганлари ва яратган тузуклари унинг ўз тилидан аниқ, илиқ ва равон услубда баён этилгандир?

Ҳозир Бобурнинг дилига энг яқин услуб мана шу эди. У хотира ёзишда ҳам соҳибқирон бобокалонидан сабоқлар олар, бошидан кечирган барча ҳодисаларни, ютуқ ва хатоларини энг ишонган сирдошига айтиб дардлашган каби самимият билан қалам тебратарди. Фақат унинг ёнида сирдоши – ўзию мана шу дафтари эди. «Кўнглимдан ўзга маҳрами асрор топмадим!» деб ғазал битган Бобур энди барча кўрган-кечирганларини мана шу маҳрамига роз айтганга ўхшаб хотира ёзарди.

Бу розлар орасида фақат жабру жафолар эмас, ёдга тушганда кўнгилни кўтарадиган воқеалар ҳам йўқ эмас

эди. Бошига тушган кўргуликлар Бобурни ниҳоятда чиниқтирган, гоҳо ялангоёқ қор кечиб юрар, аммо шамоллаш нималигини билмас эди. Шу ҳақдаги бир лавҳани дафтарига ёзиб қўйди:

«Ҳаштияк кенти яқинида маҳкам зарб совуқ эдиким, икки-уч киши совуқнинг шиддатидан ўлуб эди. Манга ғуслға эҳтиёж бўлди. Бир ариқ сувидаким чеккалари қалин муз тўнғиб эди, ўртаси сувнинг тезлигидан ях боғламайдур эди, бу сувга кириб ғусл қилдим, ўн олти қатла сувга чўмдим».

Ўшандаги совуқнинг таъсири ёдига тушиб, эти яна бир жунжикди, лекин ўн олти марта муз орасига чўмган бўлса ҳам, соғ-саломат қолгани – вужудида қанчалик паҳлавонона куч-қувват йиғилганидан далолат беришини ўйлаб суюниб қўйди.

Аммо шундан кейинги воқеаларни қаламга олганда Аҳмад Танбалга инъом қилган бағдодий қиличи айланиб келиб Бобурнинг жонига қасд қилгани кўз олдида таҳликали тарзда гавдаланди.

Ўша йили Бобур Аҳмад Танбал билан қайтадан жангга киришиб, Ўш ва Ўзганни қўлга киритган, Андижон яқинида унинг аскарларига шикаст етказиб, қўрғон ичига чекинишга мажбур қилган эди.

Бироқ кечаси Бобур қоровулликка тайин этган навкарлар бепарволик қилиб ухлаб қолганми ёки тунда Танбал билан яширинча тил бириктирганми, ҳар қалай, тонг қоронғисида кимдир «Ёғий босди!» деб қичқирди-да, ура қочди. Хакан ариғи яқинида очиқ жойда ухлаб ётган одамлар чўчиб уйғонишдию, ваҳима ичида тум-тарақай бўлиб кетишди.

Бобур тез отга миниб, ён-верига қараса, ўнтача одами қолибди. Нарироқда ёвнинг жангдовуллари қочганларнинг кетидан ўқ отяпти:

– Тўхта! Қайтинглар! – деб қичқирди Бобур ўз одамларига. Аммо ҳеч ким қайтмади.

Ёв жангдовуллари оздек кўринди. Бобур ёйдан уларга қараб ўқ отди. Жангдовуллар қочди. Бобур уларни қувиш билан бўлиб, дарахтлар орасидан чиқиб келган юзга яқин отлиқларни анча кеч кўрди.

Тонг ёришиб қолган эди. Ҳаммадан олдинда қўлида қалқон тутган, қилич яланғочлаган Аҳмад Танбал келмоқда эди.

Бобур уни танигач, отининг жиловини тортиб, ён-верига қаради. У билан фақат Тоҳир ва яна иккита йигит – учтагина жангчи қолган эди. «Тўрт киши буларга бас келолмайсен, қоч!» деди ички бир овоз.

Аммо шунча хиёнатлар қилган, доим қочиб қутулиб юрган Аҳмад Танбал энди биринчи марта юзма-юз келганда ундан қўрқиб қочишга орият йўл бермади. Орият ўлимдан ёмон деб, бежиз айтмаган эканлар. Бобур дарҳол жиловини қўйиб юбориб, камонига ўқ ўрнатди. Аҳмад Танбал қиличини суғураётганда Бобур унинг қисиқ кўзларини мўлжалга олиб ўқ отди. Ўқ Танбал бошига кийган зирҳли дубулғага қарсиллаб урилди, уни тешиб ўтолмаган бўлса ҳам, Бобур хиёнаткор душманининг бошига мушт туширгандай бўлди. Бобур чапдастлик билан ёйга яна ўқ ўрнатиб, унинг безрайган юзига тўғрилаб отди. Танбал юзини қалқони билан тўсишга улгурди. Бобур отган иккинчи ўқ қалқон орқали Танбалнинг юзига урилган тарсакидек овоз чиқарди. Бу орада Танбалнинг ёнидаги кишилар Бобурга ҳам ёйдан ўқ ёғдирдилар. Бир ўқ унинг тиззасидан пастроқ болдирига қадалди. Аҳмад Танбалнинг ўзи отини «чу-чулаб» қўлида қиличи билан Бобурга бақамти келди. Бобур яқадор оёғининг «жизиллаб» куйиб оғриганини ва Аҳмад Танбалнинг қўлидаги қилич алланечук таниш эканини бир вақтда ҳис қилди. Бу – Бобурнинг номидан Аҳмад Танбалга инъом қилинган эгик бағдодий қилич эди. Бу қилични ўпиб, Бобурга садоқатли бўлиш ҳақида қасамёд қилган Аҳмад Танбал наҳотки энди уни эгасига қарши кўтарса? Бобур буни ўйлашга ҳам улгурмасдан қилич унинг бошидаги дубулғага келиб тушди. Бобурнинг кўзларидан гўё оловли учқунлар сачраб кетди, боши бировнинг бошидек ҳиссиз бўлиб қолди. Қиличнинг тиғи дубулға кигизини кесиб ўтолмаган бўлса ҳам бош яраланган эди. Бобурнинг бўйнига дубулға четидан қон сирқиб тушди. Болдиридаги ярадан этиги иссиқ қонга тўлмоқда эди.

Аҳмад Танбал ғолибона ҳайқириб қиличини яна кўтарди. У энди ўткир қиличини Бобурнинг зирҳли кийимлари орасидан сал-пал кўриниб турган бўйнига урмоқчи ва бошини кесиб туширмоқчи эди. Шу пайт ортдан Тоҳир етиб келди-ю, Бобур минган бўз отнинг жиловини силтаб тортди. Бедов от ўрнидан сакраб қўзғолар экан. Аҳмад Танбал бўй-

нини мўлжаллаб урган қилич Бобурнинг ёй-ўқлари солинган сақдоғига тегиб, уни шарт кесиб тушди.

– Амирзодам! Жиловни олинг! – қичқирди Тоҳир.

Ўзи эса Бобурнинг отига қамчи босди. Қамчи еб ўрганмаган учқур бедов олдинга ўқдай отилиб, эгасини бало-қазодан олиб чиқиб кетди.

Яradор Бобур Ўшга қайтди, анча кунгача боши ғувуллаб, оёғи чўлоқланиб юрди. Лекин уни яра оғриғидан ҳам ортиқ қийнаган дард – Қосимбекнинг таклифи билан Танбалга инъом этилган бағдодий қиличнинг айланиб келиб ўз бошига тушганлиги эди. Қотилга ким қилич берса ўзи унинг тиғига дучор бўларканми? Бироқ дунёда адолат бўлса, шунча қотилликлар, шунча хиёнатлар қилган Аҳмад Танбалга нега қасос қайтмайди? Бобур шу ўйлар билан хотира ёзишга берилиб кетиб, қоронғи туша бошлаганини ҳам сезмади. Савдарлар олтин қандилдаги шамларни ёқдилар. Бобурга кечки овқат келтирдилар. У ёлғиз ўтириб овқатланди. Хотира ёзганда унга ўз ҳаёти аввалгидан илиқроқ ва маънолироқ туюлган эди. Бекор ўтирганда эса яна ўша оғир ўйлар, совуқ пушаймонлар хаёлига босиб кела бошлади. Бобур улардан тезроқ қутулгиси келиб, яна қаламини қўлига олди. Кейин ярим тунгача дафтаридан бош кўтармай сўнгги йилнинг воқеаларини ёзди.

* * *

Атрофдаги ўтовлар жим, ҳамма уйқуда.

Тун сукунатида отнинг дупури, итларнинг ҳуриши эшитилди. Қароргоҳнинг четига қўйилган қоровул зарда қилиб:

– Тўхта! Кимсен? – деди. Ўронни[1] айт!

– Ўрон – Андижон.

Қоровулнинг овози юмшади:

– Андижон бўлса келавер. Овозингдан Тоҳир чопуққа ўхшайсенми?

– Ҳа, Тоҳирмен.

– Бемаҳалда ёлғиз юрибсен?

– Мени гапга тутма. Мирзо ҳазратларига шошилинч хабар келтирдим.

Тоҳир қоронғида Бобурнинг чодирини тусмоллаб топдию, отини берироқдаги қозиққа боғлади. У аввал соқчиларни

[1] Ў р о н – парол.

ёки мулозимларни уйғотмоқчи бўлиб, чодирнинг рўпарасидаги ўтовга қараб ўта бошлади. Шунда чодирнинг ичи ёруғ эканини, эшик ўрнига тутилган парда очилиб, Бобур чиқиб келганини кўрди. Тоҳир Бобурнинг қаршисига келиб юкунди. Паст товуш билан:

– Амирзодам, мунтазир қилганим учун афв этинг, – деди. – Ёғийларингизнинг уруши энди тугади.

Бобур сабрсизланиб сўради:

– Хушхабар борми? Нечун ёлғиз қайтдингиз?

Тоҳир бошини қуйи солиб, ҳазин товуш билан деди:

– Бир қошиқ қонимдан кечинг, амирзодам!..

Бобур совуқ хабарлар изғиринини олдиндан сезгандай эти увишди:

– Қани ичкари киринг.

Савдарлар ухлаб қолган. Бобур ҳеч кимни уйғотгиси келмади. Баланд, кенг чодирнинг тўрида тўрт-бешта шам липиллаб ёниб турибди.

Бобур шам ёруғида Тоҳирга энди зеҳн солиб қаради. Чакмонининг этакларига лой сачраган. Озиб кетганидан елкалари пучайиб қолган, кўзлари ичига ўпирилиб тушган. Юзидаги чандиғи эса бўртиб, гўё аввалгидан хийла катта бўлиб кетган. Лаблари пирпираб, ўпкаси тўлиб гапирди:

– Амирзодам, Андижон ҳам Шайбонийхоннинг илкига ўтди. Беҳисоб кўп одам қирилди. Ҳамроҳим қирғинда ҳалок бўлди.

Тоҳир шунчалик чарчаган эдики, гавдаси чайқалиб, оёқ устида зўрға турар эди. Сўнгги умидидан ҳам айрилиб бўшашган Бобур кўрпача устига ўтиб ўтирди-ю, Тоҳирни ҳам ўтиришга таклиф қилди.

Тоҳир гилам устига чўккалаб ўтиргач, Бобур ундан воқеанинг тафсилотини ва Аҳмад Танбал нима бўлганини сўради.

Тоҳир Андижон яқинидаги Хўжа Катта деган қишлоқда бой бир одамга аравакаш бўлиб ёлланган, ўзининг кимлигини билдирмай бутун ҳодисаларни одамлардан сўраб билган, бойнинг шаҳардаги дўконига мол олиб борганда кўп нарсани ўзи ҳам кўрган эди. Аҳмад Танбал Андижон этагида бўлган жангда шикаст егандан кейин қўрғонга кириб бекинади. Қамал бошланади. Қўрғон ичида очлик, касаллик ва нифоқ кучаяди. Бир вақтлар Самарқандда Бобурни ташлаб, Аҳмад Танбалга ергашиб қочган бек ва навкарлар энди унинг ўзини ташлаб, Шайбонийхон томонига қочиб ўтадилар. Хоннинг қўшини де-

ворга шоти қўйиб чиқиб, қўрғонни босиб олади. Аҳмад Танбал акаси Бек Тилба, укалари ва бошқа одамлари билан аркка кириб бекинишади. Бироқ аркнинг атрофида уйлар кўп, уларга орқадан шоти қўйиб томига чиқиш осон. Аҳмад Танбал аркда жон сақлаёлмаслигини сезадию, Шайбонийхондан шафқат сўрашга қарор беради. «Йиққан барча олтинларимни ҳазрати хонга моли амон тариқасида тўламоқчимен, умрбод хизматларида бўлмоқчимен, қонимдан кечсинлар!» деб аркдан бир мўйсафидни вакил қилиб чиқаради. Аммо мўйсафид аркка қайтиб келмай йўқ бўлади. Хон аскарлари аркнинг томлари устига шоти қўйиб чиқа бошлайдилар. Талвасага тушган Аҳмад Танбал ака-укалари билан бирга аркнинг дарвозахонасига боради. Таслим бўлганларини кўрсатиш учун қиличларини бўйинларига осиб, дарвозадан ташқарига шафқат сўраб чиқадилар.

Арк дарвозаси олдида Шайбонийхоннинг ўғли Темур Султон турган экан. Навкарларига:

«Асир олма, арзимайди, қир ҳаммасини!» – деб буйруқ беради. Аҳмад Танбални ака-укаларига қўшиб, қилич билан чопиб, бурдалаб ташлайдилар. Кейин бошларини кесиб бир қопга тиқадилару Шайбонийхонга кўрсатгани олиб кетадилар.

Тоҳирнинг ҳикояси шу ерга келганда Бобур:

– Ё Худоё тавба! – деб беихтиёр ёқасини ушлади.

Сўнгги пайтларда Бобурни эзиб юрган жавобсиз саволлардан бирига ҳозир гўё момақалдироқдай ваҳимали жавоб келган эди. Хўжа Абдулладай мард, фидокор одамни қўрғон дарвозасига осиб ўлдирган Аҳмад Танбалнинг ўзи энди ўша қўрғондаги арк дарвозаси олдида итдай хор бўлиб ўлган эди! Бобур инъом қилган қилични унинг бошига разилона урган Танбал энди бошқа қиличлар зарбидан бурдаланган эди! Тоғдаги чагракларнинг бошини ваҳшийларча кесиб, хуржунга солиб келган Танбалнинг ўз бошини янада ваҳшийроқ бир тарзда кесиб, қопга солиб кетган бўлсалар, уни, албатта, хонга элтиб кўрсатганлар.

Бобур қопдан Шайбонийхоннинг оёғи тагига юмалаб тушган таниш каллаларни кўз олдига келтирди. Маҳмудхонда эшикоға бўлиб юрган Тилба Султоннинг йўғон бўйинли семиз бошини Шайбонийхон таниган бўлса керак. Аммо хон Аҳмад Танбалнинг калласини танимайди. Шайбонийхон ўзини шунча овора қилган Аҳмад Танбалнинг башарасини кўриб қўйгиси келади, аммо юзтубан тушган қонли каллага

қўл ургиси келмайди. Аҳмад Танбалнинг қонли калласини оёғининг учи билан юмалатиб ўнглаб, сийрак соқолига, суяги бўртган кенг юзига қарайди. Бобур ўзича тасаввур этган бу ҳодисадан ақли шошиб:

– Оббо! Оббо! – деб бир неча марта такрорлаб қўйди.

Бу ҳодисаларда қандайдир ўзгача бир адолат борлигини сезган Бобур бошқа воқеаларни ақлига сиғдиролмай лол бўлиб қолди. Шайбонийхон бераҳмликда Аҳмад Танбалдан ҳам ўтиб тушган-ку. Наҳотки фалак интиқом қиличини шундай шафқатсиз хоннинг қўлига бериб қўйса? Бир вақтлар Бобур орзу қилган, аммо етишолмаган улкан мақсадга – Мовароуннаҳрдаги пароканда вилоятларни бирлаштириб, ягона кучли давлат барпо этиш мақсадига – энди Шайбонийхон етишмоқдами? Наҳотки бунинг учун Шайбонийхондай маккор, золим ва шафқатсиз бўлиш керак эди? Тоҳир Андижонда хоннинг буйруғи билан бўлган қирғиннинг тафсилотини айтиб берганда Бобурнинг сочлари тикка бўлиб кетди. Мингларча аёллар, ўсмирлар, чоллар Аҳмад Танбалнинг одамлари қаторида бекордан-бекорга нобуд қилинган эди. Наҳотки ҳозирги зўрлар замонасида енгиб чиқиш учун Шайбонийхондай зўравонликлар қилиш шарт бўлса?! Бобур маърифатли шоҳ бўлишга уриниб, шеъру санъатга кўп вақт бериб, инсофу диёнатни ўйлаб, наҳотки шу туфайли Шайбонийхонга ютқизган бўлса?!

– Амирзодам, хон кишилари сизни сўроқлаб юрганларини эшитдим. Айғоқчилари ҳид олиб Сўхга келиб қолсалар ҳам ажаб эмас!

Бобур ота юртидан батамом ажралганини энди астойдил ҳис қилди. Аҳмад Танбалнинг мағлубияти булоқнинг кўзига тушган янги бир кўчки эди. Тоғнинг бу томонида булоқ қайтадан кўз очиши мумкин бўлган йўлларнинг ҳаммаси бекилди. Агар Бобур тезроқ тоғ ошиб Хуросонга кетмаса, Шайбонийхон айланиб ўтиб, унинг сўнгги йўлини ҳам бекитади!

Бобур изтироб ичида Тоҳирнинг оддий бир навкар эканлигини ҳам унутдию, унга ҳасрат қилиб гапирди:

– Хонумондин айрилганимиз озмиди? Энди ватандин ҳам жудо бўлурмизми?!

Бобурнинг кўзи ёшланганини кўрган Тоҳирнинг ҳам кўнгли бузилиб, лаблари пирпиради:

– Амирзодам, мусофирлик ғами менинг ҳам юрак-бағримни ўртайди. Бизнинг Қувалар ҳам хоннинг пошнаси тагида

мажақланди. Агар борсам мендан Фозил тархоннинг қасдини олишлари аниқ. Биз ҳам киндик қони томган жойдан айрилдик, амирзодам. Мусофирлик тақдиримизда бор экан. Сўхда ҳам мусофирмиз. Ҳисорга борсак ҳам, ундан нарига кетсак ҳам шу мусофирлик... Йўлда келаётиб ўйланиб келдим. Мен сиздан ажралмайман, амирзодам!

Тоҳир бутун нажотни одил подшоҳдан излайдиган деҳқонтабиат йигит эканини Бобур биларди.

– Лекин мен сиз кутгандек одил подшоҳ бўлолмадим! – деди Бобур. – Келгусида бўламенми-йўқми, ҳали номаълум...

Орага бир лаҳза сукунат чўмди. Ташқарида Сўх сойи гўё тун сукунатидан фиғони чиқиб шовулларди.

Чодир ичида қувғиндаги шоҳ билан унинг оддий навкари юзма-юз ўтирибди. Ватандан ажралиш мусибати олдида уларнинг ораларидаги катта фарқ гўё кичрайиб, аҳамиятсиз бўлиб қолган. Бошларига тушган кўргиликлар уларнинг тақдирларини бир-бирига ўхшаш қилиб қўйган. Шунча йил жангу жадалларда бирга юриб, қанчадан-қанча ўлим хафвларини бирга кечирган бу икки йигит бугун биринчи марта сирдошларча очиқ сўзлашмоқда эдилар. Тоҳир бошқа вақтда Бобурга айтолмайдиган сўзларини ҳозир кўнгли юмшаб, ериб турган пайтда айтди:

– Амирзодам, мен бир навкарингиз бўлсам ҳам сизга туғушқонимдек меҳр қўйганмен. Ботирлигингизгами, шоирлигингизгами, одамгарчилигингизгами, ишқилиб, менинг... сизга ихлосим зўр! Сизнинг шунча хавфу хатарлардан омон қолганингиз ҳам катта давлат!

Шу топда Тоҳир суюкли инисига меҳри тобланиб, оғир пайтда унинг кўнглини кўтараётган жонкуяр акага ўхшар эди. Дарҳақиқат, у Бобурдан етти ёш катта эди. Бобур ҳам бир лаҳза шоҳлигини унутиб, Тоҳирга худди акасига қарагандай қаради:

– Мени жуда кўп хатарлардан сиз олиб қолгансиз. Мен сиздан кўрган яхшиликларимнинг ўндан бирини ҳам қайтарган эмасмен. Сиз менга оғамдек қадрдонсиз.

– Раҳмат сизга.

– Лекин ҳозир менинг кўнглим ер билан яксон. Тақдир менга истеъдод берган, куч берган, ғайрат берган, аммо нечун бахт бермаган?!

– Бу замонда бахт ўзи йўқ, амирзодам! Ахир сиздек нодир истеъдодлар дунёга ҳар куни келмайди-ку! Нодон тождорлардан қон йиғлаган эл-юртимиз сиздек маърифатли саркардага муштоқ. Лекин бахил замона ғалабани золим хонга бериб, бизни, мана ватанимиздан ҳам жудо қилмоқчи. Илоҳим бу бахил замонанинг боғлари қуриб кетсину сизу бизнинг қадримизга етадиган яхши замонлар ҳам келсин! Энди... амирзодам, бу ердан тезроқ кетиш керак. Ҳирот ҳам бизга бегона юрт эмас. Подшоҳ Ҳусайн Бойқаро – сизнинг қариндошингиз. Менинг тоғойим мавлоно Фазлиддин ҳам Ҳиротда экан...

Бобур Хуросонга кетмай иложи йўқлигини ўйладию, ошиб ўтиши керак бўлган тоғларни кўз олдига келтирди. Узоқдан мовий тусга кириб беҳад жозибали кўринадиган бу тоғлар тик довонлардан, хатарли учмалардан ўтиши керак бўлган одамга қанчалик тунд ва бераҳм кўринади! Ҳозир Бобурнинг тасаввурида баланд чўққиларнинг асрий қорлари кафандай беҳаракат ва совуқ, ўлимдай абадий бўлиб гавдаланди.

– Хатарли йўлларда мен ўз жонимни аввал Худога, сўнг сизга ишониб топширмоқчимен. Бугундан бошлаб сиз менинг қўрчибошимсиз. Ички бекларим қаторида бўлурсиз.

– Иноятингиздан миннатдормен, амирзодам!

– Ҳозир бу иноятнинг шарафидан азоби кўпроқ. Йўлда чарчагансиз. Бориб дам олинг. Эртадан сафар тайёрлиги бошланур.

Тоҳир таъзим қилганича чиқиб кетди.

Бобурнинг уйқуси келмас эди. У яна чодирдан чиқди. Кундузги туман тарқаб кетган, лекин осмонда булут бор. Юлдузлар онда-сонда кўриниб қолади. Сўх сойи осмонни бошига кўтариб шағирлайди. Тунда тоғларнинг қораси кундузгидан ҳайбатлироқ кўринади. Бобур қоп-қора тоғларга тикилиб турганда яна кўчки босган булоқ эсига тушди. Тоғларнинг бу томонида ҳамма йўллари бекилган булоқ энди тоғларнинг нарёғидан кўз очиб чиқа олармикин? Улуғтоғдан нарида баҳайбат Помир. Ундан нарида Ҳимолай ва Ҳиндикуш...

Булоқ бу тоғларнинг ҳаммасидан ўтиб бориб, нарёқларда қайтадан кўз очиши учун қанчалик катта куч-қудрат керак!

ТАҚДИР ТАҚОЗОСИ

Иккинчи қисм

ҲИРОТ

ДОВУЛДАН ОЛДИНГИ ОСУДАЛИК

1

Хазонрез пайти. Ҳирот боғларига сув берадиган Ҳирируд дарёси ва Инжил анҳорининг қирғоқларига заъфарон япроқлар тўкилган. Қалъа ташқарисидаги машҳур Боғи Жаҳоноро, Боғи Мухтор, Боғи Зубайда, Боғи Чаманлардаги узумзор ва анорзорлар ёз бўйи кўтариб турган меваларидан айрилиб, яккам-дуккам қовжироқ барглар билан сўппайиб қолганлар.

Бироқ бу жанубий шаҳарда кузнинг хазонрез одатига бўйсунмайдиган дарахтлар ҳам кўп. Ҳиротга Қандаҳор томонидан келишда йўл бўйидаги хиёбон ва сайргоҳларда ўсган мингларча сарвлар, санобар[1] дарахтлари кузда ҳам баҳордагидек яшнаб турибди. «Ҳусайн Бойқаро ҳовузи» деб аталган улкан тошҳовуз бўйида кумушранг жажжи япроқлари қуш тилини эслатадиган баланд ва гўзал лисонуттайр дарахтлари бор – булар ҳам хазон нималигини билмайди.

Лисонуттайрнинг барглари яра-чақага дорилигини эшитган Тоҳир ҳовуздан берироқда отдан тушди-ю, жиловини ёшгина

[1] С а н о б а р – нинабарги оч ҳаворанг тусдаги гўзал қарағайсимон дарахт. Бизда масалан, Сайробда учрайди.

навкарига тутқизди. Сўнг ўзи ҳовузнинг хилватроқ томонига ўта бошлади. У доривор барглардан юлиб олиб кетмоқчи бўлиб тепадаги шохларга тикилиб бораётганда қаршидан кимдир:

– Менга қаранг, бек йигит! – деб қолди.

Тоҳир дарахтнинг йўғон танаси ортидан чиқиб келаётган мулланамо кишини кўрди. Нимасидир Фазлиддин тоғасини эслатиб, юрагини ҳаприқтирди. Аммо соқолининг узунлигию, юзининг кексанамо кўриниши Тоҳирни шубҳага солди. У одоб билан:

– Лаббай, – деб салом берди.

Тоҳирнинг юзидаги ханжар изига тикилиб турган ҳалиги киши энди унинг овозини ҳам танидию:

– Тоҳир! Жияним! – деб қичқириб юборди.

Тоҳир ҳам энди тоғойисини таниб, қучоқ очганича унга қараб отилди. Ҳовузнинг шишадай тиниқ сувида уларнинг акслари бир-бирига қўшилиб кетди.

– Ватанимнинг ҳидини олиб келган жияним! Худога шукр, эсон-омон экансен! Мавлоно Фазлиддин жиянини қучоғидан қўйдию, кўзидан юзига оқиб тушган қувонч ёшларини артиб, Тоҳирнинг кумуш камарига, беклар тақадиган қимматбаҳо ханжарига ва сақарлот чакмонига энди разм солиб қаради. Тоҳирнинг бошидаги дубулғанинг тепасида ҳам бекларга хос кичкина байроқча бор эди.

– Жияним, мартабанг ошибдими?

– Ҳа, тоға, қўрчибегимен.

– Муборак бўлсин. Илоҳим сенга ёмон бекларнинг таъсири урмасин!

– Бобур мирзо ҳам ёмон бекларидан безгандан кейин биттасининг ўрнига мени қўйди... Хўш, ўзингиз қалайсиз, мулла тоға? Келганимдан бери қидирамен. Сўроқлаб-суриштирай десам, таниш-билиш йўқ.

Ёши қирққа кирар-кирмас юзига ажин тушган мавлоно Фазлиддин маъюс товуш билан деди:

– Юрибмиз... Тупроқдан ташқарида. Худо бизни омадсиз яратган экан-да, жияним. Бу ерга келиб, энди Навоий ҳазратларининг марҳаматларидан баҳраманд бўлай деганимда, у зоти олий вафот этдилар. Катта қурилишлар Ҳусайн Бойқаро замонида ҳам унча-мунча бўлиб турган эди. Мана шу йил Ҳусайн Бойқаро ҳам оламдан ўтди. Қурилишлар тақа-тақ тўхтаган. Бизга ўхшаганларга яна иш йўқ!

– Ундай бўлса, Бобур мирзога бир учранг.

– Бобур мирзо ҳам бу ерда меҳмон... Мени қабул қиладими-йўқми? Орада нозик гаплар ўтган.

Тоҳир мавлоно Фазлиддин билан Хонзода бегим орасида бўлган мураккаб воқеаларнинг чет-ёқасини эшитган эди.

– Бўлмаса, аввал мен у кишини холи топиб, сиз тўғрингизда гап очиб кўрайми, мулла тоға?

– Майли, буни кейин яна маслаҳатлашурмиз. Оббо жияним-ей! Мен Бобур мирзонинг Ҳиротга келганларини эшитганимдан бери сен ҳам бормикинсен, йўқмикинсен, деб ҳар бир навкарга кўз тикиб юрган эдим... Қани енди, юр, уйга борайлик! Агар сенга мана бу доривор япроқлар керак бўлса, уйдан топиб бераман. Бизнинг боғчада ҳам шу дарахтдан бор.

– Боғчада... бир ўзингизмисиз ёки уйландингизми, мулла тоға?

– Уйланганмиз, жиян. Навоий ҳазратлари маслаҳат бердилар. У кишида боғбон бўлган дуруст бир одамнинг қизи бор экан...

– Муборак бўлсин! Фарзандлар ҳам борми?

– Ҳа, бир ўғил, бир қиз.

– Э, ажойиб-ку! Ундай бўлса, мен уйингизга тўёналар билан борурмен!

– Ўзингни кўрганим минг тўёнадан афзал, жиян! Қани, юр!

Тоҳир бир неча қадам юрди-ю, кейин ниманидир эслаб, осмонга қаради. Офтоб оғиб борар эди.

– Мулла тоға, уйингиз яқинми?

– Йўқ, узоқроқ. Шаҳар четидаги Назаргоҳ маҳаллотида. Нима эди?

– Мен ҳозир бир соатдан сўнг хизматда бўлмоғим керак эди. Подшоҳ буюрган эди.

– Оббо!.. Ундоқ бўлса... Шу ерда бирпас ўтирайлик. Мен сал дийдорингга тўяй! Ўзинг қалайсен, жияним, уйланганмисен?

Тоға-жиян ҳовуздан четроқдаги тош курсига бориб ўтирдилар. Тоҳир Робияни қандай топганини айтиб бердию:

– Кобулга келиб битта ўғилча кўрдик! – деди. – Отини Сафарбек қўйдик.

– Э, хайрият! Мен бир вақтлар ҳамма нарсадан умидимни узган эдим. Сени ҳам қайта кўролмасмен, деб ўйлаган эдим. Бош омон бўлса, ҳаммаси ўтар экан... Сен билан биз-ку, қутулиб келдик-а! Андижондагиларнинг аҳволи не бўлди?

– Буни сўраманг, мулла тоға! Шайбонийхоннинг қирғини кечалари тушимга кирса, босинқираб чиқамен!.. У ёқда роса абгор бўлиб, икки юз қирқтагина одам билан Хуросонга қараб жўнадик. Ҳисор тоғларининг орасида роса қийналдик. От-уловлар ўлиб-сўйилиб тамом бўлган. Бобур мирзо ҳам отини онасига бериб, ўзи пиёда юради. Оёқларимизда чориқ. Қўлларимизда таёқ. Турадиган жойнинг тайини йўқ. Биров бери кел, демайди. Арзимаган амалдорлар Бобур мирзодай одамга беҳурматлик қилиб «Йўлларингдан қолманглар, Ҳисордан тезроқ ўтинглар», дейди. Бизнинг ғазабимиз келиб, қўпол гапирган амалдорларни чопиб ташласак, деймиз. Лекин Бобур мирзо: «Бардош қилинглар, тезроқ Амударёдан ўтиб олайлик», деб шоширади.

– Лекин шоширганича бор экан-да, жиян. Сизлардан сал кейин Шайбонийхон Ҳисорни ҳам босибди-ку.

– Ҳа, кейин билсак, Бобур мирзо узоқни ўйлаб шундай қилган эканлар. Ҳисор подшоси Хисравшоҳ умрида бир мушук билан ҳам урушиб кўрмаган қўрқоқ одам экан. Бекларнинг кўпчилиги ундан норози экан. Бобур мирзога махфий одамлар юбориб: «Келинг, Ҳисорни сизга берайлик!» дер эканлар. Лекин Бобур мирзо фитнага аралашмади. «Келинг», деган ҳалиги бекларга: «Хоқон бўлсаларинг ўзларинг келинглар», деб яхши гаплар айтиб одам юбордилар. Биз Амударёдан бу ёққа ўтганда, Шайбонийхон Ҳисорга бостириб кирибди. Қўрқоқ Хисравшоҳ хон билан жанг қилишга юраги бетламай, пойтахтни ташлаб қочибди. Унинг ўттиз минг қўшини тарқаб кетибди. Ўзингиз биласиз, мулла тоға, бундай пайтда беклар номи улуғроқ бир подшоҳ излаб қолишади. Бобур мирзо Шайбонийхон билан дадил жанг қилгани, бирда енгилган бўлса, бирда уни енггани эсларига тушади. Илгариги эшикоға Қосимбек ўша пайтда Ҳисор қўшинининг орасида эди. Унинг Бобур мирзога ихлосмандлигини биласиз. Хуллас, ини бузилган арига ўхшаб тарқалган Ҳисор қўшини Амударё бўйида бизга келиб қўшилаверди. Энг аввал Боқибек Чағониёний дегани тўрт юз аскари билан келди. Бобур мирзо унга кутганидан зиёда ҳурмат кўрсатди. Боқибекни энг баланд мартабали эшикоға қилиб қўйди. Кейин Хисравшоҳнинг бошқа бекларию, навкарлари кетма-кет келиб бизга қўшилаберди-да. Ўзимиз дарёдан икки юз қирқтагина одам ўтган эдик. Бир ой ичида тўрт мингга етдик...

Мавлоно Фазлиддин жиянининг сўнгги йилларда бир қадар ўзгариб қолганини энди аниқроқ сезди. Тоҳир илгари бунчалик сўзлай олмас эди. У гапдон аслзодалар орасида кўп юриб, мулозимларга хос мураккаб иборалар ишлатишга ўрганган эди.

Биз Кобулга келсак, арғин деган уруғдан Муқимбек ҳоким бўлиб ўтирган экан. Тахт даъво қилишга ҳақи ҳам йўқ, биз билан олишадиган кучи ҳам йўқ. Кобулни бизга жангсиз берди. Кейин Ҳусайн Бойқародан Бобур мирзога хат берди. «Черик билан келинг, Шайбонийхонга қарши иттифоқ бўлиб чиқайлик», дебди. Отда қирқ кун юриб шунча жойдан келсак, Ҳусайн Бойқаро оламдан ўтибди.

– Бир жиҳатдан Кобулни пойтахт қилиб, бу ерга обрў билан келганларинг яхши бўлибдир, жияним. Акс ҳолда, Ҳусайн Бойқаронинг калондимоғ ўғиллари Бобур мирзони писанд қилмаган бўлур эди.

– Лекин ҳозир ҳурматимиз жуда жойида. Шаҳар ҳокимини бизга қўшиб қўйганлар. Ҳиротни айлантириб роса томоша қилдирди. Катта даргоҳларда ҳар кун зиёфат. Бугун кеч Бобур мирзо яна саройга боришлари керак эди...

Тоҳир осмонга кўз ташлаб, офтобнинг анча пасайиб қолганини кўрди-ю, безовталаниб ўрнидан қўзғалди:

– Мулла тоға, мен кеч қолсам бўлмас. Сизнинг уйингизга эртага борсам майлими? Қандай топиб борамен? Шуни айтинг.

Улар Тоҳирнинг отини жиловидан тутиб турган навкарнинг олдига боргунларича мавлоно Фазлиддин уйининг қаердалигини Тоҳирга батафсил тушунтирди. Тоҳир отининг жиловини навкарининг қўлидан олар экан:

– Мулла тоға, отингиз қани? – деди.

– Жияним, мен пиёда юрамен.

– Уйингиз узоқ бўлса ҳам-а?

– Ўрганиб кетганмен.

Тоҳир тоғасининг камбағаллашиб қолганини энди сездию, отининг кумуш безакли юганини мавлоно Фазлиддинга тутқазди:

– Бўлмаса мана шу от сизники.

– Ўзинг-чи, жияним?

– Отхонада менинг яна иккита отим турибди. Мининг!

Тоҳир тоғасини қўймасдан отга миндирдию, белига қистирилган қимматбаҳо қамчини ҳам тоғасига берди.

– Сиз Ўшда менга миндириб юборган отнинг қулуни бу, мулла тоға. Ўшанда мени бошдан-оёқ кийинтирган эдингиз-а, эсингиздами?

– Э, бош омон бўлса дўппи топилади, жиян! Буни эслатиб ўтирма.

«Аммо эртага келин аямга ҳам, болаларига ҳам бош-оёқ кийимлик олиб бориб, тоғамни яна бир суюнтиришим керак!» деди Тоҳир ўзича.

Иккинчи от устида ўтирган ёшгина навкар нима бўлаётганига унчалик тушунмаса ҳам тоға-жиянга анграйиб қараб турарди.

Мавлоно Фазлиддин хўшлашиб кета бошлади. Тоҳир навкарига қараб шипшиди:

– Фаросатинг борми?

Бекни пиёда қолдириб, навкарнинг отлиқ туриши чиндан ҳам одобга тўғри келмас эди. Ёш навкар буни эртароқ сезмаганидан изза бўлиб отдан сакраб тушди ва жиловини Тоҳирга тутди:

– Афв этинг, бек жаноблари.

Мавлоно Фазлиддин ўгирилиб қарадию, Тоҳир навкарнинг отида бекларча савлат тўкиб бораётганини, навкар эса унинг ёнида йўрғалаб пиёда кетаётганини кўрди. Навкардан чиққан баъзи беклар обрўталаб бўлиши мавлононинг эсига тушди. «Ишқилиб, Тоҳир ўшаларга ўхшамасин-да!» деб қўйди ичида.

2

Бугун ўн етти кундирки, Бобур Ҳиротда Алишер Навоий истиқомат қилган муҳташам Унсияда[1] яшайди. Унсиянинг баланд пештоқлари, нилий гумбази, офтобда жилоланган ранг-баранг кошинлари Бобурга Самарқанддаги Улуғбек мадрасасини эслатади. Лекин Унсиянинг тўрт томонидаги тўрт минораси Улуғбек мадрасасиникидан баландроқ, бинонинг ҳажми ҳам каттароқ эди. Ўзи бундан ўн беш йилчагина олдин қуриб битирилган, ҳали ҳамма безаклари яп-янги эди.

Унсиянинг ичидаги хоналардан бир қанчасини Навоийнинг шахсий кутубхонаси эгаллаган. Бобур кутубхонадаги китобларни варақлаганда, уларнинг баъзи жойларида улуғ шоир-

[1] У н с и я – «Дўстлик уйи» демакдир.

нинг дастхатини кўрдию, Самарқандда ундан олган мактубни эслади. Навоийни кўришга муяссар бўлолмагани учун юрагини маъюс туйғулар чулғади. Кутубхона эшиги олдига чиройли бир жавонга ўхшаш катта соат қўйилган. Белгили вақтларда бу соатнинг тепасидаги жажжи ҳайкалча ҳаракатга келадию, олтин болғачалар билан оҳангдор қилиб занг чалади. Бундай соат ясаш ғоясини соатсозга Навоийнинг ўзи айтиб, махсус буюртма берган эди. Кейин Ҳиротда «Алишерий» деб аталадиган занг чалувчи соатлар расм бўлиб кетган эди.

Бобур кутубхонадан чиқар экан, устма-уст занг чалаётган соатга қараб туриб, ўзича ўйланди: «Ажаб! Алишербекнинг ўзлари вафот этган бўлсалар ҳам ихтиролари тирик. Умри соний шулмикин? Бу соат ўз эгасининг иккинчи умрини ўлчаб занг чалмоқдамикин?»

Унсиянинг ич-ташида бу бинони қурган ва унда ҳаётининг охирги кунигача яшаган ноёб инсоннинг руҳи кезиб юрганга ўхшарди. Бобур Навоийнинг қўли теккан эшикларни эҳтиёт билан очар, мармар зиналарда унинг кўзга кўринмас изларини босиб ўтаётганини ҳис қилиб, мумкин қадар секин қадам ташлар эди.

Ҳовлида тошҳовуз бўйидаги чинорлар тагида фаррош йигит хазон супурмоқда эди. Бобур икки томонида тўқ яшил шамшод дарахтлари қатор турган чиройли йўлкага бурилди. Бу ерда уни Навоийнинг шогирди Хондамир ва унинг энг яқин надимларидан[1] Соҳиб Доро кутиб турар эдилар. Ҳасса таянган кекса Соҳиб Доро Бобур билан кўришаётиб:

– Амирзодам, – деди. – Ҳазрат Мирнинг вафотларидан бери Унсия руҳсиз танадек эди. Сиз келганингиздан сўнг бу танада янги жон, янги руҳ пайдо бўлди!

Ёши ўттизларга борган тийрак кўзли Хондамир Бобурга синовчан назар билан кулимсираб тикилди: «Андижондан келган йигирма тўрт ёшлик шаҳзода бу муболағали гапга яраша камтарона жавоб топармикин?»

Қалби эзгу ва маъюс туйғуларга тўлиб турган Бобур шоирона ўхшатишлар қилиб ўтиргиси келмай жўн жавоб берди:

– Мавлоно, ҳазрат Алишернинг маконлари менинг ўзимда янги бир руҳ пайдо қилди. Бу ерда мен санъату маърифатнинг ҳали умримда кўрмаган камолотини кўр-

[1] Надим – қурдош-суҳбатдош.

моқдамен. Хондамир Бобурнинг жавобидан қаноатланган-дек мамнун бош ирғади. Соҳиб Доро ҳам:

– Сиз ҳақсиз, амирзодам, – деди. – Ҳазрати Мир неки яратган бўлсалар, ҳаммасида ўзларининг олий руҳларидан бир нишона қолдирмишлар. Мана бу минораларга бир назар ташланг!

Бобур учи осмондаги оқ булутларга тегай деб турган баланд кошинкор минораларга тикилди.

Одатда, юксак минораларнинг одам чиқиб атрофга қарайдиган усти ёпиқ ҳалқаси, яъни шийпончаси энг тепасида бўлади. Унсия минораларида эса тепадаги ҳалқадан ташқари ўрта белида ҳам махсус ҳалқалар бор эди. Соҳиб Доро бунинг сабабини айтди:

– Ҳазрати Мир Ҳирот манзараларига баланд бир жойдан қараб ўлтириб ҳордиқ чиқарар эдилар. Кексайган пайтларида минора тепасидаги ҳалқага чиқишлари мумкин бўлмай қолди. Шундан сўнг меъморга ўзлари айтиб, пастроққа ҳам ҳалқа қурдирдилар.

– Илож бўлса, шу ҳалқалардан бирига биз ҳам чиқсак, – деди Бобур.

– Бажонидил!

Соҳиб Доро Бобурни Хондамир билан бирга ғарбий минорага томон бошлади. Аммо минора ичидаги тик, айланма зиналардан чиқолмаслигини айтиб, ўзи пастда қолди. Миноранинг ўрта ҳалқасига Бобурни Хондамир бошлаб чиқди.

Улар атрофга кўз югуртиришди. Узоқда қорли Мухтор ва Искалжа тоғлари. Пастда куз кириб, суви жилдираб қолган Инжил анҳори. Унинг чап соҳилида машҳур Гавҳаршодбегим мадрасаси савлат тўкиб турибди. Навоий қурдирган Ихлосия мадрасаси Инжилнинг ўнг қирғоғида – Гавҳаршодбегим мадрасасига юзма-юз тушган эди. Ихлосиядан нарида беморлар даволанадиган, айни вақтда, мударрислар ёшларга тиббиёт илмини ўргатадиган Шифоия номли шифохона-мадраса. Ундан нарида улкан гумбазли Халосия хонақоҳи. Катта бир маҳалланинг ўрнини оладиган жой Алишер Навоий қурдирган нодир обидаларга тўлиб, Ҳиротнинг салобатига салобат қўшган эди.

Шаҳарнинг нариги ёқларида ҳам мовий тоғларга ўхшаб юксалиб турган минора ва гумбазларнинг кўплиги Бобурга бирдан Самарқандни эслатдию, юрагини дард аралаш соғинч туйғуси чулғади.

– Мавлоно, – деб Бобур Хондамирга юзланди. – Ҳирот обидаларини қурган меъморлар орасида Мовароуннаҳрдан келганлари ҳам бормиди?

– Амирзода, Сиз Ҳиротда Самарқанд сайқали ҳам борлигини сезиб турганга ўхшайсиз.

– Ҳа, саволимнинг боиси ҳам шу.

– Ҳиротнинг кўп улуғ зотлари Самарқандда таҳсил кўрмишлар. Улар Самарқанд сайқалини қалбларида олиб келмишлар, яна Мовароуннаҳрдаги фаторатлардан безиб қочган талай истеъдодлар Ҳиротга келиб, ҳазрат Алишердан паноҳ топмишлар. У олий зотнинг фазилатлари беҳисоб эди. Лекин фақирга энг улуғ туюлган фазилатлари – ҳазрат Мирнинг истеъдодшуносликлари-ю, заковатпарварликлари эди. Улуғ ишларини улуғ истеъдодларсиз қилиб бўлмаслигини ҳазрат Алишер яхши билур эдилар. Шунинг учун ҳамиша эл-улус орасидан нодир истеъдодлар излаб ўтдилар. Ёнларида юрган надимларига, мусоҳибларига, биз каби шогирдларига айтар эдиларки, бахиллик доим нурсиз, лаёқатсиз, истеъдодсиз одамлардан чиқур. Хусусан, олий жамиятда лаёқатсиз бахиллар доим истеъдодларнинг йўлини тўсурлар, Худодод заковатларини юзага чиқармай, хайф қилурлар, бундан бутун халқ зарар кўрур. Дунёдаги энг машъум бахиллик истеъдодларнинг йўлини тўсгувчи бахилликдир. Дунёдаги энг олий саховат эса нодир истеъдодларни юзага чиқарувчи саховатдир.

– Айни ҳақиқат! – завқланиб хитоб қилди Бобур.

Хондамир бу хитобдан руҳланиб, овозини хиёл кўтариб давом этди:

– Биз бирон сафардан қайтсак ёки ҳазрат Алишерга бир-икки кун кўринмай юриб, кейин ҳузурларига келсак: «Қани, хўш, яна қандай ажойиб истеъдод учратдингиз?» – деб сўрар эдилар. Биз учратган нодир истеъдодларнинг баъзилари ўн беш-ўн олти ёшлик ўспиринлар бўлар эди. Ҳазрат Алишер: «Бўладиган бола ўн беш ёшида бош бўлур, бўлмайдиган одам қирқ ёшида ҳам ёш бўлур», дер эдилару топилган истеъдод ўспирин бўлса ҳам ҳузурларига чорлар эдилар. «Соҳиб Доро истеъдодли шоир Зайниддин Восифийни ўн беш ёшида ҳазрат Мирнинг ҳузурига келтирган эди. Ҳазратнинг саховатларидан баҳраманд бўлган бу ёш шоир жуда тез улғайиб, бутун Ҳиротга машҳур бўлди. Улуғ мусаввир Камолиддин Беҳзод ҳам ёшликдан ҳазрат Мирнинг

тарбиялари билан улғайдилар. Шоир Ҳилолий, хаттот Султон Али Машҳадий ҳам ҳазрат Алишер кашф этиб, тарбият қилган истеъдодлардандир. Кўз ўнгимизда турган Ҳирот сўнгги ўттиз-қирқ йил мобайнида аввалгидан ўн баробар гўзалроқ, улуғворроқ бўлиб кетганини барча фозил кишилар айтурлар.

– Сўзингиз чин, мавлоно. Мен кўрган рубъи маскунда[1] Ҳиротдек шаҳар йўқдир!

– Амирзодам, бугунги Ҳиротни шунчалик гўзал, шунчалик улуғ қилганлар – эл-улус орасидан чиққан истеъдодлар эмасми?

– Рост! Кўз ўнгимизда турган барча нодир обидалар – улуғ истеъдодлар хазинасидан чиққан гавҳарлардир.

– Лутф қилдингиз, амирзодам. Ҳазрат Алишер – гавҳардай бебаҳо истеъдодлар хазинасини очган энг улуғ кашфиётчи эдилар. Буни султон Соҳибқирон Ҳусайн Бойқаро ҳам тан олган эдилар. Эшитгандирсиз, амирзодам, ҳазрат Алишер билан Ҳусайн Бойқаронинг ораларига нифоқ солган бахиллар кўп эди. Маълумингизким, султон Ҳусайн мастликда кўп ёмон ишлар ҳам қилган эдилар... Аммо ичмай юрган таъблари тиниқ кунларда ҳазрат Алишерга шундоқ эҳтиромлар кўрсатар эдиларки, ҳаммамиз ҳайрон қолар эдик.

Бобур Хондамирнинг завқли бир воқеани эслагандек мамнун кулимсираганини кўрди-ю, унинг ҳикоясини кутиб, юзига тикилди.

Хондамир ҳали йигит ёшида бўлса ҳам кўп ўтириб ишлаш оқибатида бироз семириб қолган тўла гавдали ўрта бўй киши эди. У гўштдор бармоқлари билан қошининг устини силаб қўйди-ю:

– Ҳазрат Алишер «Хамса»ларини битириб Султон Ҳусайн Бойқарога ўқишга бердилар, – дея ҳикоя қила бошлади. – Султон Ҳусайн таъби назми ўткир зот эдилар. «Хамса»ни ўқиб ҳазрати Алишерни саройларига чақирмишлар, бутун аъёнлари олдида табрик айтмишлар. Султон Ҳусайннинг яхши кўрган бебаҳо бир оқ отлари бор эди. Мирохурга: «Ўшал отни келтиринг!» – деб буюрмишлар. Мир ҳазратлари ҳайратга тушиб: «Менга от инъом қилмоқчиларми? – деб ўйламишлар. Отни келтиргунларича подшоҳ Мир Алишерга қараб: «Энди сиз шеъриятда менга устоз пирсиз, мен сизга му-

[1] Рубъи маскун – Ер юзининг инсон яшай оладиган тўртдан бир қисми. Бу ерда дунёнинг инсон обод қилган қисми.

рид бўлмоқчимен», деганлар. Мир Алишер изтироб билан эътироз қилганларки: «Ҳазратим, сиз подшоҳдирсиз, сизга мен мурид бўлмоғим керак». Шу аснода оқ отни олтин анжомлари билан келтирурлар. Султон Ҳусайн кулиб туриб сўрабдилар: «Мурид пирнинг амрини бажармоғи керакми?» Мир Алишер, албатта, тасдиқ жавоб бермишлар. Шунда подшоҳ у олий зотга айтмишларки: «Бўлмаса, мана шул отга мининг!» Шоҳнинг амри вожиб. Мир Алишер отга яқинлашурлар. Оқ отнинг бир феъли бор экан: Султон Ҳусайндан бошқа одам минмоқчи бўлса, беланглаб қўймас экан. Мир Алишер яқинлашганда от беланглашга тушмиш. Шунда Султон Ҳусайн отни жиловидан олиб: «Тинч тур!» – деб ўшқирурлар. От тинчлангач, ҳазрат Мир унга минурлар. Сарой аҳли: «Энди нима бўларкин?» деб нафасларини ичларига олиб сукутга кетмиш. Султон Ҳусайн отнинг жиловини иликларидан қўймай ҳовли бўйлаб юриб кетмишлар. Ҳамма ҳайрон. Шунда подшоҳ от устидаги ҳазрат Алишерга айтурларки: «Туркий тилда биринчи бўлиб ёзган улуғ «Хамса»нгиз учун мендек Султон Соҳибқирон сизга жиловдор мурид бўлса арзир!» Сарой аҳли бу сўзни эшитиб, лол бўлиб қолмиш. Ҳазрат Алишернинг ўзлари шу даражада мутаассир бўлмишларки, ҳушларидан кетиб қолмишлар. Кейин мулозимлар чопиб бориб ҳазратни отдан тушириб олмишлар... Ана, амирзодам...

– Фикрингизга тушундим, мавлоно, – деди Бобур ўйчан товуш билан. – Қаердаки бахиллар истеъдодларга завол келтиролмасаю, сахийлар йўл оча олса, ўша жой бугунги Ҳирот каби камолот чўққисига кўтарилар экан.

Хондамирнинг кўнглидаги гапни Бобур бунчалик яхши топиб айтгани мавлонога ғалати таъсир кўрсатди. Хондамир Бобурда ўзининг маслакдошини топгандай қувониб:

– Тасанно, амирзодам! – деди. – Ўшал улуғ зотлар даврида Ҳиротнинг камолот қуёши осмоннинг энг баланд нуқтасига чиққани рост! Лекин... афсуски, қуёш энг баланд нуқтадан сўнг пастга оғар экан. Сўнгги йилларнинг мудҳиш воқеаларини кўриб, қалбимни бир ваҳм титратур: «Ҳиротнинг толе қуёши аста-секин оғиб тушмасдан, бирдан зулмат қаърига қулаб кетса... унда не қилғаймиз?

Хондамир Мовароуннаҳрдаги тўполонлар ва қирғинлар Шайбонийхоннинг қўшини билан бирга Ҳиротга ҳам яқинлашиб келаётганини сезгани учун шу изтиробли саволни

берган эди. Унинг назарида, бу саволга Шайбонийхон билан юзма-юз олишган Бобургина жавоб бериши мумкин эди.

– Изтиробингиз бежиз эмас, мавлоно, – деди Бобур. – Ҳиротдаги бугунги осойишталик даҳшатли тўфон олдидан бўладиган муваққат сокинликни эслатур. Тошкент ҳам мен сўнгги марта борганимда, худди ҳозирги Ҳиротга ўхшар эди. Мен минг балоларни бошдан кечириб, жаҳаннам қаъридан чиқиб борган эдим. Марҳум тоғойим Маҳмудхонга: «Бу балолар сизнинг ҳам бошингизга тушмасин, бирга чора топайлик», деганимда истеҳзо қилиб кулган эди. Раҳматли сиз айтган истеъдодсиз, лаёқатсиз тождорлардан эди... Хийла бахиллиги бор эди... Маҳмудхон ахийри Шайбонийхоннинг оёғи тагида қандоқ топталганлиги маълумингиздир.

– Наҳотки, ўша ҳодисалар Ҳиротда яна такрорланса, амирзодам?

Бобур Ҳиротнинг шимоли-ғарбида ғубор ичида кўринаётган Соқи Салмон чўлининг хира уфқига тикилиб, ўйланиб қолди. У Ҳиротга темурийларнинг бошини қовуштириб, Шайбонийхонга қарши мустаҳкам иттифоқ тузиш учун келгани, бу мавзуда қарийб йигирма кундан бери музокара бораётгани Хондамирга маълум эди. Бобур тезда жавоб беравермагач, Хондамир андиша қилиб деди:

– Амирзодам, музокаралар махфий бўлса, фақир давлат сирларини билишга ҳаққим йўқ. Фақат...

– Мавлоно, минора устида биз фақат иккимиз турибмиз. Менинг сиздан яширадиган сирим йўқ. Ҳирот тахтида икки оға-ини бирга подшоҳлик қилишларини билурсиз.

– Ҳа, асли ўзи тахт Бадиуззамон мирзоники эдию, лекин Хадича бегимнинг тарафдорлари Музаффар мирзони иккинчи подшоҳ қилиб кўтардилар. Тарихда ҳаргиз мисли кўрилмаган ҳодиса.

Хондамирнинг бу ҳодисадан норози эканлиги сезилиб турарди. Бобур босиқ товуш билан сўзида давом этди:

– Ҳар икки подшоҳларингиз ҳам меҳмондўстликда, суҳбатдорликда, ораста базм ўтказишда беназирлар. Аммо жангу жадалга хоҳишлари йўқми, ҳар қалай, Мурғоб бўйида учрашганимизда ғалати бир ҳодиса бўлди. Хоннинг бир пора қўшини Хуросоннинг Чечекту навоҳисини[1] босгани тўғрисида хабар келди. Хоннинг ўзи Амударёдан нарида эди. Хондан

[1] Навоҳи – кичик ўлка, туман.

кўра биз турган жой Чечектуга яқинроқ эди. Мен таклиф қилдимки, Чечектуни беш-олти юз кишилик ёғий босган бўлса, дарҳол отланиб уларнинг ўзларини босмоқ керак. Токи хон қўшини Хуросонга осонликча келолмайдиган бўлсин. Бадиуззамон мирзо инилари Музаффар мирзони Чечектуга юбормоқчи бўлдилар. Маълумингизким, ҳар икковларининг ўз эшикоғалари, ўз мулозимлари, ўз черикларию алоҳида саркардалари бор. Музаффар мирзо жанг кўрмаган йигит. Чечектуга боришга журъат қилмади. «Ҳазрат оғам борсалар, биз бошқа чегаралар ҳимоясида бўлурмиз», деди. Бадиуззамон мирзо: «Мен жангда нобуд бўлсам, бу тахтни ёлғиз ўзи эгаллайдими?» деб ўйлади назаримда, Чечектуга боргиси келмади. Кўп сансалор бўлгандан сўнг мен айтдимким: «Ижозат бергайсизлар, мен йигитларим билан бориб, Чечектуни ёғийдан озод қилишга уриниб кўрай». Оға-ини бир-бирларига қарадилару эл-улусдан номус қилдилар. «Сиз меҳмонсиз» деб, мени бу ниятимдан қайтардилар. Қўймасдан Ҳиротга бошлаб келдилар. Чечекту ёғий илкида қолди.

Хондамир куюниб «уҳ» тортди:

– Бу ҳаммаси – Хуросондан толе юз ўгираётганининг нишонаси! Амирзодам, бошимиз устида қандай балолар тўпланаётганини бизнинг подшоҳларимиздан кўра сиз яхши билурсиз. Чунки барчасини ўз кўзингиз билан кўрмишсиз. Биз бу ҳақда мавлоно Беҳзод билан ҳам кўп гаплашдик. Ҳиротнинг барча жонкуяр фозил кишилари умид кўзини сизга тикканлар. Хатар қанчалик кучли эканлигига шояд подшоҳларимизни ишонтирсангиз. Барча яхши кучлар бирлашса-ю, шояд фалокатнинг олдини олишга муяссар бўлсалар.

Бобур миноғадан пастга тикилиб:

– Билмадим, мавлоно, – деди. – Бугун-эрта подшоҳлар билан яна шу ҳақда гаплашмоқчимен.

– Илоҳим, кушойиши корингизни берсин-у музокарангиз биз истагандек тугасин, амирзодам!

Бобур ташаккур айтиб, минора зинапоясига томон йўналди. Пастга тушаётиб, Ҳирот қалъасининг ичида – баланд тепалик устида турган улкан аркка нохуш назар ташлади.

3

Куз илиқ келгани учунми, Ҳирот тождорлари ҳали ҳам қалъа ташқарисидаги боғларда яшамоқда эдилар. Шаҳарнинг шимоли-шарқидаги Қипчоқ дарвозасидан нарида Шоҳрух мирзо даврида машҳур бўлган Боғи Сафидда Музаффар мирзо Бобур шарафига катта зиёфат берди. Ҳиротнинг энг зўр пазандалари тайёрлаган ғизол[1] кабоблари, иштаҳа очувчи нордон очарлар[2], моҳича номи билан машҳур бўлган ўта нозик хуштаъм суюқ ошлар Музаффар мирзо ўз меҳмони билан ўтирган тиллакори кўшкнинг юқориги қаватига кетма-кет олиб чиқилмоқда эди. Созандалар пойгакроқда ўтириб, қонун ва удда, ғижжак ва найда этни жимирлатувчи куйлар чалишарди. Ҳиротнинг машҳур ҳофизлари овозларини унча баланд кўтармасдан, юракнинг қат-қатига сингадиган сокин майин товуш билан ашула айтишар, бу ҳаммаси Бобурга жуда улуғвор бир санъатнинг намунаси бўлиб туюларди.

Базм авжига чиққанда соқий Бобур қаршисига келиб, бир тиззасини гиламга тираб чўккалади, сўнг йигирма йилдан бери хумда куч йиғиб ётган ва бугунги зиёфат учун очилган тиниқ хушбўй майи нобдан суроҳийга қуйди-да, Бобурга узатди. Бобур ҳали май ичмаган эди. Аммо ҳозир эшитган куй ва ашулаларининг таъсирида бирдан унинг май ичгиси келдию, ўнг ёнидаги Қосимбекка қаради.

Оббурдонда Бобурдан ажралиб Ҳисорга кетган Қосимбек Қавчин бултур Кобулда барча навкари билан бирга Бобур хизматига қайтиб келган ва яна унинг энг яқин маслаҳатгўйига айланган эди. Қосимбекнинг ўзи умрида май ичмаган Худотарс киши бўлгани учун Бобурни ҳам ичкиликка йўлатгиси келмас эди.

– Амирзодам, – шивирлади Қосимбек. – Бадиуззамон мирзонинг чоғир мажлисида май таклиф қилганларида ичмаган эдингиз. Бу ерда ичсангиз, нариги мирзо эшитиб кўнглига олмасмикин?

Бу сўзлар Бобурни сергаклантирди. У битмай ётган мураккаб ва чигал ишларини эслади-ю, Музаффар мирзога қараб:

[1] Ғ и з о л – кийикнинг Хуросонда кўп учрайдиган бир тури.

2 О ҳ а р – зира ва сирка қўшиб тайёрланган гўштли таом.

– Фақирни маъзур тутинг, мирзо ҳазратлари, – деди. – Мен умримда май ичмаганмен! Музаффар мирзо Бобурнинг май ичишдан қўрқаётганини сезиб, қаҳ-қаҳ уриб кулди. Унинг анчагина кайф қилгани шу беандишароқ кулгисидан билинди:

– Амирзодам, наҳотки бутун Андижону Самарқанд май завқидан бехабар бўлса?

– Мирзо ҳазратлари, май завқи Самарқанду Андижонда ҳам керагидан ортиқ. Аммо фақир бошқа завқлардан ортмас эдим. Узримни ҳазрат оғангиз Бадиуззамон мирзо қабул қилган эдилар... Фақир андеша қилмоқдамен...

Бадиуззамон мирзо тилга олингач, Музаффар мирзо ҳам жиддийлашди. Бобурнинг андишаси унга асосли туюлдию, соқийга: «Бас, қистама!» ишорасини қилди. Базмда Бадиуззамон мирзонинг эшикоғаси Зуннунбек арғун ҳам бор эди. Соқий подшосининг ишораси билан Бобурга қуйилган майни ўша Зуннунбекка берди.

Одамларнинг кайфи ошган сари базм қизиб борар, баъзи беклар ҳам ўртага чиқиб рақс қилишар, Мир Сарбараҳна, Бурҳон гунг деган машҳур қизиқчиларнинг аскияларидан кўтарилган қаҳқаҳалар шифтдаги нақшларни ҳам титратаётгандай бўлар эди.

Ҳусайн Бойқаронинг ўлимига ҳали кўп вақт бўлмаган. Ҳирот хафв остида турган оғир бир вазиятда шунчалик хушчақчақ базм ўтказилаётгани Бобурдан ҳам кўра Қосимбекнинг ғашини келтирмоқда эди. Қосимбек кулги, шовқин орасида Бобурга шивирлади:

– Бу ширакайф шоҳ билан энди музокара қилиб бўлмас. Бунинг ихтиёри онаси Хадича бегимда эмиш. Ҳозир бегимнинг ҳузурига чиқайлик, амирзодам.

– Зиёфат тугамасдан чиқиб кетсак, беҳурматлик бўлмасми?

– Қулингиз келишиб қўйганмен. Бегим ўз қасрларида бизга мунтазирлар. Аскиячилар мусобақаси тугаб, кулгилар босилгач, Бобур Музаффар мирзодан ҳазрат бегимнинг ҳузурларига бориш учун ижозат олди.

* * *

Оқ мармардан қурилган уч қаватли улкан қасрда ўнлаб олтин қандиллар ёнмоқда эди. Бобур, Қосимбек, Зуннунбек ва уларни бошлаб бораётган Бурундуқбек зиналарга тўшалган майин гулдор пояндозлардан товушсиз қадам ташлаб, учинчи қаватга кўтарилдилар. Қасрнинг деворларига Шоҳрух мирзо ўзининг санъаткор ўғли Бойсунқур мирзо учун ишлатган гўзал расмлар ҳали оҳори тўкилмай яп-янги турар эди. Хадича бегим Бобурни қасрнинг муҳташам қабулхонасида кутиб олди ва олти оёғи ҳам қуйма олтиндан ишланган, устига яхлит садаф қопланган миз ёнига ўтқазди. Салобатли, хушқомат бегимнинг орқароғида – қабулхонанинг энг кўзга кўринарли жойида бир туп атиргул ярқираб турибди: поялари олтиндан, барглари зумраддан, тўқ қизил гуллари ёқутдан. Гул шохига қўниб турган кичкина олтин булбулнинг тумшуқчасида – дон ўрнида соф гавҳар жилоланиб турибди. Қабулхонанинг эшик ва деразаларига осилган шоҳи дарпардаларга ҳам дурлар, лаъллар ва бошқа қимматбаҳо тошлар қадалган эди. Фақат Хадича бегимнинг ўзи қорамтир кумушранг парчадан безаксиз қабо кийган, унинг бошидаги кўкиш тоқида кўзга унча ташланмайдиган сийрак марварид доналари кўринар эди. Ақлни шоширадиган бундай жавоҳирот орасида гўзал қиз-жувонлар қуршовида ўтирган эллик ёшли улуғсифат малика Бобурни ҳам, Қосимбекни ҳам анча довдиратиб қўйди.

Бобур кўнглига тугиб келган мураккаб гапларини бегимнинг мусоҳабалари ва келинлари олдида қандай айтишни билмай безовталанди. Хадича бегим буни сезиб осойишта кулимсиради:

– Амирзодам, сиз бизга қариндошсиз. Шунинг учун менинг келинларим, мусоҳабаларим сизни ҳам ўз мирзоларидек эъзозлаб суҳбатингизга иштирок этмоқчилар. Тортинмай еркин ўлтиринг.

– Муташаккирмен!

Юзларида юпқа оқ пардалари бор қиз-жувонларнинг юз-кўзлари шам ёруғида унча аниқ кўринмас эди. Аммо хина қўйилган нафис қўллар, ипак кийимлар оғушидаги ингичка беллар ва баланд кўкраклар кўпчилик аёлларнинг ёш жувонлар эканидан далолат берарди. Музаффар мирзонинг энг кўҳлик хотинларидан Қоракўзбегим дегани қайнонаси-

нинг қулоғига лабини яқинлаштириб, енгил бир кулги билан алланарса деди. Хадича бегим ҳам шўх кулиб бош ирғадию, Бобурга юзланди:

– Амирзодам, Ҳиротнинг асилзода қизлари сизга мароқ билан кўз тикар эмишлар. Шундай баҳодир шоҳ, шундай кўҳлик йигит, шундай истеъдодли шоир ҳарамсиз бўйдоқ яшар эмишсиз. Ростми?

Бобур қип-қизариб ерга қарадию, бу тўғрида гап очилганидан озорланиб:

– Ҳазрат бегим, рост, – деди. – Тақдиру насибим шундоқ бўлди.

– Тақдирингиз энди тағайюр топсин, амирзодам. Ҳиротда қолиб, Музаффар мирзога ини бўлинг. Сиз ҳам темурийзодалардансиз. Ҳиротдан сизга муносиб гўзалу оқила қизлар топайлик, тўй-томоша билан уйланинг.

Музаффар мирзога ини бўлиш – унинг тарафдорига айланиш деган сўз эди. Бир вақтлар неварасини Мўмин мирзонинг ўлдирилишига сабаб бўлган Хадича бегим, эҳтимол, келажакда Бадиуззамон мирзони ҳам йўқ қилиш ва ўғлини якка подшоҳга айлантириш мақсадидадир. Бобур унинг ўғлига ини бўлса, албатта, бегимнинг бу мақсадини амалга оширишга иштирок этиши керак.

– Ғамхўрлигингиздан миннатдормен, ҳазрат бегим, – деди Бобур. – Фақат менинг бир андешам бор.

– Қандай андеша, амирзодам?

– Фақирни маъзур тутинг.

Бобур сукут қилиб, ерга қаради. У гапини фақат Хадича бегимнинг ўзига айтмоқчи эканини сезган аёллар таъзим қила-қила чиқиб кетдилар. Шундан кейин Бобур Шайбонийхоннинг Ҳирот устига бостириб келиши муқаррарлиги ҳақида, ҳозир тўй-томошага эмас, ҳаёт-мамот жангларига тайёрланиш кераклиги тўғрисида гапира бошлади.

– Шайбонийхон Андижондан Хоразмгача, Марвдан Туркистонгача барча жойни олиб, беҳисоб қўшин тўпламишдир. Мен унинг ҳар бир жангга қанчалик астойдил шайланишини билурмен. Бало-қазодай бостириб келса анча-мунча черик тит-пит бўлиб кетишини кўрганмен!

Бобур Шайбонийхоннинг ҳарбий қудратини ва шафқатсизлигини исботлайдиган далиллар келтира бошлади. Хадича бегим сабрсизланиб:

– Бу балонинг балогардони недур? Шуни айтинг, амирзодам! – деди.

– Бунинг балогардони барча темурийзодаларнинг бирлашувидир. Ҳамма вилоятларга тавочилар юбориб, эллик-олтмиш минг қўшин тўпламоқ керак. Қиш бўйи бу қўшинни машқ қилдириб, ягона бир саркарда бошчилигида жангга тайёрламоқ керак.

– Ягона саркарда ким бўлиши мумкин? – деди Хадича бегим сергакланиб. Қосимбек «ялт» этиб Бобурга қаради. Ҳозир тирик қолган темурийлар орасида Бобурдан бошқа одам бу ишни эплолмаслиги унинг кўнглидан ўтди. Аммо қўшин кимники бўлса, ҳокимият ҳам ўшаники экани азалдан маълум. Хадича бегим ўғлининг ҳокимиятига ҳеч кимни йўлатмаслиги ҳам аниқ.

Бобур унинг кўнгли учун: «Ягона саркарда – Музаффар мирзо бўлсинлар!» демоқчи бўлдию, орқароқда Зуннунбек ўтиргани эсига тушди. Зуннунбек бу гапни Бадиуззамон мирзога етказса, икки орага нифоқ тушади.

– Бош саркарда ким бўлишини ҳазрат оға-инилар ўзлари ҳал қилмоқлари керак, – деди. – Базмларни тўхтатиб, бутун эътиборни мудофаага қаратмоқ керак. Ҳар бир кун ғанимат, ҳазрат бегим!

Хадича бегим Зуннунбек билан Бурундуқбекка мурожаат қилди:

– Жаноб амирлар, сизларнинг фикрларингиз қалай?

Зуннунбек ўсиқ қошларини диккайтириб, кўзларини Бобурга қатъият билан тикди:

– Амирзодам Шайбонийхоннинг Мовароуннаҳрдаги ғалабаларию хунхўрликларидан бизни огоҳ қилганлари яхши. Аммо Шайбонийхоннинг Мовароуннаҳрда синмаган қиличи Хуросонга келиб, албатта синур! Мен бунга аминмен, ҳазрат бегим! Шунинг учун ортиқча ташвишу таҳликага ўрин йўқ, деб ҳисоблаймен.

Зуннунбек ишонч ва эътиқод билан айтган бу сўзлардан Хадича бегим дарҳол енгил тортди. Бобур эса Зуннунбекка таажжуб билан тикилиб деди:

– Карамотингиз илоҳо тўғри келсин, жаноб амир! Аммо бу карамотга қандай асослар бор?

– Бу карамотни мен эмас, Ҳиротнинг энг обрўли валийлари қилмишлар.

Зуннунбек шундай деб Хадича бегимга ийманиброқ қараб қўйди. Бу қарашнинг маъносини тушунган Хадича бегим Бобурга кулимсираб изоҳ берди:

– Ҳиротнинг Қутб номли машҳур валийси бор. Шу вақтгача Қутб нимани каромат қилган бўлса, ҳаммаси тўғри чиқмиш. Қутбга тушида аён бўлурки, Шайбонийхоннинг қиличини амир Зуннунбек синдирурлар. Мўътабар мунажжимлар юлдузларга қараб, бу карорматни тасдиқ қилдилар. Шундан сўнг валийлар Зуннунбекнинг елкаларига муқаддас фўта солиб, номларига Ҳизабрулло унвонини қўшиб айтадиган бўлдилар. «Ҳизабрулло» – арабча «оллоҳнинг арслони», яъни «енгилмас ботир» дегани эди.

Арабчани яхши биладиган Бобур бу унвоннинг маъносини тушуниб, истеҳзоли кулимсиради:

– Жаноб Зуннунбекда арслоннинг юраги борлигига шак-шубҳа йўқ. Аммо ҳазрат бегим валийлару мунажжимларни тилга олганларида фақир Сарипулда Шайбонийхон билан масоф урушга чиққан кунларимни эсладим. Мана, жаноб Қосимбек ҳам бор эдилар. Шаҳобиддин номли мунажжим кечаси осмонга қараб: «Саккиз юлдуз елкангизда рост турур, эртага урушга кирсангиз, зафар, албатта, сизники бўлғай!» – деб валийлик қилди. Биз шунга ишониб, Шаҳрисабздан келадиган кўмакни ҳам кутмасдан, майдонга чиқдик... Мана, ҳалигача ўшал хатомизнинг азобини тортиб юрибмиз.

Бобурнинг гапларидан Хадича бегимнинг юзлари тундлашиб, лаблари атрофида бурушиқлар пайдо бўлди. Зуннунбек эса ўтирган жойида асабий тўлганиб:

– Амирзодам, ниятни яхши қилмоқ керак! – деди. Ҳиротнинг валийлари Самарқанд мунажжимларидек нодон эмаслар! Сарипулдаги хатони Ҳиротдай улуғ шаҳарда ҳеч ким такрор этмагай!

Зуннунбек кўзлари ёниб, телбаланиб гапирганини кўрган Бурундуқбек уни босишга тиришди:

– Жаноб Зуннунбек, олий меҳмон бизга яхшилик истаб Кобулдай жойдан келмишлар. Вазият хатарли эканлиги рост. Шошилинч чоралар ўйламоқ керак!

Хадича бегим баҳслашувчиларни мулойимлик билан яраштириб қўйишга ҳаракат қилди:

– Жаноб Зуннунбек, вазият чиндан ҳам жиддий, бепарво бўлмаслик керак. Аммо жаноб Бурундуқбек ҳам бир нар-

сани унутмасинлар: мағлубиятни кўп кўрган одамга хатар гоҳо аслидан каттароқ кўринур. Амирзодам сиз кўп ташвиш чекманг. Шайбонийхон бизга тажовуз қилса, ўз тажовузидан ҳалок бўлур!

* * *

– Хадича бегимдек кўпни кўрган малика шайхларнинг хушомад гапига ишониб юрганларидан мен ҳайрон, – деди Бобур эртаси куни Боғи Жаҳонорода Бадиуззамон мирзо билан гаплашиб ўтирганда.

Гавдасининг шертахлитлиги ва кўзининг қисиқлиги отаси Ҳусайн Бойқарога ўхшаб кетадиган Бадиуззамон мирзо истеҳзо билан кулимсиради:

– Ҳайрон бўлманг, амирзодам. Не қилса ҳам аёл киши-да, қисқа ўйлаб ўрганган.

– Аммо бу калтабинликнинг касофати ҳаммага уриши мумкин-ку, ҳазратим?

– Начора? Суюкли фарзандимиз Мўмин мирзо ҳам шу бегимнинг касофатидан ҳалок бўлиб кетди!

– Ҳазратим, раҳматли отангиз кайф устида қилган фожиавий хатони энди унутинг!

– Унутолмаймен, чунки айб марҳум отамда эмас эди! Султон Соҳибқирон Мўмин мирзони беҳад яхши кўрар эдилар, шеърларини ёд билар эдилар. Аввалари отамнинг менга ҳам меҳрлари яхши эди. Ахир мен тахт вориси эдим! Хадича бегим мен билан отамни душман қилишнинг йўлини излар эди. Мўмин мирзо асир тушгач, бу йўл топилди – уни ширакайф подшоҳнинг фармони билан ўлдирдилару мен билан отамни хундор душманга айлантирдилар. Шундан кейин бегимнинг ўғли Музаффар мирзо менинг ўрнимга валиаҳд бўлди. Бугунги шерики подшоҳлик ҳам ана шу бегимнинг ихтироси! Мен аниқ биламен: бегим мени муваққат тождор деб билурлар. Мени йўқ қилиб, Музаффар мирзони ягона подшоҳга айлантиришнинг қулай пайтини пойламоқдалар!

Бобур Бадиуззамон мирзога Шайбонийхонни эслатди:

– Ҳазратим, Шайбонийхон ҳақида не янги хабарлар бор?

– Хон Хоразмни олиб, Самарқандга қайтган эмиш...

– Ундоқ бўлса, хон энди Хуросон юришига чиқмоқчидур? – сўради Бобур.

– Дарҳол-а? Хоразм юришидан сўнг бирор йил дам олмасмикин?

Бадиуззамон мирзонинг тусмол гаплари – унинг душман орасидан аниқ хабар юбориб турадиган махфийси йўқлиғидан далолат берарди. Ўз инисининг барча майда-чуйда сирларини билиб туриш учун беҳисоб махфийлар юбориб қўйган подшоҳ бу ишни ашаддий душмани Шайбонийхонга нисбатан қилмаётгани Бобурни танг қолдирди.

– Ҳазратим, Шайбонийхоннинг реву рангини[1] фақир озроқ кўрганмен. Хоннинг махфийлари ҳозир Ҳиротда дарвеш, ё савдогар, ёки навкар қиёфасида юриб, барча зарур хабарларни Самарқандга етказиб турган бўлсалар керак.

Бобурнинг койиниб гапирганини сезган Бадиуззамон мирзо киноямуз кулди:

– Амирзодам, сиз ҳам шоҳсиз, эҳтимол, сизнинг махфийларингиз Самарқанддан янги хабар юборгандирлар?

– Мен сизни отамдек эъзозлаймен, ҳазратим. Гап махфийларда эмас. Фақир тажрибадан шуни биламенки, Шайбонийхон чарчаган аскарларини босиб олган вилоятда дам олиш учун қолдириб, аввалдан дам олиб ётган қўшини билан дарҳол янги юришга отланур. Унинг бутун кучи шундаки, барча оға-ини, қариндош-уруғлари билан бир тан-бир жон бўлиб, майдонга чиқур. Биз бу хатарли ёғий қаршисида ички низоларни унутмоғимиз керак. Биз ҳам бир тан-бир жон бўлиб, ягона саркарда бошчилигида жангга астойдил тайёрланиб кирмасак, оқибати ёмон бўлиши эҳтимолдан йироқ эмас.

– Ягона саркарда, дедингизми? Ким бизга саркарда бўлмоқчи, амирзодам?

Биринчиликни талашаётган бу икки оға-ини «Менга бўлмаса, унга ҳам бўлмасин!» дейишга тайёр эканлиги Бобурга ҳозир аниқроқ сезилди. Рақиб оға-ини талашаётган мамлакат улардан фақат бирига ёки амакиваччалари Бобурга текканидан кўра етти ёт бегонага теккани афзалроқ. Чунки бегоналар уларнинг бунчалик бахиллигини келтирмас эди.

– Наҳотки жангга ҳам алоҳида-алоҳида чиқмоқчисизлар? – деди Бобур.

– Начора? Ҳар кимнинг ўз чериги, ўз саркардаси бор. Мен Музаффар мирзога ишонмаймен. Аммо сиз билан ҳар қандай жангга бирга киришга тайёрмен. Чунки сизга ишо-

[1] Рев-у ранг – шумлик, ўз ишига пухталик.

намен. Амирзодам, сиз Ҳиротда қолинг! Неки даркор бўлса айтинг! Муҳайё қилурмиз.

Бобур оға-инининг фақат шу нуқтада якдил эканини сезди. Жанг кўрган Бобур бутун бек ва навкарлари билан Ҳиротда қолсаю, вақти келиб, жангга бирга чиқса уларнинг мушкуллари осонроқ бўладиганга ўхшарди.

Аммо оға-инининг қўш ҳокимияти Бобурга таги чириб тешилган кемага ўхшаб кўринарди. У бу кемада қолса паймонаси тўлган оға-инига қўшилиб ғарқ бўлиши муқаррарлигини тобора аниқ ҳис қилмоқда эди.

Эртаси куни пешин намозидан кейин Унсияга Бобурни кўриш учун келган мавлоно Фазлиддин навкару савдарларнинг кўч йиғиштираётган ва сафарга ҳозирланаётганларини сезди. Йўлакда тоғасига дуч келиб қолган Тоҳир:

– Э, хайрият, ўзингиз келдингиз, мулла тоға! – деди.

– Ҳа, не гап жияним?

– Эртага тонгда Ҳиротдан жўнаб кетурмиз.

– Кобулгами? – Ҳа, – деб шивирлади Тоҳир. – Лекин подшоҳлар буни билмасинлар. Рухсати олий шаҳар ташқарисида қишламоқ учун берилди. Ҳаммага «Хуросонда қишлагаймиз» деб эълон қилинди. Сиз ҳам билдирманг.

Мавлоно Фазлиддиннинг руҳи тушиб:

– Оббо, – деди. – Бизни сағирдек мунғайтириб кетар экансизлар-да?

– Қиш чиқса, сиз ҳам Кобулга кўчиб боринг. Ўтган гал учрашганингизда Бобур мирзо ўзлари таклиф қилдилар-ку.

– Кўчиб бориш осонми, жияним? Бир ой-қирқ кунлик йўл... Аёлманд одаммиз...

Мавлоно Фазлиддин хомуш бўлиб Бобурнинг қабулхонасига қараб кетди. Бир вақтлар Алишер Навоийнинг қабулхонаси бўлган кўркам танобийнинг заррин ўймакор эшиги олдида ясовул йигит турган эди. У ичкарига кириб, тез қайтиб чиқдию, эшикни очиб, мавлонога йўл берди.

Уй тўрида Бобур билан суҳбатлашиб ўтирган кишиларни мавлоно бир қарашда таниди. Навоийнинг надимларидан бўлган қирқ беш ёшлардаги кўса одам – шоир Султон Муҳаммад эди. Ундан берига машҳур хаттот Султон Али Машҳадий чўккалаган. Бобурнинг ўнг томонида Камолиддин Беҳзод ва Хондамир ўтиришибди. Бобур мавлоно Фазлиддин билан ўрнидан туриб кўришар экан, бошқалар ҳам

оёққа турдилар. Мавлоно Фазлиддин пойгакга ўтирмоқчи эди, ёши ундан кичикроқ бўлган Хондамир:

– Сиз олий меҳмонимизнинг ватандошисиз, – деб уни ўзидан юқорига ўтказди.

Маъюсланиб ўтирган Хондамир суҳбатни тўхтатган жойидан давом эттириб:

– Ажаб кажрафтор фалак бу! – деди. – Амирзодам, сиз Ҳиротнинг юксак санъатию ажойиб истеъдодларига ҳавасингиз келиб сўзладингиз. Биз эса бугунги Ҳиротга Худо сиздек маърифатли, сиздек истеъдодли подшоҳ бермаганидан доғдамиз!

Бобур ўзини шунча иззат-икром билан меҳмон қилган подшоҳларнинг шаънига тегадиган гап айтишни истамас эди.

– Мавлоно, подшоҳларингиз ҳам маърифатли зотлар, – деди.

Калта жингалак соқоли ўзига ярашган нафис юзли озғин Беҳзод киноя билан деди:

– Амирзодам, подшоҳларимизнинг бири офтоб бўлса, бири моҳтоб. Халқ орасида ҳозир бир шеър тарқалмиш. Мазмуни шуки, Ҳусайн Бойқаро ҳақиқий подшоҳ эди. Унинг икки ўғли икки тахт устида ўлтириб, бири «оймен» деса, бири «кунмен» дерлар, эрта-ю кеч бир-бири билан рақобат қилурлар. Буларнинг ўзаро курашлари худди шатранж тахтаси устидаги шоҳларнинг курашларига ўхшайдир. Чунки бу иккови оталаридек ҳақиқий шоҳлар эмас, балки шатранж тахтаси устидаги ясама шоҳлардир.

Бу ўхшатиш Бобурнинг икки подшоҳдан олган таассуротларига шу даражада мос келар эдики, у беихтиёр кулиб юборди.

– Лекин оға-инининг рақобати – шатранж ўйинига ўхшашлиги рост!

– Фалокат шундаки, – деди Хондамир, – бу ўйинда улар Хуросонни бой бермоқдалар! Буни уларга сўз билан уқтириш эса имкондан холи!

Шоир Султон Муҳаммаднинг кўзлари исёнкорона чақнади.

– Уларга буни сўз билан эмас, фақат шамшир билан уқтириш мумкин! Хондамир эшик томонга хавотирли кўз ташлаб қўйди. Бир вақтлар Алишер Навоийдек одамга махфийларини юбориб қўйган подшоҳлар Бобурнинг кетига ҳам одам қўйган бўлишлари мумкин эди.

Султон Али Машҳадий суҳбатни хатарли мавзулардан нарироқ олиб кетиш учун ёнида турган чарм жуздонни очди-да, бир даста зарварақ олди.

– Фақир олий меҳмонимизнинг ғазалларидан бир нечасини кўчириб келган эдим. Варақлар қўлдан-қўл ўта бошлади. Хаттотнинг ажойиб санъати туфайли ҳар бир ҳарф нафис ва тирик тасвирга айланган эди. Хондамир сатрларга кўз югуртириб:

– О! – деди ҳайрат билан. Кўп шоирлар «ёр»ни илоҳийлаштириб, бутун нажотни «ёр»дан излаб ўрганмишлар. Амирзодам бу одатий алданишларга қарши исён қилган каби ёзмишлар:

Жонимдан ўзга ёри вафодор топмадим,
Кўнглимдан ўзга маҳрами асрор топмадим...
Бобур, ўзингни ўргата кўр ёрсизки, мен –
Истаб жаҳонни, мунча қилиб ёр топмадим!

– Мардона сўзлар! – деди Беҳзод Бобурга қараб. – Сиз минг марта ҳақсиз! Одам ўзига ҳам ишонмоғи керак!

– Миннатдормен, мавлоно.

Шоир Султон Муҳаммадга иккинчи шеърнинг матлаи ёққан эди.

– Эшитинг, жаноблар:

Сендек менга бир ёри жафокор топилмас,
Мендек сенга бир зори вафодор топилмас.

Мавлоно Фазлиддин оғир тин олди:

– Ҳозиргина сўзлашган дардимизни айтмишлар! Бобур мақтовлардан хиёл ўнғайсизланиб:

– Жаноблар, – деди, – мен сизлардек санъаткорлар билан учрашиб, суҳбатлашганим учун Тангрига шукр қиламен. Фақирнинг қоғозни қоралаб ёзган сатрларим мавлоно Машҳадийнинг тенгсиз санъатлари туфайли сизларга шунчалик манзур бўлди. Жоиз бўлса, ғазаллардан хотира учун мавлоноларга бир нусхадан бермоқчимен.

– Айни муддао! – деди Хондамир қувониб.

Бобур ғазалларидан атайлаб уч-тўрт нусхадан кўчиртирган эди. Хондамирга, Беҳзодга, Султон Муҳаммадга ўзлари

ёқтирган ғазаллардан бир нусхадан берди. Улар шоир ва хаттотнинг ҳурматлари учун ғазал битилган зарварақларни олиб, нон каби кўзларига суртиб қабул қилдилар. Бобур сўнгги ғазалдан бир нусхасини мавлоно Фазлиддинга узатиб:

– Мавлоно, биз сиз билан фақат ватандош эмасмиз, ҳамдарду ҳасратдошмиз, – деди. Мавлоно Фазлиддин ғазални олиб кўзига суртдию:

– Мен аминмен, Ҳиротда битилган ушбу ғазал тез кунда Самарқанду Андижонга ҳам етиб борур, – деди. – Худо амирзодам билан бизни ҳам ватанга соғ-саломат қайтгулик қилсин!

– Айтганингиз келсин, мавлоно!

Бобур Қосимбекни чақиртирди ва Султон Али Машҳадийга ғазалларни санъаткорона кўчирганлиги учун олтин тугмали кимхоб тўн кийдирди. Сўнг у мавлоноларни ҳовлига кузатиб чиқди. Ҳаммалари хайрлашаётганларида меъморга қараб:

– Балки келгуси йилда Кобулга борурсиз, мавлоно? – деди. – Рост, катта меъморлик обидалари қуришга ҳали имконимиз йўқ. Кобул ҳозир Ҳиротга нисбатан чекка бир вилоят. Улуғ санъаткорларга макон бўларлик саройимиз йўқ. Лекин Худодан умидимиз борки, келгусида толе бизга ҳам кулиб боққай, биз ҳам улуғ санъаткорларга макон берадиган кунларга етгаймиз!

– Таклифингизни бажонидил қабул қилурмен! – деди мавлоно Фазлиддин.

– Амирзодам, – деди Хондамир. – Алишер Навоийнинг даргоҳларида қилган покиза ниятингиз илоҳим рўёбга чиқсин! Илоҳим ҳазрат Алишернинг руҳлари ҳамиша сизга мададкор бўлсин!

Бу тилакка ҳаммалари сидқидилдан қўшилиб, юзларига фотиҳа тортдилар.

* * *

Эрталаб кун чиқаётганда Бобур хос навкарлари ва беклари билан Ҳиротнинг ташқарисидаги кенг боғкўчадан кетиб борар эди. Кўчанинг икки томонида Ҳирот аъёнларининг ғиштин деворли, кошинкор гумбазли кўшк ва чорбоғлари бор эди. Салобатли бир боғҳовлининг баланд девори ёнидан ўтаётганларида, девор тепасидан кимдир уч-тўртта атиргул ташлади. Тўқ қизил рангли гуллардан бири Бобур минган саман отнинг ўсиқ

ёлига келиб тушди. Гулнинг тиканлари от ёлига илиниб қолганини кўрган Бобур девор тепасига қаради-ю, ёш бир қизнинг қийғоч қошларини ва қош устига бостириб кийган гулдор тоқисини кўрди. Кейин у от ёлига илиниб қолган гулни қўлига олиб, лабига яқинлаштирди. Узоқда ястаниб турган Занжиргоҳ тоғларининг баланд чўққиларига қор тушган эди. Ҳиротнинг кеч кузида нима ҳам бўлиб очилган бу гулнинг ажиб ҳиди бор эди. Бобур гулнинг хуш бўйи димоғига урилган заҳоти жиловни беихтиёр тортиб, отини тўхтатди. Узангига оёқларини тираб, эгардан бўй чўзди-да, девор тепасидаги қизга тикилиб қаради. Энди унга қизнинг олов чақнатиб турган қоп-қора кўзлари, бу кўзларга ниҳоятда ярашган гулранг ёноқлари аниқ кўринди. Бобур бу кўчадан аввал ҳам ўтган эди. Қиз аввалари ҳам уни кўриб, таниб қолган эканми, кўзлари мўлтираб ва уялиб бош эгди. Бу унинг салом берганимиди ёки хайрлашганимиди? Ўн етти-ўн саккиз ёшлардаги бу қизнинг жозибасию мўлтираб бош эгиши Бобурга шундай таъсир қилдики, у бир лаҳза нима қилишини билмай эсанкираб турди.

Бу орада бошқа мулозимлар ҳам қизни кўриб отларини тўхтатган эдилар. Бобурни Музаффар мирзонинг Ҳирот бўйича доруғаси Юсуф Алибек кузатиб бормоқда эди. Қирқ ёшлардан ошган кўнгилчан бу бек девор тепасидаги қизни таниб кулди-ю:

– Ие, Моҳиммисиз! – деди. – Оббо, Моҳчучуг-ей, катта қиз бўлиб қолибсиз-а!

Қиз гўё энди ўзига келди, «лип» этиб, бошини девор ортига олдию, кўздан ғойиб бўлди. Юзи қандайдир ички оловнинг тафтидан қизарган, кўзлари ғалати чақнаган Бобур Юсуф Алибекдан шошиб сўради:

– Ким? Ким дединг?

– Амирзодам, бу ҳовли Султон Соҳибқироннинг узоқ қариндошларидан бирига қарашли. Қизнинг отаси Ҳусайн Бойқаронинг нуфузли девонбошиларидан эдилар. Борди-келдимиз бор эди.

– Ҳозир бормилар?

– Борлару, лекин... давлат ишидан четланмишлар.

– Нечун?

– Билмадим, ҳозирги подшоҳларимиз билан оралари яхши бўлмаса керак. Қандаҳоргами, Ғазнигами кўчиб кетиш тараддусида эмишлар, деб эшитдим.

Отлар юриб бормоқда эди. Бобур Моҳим деб аталган қизнинг тобора узоқда қолаётганини ўйлаб, кўнглида кучли бир армон сезди. Йигирма кун Ҳиротда юриб, бу қизни нега фақат энди, жўнаб кетаётган пайтда кўрди?

Бобур ҳали ҳам қўлида ушлаб бораётган гулга қаради. Бояги гўзал қиз Ҳиротнинг бутун нафосатини ўз жозибаси билан бирга мана шу гулга муаттар ҳид каби жойлаб берганга ўхшар эди.

Бобур гулни яна бир ҳидлади-да, бошидаги салласининг қатига кўзга унча ташланмайдиган қилиб қистириб қўйди.

Лекин ундаги нафис бир ҳаяжонни Қосимбек зимдан кузатиб бормоқда эди. Бобурга отадек ғамхўр бўлган бу одам шундай кўҳлик йигитга муносиб бир қиз учрашини кўпдан бери кутиб юрарди. Бобур эса кўз очиб кўрган ёстиқдоши Ойша бегимнинг бевафолигидан қаттиқ озор чеккани учун аёл зотидан тортинар, анча-мунча қизларга мойиллик билдирмас эди. Ҳирот маликаси Хадича бегим уни аслзода хонадонларга куёв қилишга уриниб кўрди. Бобур рўйхушлик бермади.

Марҳум Султон Аҳмад мирзонинг кичик қизи Маъсума бегим онаси билан Самарқанддан Ҳиротга келиб қолган экан. Кайвони аёллар орага тушиб, бир меҳмондорчилик пайтида Бобурни Маъсума бегим билан учраштирдилар. Қиз жуда назокатли ва гўзал эди. Аммо Қосимбек уни кўрганда Тошкентда қолган Ойша бегимни эслади. Чиндан ҳам Маъсума бегим – Ойша бегимнинг синглиси эди. Бобур орада турган ҳиротлик амма-холаларнинг кўнглига қараб, қизга мойиллик билдирган бўлди, лекин тўйни пайсалга солди. Қосимбек орқали шундай жавоб айттирди:

– Маъсума бегим оналари билан Кобулга борсалар...

Қизнинг онаси:

– Хўп, Кобулга боргаймиз, – деб ваъда берди.

Лекин Қосимбек бу нозиккина қизнинг Ҳиндикуш тоғлари оша Кобулга етиб боришига унча ишонмасди. Етиб борганда ҳам Бобурнинг боши устида чарх уриб юрган интиҳосиз мушкулотларига бардош беролмаса керак, деб ўйларди. Аммо боғкўча деворидан гул ташлаган Моҳим исмли олов қизнинг юз-кўзларида нафис гўзалликка йўғрилган қудратли бир оҳанрабо бор эди. Ана шу оҳанрабо Бобурни ҳамон ўзига тортиб турар эди.

Боғкўчадан кенг далага чиққанларида Бобур салласи қатидаги пуштиранг атиргулни секин қўлига олиб, яна бир ҳидлаб кўрди. Шунда девордан мўралаган қиз унинг кўз олдида қайтадан гавдаландию, бутун борлиғини нафис ва ширин туйғуларга тўлдирди. «Шунча қилиб, истаб жаҳонни ёр топмадим!» деган Бобурга балки шу қиз ёр бўлар? Нега ундан бу қадар тез айрилди? Наҳотки бу қизни қайта кўриш насиб қилмаса? Қосимбек отини Бобурнинг отига яқин келтириб, паст товуш билан сўради:

– Амирзодам, бу атиргул қайси гулзорда ўсганини суриштириб кўрайми?..

– Ихтиёрингиз, – деди Бобур уялинқираб.

– Қизнинг оталари Ҳусайн Бойқарога хеш бўлсалар, мен бу хонадон билан албатта алоқа боғлагаймен.

Бобур бу режани маъқуллаган маънода бош ирғади.

– Амирзодам, агар юлдузи юлдузингизга тўғри келса, мен Моҳим бонуни Ҳиротданми, Қандаҳор ёки Ғазниданми, қаердан бўлса ҳам, албатта излаб топгаймен!

ҲИНДИКУШ. КОБУЛ

ЎЛИМ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

1

Ҳиротдан узоқлашганлари сари гўзаллик ва нафосат нурига йўғрилган илиқ туйғулар ўрнини Ҳиндикуш тоғининг баҳайбат қоятошлари ва унинг совуқ музларига ўхшайдиган хавотирлар эгаллай бошлади. Бобурнинг Кобулдан чиқиб келганига уч ойдан ошяпти, лекин у ердаги ишончли одамлардан хабар келмаяпти. Ора узоқ – отда бир ой-қирқ кунлик йўл. Карвон билан Кобулдан келган савдогарлар нохуш овозалар эшитибди. Гўё Бобур мирзо Ҳирот тождорлари билан ёвлашиб қолганмиш, уни Ихтиёриддин қалъасига қамаб қўйганмишлар.

Ҳисорда Хисравшоҳдан ажралиб келиб, Бобур хизматига кирган йигирма минг мўғул сипоҳилари бу хабарга асосланиб, Кобулда ўз ҳокимиятларини ўрнатиш ҳаракатига тушганмиш. Мўғулларнинг дуғлат қавмидан бўлган Муҳаммад Ҳу-

сайн (аввалги Ўратепа ҳокими) фитначиларга бош бўлмоқда эмиш. Аммо Кобул доруғаси Мулла Бобо Бобурга садоқат сақлаб, қўрғон дарвозаларини беркитиб олганмиш. Агар шу гаплар рост бўлса, қўрғон қамалда қолади. Аммо ташқаридан йигирма минг қўшин ҳужум қилса, қўрғонни эгаллаши ҳеч гап эмас. Унда Бобур Самарқанд туфайли Андижондан айрилгани каби, Ҳирот сабабли Кобулдан ҳам ажралиб, яна ора йўлда муаллақ қолиши мумкин. Бу хатарнинг олдини олиш учун Бобур Кобулга тезроқ етиб бориш ҳаракатига тушди. Аксига олиб, қиш эрта бошланди. Қавс ойидаёқ тоғ этакларига ёққан қалин қор отларнинг тиззасига етиб борди. Чахчарон деган жойда Бобур бекларни машваратга тўплади.

– Довонлар бекилгандир, – деди Хўжа Калонбек. – Қандаҳор орқали борсак, йўл текис. Ҳиндикушни айланиб ўтгаймиз.

– Айланиб ўтганингизгача қирқ-эллик кун вақт кетгай! – эътироз қилди Қосимбек. – Унгача мўғуллар Кобул қўрғонини эгаллаб олса, кейин не қилгаймиз?

– Худо кўрсатмасин! – деди Бобур. – Илоҳим бу мишмиш ёлғон чиқсин!

– Аммо шамол бўлмаса теракнинг учи қимирламагай, амирзодам! Кобулга тезроқ етиб бормоғимиз шарт! Тўғридаги Кўтали Зарриндан ошсак, Қандаҳор йўлига нисбатан масофа икки баробар қисқаргай. Бир ой вақт ютгаймиз!

– Ундай бўлса, майли, жаноб Қосимбекнинг таклифини қабул қилайлик. Фақат довон йўлини яхши биладиган йўлбошчи топиш керак.

– Буниси менга тан! – деди Қосимбек.

Эртаси куни яна қор ёға бошлади. Бобур қўриқчи йигитлари билан отланиб чиқаётганда Қосимбек афғонларнинг пашойи қабиласи яшайдиган қишлоқдан Султон деган бир йўлкўрсатувчини топиб келди.

Олачипор салла ўраган, баланд бўйли, бурни узун, жингалак соқолига оқ оралаган бу одамнинг юзи Бобурга алланечук тунд кўринди. Бобур у билан от устида туриб дарий тилида сўзлашди:

– Қишда Кўтали Зарриндан ўтиш мумкинми-йўқми?

– Ўтганлар бор, – деди Султон. – Аммо бу йил қор жуда кўп. Кўчки босиб қолишидан қўрқмасангиз...

– Сиз қўрқмасангиз биз нечун қўрқайлик?..

– Мен қишда ўтсам, бир ўлимни бўйнимга олиб ўтаман. Кетишда уйдагилардан рози-ризолик сўраб йўлга чиқаман. Қайтиб келмаслигим мумкин.

Бобур Қосимбек томонга ўгирилиб туркий тилда сўради:

– Нафаси мунча совуқ? Бошқаси йўқмиди?

– Бошқалари унамади. «Довон бекилган, ҳар кимнинг жони ўзига!» дейишди.

– Бизга жон керак эмасми?

– Э, булар шунақа ваҳима қилиб, қадрини оширгай! Мана шу Султон қишда ҳам Кўтали Зарриндан ўтган экан. Кадхудоси айтди!

Султон пашойи соқолига инган қор зарраларини кафти билан сидириб ташлар экан, истеҳзоли кулимсираб қўйди. Бобур унинг туркийчани тушунишини сезди, аммо истеҳзосини ёқтирмади. Султоннинг дилида ортиқча ғурурми, кудуратми, совуқ бир нарса бордек туюлди.

– Жаноб Қосимбек, одамларимизни ортиқча хатарларга гирифтор қилмайлик. Ҳали ҳам бўлса Қандаҳор йўлига қайтайлик!

– Аммо вақтни бой берсак, Кобул иликдан кетгай, амирзодам! Сиз билан биз қанча хатарли довонлардан ошганмиз! Ҳисор тоғларидан қор бўронлари тагида даҳшатли учмалар, секиртмалардан ўтиб, Искандаркўлга тушганимиз ёдингиздами? Худо асраймен деса, ҳеч гап эмас!

– Хайр, бу гал ҳам Худо ўзи асрасин! – деб Бобур Султоннинг йўл кўрсатувчи бўлишига розилик берди.

Султон уйига бориб, чиндан ҳам онасидан, хотини ва бўйи етган фарзандларидан рози-ризолик сўраб чиқди. Унинг ўзига тўқ, бадавлат оиласи бор, сайисхонасидаги саккизта отига махсус отбоқар қарайди. Бу гал қишда йўл кўрсатувчи бўлишдан мақсади фақат пул ишлаш эмас. Ёшликдан унга тинчлик бермай келаётган алам ва интиқом туйғуси унинг шу ишга бош қўшишига сабаб бўлди.

У Қосимбекка розилик беришдан олдин, довондан ўтмоқчи бўлаётганларнинг кимлигини суриштириб билди. Бобур – темурийлардан экани, Абусаид мирзо унинг бобоси бўлгани Султоннинг ўн ёшарлик пайтида бошдан кечирган фожиаларни эсига солди.

Султоннинг ота-боболари Шоҳрух мирзо билан яхши ҳамкорлик қилган бадавлат одамлар эди. Шоҳрухнинг ўли-

мидан кейин бошланган алғов-далғовларда Турондан Абусаид мирзо ўғли Маҳмуд мирзо билан Хуросонга бостириб келдилар. Султоннинг отаси Шоҳрух мирзодан кўп яхшилик кўргани учун унинг невараларига ён босди.

Лекин Абусаид мирзо ғолиб келиб, Шоҳрухнинг кўпчилик невараларини қиличдан ўтказдирди. Султоннинг отаси ва акасини ҳам шоҳрухийлар томонида тургани учун бошларини кесдирди. Ҳовлиларида бор мол-ҳолларини, онасининг бўхчаларидаги нарсаларигача талаб кетишди. Бу ҳам озлик қилгандай, Султоннинг ўн беш ёшлик чиройли опасини асира қилиб олиб кетдилар. Кейин эшитсалар, уни Абусаид мирзо ҳарамига бир неча кунлик жория қилиб берибдилар...

Устма-уст келган бу бахтсизликлардан Султоннинг онаси касал бўлиб ётиб қолди. Лекин уларнинг бадавлат қариндошлари бор эди. Оғир пайтда улар ёрдам қўлини чўздилар.

Султон йигит ёшига етгунча замонлар ҳам бир қадар тинчиди, карвонлар кўп қатнайдиган бўлди. Султон карвонларга йўлкўрсатувчилик қилди, савдо-сотиқдан ҳам яхши даромадлар олиб, рўзғорини бутлаб олди.

Ҳозир қаҳратон қиш кунида уйида оиласи билан тинчгина ўтириши мумкин. Лекин Бобур ҳам бу ерларга бобоси Абусаид мирзонинг изидан келганлиги Султоннинг дилидаги қасоскор туйғуларни уйғотиб юборди. Ноҳақ ўлдирилган отаси ва акаси, номуси топталган опаси учун мана бу темурийзодадан хун талаб қилиб қасд олишга ҳаққи йўқми? Бу ҳам ўша келгинди фотиҳларнинг бири-ку. Турондан келиб бу ерларда хўжайин бўлиб юрибди. Қани, Ҳиндикуш тоғига ҳам хўжайин бўлиб кўрсин-чи?! Султон ўз хундор душманини энг машаққатли йўллардан бошлаб боради, унинг азоб тортганларини кўриб бир аламдан чиқади. Иложини топса, довон йўлларида қор бўронларига кўмиб қайтади. Шу билан отаси ва акасининг руҳлари олдидаги қиёматли бурчини бажарган бўлмайдими?

Султон шу ўй билан сайисхонага кирди. Тоғларда яхши юрадиган энг бақувват қора қашқа отини эгарлади. Жун хуржунга икки ҳафтага етадиган қилиб қовурдоқ гўшт, ёғлиқ патир ва бошқа егуликлар солдирди. Ўзи қалин пўстин кийиб, яна иккита жун чакмон, иссиқ қулоқчин, «жўраб» деб аталадиган қалин пайпоқлар олди. Отларга ем-хашакни ҳам унутмади. Пўстин тагидан белига ханжар тақиб олди. Ҳамма юкларини қизғиш рангли миқти отга орттирди-да, уни етовга олди.

Бобур ва Қосимбек бошлиқ беку навкарлар уч юз кишидан ортиқ. Кўпчилигининг етовда оти бор. Туяларга турли юклар, чодир ва йиғма ўтовлар ортилган. Қиш куни буларнинг ҳаммасини озиқ-овқат ва ем-хашак билан таъминлаш осон эмас.

Аввалги ҳокимларнинг одатини яхши биладиган Султон: «Булар ҳам аҳолининг мол-ҳолини зўравонлик билан тортиб олиб захира йиғса керак», деб ўйлади.

Аммо Бобур хазиначига буюриб, ҳамма захиралар учун олтин-кумуш танга тўлатди. Ҳатто ем-хашакни ва қор курайдиган ёғоч куракларни ҳам тангага сотиб олишди. Кўз илғаган ҳамма жой оппоқ қорга бурканган. Султон қора қашқа отда олдинда йўл бошлаб боради. Бобур ва Қосимбеклар унинг кетидан отлиқ келишмоқда. Орқада юзлаб беку навкарлар етовдаги отлар ва юк ортилган туялари билан турнақатор бўлиб тизилиб йўл юради.

Бир ҳафтадан бери ҳар куни қор ёғади. Гоҳо қалин булутлар йиртиғидан офтоб хирагина бўлиб кўринади-да, кўп ўтмай йўқ бўлиб кетади. Оппоқ тоза қор кўзни олади. Сўнг яна майдалаб қор ёғишга тушади.

Йўллар қор тагида кўринмай кетган. Султон болаликдан яхши биладиган тепаликлар, жилғалар ва қоятошларга қараб тусмол билан йўл бошлаб боради. Тоғ этакларида уларга бironта қўй суруви, бironта қорамол учрамайди – чорва ейдиган ўт-ўланлар қор тагида қолиб кетган. Ҳатто какликлар ҳам бу қорда дон тополмай пастликларга тушиб келган. Улар қалин қорда дуруст учолмай қоларкан, қанотларини ёзиб, қорга тиқилиб қолган какликлардан беш-ўнтасини йигитлар йўл бўйидан тутиб олдилар:

– Кечқурун тунашга тўхтаганда кабоб қилгаймиз! – дейишиб, хуржунларига жойладилар. Тоғ оралиқларига кирганларида қор отнинг тиззасидан баландга чиқди. Қиш чилласи қаҳрли, совуқнинг қаттиқлигидан оёқ тагларида ғарчиллаган қорнинг товуши тоғ ёнларидан акс садо бўлиб қайтади. Юқорига кўтарилганлари сари юриш қийинлашади, от-уловлар бурунларидан ҳовур чиқариб оғир-оғир нафас олишади, ҳорғин пишқиришади. Беку навкарларнинг оғизларидан чиққан ҳовур ёғаётган қорга қўшилиб, соқол-мўйловларга оппоқ қиров бўлиб ёпишади ва ҳаммани мўйсафидга ўхшатиб кўрсатади. Қиш куни қисқа, довонга етиб боролмадилар. Кеч кирганда

нинабаргли болут дарахтлари ўсиб ётган ўрмонда тўхтадилар. Текисроқ жойлар топиб, қорини кураб ташладилар-да, ўрмондан ўтин кесиб келиб, гулханлар ёқдилар. Гулхан атрофларини эриган қорлардан тозалаб, Бобур, Қосимбек ва бошқа эътиборли аъёнлар учун чодирлар тикдилар. Йигит-яланглар қори куралган ерларга қалин кигизлар тўшаб ўтирдилар. Юклар орасида қозон-товоқлар ҳам бор экан. Кундуз куни тутилган какликлардан қилинган кабобнинг олди Бобур ва Қосимбекка сузилди. Гулхан оловида қовурдоқлар ҳам тайёрланди.

Султон майхўрлик ҳам бўлишини кутган эди. Лекин у ҳамроҳ бўлиб бораётган беку навкарларнинг ўзаро гап-сўзларидан шуни билдики, йигирма беш ёшли Бобур ҳали умрида май ичмаган намозхон йигит. Унинг шундай қор совуқларида ҳам таҳорат олиб намоз ўқиганини сафар пайтида бир неча марта кўрган Султон ўзича таажжубланиб қўйди.

Эртаси куни яна довон томонга кўтарилиб бораётганларида қорнинг қалинлиги отнинг ўмровигача чиқди. Отлар сал илгарилаганларидан сўнг оёқлари ерга тегмай, қорга ботиб тўхтаб қолишди.

Қосимбек йигитларга курак билан йўл очишни буюрди. Беш-олти киши курак олиб олдинга ўтди. Аммо қалинлиги одамнинг кўкрагига чиқадиган қорни курак билан уддалаб бўлмас, икки-уч қадам йўл очгунча бир дунё вақт кетарди.

– Э, бу бўлмас экан, – деди Бобур. – Бир кунда икки чақирим йўл боссак қачон етгаймиз?

Султон олдинга ўтди-да, қорни тепа-тепа шиббалаб, бирпасда тўрт-беш қадам йўл қилди.

– Буни биз тажрибада кўрганмиз, – деди Султон Бобурга. – Йигитларингизга буюринг, мана шундай қор тепиб йўл очсинлар. Бошқа илож йўқ!

Қосимбек «Қандаҳор орқали текис йўл билан борайлик!» деган таклифга кўнмагани ва довон йўлидан юришга сабабчи бўлгани учун Бобурдан хижолат чекмоқда эди. Шу сабабли ўғиллари Тангиберди ва Қамбаралини икки ёнига олиб, ҳаммадан олдин ўзи қор тепишга киришди. Орқадан яна Тоҳир бошлиқ тўрт-беш йигит олдинга ўтиб, қорни ғарчиллатиб шиббалашга тушдилар.

Бирпасда юз қадамча сўқмоқ йўл ҳосил бўлди. Ундан отларни етаклаб ўтишга тўғри келарди. Қор тепаётган Қосимбек ҳансираб деди:

– Отни зўр жонивор дердик, бундай қорга одам отдан ҳам зўр бўларкан!

Орқада йўл очилишини кутиб отлиқ турган беку навкарлар кўпчилик эди. Бу қаттиқ совуқда уларнинг отдан тушгилари келмасди, чунки отнинг баданидан озгина бўлса ҳам иссиқлик чиқиб, суворийга илиқ тафти уриб турар, пастдаги одам бўйи қор эса кафандай совуқ туюларди. Жуда секинлик билан илгарилаб боришар, бу кетишда бир кунлик йўл бир ҳафтага чўзилиши муқаррар эди. Ишбоши бўлиб турган Султон ҳар замонда Бобур томонга кўз ташлаб қўярди. «Қор қамалида қолаётган бу темурийзода энди не қиларкин?» деб уни зимдан кузатарди.

Султон Бобурнинг совқотиб асабийлашишини, йўл жуда секинлаб қолганидан тажанг бўлишини, одамларига бақириб-сўкиниб иш буюришини, айтганини қилмаганлар бўлса қамчи билан савалашини кутмоқда эди. Отаси ва акасини ўлимга буюрган ҳукмдорлар қиёфасида Султон ана шунақа золимларни кўрган, бугун эса улардан бирининг талвасага тушишига гувоҳ бўлиб, бир аламдан чиққиси келар эди.

Бироқ Бобур жим. У олдинда қор тепаётган кекса Қосимбекнинг ҳансираб, ҳолдан кетиб қолаётганини кўрди-да, индамай отидан тушди. Олдинга ўтиб, Қосимбекнинг ёнига борди:

– Бас, сиз энди нафасни ростланг! – деди, сўнг унинг ўрнига қор тепиб йўл оча бошлади. Орқада йўл очилишини кутиб, отдан тушмай ўтирган беку навкарлар энди бунга лоқайд қараб туролмадилар. Бобурнинг индамай кўп қатори ишга тушиб кетгани орқадагиларга зуғум қилиб буйруқ бергандан кўра кучлироқ таъсир қилди. Йигитлардан йигирма-ўттизтаси апил-тапил отларидан тушиб, Бобур томонга шошилдилар.

Баландга кўтарилганлари сари ҳаво сийраклашиб, нафас олиш қийинлашар, қирчиллама совуқ бунинг устига қўшилар, энг бақувват йигитлар ҳам йигирма-ўттиз қадам йўл очгунча чарчаб, ҳансираб четга чиқарди. Икки-уч марта бу ишни қилиб чиққан одамларнинг кўпи тўртинчи-бешинчи дафъа қор тепишга ярамай қоларди.

Аммо Бобур энг паҳлавон йигитлар қатори қайта-қайта олдинга ўтиб, бир ҳафта давомида одамларига йўл очиб боргани Султонни лол қолдирди. Беку навкарлар ўзаро гаплашганда:

– Амирзодамга кўз тегмасин, алплардай паҳлавонлиги бор! – деб қўйишарди.

– Саркарданг бўлса шундай бўлсин!

Султон ҳам ичида: «Худо бу йигитга куч-қувватни ҳам, ҳимматни ҳам аямай берганга ўхшайди», деб қўйди. Кеч кирганда баланд бир яланглиққа кўтарилдилар. Бундан нарида довон бошланиши керак эди. Лекин бу баландликда қор бўрони бошланди. Қаттиқ шамол қор учқунларини юз-кўзга келтириб ура бошлади. Совуқнинг шиддати бир неча баробар ошиб кетди.

Ҳаволи Кутий деб аталадиган бу баланд жойда шамол-пана тоғ камарлари борлигини Султон биларди. У кичикроқ бир камарга Қосимбекни бошлаб кирди. Аммо бу камарга тўрт-бешта одам зўрға сиғарди. Қосимбек Бобурни ҳам ичкарига таклиф қилди.

Юзлаб одам ташқарида қор бўрони остида дийдираб турибди. Суяк-суякларгача етиб бораётган аччиқ совуқнинг заҳрига даҳшатли қор бўронининг зарби қўшиляпти. Агар одамлар шу очиқ жойда тунашга мажбур бўлса, уларнинг кўпи музлаб қолиши муқаррар. Ўлим хафвини сезган навкарлардан бири:

– Э воҳ, жасадимиз қор тагида қолса, бизни ким топиб дафн этгай? – деди.

– Қордан кафан кийгаймизми, а? – деди иккинчи навкар.

– Ҳиндикуш деб бежиз айтмас эканлар! Бу тоғ одамкуш тоққа ўхшайдир!

Бобур бу навкарларни овозидан таниб, уларнинг олдига келди.

– Мирзоқули, ниятни яхши қилинглар! Худо хоҳласа, бу қор қамалидан эсон-омон чиқиб кетгаймиз. Маматбек, куракларинг борми?

– Бор! – деб Тоҳирнинг самарқандлик дўсти Мамат отининг эгарига танғиб боғланган куракни Бобурга олиб берди.

Бобур ёнига ва бўйига уч-тўрт қадам келадиган жойнинг қорини курай бошлади. Мамат подшоҳга қор куратиб, ўзи қараб туришга уялди, куракни Бобурнинг қўлидан олди:

– Бу ерда не қилмоқчисиз, амирзодам?

– Қордан иҳота ясамоқчимен. Ертўла қазийдилар-ку. Биз қортўла қазисак бўлмасмикан?

– Қани, кўрайлик... Э, йўқ, қор ҳали жуда юмшоқ экан, увалиб тушди...

– Ерга етгунча қазийлик-чи! – деди Бобур.

Қорни кўкраклари баробар қазисалар ҳам, курак ерга тегмади:

– Об-бо, қор бўрони бу ерга қорни уйиб ташлаган бўлса керак! – деди Мамат умидсизланиб.

– Майли, бас, – деди Бобур ва Тоҳир қўрчибегини чақирди: – Битта кигиз билан жойнамоз келтиринг!

Кўкрак бўйи келадиган қор девори шамолнинг шиддатини бироз пасайтиргандай бўлди. Аммо тепада яна қор қуюн бўлиб ёғилмоқда эди. Тоҳир келтирган кигизни оёқ остига тўшадилар. Ёшликдан совуқ сувларда ювиниб чиниққан, ҳатто музни тешиб ғусл қилишга ўрганган Бобур ҳозир қор билан рамзий таҳорат олган бўлди-да:

– Таяммум! – деб қўйди.

Тоҳир эса Мирзоқули ва бошқа йигитларга мурожаат қилди:

– Беҳаракат тураверсак, совуқда тўнғиб тамом бўлурмиз! Ундан кўра амирзодамга ўхшаб қорни қазиб, шамолпана жойлар ясайлик. Ҳаракатланиб турсак, совуқ урмагай! Бу гапларга зимдан қулоқ солиб турган Султон: «Кўрайлик-чи, қани бу темурийзоданинг чидами қанчага етаркин?» деди ўзича. Бобур эса соҳибқирон бобокалонидан олган сабоқларига биноан ҳаёт-мамоти ҳал бўладиган пайтларда икки ракаат намоз ўқиб, Худодан нажот тиларди.

Ҳозир кигиз устига жойнамоз тўшаб намоз ўқир экан, эгнидаги пўстинининг елкалари, гардишли қундуз телпаги бўралаб ёғаётган қордан оппоқ бўлиб қолди. Султон буни кўрдию, Бобур паналаб ўтирган жойни бўрон туни билан қорга кўмиб ташлашини ўзича тасаввур этди. Дилида тугун бўлиб турган интиқом туйғуси: «Қўйиб бер, – деди, – шаҳид бўлган отам билан акамнинг олдига бу темурийзода ҳам борсин! Қор тепиб чарчаган одам совуқдан карахт бўлиб, уйқуси елтса, кейин қайтиб уйғонмай эрталабгача нариги дунёга кетади!..»

Лекин Бобурнинг шундай мушкул аҳволда ҳам ўзини йўқотмай, одамларга далда бераётгани, кекса Қосимбекни камарга жойлаб, ўзи кўпчилик навкарлар қатори очиқ яланглиқда қор бўрони тагида ўтиргани Султоннинг инсоф ва диёнат туйғусини уйғота бошлади. Айниқса, Бобурнинг намоз ўқиётганини кўрганда ва саждага бош қўйиб Парвардигордан нажот сўраганини эшитганда ички бир овоз «Худодан қўрқмайсанми, Султон? – деб сўрагандай бўлди. – Ахир Худо олдида ҳар бир

одам ўз гуноҳи учун ўзи жавоб беради-ку. Ёмон темурийзодалар қилган гуноҳлар учун нечун Бобур жавоб бериши керак? Ахир бунинг ўзи сенга ёмонлик қилгани йўқ-ку. Бир ҳафта қор тепиб сенга ҳам йўл очиб келмадими? Яхшиликка жавобан ёмонлик қилсанг, кейин қасоси ўзингга қайтмайдими?» Бобур намозини тугатгандан сўнг Султон унинг олдига келди:

– Ҳазрат шоҳ, туни билан қор бўрони ичида музлаб қолишдан қўрқмайсизми?

– Начора? Сиз бизни огоҳлантирган эдингиз. Довон йўли чиндан хатарли экан...

– Қосимбек ўлтирган камарга сиз нечун кирмайсиз? Ахир шоҳлар доим тўрда ўлтириши керак-ку!

– Ҳаёт-мамот олдида шоҳу гадо баробар, жаноб Султон. Қосимбек – кекса одам, менга отадек азиз. Мен ташқарида қолган бу йигитларим билан ҳаётнинг барча аччиқ-чучукларини бирга татиб келмоқдамен. Қанча хавфу хатарларни бирга бошдан кечирганмиз. Бугун ҳам биз ўлим билан юзма-юз турибмиз. Шундай пайтда мен энг қадрдон одамларимни ташқаридаги хатар ичига ташлаб, ўзим қайси юз билан ичкарида жон сақлагаймен?

– Ҳазрат, мен сизни фақат подшоҳ деб ўйлаган эдим. Лекин сизда дарвешлик ҳам бор экан. Бу сўзимни кўнглингизга олмайсизми?

– Нечун кўнгилга олай? Шоҳлардан кўра дарвешларда адолат кўпроқ... Ахир сиз ҳам мусулмонсиз-ку.

– Алҳамдулиллоҳ, муслимман. Барча муслимлар бир-бирларига биродардирлар. Юринг, мен сизга ҳамма одамларингиз сиғадиган улкан ҳовални кўрсатай!

Бобур қувониб, тез ўрнидан турди-да, Тоҳир билан Маматни чақирди.

– Қани, жаноб Султон билан боринглар-чи, бошқа камарлар бор эмиш! Чиндан ҳам орқаси улкан ғорга туташиб кетган иккита камар бор экан. Уларга ташқарида қолган ҳамма одамлар кириб, туни билан шамолпана, қуруқ жойда гулханлар ёқиб исинишди.

Эртаси куни қор бўрони тўхтаб, ҳаво очилиб кетди. Кечаги кучли шамол қорларни учириб, ҳамма ўнгир ва жарларни қорга тўлдирган ва текислаб кетган эди. Бўрон ва совуқнинг шиддатидан бу қорлар шиббаланиб, қалин қатқалоқ ҳосил бўлган эди. Ана шу қатқалоқдан ва ўйдим-чуқурларни

тўлдириб текислаган қорнинг қалинлигидан Султон усталик билан фойдаланди, Бобурни барча одамлари билан тоғнинг нариги томонига бошлаб кетди. Яна куни бўйи йўл юриб, керак бўлганда қор тепиб, кечки пайт Яккаўланг[1] деган қишлоққа етиб бордилар. Бу туркийзабон қишлоқ одамлари:

– Осмондан тушдиларингизми? – деб ҳайрон қолишди: – Умримиз бино бўлиб қиш чилласида бу довондан тирик ўтиб келган шунча кўп одамни кўрмаган эдик!

Яккаўлангликлар Бобур ва Қосимбекнинг оёғи тагига қўйлар сўйиб, катта зиёфатлар беришди. Бир кеча дам олганларидан сўнг Султон қайтиб кетишга рухсат сўради.

– Бир ўзингиз тоғдан қандай ўтасиз? – деди Бобур.

– Келган йўлимиз ҳали бекилмагандир. Отларим бор-ку.

– Балки биз билан қолурсиз? Мамлакатнинг тўрт томони тоғ. Бизга сиздек йўлкўрсатувчи доим керак.

– Таклифингиз учун ташаккур, ҳазрат шоҳ. Мен сиздек мард подшоҳни умримда биринчи кўришим. Уйга қайтиб, барча пашойиларга сизнинг тўғрингизда сўзлаб бермоқчиман. Хизматингизга келсам ҳам, юз-икки юзта йигитни бошлаб келамен. Худо ҳофиз!

Бобур хазиначига буюриб, Султонга кутганидан ҳам ортиқ мукофотлар бериб жўнатди.

* * *

Кобулда уларни бошқа хафв-хатарлар кутмоқда эди. Фитначилар Бобурни «Ҳиротда қатл этилибди» деб овоза тарқатганлари рост экан. Ўратепанинг собиқ ҳокими Муҳаммад Ҳусайн дуғлат фитначиларга бош бўлиб, Бобурнинг ўрнига унинг амакиваччаси – марҳум Маҳмуд мирзонинг йигирма ёшли ўғли Мирзохонни Кобул подшоси, деб эълон қилибди. Бунинг хабарини Кобулда қолган содиқ навкарлардан Муҳаммад Андижоний Лангари Темур деган жойда Бобурга етказиб келди. Маълум бўлишича, Кобул қалъасини Бобур учун беркитиб турган Мулло Бобо ва Аҳмад Юсуфларнинг аҳволи жуда оғир. Қўрғонни қамал қилаётган Мирзохон бошлиқ мўғулларнинг йигирма минг одами бор, деворларга нақб солиб борут билан портлатиб ўтишга ҳаракат қилишяпти. Қўрғон ҳимоясида икки юзтагина одам турибди. Уларнинг ҳам захиралари тугаб боряпти. Шу ке-

[1] Ў л а н г – яйлов дегани.

тишда фитначилар кетма-кет ҳужум қилаверса қўрғонни бир ҳафта-ўн кунда олиб қўйишлари эҳтимолга яқин.

– Биз Лангари Темурдан Кобулга тўрт кунда етиб боргаймизми, а, жаноб Қосимбек? – сўради Бобур.

– Илдам юрсак, уч кунда ҳам етгаймиз. Аммо Қандаҳор йўли билан келганимизда Кобулга яна бир ойда зўрға етган бўлардик.

Муҳаммад Андижоний бу гапни маъқуллаб қўшимча қилди:

– Фитначилар сизларнинг қиш чилласида Ҳиндикушдан ошиб келишларингизни мутлақо билмайди, амирзодам! Ахир бу – ақл бовар қилмайдиган иш! Шунинг учун фитначилар асосий кучларини Қандаҳордан келадиган йўл бўйларига жойлаштирганлар. Қоровуллари ҳам Қандаҳор томонда пойлоқчилик қилмоқда эмиш. Менга буни Мулло Бобо тайинлаб айтиб юборди. «Ғазна томондан келмасинлар, Манор тоғи томондан келсинлар» деб илтимос қилди.

– Аммо жаноб Қосимбек, сиз узоқни кўзлаб довон йўлини танлаган экансиз. Мен сизнинг ҳақлигингизга энди астойдил тан бердим.

– Ташаккур, амирзодам. Энди ҳамма гап Кобулга ёғийлар кутмаган томондан билинтирмай боришимизга боғлиқ. Уларни ғафлатда босмоқ керак!

Бобур, Қосимбек, Хўжа Калон ва бошқа ишончли амирлар маслаҳатни бир жойга қўйишди. Кобул қўрғонидаги Мулло Бобо бошлиқ содиқ кишиларига Бобур ўз қўли билан махфий мактуб ёзди.

«Мардона бўлинг, нажот яқин, Худо хоҳласа, сешанба куни тунда биз Манор тоғида улкан ўт ёндирғумиздир. Сизлар ҳам аркда, эски кўшкнинг устидаким, ҳозир хазинадур, улуғ ўт ёндирингиз, токи билғаймизки, биздан хабардор бўлибсиз...»

Муҳаммад Андижоний Бобурнинг мактубини Кобул қўрғонидагиларга вақтида етказиб борган экан. Сешанба куни кечаси Бобур одамлари билан Манор тоғига етиб, Кобул қўрғони кўринадиган жойда улкан олов ёндирдилар. Кўп ўтмай Кобул аркида хазинанинг томи устида ҳам каттакон олов ялтиллаб кўринди.

Шундан кейин Бобур одамлари билан Кобулнинг шимол томонидаги Ғурбанд тангисидан саҳар палла чиқиб, энг аввал фитначиларнинг бошлиқлари ухлаб ётган қасрларга яқинлашдилар. Тун жуда совуқ, изғирин шамол эсади,

кўпчилик қоровуллар ҳам шамолпана илиқ жойларга кириб кетишган. Муҳаммад Ҳусайн билан Мирзохон ғафлат уйқусида ётган пайтда қўрғон ичкарисидан Мулло Бобо ва Аҳмад Юсуф ўз одамлари билан Оҳанин дарвозасидан қуролланиб чиқдилар. Қўрғонни қамал қилиб ётган мўғулларнинг ҳалқаси шимол томонда сийрак эди, чунки улар Бобурнинг жануб-ғарб томондан келишини кутмоқда эдилар.

Бобур шимолдаги Ғурбанд томондан, қўрғондагилар қалъа томондан бирваракай зарба беришиб, мўғуллар ҳалқасини синдириб ўтдилар.

Кобул подшоси деб эълон қилинган Мирзохон қўрғон ташқарисидаги ҳашаматли бир қасрда ухлаб ётган пайтда Бобурнинг Хўжа Калонбек бошлиқ йигитлари қаср ҳовлисига тиғ яланғочлаб кирдилар. Мирзохоннинг қўриқчи йигитлари ҳам қиличларини қиндан суғурдилар.

Қиличбозлик жангидан бир неча навкар яраланиб йиқилди. Чўчиб уйғонган Мирзохон:

– Бобур бостириб келди! – деган хабарни эшитиб ўзини йўқотиб қўйди. «Ўлди»га чиқарилган одамнинг бирдан тирилиб келиши Мирзохонни шунчалик ваҳимага солдики, у тарафдорларини тўплаб жанг қилишни хаёлига ҳам келтирмади. Қантариб қўйилган эгарлоғлиқ бир отга сапчиб минди-да, кунчиқиш томондаги тоғларга қараб қочди. Буни эшитган Бобур Юсуфбек бошлиқ бир тўда йигитларни Мирзохоннинг кетидан қувғинчи қилиб юборди. Ўзи Боғи Беҳишт деб аталадиган боғнинг икки қаватли қасрига томон от суриб кетди. Фитначиларнинг бошлиғи Муҳаммад Ҳусайн дуғлат шу қасрда эди. Дарвозанинг томи устида ўтирган қўриқчилар Бобурга ёйдан ўқ ёғдирдилар. Ўқлардан бири унинг пўлат дубулғасига, яна бири кўкрагидаги зирҳли «чор ойнага» ўралиб қапчиб кетди. Сўнг Бобур камондан отган ўқ том устидаги соқчилардан бирини ерга қулатди.

Дарвозани қўриқлаб турган отлиқ мўғул беклари қилич яланғочлаб, Бобурга ҳамла қилишди. Улардан бири яқин келиб қилич урганда Бобур ўзини қалқони билан тўсди. Сўнг фитначининг бўйнига шундай қилич урдики, эгардан ерга учириб, юмалатиб юборди.

Яна иккинчини, учинчини... бешинчисини отидан қулатди...

Қилич яланғочлаб келаётган ҳар бир душман унга юзма-юз келган ўлим тимсоли бўлиб кўринарди. Ёвни қилич

билан уриб йиқитганда ўзига чанг солаётган ўлимни бартараф қилгандай енгил тортарди.

Бобурнинг ўзи тиғ билан ёвларини уриб, йиқитиб келаётганини эшитган Муҳаммад Ҳусайн дуғлат ҳовлига чиқишга ҳам журъат этолмади. Хотинларнинг кўрпа-тўшак йиғиб қўйиладиган хонасига кириб, бўғжаманинг ичига яширинди.

Меҳр Нигор хоним – Бобурнинг холаси эди. Бултур Қутлуғ Нигор хоним оламдан ўтгандан бери Бобур бу холасини она ўрнида ҳурмат қилиб юрарди. Бобурнинг одамлари ичкариларни ахтариб, Муҳаммад Ҳусайнни топиб чиққанларича Бобур шу холаси олдида фарзанддек таъзим қилиб кўришди.

Тошкентда хон бўлган марҳум Маҳмудхоннинг онаси Шоҳбегим ҳам шу қасрда экан. Бобурга ўгай бўлса ҳам, ҳар қалай момо ҳисобланган Шоҳбегим тўсатдан пайдо бўлиб қолган Бобур олдида саросима бўлиб, дудуқланиб бирон сўз айта олмади. Бобур унинг ҳам ҳурматини жойига қўйиб, таъзиму тавозе билан сўрашди. Ичкаридан икки йигит қўлтиғидан маҳкам ушлаб олиб чиққан Муҳаммад Ҳусайн эса:

– Менда не айб?! – деб пешгирлик қилди.

– Сизда айб бўлмаса нечун мендан қочиб тўшакхонага бекиндингиз? – сўради Бобур.

– Қилич ялонғочлаб кирганлардан қўрқдим, рост!

– Аммо менинг ўрнимга Мирзохонни подшоҳ кўтарганда Худодан қўрқмадингизми? Бир подшоҳга қарши фитна уюштириб, бошқа подшоҳни тахтга чиқариш – давлат тўнтариши эканини билмасмисиз? Бундай хиёнатлар учун энг оғир жазолар берилиши, танаси пора-пора қилиниб, минг қийноқлар ичида қатл этилиши сизга маълум эмасмиди?!

– Мени... мўғул беклари йўлдан урдилар!.. Кечиринг, амирзодам, кечиринг, – деб Муҳаммад Ҳусайн ҳўнграб йиғлай бошлади ва Бобурнинг оёғи остига ўзини ташлади. Соқолига оқ тушган бу одамнинг Ўратепадаги уйида Бобур кўп марта меҳмон бўлган, унинг ўғиллари билан бирга ўсган эди. Айниқса, Муҳаммад Ҳусайннинг кичик ўғли Ҳайдар Мирзо Бобурга жуда меҳрибон, зеҳни ўткир, етти-саккиз ёшдаёқ китоб ўқиб, шеър айтадиган заковатли бола эди[1].

[1] Келажакда Муҳаммад Ҳайдар Мирзо Бобур тарбиясини олиб улкан адиб бўлиб етишади ва машҳур «Тарихи Рашидий» китобини яратади.

Меҳр Нигор хоним ҳам, Шоҳбегим ҳам Муҳаммад Ҳусайннинг шу болаларини ўртага солиб, Бобурдан шафоат сўрадилар. Бобур Муҳаммад Ҳусайнга нафрат билан кўз ташлаб деди:

– Мана шу оналар-у бегуноҳ болалар ҳурмати... Мен сизнинг қонингиздан кечдим... Аммо энди сиз билан орамиз узилди... Кўчингизни олиб, менинг қаламравимдан чиқиб кетинг! Тамом!

Бобур бу ердан отланиб чиққанда фитначи қўшинлар Кобул қўрғонининг атрофларини тарк этиб, тоғларга қараб чекинмоқда эди. Қамал пайтида қўрғонни аждаҳодай ўраб ётган минглаб мўғул аскарлари энди ўз сардорларидан ажралиб, боши кесилган илондек талваса ичида гўё думалаб кетмоқда эди.

Мирзохоннинг кетидан юборилган қувғинчилар уни Қарғабулоқ деган жойдан тутиб олиб, аркда девонхонада ўтирган Бобурнинг олдига олиб кирдилар. Енгил кийинган Мирзохон совуқда дийдираб кўкариб кетган. Бобурга эгилиб таъзим қилаётганда ерга гурсиллаб йиқилиб тушди. Йигитлар уни ўрнидан турғиздилар. Йиғлаб илтижо қилди:

– Мени афв этинг, ҳазратим! Сиз менинг ягона подшоҳимсиз!

– Аммо ўзингизни ҳам подшоҳ деб эълон қилибдилар-ку!

– Мени алдадилар! «Темурийлардан Кобулда фақат Сиз қолгансиз, – дедилар. – Бобур мирзо қайтиб келгунча элга бош бўлиб туринг» деб кўндирдилар! Мана, Худога шукр, эсон-омон қайтиб келибсиз!

– Бизга пешвоз чиқиб кутиб олиш ўрнига, нечун тоққа қараб қочдингиз?

– Хом сут эмган банда, ваҳимага берилибмен! Аммо мен мўғул беку навкарларидан ҳимоя истаб қочганим йўқ. Сизнинг ҳузурингизга жанг тугагандан сўнг қайтмоқчи эдим.

Бобур учун ҳам Мирзохоннинг мўғул беклари томонга қочиб кетмагани яхшилик аломати эди. Агар Мирзохон улар томонга ўтиб кетганда, икки орадаги уруш узоқ давом этиши, яна кўп беҳуда қонлар тўкилиши мумкин эди.

– Мен сизнинг қаҳрамонлигингизга тан бериб тиз чўкурмен, ҳазратим! – деб Мирзохон яна юкунди. – Сизда Соҳибқирон бобокалонимизнинг қиличи борлигини билурмен! Бу қиличга «Куч – адолатдадир» деган муқаддас ёзув битилганини ўзингиз менга айтган эдингиз. Бугун сиз ана шу қилич билан баҳодирона жанг қилиб ғалабага эришдингиз.

Чиндан ҳам, куч адолатда эканига мен энди астойдил имон келтирдим! Буюринг, токи умрим борича сизга хизмат қилай!

Бобур Мирзохонга ўнг томонидан жой кўрсатди.

– Шарбат келтирилсин! – деб буюрди.

Савдарбоши олтин косада келтирган шарбатдан Бобур аввал ўзи ичдию, кейин Мирзохонга берди.

– Ҳозир Кобулда темурийлардан фақат иккимиз қолдик, – деди Бобур. – Бу мўғуллар азалдан темурийлар билан олишиб келурлар. Қундузда Шайбонийхоннинг қўшини турибдир. Ора яқин. Кобулда хоннинг жосуслари ёлғон овозалар тарқатиб, мени атайлаб «ўлди»га чиқарган бўлсалар керак.

– Бу рост! Қундуз ҳокими Қамбарбий Кобулдаги мўғул беклари билан тил бириктирганини мен ҳам сездим.

– Кимлар ўша тил бириктирган беклар?

Мирзохон бир неча мўғул бекларининг номларини айтди.

– Ана шуларни сиз бизга тутиб беришингиз керак! – деди Бобур. – Бўлмаса булар яна пайтини топиб, сиз билан мени Шайбонийхонга сотгайлар!

– Кемага тушганнинг жони бир, ҳазратим! Мен то ўлгунимча темурийлар кемасида собит тургаймен! Агар ўлимга буюрсангиз ҳам сўз қайтармай борурмен!

Мирзохон девқомат ёвқур йигит эди, унинг томирида она томондан бобокалони Искандар Зулқарнайн қони ҳам борлигига Бобурнинг ишонгиси келарди.

– Сизни ўлимга буюрмоқчи эмасмен, Мирзохон. Балки ҳамкорликка чорламоқчимен!..

– Жону таним, бутун борлиғим билан ҳамкорингиз бўлурмен, ҳазратим!

Мирзохон шу сўзининг устидан чиқиб, Бобур буюрган барча ишларни сидқидил билан адо этадиган бўлди.

Муҳаммад Ҳусайн дуғлат эса кўч-кўронини туя ва отларга ортиб жўнаб кетди ва Мурғоб бўйларида Шайбонийхонга бориб қўшилди. Аммо ўрганган кўнгил ўртанса қўймас, деганларидек, ўша ерда ҳам фисқу фасод ишларга бош қўшгани учун Шайбонийхон томонидан ўлдирилди.

Ўша қиш Бобур кўрсатган мардлик ва довюракликнинг мукофоти шу бўлдики, Қосимбек Ҳирот чорбоғида учраган гўзал қизни излаб топди. Бобур Кобулда катта тўй қилиб, Моҳим бону исмли бу олов қизга уйланди ва орадан бир

йил ўтар-ўтмас ундан ажойиб ўғил кўрди. Бахтли истиқбол орзуси билан бу тўнғич ўғилни Ҳумоюн деб атадилар.

ҲИРОТ. МАРВ

ПАЙМОНАСИ ТЎЛГАНЛАР

1

Ҳирот атрофларида қиш осойишта ўтдию, авжи баҳор кунларида Шайбонийхон эллик минг қўшин билан Мурғоб дарёсидан ўтиб, Хуросонга бостириб кирди. Бадиуззамон мирзо билан Музаффар мирзо Ҳиротнинг шимолида Қораработ ва Тарноб деган жойларда икки бўлак қўшин, икки алоҳида саркарда билан ланж бир аҳволда ўтирган эдилар. Шайбонийхоннинг Убайдулла Султон ва Темур Султон бошлиқ отлиқ аскарлари бу икки қўшиннинг орасига тиғдай ёриб кирдию, кучли бир зарба билан икки подшоҳни икки томонга улоқтириб ташлади. Мирзолар кўпчилик бек ва навкарлари билан тумтарақай бўлиб қочдилар. Фақат Зуннунбек арғун ўзининг Ҳизабрулло бўлишига ва Шайбонийхоннинг қиличини синдиришига ҳали ҳам ишонгани учун бир неча юз навкарини хон қўшини қаршисига бошлаб чиқиб, охирги нафаси қолгунча олишди. Убайдулла Султоннинг отлиқлари ҳаял ўтмай уни эгардан уриб туширдилар, бошини кесиб найзага санчдилару Шайбонийхон минган отнинг оёғи тагига элтиб ташладилар.

Жанг майдонидан ҳаллослаб қочган Бадиуззамон мирзо Ҳиротга ҳаммадан олдин етиб келди, аммо шаҳар ичига кирмади. Боғи Жаҳонорода бир неча соат тўхтаб, отларига дам берди-ю, олтин-кумуш ва жавоҳирларидан кўтарганича олди. Унинг хотин-болалари шаҳар ичида – аркда эди. Орқадан қувиб келаётган ёв таҳликасидан қўрққан Бадиуззамон мирзо шаҳар доруғасини чақириб, қалъа дарвозаларини бекитиб олишни буюрди. «Қамалда қолишдан қўрқманглар, биз Қандаҳор томондан қўшин тўплаб келиб, сизларни халос қилурмиз», деган қуруқ ваъда билан хотинлари ва болаларини қўрғон ичида қолдириб ўзи жанубга қараб шошилди.

Ҳиротга кечаси етиб келган Музаффар мирзо ҳатто енгилиш ва қочишда ҳам акаси билан мусобақалашган каби иш қилди. У ҳам шаҳар ташқарисидаги Боғи Сафидда бир неча соат тўхтаб, нафасини ростлагач, энг керакли нарсаларини

олдию, ёв етиб келиб қолишидан қўрқиб, аркка кирмади, онаси ва хотинларини қалъа ичида қолдириб, дарвозаларни бекитишни буюрди, у ҳам «Қамалда қолсаларинг ўзим келиб қутқарамен!» деганича Астрободга қараб қочди.

Мирзоларни кутганидан ҳам осон енгган Шайбонийхон шаҳардан ўн беш чақиримча шарқдаги Қаҳдистон деган хушҳаво ўтлоққа тушиб, шоҳона чодирларини тикдирди. Хадича бегим Ҳиротда бор аъёнлар ва қўриқчи аскар саркардаларни тўплаб, қўрғон дарвозаларини бекитишга уриниб кўрди. Аммо икки оға-ини подшодан биронтаси Ҳирот мудофаасига бош бўлмасдан қочиб кетганлиги ҳамманинг руҳига ёмон таъсир қилган, қамал азобини ҳеч ким зиммасига олишни истамас эди. Хоннинг ғазабига қолмаслик учун Ҳиротни унга жангсиз топширишни маъқул кўрувчилар кўп эди. Ахири Ҳирот шайхулисломи Тафтазоний бир неча нуфузли кишиларни ёнига олиб, Ҳирот шаҳрининг калитларини қимматбаҳо совға-саломлар билан бирга хонга элтиб топширди. Қаҳдистоннинг оромбахш баҳор ҳавосида улкан ғалабадан таъби очилиб юрган Шайбонийхон энди жозибали бир аёл билан қовушгиси келар эди. У Ҳиротнинг энг таърифи кетган гўзал жувони – Музаффар мирзонинг йигирма ёшли суюкли хотини Қоракўз бегим деб эшитган эди. Тошкентда ва Андижонда Қоракўз бегим деб от чиқарган қиз-жувонлар қанчалик чиройли бўлганини хон яхши билар эди. Ҳиротлик Қоракўз бегимнинг асл номи бошқа бўлса ҳам қоракўзли гўзаллар орасида энг чиройлиси бўлгани учун эл орасида шу исм билан танилган эди. Шайбонийхон доимий одатини қилиб, бу жувонга ғойибона ошиқ бўлгани ҳақида қисқа бир ғазал ёздию, шоир Муҳаммад Солиҳни орага қўйиб, шеърини бегимга етказдирди.

Музаффар мирзо номардлик қилиб хотинларини ташлаб кетганидан қаҳри келган Қоракўз бегим хоннинг ғазалини хуш қабул қилди. Хадича бегим бошлиқ бошқа келинлар Ҳиротнинг энг мустаҳкам истеҳкоми бўлган Ихтиёриддин қалъасига кириб бекинганларида Қоракўз бегим улардан ажралиб қолди ва отасининг шаҳар ташқарисидаги чорбоғига кетди. Кейин бегимни ҳаммомда ювинтиришиб, келинлардай ясантиришди-ю, хон юборган шоҳона маҳофага солишиб Қаҳдистонга олиб кетишди. Кечки пайт Ҳиротнинг шайхулисломи ва қозиси хон қароргоҳига чақирилди.

Бугун одатдагидан ёшроқ кўринаётган Шайбонийхон шариат пешволарини маҳфури[1] гилам тўшалган боргоҳда қабул қилди. Хоннинг ёнида турган мулло Абдураҳим Қоракўз бегимни бугун имоми замонга никоҳлаш ҳақида гап очди.

– Бугунми? – деб шайхулислом қозига саросима бўлиб кўз ташлади. Қози бу қарашнинг маъносини тушунди.

Қоракўз бегим Музаффар мирзонинг никоҳида эди. Эрининг ташлаб кетганига беш кун ҳам бўлгани йўқ. Ҳолбуки, бир мусулмоннинг никоҳидаги хотиннинг иддаси бўлади, уч ой ўтмагунча бошқа кишига никоҳлаш мумкин эмас. Шариат буни қатъиян ман қилган! Шайхулислом хоннинг оёғи тагидаги гиламни ўпиб, шу тўғрида гап бошлаган эди, хон унинг сўзини кесди:

– Шариатни бизга ўргатманг! Бегимни ҳезалак эри бундан тўрт ой олдин уч талоқ қўйган. Сиз уч ой дейсиз! Бегим тўрт ой боши очиқ юрган! Наҳотки, сиз, шариат пешволари бундан бехабарсиз?!

Хоннинг қаҳридан қўрқиб кетган шайхулислом оппоқ соқолини маҳфури гиламга суркаб яна ер ўпди.

– Хабардормиз, ҳазратим!

– Хабардормиз! – деди қози ҳам гиламни ўпиб.

Улар Музаффар мирзонинг бундан тўрт ой бурун аччиқ устида хотинини учталоқ қўйганини билар эдилар. Бироқ кейин мирзо хотини билан яна ярашганда шайхулислом билан қози бегимни эрига қайтадан никоҳлаб берган эдилар. Лекин бегимнинг аввалги ёш эри тилга олинганидан рашки келиб, сабр косаси тўлиб турган хонга буни айтиш ўлимни бўйинга олиш билан баробар эди.

Шариат пешволари энди бу тўғрида «чурқ» этмасдан никоҳ ўқишга ҳозирландилар...

* * *

Салласига лаъл ва гавҳар билан бирга укпар ҳам қадалган Шайбонийхон кечаси бегимнинг хобгоҳига шаҳдам қадамлар билан кириб кетди. Хобгоҳнинг ташқи бўлмасида хоннинг ҳарамига қарайдиган кекса бека, иккита бичилган ҳабаш қул ва бегимга эргашиб келган иккита каниз навбатчилик қилиб қолишди.

[1] М а ҳ ф у р и – гулларига шеърий байтлар қўшиб тўқилган нодир ипак гилам.

Бир вақт хобгоҳ эшиги шахт билан очилди-ю, елвагай тўн кийган, бошидаги оқ шабпўши[1] бир ёнга оғиб кетган Шайбонийхон чиқиб келди. Унинг ранг-қути ўчган, лаблари пирпирайди.

– Беҳаё экан! Бузилиб кетган экан! Безбет!

Ҳарам бекаси бегимнинг канизлари билан бирга шоша-пиша ичкарига кирдилар. Тўшак четида юзини қўллари билан бекитиб олган гўзал жувон елкалари силкиниб, пиқ-пиқ йиғлар эди.

Маълум бўлишича, Қоракўз бегим Ҳиротнинг сўнгги подшолари яхши кўрадиган ва олий табақа аёллари «ғалвира» деб от қўйган шўх бир қилиқ қилади. Бу билан у эллик олти ёшли хонни қойил қилмоқчи, балки унинг илҳомини оширмоқчи бўлади. Бироқ кўп марта уйланган, қанча қиз-жувонлар билан бир ёстиққа бош қўйган хон умрида бундай қилиқларни кўрмаган экан. У аввал саросимага тушади, кейин Қоракўз бегимнинг аввалги ёш эрини эслайди. Бегим бундай қилиқларни аввалги эрига ҳам қилганларини кўз олдига келтирадию, бирдан ҳафсаласи пир бўлади ва сўкиниб ўрнидан туриб кетади. Бегим бу шўхликни хонга ёқиш учунгина қилганини, Ҳирот аслзодалари орасида бу жоиз эканини канизлар ҳарам бекасига тушунтирдилар. Бегимга раҳми келган ҳарам бекаси хоннинг олдига чиқиб, уни жаҳлидан туширишга тиришди:

– Ҳазратим, айб фақат бу бегимда эмас! Айб унга шу қилиқни ўргатганларда! Ҳиротда беҳаёлар кўп экан.

– Бу шаҳар – диндан қайтган рофизийлар[2] уяси! – деди хон ҳам энди ғазабини бошқа томонга йўналтириб. – Бу жувоннинг қайнонаси Хадича бегим – безбетларнинг энг каттаси! Энг аввал ўшани тутиб жазосини бериш керак.

Шайбонийхон хобгоҳга қайтиб кирмади. Қоракўз бегимни тафвиқ ва ҳаё йўлига қайтаришни ҳарам бекаси билан ҳабаш қулларга топширдию, ўзи боргоҳга жой солдириб ётди. Аммо тонг отгунча ухлай олмади.

Эрталаб азонда боргоҳдан хиргоҳга ўтдию, лашкарбошилардан Убайдулла Султонни, мулозимлардан Муҳаммад Со-

[1] Ш а б п ў ш – кечаси кийиб ётиладиган дўпписимон енгил бош кийими.

[2] Р о ф и з и й л а р – исломнинг сунний мазҳабидан шиа мазҳабига ўтганлар ва, умуман, мусулмончиликдан чиққанлар.

лиҳни, мавлоно Биноийни ва Мансур бахшини чақиртирди. Энг аввал жияни Убайдулла Султонни сўроққа тутди:

– Ихтиёриддин қалъаси олиндими-йўқми?

– Хон ҳазратлари, бугун-эрта олинғусидир!

– Битта бузуқ хотин бекитиб ётган қалъани шунча лашкар билан ҳалигача ололмайсан! Ё ўзим бориб олайми?

Хонга кечаси бир бало бўлганини ҳамма сезди. Йигирма ёшли девқомат Убайдулла Султон улкан гавдасини эгиб, хонга икки букилиб таъзим қилди:

– Ҳазратим, қалъани шу бугун оламиз. Ҳозир мен ўзим бориб ҳамла қиламен!

– Ҳамла қиламен деб, лашкаринг деҳқонларнинг экинини топтаб кетибди. Биз Ҳиротга меҳмон бўлиб келганимиз йўқ. Деҳқоннинг ҳосили ўзимизга керак! Боғларни ҳам от босмасин! Мевасини ўзинг ейсан! Сен темурийзодаларнинг уруғини қурит! Ўшаларга хизмат қилиб қутурган шиаларни бос!

– Барча айтганларингизни бажо келтирамиз, ҳазратим! Убайдулла Султон кетишга чоғланди. Шунда Шайбонийхон:

– Агар қалъани бугун оладиган бўлсанг, Мансур бахшини ҳам олиб кет! – деди. – Бу бахши яна бўйдоқ юрибди. Бунга хотин чидамайди. Хадича бегим шунга ўхшаган зўр бир эр тополмай юрган эмиш. Қалъани олсанг, ўша хотинни Мансур бахшига никоҳлаб берасан!

Семириб, аввалгидан баттар йўғонлашиб кетган ўтовдай катта Мансур бахши:

– Айналайин сиздан, хон ҳазратлари! – деди. – Самарқандда никоҳлаб берган Зуҳра бегимингиз ўлгандан бери сўққабошлик жонимга тегиб юрган эди!

– Лекин сен бахши ҳадеб нафсингни ўйлай берма! – деди хон. – Ҳиротнинг энг катта бойликлари Хадича бегимнинг қўлида. Менга ахбороти келган, бу хотин олтиндан гул ясатган эмиш, барглари зумраддан эмиш. Гулга қўниб турган булбулнинг оғзида гавҳари бор эмиш.

– Хон ҳазратлари, бунисини мен сизга топтириб бераман! – деди Мансур бахши. – Хазинаси ҳам сизники! Менга ўзи бўлса бас!

Бу шўх гаплардан кейин Шайбонийхоннинг чеҳраси сал очилдию, Убайдулла Султон билан Мансур бахшига кетиш учун рухсат берди. Муҳаммад Солиҳ билан мавлоно Биноий хон қаршисида ҳамон қўл қовуштириб, оёқ устида сукут

сақлаб туришарди. Қизил кимхоб кўрпача устида чордана қуриб ўтирган хон Муҳаммад Солиҳга қараб:

– Сен, шоир, нуқул Ҳиротни мақтар эдинг, – деди. – Ҳиротинг ҳаёсини йўқотган бетафвиқларнинг уяси экан-ку!

Муҳаммад Солиҳ хоннинг бошига кечаси қандай ҳангома тушганини аллақачон пайқаган эди. Шайбонийхон ҳозир кексалик заифлигига чора тополмай алами келаётгани ҳам сезилиб турарди. Муҳаммад Солиҳ унинг ярасига туз сепмаслик учун гапни бошқа ёққа бурди:

– Ҳазратим! Ҳиротнинг ахлоқини темурийлар бузган. Сиз темурийларни жангда жисмонан енгдингиз, энди уларни маънан енгмоқдасиз! Имоми замонамизнинг ахлоқий покликлари ҳиротликларга ибрат бўлмоғи керак.

– Гапга чечансен! Лекин Ҳиротнинг ахлоқини шоирлар ҳам бузганини нега айтмайсен! Темурийларни мақтаб, беҳаё шеърлар ёзиб, лаган-лаган олтин олган шоирларинг бўлмаганми?

– Бўлган, хон ҳазратлари. Мана мавлоно Биноийни Ҳиротдан ана ўшанақа шоирлар кеткизиб юборган!

Шайбонийхон мавлоно Биноийга юзланди:

– Шундайми?

– Шундоқ, ҳазратим! – деди Биноий таъзим билан.

– Ундай бўлса мавлоно Биноий адолат қиличини белига тақиб, ёмон шоирлардан қасдини олсин! – деди хон. – Бизнинг ғолиб навкарларимиздан эллик-олтмиштасини мавлононинг ихтиёрига беринг. Темурийларнинг олтинидан қутуриб юрган шоирларнинг молу мулки мусодара қилинсин! Барча олтинларини тортиб олиб хазинага топширинг! Кейин бу шоирларнинг кўзи очилиб, тафвиқу ҳаё йўлига қайтиши осон бўлади!

Мавлоно Биноий безовталаниб Муҳаммад Солиҳга қаради. У бир вақтлар ўзига алам ўтказган баъзи Ҳирот шоирларини ҳар қанча ёмон кўрса ҳам, лекин ёнига аскар олиб, бировларнинг уйини тинтишни, молу мулкини мусодара қилишни ўзига муносиб кўрмас эди. Бироқ буни хонга рўйирост айтиш ҳам мумкин эмас эди.

– Ҳазратим, шундай улуғ вазифани фақирга ишониб топширмоқ ниятингиздан сарафрозмен!.. Фақат бир андешам бор.

– Хўш?

– Ҳазратим, мен умримда қилич чопмаган кекса одаммен. Ёшим элликдан ошган. Бу фармони олийни жанговар бек

шоир Муҳаммад Солиҳ жаноблари фақирдан юз ҳисса яхши бажарурлар! Фақир бу жанобга кучим етганича ёрдам берай!

Муҳаммад Солиҳ бу ишни ўзига йўлатгиси келмади.

– Мавлоно, мен Ҳирот шоирларини сизчалик яхши билмаймен!

Буйруғи сансалор бўлаётганини сезган Шайбонийхон, кўзлари таҳдидли ялтираб, Биноийга тикилди.

– От инъом қилдик – миндингиз. Тўн инъом қилдик – кийдингиз. Улуфа бердик – йўқ демадингиз. Энди иш буюрсак, йўқ дейсизми?!

Бошқа эътирозга ўрин қолмади. Олти йилдан бери хон хизматида юрган Биноий унинг ҳозирги буйруғини бажаришга мажбур эди...

* * *

Шайбонийхоннинг ўнг қўл вазири – олтмиш беш ёшли мулла Абдураҳим Ҳирот алломаларидан олтин ундиришнинг бошқа бир йўлини ўйлаб топди. Ҳирот атрофларидан ғолибларнинг қўлига тушган ўлжалар орасида сурув-сурув қўйлар ҳам бор эди. Мулла Абдураҳим шу қўйлардан олтмиштасини Ҳиротнинг Қипчоқ дарвозаси ташқарисидаги бозорга ҳайдаб тушишни хизматкорларига буюрди. Сўнг шаҳарга бир тўп навкар юбориб, темурийлар даврида машҳур бўлган Хондамирни, Бобурга яқинлиги билан танилган мавлоно Фазлиддинни, Ҳусайн Бойқарога атаб шеърлар ёзган «кўкса» лақабли шоир Султон Муҳаммадни, яна шуларга ўхшаш беш-олти кишини қўй бозорига мажбуран олиб келтирди. Кейин мулла Абдураҳимнинг ўзи ҳам бир тўп мулозимлари билан бозорга ўйноқи бир арғумоқни миниб кириб келди. Мулозимлардан бири пиёда қўл қовуштириб турган Хондамирга ва унинг ҳамроҳларига шундай деди:

– Судурлар садри Низомиддин Абдураҳим ҳазратлари ўзларининг бу қўйларини фақат сизларга сотмоқчилар!

Хондамир шерикларига: «Шу билан қутулсак кошки!» дегандай қилиб қарадию, кейин судурлар садрига таъзим қилди:

– Бажонидил олурмиз. Нархини айтсинлар.

Мулозим овозига тантанали тус бериб деди:

– Бу қўйлар – судурлар садрининг нафаси теккан табаррук қўйлардир. Сизлар темурийлар хизматида ҳаромхўрликка ўрганиб, бузилиб кетган одамсизлар. Бу қўйларни сўйиб еб ҳалқумларингни поклашларинг керак. Шунинг учун қўйлардан ҳар бирининг нархи олти юз динор!

Олти юз динорга битта эмас, етти-саккизта қўй олиш мумкин эди. Бироқ қўйларни судурлар садри айтган нархда олмаслик – унинг ғазабига учраш ва шафқатсиз жазога гирифтор бўлиш демак эди. Пулдан қийналиброқ юрган мавлоно Фазлиддин безовталаниб сўради:

– Жаноблар, яқинда моли омон ҳам тўлаган эдик-ку?

Шоир Муҳаммад Султон истеҳзоли кулимсиради:

– Мавлоно, бу ноёб қўйларга ҳазратимизнинг муборак назарлари тушган экан. Шунинг учун энди бу моли омон эмас, балки моли имондир!

Мулла Абдураҳим истеҳзони пайқаб қаҳри келди ва навкарларига буюрди:

– Буларнинг ҳар бирига қўйлардан ўнта-ўнта қўшалоқлаб беринглар! Буларни темурийларнинг олтини қутуртирган! Ҳаммасининг димоғи жуда баланд! Буларни осмондан ерга тушириб қўйиш керак. Қўйларни уйларигача ўзлари ҳайдаб кетсин! Ҳеч ким ҳайдашмасин! Уйларигача кузатиб бориб, пулини ундириб келинглар. Қайси бири буйруқни бажармаса, молу мулкини мусодара қилиб, ўзини зиндонга ташланглар!

Навкарлар буйруқни бажаришга киришдилар.

Ҳиротда кўпчилик танийдиган шоир, олим ва меъмор иссиқ кунда ҳалпиллаб, сертупроқ, серчанг кўчалардан қўй ҳайдаб кетдилар. Кейин бу «табаррук» қўйларнинг пулини қарз-ҳавола қилиб бўлса ҳам, тўлаб қутулдилар.

2

Убайдулла Султоннинг бир ярим минг навкари ўн кундан бери Ихтиёриддин қалъасининг атрофида ғивирлар, аммо ўқ ҳам, шоти ҳам етмайдиган баландликдаги қалъани олишнинг ҳеч иложини тополмас эди. Темир дарвозаларга тўпдан ўқ отиб кўришди, бўлмади. Кейин ер тагидан ғор қазишга тушишди.

Шуни ҳисобга олмаганда, Ҳирот ҳозир бир қадар тинчиб бормоқда эди. Мусодара қилинадиган хазиналар бўшаб қолган, таланадиган молу мулклар таланиб бўлган эди. Шайбонийхон Қаҳдистондан Боғи Жаҳонорога кўчиб келиб, Ҳиротнинг машҳур санъаткорларини ўз ҳузурига чақиртирди. Санъат ишларини бошқараётган Муҳаммад Солиҳ

воситачи бўлиб, Беҳзодни хон билан бир-икки марта учраштирди. Хоннинг маслаҳатгўйи мулла Абдураҳим расм чизишни шиалар ва рофизийларнинг иши деб ёмон кўрса ҳам Шайбонийхон Беҳзоднинг расмлари Ҳусайн Бойқарони қанчалик машҳур қилганини билар, энди бу мусаввирнинг истеъдодидан ўз шуҳрати учун фойдаланишни истар эди. Беҳзодга Шайбонийхоннинг расмини чизиш топширилди.

Мусаввирнинг илтимоси билан хонни қип-қизил кимхоб кўрпа устига ўтқаздилар, унинг орқасига қора бахмал болиш қўйдилар, белига ингичка олтин камар боғлатдилар, олдига олтин муқовали кичик дафтар, қалам ва сиёҳдон қўйдилар. Ўттиз йилдан бери рассомлик қилиб юриб, кўпгина подшоҳларни кўрган ва улар билан муомала қилишни яхши биладиган Беҳзод Шайбонийхонга ҳам фақат мақтов ёқишини аллақачон пайқаган эди:

– Ҳазратимни арғумоқ от устида қилич яланғочлаган пайтларида тасвирлашим мумкин. Бироқ ҳозир сизнинг энг зўр лашкарбоши эканлигингиз ҳаммага аён. Аммо олам аҳли сизнинг кўп йил мадрасаларда ўқиган фозил имоми замон эканлигингизни ҳам суратда кўрмоғи керак. Шу сабабли фақир сизни муқаддас китобу олтин қалам билан тасвир этмоқчимен!

– Маъқул, – деб хон бунга розилик берди.

Сурат тайёр бўлгандан кейин Шайбонийхон, Муҳаммад Солиҳ ва бошқа бир неча мулозимлар Беҳзод ишлаган хонага тўпландилар. Мулла Абдураҳим расмга, сўнг хонга қарадию, ҳайрон бўлиб:

– Ҳазратимнинг худди ўзлари-я! – деди.

Суратда Шайбонийхоннинг кўпни кўрган тажрибали одам эканлиги кўзга аниқ ташланиб турарди. Бўёқлар Беҳзодга хос улуғ бир маҳорат билан хилланган эди. Оддий одам расмдан ҳеч бир камчилик тополмас, Беҳзод хонни иззат-икром билан тасвирлабди, деб ўйлар эди. Лекин Муҳаммад Солиҳ хоннинг тагидаги кўрпанинг ранги қип-қизил қон рангида эканини сезди. Хон кўрпа устида эмас, гўё қон дарёси устида ўтирганга ўхшарди. Хоннинг белига боғланган ингичка олтин камарнинг учи чалмашган оёқлар тагидан худди қорамтир бошли сариқ илонга ўхшаб буралиб турар эди. Хон суянган қора болиш ҳам қора кучларнинг тимсолига ўхшарди.

Шайбонийхоннинг барча ишларидан хабардор Беҳзод бу яширин рамзий бўёқлар билан нималар демоқчи бўлганини Муҳаммад Солиҳ пайқадию, қўрқиб кетди. Агар у сезган маънони хон сезиб қолса, Беҳзод ҳам омон қолмайди, орада воситачи бўлган Муҳаммад Солиҳ ҳам! Шунинг учун у суратга хомуш тикилиб турган Шайбонийхоннинг фикрини хатарли рамзий маънодан узоқроқ олиб кетишга интилди:

– Муҳаммад алайҳиссалом яшил рангни яхши кўрар эканлар. Имоми замон хон ҳазратлари ҳам яшил рангни суйишларини мусаввир дуруст пайқабдир. Қаранг, ҳазратимнинг кўйлаклари яшил рангда. Суянган деворлари ҳам яшил.

– Буниси маъқул, – деб хон энди оғзини очди. – Лекин... биз мавлоно Беҳзоднинг бошқа суратларини ҳам кўрган эдик...

Шайбонийхон Беҳзод тасвиридаги шертахлит Ҳусайн Бойқарони эслади. Ҳусайн Бойқаронинг сафарга чиққан пайтини тасвир этган бошқа бир расмда гўё булутлар ҳам, осмон ҳам, ҳатто тоғу тошлар ҳам подшонинг кетидан эргашиб, у кетаётган томонга интилиб бораётгандай кўрсатилган эди. Темурийларни бунчалик улуғлаган Беҳзод Шайбонийхонни жўн бир одам қилиб тасвирлаганга ўхшарди. Хон суратни кўрганда кўнглида қўзғалган мураккаб туйғуларни айтишга муносиб сўз тополмадию, Беҳзодга қараб:

– Мўйқаламни менга беринг! – деди.

Хоннинг авзои ёмонлигини ҳамма сезди. Беҳзод махсус қаламдонда турли бўёқлар билан бирга турган мўйқаламларни хонга таъзим билан тутди. Шайбонийхон қорамтир кўнғир бўёққа ботириб қўйилган мўйқаламни олди. У Бухорода мадрасада ўқиб юрган пайтларида сурат чизишни ҳам анча машқ қилган, мўйқалам тутишни сал-пал билар эди. Беҳзод чизган суратда Шайбонийхоннинг соқол-мўйлови ҳаддан ташқари қисқа ва сийрак кўрсатилган, хоннинг назарида, тасвир шунинг учун жўнлашиб кетганга ўхшарди.

– Соқолни дурустроқ чизмоқ керак! – деб Шайбонийхон ўзининг суратида – қулоқ яқинида жуда сийрак кўрсатилган соқолни бироз қалинлаштирмоқчи бўлди. Аммо мўйқаламда бўёқ кўпроқ экан, қулоқ олдидаги соқол бирдан кигиздай қалинлашиб кетди. Беҳзод соғ тиши суғуриб олинаётган одамдай:

– Иҳ! – деди.

Аммо Муҳаммад Солиҳ Беҳзоднинг билагини маънодор қилиб қисдию:

– О! О! Ҳазратим мўйқалам теккизишлари билан суратга яна файз кирди! – деди.

У Беҳзодни фалокатдан фақат хонни мақтаб қутқариш мумкин эканлигини сезиб шундай демоқда эди, буни Беҳзодга ҳам сездиргиси келиб:

– Мавлоно, тарихий бир ҳодиса юз берди! – деди. – Сиз чизган суратга имоми замон, Искандари соний ўз муборак қўлларини теккиздилар! Буни одамлар асрлар давомида бир-бирларига айтиб юргайлар!

Беҳзод хоннинг қилган ишини – санъаткорга аҳмоқона хўжайинлик қилишнинг намунаси деб билмоқда эди. «Шу маънода чиндан ҳам буни тарих унутмас, одамлар бир-бирларига кулиб айтиб юрурлар», деган фикр Беҳзоднинг хаёлига энди келди. Муҳаммад Солиҳ расмдаги рамзий маънони аллақачон пайқаганини, энди хондан балога қолмаслик учун атайлаб шу гапларни айтаётганини Беҳзод тушундию, ички бир истеҳзо билан хонга таъзим қилди:

– Қулингиз чизган суратга халифаи замонамизнинг назарлари тушганидан бошим кўкка етди!

– Баракалла! – деб хон уни энди мақтади.

Хоннинг қўли билан чапланган соқол қулоқ яқинига ёпиштириб қўйилган пўстак парчасига ўхшар эди. Беҳзод ичида: «Баттар бўлсин!» дедию, хон бу соқолни қандай хунук чаплаган бўлса, шундайлигича қолдирди.

3

Хадича бегим кириб бекинган Ихтиёриддин қалъаси Убайдулла Султонни ўн етти кун овора қилди. Ниҳоят, қалъа деворининг отбозорига туташган ночорроқ бир жойини тагидан кавлаб, нақб солиб[1] бузиб кирдилар. Қалъани мудофаа қилиб турган эллик-олтмиш йигит битта қолмай қириб ташланди. Қўлга тушган қиз-жувонлар ғолиб қўшиннинг бек ва навкарларига улашилди.

Хадича бегимнинг ўзи ҳарамнинг ичма-ич эшикларини орқасидан тамбалатиб, энг тўрдаги бир хонага кирдию, ёнида қолган канизларга буюрди: – Тантанали маросимларда киядиган кийимларимни келтиринг! Убайдулла Султоннинг

1 Нақб солиш – таги кавланган деворни олов ва борут (порох) билан портлатиб қулатиш.

навкарлари ҳарамнинг ичида тамбаланган эшикларини бузиб киргунларича Хадича бегим катта гавҳар қадалган бинафшаранг тоқисини бошига кийиб, ясаниб, охирги эшикдан ўзи чиқиб келди. Олтин аралаш ипакдан тўқилган қабоси кўзни қамаштирар эди. Қаддини тик тутиб келаётган барваста аёл маликаларга хос улуғворлик билан шошилмай эшикдан чиқар экан, қилич яланғочлаган, ҳансираган навкарларни унинг салобати босди. Хадича бегим бошини мағрур тутиб яқин келганда навкарлар беихтиёр ўзларини четга олиб, унга йўл бердилар. Бегим уларнинг саркардасини сўради. Навкарлар уни ҳовлида отлиқ турган Убайдулла Султоннинг олдига бошлаб чиқдилар. Ҳамон канизлар қуршовида келаётган бегим енгил бир таъзим билан шошилмай гап бошлади:

– Султон жаноблари, тақдир экан, биз таслим бўлдик. Энди мен Шайбонийхон ҳазратларининг ҳузурига йўлланишингизни илтимос қиламен!

Убайдулла Султон бекларининг орасида турган Мансур бахши билан маъноли кўз уриштириб олдию, масхараомуз кулимсиради:

– Хон ҳазратлари бегимга айтадиган гапларини бизга тайинлаб юбордилар.

– Ундай бўлса қулоғимиз сизда, султон жаноблари!

Убайдулла Султоннинг беклари орасида оқ саллали бир эшон ҳам бор эди. Убайдулла Султоннинг ишораси билан Мансур бахши ва эшон отдан тушдилар. Мансур бахши зар ёқали тўн, қизил этик кийиб, куёвлардай ясаниб келган эди. Йигитлардан етти-саккизтаси унинг атрофини куёвнавкарлар каби ўраб олдилар. Шундан кейин Убайдулла Султон Хадича бегимга юзланди:

– Имоми замоннинг фармони билан сиз бугун Мансурбекнинг никоҳига ўтурсиз!

– Бегимнинг ўзлари ҳам билгандай ясаниб чиқибдилар! – деб кулди мулозимлардан бири. Хадича бегим қоп-қора йўғон Мансур бахшининг чўтир юзига қаради-ю, даҳшатга келди:

– Мен... мен хон ҳазратлари билан ўзим сўзлашамен!

– Хоннинг сиз билан сўзлашишга вақтлари йўқ!

– Ахир мен ҳам подшоҳ оиласиданмен! Бу қандай хўрлик?!

– Сиз рофизийлар оиласидансиз! Рофизийларни жазолаш – савоб!

– Султон жаноблари, сизнинг ҳам мендек кекса онангиз бордирлар. Ҳеч бўлмаса оналигимни ҳурмат қилинг!..

– Менинг онам сиз қилган разилликларни қилган эмас! Қайси она ўз неварасини ўзи ўлдиртирибди?! Сиз неварангиз Мўмин мирзонинг ўлимига сабаб бўлган хунхўрлардансиз!

Хадича бегимнинг бояги улуғвор ва мағрур қиёфаси энди бирдан аянчли тусга кирди, қадди букчайиб, қўллари осилиб қолди.

Убайдулла Султон навкарларига буюрди:

– Ичкарига олиб киринглар. Энди бунинг кўзини Мансур бахши очсин!

Хадича бегимнинг бўшашиб, гўё тўкилиб кетаётган гавдасини икки каниз икки томонидан суяб ичкарига олиб кириб кетдилар.

Никоҳ ўқилгач, Мансур бахши канизларни ҳарамдан чиқариб юбордию, Хадича бегим билан яккама-якка қолди.

Тун сукунатида қандайдир мислсиз қийноқлардан чинқирган бегимнинг фарёди ҳарам атрофидаги уйларга ҳам эшитилиб турарди.

Ярим кечада Мансур бахши оёқда зўрға турган Хадича бегимни олдига солиб, ҳарамдан чиқди. Иккови ойдин қалъанинг бир четига қараб кетишди.

– Олтин гул, – деб шивирлади Мансур бахши. – Олтин булбули бор. Оғзида гавҳари бор. Ана шуни топиб бермасанг, ҳозиргидан бешбаттар қиламен. Топ тезроқ!

Ҳозир жонидан бошқа нарса кўзига кўринмаётган Хадича бегим Мансур бахшини қўрғон четидаги яширин хазинага бошлаб келди. Ер остидаги бу хазинага салқин сув сақланадиган сардобанинг четидаги махфий йўлдан кирилар эди. Мансур бахши қўлида ёқмасдан олиб келаётган машъалани ер тагига тушганда ёқди. Ер остида беш-олтита темир сандиқ қатор турибди. Хадича бегим мадорсиз қўллар билан уларга бир-бир калит солиб, очиб кўрди. Иккитасида кумуш тангалар, биттасида олтин тангалар. Биттасида қилич ва ханжарларнинг олтин дасталари. Яна бир сандиқда аёлларнинг қимматбаҳо тақинчоқлари. Мансур бахши кўзлари ёниб, бу бойликларга бир-бир қўл уриб кўрди-ю:

– Олтин гул қани? – деди. – Барглари зумрад гул қаерда?

Ер остини ағдар-тўнтар қилиб қидирсалар ҳам бу гул топилмади. Хадича бегим:

– Воҳ! – деди мусибатли товуш билан. – Энг ишонган одамларим ҳам менга хиёнат қилмишлар. Гулни ўғирлаб кетмишлар! Сўнгги нажотимни ҳам ўғирлатибмен! Оҳ!

– Сен оҳ-воҳ деб, Ҳусайн Бойқарони алдаб ўргангансен. Лекин мени алдай олмайсен. Топ гулни! Қани, қаерга яширгансен?

– Мана шу четки сандиқда эди...

– Ёлғон! Сен уни бошқа жойга яширгансен! Кўрсат ўша жойни!

Мансур бахши Хадича бегимни зинапоядан юқорига сардоба бўйига олиб чиқди.

– Мени алдай олмайсен! Кўрсат!

– Мен сизни алдаганим йўқ! Ўзим алдандим! Менинг паймонам тўлгани рост экан. Мени ўғлим алдаб кетди! Музаффар мирзони деб мен нималар қилмаган эдим! Оқибати шу бўлди! Мени бу қийноқларга ўғлим ташлаб кетди! Ўғлим!!!

– Лекин сен олтин гулни ўғлингга ҳам бермагансен! Уни ўзинг яширгансен! Хон ҳазратлари менга айтдилар. «Гавҳар донасини тишлаб турган булбули бор», дедилар. Мен бу гулни олтин булбули билан хонга пешкаш қиламен деб сўз берганмен. Топ ҳозир!

– Ўғирлатган бўлсам қандай топай?!

– Топмайсенми ҳали? Топмайсенми?! Мана топмасанг! Девдай зўр Мансур бахшининг бир зарби билан Хадича бегим суви муздай сардобага шалоплаб қулаб тушди. Мансур бахши уни сочидан тортиб чиқариб олдию, ҳарамга томон судраб кетди.

Бу қийноқлар уч кун давом этди, аммо олтин гул топилмади. Хадича бегимнинг жони қаттиқ экан, тирик қолди. Мансур бахшини эса келажакда бўладиган жанглардан бирида ажал кутмоқда эди...

4

«Наҳотки менинг ҳам паймонам тўлган бўлса?» – деган қўрқинчли ўй Шайбонийхоннинг хаёлига Мурғоб дарёсининг бўйида тўсатдан Шоҳ Исмоилнинг қўшинлари қуршовига тушиб қолган пайтда келди.

Аччиқ изғирин эсиб, қор учқунлаб турган бу бадқовоқ кунда Шайбонийхон Мурғоб бўйига Шоҳ Исмоил Сафавийни

таъқиб этиб бориб қолган эди. Бундан бир неча соатгина олдин Шоҳ Исмоил бор қўшини билан Марв қўрғонидан орқага чекинган пайтда Шайбонийхон ўзининг яна улкан ғалабага эришишига мутлақо ишонган эди. Чунки Марв қўрғони ичида кўпдан бери куч сақлаб ўтирган Шайбонийхоннинг ўн беш минг қўшини бор эди. Хонга келган аниқ ахборотларга қараганда, Шоҳ Исмоилнинг Марв қўрғонини қамал қилиб, қиш совуғида изғиб юрган қўшини ўн икки мингдан ошмас эди. Совқотиб, орқага бетартиб чекинган лашкарга ичкарида иссиққина жойда куч тўплаб ётган лашкар ҳамла қилса, Шайбонийхоннинг ғолиб чиқиши муқаррардек туюларди.

Сўнгги йилларда Шайбонийхоннинг энг зўр истаги – Шоҳ Исмоил устидан узил-кесил ғалаба қилиш эди. Ўзини «халифаи раҳмон» деб эълон қилган Шайбонийхон мусулмон оламига ягона диний раҳбар бўлиш ниятида эди. Эрон ва Озарбойжонда шиа мазҳабини давлат дини қилиб кўтарган Шоҳ Исмоил Сафавий эса ўзини «соҳиби замон» деб эълон қилган эди. Демак, у ҳам мусулмон оламига раҳбар бўлишга интиларди. «Бир қинга икки қилич сиғмагай, мусулмон оламига ё мен раҳбар бўлишим керак ёки Шоҳ Исмоил!» Шайбонийхон шу эътиқод асосида Шоҳ Исмоил билан бултур астойдил беллашмоқчи бўлди. Ҳиротдан эллик минг қўшин билан Эроннинг Кермон ва Гургон шаҳарларигача бостириб борди. Ўшанда Шоҳ Исмоил ғарбдаги турк султони Боязид II билан жанг қилиб юрган эди.

Гургонда ва, айниқса, Кермонда шиалар ҳаракати жуда авжига чиққан, Шайбонийхон бу шаҳарлардаги шиаларнинг бошлиқларини аёвсиз қатл эттирди, уларнинг масжид ва зиёратгоҳларини буздирди, мол-мулкларини талаттирди. Бу ҳаммаси шиалар пешвоси Шоҳ Исмоилни дарғазаб қилиши ва дарҳол жангга отлантириши керак эди. Ўша пайтда ҳал қилувчи жанг бўлса, Шайбонийхон ғолиб чиқиши муқаррар, чунки Шоҳ Исмоилнинг ярим кучи турк султони билан урушда банд эди. Буни шоҳнинг ўзи ҳам сезган бўлса керакки, ҳамма аламини ичига ютиб, Шайбонийхонга яхши муомала қилди, махсус элчи юбориб, уни Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг олий ҳукмдори, деб тан олди ва орадаги адоватни урушсиз бартараф қилишга истак билдирди.

Шайбонийхоннинг ўғли Темур Султон, жияни Убайдулла Султонлар шоҳ элчисига иложи борича яхши муомала

қилишни, унга ширин гаплар айтиб, шоҳга совға-саломлар юбориб, уни Самарқанддаги Султон Али мирзо ва Тошкентдаги Маҳмудхон каби ғафлатда қолдиришни, кейин пайти келганда ўшаларга ўхшатиб йўқ қилиб юборишни истар эдилар. Лекин орада дину мазҳаб низоси аждаҳога ўхшаб оғзини очиб турарди. Шайбонийхон Хуросонда турган ўз қўшинининг шиалар таъсирида шу аждаҳонинг домига тортилиб кетишидан қўрқар, «дину имон йўлида муроса йўқ, кимки шиаларга қўл берса, диндан қайтиб, рофизий бўлғай», деган гапни кўп такрорларди. Энди агар Шайбонийхон ўғли ва жиянининг сўзига кириб, Шоҳ Исмоилни тан олса, унга яхши муомалада бўлса, шу билан беихтиёр шиа мазҳабини тан олган бўлмайдими? Одамлар: «Хонимизнинг ўзи ҳам рофизийлик йўлига киряпти!» демайдими? Йўқ! Шайбонийхон ўзининг пок эътиқодига доғ туширишни истамайди! Унингча, ғайридинликдан ҳам рофизийлик ёмон. Чунки ғайридин – ҳали мусулмончиликдан бехабар. Рофизийлар эса аввал мусулмон бўлган, кейин чорёрлар номига хиёнат қилиб, улардан юз ўгирган. Шайбонийхон бундай одамларга шафқатсиз муносабатда бўлиши керак. Шу фикр асосида у шоҳ элчисини беҳурмат қилиб қайтарди. Шоҳнинг мактубига эса осмондан келиб жавоб ёзди. «Сен бир шайхнинг ўғлисан, тожу тахтни сенга ким қўйибди, белингга кашкулингни боғлаб, қаландарлигингни қилсанг-чи!» деган маънода унга кашкул ва ҳасса «совға» қилиб юборди. Бу воқеадан кейин Шоҳ Исмоил турк султони билан сулҳ туздию, Шайбонийхонга қарши жангга тайёрлана бошлади. Хоннинг Кермондаги шиа масжидларини буздиргани устига энди Шоҳ Исмоилнинг элчисини беҳурмат қилиб қайтаргани қўшилгач, Шайбонийхондан қасос олишни истовчиларнинг сони кўпайиб кетди.

Худди шу пайтларда Мовароуннаҳрдан ҳам ташвишли хабарлар кела бошлади – кўчманчи султонлар зулмига чидай олмаган Тошкент, Фарғона, Бухоро аҳолиси уларга қарши исён кўтарадилар. Ғалаёнлар Самарқандда ҳам, Ҳисорда ҳам бўлаётганини эшитган Шайбонийхон Ҳиротдаги қўшинларидан ўттиз мингини Мовароуннаҳрдаги султонларга ёрдамга юборди. Бу ғалаёнларнинг сабабини билишга юборилган махсус кишилар Туркистон, Ҳисор ва Бухоро султонларининг ўзбошимчалик йўлига ўтганларини аниқлаб келдилар. Шайбонийхон уч йилдан бери Ҳиротда яшамоқда эди. Унинг узоқдалигидан фой-

даланган султонлар ўзларини хон, кўланкалари майдон билиб иш олиб бормоқда эдилар. Хуфиялар уларнинг иғво гапларини ҳам Шайбонийхонга етказиб турар эдилар. Хусусан, Убайдулла Султон, Кўчкинчихон ва Ҳамза Султонлар Шайбонийхоннинг Шоҳ Исмоил билан қалтис сиёсат олиб бораётганидан норози эдилар: «Жангни биз қиламиз, ғалабани биз келтирамиз, хонимиз фақат ёш қизчаларни никоҳига олиб, лаззатланишни билади, ҳеч қайсимизнинг маслаҳатимизни олмайди, шундай бўлгач, биз ҳам бу ерда истаганимизча даврон сурайлик-да». Султонларнинг бу гаплари Шайбонийхоннинг ғазабини авжига чиқарди. У ички низоларни бир зарба билан бартараф қилмоқчи бўлдию, Убайдулла Султонни Бухоро ҳокимлигидан, Кўчкинчихонни Туркистон ҳокимлигидан, Ҳамза Султонни Ҳисор ҳокимлигидан олиб ташлади ва уларнинг ўринларига бошқа итоаткор одамларни қўйди. Албатта, бу кескин тадбир хон қўшини орасида катта обрўга эга бўлган Убайдулла Султон ва Ҳамза Султонларнинг тарафдорларини қаттиқ норози қилди.

Мовароуннаҳрдаги ғалаёнлар ва хон саройидаги ички низолардан хабар топган Шоҳ Исмоил бу қулай фурсатдан фойдаланиб қолишга интилди. Одатда, катта ҳарбий юришлар баҳор ва ёз ойларида бошланар, Шайбонийхон ҳам шоҳнинг ҳужумини «Бўлса, қиш ўтгандан кейин бўлар», деб ўйлар эди. Унгача Мовароуннаҳрга жўнатилган ўттиз минг қўшин Ҳиротга қайтиб улгуриши мумкин эди. Лекин Шоҳ Исмоил хон кутмаган кеч куз пайтида Ҳирот устига қўшин тортиб келаётгани маълум бўлди. Хуросонда Шайбонийхондан норози одамлар жуда кўп, Шоҳ Исмоил яқинлашса, улар бош кўтариши муқаррар. Хоннинг асосий кучлари эса Амударёдан нарида. Шайбонийхон шошилинч равишда Мурғоб бўйига – Марв қўрғонига чекинишга мажбур бўлди. Хоннинг бундай сесканиб чекинишини кўпдан бери кўрмаган аъёнлари қаттиқ саросимага туша бошладилар. Шунда хон уларнинг ўпкасини босадиган битта важ кўрсатди:

«Ўша ғаддор рофизийлар юртидан узоқроқ кетганимиз маъқул. Шоҳ бизга эргашиб Мовароуннаҳрга яқинроқ борсин. Ўзимизнинг пок мазҳабли суннийлар юртидан мадад олурмиз. Унгача ўттиз минг лашкар етиб келгай. Биз шоҳга Марвда қопқон қўйиб, тумшуғидан илинтиргаймиз!»

Хоннинг бу режасини барча мулозимлари ва аъёнлари дарҳол: «Доно тадбир!» деб мақтадилар. Бироқ улар

Марв қалъасида бекиниб ўтирган пайтларида Шоҳ Исмоил қўрғонни қамал қилиб, Шайбонийхон номига киноялы мактублар йўллади. «Хон юборган ҳассага суяниб, кашкулни белимизга боғлаб келдик, қани энди хонда юрак бўлса қўрғондан чиқсин, шайхнинг ўғли билан беллашсин!» деган заҳарханда гаплар Шайбонийхоннинг иззат-нафсига қанчалик қаттиқ тегмасин, у тишини тишига қўйиб, ҳафталар давомида қўрғонда ўтирди. У тажрибали лашкарбоши сифатида шуни яхши билар эдики, йигирма тўрт ёшли Шоҳ Исмоил қанчалик уринмасин, эртами-кечми қиш совуқлари ва изғиринлари уни илиқ жой излашга мажбур қилади. Очиқ ҳавода дийдираб юрган аскарлар қўли қовушмай қунишиб чекинишга тушса, ана ўшанда Шайбонийхон иссиқ қўрғонда куч тўплаб ётган ўз аскарларини бошлаб чиқади. Унгача, албатта, Мовароуннаҳрдаги лашкар ҳам келиб қолади. Икки томондан берилган зарба Шоҳ Исмоилни тамом қилиши аниқ. Ана ундан кейин Эрон ҳам Шайбонийхонники бўлади, нарёғи Бағдодга ва Маккаю Мадинага йўл очилади... Шайбонийхон чиндан ҳам бутун мусулмон оламига халифаи раҳмон ва Искандари соний бўлади!..

Хоннинг бу ширин ўйларини фақат бир нарса тахир қилмоқда эди. Чопар кетидан чопар бориб, Мовароуннаҳрдаги қўшинни тезроқ Марвга етиб келишга ундаётган бўлса ҳам ўттиз минг лашкар ҳамон Амударёдан нарида имиллаб юрар эди. Хон бу имиллашнинг сабабини биларди. Қўшинда ҳали ҳам Убайдулла Султон ва Ҳамза Султонларнинг таъсири зўр. Улар ҳокимликдан туширилганликлари учун хондан жуда хафа. «Мана энди онҳазратимиз бизсиз жанг қилиб кўрсинлар!» дегандек аразлаб юришибди.

«Лекин мен бўлмасам ҳамманг кучукбаччадай хор бўлиб ўласан-ку!» – ичида султонларини сўкарди Шайбонийхон.

– Ҳозир бутун давлатимиз, бутун сулоламиз хафв остида-я, наҳотки шуни фаҳмламасанглар? Ҳаёт-мамотинг ҳал бўладиган пайтда, ё шоҳ мени йўқ қиладиган, ёки мен шоҳни нест-нобуд қиладиган аснода шундай аразлаб юришларинг итлик эмасми? Сен итлар ҳали кўрасенлар, шу қамалдан эсон-омон қутулсак, ҳаммангни тавбангга таянтиргаймен!»

Ниҳоят, изғиринли совуқ кунларнинг бирида, Шоҳ Исмоил хонга яна бир мактуб йўллаб, унинг қўрғондан чиқмаганини қўрқоқлик деб атади, баҳорда яна қайтиб келажагини

билдирди, сўнг Марвнинг ғарби-жанубидаги Маҳмуди деган қишлоқ томонга чекина бошлади.

Шайбонийхон ўн беш минг қўшинни дарҳол отлантирди. Уч юзтача навкарни қалъада қўриқчилик қилиш учун қолдирдию, қолганларини қўрғон дарвозаларидан ташқарига бошлаб чиқди. Узоқда шоҳ аскарлари чодир ва ўтовларини араваларга ортиб, бетартиб чекиниб бормоқда.

Шайбонийхон баланд бир жойга чиқиб, Амударё томонга узоқ тикилиб қаради. Қани энди ўша ўттиз минг қўшини ҳозир етиб келса! Лекин ўша ёқдан отини елдириб келган чопар қўшиннинг ҳали ҳам Амударёдан нарида юрганини айтди.

Шоҳ Исмоил аскарлари ҳамон чекиниб бормоқда. Наҳотки Шайбонийхон шундай қулай фурсатни бой бериши керак? Одамлар: «Хон қўрқоқлик қилган, бўлмаса унинг қўшини шоҳникидан кўп, дадил ҳамла қилса енгар эди», дейишмайдими? Нариги султонлар эса:

«Ана, бизсиз хон ҳеч вақт жанг қилолмайди!» дейиши ҳам турган гап. Эҳ, агар шу гал хон ғалабани нариги Убайдулла Султон ва Темур Султонларсиз қўлга киритса эди, қолган бутун умри шон-шуҳрат ичида ўтмасмиди?

Хон иккиланиб турганини кўрган мулла Абдураҳим изғиринда лаблари кўкариб, илтимос қилди:

– Ҳазратим, биз сизнинг улуғ жонингизни хафв-хатардан узоқроқ тутмоғимиз даркор. Мовароуннаҳрдан келадиган қўшинни кутайлик.

Хон қаҳр билан сўради:

– Қани ўша қўшин! Қани?!

– Қиш изғиринида дарёдан ўтмоқ мушкул. Бироқ Убайдулла Султон билан Темур Султонлар ҳадемай келиб қолурлар.

– Шоҳ Исмоил Табризига етганда келурми? Агар бу ит султонлар истаса аллақачон етиб келмасмиди? Бу султонларинг жўрттага мени ёлғиз ташлаб қўйди! «Ҳамма ғалабани биз қўлга киритамиз!» деб мақтанар эмишлар, аблаҳлар! Мен бўлмасам ғалабани тушларида ҳам кўришмас эди!

– Ҳақ гапни айтдингиз, ҳазратим!

– Мен мана бу шунқорларим билан эришганмен бутун ғалабаларга! – Шайбонийхон шундай дедию, жангга шай бўлиб турган ўн тўрт мингдан ортиқ қўшиннинг сафлари орасига от чоптириб кирди: – Шунқорларим, ёғийнинг сафи бузилиб

чекинганини кўрдиларинг. Улар сон жиҳатдан ҳам биздан оз! Ўзлари совуқда дийдираб ҳолдан кетган. Мен ишонамен, Оллоҳ таоло бизга яна бир улкан ғалабани инъом этгусидир! Муҳаммад алайҳиссаломнинг арвоҳлари пок сунний мазҳабидагиларни қўллаб-қувватлагусидир! Чорёри босафолар мададкорингиз бўлсин, шунқорларим. Душман ўз сафларини қайта тузиб улгурмасдан етиб боринглар! Худо омадларингни берсин! Омин оллоҳу акбар! Минглаб овозларнинг:

– Оллоҳу акбар!

– Оллоҳу акбар! – деган ҳайқириғи барча сафлар бўйлаб таралди.

Кўпакбий ва Қамбарбийлар олдинда, Шайбонийхон қўшиннинг ўртароғида қизилбошлар кетидан от чоптириб кетдилар.

Илгари хонга аниқ ахборотлар бериб турадиган махсус одамлар бу гал Шоҳ Исмоилнинг ёлғондакам чекинаётганини ва ҳарбий найранг ишлатмоқчи эканини билмай қолган эдилар.

Шоҳ Исмоил Марвни қамал қилиш учун аскарларнинг озроқ бир қисмини бошлаб борган эди. Унинг яна йигирма минг кишилик сараланган аскарлари Марвдан йигирма чақиримча наридаги қумтепалар ортига пистирма қилиб қўйилган эди.

Бундай ҳарбий найрангни Шайбонийхоннинг ўзи ўн икки йил муқаддам Бухоронинг Қоракўл шаҳрида қўзғолон кўтарган исёнчиларга қарши ишлатган эди. У ҳам қўшиннинг асосий қисмини Қоракўлнинг шарқидаги пана жойларга бекитиб қўйиб, озгина аскари билан ҳужумга борган, қалъа ичидаги исёнчилар ёвнинг озлигидан дадилланиб ташқарига чиққан эдилар. Шунда хоннинг қўшини жўрттага тумтарақай бўлиб қочган, исёнчилар эса уларни «Енгдик» деб кетларидан қувган эди. Бироқ қалъадан беш-олти чақирим узоқлашганларидан кейин пистирмадаги хон аскарлари ёпирилиб чиққан ва исёнчиларни қириб ташлаган эди. Кейин Шайбонийхон қалъа ичида қолганларни ҳам қатлиом қилиб, Қоракўлнинг отбозорида одам калласидан улкан минора ясатган эди. Ҳозир ўз кучига ортиқ даражада ишонадиган Шайбонийхон бу ҳийлани бошқа лашкарбошилар унга нисбатан ҳам ишлатишлари мумкинлигини хаёлига келтирмас эди. Шоҳ Исмоилнинг Марвга кўриниш берган ўн минг чоғли қўшини Маҳмуди

деган жойда Мурғоб дарёси устига қурилган кўприкдан шоша-пиша ўтиб кетди. Шоҳ Исмоил гўё бу кўприкни ҳимоя қилиб туриш учун уч юзтача аскар қолдирган эди. Шайбонийхон кўприкка яқинлашгач, бу уч юз қизилбош хўжакўрсинга тирақайлаб қочди. Дарёдан фақат шу кўприк орқали ўтиш мумкин эди – ҳар икки қирғоқ ҳам баланд жар, кечув йўқ, бунинг устига, қишки дарёнинг суви жуда совуқ, тўнғиб қолиш ҳеч гап эмас эди. Шайбонийхоннинг бутун қўшини кўприкдан ўтиб бўлгунча Шоҳ Исмоилнинг пистирмада ётган кучлари ўзини сездирмади. Шайбонийхон узоқда «қочиб кетаётган» Шоҳ Исмоил қўшинининг изидан тушиб, кўприкдан анча узоқлашгандан кейин пистирмада ётган кучлар бирдан майдонга чиқди. Ўқлаб қўйилган замбараклар хон устига тўсатдан ўқ ёғдирди. Тўрт тарафни қизилбошлар тутиб кетди. Шайбонийхон ўзининг Қоракўлда ишлатган ҳарбий ҳийласини энди эсладию, орқада қолган кўприкка қараб чекинди. Аммо ёғоч кўприк аллақачон бузиб ташланган эди. Чекиниб борган қўшиннинг бир қисми жардан дарёга қулаб тушди. Дарёнинг ўзанини отлар ва одамларнинг ўлиги тутиб кетди. Хоннинг ўзи сараланган хос навкарлари билан моллар қишлайдиган атрофи ёпиқ бир қўрага кирди. Қўрани қизилбошларнинг олов ҳалқаси ўраб олди. Хоннинг хос навкарлари қизилбошлар қуршовида ўлган-қолганларига қарамай жанг қилдилар. Қўра дарвозасининг олдилари, пахса деворларнинг таглари ҳар икки томондан қирилганларнинг жасадига тўлиб кетди. Хон ҳимояда қаттиқ турганини кўрган Шоҳ Исмоил замбаракларни қўранинг атрофига ўрнаттириб, девор оша ўқ оттира бошлади. Замбарак гумбурлашидан ҳуркқан, ярадор бўлиб қутурган отлар бир-бирларини уриб, йиқитиб ўзларини у ёқдан-бу ёққа ташлай бошладилар. Қўра ичида даҳшатли тиқилинч, ур-сур бошланди. Шайбонийхон қўлида қиличи билан одамларига ҳайқириб, тўполонни босмоқчи бўлаётганда тўпнинг тош ўқларидан бири хон минган отнинг бошига келиб тегди. От гандираклаб бир ёнига йиқилдию, эгасини ҳам ерга отиб урди. Шайбонийхон оёғини узангидан чиқаришга улгурмади – бир оёғи отининг тагида қолди. Шу заҳоти яна бир от суриниб йиқилди-да ўмрови билан хоннинг кўкрагидан босиб тушди. Шайбонийхон қовурғалари синиб, вужуди эзилиб, нафас ололмай қолдию, ҳушидан кетди. Жанг тугагандан кейин хонни танийдиган қизилбош беклардан

бири унинг жасадини қалашиб ётган от ва одам ўликлари орасидан аранг қидириб топди. Абдураҳим Туркистоний, Мансур бахши кўтарувчи ва бошқа жуда кўп мулозимлар, навкарлар ҳам хоннинг нари-берисида ўлиб ётар эдилар.

Ғолиблар Шайбонийхоннинг бошини кесиб, найзага санчдилару Шоҳ Исмоил миниб турган отнинг оёғи тагига элтиб ташладилар. Кейин қизилбошлар Шайбонийхон қирган шиалар қасдига унинг кесик бошидан терисини шилиб олиб ичига сомон тиқдилар. Ғарбда шиаларни қувғин қилаётган ва Шоҳ Исмоилга алам ўтказган суннийпарастлардан яна бири – турк султони Боязид II эди. Шоҳ Исмоил Шайбонийхоннинг сомон тиқилган бошини турк султонига: «Мен билан қасдлашган суннийлар қай аҳволга тушишини кўриб қўй!» деган маънода «совға» қилиб юбортирди.

Сунний – шиа душманлиги шу даражага етган эдики, қизилбошлар бунга ҳам қаноат қилмай, Шайбонийхоннинг бош суягига олтин қоплатиб, ундан май ичадиган коса ясайдилар[1].

ҚУНДУЗ. САМАРҚАНД

ИККИ ҚИЛИЧ ОРАСИДА

1

Заррин попуклар билан безатилган оқ туянинг устида маликалар ўтирадиган бахмал соябонли кажавада Хонзода бегим тўққиз яшар ўғилчаси Хуррамшоҳ билан Балхдан тоғ ошиб, сув кечиб Қундузга бормоқда эди. Бегимни беш-олтита канизлари, хизматкорлари ва юзга яқин шоҳ навкарлари кузатиб келмоқда эдилар. Шайбонийхондан шунчалик шафқатсиз ўч олган Шоҳ Исмоил хоннинг Марвда асир тушган хотинларидан бири – Бобур мирзонинг эгачиси эканлигини эшитиб, унга алоҳида илтифот кўрсатгани тасодифий эмас эди.

[1] Ақл бовар қилиши қийин бўлган бу тафсилотлар Шоҳ Исмоилнинг душманлари томонидан ёзиб қолдирилса муболаға деб ўйлаш мумкин эди. Лекин бу тафсилотлар Шоҳ Исмоилнинг хайрихоҳлари ёзган «Тарихи оламороийи Аббосий»да ва Хондамирнинг «Ҳабиб ус-сияр»ида ҳам келтирилган.

Марвдаги воқеаларни Қундузда туриб эшитган Бобур Шоҳ Исмоилга махсус мактуб йўллаб, уни Шайбонийхон устидан эришган катта ғалабаси билан табриклаган, сўнг хон ҳарамидаги эгачиси Хонзода бегимни бешикаст Қундузга жўнатиб юборишни илтимос қилган эди.

Бобурни Шайбонийхон билан дадил олишганлиги учун ҳурмат қиладиган Исмоил Сафавий энди уни ўзига иттифоқдош қилгиси келдию, Хонзода бегимга қўшиб, энг ишонган кишиларидан бири – Муҳаммаджон эшикоғани Бобур ҳузурига элчи қилиб жўнатди. Хонзода бегим шоҳнинг яширин ниятларини билмаса ҳам яна аллақандай хатарлар уни ёш ўғилчаси билан бирга ўз гирдобига тортмоқчи эканини элас-элас сезар ва номаълум бир таҳликадан юраги дам-бадам увишар эди.

Шоҳнинг элчиси ва навкарлари бутун йўл давомида Хонзода бегимни ҳам, унинг ўғли ва канизларини ҳам ўз одамлари каби астойдил авайлаб ва қўриқлаб келмоқда эдилар. Уларнинг аёллар билан муомаладаги одобларини, олижаноб эҳтиромларини бегим кўп марта сезди. Шоҳ Исмоилдан бошқа подшоҳ бўлса, Шайбонийхондай ашаддий душманнинг норасида ўғлини йўқ қилиб юбориши, хоннинг хотинини ўз ҳарамининг асирасига айлантириши ёки бирорта бекига никоҳлаб бериши мумкин эди. Шоҳ Исмоил шундай қилмагани, аксинча, Хонзода бегимни маликалардай иззат-икром қилиб, ёнига мўътабар элчилару ўнлаб навкарларини қўшиб, Бобурнинг ҳузурига юборгани, бу жабрдийда жувоннинг қалбида умрбод унутилмайдиган бир миннатдорчилик туйғуси уйғотган эди. Хонзода бегимни бутун йўл бўйи сергаклантириб бораётган номаълум хафв гўё баҳайбат тоғлар ва ўрмонларда яшириниб турганга ўхшарди. Қиш энди чиққан, тоғларда ҳали қор кўп. Баланд довонлардан, тор-тангилардан ўтаётганларида Хонзода бегимнинг назарида, тоғдан кўчки тушиб, ҳаммаларини босиб қоладигандай бўларди. Момақалдироқли ёмғирлар ёққанда дараларнинг селлари бегимнинг ёнидаги ўғилчасини оқизиб кетадигандай ваҳмини келтирарди. Бир кеча Амударёнинг чап қирғоғидаги ўрмоннинг четида – Сурбайтал деган жойда тунадилар. Хонзода бегим ўрмонда кийик овлаб юрган йўлбарсларнинг ҳайбатли бўкиришларини эшитиб, туни билан ухлай олмай чиқди. Илгари Шайбонийхоннинг укаси – жуда кўп хатарли жангларда ўлмаган Маҳмуд Султон мана

шу Қундузга келганда аллақандай ёмон безгакка учраб, бир неча кун ичида ўлиб қолган, кейин уни Қаршига элтиб кўмишган эди. Қундузга яқинлашганларида Ғўри дарёси Қундуз дарёси билан қўшилиб, Амударёга қараб кетган серқамиш ботқоқлик жойда нафас олиш оғирлашиб, бирдан ҳавонинг рутубати кучайиб кетди. Хонзода бегим энди ўша ёмон безгакни эслаб, ўғилчасига яна хавотирланиб қараб қўйди.

У илгари «Ўлгинг келса Қундузга бор» деган афғонча мақол эшитган ва буни ҳазил гап деб кулган эди. Энди бу мақол унга чиндек туюла бошлади. У ўзидан ҳам кўра мурғак боласидан – хон ҳарамида ўн йил асоратда яшаб орттирган мана шу ягона жигарпорасидан хавотирланарди. «Борди-ю, Бобур мирзо Қундузда бўлмасалар, тоғ ошиб Андижонга ўтган бўлсалар ёки Кобулга қайтган бўлсалар, унда не қилурмиз?» дерди Хонзода бегим ўзича. Шу ўй таъсирида Помир ва Ҳиндикуш тоғлари билан қуршалган, Амударё ва унинг асов ирмоқлари бўйига жойлашган Қундуз воҳаси Хонзода бегимнинг кўзига жуда бадваҳима кўринарди.

Кечки пайт йўл дарёдан узоқлашиб баландликка кўтарилиб бораётганда қаршиларидан бир тўп қуролли кишилар чиқиб, уларни тўхтатишди. Сўраб-суриштиришлардан сўнг булар – Бобур томонидан йўлларга қўйилган қоровуллар экани маълум бўлдию, Хонзода бегим бирдан енгил тортди. Қоровулларнинг бошлиғи меҳмонларнинг олдига тушиб, уларни Қундузнинг баланд бир жойидаги қалъага бошлаб борар экан, энди атроф Хонзода бегимга алланечук бошқача кўриниб кетди. Мовий тоғлардан эсаётган шабада юзини ёқимли силаб ўтди. Амударё бўйидаги ўрмонлар узоқдан нечоғли хушманзара кўринишини у энди пайқади.

Қундузнинг илгариги хонлари баҳаво бир жойга қурдирган мустаҳкам қалъа ва унинг ичидаги қаср ҳам Хонзода бегимга узоқдан хийла файзли кўринди. Бу қаср ичида ҳозир у ўзининг суюкли иниси билан учрашишини ўйлаганда шодлиги кўксига сиғмай ентикди. Уларни кутиб олган мулозимлар Хонзода бегимни ўғли ва канизлари билан бирга меҳмонхонанинг яхши безатилган алоҳида бир хонасига киритиб қўйдилару Бобурга хабар бериш учун қўрғоннинг тўрига қараб кетдилар.

Анчадан кейин Хонзода бегим ўтирган хонанинг эшигидан чиройли соқол-мўйлов қўйган ўттиз ёшлардаги йигит

шошилиб кириб келди. Бегим уни Бобурнинг мулозимларидан деб ўйлади, секин ўрнидан туриб, саломига алик олди. Йигит унга томон юриб келар экан, овози титраб:

– Бегим, қадамингиз қутлуғ бўлсин! – деди.

Бу – Бобур эди. Лекин Хонзода бегим укасини соқол-мўйлов қўймаган ўн тўққиз ёшли силлиққина йигит қиёфасида эслаб қолган эди. Ҳозир унинг қаршисида турган кенг елкали, соқол-мўйлови текис тарашланган йигитнинг кийимлари ҳам шоҳона эмас эди: бошида безаксиз оддий симоби салла, эгнида зира беқасам тўн. Бегим яна уни Бобурнинг бекларидан бири деб ўйладию, ҳаяжонланиб айтган сўзларига босиқ жавоб қилди:

– Қуллуқ!

Девони хосда ёзув-чизув ишларини қилиб ўтирган Бобур опасининг хабарини эшитиб хонаки кийимда чопиб келган эди. Хонзода бегим эса ҳали ҳам подшоҳ укасининг киришини кутиб, эшикка олазарак бўлиб қарар эди. Бобур опасига ағрайиб қараб қолди. Эшикдан Муҳаммад Кўкалдош деган мулозим кирганда бегим ундан:

– Амирзодам қанилар? – деб сўради.

Муҳаммад Кўкалдош ҳайрон бўлиб Бобурга қаради. Бобур гап нимадалигини энди тушундию, томоғига бир нарса тиқилиб, овози бўғилди:

– Мени танимадингизми?

– Сиз... Сиз...

– Мен Бобурмен!

– Наҳот?!

– Мен сизнинг инингизмен! Гуноҳкор инингиз Бобур!

Хонзода бегим Бобурнинг кўзларини, бобурона овозни энди танидию, ўзини инисининг бағрига отди. Қўлларини юзи билан бирга Бобурнинг кўкрагига босди. Бобур опасининг елкаларидан қучди, унинг соғинч ва қувонч билан айтган сўзларини қулоғи билан эмас, гўё кўкси билан эшитди:

– Бобуржон! Сиз... Сиз ўшанда мендан ранжигансиз!.. Биламен... Бошингизга таъна тошлари ёғилган... Мен... айтолмаган эдим. Ўзим учун эмас, сиз учун...

– Мен ҳам буни кейин билдим. Сиз мени қутқариш учун ўзингизни хонга тутиб бермишсиз. Мен сиздан умрбод қарздормен!

– Ўшал қарзингизни мана энди уздингиз, Бобуржон. Бу дафъа мени сиз қутқардингиз! Агар Шоҳ Исмоилга ёзган номангиз бормаса, мени ҳам, хон ҳарами билан асир тушган аёллар қатори, бирон бек ёки мулозимга тутқун қилиб берур эдилар. Шоҳ Исмоил сиз туфайли мени шунчалар иззат-икром билан озод қилиб, кузатиб қўйди. Сиздек иним борлиги учун Худога минг шукрлар қилдим!

Хонзода бегим юзини Бобурнинг кўксидан олдию:

– Ҳазрат онамлар қайдалар? – деди. – Бултур бир шумхабар эшитдим, ростми?

– Беш йил бурун... Хасбадан[1] жон бердилар. Кобулнинг Боғи Наврўзийсиға қўйдик.

– Э воҳ, элликка ҳам тўлмай кетибдилар-а!..

– Менга ҳам шуниси беҳад алам қилди! Саксонга, тўқсонга кирганлар озми?

– Онамни ғаму ғурбат адо қилган, амирзодам! Бизни деб озмунча кулфат чекдиларми!

Муҳаммад Кўкалдош гапни бошқа ёққа бурди:

– Тақдирга чора йўқ, бегим. Мана бугун сиз подшоҳ ҳазратлари билан яна топишганингиздан ҳазрат онангизнинг арвоҳлари шод бўлур! Қани, ўтирсинлар. Фотиҳа ўқийлик.

Зарбоф кўрпачалар устига ўтиб ўтирдилар. Бу орада ташқаридан бегимни кўриш учун кирган Қосимбек қавчин Қутлуғ Нигор хонимнинг руҳига бағишлаб тиловат қилди. Кейин Хонзода бегим канизлари орасида ҳаммани жимгина кузатиб ўтирган ўғилчаси Хуррамшоҳни имлаб чақирди.

Боланинг оқ-сарғиш юзи, кўзининг кўкимтирлиги, қисқа бўйни ва сийрак қошлари худди Шайбонийхонникига ўхшар эди. Бобур Шайбонийхонни кўрмаган бўлса ҳам Хонзода бегим ўғлини унга таништираётганда боланинг қиёфасида хон отасидан мерос қолган аломатларни аниқ кўргандай бўлди.

Хуррамшоҳ етти ёшга кирар-кирмас отаси уни Балх вилоятига ҳоким қилиб қўйган эди. Ҳокимликни болага атка қилиб белгиланган Маҳди Султон қилса ҳам Хуррамшоҳ ўз қаршисида катта-катта одамларнинг бош эгиб таъзим қилишларига анчагина ўрганган эди. Хонзода бегим ўғлига Бобурни кўрсатиб:

– Тоғойингиз мана шу кишилар! – деганда Хуррамшоҳ Бобурнинг хаёлидан ўтган нарсани сезиб ётсирадими ёки

[1] Х а с б а – ичтерлама, тиф.

унинг кийимлари жўнлигини кўриб, назарига илмадими, истар-истамас бош ирғаб салом берди. Аммо тоғасига яқин бормади. Шунда Хонзода бегим уни елкасидан секин итариб қулоғига шивирлади:

– Эсингизни йиғинг, подшоҳ Бобур мирзо ҳузуридасиз! Шоҳ Исмоил шу ҳазрат туфайли сизни озод қилди!

«Подшоҳ» ва «ҳазрат» деган сўзлардан боланинг кўзлари гўё чарақлаб очилиб кетди. Шу пайт Бобур жиянининг кўзлари ойисиникидай йирик-йирик эканини сезди. Тождорлар билан муомала қилишнинг машқини яхши олган бола энди тиззачасини гиламга тираб, Бобур қаршисида юкунди, сўнг икки қўлини кўксига қўйиб, эгилиб таъзим қилар экан, чучук тил билан:

– Ҳазратим, мен сизга... сизга хизматқа келдим! – деди.

Бобур унинг бурни ҳам Хонзода бегимники каби қиррали эканини энди кўрди ва бу болага нисбатан қалбида тутун аралашган оловдай мураккаб бир илиқлик сезди.

– Хизматга келган бўлсангиз хуш кўрдик, шаҳзода, – дедию, болани қўлидан олиб, ўнг ёнига ўтқазди.

Шу пайт ташқаридан эллик ёшлардаги семиз ҳарам бекаси таъзим қилиб кирди:

– Подшоҳ ҳазратлари, Моҳим бегим олинасаб эгачингиз ҳузурига келишга ижозат сўрадилар!

Бобур Хонзода бегимга қараб сирли бир тарзда жилмайди. Сўнг бекасига буюрди:

– Айтинг, келсинлар! Мирзо Ҳумоюнни ҳам ола келсинлар.

Бобурнинг ёш хотини Моҳим бегим кекса Қосимбек ўтирган хонага киришдан ийманиб келолмаётганини ҳамма сезди. Қосимбек ва Муҳаммад Кўкалдош Бобурдан рухсат олиб, секин эшикдан чиқдилар.

Меҳмонхона олдида одам кўп. Марғилонлик Хўжа Калонбек, унинг укаси Кичик Хўжа, қувалик Тоҳир қўрчи, тошкентлик Саидхон, самарқандлик Мажид барлос, Юсуф Андижоний деган бир навкар – ҳаммалари ватанларининг дарагини олиб келган Хонзода бегимни кўрмоқчи бўлишар, аммо ичкарига киришдан истиҳола қилиб туришар эди. Қосимбек уларга:

– Аввал ҳарам аҳли билан кўришсинлар, кейин сизларга ҳам рухсат сўрармиз, – деб уларни тарқатиб юборди.

2

Шафтолигулли ипак қабоси ингичка белига, назокатли қадди-қоматига жуда ярашган бир жувон шаҳзодаларча ясантирилган уч яшар болани қўлидан етаклаб, эшикдан оҳиста кириб келди. Болачанинг юз-кўзи Бобурга ўхшашини Хонзода бегим бир қарашдаёқ сездию, тез ўрнидан турди. Моҳим бегим келинлик назокати билан эгилиб таъзим қилди. Хонзода бегим унга пешвоз чиқиб, аввал елкасига қўлларини қўйиб кўришди. Сўнг жувоннинг юзидаги нафис оқ пардани секин кўтариб қаради-да, унинг ажиб бир латофатини юракдан ҳис қилиб завқи келди. Келинини пешонасидан, кўзларидан қувониб ўпди, сўнг шодликдан балқиган юзини Бобурга ўгирди.

– Муборак бўлсин! Бир-бирларингизга бениҳоя муносибсизлар! Бахтли бўлинглар! Кичкина Ҳумоюн бир қўлчаси билан онасининг этагидан тутиб пастдан юқорига мароқ билан қараб турарди. Хонзода бегим уни қўлига кўтариб олди. Бола аммасини биринчи марта кўраётган бўлса ҳам, бу истараси иссиқ аёлни кўпдан бери биладигандек бегонасирамас эди. Хонзода бегим боланинг лўппи юзига юзини қўйиб эркалатганда Ҳумоюн буни ёқтириб кулимсиради.

Хонзода бегим уни ўзининг ўғилчаси олдига кўтариб олиб борди-да, ерга қўйди:

– Қани, кичкина тоғача «катта» жиянча билан танишсинлар-чи!

Уч яшар бобурийзода билан тўққиз яшар шайбонийзода аввал бир-бирларига жим тикилиб турдилар. Кейин Ҳумоюн Хуррамшоҳнинг белидаги кичкина безакдор ханжарчасига қизиқиб қўл чўзди. Хуррамшоҳ унинг қўлини олиб кўришдию, аммо ханжарини бергиси келмай орқага чекинди. Буни кўрган катталар кулиб юбордилар.

Хонзода бегимнинг бошидан кечган барча даҳшатлар, Қундуз йўлида унинг юрагини титратган номаълум хавфу хатарлар шу бир қувноқ кулги билан гўё узоқ ўтмишга айланди. Хонзода бегим ийманиб табассум қилаётган келинини бир ёнига ўтқазди. Иккинчи ёнида хушчақчақ кулимсираб болаларга қараётган Бобурни кўрди. Яқингинада ўзлари ҳам мана шу тоғача-жиян каби ёш бола бўлган пайтлари эсига тушди. Оғир айрилиқ йилларида опа-ука икковлари

ҳам фарзандли бўлганлари, душман хонадонларидан чиққан бу болалар энди гўдакларча бир маъсумлик билан танишаётганлари қаҳратон қиш кетидан келган баҳордек беҳад ёқимли эди. Хонзода бегим келинига яна бир қараб олди-да, кейин Бобурга шўх назар ташлади:

– Толе сизга энди кулиб боқибди, амирзодам! Ўзингизга бунчалик муносиб маликани қандай учратдингиз! Моҳим бегим, қаерликсиз?

– Хуросонлик, ҳазрат бегим.

Моҳим бегим Бобурга: «Боғкўча деворидан гул ташлаганимни айтиб мени уялтириб қўйманг яна!» дегандек илтимоскорона қараб олди. Бобур унинг бу қарашидаги маънони сезиб, завқли жилмайди. Сўнг Моҳим бегимнинг Ҳусайн Бойқарога қариндошлиги борлигини, оталари бундан тўрт йил бурун Бадиуззамон мирзо билан чиқишолмай Ғазнага келиб қолишганини опасига айтиб берди. Бобур Моҳимнинг ота ва оғаларини Ғазнадан Кобулга таклиф қилган, кейин бу ерда Моҳим билан яна кўришиб унга уйланган эди.

– Ҳирот билан Мурғоб оралиғида Ҳазрати Жом деган шаҳар бор, кўрганмисиз? – сўради Бобур опасидан.

– Кўрганмен! Улуғ шоир Аҳмад Жомийнинг номларига қўйилган.

– Бегимнинг она аждоди ана ўшал Ҳазрат Жомийга хеш эканлар. Устод Абдураҳмон Жомийга ҳамшаҳар эканлар.

Бобур ҳазиломуз кулиб қўшиб қўйди:

– Бегимнинг ўзлари ҳам шундай шоирпарвару шеършуносларки, Жомий билан Навоийнинг барча ғазалларини ёд билурлар. Аммо биз шеър ёсак, мунаққидлик[1] қилиб, нуқсини кўрсатурлар.

Моҳим эрининг ҳазилига ҳазил билан жавоб берди:

– Мунаққид бўлмай иложим йўқ, чунки ҳазратим менинг таърифимда кўп муболаға қилурлар!

Хонзода бегим ер-хотиннинг ҳазилкашлигидан завқланиб кулди:

– Лекин таърифингизда қанча муболаға қилсалар ҳам оз!

– Миннатдормен, ҳазрат бегим! – Моҳим энди ҳаяжонли товуш билан гапирди: – Мен сизнинг жасоратингизни, фидойилигингизни ҳазратимдан эшитиб, ўзингизни кўриш орзусида эдим. Тангримга шукр, бугун шу орзуим рўёбга

[1] М у н а қ қ и д л и к – танқидчилик.

чиқди. Ҳазрат бегим, мен сизни афсонавий бир малика деб ўйлар эдим. Бироқ ўзингизни кўрдиму сиздаги меҳригиё афсонавий маликаларда ҳам бўлмас, деб ўйладим! Энди уйимизнинг пешгоҳи ҳам, кўнглимизнинг тўри ҳам сизники!

Моҳим бегим бу гапларни самимий бир ихлос билан айтганини сезган Хонзода бегим:

– Бизга сиздек келин берган Тангримга шукр! – деб қўйди.

Хонзода бегим бирдан Ойша бегимни эслади ва уни Моҳим бегимга таққослаб кўрди. «Бир ҳисобда, Бобуржон аввалги хотини билан ажрашиб кетгани ҳам яхши бўлган экан», деб қўйди ўзича. Сўнг хон ҳарамида ўзининг тортган азобларини эслаб кетди. Бобур ўттиз тўрт ёшли Хонзода бегимнинг сочларига битта-яримта оқ оралаб қолганини энди кўрди. Шу туришда опаси Бобурга онасининг энди бева қолган ўттиз етти-ўттиз саккиз яшарли пайтларини эслатди. Хонзода бегим ҳам энди бева эди. Бобур шуни ўйлади-ю:

– Сиз мени деб кўп азоб тортгансиз! – деди. – Сизни эсон-омон даргоҳимизга етказдирган Шоҳ Исмоилнинг яхшилигини ҳеч вақт унутмасмен!

Шоҳ Исмоил тилга олиниши билан Хонзода бегимнинг чеҳраси яна очилди.

– Шоҳнинг Тожли хоним деган ёшгина, кўҳликкина хотини бор экан, – деб ҳикоя қила бошлади. – Шу жувон мени шоҳнинг ҳузурига бошлаб кирди. «Шоҳ Исмоил сунний мазҳабидагиларни ўлдириб, терисига сомон тиқдирармиш» деган ваҳимали гапларни кўп эшитган эдим. «Баҳайбат бир одам бўлса керак», деб титраб-қалтираб бордим. Қарасам, йигирма тўрт-йигирма беш ёшли хушсурат бир йигит тахтда ўлтирибди. Соқол қўйган эмас, фақат узун, ингичка мўйлови бор. Бургутбурун, кўзлари катта-катта. Озарий тилда гапирди, сўзларининг ҳаммасига тушундим. Шиаларнинг имомлари Биби Фотиманинг авлодлари бўлган эмасми, шунинг учун улар аёл зотини жуда ҳурмат қилар эканлар. Мен буни йўлда ҳам кўп сездим.

– Лекин ўзимизда ҳам илгари аёлларга эҳтиром кучли бўлган, – деди Бобур. – Самарқандда Биби Хоним номли мадраса қурилган, Туман оқа мақбараси бор. Ҳиротда Гавҳаршод бегим мадрасаси машҳур.

– Билмадим, у замонларда улуғ аёллар кўп бўлганми ёки уларнинг илму санъатга иштироклари катта бўлганми?

– деди Моҳим бегим ерга қараб. – Ҳозир нечукдир ундоқ эмас-да, ҳазратим?

– Фалакнинг гардиши ажиб! – деди Бобур. – Аёлларга муносабат ҳамиша илму санъатга муносабат билан рост келур. Илму санъат барқ урган даврларда аёлларнинг ҳурмати ҳам баланд. Чунки илму санъат аёлларнинг иштироки билангина астойдил юксалган. Маънавий инқироз даврларида олимлару санъаткорлар нечоғли хор бўлса аёллар ҳам шунчалик камситилмишдир.

– Сиз айтган шу инқироз ҳозир Мовароуннаҳрни чирмаб олган, ҳазратим! – деди Хонзода бегим. – Кўчманчи хону султонлар мамлакатнинг қуруқ гавдасини эгаллаб олмишлар. Унинг руҳи билан ишлари йўқ. Ўлган одамнинг арвоҳини ранжитиш адолатдан эмас. Шайбонийхон пароканда бўлиб ётган ўлкаларни бирлаштирди. Самарқандда ўз номига мадраса қурдирди. Кўҳак[1] дарёсининг устига кўприк қурдирди. Савоб ишлари шу бўлди. Лекин олимлар-у санъаткорларга муомаласи қандоқ дурушт бўлса, аёлларга ҳам шундоқ эди. Темурийлар аёлларнинг номига мадраса-ю мақбаралар қурдирганини айтсангиз, ғазаби келур эди. Унингча, Улуғбек илму санъатга берилиб, дину имонни унутган эмиш, аёлларни талтайтириб, халқнинг ахлоқини бузган эмиш. Хон ёздирган «Шайбонийнома», «Нусратнома» деган китобларнинг биронтасида бирорта аёлнинг номи тилга олинган эмас. Шаҳзодаю султонларнинг оналари ёки хотинлари ҳақида сўзлаш зарур бўлиб қолса, «фалончининг қизи», «фалончининг хотини» деб, фақат отаси ёки эрининг номини ёзурлар. Чунки аёлларнинг номини номаҳрамлар тилга олсалар гуноҳ бўлур эмиш! Ҳали бу – мадраса кўрган илмли хоннинг даврида бўлган ишлар. Ҳозир тирик юрганларида шу илм ҳам йўқ. Фақат дағал бир кучу бидъату хурофот. Илму санъат аҳли султонлар зулмидан қочиб, бири Хуросонга, бири Истанбулга кетди, бири Кобулга келди. Энди бутун умидимиз сиздан, Бобуржон! Сиз Мовароуннаҳрнинг улуғ руҳини тикларсиз, илму маърифат қуёшини юртимизга қайтариб олиб борурсиз деб, йўлингизга кўз тикканлар кўп! Бобур опасининг айтганлари қуруқ гап эмаслигини биларди. Шайбонийхон ўлгандан кейин Самарқанддан, Бухородан, Тошкентдан Бобурга махфий хатлар ва чопарлар келган

[1] К ў ҳ а к – ҳозирги Зарафшон.

эди. Кўчманчи султонлар зулмидан безган одамлар Бобурни тезроқ юртига қайтишга чорлар эдилар.

– Ўтган ҳафта Андижондан хушхабар келди, – деди Бобур опасига мамнун кўз ташлаб. – Фарғона водийсидаги барча хайрихоҳларимиз кўчманчи султонларни қувиб юборибдир. Менга китобат келдики, «Қоратегин орқали Андижонга тезроқ етиб келинг, ота юртингиз сизга мунтазир!»

Хонзода бегим қувонч билан:

– Тангримга минг қатла шукр! – деди.

– Ҳазратим бизни Кобулдан Қундузга олиб келганларининг боиси ҳам шулки, – деди Моҳим бегим овозини пасайтириб, – тезроқ ватанларига қайтмоқчилар!

– Андижонгами? – шивирлади Хонзода бегим инисига.

Бобур ўйчан кулимсираб бош чайқади – у Андижонга ишончли бир кишисини юбормоқчи, ўзи эса Ҳисор орқали Самарқандга юриш қилмоқчи эди. Лекин Бобур ўзининг бу ниятини тарих саҳнасида пайдо бўлган янги бир куч – Шоҳ Исмоил билан келишмасдан амалга оширолмаслигини сезиб турарди. Чунки Шоҳ Исмоил кўчманчи султонларга қарши курашни давом эттириш ва уларни Мовароуннаҳрдан қувиб чиқариш учун Бобур билан иттифоқ тузмоқчи эди. Бугун Хонзода бегим билан келган элчининг қандай нияти борлигини Бобур тахминан билар эди.

Башарти, у Шоҳ Исмоил таклиф қилаётган иттифоқни рад этиб, Андижонга ёки Самарқандга ўзича юриш қилса, шоҳ ундан айниб, шайбонийзодалар билан иттифоқ тузиши мумкин эди.

Шайбонийхоннинг ўғли Темур Султон шоҳга элчилар ва совғалар юбориб, музокара олиб борганидан Бобур хабардор эди. Бу икки зўр кучга Бобур ёлғиз бас келолмаслиги эса ўз-ўзидан аён эди...

У аёлларга бу мураккаб муаммоларни айтиб ўтирмадию, Шоҳ Исмоилнинг шоирлигидан гап очди.

– Мирзохон менга шоҳнинг шеърларидан келтириб кўрсатди, – деди опасига. – Таъби назми баланд, озарбайжон туркийсида жуда чиройли ғазаллар битибдир. Яна камтарлик билан «Хатоий» деган тахаллус танлабдир.

– Катта шоирлиги рост, – деди Хонзода бегим. – Ғазалларини одамлар қўшиқ қилиб айтганларини эшитдим. Шоҳ мени қабул қилганда «Бобур подшоҳнинг шоҳлигини ҳам,

шоирлигини ҳам эҳтиром эдюрмиз» деди. Кейин ҳазратимнинг Ҳиротда куйга солинган ғазалларидан бир байтини ёд айтиб, «Чўх яхши!» деб қўйди.

Бобур шоҳнинг бу мақтовидан кўнгли ийиб, уялинқираб:

– Қайси ғазал экан? – деди.

Хонзода бегим бармоқларини лабларига қўйиб ғазални сўзма-сўз эслашга тиришар экан, Моҳим бегим унга кўмаклаша бошлади:

– «Менинг кўнглимки, гулнинг ғунчасидек таҳ-батаҳ қондир» деб бошланурми?

– Ҳа-ҳа, худди шу! – деб Хонзода бегим иккинчи сатрини ўзи айтди: – «Агар юз минг баҳор ўлса очилмоғи не имкондир».

– Шоҳга бу матлаънинг ёққани бежиз бўлмаса керак, – деди Бобур. – У ҳам бизга ўхшаб, отасидан ёш қолиб, қувғинларга учраб, кўп кулфат чеккан экан. Менга унинг тарихини Мирзохон айтиб берди. Энди Шоҳ Исмоил дунёда адолат ўрнатмоқчи эмиш.

– Шоҳ менга ҳам шуни айтди, – деди Хонзода бегим. – «Адолатни суннийлар ўн икки имом билан бирга ўлдирмишлар», деди. Лекин ўн иккинчи имом – Ҳазрати Маҳди ўлган эмас эмишлар, энди осмондан ерга тушиб, суннийларнинг жазосини берар эмишлар. Шунинг учун шиалар шоҳни «соҳиби замон» деб улуғлар эмишлар.

Бобур бу ясама эътиқодлардан ғаши келиб, бош чайқадию:

– Таажжуб! – деб қўйди. – Марҳум Шайбонийхон ўзини «Халифаи раҳмон, имоми замон» деб юриб, охири нима бўлди? Динни сиёсатга айлантириш не ҳожат?

– Лекин шиалар билан суннийларнинг адовати аслида ҳокимият талашишдан келиб чиққан эмасми, ҳазратим? – деди Моҳим.

Ислом тарихини яхши биладиган Бобур суннийлар билан шиаларнинг қонли курашларини хаёлидан ўтказа бошлади.

Бу кураш Бобур яшаган даврдан салкам тўққиз юз йил аввал – Муҳаммад пайғамбарнинг ўлими билан бошланган эди. Муҳаммад пайғамбар тузган давлатни ким бошқариши керак? Ким унинг давомчиси – халифи бўлиши керак? Энг яқин қариндошни ворис қилиш тарафдори бўлганлар Алини биринчи халифа қилиб кўтармоқчи эдилар. Чунки Али пайғамбарнинг амакиваччаси эди ва унинг ягона фарзанди

Биби Фотимага уйланган эди. Аммо Али чорёрлар орасида энг ёши эди. Қабила удуми, яъни суннага биноан энг ёши улуғ ва обрўси баланд ўтағаси мусулмон оламига бош бўлиши керак эди. Шу сабабли кекса Абубакрни биринчи халифа қилиб кўтардилар. Шу билан бирга, Али ҳам пайғамбарнинг тўртта энг яқин салафларидан – чорёрларидан бири деб тан олинди, фақат ёшига қараб уни Абубакр, Умар ва Усмондан кейинги тўртинчи ўринга қўйдилар.

Душманлари аввал Умарни, кейин Усмонни суиқасд билан ўлдирадилар. Ниҳоят Али халифа бўлади. Аммо орадан беш йил ўтар-ўтмас душман тараф қасдма-қасдига Алини ҳам ўлдирди.

Али тарафдорлари унинг ўрнига ўғиллари – Биби Фотимадан туғилган Ҳасан ва Ҳусайнни мусулмон оламининг бошлиғи деб эълон қилдилар. Аммо Имом Ҳасан касалланиб ўлди. Имом Ҳусайн Карбало даштида суннийлар билан қилинган жангда ҳалок бўлди. Шундан кейин халифалик яна суннийлар қўлига ўтдию, Алининг авлодига мансуб бўлган барча имомлар бирин-кетин ўлдирилаверди. Фақат ўн иккинчи Имом Муҳаммад ёшлигида сирли бир тарзда йўқолди, унинг ўлик-тириги топилмади. Мухолифлари уни ўғирлаб кетиб ўлдирганлари тахмин қилинса ҳам, унинг тарафдорлари халқ орасида «Имом Муҳаммад осмонга чиқиб кетган, бир кун Имом Маҳди номи билан қайтиб тушиб, дунёда адолат ўрнатади» деган бир диний эътиқодни тарқатдилар. Адолатсизликдан азоб тортиб юрган жуда кўп содда одамлар бу гапга ишонадилар. Шиалар мусулмон оламидаги барча бахтсизликларга Алидан олдинги уч халифани ва уларнинг кейинги авлодларини сабабчи қилиб кўрсатдилар. Суннийлар узоқ вақт давлат тепасида турган ва мусулмон динини жуда кўп мамлакатларга тарқатган ҳоким куч бўлганликлари учун уларнинг зулмларидан норози бўлган кўпгина олимлар, санъаткорлар, деҳқонлар, косиблар ва бошқа турли табақа вакиллари ҳам шиалар томонига ўтдилар. Қадимий маданият маркази бўлган Эрон ва Озарбайжонда шиаларнинг суннийларга қарши кураши тобора ўсиб борди. Шоҳ Исмоил шиаларнинг мана шу курашидан фойдаланиб, давлат тепасига келди, тарихда биринчи марта шиа мазҳабини катта бир давлатнинг динига айлантирди ва суннийларга қарши ғазавот эълон қилди.

– Рост, шиа-сунний адовати қандай хунрезликларга сабаб бўлганини мен Ҳиротда кўриб даҳшатга келдим! – деди Хонзода бегим ва бир воқеани ҳикоя қилиб берди.

Марвдан кейин Ҳирот қизилбошлар қўлига ўтгач, бу ерда Шайбонийхон даврида қатағон қилинган шиалар қасоскорона бош кўтардилар. Улар Ҳиротда Шайбонийхоннинг барча ишларига фатво берган саксон ёшли шайхулислом Тафтазонийни шиаларга тутиб бердилар. Шиалар чолни кўчага – халойиқ орасига судраб олиб чиқдилар ва дарҳол сунний мазҳабидан шиа мазҳабига ўтишни буюрдилар. Тафтазоний бунга кўнмади. Шундан кейин шиалар уни кўчадаги бир дарахтга осиб ўлдирдилар ва жасадини дарахт билан бирга ёқиб юбордилар.

Буни кўрган холис одамлар шиа-сунний душманлигидан безор бўлиб, Абдураҳмон Жомий тириклигида ёзиб кетган ўткир рубоийни бир-бирларига шивирлаб айтадилар:

Эй муғбачайи даҳр, бидеҳ жоми маям,
Ки омад зи низойи суннию, шиа қаям.
Гўяндки, Жомиё, чи мазҳаб дори?
Сад шукрки, саги суннию, хари шианаям![1]

Бу рубоийнинг сўзлари оғиздан-оғизга ўтиб, шиаларнинг қулоғига ҳам етиб боради. Айниқса «шианинг эшаги» деган ибора уларнинг жонини чиқаради. Қизилбошлар бидъатга берилган ҳиротлик шиалар ва ёш безорилар тўдасини Абдураҳмон Жомийнинг мақбарасига бошлаб борадилар. Қабр устига қўйилган мармар тошни кўчириб ташлайдилар. Тошга ўйилган «Жомий» сўзидаги арабча «جامی»нинг нуқтасини ўчириб «جامخ» тарзида ҳарфнинг юқорисига қўядилар. Натижада улуғ шоирнинг номи «Хомий» деб ўқиладиган бўлади. Жоҳиллар бу билан ҳам қаноат қилмайдилар. Жомий мақбарасига Навоий ўрнаттирган заррин ўймакорлик гўзал эшикни синдириб, мақбара билан бирга ёндириб юборадилар. Бу воқеани опасидан эшитган Бобур ғазаб аралаш ҳайрат билан сўради:

[1] Таржимаси:
Эй дунёнинг ёш оташпарасти, менга майим жомини
Бергилки, сунний ва шиа низоларидан қусгим келмоқда.
Десалар: Эй Жомий, сен ўзи қайси мазҳабдансен?
Юз шукрки, суннийнинг итию, шианинг эшагимасман!

– Наҳотки Шоҳ Исмоил шундай жаҳолатга йўл берган бўлса?

– Менинг билишимча, бу ишдан шоҳ бехабар қолган. Ҳиротдаги мудҳиш ишларга шоҳнинг Хуросон бўйича ноиби Нажми соний бошчилик қилган.

– Не бўлганда ҳам ҳазрати Жомий минг марта ҳақлар: шиа-сунний низолари кўнгилни оздирадиган даражада хунук!.. Ҳайҳот, дунёнинг ишлари ҳамиша чигал! Туғишганлардан-ку, дўст-ёр тополмадим. Энди тақдир менга Шоҳ Исмоилдек бир мард, танти, фозил дўст берди, деб суюнсам, бунинг ҳам ишкал ишлари бор экан.

Моҳим бегим Бобурнинг кўнглига чўккан ғуборни тарқатгиси келиб, кулимсираб гапирди:

– Гул тикансиз бўлмас экан-да, ҳазратим!

Бобур хотинининг жилмайган юзига тикилиб қарадию, ўзининг ҳам чеҳраси очила бошлади. Шунча айриликлардан кейин севимли опаси билан яна учрашгани, бу қувончга Шоҳ Исмоил туфайли муяссар бўлгани такрор эсига тушди. Қундузда шайбонийзодалардан ихлоси қайтган йигирма минг кишилик қўшин мўғул беклари бошчилигида Бобур ҳузурига келгани ва унинг хизматига ўтгани яна ёдига тушдию, кўнглини яйратиб ўтди. Бобур кўзини Моҳим бегимдан олиб опасига қаради:

– Энди ҳеч бир гулнинг тиканидан қўрқмасмиз! Мақол борки, гули учун тикани ҳам ноилож суғорилур... Шоҳ Исмоил шунчалик одамгарчилик қилибди! Майли!

Бобур ўрнидан турди. У шоҳдан келган элчи билан учрашиши керак эди. Моҳим уни эшик олдигача кузатиб борди. Бобур эшикдан чиқаётиб, Хонзода бегимни қаерга жойлаштириш ва қандай эъзозлаш ҳақида хотинига кўп гапириб ўтирмадию:

– Эгачимни онам ўрнида кўргайсиз! – деди. Шу бир оғиз гапдан ҳамма нарсани англаган Моҳим ҳам:

– Жоним билан! – деб қўлини кўксига қўйди. – Сиздан ҳам бир илтимос, ҳазратим.

– Хўш!

– Биз тикан деб ўйлаган нарсалар оғули тиғлар бўлиб чиқмасин. Эҳтиёт бўлинг!

Бобур хотинининг ҳамма нарсага фаҳми етадиган зийрак бир дўст эканини ҳозир яна бир марта сездию, унга меҳри тобланиб:

– Хотиржам бўлинг! – деди.

Сўнг қалби учрашув қувончига, меҳрибон аёллар нафосатига ва маъсум болалар завқига тўлиб, қўрғон ҳовлисига чиқди.

Девонхонага яқинлашганда элчилар билан бўладиган муомалани кўз олдига келтирди-ю: «Молу дунёни аямаслик керак» деган ниятни кўнглига тугди.

3

Бобурнинг буйруғи билан Вали хазиначи бисотида бор энг қимматбаҳо дур-у гавҳарлардан, Бадахшон лаълиларию олтин безакли кийимлардан, камёб тиғлар ва буюмлардан шоҳга алоҳида, унинг элчисига алоҳида инъомлар ҳозирлади. Сарой бовурчилари, баковул ва ясовуллар икки кечаю икки кундуз югуриб-елиб, Қундузда ҳали мисли кўрилмаган шоҳона зиёфат ва базмга ҳозирлик кўрдилар. Улкан зиёфат учун ҳисорий қўйларнинг ўзидан етмиш-саксонтаси сўйилди. Тоғлардан, ўрмон ва дарёлардан овлаб келинган ғозлар, какликлар, оҳулар сони бундан кўпроқ эди. Шоҳ Исмоилнинг меҳмондорчиликларини кўп кўрган одамлардан бири – Бобурнинг амакиваччаси Мирзохон эди. У Бобурга бир неча марта:

– Шоҳ элчилари чоғирсиз зиёфатни зиёфат ўрнида кўрмаслар, – деб айтди. Бобурнинг эшикоғаси Қосимбек эса ичкиликни жуда ёмон кўрарди. Бобурнинг ўзи ҳам ҳали беклари билан бирор марта ичкилик базми ўтказган эмас, фақат Кобулда Моҳимга уйлангандан кейин хушбўй чоғирлардан бир-икки марта татиб кўрган эди.

Ҳозир унинг кўнглида кўпириб турган қувонч билан бирга Шоҳ Исмоилга ва шиалар билан суннийларнинг душман муносабатларига бориб тақаладиган қандайдир ғашлик, чигаллик бор эди. Бу ғашликни бугун фақат май билан тарқатиш мумкинга ўхшарди. Бундан ташқари, меҳмонларнинг кўнгли учун ҳам Бобурнинг ичиши зарур эди.

Унинг амри билан Қундуздан топиш мумкин бўлган энг тоза чоғирлар, энг ўткир майлар топтириб келтирилди.

Гулгун парчадан зар ёқали або кийган ўспирин соқийлар олтин кўзалардан олтин-кумуш суроҳийларга май қуйиб, аввал Бобурга, сўнг унинг ёнида ўтирган шоҳ элчиси Муҳаммаджон эшикоғага, элчидан нарига чўккалаган Мирзохонга навбатма-навбат узатдилар.

Зиёфатда Бобур томонидан юздан ортиқ аъёнлар, беклар ва мулозимлар қатнашмоқда эдилар. Аввалги зиёфатларда Бобурдан ва Қосимбекдан яшириб май ичадиган кўпчилик беклар энди чоғир тўла қадаҳларини қўлларида бемалол тутган ҳолда бир-бирлари билан шўх-шўх кўз уриштиришар, қувноқ илжайишар ва подшоҳнинг ишорасини кутишар эди.

Пойгаҳда кичик беклар орасида ўтирган Тоҳир ҳам қўлидаги май тўла кумуш қадаҳга жонли бир нарсага қарагандай эҳтиёт билан қараб қўярди.

Мирзохон ёнидаги элчига шивирлаб изоҳ берди:

– Олий меҳмон, сиз ғаройиб бир ҳодисанинг гувоҳидирсиз. Бобур подшоҳ саройида бугун биринчи марта чоғир мажлиси!..

Эътибор беринг: мажлисда фавқулодда бир ҳаяжон ҳукмрон! Бошига қизил жиғали катта салла ўраган, соқоли хина билан бўяб қизартирилган бургутбурун элчи Бобурга мароқ билан тикилди.

Бобур қўлидаги қадаҳни учиб кетиши ёки чўқиб олиши мумкин бўлган нотаниш бир қуш каби авайлаб ушлаб турарди. Одамлар унинг сўзини кутаётганларини сезиб, овози товланиб гапира бошлади:

– Олий зотлар даврасида шодиёна кунларда узум сувидан ҳалолу покиза қилиб тайёрланган чоғир ичмоқ ота-боболаримиздан қолган одатдир. Ҳаётимизда шодликдан кўра ғаму ғурбат кўпроқ эди, шунинг учун ҳанузгача чоғир мажлисига майл кўрсатмадик. Ҳиротда Бадиуззамон мирзо билан Музаффар мирзодек тождор хешларимиз биз учун ораста базмлар бериб, чоғир таклиф қилганлари мажлис аҳлига маълум бўлса керак. Ўшанда ҳам биз узрлар айтиб, чоғирдан ўзимизни тортган эдик, чунки у маҳалларда май ичиб хурсандчилик қилғудек шодмон эмас эдик. Тангрим бизни шод-хуррам кунларга мана энди етказди. Биз бу масъуд кунларга Шоҳ Исмоил ҳазратларининг шарофатлари билан етишдик. Бугунги шод-хуррамликни бизга олий меҳмонимиз Муҳаммаджон эшикоға жаноблари келтирдилар! Шунинг учун бизнинг биринчи чоғир мажлисимиз Шоҳ Исмоил ҳазратларига чексиз ишонч ва эҳтиромларимиздан кичик бир нишона бўлғай! Биринчи қадаҳимиз эса шоҳнинг мўътабар элчиси Муҳаммаджон эшикоға жаноблариға юксак ҳурматимизнинг исботи бўлғай!

Бу сўзлардан кўнгли ийиб, чуқур кўзлари оловланиб кетган элчи ўрнидан туриб, Бобурга эгилиб таъзим қилди. Сўнг жойига ўтириб, қўлидаги чоғирни охиригача сипқарди. Пастда ўтирган созандалар «Сарви наво» куйини чала бошладилар. Дастурхонга кийик ва каклик кабоблари тортилди. Энг мазали таомлар орасида яна икки-уч қайта май ичилди. Одамлар энди ўзларини боягидан хийла эркин сеза бошладилар. Қаҳқаҳа, ўйин-кулги авжига чиқди. Қувноқ, шўх куйлар кетидан яна алёрлар айтилди. Ниҳоят, сўз навбати шоҳ элчисига келди. Шунда Муҳаммаджон эшикоға ёнидаги мулозимга нимадир – деб шивирлади. Мулозим бош ирғаб, ён эшикдан чиқиб кетдию, навбатдаги қувноқ куй тугаган пайтда устига бир неча қават оқ ипак ёпилган қандайдир совғани олтин баркашга солиб кўтариб кирди.

Муҳаммаджон эшикоға Шоҳ Исмоилнинг Бобурга бериб юборган мактубини ва олтин-кумуш инъомларини кундуз топширган эди. «Энди бу яна нима экан?» деб ҳамма ўтирганлар олтин баркашга тикилиб қолди. Умумий жимликда қизилбош бек баркашдаги совға билан Бобурнинг қаршисига таъзим қилиб келди. Бобурга яқин ўтирган Муҳаммаджон эшикоға ўрнидан туриб гап бошлади:

– Султон Заҳириддин Муҳаммад Бобур баҳодир ҳазратларининг соҳиби замон Шоҳ Исмоил ҳазратлария чўх юксак, чўх семимий ҳурматлари варлиғина алҳол бизим ишончимиз камил ўлди. Шу себебли Шоҳ Исмоил ҳазратлари юбормиш муқаддас инъомни Бобур подшоҳ ҳазратлария топширмоға ижоза вергайсиз!

Элчи олтин баркашдаги совғанинг устидан ипак пардани олди. Бобур ёқут ва дур билан безалган нафис оқ ипак саллани кўрди. Салланинг тепасига ўн икки имомнинг қонини эслатувчи қизил жиға суқиб қўйилган эди. Салла анча катта – Бобур ўрамларнинг сони ҳам шаҳид бўлган имомлар каби ўн иккита эканини тахмин қилиб билди. Шиаларнинг эътиқодига биноан, бу ўрамларнинг ҳар бири – бир имомнинг руҳи учун муқаддас макон эди.

Ичган чоғирдан юзи қизариб, кўзлари ялтиллаб турган Бобур ўзининг аъёнлари орасида шивир-шивир бошланганини пайқадию, кулимсираб Қосимбек томонга қаради. Аммо Қосимбек ва ундан нарида ўтирган Хўжа Халифа

номли шайхулислом олтин баркашдаги дасторга жирканиб ва, ҳатто, қўрқиб қарамоқда эдилар.

Чунки Бобурнинг ўзи ҳам, Қосимбек ҳам, зиёфатда ўтирган бошқа сунний аъёнлар, мулозимлар ҳам чорёрларнинг ҳурмати учун бошларига тўрт ўрам қилинган салла ўрар эдилар. Кичиклигидан Оллоҳ таолога, пайғамбар ва чорёрларга чексиз ишонч ва эътиқод руҳида тарбияланган одамлар бошларидаги саллаларининг тўрт ўрамида тўрт чорёрнинг руҳи яшайди, деб ишонар эдилар. Шиалар шу чорёрларнинг учтасини тан олмай ҳақорат қилишар, уларнинг ўн икки ўрамли саллалари эса Абубакр, Умар ва Усмонларнинг авлодларига қарши курашган шиа имомларини улуғлар эди. Шиаликни муқаддас чорёрлардан юз ўгириш, диндан чиқиб, рофизий бўлиш, деб ўрганган кекса Қосимбекка олтин баркашдаги салланинг майин йилтираган ипаги – илон терисининг йилтирашидек кўринди. Қосимбекнинг назарида саллага қадалган ёқутларнинг чўғдай ёниши заҳарли илоннинг қизғиш кўзлари қонга тўлиб ёнишига ўхшарди. Муҳаммаджон эшикоға Бобурга яна бир марта таъзим қилдию, Шоҳ Исмоил шахсан бериб юборган шу муқаддас дасторни қўлига олиб бошига кийишини ундан илтимос қила бошлади.

Ўнлаб кўзлар Бобурга «Не қиларкин?» деб тикилди. Қосимбек Хўжа Халифага таҳлика билан шивирлаб:

– Макру ҳийла билан ҳазратимни шиа мазҳабига ўтказмоқчиларми? – дегани Бобурнинг қулоғига чалинди.

Бобур агар шу дасторни бошига қўйса шиа мазҳабига ўтгандай кўриниши мумкинлигини энди пайқади. У ичган чоғиридан дурустгина кайф қилган эди. Ҳозир вазият унга Қосимбек қўрққанчалик ваҳимали туюлмас эди. Чорёрлар, ўн икки имом ҳам Бобур учун бундан тўққиз аср бурун ўтган тарихий шахслар эди. Узоқ ўтмишга айланган қонли душманликни бугун давом эттириш кимга керак? Қизилбош бек ҳамон Бобурнинг қаршисида тиз чўкиб, олтин баркашдаги саллани унга тутиб турибди. Шоҳ элчиси унга илтимоскорона таъзим қиляпти. Улар орқали Шоҳ Исмоил гўё Бобурга ҳамкорона қўл чўзяпти. Бобур бу қўлни қайтарса, шоҳ билан орани узиши керак бўлади. Кейин шайбонийзодалар шоҳ билан иттифоқ тузишадию, Бобурнинг ватанга қайтадиган йўлларини яна бекитишади. Бобур эса ҳозир бутун вужуди билан ватанига қайтишни истайди. Бу

истаги йўлида тоғ келса кемириб, сув келса симириб ўтмоқчи бўлади. Бобур элчига мулойим кўз ташлаб:

– Шоҳ Исмоил ҳазратларининг инъомлари биз учун беҳад азиз, – деди ва баркашдаги саллага қўл чўзмоқчи бўлди.

Шунда Қосимбек оғзини унинг қулоғига яқинлаштириб, хавотир билан шивирлади:

– Ҳазратим, зинҳор бошингизга кийманг! Зинҳор!

Бу сўзлар элчига ҳам эшитилди ва уни ранжитгани авзои ўзгариб кетганидан сезилди. Сув қуйгандай жимжитликда Бобур Муҳаммаджон эшикоғага майин кулимсираб қаради:

– Олий меҳмонимиз имомия[1] мазҳабиданлар, шундайми?

Элчи тасдиқ маъносида бош иргади. Бобур яна ўшандай мулойимлик билан сўзида давом этди:

– Имомиялар ҳам Муҳаммад алайҳиссаломнинг умматларими?

– Алҳамдулилло! – деб элчи дарҳол калима келтирди. Шундан кейин Бобур Қосимбек томонга ўгирилди.

– Сиз ҳам Муҳаммад умматимисиз, жаноби амирул умаро?

Қосимбек ҳам калима келтирдию, охирида:

– Ҳазратим, сизни илоҳо чаҳорёри босафолар қўллаб-қувватласинлар! – деб қўшиб қўйди.

Чорёрлар тилга олиниши билан элчининг ранги ўчиб лаби асабий пирпиради.

– Жаноб Муҳаммаджон эшикоға! – деди Бобур тез. – Қуръони шарифда айтилганки, «қулли муслимина ихватун». Яъни, барча мусулмонлар оға-инилардир. Биз ҳаммамиз бир диндамиз. Демак, ҳаммамиз оға-инилардек яқин бўлмоғимиз керак. Биз сизнинг мусулмонлик эътиқодларингизни ҳурмат қилганимиз каби, сиз ҳам бизнинг, – деб Бобур икки қўлини ёйиб, барча бек ва мулозимларини кўрсатди, – мусулмонлик эътиқодларимизни ҳурмат қилурсиз, деб ишонамиз!

Элчи энди бироз юмшаб, устма-уст бош иргади:

– Ушбу муқаддас армуғон ҳам бизни сизлара буюк эҳтиромимиз аломатидир!

Бобур энди Қосимбекка юзланди:

– Ҳазрати Алини сизу биз ҳамиша бошимиз устида олиб юрибмиз, шундоқми? Қосимбек – салласидаги тўрт ўрамнинг бири – Ҳазрати Алининг руҳига макон эканини ўйлаб, қўлини кўксига қўйди:

[1] И м о м и я – шиа мазҳабининг расмий номи.

– Шундоқ, ҳазратим.

– Муҳаммад алайҳиссаломнинг ягона фарзандлари бўлган Биби Фотима биз учун ҳам муқаддас волидадирлар, шундоқми?

– Шундоқ, ҳазратим.

– Шундоқ бўлса, Ҳазрати Али билан Биби Фотиманинг азиз авлодлари бўлган имомларни биз ҳам эъзозласак мусулмонликка тўғри келурми-йўқми?

Боя Бобурга жон куйдириб ҳалиги гапни унинг қулоғига шивирлаган Қосимбек подшони ниятидан қайтаролмаслигини, шоҳнинг бу махсус совғасини Бобур қабул қилмай иложи йўқлигини энди сезди. У кўпчиликнинг олдида Бобурга тан бергандай бўлиб, аслида уни ёқлагиси келиб бош эгди:

– Подшоҳ ҳазратлари, сиз ҳақсиз, қулингизни густохлигим учун афв этинг! Бобур Қосимбекка мамнун кўз ташлаб:

– Маъзурсиз, – деди. Сўнг дастор солинган оғир баркашни тутиб тураверіб қўллари толиб кетган қизилбош бек томонга ўгирилди. Бобур дасторни дадил бир ҳаракат билан икки қўллаб баркашдан олганда унинг ўнлаб бек ва мулозимлари ваҳима билан: «о!» деб юборишди. Бобур дасторни қўлида тутган ҳолда:

– Шоҳ Исмоил ҳазратлари ўзи муборак иликлари билан юборган бу армуғонни биз кўзга сургаймиз! – дедию, дасторни кўзи аралаш пешонасига теккизиб олди. Муҳаммаджон эшикоғанинг юзи қувончдан балқиб кетди:

– Муташаккирам, подшоҳ ҳазратлари, муташаккирам!

Лекин Бобурнинг бек ва мулозимлари орасида, хусусан, яқинда унга келиб қўшилган мўғул беклари орасида ҳайрат, қўрқув ва койиниш оҳангларига тўла бир шовур-шувур эшитилди. Бу ғовурдан Қосимбекнинг ранги оқариб кетди. Муҳаммаджон эшикоға эса Бобурни шиа мазҳабига ўтказиб, катта ғалабага эришгандай шодланиб гапирди:

– Подшоҳ ҳазратлари, биз умид эдюрмизки, сиз шоҳ ҳазратларининг буюк мададлари ила яна Самарқанд тахтия чиққанингизда азиз бошингизда шу муқаддас дасторни кўришга муяссар ўлурмиз!

– Тангри бизни сиз айтган бахтиёр кунга еткизса, бу дасторни тож ўрнида киюрмиз. Шоҳ Исмоил ҳазратларига шу аҳдимизни бориб айтгайсиз!

Бу гаплардан сўнг мўғул беклари орасидаги асабий шовур-шувур яна кучайди. Шоҳ элчиси эса Бобурнинг дадил одам эканига, Шоҳ Исмоил билан мустаҳкам иттифоқ тузиш учун суннийпараст бекларининг ҳар қандай қаршиликларини енгиб ўтиши мумкинлигига энди ишонди. Мана шу ишонч Бобурнинг шоҳ элчиси билан эртаси куни олиб борган музокараларини анча енгиллаштирди.

Шоҳ Исмоилнинг Бобур билан иттифоқ тузишдан мақсади – Мовароуннаҳрга у билан бирга қўшин тортиб бориш ва шайбонийзодаларни бирга тор-мор қилиш эди. Бобур шайбонийзодалар устидан ғалаба қилишни нечоғли истамасин, Мовароуннаҳрга ўз қўшини билан мустақил кириб боришни истарди. Чунки агар у асосий ғалабани ўзи мустақил қўлга киритмаса, ватанига обрў билан қайтолмаслигини, ёвлари уни «Шоҳ Исмоилнинг найзасига миниб кириб келди!» деб маломат қилишларини сезиб турарди.

Бобур Шоҳ Исмоилнинг Марвда эришган ғалабаси етарли эканини, энди улар дам олишлари кераклигини, шайбонийзодаларни Ҳисордан, сўнгра Самарқанддан қувиб чиқаришни энди Бобур зиммасига олиши кераклигини элчига қайта-қайта айтиб кўрди. Лекин Шоҳ Исмоил ҳам Самарқандга интилмоқда эди, агар унинг бу интилиши амалга ошмаса Бобур билан иттифоқ тузишнинг қизиғи қолмас эди. Элчининг гапидан буни сезган Бобур музокарани бошқа йўналишга бурди.

Шоҳ Исмоилнинг аскарлари тоғ йўлларида қийналиб, минглаб чақирим ортиқча йўл юриб, Қундуз ва Ҳисорга келиб юриши не керак? Шоҳ қўшини карвон йўли билан Термиз ва Бойсун орқали Самарқандга қараб отлансин. Бобур эса ҳозир Ҳисорга яқин турибди. Бир ҳамла билан Ҳисорни кўчманчи султонлар қўлидан тортиб олишга кучи етади. Кейин у Самарқандга жануб томонидан йўл очади ва Шоҳ Исмоилнинг қўшини билан Шаҳрисабз – Қарши атрофларида учрашади.

Мантиқан асосли бўлган бу фикрга шоҳ элчиси эътироз қилолмадию, Бобурнинг таклифини қабул қилди.

Бобур элчи билан тузган бу битимни Шоҳ Исмоилнинг тасдиғидан ўтказиш учун Мирзохонни Табризга вакил қилиб юбордию, ўзи Ҳиндикуш тоғининг шимоли-ғарбий этакларига тўпланган қўшинларини жангга тайёрлай бошлади.

Баҳор охирлаб қолган кунларнинг бирида Бобур Қосимбек билан адир йўлидан мўғул бекларининг қароргоҳларига

отлиқ кетмоқда эдилар. Шунда Қосимбек Бобурни йўлдан четроққа бошлаб чиқиб, бир шумхабарни айтди.

Шоҳ Исмоил юборган шиа дастурини Бобур кўзига суриб элчига қуюқ ваъдалар берганидан мўғул беклари қаттиқ ранжиган эмишлар, уни «чорёрлардан воз кечиб, имомия мазҳабига ўтди», деб фитна уюштирган эмишлар. Бундан беш-тўрт йил бурун Кобулда Эгу Салим, Шерқули деган мўғул беклари Бобурга суиқасд қилмоқчи бўлган пайтларида қўлга тушган, Бобур уларни яқин тарафдорлари билан қатл эттирган эди. Шайбонийзодалардан айниб, яқинда Бобурга келиб қўшилган мўғул бекларининг орасида ўша ўлдирилганларнинг уруғдошлари бор бўлиб, улар кек сақлаб юрган эканлар. Энди шу беклар яширинча тил бириктириб, Бобурни Қундузда ўлдирмоқчи ёки Кобулга қувиб юбормоқчи эмишлар. Унинг ўрнига Бобурнинг қўлида ўсган тоғаваччаси, марҳум Олачахоннинг ўн етти яшар ўғли Саидхонни тахтга чиқармоқчи эмишлар.

– Кимлар шундай қилмоқчи? Кимлар?! – деб Бобур ғазабдан титраб сўради. Қосимбек орқасига ўгирилиб қаради. Мулозим ва хос навкарлар узоқда қолган, овоз уларга эшитилмайди. Шундай бўлса ҳам Қосимбек товушини пасайтириб:

– Қамбарали Саллоҳ, Саидали Шакма, – деб бир қанча фитначиларнинг номларини айтди.

– Иблислар! Қачонгача булар менинг елкамга тиғ урурлар?! Андижондаги Аҳмад Танбал ҳам шу тоифадан эди! Бас! Ҳаммасини туттиринг! Пора-пора қилиб, гўштларини қузғунларга ташлатурмиз!

Қосимбек отининг жиловини тортиб, тоғ этакларидаги минглаб ўтовларга хавотир билан кўз югуртириб чиқди.

– Ҳазратим, қаранг, булар жуда кўп. Навкарлари билан йигирма минг!

Кўп асрдан бери Мовароуннаҳрда яшайдиган, туркий тилда сўзлашадиган, мусулмон динини қабул қилиб, унинг хурофотига қаттиқ берилган бу мўғул беклари ва навкарларининг касби ҳарбий иш эди. Қайси подшоҳ улуфани кўпроқ берса, қайси жангдан ўлжа яхшироқ тушадиган бўлса, буларнинг кўпини ўша подшоҳ ва ўша жанг ўзига жалб қилар эди.

Хисравшоҳ хизматидан Шайбонийхонга ўтган, унинг мағлубиятидан сўнг Бобурга келиб қўшилган бу ёлланма аскарлар беқарорликка ўрганган эдилар.

Агар Бобур фитначи бекларни туттириб жазолатадиган бўлса, уларнинг уруғ-аймоқлари аразлаб кетиб қолиши, сўнг қасд олишнинг пайига тушиши аниқ эди. Агар ички уруш бошланиб кетса, кейин Бобур шайбонийзодалар қаршисида заифлашиб, енгилиши муқаррар эди.

Бобур шуни ўйлаганда қалбидаги ғазаб ўрнини оғир хавотир туйғуси эгаллади.

– Мудом инсофу имонга хилоф хиёнатлар шу мўғул бекларидан содир бўлур! Яна булар дину мазҳабни ҳимоя қилмоқчиларми?!

– Бутун жаҳолат ана шундоқ нодонлардан чиқади-да, ҳазратим! Қулингиз ана шу жоҳилларнинг кайфиятини сезиб, дасторни олманг, деган эдим.

– Лекин олмай иложим бормиди?

– Йўқ эди, ҳазратим, сиз мутлақо тўғри қилдингиз! Энди буни ҳаммага яхшилаб уқтириш керак. Мўғулларнинг орасида ҳам яхшилари бор, фитна тайёрланганини менга мўғул авлодидан чиққан тоғаваччангиз Саидхоннинг ўзи келиб айтди. «Ҳазратимдан илтимос қилинг, иложи бўлса мени Андижонга юборсинлар», деди.

– Лекин Саидхон... берган тузимизни оқлабдир... Дуруст!

– Бошқа инсофли мўғуллар ҳам кўп, ҳазратим. Сиз бир пора ёмон бекларнинг фитнасидан кўп маъюсланманг. Фақир чорасини ўйлаб қўймишмен.

– Хўш, қани?

– Саидхон сизга садоқатини исбот қилди. Уни хон кўтармоқчи бўлган беш-ўнта фитначи бекларга бир-икки минг навкарлари билан рухсат берайлик. «Бор, Андижонни шайбонийзодалардан ҳимоя қилиб ол!» дейлигу ҳаммаларини Қоратегин орқали жўнатиб юборайлик. Шу билан биз ҳам фитначилардан халос бўлурмиз, улар ҳам истаган хонларининг хизматига ўтиб тинчирлар.

– Қолганлари яна бир кун хиёнат йўлига ўтса-чи?

– Қолганлари билан кейин мен ўзим яккама-якка гаплашиб чиқурмен. «Подшоҳдан гуноҳларингни сўраб олдим, бир марта шафе бўлдим, иккинчи марта бўлмасмен», деб тушунтирурмен. Бу ҳам кифоя қилмаса, шубҳалироқларининг кетига зийрак хуфялардан қўйиб қўйганмен. Агар яна бузуқлик қилсалар, унда тутиб келтирурмен, кейин истаганингизча жазо берурсиз!

4

Ниҳоят, барча режалар гаплашилган тарзда амалга ошдию, Бобурнинг мўғуллар билан биргаликда йигирма беш мингдан ошадиган қўшини ёз кунларида Амударёнинг Панж деб аталадиган юқори оқимидан ўтиб, Кўлоб орқали Вахш водийсига йўналди. Шайбонийзодалар Шоҳ Исмоил қўшинининг Термиз томондан келаётганини, улар Бобур аскарлари билан қўшилса, енгиш мушкул бўлишини билар эдилар. Шунинг учун улар Убайдулла Султон бошлиқ бир қисм қўшинларини Қарши ва Самарқандда қолдиришиб, асосий кучларини Ҳисорга йиғиб келдилар. Темур Султон, Жонибек Султон, Ҳамза Султон ва Мамат Султон бошлиқ ўттиз минг отлиқ қўшин чўл ва водийлардан чиқиб, баланд тоғ оралиқларига шитоб билан кўтарилиб келмоқда эди. Улар Бобур қўшинини Вахш дарёсидан ўтказмасликка интилар эдилар.

Бироқ юқоридан тез тушиб келаётган Бобур бутун аскарлари билан Вахш бўйига душманидан анча олдин етиб борди ва Пули Сангин[1] деган кўприкдан ўтди. Сўнг одам оёғи тегмаган тик қоятошлар ва зовлар орасидаги баҳайбат даранинг даҳанасини[2] ва ҳарбий жиҳатдан қулай баландликларни эгаллаб олди. Пастдан ёпирилиб чиқиб келган ёв қўшини торгина йўл билан даранинг ичига киришга журъат этолмай тўхтади. Султонлар от устида туриб анча вақт кенгашганларидан кейин Темур Султон бошлиқ ўн мингтача аскар даранинг ўнг томонига ўтдию, Бобур турган баландликка орқадан айланиб келмоқчи бўлди. Темур Султоннинг орқадан чиқиб келиб тўлғама ишлатишини Сарипул жангида кўрган Бобур унинг ниятини фаҳмлаб қолди. Дарҳол Мирзохон бошлиқ ўн минг отлиқни ёв айланиб ўтаётган томонга жўнатди. Айланиб ўтаётганлардан кўра тўғридан бораётганлар мўлжалланган жойга тезроқ етдилар ва баландликнинг Вахш дарёсигача бориб тақаладиган ҳамма муҳим нуқталарини ишғол қилдилар. Вахш учуримли қоялар орасидан шундай даҳшат солиб оқар эдики, унинг қирғоғини ёқалаб ўтиб бўлмас эди. Темур Султон қаршисидан чиққан аскарларнинг сафини ёриб ўт-

[1] П у л и С а н г и н – «Тош кўприк». Ҳозирги Норак шаҳрининг яқинида бўлган.

[2] Д а ҳ а н а – даранинг оғзи, кириб-чиқиладиган жойи.

моқчи бўлиб, пешингача жанг қилди, лекин мухолиф томон юқоридан тош юмалатиб, ўқ ёғдириб, уларга йўл бермади.

Очиқ чўлларда ўсган, текис водийларда дадил ҳаракат қиладиган султонлар ҳаммаёғи бекик даралар ва тик қоятошли тоғлар орасида жуда қийналиб қолдилар. Уларнинг даштий отлари ҳам тоғда дуруст чополмас эди. Баъзилари тик ёнадан тушаётганда тоғда юришга мўлжалланмаган қуюшқон ва айиллари узилиб кетар, эгалари отларидан йиқилиб тушишар эди. Шундай йиқилиб тушганлардан бирини тутиб олиб, Бобурнинг олдига «тил» тариқасида келтирдилар. Бобур «тил»ни сўроқ қилдириб, шайбонийзодалар орасида уларнинг энг истеъдодли саркардаси бўлган Убайдулла Султон йўқлигини, бошқалари дурустроқ олишишнинг эпини тополмай, чекинишга ҳам журъат этолмай, иккиланиб турганини аниқлади. Бобур ёв қўшини сафланиб турган пастликнинг яқинида сув йўқлигини билар эди. Ҳаво иссиқ. Куни бўйи югуриб-елиб чарчаган одамлар ва отлар ҳализамон чанқаб, сув қидиришга тушиши муқаррар. Сув эса ёв турган жойдан беш-олти чақиримча орқада эди.

Кеч кириб, кун бота бошлаганда Бобур одамларига: «Бугун энди жанг бўлмади, эртани кутамиз», дегандай қилиб, отидан тушди. Тепаликда Бобурнинг ёнида турган мингдан ортиқ аскарлар ҳам отдан намойишкорона туша бошладилар.

Буни даранинг ташқарисидаги шайбонийзода султонлар кўриб турардилар. Лекин даранинг ичида – султонларга кўринмайдиган жойда Бобурнинг асосий кучлари отдан тушмай, саф тортиб, ҳужумга шайланиб турар эдилар.

Тепаликда турган Бобур ён-веридаги барча навкарлари билан кечки пайтда отдан тушганини ва навкарлар сафини тарқатиб юборганини кўрган султонлар «Бугун чиндан ҳам жанг бўлмайди» деб ўйлаган бўлсалар керак. Улар ҳам сафларини бузиб, баъзилари отларини етаклаган ҳолда орқага бурилишди ва сув излай бошлашди.

Бобурга шу керак эди. У сакраб отига минди-ю, дара ичида ёвга кўринмай тайёр турган бек ва навкарларига қараб қичқирди:

– Ёғий чекинди! Зафар бизники бўлур! Таъқиб этинг! Бу буйруқ оғиздан-оғизга ўтиб, бир лаҳзада бутун сафларга тарқалди. «Ёв қочса ботир кўпаяди» деганларидек, ёв чекинганига ишонган дарадаги аскарлар даҳана ташқариси-

га шердай дадил ҳамла қилиб чиқдилар. Бобур ҳам қилич яланғочлаб, тепадаги туғбардорлари ва хос навкарлари билан пастга отилди.

Шайбонийзодалар дара ичидан ва тепадан тоғ кўчкисидай отилиб тушиб келаётган ўн беш минг қўшин қаршисида шошиб қолдилар. Улар бузилган сафларига қайтадан тартиб беришга улгуролмай, ваҳима ичида қочишга тушдилар.

Бу қочишни ўнг томонда Мирзохон билан олишаётган Темур Султоннинг одамлари ҳам кўрдилару яккаланиб, қуршовга тушиб қолишдан қўрқиб, нариги бир дарага қараб чекиндилар.

Бобур хос навкарлари билан бирга ёвнинг асосий кучларини таъқиб қилиб бормоқда эди.

Ғира-шира қоронғилик тушганда унинг Муҳаммад Султон Дўлдай деган беки Ҳамза Султоннинг қўшинини тормор қилиб, ўзини асир олиб келди. Хуфтон кечроқ Хўжа Калон бошлиқ навкарлар Маҳди Султонни ҳам қўлга тушириб келдилар.

Қоракўл ва Андижонда бўлган кўпгина қирғинларнинг сабабчилари мана шу султонлар эди. Бобур уларни ўлимга ҳукм қилди.

5

Тиниқ куз осмонида оқ ипакдан ҳам нафис мезонлар учади. Самарқанд боғларида катта дона анорлар етилган, соҳиби узумлар ва нақш олмаларнинг энг ширинлари қолган пайт. Шаҳарнинг барча дарвозалари очиқ, кирди-чиқди бемалол. Ўн кундан бери Самарқандда на қўшин бор, на бир ҳокимият. Шайбонийзодалар Вахш бўйида Бобурдан енгилганларидан кейин Ғузор ва Қарши атрофларида яна астойдил бир жанг қилмоқчи бўлиб, куч тўплаб кўрдилар. Бироқ Бойсун тоғларидан нарида Бобур қўшинига Шоҳ Исмоил юборган ўттиз минг қизилбош аскари келиб қўшилгани маълум бўлгандан кейин султонлар иккинчи марта мағлубиятга учрашдан қўрқдилар-у Қарши, Бухоро ва Самарқандни жангсиз ташлаб чиқдилар. Фақат улар душманларига захира қолдирмасликка тиришиб қўлларига тушган ҳамма от-улов, мол-ҳол, дон-дунни талаб олиб кетдилар. Шу муносабат билан кўчманчи қабилаларнинг яна бир та-

лон-торожини бошдан кечирган ва уларга қарши нафрати бениҳоя ошган ўтроқ аҳоли энди бутун нажотни Бобурдан кутиб, унинг йўлига умид билан кўз тика бошлади.

Бобур иттифоқдошлари билан Ғузордан Қаршига, ундан Бухорога ўтган, бу қўрғонларга ишончли одамларини қўйиб, энди Самарқандга келмоқда эди. Бундан хабар топган самарқандликлар Чорраҳа дарвозасини, унга келиб кирадиган Бухоро йўлининг икки четини дорпеч, гилам ва палаклар билан безатдилар. Йўл бўйига ўнлаб муваққат дўконлар қурилди, ҳайит кунларидаги каби сайил бошланди.

Шаҳарнинг энг обрўли одамларидан йигирма-ўттизтаси қўрғон калитлари ва қимматбаҳо пешкашлар билан Бобурни бир кунлик йўлда пешвоз олдилар. Эртаси куни Бобур саф-саф отлиқ қўшин олдида мулозимлари билан Самарқандга яқинлашар экан, йўлнинг икки бўйини халойиқ тутиб кетганини, ҳамма ёқ байрам тусини олганини, том устларида, дарвоза олдиларида карнайлар ва нақоралар чалинаётганини кўрди.

Бобурнинг Ҳисордаги ғалабаси шарафига ёзилган шеърий таърихлар[1], унинг Самарқандга келишини қутлайдиган сатрлар хаттотлар томонидан йирик-йирик ҳарфлар билан оқ ипак матоларга ёзилиб, йўл бўйларига, дўкон тепаларига, қўрғон ичининг кўзга кўринарли жойларига осиб қўйилган эди. Бобур хор-зор бўлиб чиқиб кетган ватанида бунчалик иззат-икром билан қарши олинишини хаёлига келтирмаган эди. У мавкаби билан шаҳарнинг марказий хиёбонидан Кўксаройга қараб ўтаётганда Улуғбек мадрасасининг баланд пештоқи ва миноралари устида қўшкарнайлар чалиб, нақораларни сайратиб, қувонч билдираётган ватандошларини кўрди. Шунда бирдан эти жимирлаб, кўзига ёш келди. Ёнида бораётган Қосимбекка қараб:

– Ишонгим келмас, тушимми бу, ўнгим? – деди.

– Ўнгингиз, ҳазратим! Ўнгингиз!

Хос навкарлардан сал кейинроқда саллаларига қизил ўтағалар қадалган Шоҳ Исмоилнинг беклари Аҳмадбек сўфи ўғли, Шоҳрухбек Афшар, Муҳаммаджон эшикоға ўз мулозимлари билан бир тўп бўлиб келмоқда эдилар. Улар от устида ғолибларга хос виқор билан ўтиришар, юзлари-

[1] Ш е ъ р и й т а ъ р и х – махсус бир шеърий жанр бўлиб, ҳарфларидан абжад ҳисоби билан маълум йил ва ой келиб чиқади.

дан: «Биз бўлмасак, Бобур Самарқандга қайтиб кўрсин эди!» деган бир маъно англашилар эди.

Самарқандликлар эса бутун карнай-сурнайларини Бобурга қаратиб чалишарди. Шоҳ Исмоилнинг бек ва навкарлари халойиқ олдидан ўта бошлаганда карнайлар ва нақоралар бирин-кетин тиниб қоларди. Қизилбошларнинг шафқатсиз ишлари ва шиа мазҳабини зўрлик билан тарқатиш борасидаги ҳаракатлари Самарқандга жуда ваҳимали овозалар тарзида етиб келган эди. Шаҳарнинг сунний аҳолиси саф-саф бўлиб ўтаётган қуролли шиаларга хавотирли, нохуш назар билан қарашарди. Халойиқнинг совуқ муносабатидан қизилбош бекларининг қовоқлари осилиб борар, Бобурга кўрсатилаётган иззат-икромлар уларнинг ғашларини келтирарди.

Бундай мураккаб ҳолатлар Қарши ва Бухорода ҳам бўлган эди. Бобур ватандошларининг меҳмондўстлик туйғусини уйғотиш учун шу куниёқ Самарқанднинг майдон ва кўчаларига жарчи чиқартириб: «Шоҳ Исмоилнинг ғозийлари бизнинг мўътабар меҳмонларимиздандир!» деб эълон қилдирди. Сўнг қувончли айём муносабати билан меҳмонларга ва шаҳар аҳолисига уч кунгача ош беришни буюрди. Бобур ва унинг одамлари бундан ўн йил муқаддам қамалда қолиб, очликдан интиҳосиз машаққатлар чеккан Бўстонсаройда, маҳалла ва гузарларда, боғ ва сайргоҳлардаги юзлаб тандирларда осиёги нонлар, ширмойлар, патирлар, чаватилар ёпилди, минглаб товоқ ошлар тортилди, беҳисоб кўп қўйларнинг гўштларидан қовурдоқлар, кабоблар, шўрвалар тайёрланди, асл чоғирларга тўла хумлар очилди.

Бобур ҳар куни меҳмонлари ва мусоҳиблари билан чоғир ичиб хурсандчилик қилар эди. Тўй-томоша устига яна тўрт тарафдан хушхабарлар келиб турарди. Андижон, Марғилон, Ўш ва Ўзган ҳаммаси бирин-кетин шайбонийзодалар ҳукмидан чиқиб, Бобур томонига ўтган эди. Жанубда Қундуз, Кобул, Ғазна барчаси энди Бобурнинг қаламравидаги ягона мамлакатга айланганди. Унинг назарида, ҳаётининг энг бахтли даври бошланган, барча орзулари энди бекаму кўст рўёбга чиқиши керак эди. Бироқ бу бахтнинг жуда омонат, жуда муваққат эканлиги энг аввал масжид билан бозорда билинди.

* * *

Самарқанд қўрғонининг Оҳанин дарвозаси яқинидаги улкан мармар масжиднинг текис тош тўшалган саҳнига йигирма минг намозхон тўпланган. Бугунги жума намозида хутба қандай ўқилишини кўпчилик самарқандликлар ўз қулоқлари билан эшитгилари келади. Чунки: «Бобур подшоҳ шиалар томонига ўтганмиш, чорёрлардан юз ўгириб, ўн икки имомни тан олганмиш!» деган миш-мишлар кўпайган, Бобурни қувониб қарши олган сунний мазҳабидаги одамлар, бу овозага ишонгилари келмас, бироқ унинг мухолифлари аҳолининг асабига тегадиган миш-мишларни тобора кўп тарқатишар эди. Бугун жоме масжидида ўқиладиган хутба бу овозаларнинг қанчалик рост ёки ёлғонлигини аниқлаб бериши керак эди – қоидага биноан, хутбага ёки чорёрларнинг номи, ёки ўн икки имомнинг номи, албатта, қўшиб ўқилар эди. Буни биладиган одамлар жоме масжидининг ич-ташини тўлдириб юборган эдилар. Хутба ўқилишига бир соат қолганда масжид саҳнида бўш жой қолмади. Шундан кейин эшик ва дарвозалар олдида турган қуролли соқчилар ичкарига ҳеч кимни киргизмай қўйдилар.

Бир вақт масжиднинг орқа эшигидан садрлар судури Хўжа Халифа, Бобур, Қосимбек ва уч-тўртта қизилбош беклар кириб келишди. Бобур масжиднинг ич-ташига одам бениҳоя кўп тўпланганини кўриб, юраги изтироб билан «шиғ» этди. Бу одамлар унинг ҳозир қилмоқчи бўлган қалтис иши муваққат бир чора эканини тушунишармикан?

Мана шу вазиятда энг тўғри йўл – шоҳ қўшинини «отанг яхши, онанг яхши», деб силаб-сийпаб, ватанига жўнатиб юбориш эди. Аввалдан келишилган шартларга биноан, Бобур Шоҳ Исмоилни олий ҳоким деб эълон қилиши, хутбага унинг ва ўн икки имомнинг номини қўшиб ўқитиши, кейин шоҳнинг номидан пул зарб қилиши керак эди. Шу шартлар бажарилса, Шоҳ Исмоилнинг беклари ўз қўшинларини Мовароуннаҳрдан олиб чиқиб кетишга кўнар эдилар. Юқоридаги шартларни хўжакўрсинга бўлса ҳам бажариб, бегона қўшиндан тезроқ халос бўлиш тўғрироқ эканини Қосимбек ҳам, бошқа сирдош аъёнлар ҳам тушунган эди. Хўжа Халифа ҳам бугунги хутбани Бобур истаган тарзда ўқишга рози бўлган эди. Режага биноан, Хўжа Халифа самарқандлик сунний намозхонларнинг ғазабига қолмаслик

учун чорёрларни умумий бир тарзда номларини тилга олмай айтиб ўтиши, ўн икки имомни эса қизилбош бекларни қониқтирадиган оҳангда номма-ном тилга олиши керак эди.

Узун мош-гуруч соқоли киндигига тушадиган Хўжа Халифа барча қавмларнинг олдида туриб, жума намозини ўқидию, кейин қўлига ҳассасини олиб, масжид тўридаги мармар зинапояли минбарга кўтарила бошлади.

Йигирма минг намозхон ҳаммаси жим. Масжид саҳнини тўлдирган одамларнинг ҳаммаси гўё ўзларининг сунний мазҳабларини намойиш қилмоқчи бўлгандек бошларига тўрт ўрамли саллалар ўраган эдилар. Сунний саллаларнинг саноқсиз кўплигидан ғаши келган элчи Хўжа Халифанинг бошидаги дасторга қаради. Ўрамлари тўрттадан кўп, аммо ўн иккита ҳам эмас. Санаб бўлмайди. Муҳаммаджон эшикоға Бобур ва Қосимбекнинг бошларидаги саллаларга қаради. Буларнинг ўрамлари ҳам тўрттадан кўп, аммо ўн иккитадан оз. Бу саллалар шундай ўралганки, ўрамини санаш мумкин эмас. Муҳаммаджон эшикоға бунда қандайдир маъно борлигини сезиб, сергакланди. Наҳотки Бобур Қундузда берган ваъдасини бажаришдан бош тортмоқчи бўлса? Муҳаммаджон эшикоға Хўжа Халифанинг ҳаракатларини сергак туриб кузата бошлади.

Масжид саҳнидаги одамлар ҳам нафасларини ичларига ютиб, хутбанинг бошланишини кутмоқда эдилар. Умумий жимликда Хўжа Халифанинг йўғон товуши алланечук титраб, изтиробга тўлиб эшитилди:

– Бисмилла-аҳу раҳмо-онур раҳим!

Минбарда турган Хўжа Халифа йигирма минг сунний намозхоннинг ўзига сергакланиб тикилаётганини кўрдию, тиззаси ҳам қалтирай бошлади. Мана, у оллоҳ шаънига, пайғамбар шаънига битилган сурани ўқиб тугатяпти. Энди чорёрлар тилга олиниши керак. Наҳотки, Хўжа Халифа – ёшликдан сунний мазҳабида чорёрларга зўр эътиқод билан тарбияланган одам энди шунча намозхоннинг умидини пучга чиқарса? Унинг қаршисида йигирма минг салла турибди. Бу саллалардан ҳар бирининг қатларида чорёрларнинг руҳи яшашига Хўжа Халифа болаликдан ишонади. Ҳозир намозхонларнинг бошлари сабрсизлик билан қимирлаганда Хўжа Халифага салла ўрамларидаги арвоҳлар қимирлагандай туюлди. Агар у чорёрларга ҳурматсизлик қилса, арвоҳ

уриб кетадигандай бўлди. Йўқ, Хўжа Халифа чорёрларнинг арвоҳидан қўрқади. Шунинг учун:

– Чорёри босафолар: Ҳазрати Абубакр, Ҳазрати Умар! – деб ҳозир айтиши керак бўлмаган номларини бирдан хутбага қўша бошлади.

Бобурнинг орқасида турган минглаб намозхонларнинг қувонч билан енгил нафас олгани эшитилди. Муҳаммаджон эшикоғанинг эса ранги ўчиб кетди. Унинг нариги ёғида турган Шоҳрухбек Афшар қиличининг сопини чангаллаб, минбарга томон интилди. Шиалар Абубакр, Умар ва Усмонни бугунги тирик душманларидек ёмон кўришар, масжидда уларни улуғлаган ҳар бир суннийни чопиб ташлагилари келар эди. Ҳиротнинг жоме масжидида чорёрларни улуғлаган Зайниддин деган хатибни қизилбошлар намозхонларнинг кўзлари олдида қилич билан чопиб парчалаб ташлаганини Бобур эшитган эди. Ҳозир у Шоҳрухбекни билагидан олиб, илтимоскорона товуш билан:

– Бек жаноблари, сабр қилинг, сабр! – деди. Бу орада Хўжа Халифа чорёрларнинг номини айтиб бўлдию, қизилбошлар севадиган имомларни хутбага қўша бошлади.

– Ҳазрати Имом Ҳасан! Ҳазрати Имом Ҳусайн! Ҳазрати Зайнулобиддин Али!

Шоҳрухбек Афшар бу номларни эшитиб қўлини қиличининг сопидан олди-да, қаторга қайтиб кирди. Аммо орқадаги намозхонлар орасида шундай бир асабий шовур-шувур бошландики, Хўжа Халифа қолган имомларнинг номини бақириб айтишга мажбур бўлди. Орқадан кимдир:

– Э, бас, бас! – деб қичқирди. Бироқ намозхонлар орасига тартиб ўрнатиш учун қўйилган девқомат навкарлардан бири «бас!» деб қичқирган одамнинг оғзини улкан кафти билан бекитиб, бўйнидан судраб олиб чиқиб кетди.

Хатиб ўн икки имомни номма-ном санаб бўлиб, уларнинг муқаддас ишини бугун давом эттираётган соҳиби замон Шоҳ Исмоил Сафавийни мақтаб сўзлай бошлаганда, масжид саҳни яна ҳам асабийроқ жунбишга келди. Фақат Хўжа Халифа Бобурни Мовароуннаҳрнинг подшоси, деб эълон қилганда шовқин хиёл босилди. Хутбадан сўнг уй-уйига тарқалган намозхонларнинг баъзилари: «Бобур мирзо Мовароуннаҳрнинг подшоси бўлди, тахтини келгиндига бермади», деб тасалли топмоқчи бўлса, бошқалар:

– Пок мазҳабимизга рофизийлик аралашди, – деб шивирлади. – Ҳаром бўлдик! Чорёрларнинг қарғишига қолдик! Яна қимматчилик бўлгай! Яна очарчилик бошлангай!

* * *

Бобур қизилбошларнинг шартларини адо этиб, уларни тезроқ жўнатиб юбориш учун Шоҳ Исмоил инъом қилган ўша машҳур дасторни тахтга чиққанда бошига кийиб кўриниш берди. Сўнг Шоҳ Исмоилнинг тамғаси билан бир неча минг танга пул зарб қилдириб, бу пулларни қизилбошларнинг ўзларига тарқатди.

Шу муносабат билан шаҳар-у қишлоқларда ҳар хил миш-мишлар аввалгидан ҳам кўпайиб кетди. Гўё афсонавий китобларда битилган яъжуж-маъжужлар мана шу қизилбошлар эмиш.

Бобур қизилбошларнинг салласини Кўктошга кийиб чиққанда муқаддас тошнинг бир чети ёрилиб кетган эмиш. Энди Шоҳ Исмоил Самарқандга келиб мана шу Кўктошга чиқармиш. Ўшанда қиёмат-қоим бошланармиш.

Шайбонийзодалар Самарқандда қолдириб кетган мулла ва дарвеш кийимидаги хуфиялар маҳалла-куйларда, бозорларда ваҳимали овозалар тарқатиб, шиа-сунний низоларини мумкин қадар алангалантиришга тиришар эдилар. Бозорда нарх-наво ошиб кетаётганини ҳам шиаларнинг касофатидан кўраётган оми кишилар қизилбошларга нафрат билан қарар эдилар.

Битимдаги шартлар бажарилгандан кейин қизилбошлар юртларига қайтиб кетишга ҳозирлана бошладилар. Уларнинг беш-олтитаси Самарқанднинг Чорсусидаги атлас дўконига совға сотиб олиш учун келди.

Бозор куни. Чорсуда одам жуда кўп. Қизилбош навкарлар етти хил ранг билан товланаётган Самарқанд атласига харидор бўлиб қолишди. Муллаёқа кўйлак кийган семиз баззозга қараб, тўрт кийимлик атлас кесишни буюришди.

Баззоз ёғоч газни қўлига олди-ю, қизилбош навкарларга истеҳзоли кўз ташлаб:

– Аввал пулингни кўрсат, – деди. – Ақчанг қандоқ? Танганг?

Катта чўгирма кийган бир йигит чарм ҳамёнидан уч-тўртта кумуш танга олиб, баззозга берди.

Баззоз тангаларнинг олд томонига Шоҳ Исмоилнинг тамғаси, орқа томонига шиа имомларининг номи зарб бе-

рилганини кўрдию, қўрқиб кетди. У сунний муллаларнинг: «Шиа пули ҳаром, уни олган одам чорёрларнинг қарғишига учрайди», деган гапларини эшитган эди. Шунинг учун қўлига тангани эмас, заҳарли чаёнларни олгандай жирканиб ва шошиб тангаларни эгасига қайтарди.

Белига қилич ва ханжар таққан девқомат қизилбош навкар аввал кафтидаги янги кумуш тангаларга, сўнг баззозга тааҗжуб билан тикилди.

– Не ўлди?! Бу оқчада не иллат ва-ар?

– Бизда бу тангалар ўтмайди. Ҳеч ким олмайди.

– Нечун олмассан? Нечун? – куйиб-пишиб сўради қизилбош навкар.

– Ўтмайди.

– Нечун ўтмас?!

Бу саволга четроқда турган безоринамо бир йигит жавоб берди:

– Келгиндиларнинг пули ҳаром!

– Ҳаром?! – деб қизилбош навкар ҳалиги йигитга қараб интилди. Аммо у йигит ўзини бозор тўла халойиқнинг орасига урди. Шунда дўконлар орасидан кимдир қизилбош навкарга тош отди:

– Рофизийлар, кет юртингга! – деган товуш эшитилди.

Кўзларидан олов чақнаётган иккинчи қизилбош баззоздан таҳдид билан чўзиб сўради:

– Бизим ақчани олмас-са-ан?!

Баззоз энди унинг ғазабидан қўрқиб, мулойимроқ гапирди:

– Олсам, куйгаймен, меҳмон. Биз эски ақчада савдо қилишга ўтганмиз.

– Эски ақча? Шайбонийхоннинг ақчаси керакми?

Ҳозир Самарқанд бозорида чиндан ҳам Шайбонийхон чиқарган тангалар яхши ўтарди. Бу тангаларга суннийлар сиғинадиган чорёрларнинг номи битилган эди. Савдогарлар учун бундан ҳам муҳими – Шайбонийхон тангаларининг вазни оғирроқ, демак, қиймати баландроқ эди.

Шайбонийхон ўлимидан уч-тўрт йил бурун Ҳиротдан то Тошкент ва Туркистонгача бўлган вилоятларда пул ислоҳоти ўтказган, рақибларидан молия соҳасида ҳам устун келиш учун ўз тангаларининг оғирлигини темурийлар чиқар-

ган тангаларнинг вазнига нисбатан бир данг[1] оширган эди. Шунинг учун ҳозиргача бутун Хуросон ва Мовароуннаҳр бозорларида Шайбонийхон тангаларининг харидори кўпроқ эди. Лекин баззоз ғазаби келиб турган қизилбош навкарига буни очиқ айтмади.

– Шайбонийхон йўқ, ўлган, – деди.

Шу пайт кимдир узоқдан:

– Самарқандни бўшат, келгинди! – дедию, дўкон олдида турган қизилбошга кесак отди. Кесак унинг телпагига тегиб ушалди-да, чанги юзига тушди. Халойиқ орасидан аллакимларнинг кулгани эшитилди. Қизилбош навкар эгри қиличини қинидан суғуриб, кесак отган одамни кўзлари билан қидирди, аммо тополмади. Сўнг яна семиз баззозга юзланди. Сўзининг охирги бўғинини чўзиб сўради:

– Шоҳ Исмоилни ақчасин алмас-сан? Баззоз унинг қиличидан қўрқиб, титраб гапирди:

– Мен олсам балога қоламен.

Қизилбош яна бир марта:

– Алмасса-ан?! – деб чўзиб сўради-ю, кейин четдан отилган тош ва кесакларнинг аламини ҳам баззоздан олиб унинг елкасига бор кучи билан қилич урди. Ўткир қилич баззознинг гўштдор елкасини бўйнининг олдидан киндигигача кесиб тушди. Шунда иккинчи қизилбош ҳам қиличини яланғочладию, чўккалаб қолган баззознинг бошини бир зарб билан танасидан жудо қилди. Семиз баззознинг бошсиз бўйнидан шариллаб отилган қон дўкон ичидаги атласлар ва ипак матоларга сачради. Буни кўрган одамлар қий-чув кўтариб, ваҳима ичида қоча бошладилар.

6

Шиа-сунний низолари бундай қонли тўқнашувларни тобора кўп келтириб чиқараётгани қизилбош бекларни ҳам ташвишга солиб қўйди. Бобур ўзининг Шоҳ Исмоил билан тузган иттифоқига содиқ эканини уларга қайта-қайта уқтириб, нуфузли бекларга қимматбаҳо саруполар, отлар, олтин-кумуш пуллар инъом бериб, ниҳоят, қиш чилласи

[1] Б и р д а н г – «олтидан бир» демакдир. Темурийлар тангасининг вазни 4,6 грамм бўлса, Шайбонийхоннинг тангаси 5,2 грамм бўлган.

чиққанда ўттиз минг қўшинни Мовароуннаҳрдан Эронга жўнатиб юборди.

Шундан сўнг Самарқанд анча тинчиб қолди. Тошкент, Хўжанд, Ўратепа ҳам шайбонийлар ҳукмидан чиқиб, Бобур томонига ўтганлиги ҳақида хушхабарлар келди. Қизилбошларни уч ой давомида боқиш ва қимматбаҳо совғалар билан кузатиш пайтида анча бўшаб қолган хазина ўша шаҳарлардан келган пешкашлар билан яна анча тўлди.

Самарқанд боғлари оқ-пушти бодом гуллари билан безана бошлаган илк баҳор кунларида Бобур бир тўп яқинлари билан отланиб, Улуғбек расадхонаси томонга сайрга чиқди. Ўнтача қўрчи навкарларни тўриқ қашқа от минган Тоҳир бошқариб бормоқда эди. Оқ отлиқ Бобурнинг икки ёнида Қосимбек билан марғилонлик Хўжа Калонбек. Улардан орқароқда ўтган ҳафта Ҳиротдан келган мавлоно Фазлиддин ювош қора отга миниб ўйчан келмоқда. Ички беклар орасида мунший ҳам, мактаб-мадраса ишлари билан шуғулланувчи бир мударрис ҳам бор. Отлиқлар Обираҳмат ариғига етмай Боғи Майдон томонга бурилдилар. Улуғбек замонида жуда обод ва машҳур бўлган, бундан ўн беш йил олдин ҳам файзли турган Боғи Майдон шайбонийлар даврида қаровсиз қолиб, ички ариқлари бекилиб кетган, сувсизликдан кўпгина дарахтлар қуриб қолган эди. Икки қаватли нақшин кўшк – Чиннихонанинг шифтидан томчилар ўтиб ажойиб расмларнинг анчаси ўнгиб кетган эди. Бобур бунинг ҳаммасини кўриб чиққач, мавлоно Фазлиддинга юзланди:

– Мавлоно, биз сизни Ҳиротдан чорлаб келтирганда янги қасрлар, чорбоғлар қурдириш умидида эдик. Аммо оламга машҳур қадимий обидаларимизнинг бу аҳволини кўриб, ўзингиз ҳам таассуф этсангиз керак!

– Ҳазратим, Улуғбек мирзонинг оламда ягона расадхонаси ҳам мана шу Чиннихона каби ташландиқ аҳволда, – деди мавлоно Фазлиддин. – Кеча кўриб кўнглим вайрон бўлди. Олтмиш йилдан бери қаровсиз. Нодир асбоб-олотлари таланган. Деворларидан кошинлари, мармар тошлари кўчириб кетилган. Шу аҳволда ташлаб қўйилса уч ошиёнли расадхона кўп вақт ўтмай харобага айланур.

– Демак, шошилинч чоралар кўрмоғимиз даркор, жаноб Қосимбек. Бизнинг хос меъморимиз мавлоно Фазлиддин қандай маблағу кўмак талаб қилсалар, берайлик, Улуғбек

мирзодан ёдгор қолган Чиннихонаю расадхоналар дарҳол таъмир этилиб, аслидек тиклансин.

Қосимбек енгил бир таъзим билан:

– Ҳазратим, амрингизни жоним билан адо этгаймен! – деди. – Чиннихонани таъмирлаш унча мушкул эмас. Боғнинг кўмилиб кетган ариқларини ҳам очгаймиз, гуллар ўстирурмиз.

– Наврўз байрамигача улгургаймисиз? – сўради Бобур. – Бу йилги Наврўз базмини мана шу Чиннихонада ўтказайликми, а, жаноб Калонбек?

Ичкилик базмларини яхши кўрадиган Хўжа Калонбек мамнун жилмайди:

– Доно фикр айтдингиз, ҳазратим! – деди. – Самарқандда боғбонлару наққошлар етарли. Ҳамма ҳунарпешаларга мавлоно Фазлиддин саркор бўлурлар. Наврўзгача бу боғ обод қилинмоғи керак.

Мавлоно Фазлиддин қўлини кўксига қўйиб, Бобурга юзланди:

– Чиннихонани тиклаш мумкин, ҳазратим, аммо расадхонани не қилурмиз?

– Уни ҳам тикламоқ зарур, жаноб Қосимбек, – деди Бобур.

Қосимбек расадхонани тиклашдан қўрқарди. Чунки шайхлар сўнгги ўн йилликлар давомида расадхонани динсизлар макони деб лаънатлаб, авом халқни шунга ишонтириб қўйган эди. Агар Бобур расадхонани қайта тиклаб, яна ишга солиб юборса, Улуғбекнинг бошини еган қора кучлар унинг жонига ҳам қасд қилиши мумкин эди. Қосимбек шуни ўйлаб:

– Ҳазратим, ётган илоннинг думини босмайлик, – деди. – Расадхонани таъмирлаганимиз билан унда иш олиб борадиган етук олимларни қайдан топгаймиз? Олтмиш йилдан бери кекса авлод олимлар ўлиб, ёшлари бошқа юртларга кетиб қолмишдир.

– Кетганларини чорлаб келтириш мумкин, жаноб Қосимбек, – деди Бобур ва муншийга юзланди: – Бизнинг номимиздан қадағалар[1] битинг.

Мунши дарҳол қўйнидан дафтар-қалам олиб, тикка турган кўйича ёза бошлади.

[1] Қ а д а ғ а – чақириқ хат.

– Улуғбек яратган фалакиёт амалий илмидан хабардор олимлар Ҳиротдами, Румдами, Табриздами, қаердаки бўлсалар, бизнинг номимиздан уларни Самарқандга таклиф этинг. Расадхонани қайта очмоқчи эканлигимизни, кимдаким Мирзо Улуғбекнинг буюк ишини давом эттирмоқчи бўлса, барча имкониятларни яратиб беражагимизни маълум қилинг. Агар келсалар, йўл харажатларини биз зиммамизга олурмиз. Бу қадағаларни элчиларимиз орқали Ҳиротга ҳам, Румга ҳам тезда жўнатмоқ сизга топширилди, жаноб мунший! Мунший Бобур айтганларини дафтарига ёзиб бўлиб:

– Амрингизни бажаришга дарҳол киришурмен! – дея таъзим қилди-да, Чиннихонадан пастга тушиб кетди.

* * *

Мавлоно Фазлиддин саркор бўлиб, Боғи Майдоннинг кўмилган ариқларини қайта кавлатишда, қуриган дарахтларни олиб ташлаб, ўрнига майса ва гуллар ўстиришда, Чиннихонани таъмирлаб, ораста қилишда унча қийналмади – инсоф билан ҳақ тўланса ишлаб чарчамайдиган ҳунарпешалар, боғбон ва деҳқонлар жуда кўп эди. Лекин усталарни расадхонага олиб бориб ишлатиш ва уч қаватли улуғвор доирашакл бинонинг нураган, бузилган жойларини таъмир этиш бениҳоя мушкул бўлди. Тепадан ер қаърига тушиб кетган ярим доира шаклидаги зинапояларга яқин борган усталар худди ҳозир жаҳаннам қаърига қулаб тушадигандек қўрқа бошларди. Диндорлар расадхонани: «Дўзахийлар макони, ким унга кирса жин чалиб, арвоҳ уриб кетади!» деб, аҳолининг катта бир қисмини бунга ишонтириб қўйган эдилар. Улуғбекнинг вафотидан сўнгги олтмиш йил ичида жуда кўп мактаб ва мадрасалар бекилган, саводсиз жоҳил кишилар кўпайиб кетган, уларга мутаассиб шайхларнинг таъсирлари бениҳоя кучайган эди.

Шундай бўлса ҳам мавлоно Фазлиддин ишсиз юрган уста ва коргарларга[1] яхши ҳақ тўлаб, дастлабки кунлари элликтача одамни расадхонадаги таъмир ишларига олиб чиқди. Иккинчи-учинчи қаватнинг шифт ва деворларидаги нураган жойларини тузатиш учун ҳавозалар қурилди. Лекин ўша кундан бошлаб расадхона атрофларида жоҳил қаландарлар тўдаси ҳам кўпайиб кетди. Улар давра тортиб, зикр тушиб, «Ҳақ дўст ё олло!»ни муттасил такрорлаб, чорёрларнинг руҳига шак кел-

[1] К о р г а р – қурувчи ишчи.

тирганларини арвоҳ уришини шеърга солиб, «каромат» қила бошладилар. Бу қаландарлар орасида шайбонийзодаларнинг жосуслари ҳам бор эди. Ана шу жосуслардан бири коргар бўлиб ёлланиб, расадхонанинг ичида ғишт ташиб ишламоқда эди. Бу жосус уч-тўрт кун таъмирчилар ичида юриб, уларнинг энг дадили ва Бобур мирзога ихлосманди, қирқ беш ёшлардаги бир кошинкор уста эканини аниқлади. Хонлар жосуси мана шу устани учинчи қаватда ҳавоза устида ишлаётган пайтида киши билмас қилиб ҳавозадан пастга итариб юборди. Учинчи қаватдан тош уюми устига боши билан қулаб тушган уста ўша заҳоти жон берди. Кўчаларда зикр тушиб юрган қаландарлар: «Устани арвоҳ урди!», «Худо ғазабини кўрсатди!» деб вайсай бошладилар. Бу фалокатдан сўнг қолган уста ва коргарлар расадхонага келмай қўйишди. Мавлоно Фазлиддин ишга зор бўлиб ярим оч юрган бошқа уста ва коргарларни ёлламоқчи бўлса, нуқул: «Расадхонада ишлаб топилган пул ҳаром эмиш! Борган одамни арвоҳ уриб ўлдирармиш!» деган ваҳимали гаплар эшитар, оми одамлар ундан балодан қочгандай қочар эди...

* * *

Бўстонсаройнинг тиллакори қабулхонасида Амударё бўйидаги Урганч ва Қоракўл шаҳарларидан хушхабарлар билан келган бек ва аъёнлар шарафига зиёфат берилмоқда эди. Шайбонийзодалардан кўп жабр кўрган бу шаҳарлар ҳам Бобурни ўзларига олий ҳукмдор деб тан олишган ва қимматбаҳо совғалар бериб юборишган эди. Ўз вақтида Шайбонийхон Қоракўл ва Урганчни забт этиш учун ойлар давомида жанг қилган, беҳад кўп қон тўкиб уларни олган эди. Мана энди бу шаҳарлар жангу жадалсиз элчи юбориб, Бобур томонига ўтганлиги унда зўр бир ифтихор туйғусини уйғотди. Бобур ёшликдан кўнглига туккан орзусига – бутун Мовароуннаҳрни бирлаштириш, Улуғбек давридаги улкан давлатни қайта тиклашга мана энди муяссар бўлаётганидан бениҳоя шод. Қундузда биринчи марта бошланган ичкилик базмлари Самарқандда давом этиб, авжига чиқмоқда. Эришилаётган ғалабалар шарафига бек ва аъёнлар навбатма-навбат зиёфат беришиб, Бобурни деярли ҳар куни таклиф қилишади, унга энг нодир, энг ажойиб майларни ичириб, хурсанд қилишда бир-бирларидан ўзишга интилишади.

Фақат Қосимбек ҳамон ичкиликни оғзига олмас, пайтини топса Бобурни ҳам ҳушёрликка ундар, мамлакат ичида

қора кучлар бош кўтараётганини, шимолдаги даштда эса шайбонийзодалар ҳаёт-мамот жангига тайёрланаётганини такрор-такрор эслатар эди.

Лекин Бобур унга жавобан сўнгги пайтда ёзган бир ғазалидан тўрт сатр ўқиб берди:

Ёз фасли, ёр васли, дўстларнинг суҳбати,
Шеър баҳси, ишқ дарди, боданинг кайфияти.
Ёз фаслида чоғир ичмакнинг ўзгача ҳоли бор,
Кимга бу нашъа муяссар бўлса бордир давлати.

Бу ғазалга куй басталаниб, қабул маросимларида ҳам айтиладиган бўлган эди. Ширакайф Бобур:

– Жаноб Қосимбек! – деди. – Эшитдингизми, Самарқанд мактабларида болалар мен ихтиро қилган хат билан жуда тез саводхон бўлмоқда эмишлар. Мана, мударрис жанобларидан сўранг...

Бошида саллаю қўлида май тўла қадаҳ билан таъзим қилиб турган мударрис:

– Жаноб Қосимбек, – деди, – халқимизни жаҳолат панжасидан қутқариб олишда ҳазратим ихтиро қилган Хатти Бобурий ажойиб бир восита бўлиши аниқ! Қуръон хати гарчи биз учун азиз, аммо зеру забарлари, шикаста усуллари савод чиқаришга беҳад мушкул. Хатти Бобурий эса зеру забарсиз, ўрганишга осон.

Қосимбек Бобурнинг бундан уч йил олдин Кобулда ихтиро қилган хати Сирдарё бўйидаги Сиғноқдан топилган қадимий туркий ёзувга[1] асосланганини билар эди. Араб ёзувини «Қуръон хати муқаддас», деб ҳисоблайдиган руҳонийлар ислом динидан олдин тарқалган қадимий ёзувларни қаттиқ қоралаб, топилган жойида ўчириб ташлашни буюрар эдилар. Бобур эса буни жаҳолат ҳисоблар, қадим замонда ихтиро қилинган туркий ёзувнинг динга алоқаси йўқлигини айтар, Хатти Бобурийни шунинг учун халқ орасида тарқатмоқчи бўлар эди.

Ичкилик базми пайтида бу мураккаб мавзуларда гапиришни ёқтирмайдиган Қосимбек орадан икки кун ўтгач, девони хосда ўтирган Бобурнинг ҳузурига мавлоно Фазлиддин билан Хатти Бобурийни тарқатиб юрган мударрис-

[1] Бу ёзув аслида Ўрхун-Енисей руник ёзувининг Бобур даврида Сиғноққа етиб келган бир тури бўлиши керак.

ни бошлаб кирди. Уларнинг учови ҳам алланарсадан жуда безовта эканини сезган Бобур:

– Тинчликми, жаноблар? – деди.

– Ҳазратим, – деди мударрис. – Хатти Бобурийни тарғиб қилиб мактаб очган бир мактабдорни авбошлар тошбўрон қилиб ўлдирмишлар.

– Ўлдирмишлар?! – деб Бобур ўрнидан туриб кетди. – Бу не жаҳолат, жаноб Қосимбек? Бизга қарши ғулуми?!

– Ҳазратим, мутаассиб шайхлар билан қаландарлар ҳамма жойда бизга қарши иш олиб бормоқдалар. Расадхонада бир уста ҳавозадан йиқилиб ўлгандан бери таъмир ишларига одам ёллаш мумкин бўлмай қолди. Масжидда ваъз айтган муллалар Хатти Бобурийни «Шоҳ Исмоил юборган шиалар хати» деб эълон қилган эмишлар. Шу овоза бутун шаҳарга тарқалиб, охири ҳалиги мактабдорнинг тошбўрон бўлишига олиб келмишдир.

– Бу ёлғон овозани тарқатганларни нега ҳибсга олмадингиз? – қаҳр билан сўради Бобур. – Ахир бу хатнинг Шоҳ Исмоилга мутлақо алоқаси йўқ-ку.

Хўжа Халифа шуни масжиди жомеда минбарга чиқиб айтмоқчи бўлган экан, «Ёлғон! Кофирлар хати ҳаром! Қуръон урсин сен Халифани!» дейишиб, жоҳиллар уни минбардан тортиб туширмишлар. Агар Тоҳирбек бошлиқ соқчиларимиз Хўжа Халифани қутқариб қолмасалар, жоҳиллар уни ҳам ўлдиришлари мумкин экан. Авбошлардан йигирма-ўттизтасини ҳибсга олдик. Аммо Хўжа Халифага қарши ваъз айтган муллалар Хўжа Аҳрори валийнинг авлодларидан экан. Уларни сиздан бемаслаҳат ҳибсга олишга журъат этмадим. Бобур аҳволнинг нақадар жиддийлашиб кетганини энди сезди. Хўжа Аҳрор авлодини ҳибсга олиш – ёнай деб турган оловни пуфлаб алангалатиш билан баробар эди.

– Қўшиннинг кайфияти ҳам яхши эмас, ҳазратим, – деб давом этди Қосимбек. – Ҳозир ичакузилди пайт, нарх-наво кўтарилган. Шайбонийзодалар чиқарган олтин-кумуш тангаларнинг вазни биз чиқарган тангалар вазнидан ортиқ бўлганлиги учун уларнинг бозори чаққон. Беку навкарлар улуфани оширишни талаб қилмоқдалар. Уларга улуфа оширилса, хазинада пулимиз етмас.

– Ундоқ бўлса таклифингиз недур?

– Таклифим шуки, ҳазратим, бекларни дарҳол машваратга тўплаб, фавқулодда чоралар кўрмоқ лозим.

– Биламен, беклар даштда изғиб юрган шайбонийзодаларга қарши урушмоқ қасдидалар. Янги вилоятлар олинса, беку навкарлар ўлжадор бўлурлар. Беш ойдан бери Самарқандда жангсиз туриб қиличлари қонсираган.

– Уларнинг касблари уруш бўлгандан сўнг бекор тургилари келмайди-да. Ҳозир шайбонийзодалар шимолдан Бухорога яқинлашиб келмоқда эмишлар.

– Аниқ ахборот борми?

– Кўрган одам келиб айтди. Саркардалари Убайдулла Султон эмиш. Ўн минг қўшини бор эмиш. Буни Самарқанддаги шайху қаландарлар ҳам эшитган бўлсалар керак. Шайбонийзодалар ташқарида жонланган сари ичкарида булар бизни «Шиага сотилган рофизийлар!» – деб халққа ёмонлаб, қора кучларни қўзғатмоқдалар.

Бобур мавлоно Фазлиддин билан мударрисга афсусли бир назар ташлади-да:

– Жаноблар, маърифат муаммоларини бу аҳволда ҳал этолмайдиган кўринамиз, – деди. – Хатти Бобурийни мактабда ўқитиш ҳозирча тўхтатилсин. Расадхонани ҳам кейинроқ тиклагаймиз... Биз энди бутун эътиборни ҳарбий ишларга беришга мажбурмиз.

Мударрис билан мавлоно Фазлиддин маъюс қиёфада орқалари билан юриб чиқиб кетдилар. Қосимбек билан Бобур Убайдулла Султонга қарши Бухоро томонга қўшин тортиб боришнинг маслаҳатини қила бошладилар...

* * *

Бухорога ҳужум қилган Убайдулла Султоннинг ўн минг кишилик қўшини Бобурнинг Самарқанддан ўттиз минг қўшини билан келаётганидан хабар топиб, Қизилқум саҳросига қараб чекинди. Бобур қўшини Бухоро атрофида тўхтаб, душманнинг яна қайтиб келишини кутиши мумкин эди. Лекин душман аскарлари сон жиҳатдан уч баробар кам бўлгани учун Бобур уни дадил таъқиб этишга қарор бердию, қўшинини қумтепалар орасига бошлаб кирди. Убайдулла Султонга шу керак эди. Бобур қўшинининг энг садоқатли қисми тоғли жойда яхши жанг қилиб ўрганган, отлари чўлда, қумтепалар орасида дуруст чополмайдиган жангчилар эди. Бундан ташқари, шиа-сунний зиддиятлари Бобурга Қундузда қўшилган йигирма минг кишилик мўғул қўшинининг руҳига ёмон

таъсир қилган эди. Уларнинг орасига кириб борган суннийпараст муллалар: «Бобуршоҳ шиалар билан иттифоқ тузиб, пок мазҳабини булғади, энди пайғамбаримиз уни эмас, суннийни пок тутган шайбонийзодаларни қўллаб-қувватлагай», деган эътиқодга кўпларни ишонтирган эдилар.

Барханлар ичида замбарак ортилган аравалар қумга ботиб, отлар яхши чополмай, Бобур қўшинининг сафи чувалиб кетди. Пайтдан фойдаланган беш мингга яқин қундузлик мўғуллар Убайдулла Султон томонига қочиб ўтиб кетди.

Қизилқумда кўп юриб, унинг пасту баландини биладиган, Кўли Малик[1] деган жойда отлиқ жанг учун энг қулай ўринларни эгаллаб ётган Убайдулла Султоннинг қўшини яна тўлғама усулини ишлатиб, Бобур қўшинининг икки қанотини букдию, орқасига ўтиб олди. Тўрт томондан берилаётган зарбалар устига беш минг хоиннинг бирдан ёв томонига ўтиб кетиши жанг тақдирини бир неча соатдаёқ ҳал қилиб қўйди.

Бобур Қизилқумда мағлубиятга учраб, қолган-қутган аскарлари билан Самарқандга, ундан Ҳисорга чекиниб борганда қаршисидан Шоҳ Исмоил юборган Нажми Соний олтмиш минг қизилбош аскари билан таҳдидли суратда чиқиб келди.

Нажми Соний Бобурга номигагина ёрдамга келган эди. Бироқ аслида у Бобурга жазо бермоқчи эди. У қизилбош қўшинларининг Самарқанддан тез қайтариб юборилганидан норози эди. Бобур Мовароуннаҳрда мустақил давлат тузаётганини, унинг шиаларга ён босиши – муваққат чоралигини хуфиялар Шоҳ Исмоилга аллақачон етказган эдилар. Шоҳ Исмоил Мовароуннаҳрга оид ҳамма ишларни Нажми Сонийга ишониб топширган эди. Нажми Соний шайбонийзодаларни бартараф қилгандан кейин Бобурни ҳам ҳокимиятдан четлатиши ва Самарқанд тахтига бошқа ишончли одамни ўтқазиб, Мовароуннаҳрда қизилбошлар ҳокимиятини узил-кесил барқарор қилиши керак эди.

Бу режа қаттиқ сир тутилар, Бобур билан иттифоқ ҳозирча давом этар, аммо калондимоғ Нажми Соний Бобурни ҳам, унинг ўн мингтагина қолган аскарларини ҳам назар-писанд қилмаслиги ошкора сезилар эди.

Бобурни икки томондан чирмаб келган икки даҳшатли қилич Ғиждувонда бир-бирига зарб билан урилди. Нажми

[1] К ў л и М а л и к – ҳозир қуриб қолган. Бухоро вилоятининг Хайробод деган жойида.

Сонийдан ихлоси қайтган Бобур шайбонийзодаларнинг қўли баланд келаётганини сездию, қонли қиличлар орасидан чиқиб, яна Ҳисор томонга чекинди.

Босқинчи қўшин саркардаси Нажми Соний Ғиждувон жангида ўлдирилди. Қизилбошлар тор-мор бўлди, олтмиш минг қўшиннинг бир қисми ўлди, бир қисми асир олинди, омон қолиб қочганларини эса ғолиблар Амударёгача қувиб бордилар ва дарёга чўктириб юбордилар.

7

Бундан бир ярим йил аввал Хонзода бегим ёлғиз ўғилчаси билан Балхдан Қундузга келаётганда унинг юрагини титратган номаълум хафв-хатарлар гўё мана шу оғир чекиниш пайтини кутиб ётган экан.

Тун ярмидан ошган эди. Бойсун орқали Ҳисорнинг Қоратоғига чекиниб келган Бобур етти минг аскар ва уғруғи[1] билан сайҳон бир ўтлоқда тунамоқда эди. Хонзода бегим ўғли ва канизи билан ухлаб ётган ўтов Бобурнинг чодирига ёнма-ён эди. Саҳарга яқин бирдан тўполон кўтарилди. Хонзода бегим отларнинг тасир-тусир қилиб чопиши ва итларнинг асабий ҳуришидан чўчиб уйғонди. Ғазабли товушлар:

– Ур! Ур! Рофизийларни аямай қир! – деб қичқирар эди.

Хонзода бегим сапчиб турди. Ўтов тўрида хира қорачироқ липиллаб ёнмоқда эди. Бегим қаттиқ ухлаб ётган ўғли Хуррамшоҳни қучоқлаб оёққа турғизди.

– Ёғий босди! Ёғий! – деб, ўғлига этигини кийдириб, тўнининг енгига қўлларини тиқаётганда ўтовнинг кигизига алланарса «тарс» этиб урилди. Ёй ўқининг чархланган учи кигизни кесиб ўтди, лекин қаноти кигиз жунига ўралиб туриб қолди. Қўрқиб кетган Хонзода бегим ўғлини бағрига босди.

Бу йил ўн бирга қадам қўйган Хуррамшоҳнинг бўйи онасининг елкасидан ошиб қолган эди. У учи пастга осилиб қолган ёй ўқига қизиқиб қараб турарди.

Ташқаридан Бобурнинг саросимали товуши эшитилди:

– Тўфангандозлар қани? Хўжа Калонбек! Тўфанг отилсин! Қосимбек! Тоҳирбек! Ҳарамга қаранг! Болалар тезроқ олиб чиқилсин! Тўфанг!

[1] Уғруғ – оила аъзолари, кўчлари.

Ўша замоннинг чақмоқли милтиғи бўлган тўфанг яқин бир жойда гумбурлаб отилди. Бобур қизилбошлар билан иттифоқ бўлиб орттирган бир нарсаси – ўша даврнинг энг замонавий қуроли бўлган мана шу тўфанглар эди. Ҳали жуда кам тарқалган тўфанглар фақат Бобурнинг хос навкарларида бор эди.

Бир нечта тўфангнинг устма-уст отилгани эшитилди. Хонзода бегим энди сал дадилланиб, ўғлининг тўни устидан бежирим ханжарчаси осилган камарини ҳам боғлатди. Хуррамшоҳ ўтовнинг бир четига ўнтача ёй ўқи солинган кичкина садоғини осиб қўйган эди. Онасининг қўлидан чиқиб шу садоғини елкасига осди-да, камонини қўлига олди.

Онасини ваҳимага солган жанг болада қўрқув аралаш мароқ уйғотган эди. У кичиклигидан жанговар руҳ билан ўсган, тезроқ катта бўлиб, урушда ботирликлар кўрсатгиси келар эди. Самарқандда турган пайтларида Хуррамшоҳ Бобур тоғасининг Бухоро томонда қилган жангларига қатнашмоқчи бўлиб, онасининг олдидан қочиб ҳам кетган эди. Лекин Бобур уни бек аткасига қўшиб йўлдан қайтариб юборган эди. Хонзода бегимнинг Бобурга қўйган меҳри ўғлига ҳам юққан эди. Болага дарс берадиган ва ҳарбий машқ ўргатадиган кишилар ҳаммаси Бобурнинг ихлосмандлари эдилар. Хуррамшоҳ онасидан ва мураббийларидан Бобур ҳақида жуда кўп яхши гаплар эшитар, ўзи ҳам тоғасини ҳар кўрганда унга болаларча жўшқин бир меҳр ва ишонч билан қарар эди. У тоғасини оғир аҳволларга солаётган шайбонийзодаларни – гарчи ўзининг Шайбонийхонга ўғил бўлишини билса ҳам – кун сайин ёмон кўриб борар эди. Унинг тасаввурида, ҳозир Бобур қароргоҳига ҳужум қилиб келган, «Ур, қир!» деб қичқираётганлар ҳам ўша кўчманчи султонлар эди. Хуррамшоҳ садоғида бор ўқларини тоғасининг мана шу душманларига қараб отгиси келди-ю, ўтов эшигини очиб чиқа бошлади.

– Ҳой, шаҳзода, тўхтанг!

Хонзода бегимнинг кекса канизи югуриб бориб болани камаридан тутди-да, ичкарига тортди. Бола қаршилик қилиб кирмади. Уни узоқда бўлган жангларга юбормаган эдилар. Энди жанг ўзи Хуррамшоҳ ётган жойга етиб келганда яна қўйишмайдими?

– Қўйворинг мени! Ҳазрат тоғойимга кўмак берамен! Қўйворинг!

Бу орада Бобурнинг хос навкарлари тўфанг ота-ота, ёв отлиқларини аёллар ва болалар ётган ўтовлардан узоққа суриб ташлаган эдилар. Тоҳир Хонзода бегимнинг ўтови олдига иккита от етаклаб келди:

– Ҳазрат бегим! Шаҳзода! Тезроқ чиқинглар!

Хонзода бегим сандиқ ва бўғчаларига қаради.

– Кўч-кўронлар қолурми?

– Э, жон омон бўлса, буюм топилур! Чиқинг тезроқ! Ҳазратим буюрдилар!

Хонзода бегим канизи билан чиққунча Хуррамшоҳ отларнинг кичикроқ кўринган биттасига миниб олди.

Осмонда шом еган саккиз кунлик ой бор эди. Шунинг ёруғида оқ ўтовдан беш яшар Ҳумоюнни бағрига босиб чиққан Моҳим бегим кўринди. От устида турган Қосимбек тез энгашиб болани онасининг қўлидан авайлаб олди-да, елкаларини чакмани билан ўради.

Бегимнинг ёнида ўн яшар ўғилчаси Сафарни қўлидан етаклаб келаётган Робия ҳам бор эди. Тоҳир ўғли билан хотинини бир бияга тез мингаштирди.

Қосимбек бошлиқ эллик-олтмишта хос навкарга аёллар ва болалар минган отларни ўртага олиб, жануб томонга йўналдилар.

Уч томонни ёв ҳалқаси ўраб олган, фақат жануб томон очиқроқ эди. Тўфанг гумбурлаши, яradор бўлганларнинг додлаши, отларнинг пишқириши ва кишнаши орасидан кимларнингдир асабий бақириқлари эшитиларди:

– Ҳаммамиз шу подшонинг касофатига қолдик!

– Шиаларга сотилиб бизни хароб қилди!

– Йўқолсин Бобур!

– Уруғини қурит! Қир ҳаммасини!

Хонзода бегим ҳеч нарсага тушунолмай ёнида бораётган Қосимбекдан сўради:

–Бу қанақа ёғий?

– Ўзимиздан ўт чиқди, бегим! Бурноғи йил Қундузда шайбонийзодалардан бизга қочиб ўтган мўғул беклари исён кўтарди! Қузғунлар ҳазратимни уйқуда тутиб ўлдирмоқчи эканлар. Хайрият, Тоҳирбекнинг қўрчилари пайқаб қолибди!

– Фалокат устига фалокат!

– Ҳа, булар биздан икки баробар кўп. Ҳаммаси олдиндан тайёрланиб чиққан! Ўртада юринглар, ўртада!

Шу пайт исёнчи отлиқлар жануб томонга ҳам чопиб ўтдилар. Ўша томондан Бобурнинг овози эшитилди:

– Устод Али! Тўфангандозларни олдинга бошланг! Олдинга!

Тўфанглардан отилган ўқлар жиба ва дубулғаларни бемалол тешиб ўтар, шунинг учун фитначилар тўфанг қаршисида туриш беролмас эди. Бобур тўфанглар ва энг ишонган хос навкарлари ёрдамида ёв ҳалқасини жануб томондан ёриб ўтмоқчи, сўнг Боботоғнинг шарқидаги Ҳисор қалъасига етиб олмоқчи эди. Бироқ фитначи беклар уни қалъага ўтказмоқчи эмас эдилар – улар бу мустаҳкам қўрғонни ўзлари эгаллаш мақсадида исён кўтарган эдилар.

Уч-тўрт марта ўқ отилгандан кейин тўфангларнинг қувурлари қизиб кетиб, иш бермай қўйди. Ёв сафлари шарқ томонда сал сийраклашганини кўрган Бобур Хўжа Калонбек бошлиқ мингтача навкарини ўша томонга ташлади.

Хос навкарлар қуршовида бораётган Хуррамшоҳ гоҳо қиличларнинг бир-бирига шақ-шуқ урилганини эшитиб қоларди. Бу тунги жанг унга жуда қўрқинчли туюлса ҳам у ваҳимани енгишга тиришарди. Тоғасига шундай пайтда суиқасд қилган хоинларнинг ҳеч бўлмаса биттасини садоғидаги ўқлари билан отиб йиқитгиси келар эди. Ёв қуршовини ёриб ўтаётганларида болалар ва аёлларни ўраб бораётган навкарлар ҳам жангга тушишга мажбур бўлдилар. Шунда Хуррамшоҳ уларнинг ёнига кирдию, отининг жиловини қўйиб юбориб, камонидан устма-уст учта ўқ отди. Хонзода бегим тунги тўполонда уни бир лаҳза кўздан йўқотиб қўйди. Кейин боланинг навкарлар ёнида ўқ отаётганини кўриб, отини унга томон чоптирди. У ўғлига етиб борган ҳам эдики, қаршидан отилган бир дайди ўқ боланинг ўнг биқинига «шарт» этиб санчилди. Хуррамшоҳ инграб, камонини қўлидан тушириб юборди ва эгардан оғиб туша бошлади.

– Вой, болам! – деб Хонзода бегим қичқириб ўғлига томон интилди.

Тоҳир ҳам шу яқин жойда эди, отидан сирғалиб тушаётган Хуррамшоҳни ушлаб қолди, сўнг уни эгари устига кўтариб ўтқазди.

Бола беҳуш эди. Тоҳир билан Хонзода бегим уни Бобурнинг овози келаётган томонга олиб чопдилар. Бу томонда ёв қолмаган, Хўжа Калонбекнинг навкарлари подшоҳ учун йўл очиб, унинг кетидан ҳарам аҳлини ҳам олиб ўта бошла-

ган, орқадан таъқиб этишга уринган душманларнинг эса йўлини тўсган эдилар.

Бобур Ҳисор қўрғонидан воз кечиб, Вахш водийси томонга йўл олганини сезган фитначилар уни бошқа таъқиб этмай, орқага қайтдилар ва шоҳона чодирлар ичида эгасиз қолган бойликларни талашга тушдилар.

Тонг ёришиб қолган эди. Бобур ярадор жиянини қўлига олар экан, унинг биқинидан иссиқ қон оқаётганини сезди.

– Табибни чақиринг! – қичқирди у. – Табиб!

Подшоҳнинг хос табиби болани чакман устига ётқизиб, ярасига дори қўйиб боғлади. Хуррамшоҳ ҳамон ҳушига келмас, фақат ўқтин-ўқтин инграр эди. Унинг биқинига санчилган ўқ ўпка ва қорин оралиғидаги пардани йиртиб, ички аъзоларига ёмон зарар етказган эди. Табиб унга мумиёйи асилдан сув билан ичирмоқчи бўлди. Бироқ беҳуш боланинг томоғидан сув ҳам, дори ҳам ўтмади. Хонзода бегим буни кўрдию, боласини қучоқлаб, қичқира бошлади:

– Хуррамжон! Ёлғизим! Хуррамим!

Боланинг кўзлари ола-кула бўлиб бир очилди, кейин қорачиқлари тепасига қараб кетдию, киприклари ярим юмуқ ҳолда тўхтаб қолди.

Бобур боланинг жон берганини сезди-да, опасини қучоқлаб, жасаднинг тепасидан олиб кетмоқчи бўлди. Лекин Хонзода бегим унинг қўлидан юлқиниб чиқди. Ўғлининг ўлганига ишонгиси келмас эди. У боласини қучоқлаб даст кўтардию, дод солиб, яна уни чақира бошлади:

– Хуррам! Хуррамжон, қанисан? Қанисан, болам! Болам қани?!

Бобур ҳўнграб йиғлар экан, болани опасининг қўлидан олди-да, яна чакман устига ётқизди. Қосимбек боланинг ярим очиқ қолган кўзларини юммоқчи бўлиб, қошларини силади, киприкларини ётқизишга уриниб кўрди. Лекин киприклар ётмади, мурғак кўзлар ярим очиқлигича қолди. Хонзода бегим ўғлининг ўлганига энди ишондию, ўзининг чаккаларига мушт уриб йиғлади:

– Сени бу ерларга олиб келмай онанг ўлсин, болам! Сени асраб қололмаган онагинанг ўлсин!!!

Бобур опасининг мушт бўлиб тугилган қўлларини икки қўлига олди-да, юзини юзига қаратди.

– Қарғаш керак бўлса мени қарғанг! – деди. – Сиз яна менинг касофатимга қолдингиз! Ажалда адолат бўлса бу бегуноҳ боладан аввал мен гуноҳкорни олсин эди! Буни икки қилич орасига мен олиб кирдим! Сизларни дину мазҳаб балосига мен гирифтор қилдим!

Қосимбек Бобурнинг елкасидан қучоқлади. У бурноғи йил Қундузда мўғул бекларининг Бобурга қарши фитнаси илк бор маълум бўлганда орага тушиб хато қилганини, бугунги ғулу ўшанда кесиб ташланмаган яранинг патоси эканини ўйлади:

– Гуноҳкорни изласангиз, ҳаммамиз ҳам айбдормиз, ҳазратим! Дунё ўзи шундоқ яратилган бўлса биз қандоқ қилайлик?!

Хонзода бегим яна ўғилчасининг жасадини қучоқлади:

– Тўйдим бу дунёдан! Бас! Тўйдим! Мени болам билан бирга кўминглар!..

Хуррамшоҳнинг жасадини арчадан ясалган тобутга солиб, шу куни кечгача қўлма-қўл кўтариб бордилар. Кейин уни Помир тоғининг этакларидаги кўкалам бир тепаликка кўмдилару қабри устига оқ байроқча қадаб қўйдилар.

Тирик мурдага ўхшаб қолган Хонзода бегимни бир амаллаб Қундузга, ундан Кобулга олиб кетдилар.

КОБУЛ

ТОШГАН ДАРЁ ЎЗАН ИЗЛАЙДИ

1

Кечки пайт Кобул қалъасининг жанубидаги кўлдан бир тўп ўрдак учди. Кўл бўйидаги бўлиқ ўт-ўланлар орасида писиб ўтирган мирзо Ҳумоюн камондан кетма-кет иккита ўқ отди. Осмонга кўтарилиб бораётган тумшуғи узун ўрдаклардан бири тўпидан айрилиб пастлай бошлади, сўнг қанотларини мажолсиз ёйиб, кўлнинг нариги четига қулаб тушди. Кўлнинг ўша томонида подшоҳнинг саккиз эшкакли, соябонли кемаси юрган эди. Ҳумоюн бу ёқдан то отланиб, аткаси ва мулозимлари билан кўл соҳилини айланиб ўтиб боргунича кемадагилар ўқ теккан ўрдакни сувдан олиб, қирғоққа чиқдилар. Уларнинг орасида Бобур ҳам бор эди. Ҳумоюн ўзи от-

ган ўрдакни отаси қўлига олиб қараётганини кўрдию, отидан сакраб тушди ва анча берида таъзим қилиб тўхтади. Бобур ўрдакнинг тўшига қадалиб қолган ёй ўқини кескин бир ҳаракат билан суғуриб олдию, ўғлига кўзларини сузиб қаради:

– Бу ўқ сеникими?

Ҳумоюн отасининг кайфи борлигини сезди. Бобур сўнгги пайтларда кўп ичадиган бўлган, бугун ҳам улфат беклари билан кемада чоғир ичиб ўтирган эди. Ҳумоюн кўл ва унинг атрофлари подшоҳнинг дахлсиз, хос ерлари эканини эслади. Отаси олдида одобсизлик қилиб қўйгандай кўзлари жавдираб:

– Ҳазратим, – деди, – афв этинг, бемаврид ўқ отмишмен.

– Аммо ўқни яхши отмишсен, – деб Бобур ўғлига энди кулимсираб гапирди. – Ма, ҳалолинг бўлсин!

Ҳумоюн чап қўлини кўксига қўйганича, ўнг қўли билан овини отасидан олдию, мулозимларидан бирига берди.

Бобурдан орқароқда турган кўзлари катта-катта озғин қора йигит – Ҳиндубек тиғиз оқ тишларини очиб кулди:

– Амирзодам мерганликда ҳазрат оталарига тортмишлар.

Ширакайф Хўжа Калонбек бу гапга дарҳол қўшилди:

– Падари бузрукворга муносиб ўғил!

Бобур эса бир четда жим қўл қовуштириб турган Қосимбекка мамнун назар ташлади. Ёши олтмишдан ошиб, эшикоғалиқ лавозимидан кетган Қосимбек ҳозир Ҳумоюнга аткалик қилмоқда эди. Бобурнинг ўзига шунча йил содиқ хизмат қилган бу одам энди бўй етиб келаётган Ҳумоюнни ҳам оталарча меҳр билан тарбиялаётгани билиниб турарди.

– Жаноб Қосимбек Ҳумоюнга мерганликдан яхши таълим бермишлар, – деди Бобур. – Бироқ амирзодам чавандозликда нечуклар?

Қосимбек Ҳумоюнга «жавоб беринг» дегандай қилиб қаради. Ҳумоюн кўзлари гўё илҳом билан ёниб:

– Ҳазратим, ижозат беринг, – деди-да отларни қўли билан кўрсатди. Бобур унинг сўнгги йилларда ўрганган чавандозлик машқларидан бирини кўрсатмоқчи эканини сезди.

– Қани-қани, – деди мароқ билан.

Ҳумоюннинг ёши ўн учга бориб, бўйи отасининг бўйига етай деб қолган. Юриш-туриши ҳам Бобурнинг ўсмирлик пайтини эслатар эди. Қосимбекнинг ишораси билан навкарлар иккита ювошроқ отни бир четга етаклаб чиқдилар-да, ёнма-ён тутиб турдилар. Ҳумоюн ўзининг серёл қора қашқа

отига сакраб минди, жиловни кескин буриб, хиёл орқага кетди. Сўнг нариги икки отга шитоб билан яқинлашди-да, жиловини қўйиб юборди. Отлар жипс келганда иккинчи отнинг эгаридан икки қўллаб тутганича, эгардан эгарга сакраб ўтди. Шунда учинчи от жойидан қўзғалиб кетди. Ҳумоюн минган отининг жиловини тез қўлга олаётиб, учинчи отнинг юганидан тутган навкарига:

– Маҳкам ушланг! – деди.

Сўнг тагидаги отни наригисига жипс келтирдию, иккинчи эгардан учинчисига сакраб ўтди. Ширакайф беклар даврасидан:

– Офарин! Тасанно! – деган хитоблар эшитилди.

Ҳумоюн ҳансираб отдан тушди-да, отаси томонга кела бошлади. Бобур ўзининг ўсмирлик пайтида Андижон чорбоғида эгардан-эгарга сакраб ўтолмай оёғи ерга тапиллаб тушганини эсладию:

– Тангрим Ҳумоюнни ёмон кўздан асрасин, – деди. – Чавандозликда биздан ўтадиган кўринадир.

– Ҳазратим, мирзо Ҳумоюн ҳар ишда сиздан ибрат олишга интилурлар, – деди Қосимбек.

Бобур ўнғайсизланиб бош чайқади:

– Менинг шаҳзодага ибрат бўлгудек ҳолим йўқ.

Ҳумоюн отасининг маъюс юзига таажжуб билан тикилди.

– Нечун, ҳазратим! Аткам менга барча жангларингизни айтиб бердилар. Рустаму Суҳроблар ҳам, Гўрўғлию Алпомишлар ҳам сизчалик кўп жанг кўрган бўлмасалар керак!

– Жанг ҳисоб эмас, амирзодам, жангнинг натижаси ҳисоб, – деди Бобур ўзининг мағлубиятларини эслаб.

Лекин Ҳумоюн учун энг муҳими отасининг мислсиз даҳшатларга дуч келиб, барча ўлимларни енгиб ўта олгани ва ҳамма қирғинлардан омон чиққани эди. Бобурга астойдил ихлос қўйган Қосимбек: «Ҳазратимга дуо кетган, у кишини ўқ олмайди, тиғ кесмайди», дерди ва бу содда эътиқодини Ҳумоюннинг қалбига ҳам сингдирган эди. Ҳумоюн отасининг Кобул билан Ҳирот оралиғидаги баланд тоғлардан одам зоти ўтолмайдиган қаҳратон қиш кунларида юрак ютиб ўтганини, кўпчилик бек ва навкарлар ҳолдан кетиб, отлар ҳам юролмайдиган бўлиб қолган пайтларда Бобур ўзи олдинга чиқиб, кўкрагигача қорга ботиб, ҳаммага йўл очиб борганини, ўшанда унинг қулоғини совуқ олиб, юзи кўмир-

дай қорайиб, таниббўлмас аҳволга келганини Қосимбекдан яқинда эшитган эди. Ҳумоюн ўша пайтларда бўлган бир ғалати ҳодисани отасидан тасдиқлатиб олгиси келди:

– Ҳазратим, Кобул чорбоғида Дўст деган бир паҳлавон навкар сизни танимай қилич билан чопгани ростми?

– Рост. Кейин таниб қолиб, қиличини ташлаб қочди. Шукрки, ҳеч шикаст етмади. Бўлмаса Дўст паҳлавон тиғ урган одам ҳаргиз тирик қолмагай эди.

– Худонинг қудратини қаранг-а! – деди эшикоға Муҳаммад Дўлдай хушомад оҳанги билан.

Ҳумоюн унинг кайфдан қизариб, кўпчиб турган юзига нохуш назар ташладию, яна отасига юзланди. У фақат отаси билан гаплашишни истарди. Бобур тўғрисида Қосимбекдан ва бошқа одамлардан шунча ғаройиб ҳикоялар эшитиб ўсган бола энди унинг ўзи билан юракдан яқинлашишни истарди.

Лекин Бобур доим давлат ишию ёзиш-чизиш билан банд бўлар, бўш қолганда беклари чоғир мажлисини бошлашар, Ҳумоюнга эса улар ҳали ҳамсуҳбат бўлолмайдиган ёш бола деб қарашар эди. Бироқ Ҳумоюнда отаси билан суҳбатлашиш иштиёқи кун сайин ортиб бормоқда эди.

– Ҳазратим, бултур Синд дарёсининг бўйида йўлбарс билан олишган экансиз...

– Қайдан билдингиз?

– Ҳазратимнинг хонайи хосларида йўлбарс терисини кўрдим.

Бобур орқасида турган бекларга ишора қилди:

– Йўлбарсни биз кўплашиб енгганмиз.

Ҳиндубек кулиб эътироз қилди:

– Ҳазратим бўлмаганларида биз йўлбарсга рўбарў бўлолмас эдик.

Ҳумоюн Ҳиндубекнинг гапини маъқуллаган каби бош ирғади ва отасига болаларча соф бир ифтихор билан қараб қўйди.

Бобур Бухоро атрофларида ва Ҳисорда бошига тушган кулфатларни ҳамон унутолмас, ўшандаги мағлубиятлар алами аввалгиларига қўшилиб, юрагини ҳалигача тимдалар, дунё ғамларини хаёлидан узоқлаштириш учун ҳам тез-тез чоғир ичар эди у. Унинг руҳи тушиб, ўз тақдиридан ихлоси қайтиб юрган мана шу кунларда ўғли отаси қилган яхши ишларни бунчалик эъзозлаб тилга олиши Бобурга ғалати таъсир кўрсатди.

Бир лаҳза у ўзини ўсмир ўғлининг кўзи билан кўргандай бўлди. Ҳумоюн фахр билан тилга олган воқеалар чиндан ҳам бўлган воқеалар эканлиги тўсатдан Бобурнинг кўнглини кўтарди. Шу дақиқагача унга бутун ҳаёти қоп-қоронғи бир тун бўлиб туюлган бўлса, энди у бу тунга гўё Ҳумоюннинг кўзи билан қарадию, қоронғи осмоннинг у ер-бу ерида юлдузлар милтиллаётганини кўрди.

Ҳумоюн отаси билан яккама-якка гаплашгиси келиб, овозини пасайтириб:

– Ҳазратим, – деди, – инъом қилган девонингиздаги барча шеърларни ёд олмишмен. Лозим кўрсангиз имтиҳон қилинг.

Бобур орқароқда жим турган бек ва мулозимларга ўгирилиб қаради. Улар Бобурнинг ўғли билан гапини тезроқ тугатишини ва кемага қайтишини кутмоқда эдилар. Лекин Бобурга энди чоғир мажлисидан кўра ўғли билан бирга бўлиш ёқимлироқ туюла бошлади.

– Жаноблар, – деди у бекларига юзланиб, – бугун бизга кема сайри бас. Энди мирзо Ҳумоюн билан шеър машғулоти ўтказмоқчимен. От келтирилсин!

Бобур отлангандан кейин Ҳумоюн ҳам отига қувонч билан сакраб минди. Ота-бола ёнма-ён Кобул аркига қараб йўл олдилар. Қосимбек ва бошқа мулозимлар орқароқда одоб сақлаб жим бормоқда эдилар.

Бобур кемада ичган чоғирнинг тафти ва карахтлиги унинг ялтираган сузук кўзларидан билинар эди.

– Қани, амирзода, эшитайлик, – деди у Ҳумоюнга кайф аралаш кулимсираб қараркан. Отаси бирга кетаётганидан ўзида йўқ қувонган Ҳумоюн Бобурнинг девонидан ёд олган бир рубоийни шошилиброқ ўқиди:

Озар ила неча гуфтигў[1] *қилғайсиз,*
Озурда бўлурни жустижў[2] *қилғайсиз.*
Мунчаки кўнгулларга етишди озор,
Май била магарки шустишў[3] *қилғайсиз.*

[1] Г у ф т и г ў – гаплашиш.
[2] Ж у с т и ж ў – қидириш.
[3] Ш у с т и ш ў – ювиш, яъни май билан дил ғуборини ювиш.

Ҳумоюн бу шеър билан отасининг май ичиш сабабини тушунишлигини ва ҳозир кайфи борлиги ҳам узрли эканини айтмоқчи эди, Бобур буни фаҳмладию:

– Маъқул-маъқул, – деб кулди. – Фақат аввалги икки сатрнинг вазнини бузиброқ ўқидинг. Афтидан, сен бу сатрлардаги киноянн яхши фаҳмламагансен.

– Қандоқ... киноя? – деб бу сатрларни камоли жиддият билан ўқиган Ҳумоюн таажжубланди.

– Кинояки, одамлар бир-бирларига озор берадиган гапни кўп гапирурлар. Гоҳо озор берадиган нарсани ўзимиз жустижў қилиб топурмиз. Ундан кейин бу озорни кўнгилдан май билан ювмоқчи бўлиб ичишга ружу қилурмиз.

Отаси ўзининг май ичишига киноя билан қарашини Ҳумоюн энди сезди ва яна ҳайрон бўлди:

– Нечун шундай?

– Сенинг ёшингда бунинг сабабини тушуниб бўлмас. Мен ҳам ўттиз ёшимгача чоғирга эҳтиёж сезган эмасмен. Сен қалайсен?.. Кўнглингда чоғирга иштиёқ борми?

Ҳумоюн уялиб бош чайқади. Сўнг отасининг ичкиликдан шишган қовоқларига жиддий бир қараб олди-да:

– Мен чоғирни ёмон кўрамен, – деди.

Ўн уч ёшида Бобур ўзи ҳам ичкиликдан ҳазар қилишини эсладию, ўғлининг жавобини маъқуллаб бош ирғади.

– Хўш, неларни яхши кўрурсен?

– Менми? – деб Ҳумоюн бир лаҳза ўйланиб олди. Унинг яхши кўрган нарсалари кўп эди: – Сафарда юришни, саёҳатни яхши кўрурмен, яхши китоб бўлса эртаю кеч ўқигим келур...

«Бу жиҳатлари менга ўхшабдир», деди Бобур ичида ва ўғлининг қамчи дастасини тутган қўлларига қаради. Ҳумоюннинг юз-кўзи ҳам, қўллари ҳам Бобурникидан қорароқ эди. Балки жанубда туғилиб ўсаётгани учун шундайдир? Лекин панжасининг шакли отасиникига жуда ўхшаш. Бобур ўғлининг билагидан олиб:

– Қани, кафтингни оч, – деди.

Ҳумоюн қамчини тақимига қистирди-да, кафтини отасига очиб кўрсатди. Бобур унинг кафтидаги чизиқларга қарадию, кейин ўз панжасини очиб, ўғлининг кафтига кафтини ёнма-ён тутди. Катта ва кичик ҳар икки кафтдаги кўндаланг чизиқлар бир-бирининг айнан такрори эди. Отасига

ўхшашни жуда-жуда истайдиган Ҳумоюн мамнун жилмайди. Бобур чуқур тин олди-да:

– Илоҳим, мен кўрган балоларни сен кўрмагин! – деди.

– Лекин мен сизнинг барча ишларингизни ўрганмоқчимен.

Бобурнинг яхши-ёмон ишлари хаёлидан аралаш-қуралаш бўлиб ўта бошлади. Бераҳм муҳит уни ҳам шафқатсиз бўлишга ўргатарди. Мана шу Кобул вилоятининг ўзида хирилжи қабиласига мансуб талай одамлар карвон йўлларида талончилик қилганликлари учун Бобур аскарлари томонидан аёвсиз ўлдирилган, ҳазора қабиласининг ўнлаб жанговар йигитлари чопқин пайтида қириб ташланган эди... Бобур бу қонли лавҳаларни умр китоби бўлмиш «Вақоеъ»га бирма-бир ёзиб борар эди. Аммо ҳали балоғатга етмаган ва оламга болаларча мусаффо бир ишонч билан қараётган Ҳумоюнни бундай шафқатсизликлардан мумкин қадар узоқ тутгиси келарди.

– Сен ҳушёр бўл, – деди Бобур, – менинг ҳавас қилиб бўлмайдиган ишларим ҳам бор!

– Қайси ишларингиз, ҳазратим?

– Қайғули, фожиали ишларим. Бутун тақдирим...

– Буни бир ғазалда ҳам айтмишсиз.

Ҳумоюн яна ёддан отасининг сатрларини айта бошлади:

Ҳар ёнғаки азм этсам, ёнимда борур меҳнат,
Ҳар сорики юзлансам, ўтрумға келур қайғу,
Юз жавру ситам кўрган, минг меҳнату ғам кўрган,
Осойиши кам кўрган мендек яна бир борму?

Шеърнинг ғамгин ва сеҳрли оҳангидан таъсирланган Бобур:

– Яхши ўқидинг, – деди ўғлига. – Истайменки, мен кўрган қайғулару шафқатсизликларни илоҳим сен кўрмагин.

– Хўп, ҳазратим, мен фақат сиз билган ажойиботларни билсам бас!

Ота-бола суҳбатга берилиб аркка қандай етганларини сезмай қолдилар. Кейин улар даричалари Шоҳи Кобул тоғига қараб очиладиган хушҳаво хонайи хосда ўтирганларида Ҳумоюн қўлига қоғоз ва қалам олди-ю, отаси ихтиро қилган Хатти Бобурий ҳарфлари билан бир байт шеър ёзди:

Турклар хатти насибинг бўлмаса, Бобур, не тонг,
Бобурий хатти эмасдур, хатти Сиғноқийдурур[1].

Бобур сўнгги дафъа Самарқандда юз берган машъум воқеаларни ва Хатти Бобурийни мактабда болаларга ўргатган муаллимнинг тошбўрон қилиб ўлдирилишини эслаб «уҳ» тортди.

Бир вақтлар Улуғбекни ҳалок этган ёвуз кучлар унинг расадхонасини қайта тикламоқчи бўлган Бобурни ҳам динсизликда ва рофизийликда айблаб, ҳатто қўшиннинг кўп қисмини шунга ишонтиргани Қизилқумдаги мағлубиятга замин яратган эди. Шундан бери Бобур ўзи ихтиро этган хатни жорий этиш фикридан бутунлай қайтган эди.

– Сенга буни қайси муаллиминг ўргатди? – сўради Бобур Ҳумоюннинг ёзувига кўз югуртириб.

– Мирбадал хаттотдан ўргандим...

Ҳумоюннинг ёзувида хато бўлмаса ҳам, лекин ҳали бу хатга қўли ўрганмаганлигидан ҳарфлар нотекис чиққан эди.

– Сенга манзурми?

– Жуда! Белгилари оз. Тез ёзиш мумкин. Ўқиши жўн.

– Ундай бўлса кўпроқ машқ қил. Минбаъд менга мактуб ёзсанг, шу хат билан бит. Мен ҳам сенга шу хат билан жавоб ёзурмен. Махфий тутмоқ осон бўлур. Ҳумоюн подшоҳ отаси билан махфий хатлар ёзишини кўз олдига келтирдию, кўнглида яна иссиқ бир ифтихор туйғуси мавж урди. Отасига меҳри тобланиб, унинг кўнглига ёқадиган яна бир иш қилгиси келди.

– Ҳазратим, лозим бўлса, энди мусиқадан бир имтиҳон қилиб кўринг.

– Қани-қани!

Ҳумоюн савдарбошига афғон рубобини келтиришни буюрди. Сўнг дур ва садаф билан безатилган, тоғлар садосини эслатувчи улуғвор товуш берадиган бағри кенг рубобни созлаб, аввал наво йўлида бир куй чалди, кейин савтга ўтди. Бобур қулоғига жуда ёқимли туюлган бу савтни дарҳол таниди.

«Чоргоҳ савти» деб аталган бу куйни бултур Бобурнинг ўзи басталаган эди. Ҳумоюн буни ҳам излаб топибди-да! Ёки мураббийлари унга атайлаб отаси ёзган шеърларни ёд-

[1] С и ғ н о қ – Туркистондан шимолроқда Сирдарё яқинида жойлашган қадимий шаҳар.

латиб, отаси басталаган куйни ўргатиб, шу йўл билан подшоҳдан таҳсин эшитмоқчимикинлар?

Мураббийларда шундай бир хушомад бўлганда ҳам Ҳумоюннинг ўзи куйни самимий ихлос билан чалаётгани билиниб турарди. Бола ўзининг бояги сўзини – отасининг ижодидан ибрат олишга ҳаваси зўрлигини ҳозир чиндан исбот қилмоқда эди.

Бобур ўғли чалаётган гўзал куйга қулоқ солиб туриб, кўнгли завқли туйғуларга тўлиб кетди.

Энди ўзининг ҳаёти ҳам унга энг ёруғ ва тиниқ томонлари билан кўрина бошлади. Ахир у ҳам бир вақтлар Ҳумоюн каби беғубор, мусаффо ёшлик дамларини бошдан кечирмаганмиди? Унинг ҳаёти ҳам тиниқ бир булоқ бўлиб оқмаганмиди? Кейин бу булоқнинг устига жарлар қулаб, уни лойқалатди. Лекин ҳали бу булоқ қуриган эмас, унинг обиҳаёти Ҳумоюннинг қалбини ҳам обод қилгани мана ҳозир билиниб турибди.

Бобур ўзи билан ўғлининг орасида ажиб бир боғланиш борлигини бугун биринчи марта аниқ сезди. Отанинг ҳаёти ўғлининг ҳаётида айнан такрорланмаса ҳам, лекин янги бир тарзда давом этиши мумкинлигига, агар ўғил астойдил отага содиқ бўлса, унга тортса, отанинг умри ўғилнинг умрига уланиб кетишига Бобурнинг энди кўзи етди. Шундай бўлгач, Ҳумоюнни аткаси, онаси ва мураббийлари Бобурга ихлосманд қилиб тарбиялаганлари, унга отасининг фазилатларини саралаб олиб беришга интилаётганлари катта бир неъмат эмасми? Бобурнинг ўзи ҳам ўғлига фақат фазилатларини раво кўради-ку. Фақат шундагина ўғил у қилган хатоларни қилмаслиги, у тортган азобларни тортмаслиги мумкин. Фазилатлар... Бобур ўз фазилатларини бугун ўғли орқали алланечук сараланган ҳолда кўриб, кўнгли кўтарилди, ўзига бирдан ҳурмати ортди.

Кейин у Ҳумоюннинг аткаси Қосимбекни саройга чақиртириб, унга бош-оёқ сарупо ва от инъом қилди. Шаҳзоданинг бошқа мураббийлари ва муаллимлари ҳам катта-катта ҳадялар олдилар.

– Сенга не инъом қилай, айт! – деб Бобур ўғлига кулимсираб тикилди.

Ҳумоюн китоб йиғишни яхши кўрарди. Унинг алоҳида бўлмани эгаллаган хос кутубхонасидан ташқари, хобгоҳида ҳам китоб тўла жавонлар бор эди. Тўшагининг бош томо-

нига хушбўй сандал дарахтидан ишланган жавон қўйилган, отасининг шеърий девони жавоннинг алоҳида токчасида ёлғиз турар эди.

– Яна янги шеърий китоблар ёзсангиз, – деди Ҳумоюн отасига уялинқираб кўз ташларкан, – мана шу алоҳида токча сизнинг асарларингиз билан тўлса... Ўғлингизнинг тилаги шу!

Бобур завқ билан қаҳ-қаҳ уриб:

– Э-ҳа, сенинг бу тилагингни ўринлатмоқ учун мен бир умр меҳнат қилмоғим керак-ку!.. – деди. – Майли, «яхши ният – ярим давлат» дерлар. Бугундан бошлаб сен учун бир шеърий китоб бошлагаймен. Қани, дафтарингни бер...

Ҳумоюн муқоваси олтин суви билан зийнатланган, нафис варақларига ҳали ҳеч нарса ёзилмаган янги дафтарини отасига икки қўллаб тутди.

Бобур хона тўридаги миз ёнига келиб ўтирдию, бирдан ўғлига меҳри тобланиб, ҳаяжон ичида:

«Жигарим билан жонимга пайванд фарзандим!» – деб ёзди.

Ўзидаги оталик меҳри ва Ҳумоюндаги фарзандлик садоқати тождор оталар ва валиаҳд ўғиллар орасида жуда кам учрайдиган нодир туйғулар эканини, Улуғбек билан Абдуллатиф орасида бўлиб ўтган фожиаларга солиштирганда, у ўз ўғлидаги самимий ҳисларни қанчалик қадрлаши, қанчалик асраб-авайлаб, камолга етказиши зарурлигини шу лаҳзада бутун вужуди билан ҳис қилди. Қалбини тўлдирган оталик туйғуси шеърий оҳанг билан қоғозга туша бошлади:

«Давлату бахт била Ҳумоюн бўл, комрон бўл, жаҳонда юз туман обрў-ю иззат кўр!»

Бобур ёзишдан тўхтаб ўрнидан турди:

– Давомини кейин битгаймен!.. Китобнинг номи сенинг исмингга қофия бўлғусидир!.. Бобур ўша йили ёзиб тугаллаган шеърий китоб – «Мубаййин» – Ҳумоюннинг номига чиндан ҳам қофиядош эди. У ўғлининг дафтарига битган эзгу тилакларини ҳам шу китобга шеърий сатрлар шаклида жойлаб, ҳаммасини санъаткор хаттотга кўчиртирди-да, Ҳумоюнга тақдим қилди.

Ҳумоюн шу вақтгача отасидан олган совғалар орасида энг улкани ва бебаҳоси – мана шу шеърий китоб эканини сезиб, уни қайта-қайта кўзларига сурди...

У араб тилида ёзилган, мураккаб фиқҳ китобларини тушунолмай қийналиб юрар эди. Отаси тақдим қилган «Му-

баййин» фиқҳнинг қонун-қоидаларини равон туркий тилда гўзал маснавийларда ифодалаб, Ҳумоюн учун ҳам дарслик вазифасини бажарар, ҳам унга шеърий завқ берарди. Энг муҳими, унинг отасига бўлган меҳри, ихлоси шу китоб туфайли янги бир куч билан ўсиб борарди.

Ҳумоюн ўн беш ёшга кирганда унинг китоб жавонида отасининг яна бир асари – аруз илмига бағишланган «Мухтасар» пайдо бўлди. Ҳумоюннинг эндиги истаги – отасининг ўсмирлик йилларидан бери ёзиб юрган «Вақоеъ» номли китобини ўқиш эди. У отасининг энг катта, энг мароқли асари мана шу эканини онаси Моҳим бегимдан эшитган эди.

Ҳумоюн ўн олти яшарлигида отаси унга Бадахшон вилоятини бериб, аскар ва савдари билан Кобулдан кузатиб қўйди. Ҳумоюн тоғлар орасида отаси билан хайрлашаётганда оила аъзолари ўзаро «Бобурнома» деб атай бошлаган ўша «Вақоеъ» китобидан бир нусха кўчиртириб юборишни илтимос қилди. Ўғлининг бошқа кўп илтимосларини сўзсиз қабул қилган Бобур бу гал ерга қараб бош чайқади:

– Ҳали у китоб битган эмас. Ўлда-жўлда ётган асарни кўчиртириб бўлмас.

– Қачон биткурурсиз, ҳазратим? Мен интизормен! Бобур ўғлининг юзига хомуш назар билан тикилди.

– Кўп интизор бўлма. Чунки у китобнинг битиши учун менинг умрим тугаши керак.

Ҳумоюн сесканиб тушди:

– Нечун бундай дейсиз?

«Бобурнома»нинг давоми анча вақтдан бери ёзилмай юрар эди. Қизилбошлар билан тузилган иттифоқ, Бобур ватанига бегона қўшинни бошлаб бориб, мағлубиятга учраганлари... буни ёзиш у ёқда турсин, ҳатто эслашдан ҳам юраги безиллар эди. Наҳотки умр китобининг сўнгги боби шу бўлса? Бобур энг йирик асарини бу тарзда ёзиб тугатолмаслигини сезарди. Уни кўнгилдагидек тугаллаш учун эса ўша мағлубиятлар заҳрини ювиб кетадиган катта ғалабаларга еришиши керак эди. Мана энди ўғли Ҳумоюн улғайиб, ёнига киряпти. У Ҳумоюннинг сўнгги гапдан изтиробга тушганини сезиб:

– Менинг сўзимдан ташвишланма, – деди. – Мен «Вақоеъ»ни умрим бўйи ёзмоқчи бўлганим учун шундай дедим. Орзуим борки, унинг келгуси бобларига сенинг ҳам

яхши ишларинг битилгай. Зора ўзим ҳам... бу китобнинг поёнига ёруғ юз билан этсам.

– Ҳазратим, ундоқ бўлса, илоҳим «Бобурнома»ни яна эллик йил ёзинг, юз йил ёзинг!

– Ўшангача кутишга сабр-тоқатинг етурмикин? – деб кулди Бобур.

Ҳумоюн жиддий туриб:

– Тангрим олдида онт ичиб айтаменки, сабр-тоқатим умрим етгунича етур! – деди.

2

Кобул дарёсининг бўйида Бобур эгачиси Хонзода бегим учун қурдирган Боғи Дилкушонинг кўк мармар кўшкида мавлоно Фазлиддин чўкка тушиб ўтирибди. Ундан пастроқда мавлононинг соқол-мўйлови кўзга кўриниб қолган ўғли одоб билан қўл қовуштириб, ердан кўзини олмай сукут сақлайди.

Нафармон қабо кийган, юзига оқ ҳарир парда тутган Хонзода бегим синиқ товуш билан тўхтаб-тўхтаб сўзлайди:

– Ҳаммадан кўра.. ўлган одамга қийин экан, мавлоно. Ўлган қайтиб келмас экан... Тириклар... оҳ-воҳ қилиб, минг куйиб-ёнсалар ҳам, ахири бир кун... тасалли топар эканлар. Мана, ўзимдан қиёс...

– Бегим, бу замонда тирикларга ҳам осон эмас. Менинг Андижондан бош олиб чиқиб кетганимга йигирма уч йил бўлди. Шундан бери сизнинг бошингизга қанча кулфатлар тушди! Биз қанча балоларни кўрдик.

Хонзода бегим Андижонда қолиб кетган ёшлик йилларини кўз олдига келтира бошлади. Мавлоно Фазлиддин ўшанда қанчалик кўҳлик йигит бўлганига ҳозир ишониш қийин. Азоб-уқубатларга тўлиб-тошган сўнгги ўн йилликлар унинг бўйинларига ҳам ажинлардан тўр солиб кетган, қўлларини суякдай қотириб, томирларини бўрттирган, елкасини букчайтиб, олтмиш ёшли мўйсафидга ўхшатиб кетган. Ҳолбуки, у энди эллик уч ёшга киргани Хонзода бегимга маълум эди. «Ўзим-чи?» деб бегим ҳар куни кўзгуда кўрадиган аксини хаёлидан ўтказди. Хонзода бегимнинг олд тишларидан уч-тўрттаси тушиб кетиб, лаблари буриша бошлаган, сочи сийраклашиб, кулранг тусга кириб қолган эди. Гўзал ёшликлари энди ҳеч қачон қайтиб келмаслиги, умрларининг энг

яхши йиллари очилмай сўлган гулдай умрбод хазон бўлганлиги Хонзода бегимнинг юрак-бағрини тимдалаб ўтди.

– Мавлоно, ўғлингиз неча ёшдалар?

– Йигирма бирда, бегим.

Хонзода бегим ҳалок бўлган Хуррамшоҳнинг тирик бўлса, ҳозир йигирма икки ёшга киришини эслади. Бу йўқотишнинг унутилмас алами кейинги дарди устига қўшилдию, кўзига ёш қуйилиб келди:

– Ишқилиб, ўғлингизнинг умри узоқ бўлсин. Мен кўрган мусибат сизнинг бошингизга ҳеч вақт тушмасин, мавлоно. Мен энди тирик қолмайман деган эдим. Ёлғиз ўғлимнинг кетидан кетаман деган эдим. Лекин жоним қаттиқ экан.

Мавлоно бегимнинг йиғисидан саросимага тушиб ўғлига бир қараб олди. Сўнг бегимнинг хаёлини бошқа ёққа буриш учун ўзининг бошига тушган азоб-уқубатлардан сўзлашга тушди:

– Ҳиротлар ҳам жуда нотинч бўлиб кетди, бегим. Шоҳ Исмоил шаҳарни олиб, суннийларни қувғин қилди. Кейин яна шайбонийзодалар шаҳарни босиб олиб, шиа тарафдорларини қатағон қилди. Шиа мозорларини очириб, Марвда Шайбонийхонни ўлдиртирган руҳонийларнинг суякларини тўпларга солиб оттирдилар. Кейин кўп ўтмай, Ҳиротни яна қизилбошлар улардан тортиб олишди. Қасд олиш қайтадан бошланди. Ҳамма ёқ алғов-далғов. Камолиддин Беҳзод Ҳиротдан Табризга, шоҳ саройига хизматга олиб кетилди. Мавлоно Хондамир шаҳардаги тўполонлардан безиб, ота юртларидаги узоқ бир қишлоққа чиқиб кетдилар. Бизга ўхшаган мусофирларнинг аҳволи бундан ҳам баттар бўлди... Ўғлимиз Алоуддин Ҳиротда сангтарошлик санъатини ўрганган эди. Лекин санъат билан кимнинг иши бор? Ахири, шоир Муҳаммад Султон билан маслаҳатни бир жойга қўйдигу Бобур мирзодан паноҳ истаб Кобулга келдик.

Бу гаплар давомида Хонзода бегим кўз ёшларини артиб, ўзини анча босиб олди:

– Келиб беҳад яхши қилгансиз, мавлоно... мен сизга бир омонатингизни қандай қайтаришни билмай юрган эдим.

Мавлоно Фазлиддин кўзлари пирпираб:

– Қайси омонатим? – деди. Хонзода бегим маъюс кулимсираб:

– Ҳозир, – деди-ю, ўрнидан кўтарилди ва тўрдаги ўймакор эшикдан ичкарига кириб кетди.

Кўп ўтмай у бир хизматкорга оқ ипак матога ўралган нарсани кўтартириб қайтиб чиқди. Бегимнинг ишораси билан хизматкор ҳалиги нарсани мавлоно Фазлиддиннинг олдига қўйди-да, таъзим қила-қила орқаси билан юриб чиқиб кетди.

– Мавлоно, очиб кўринг, – деди Хонзода бегим.

Мавлоно Фазлиддин ўрамни секин очдию, четлари сарғайиб кетган чизмакашлик қоғозларини кўрди. Сўнг уларни авайлаб варақлар экан, ўзининг Андижонда қурмоқчи бўлиб, Хонзода бегим билан бамаслаҳат чизган лойиҳаларини таниди. Йигитлик орзулари хаёлида қайтадан уйғониб, кўзлари чақнаб кетди. Андижонда қурилмай қолган обидаларнинг лойиҳасини шунча йилдан бери асраб олиб юрган Хонзода бегим унга ҳозир ўша ошиқлик пайтидагидек нафис ва жозибали кўринди. Ўшда, қоятош устида нохосдан бегимнинг белидан олган пайтидаги ширин туйғулари уйғонди-ю, юрагини завққа тўлдирди:

– Ҳазрат бегим, сиз менга жонимни қайтариб бергандек бўлдингиз! Мўъжизани қаранг! Орада шунча йиллар! Шунча йўллар! Шунча тоғу дарёлар!

Мавлоно Фазлиддинни тўлқинлантирган завқ ва қувонч Хонзода бегимга ҳам ўтди. Унинг товушида шодлик жаранги эшитилди:

– Ростдан, бу лойиҳалар менга қўшилиб жуда кўп балоларни бошдан кечирди. Мен қанча жойга борган бўлсам, булар ҳам бисотлариму жавоҳирларим орасида мен билан саргардон бўлиб юрди. Фақат охирги марта Қундуздан Самарқандга жўнаганимизда тоғлару дарёлардан кўп юк олиб ўтиб бўлмади. Сандиқларимдан бир қисми Қундуз қўрғонида қолди. Шуларнинг ичида бу лойиҳа ҳам қолган экан. Самарқандга бориб кўп ачиндим. Ёз келса Қундузга одам юбориб олиб келтирмоқчи эдим... Кейин ҳалиги фалокатлар бўлди... Қундузга қолгани яхши бўлган экан. Бошқа сандиқларимнинг ҳаммаси Ҳисорда фитначи мўғулларнинг илкида қолди... Мавлоно, қаранг-чи, ҳамма варақлари жойидами?

Шундай деб, Хонзода бегим юзидан ҳарир пардасини боши устига кўтариб қўйдию, лойиҳаларга тикилиб қаради.

– Ҳаммаси жойида! – деди мавлоно Фазлиддин унинг юзига миннатдорона кўз ташлаб.

– Самарқандда фақир сизнинг ҳузурингизга киришга журъат этолмаган эдим.

– Ўзим сизни чорламоқчи бўлдим. Аммо лойиҳалар Қундузда қолганлиги учун андеша қилдим...

Мавлоно Фазлиддин Андижонда Хонзода бегимнинг суратини ҳам чизганини, ҳозир лойиҳалар орасида ўша сурат йўқлигини бегимга эслатгиси келиб:

– Балки... Суратлар йўқолиб кетгандур? – деди. Хонзода бегимнинг юзига нафис қизиллик югурди:

– Ҳали ҳам мусаввирлик қилмоқдамисиз, мавлоно?

– Ҳазрат бегим, кўп йил машқ қилинмаса қўл мусаввирликдан чиқиб қолар экан... Ҳозир фақат меъморлик билан машғулмен.

– Андижонда чизган суратларингизни мен алоҳида сақламоқдамен, – деб Хонзода бегим мавлононинг ўғлига ийманиб кўз ташлади.

Бўй етиб қолган бу йигит олдида ўзларининг ёшлик муҳаббатларини эслатувчи суратни Хонзода бегим атайлаб олиб чиқмаганини мавлоно Фазлиддин энди сезди.

– Лутфан сиз ҳақсиз, ҳазрат бегим... Ўша суратлар энди умрбод сизники бўлғай! Буни жуда истаб турган Хонзода бегим:

– Саховатингиздан тоабад миннатдормен! – деди.

Мавлоно Фазлиддин қўлини кўксига қўйиб, одоб билан бош эгди. Сўнг гапни яна очиқ турган эски лойиҳалари устига бурди:

– Мен энди буларни Ҳиротда ўрганган янгиликларим билан тўлдиргаймен. Ана ундан сўнг бемалол амалга оширсам бўлур... фақат... бу мадраса-ю қасрлар қаерга қурилмоғи мумкин? Андижон... узоқда қолди. Кобулгами?

Хонзода бегим маъюс бош чайқади:

– Кобул – биз орзу қилгандек қудратли давлат эмас, мавлоно. «Улуғ меъморлик обидалари қурмоқ учун улкан давлатнинг қудратига суянмоқ керак» деганлар ҳақ эканлар. Начора?..

Мавлоно Фазлиддин олдида очиқ турган тарҳларга ғамгин кўз тикиб:

– Ҳа, тақдир бизни нотавон қилиб яратмишдир, – деди. Овози кексаларникидек ғижирлаб эшитилганини ўзи ҳам сездию, қўшиб қўйди: – Мен энди қариб қолдим. Қирғинлар, тўполонлар, фаторатлар билан умрим ўтди. Лекин наҳотки бу ҳаммаси узлуксиз давом этаверса? Ахир бир мен эмас,

ўнлаб заковатли олимлар, ҳунарпешалар, шоирлар жаҳолат довули билан Мовароуннаҳру Хуросондан қувилмишлар. Илгари қора кучлар бизни Андижондан қувсалар, Самарқанддан паноҳ топар эдик. Самарқанд жоҳиллари кун бермасалар, Ҳиротдан нажот излар эдик. Энди Андижону Самарқанд ҳам, Бухорою Ҳирот ҳам – барчаси кўчманчи султонлару диний адоватлар довулидан зир титрамоқда. Довул учирган хазондай ватанидан қувилган қанча маърифатли олиму санъаткорлар, қанча нодир истеъдодлар беҳуда ҳайф бўлиб кетмоқдалар. Бизнинг ватандан айрилишимиз – дарёнинг ўзанини йўқотиб, дашту биёбонга тошиб чиқиб кетишига ўхшайдир. Амударё бир вақтлар шу кўйга тушган экану то ўзига янги йўл солиб, бошқа бир денгизга бориб қўйилгунча у ёқдан-бу ёққа бош уриб, тошиб юрган экан. Биз ҳам умр бўйи у ёқдан-бу ёққа бош уриб муносиб ўзанимизни тополмаймиз. Энди бу кажрафтор фалак ҳеч бўлмаса фарзандларимизга раҳм қилсин! Биз бўлмасак, булар ўзларига муносиб ўзан топиб, янги бир маданият денгизига бориб қуйилсинлар! Умр бўйи ўз ижодий режаларини амалга оширолмай куйиб юрган истеъдоднинг бу аламли нидоси Хонзода бегимни титратиб юборди.

– Мавлоно, фақат сиз эмас, Бобур мирзо ҳам ўзанини йўқотган дарёдек безовталар!

– Биламен, тақдир ул ҳазратга ҳам ўгайлик қилмишдир!

– Аммо Бобур мирзо саргардон бўлиб юрган истеъдодлар дарёсини бир жойга йиғмоқчилар, насиб бўлса, илму санъатнинг янги бир денгизини барпо қилмоқчилар.

– Биз учун сўнгги умид ҳали ҳам Бобур мирзодирлар. Шунинг учун ўғлим билан Кобулга келдик.

– Қаерга жойлашдиларингиз, мавлоно?

– Жияним Тоҳирбекникига тушдик. Ўзи сафарда экан...

Ота-бола икковлари ҳам эски кийим кийишган, рангларини жуда олдириб қўйишган. Уларнинг моддий жиҳатдан ҳам қийналиб юрганларини сезган Хонзода бегим яна ўрнидан туриб, ичкари хонага кириб кетди. Қабосининг чўнтагидан калит олиб, токчада турган пўлат сандиқни очди.

Иниси Бобур мирзо Хонзода бегимга энг нуфузли аъёнлари қатори улуфа тайинлаган эди. Ҳар ойда хазинадан чарм ҳамёнга солинган минг динор олтин келиб турар эди. Хизматкорлар бегимга берилган мулкнинг экин-тики-

ни билан тирикчилик ўтказишарди. Бегимнинг бир ўзига кўп пул кетмас, шунинг учун хазинадан келган олтин тўла ҳамёнларнинг анчаси пўлат сандиқда тахланиб турар эди.

Хонзода бегим мавлоно Фазлиддиннинг кичикроқ бир ҳовли ва от сотиб олиши, кийим-кечаги, уч-тўрт ойлик тирикчилиги учун қанча пул кетишини чамалаб кўрди-да, минг динорлик ҳамёнларидан иккитасини олди. Сўнг уларни бояги хизматкорга бериб, олтин баркашда кўтартирганича ота-боланинг олдига қайтиб чиқди.

Мавлоно Фазлиддин ҳамённи кўриб, хижолат чека бошлади. Хонзода бегимдан пул олиш унга оғир эди.

– Мавлоно, бу ҳамёнлар Бобур мирзонинг хазиналаридан келмишдир. Ўзлари бўлмаганликлари учун улуфаларини мен сизга топширмоқчимен. Бири – ўғлингиз Алоуддинга. Марҳамат! Олингиз!

Алоуддин қўлини кўксига қўйиб, энди биринчи марта оғиз очиб гапирди:

– Раҳмат, ҳазрат бегим, биз сиздан беҳад миннатдормиз!

Унинг ёқимли товуши ва сўзларни майин талаффуз қилиши мавлоно Фазлиддиннинг йигитлик пайтини эслатар эди... Шу туфайли ота-бола иккови ҳам бегимга бениҳоя азиз кўринарди.

3

Амударё томондан тоғ ошиб учиб келган турналар Кобулнинг устидан жануб-шарқ томонга ўтмоқда эдилар. Аркнинг тиллакори айвонида Моҳим бегим билан нонушта қилиб ўтирган Бобур турналарнинг қисқа ва сирли товуш билан «қурей»лашини эшитдию, ўрнидан туриб, айвон четига борди ва осмоннинг овоз келаётган томонига тикилди... Кўкда эгилиб-чайқалиб келаётган бир шода қора маржонни кўзлари билан қидириб топгандан кейин турналарнинг товуши унга гўё аниқроқ эшитила бошлади.

Гўзал ва тиниқ «қурей-қурей»ларда қандайдир ҳорғинлик оҳанглари борга ўхшарди ва турналарнинг узоқ-узоқлардан учиб келаётгани эсга тушар эди. Балки улар шу келишда Андижоннинг устидан учиб ўтиргандирлар? Ёки Тошкент ва Самарқанд атрофларидаги сокин сувлар бўйига қўниб дам олгандирлар?

Бу ўйдан Бобурнинг қалбини аламли бир соғинч туйғуси чулғаб олди. Ҳатто шу турналар кўриб келаётган жойларни у энди бориб кўролмайди. Кўли Маликда ва Ғиждувонда енгилиб, Ҳисорда фитначилар хиёнатидан абгор бўлиб қайтганига, мана, ўн уч йил бўляпти. Бобур шундан бери қалтис ҳарбий юришлардан ўзини тийиб юрибди. Мўғул бекларининг хиёнатларини Қундуздаёқ била туриб, яна ўшаларга ва қизилбошларга таваккалчилик билан суяниб иш қилгани унинг ватанига қайтадиган барча йўлларини бекитиб ташлаган эди.

Турналарнинг узоқлашиб сўниб бораётган товушлари таъсирида Бобурнинг кўнглига: «Энди туғилиб-ўсган юртингга умрбод қайтолмайсан!» деган аламли ўй келдию, юзи бирдан тундлашди. Орқасига ўгирилиб, савдарбошига чоғир келтиришни буюрди. Моҳим бегим дастурхон ёнидан Бобурга томон келар экан:

– Ҳазратим, эрталабдан чоғир? – деб таажжубланди. – Ҳозир фарзандларингиз саломга келурлар... Ана, мирзо Ҳиндол аткалари билан келмоқдалар.

Бошига кичкина ипак салла ўраган, мурассаъ камарига кичкина қилич тақилган саккиз ёшли мирзо Ҳиндол айвоннинг баланд зинапоясидан катталардай қўл қовуштириб, таъзим қилиб чиқди. Отаси буни кўриб беихтиёр жилмайди. Ҳиндолни елкасидан қучиб эркалатди, кейин уни ёнига олиб, зарбоф кўрпача устига ўтирди.

– Қилич тақиб олибсиз, амирзодам, жангга бормоқчимисиз? – деб ҳазиллашди. Ҳиндол катта-катта кўзларини чақнатиб Моҳим бегимга бир қараб олди. Моҳим бегим «Айтинг!» дегандай бош ирғади. Шунда Ҳиндол бурро тил билан отасига:

– Мени ҳам олиб боринг, – деди.

– Қаерга?

– Ҳин... Ҳиндистонга.

– Ҳиндистонда нима қилмоқчисиз?

– Йўл... йўлбарсни кўрамен...

– Ана холос! – деб Бобур кулди. – Биз сизга Ҳиндол исмни берсак, сиз фақат Ҳинд йўлбарсини томоша қилмоқчисиз холосми?

Бола қизариб:

– Йўқ, – деди ва жажжи қиличининг сопини қисимига олди. – Агар йўлбарс... «ейман» деса, мен мана шу қилич билан уни урамен!

Бобур Ҳиндолни яна елкасидан қучиб еркалатди:

– Боракалло! Ундай бўлса сизни Ҳиндистонга албатта олиб борурмиз...

Шу пайт айвон зинапоясидан олтин кўзачада чоғир олиб чиқаётган шарбатчи кўринди. Моҳим унга қўли билан «Қайтинг!» ишорасини қилди. Шарбатчи Бобурга қўрқа-писа кўз ташлади-да, унинг ўғли билан овуниб, чоғирни эсидан чиқарганини сезди ва зинадан секин қайтиб тушиб кетди. Бобур Ҳиндолдан хат-саводни қанчалик ўрганганини, қанақа шеърлар ёд билишини сўради.

– Мен Қуръон оятларидан ёд билурмен. Кулҳу оллоҳу аҳад...

– Ҳиндолнинг шеърга унчалик иши йўқ, – деб изоҳ берди Моҳим бегим. – Бунга ўйин бўлса, ёйдан ўқ отса, от чопса бас. Китобга хуши йўқ.

– Балки ёши кичик бўлгани учундур?

Гулбадан бундан уч ёш кичик. Аммо саводи Ҳиндолдан яхши. Ҳозир кўрурсиз... Қизча китобга шунчалик ўчки, таажжубдан ёқамни ушлаймен.

Бобур ўйчан товуш билан:

– Наҳот Ҳиндол ўша тоғаларига тортса? – деди.

Бобурнинг бу сўзларида қанчалик мураккаб маъно борлигини фақат Моҳим бегим тушунарди. Чунки Ҳиндол Моҳим бегимдан эмас, Бобурнинг кичик хотини Дилдор оғачадан туғилган эди. Шариат берадиган рухсат бўйича Бобур ҳам уч хотинли бўлиб олган, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган бу бераҳм одат Моҳим бегимни қанчалик эзмасин, аламини ичига ютиб чидаб келар эди. Бобурнинг иккинчи хотини Гулрух бегимдан Мирзо Комрон ва Мирзо Аскарий отлиқ икки ўғил туғилди. Булар Ҳумоюндан кейинги тахт ворислари эдилар. Гулрух бегим шу сабабли Моҳим бегимга кундошларча совуқ муомала қилар эди. Уч хотин Кобулнинг уч чеккасида ҳар бири алоҳида кўшкда турса ҳам бир-бирларининг аҳволларидан хабардор эдилар. Дилдор оғача беш йилда икки қиз туғди. Моҳим бегим эса уч марта фарзанд доғини бошдан кечирди. Унинг Ҳумоюндан кейин туққан икки ўғил, бир қизи бирин-кетин ўлиб кетди. Кейин умуман бўйида бўлмай қолди. Бунинг ҳаммасидан Моҳим бегим жуда қаттиқ куйиб юрганини сезган Бобур унга қандай тасалли беришни билмас эди. Бир куни мана шу айвонда ўтирганларида Моҳим бегимнинг ўзи: «Дилдор оғача яна

ҳомиладор эмишлар, – деб қолди. – Мен куйиб адо бўлдим. Энди Дилдор оғача шу гал ўғил туғса ҳам, қиз туғса ҳам, агар менга берсангиз ўз фарзандимдек тарбиялаб ўстирар эдим». Дилдор оғача ўз фарзандини кундошига ишониб топширишини тасаввур қилиб бўлмас эди. Лекин Моҳим бегим Ҳумоюнни қанчалик яхши тарбиялаганини ҳамма билар, унинг яна фарзанд ўстириш иштиёқи зўрлигини Бобур ҳам сезар эди.

Дилдор оғача Кобулнинг Боғи Йўнғичқасида мана шу Ҳиндолни туққанида Бобурнинг махсус фармони билан уч кунлик чақалоқни аркда турадиган Моҳим бегимнинг тарбиясига келтириб бердилар.

Бу болани тўққиз ой қалби тагида кўтариб юрган Дилдор оғача: «Ўғлимдан тириклай жудо бўлдим», деб анча вақт йиғлаб-сиқтаб юрди. Бобур унга:

«Азалдан удум шундоқ, – деб важ кўрсатди. Подшоҳ оиласида ўғилларни катта хотин тарбият этмоғи керак. Моҳим Ҳумоюнни қандоқ вояга етказди, кўрдингми? Ҳозир Бадахшонда энг обрўли ҳоким! Худо хоҳласа, Моҳим Ҳиндолни ҳам шундоқ вояга еткизгусидир!»

Моҳим бегим Ҳиндолни ўз фарзандидан ҳам зиёда тарбия қилаётгани Бобурга маълум эдию, лекин боланинг тоға авлодлари жоҳил ва маърифатсиз одамлар эди. Дилдор оғача Ҳисор ва Самарқандда кўп ёмон ишлар қилган Султон Маҳмуд мирзонинг авлодларидан эди. Шайбонийхон томонидан ўлдирилган Султон Али мирзога ҳам хешлиги бор эди. Бобур Самарқандда сўнгги гал ғалаба билан борганда ва қизилбошлар билан май ичиб юрган кунларида Дилдор оғачанинг ҳуснини, хусусан, дутор чалиб ашула айтгандаги ширин овозини ёқтириб қолиб, кайф устида уни ҳарамига олган эди. Бунинг ҳаммасидан хабардор бўлган Моҳим бегим Бобурнинг «Ҳиндол маърифатсиз тоғаларига тортмасин, тағин!» деган ҳадигини тарқатишга интилди:

– Ҳазратим, Ҳумоюннинг кўп фазилатлари Ҳиндолда ҳам бор. Қалби тўла меҳр. Ишонаменки, Ҳиндол ҳам сизга тортгай. Эгачингиз Хонзода бегимдан эшитганмен. Сиз ҳам мана шу ёшда «уруш-уруш» ўйнашни беҳад яхши кўрар экансиз.

Бобур яна Ҳиндолга юзланди:

– Мен сенга китоблар совға қилсам ўқурмисен?

– Ўқу... ўқурмен! – деб Ҳиндол тутилиброқ жавоб берди.

Бобур муншийни чақириб, Кобул кутубхонасидан Ҳиндолга керакли китобларни Моҳим бегимга келтириб беришни буюрди. Шундан кейин савдарбоши ички хонадан боланинг бўй-бастига мослаб ишланган олтин дастали камони шошийни олиб чиқди. Чиройли садоқда ўн иккита олтин безакли ёй ўқи ҳам бор эди. Бундай чиройли ўқ-ёйни биринчи марта кўраётган бола нодир совғани қўлига олганда кўзлари қувончдан ялтираб кетди.

– Ана, тирандозлиқни машқ қил, аммо китоб ўқишни ҳам унутма! – деб тайинлади Бобур.

Ҳиндол таъзим билан отасига қуллуқ қилиб, зинапоядан пастга тушиб кетди. Орадан сал ўтмай айвоннинг ички эшигидан эллик ёшлардаги энага аёл кичкина Гулбаданни қўлидан етаклаб чиқди. Бу истараси иссиқ аёл – Тоҳирнинг хотини Робия эди. Аввалларн Қутлуғ Нигор хоним хизматида бўлган Робия ҳозир Моҳим бегим ҳузурида беш яшар Гулбаданга энагалик қилмоқда эди.

Бобур ўз оиласига йигирма тўрт йиллик қадрдон бўлган Робиянинг таъзим билан берган саломига алик олиб, у билан илиқ сўрашди. Сўнг қизчаси Гулбаданга юзланди. Қўғирчоқдай ясантирилган жажжи қизчанинг қош-кўзи беихтиёр Дилдор оғачани эслатди. Гулбаданни ҳам ўша гўзал жувон туққан эди. Моҳим бегим Ҳиндолни оналарча суйиб парвариш қилаётганини йиллар давомида кузатиб юрган Дилдор оғача бу аёлнинг тантилигига қойил бўлган ва Гулбаданни унга ўзи фарзандликка берган эди. Бу икки аёл энди калондимоғ Гулрух бегимга қарши гўё болалар орқали иттифоқ тузган эдилар. Гулрух бегим эса бир эмас, икки ўғли бўй етиб келаётганидан беҳад мағрурланар, Комрон мирзо ва Аскарийларни тахт вориси Ҳумоюнга қарши рақобат туйғуси билан тарбиялар эди. Шу сабабли Бобур ҳам Гулрух бегимдан кўп ранжир, лекин орадаги кундошлик балосини бутунлай даф қилиш қўлидан келмас эди.

Мурғак қизчасини кўрган заҳоти эсига тушган бу муракка**бликлар** Гулбаданнинг эгилиб таъзим қилиши ва ширин «ассалом»и билан хаёлидан узоқлаша бошлади. Бобур қизчасини қўлида кўтариб олиб, пешонасидан ўпди, сўнг дастурхон олдига келиб, уни тиззасига олиб ўтирди. Дас-

турхон тўла ноз-неъматларни, Одинапурдаги[1] Боғи Вафода ўсган чиройли норинжларни[2] кўрсатиб:

– Не ейсан? – деб сўради.

Гулбадан одоб билан бош чайқади – у подшоҳ отасининг олдида овқат чайнаб ўтиришдан ийманар эди. Лекин дадасининг зар қўшиб тўқилган қимматбаҳо абосидаги тугмалар уни жуда қизиқтириб қўйди. Бу тугмалардан бирининг юз томонига кичкина қилиб йўлбарс шакли ўйилган. Йўлбарснинг кўзлари ўрнига зиғирдан ҳам кичик ёқут доналари ўрнатилган. Иккинчи олтин тугманинг юзида афсонавий бир қуш қанотларини ёзиб тумшуғида кичкина гавҳарни олиб учиб боряпти. Умрида бундай ғалати тугмаларни кўрмаган қизча уларнинг биттасини қўлчаси билан секин ушлаб кўрди.

– Сенга тугмалар маъқулми? – деб сўради дадаси, Гулбадан «ҳа», деб жилмайди. Бобур қизчаси ушлаб кўрган юқоридаги тугмани юлиб олмоқчи бўлиб бир тортди. Лекин тугма жуда маҳкам тикилган экан, узилмади.

– Ҳазратим, не қилмоқчисиз? – ҳайратланиб сўради Моҳим бегим. – Қўйинг, тугмани узманг, ахир бу сизнинг шоҳона либосингиз!

– Ҳечқиси йўқ. Заргарга буюрсалар, яна битта шундоқ тугма ясаб бергай. Бобур камарига осилган қиндан кичкина қаламтарош олдию, ўша тугмани ипидан қирқиб олиб, қизчасига берди:

– Лекин йўқотма. Бу қуш – Ҳумо. Илоҳим сенга бахт келтирсин. Гулбадан қувониб ва ҳаяжонланиб:

– Раҳмат, ҳазрати... оли... – деди-ю, лекин жумланинг охирини унча келиштиролмади.

– Мени ота дея қол, қизим.

Гулбадан онаси Моҳим бегимга савол назари билан қаради. Моҳим «ҳа, айт!» дегандек бош ирғади. Шунда Гулбадан қўлчалари билан отасининг бўйнидан қучди-да:

– Отажон! – деб унинг ёноғидан ўпди.

Бобур кўпдан бери ҳис қилмаган болаларча бир поклик ва маъсумлик борлиғига гўё нур бўлиб таралди.

– Гули, – деди Моҳим бегим, – энди ҳазрат отангга битта ҳикоя айтиб бергин. Гулбадан секин отасининг тиззасидан

[1] О д и н а п у р – Афғонистоннинг жанубидаги шаҳар, ҳозирги Жалолобод.

[2] Н о р и н ж – апелсин.

пастга тушди-да, худди муаллимга жавоб бераётган талабадек тик туриб, тошбақа ва чаён ҳақидаги машҳур ҳикоятни айтиб берди. Хусусан, тошбақа чаёнга яхшилик қилиб, уни дарёдан ўтказиб қўймоқчи бўлганда, чаён унга заҳар солишга тиришганини, сўнг бу ёмонлиги учун дарёга чўкиб ўлганини шундай келиштириб айтдики, Бобур завқ қилиб кулди-да:

– Сиз сўзлаб берганмидингиз? – деб Моҳимдан сўради.

– Йўқ, ўзи «Тўтинома»ни бемалол фаҳмлаб ўқиди. Беш ёшга етмай савод чиқарган қизчани мен биринчи кўришим.

– Гулбаданга кўз тегмасин, зеҳну ҳофизаси беназир.

– Саъдийнинг «Гулистон»идан хийла ҳикоятларни ёд билур. Ашъорга унча ўч эмас. Аммо насрий ҳикоя хотирасига сўзма-сўз нақшланиб қолур. Боғда, кўчада кўрганларини ҳам келиштириб ҳикоя қилур. Мен ўзимча орзу қилурменки, Гулбадан шоира бўлмаса ҳам ҳазрат оталарининг насрнавислигини мерос олса не ажаб?

– О, наср ёзмоқ учун қанчалик кўп савдоларни бошдан кечирмоқ керак, Моҳим!

Гулбадан ота-онасининг гапларига яхши тушунаётгандай сергакланиб қулоқ солмоқда эди. Унинг катта-катта шаҳло кўзларида қандайдир умид, айни вақтда, хавотир борга ўхшарди. Гўё унинг отасидан кутган умидлари пучга чиқса, кўнгли қаттиқ озорланишини сезиб хавотирланаётгандек кўринарди.

– Зукко қизим, ҳазрат онанг сендаги ажиб бир қобилиятни яхши пайқабдир. Агар Гулининг насрга ишқи зўр бўлса, – деб Бобур Моҳим бегимга қараб давом этди, – «Вақоиъ»нинг осонроқ бобларидан берай, хаттот қизчамизга бир нусха кўчириб берсин.

– Мен ҳам сиздан шуни илтимос қилмоқчи эдим. Гули туркий тилни ҳазрат оталарининг китобларидан ўргангани яхши. Мен, ожизангиз, орзумандменки, фақат Ҳумоюндек ўғилларингиз эмас, Гулбадандек қизларингиз ҳам тарихда сизга муносиб ном қолдирсалар[1]. Бу сўзларнинг самимийлигини бутун вужуди билан сезган Бобур нохосдан тўлқин-

[1] Олдинроққа кетиб айтиш мумкинки, Моҳим бегим Гулбаданни чиндан ҳам Бобур насри руҳида тарбиялади. Гулбадан бегим вояга етганда «Бобурнома»нинг энг яхши фазилатларидан ибрат олиб, ўзининг машҳур «Ҳумоюннома» асарини ёзди. Ва мазкур асар тарихимизнинг нодир маданий обидаларидан бирига айланди.

ланиб кетди. Моҳим бегим кундоши Дилдор оғачанинг бир эмас, икки фарзандини шунчалик меҳр билан тарбиялаши ва уларнинг келажагига шу даражада жон куйдириши учун қанча катта бардош, тантилик, бағрикенглик керак бўлганикин? Бобур ёши қирқдан ошган сари келажак авлод ҳақида кўп ўйлар, фарзандлар, айниқса, шу ёшда одамнинг ҳаётида ҳал қилувчи кучлардан бирига айланишини сезарди. Шу сабабдан ҳам Моҳим бегимнинг биргина Ҳумоюнни эмас, мана, Ҳиндол билан Гулбаданни ҳам оталарига садоқатли ва меҳр-оқибатли фарзандлар қилиб тарбиялаётгани хотин кишининг ўз эрига қилиши мумкин бўлган энг улуғ яхшилиги эканини ҳозир бутун борлиғи билан ҳис қилди. Бобур подшоҳлик удумига ён бериб, Моҳим бегимнинг устига яна икки хотин олган бўлса ҳам Моҳим буни бағрикенглик билан муносабатда бўлгани, яна ўзини унга шунчалик фидо қилаётгани – тенгсиз бир муҳаббат ва садоқатнинг нишоналари эмасми?

Бобур тез ўрнидан туриб, кўрпачада ўтирган Моҳим бегимнинг устига энгашдию, сочидан, пешонасидан, юзидан ўпа бошлади.

– Моҳим, сиз менинг беназир малагимсиз! – деб эҳтирос билан шивирлади: – Мен шоҳ бўлсам ҳам улуғ қалбингиз ўтрусида қулмен!

Моҳим ҳам тез ўрнидан кўтарилди. Гулбадан ота-оналарига ийманиб қараб турганини кўрдию, атрофга олазарак бўлиб кўз ташлади.

Робия уларни холи қолдириб ичкарига кириб кетган. Савдарбошилар ҳам йўқ. Бобур Моҳим бегимнинг кўзларидан ҳам ўпиб:

– Буюринг, – деди, – неки истасангиз мен бажо келтирай!

Моҳим бегим уялиб шивирлади:

– Гулбаданга жавоб берайлик...

Бобур яна савдарбошини чақирди ва Гулбаданга Ҳиндистондан келтирилган тўтиқушларни ҳадя қилишни буюрди. Чиройли олтин қафасларга солинган тўтиқушларнинг камалакдай товланган патлари Гулбаданнинг эътиборини ўзига тортди. Тўтиқушлар сўзлашни билар эди, каттароғи шанғи товуш билан:

– Ассалом, бегим! – деди.

Гулбадан бундан завқ қилиб болаларча соддалик билан:

– Ассалом, тўти! – деди.

Шунда ҳаммалари беихтиёр кулиб юбордилар. Гулбадан дадасининг олдига чопиб келди, бу ажойиб совғаси учун унинг қўлини ўпди. Бу орада ичкаридан чиққан Робия қизчани қўлидан секин олди-да, тўтиқуш солинган қафас билан бирга зинапоядан пастга олиб тушиб кетди.

Бобур ва Моҳим бегим икковлари ичкари хонага йўналдилар. Катта танобий уйнинг тўридаги шаҳнишинга ерояий гиламлар ва зарбоф кўрпачалар тўшалган эди. Бобур Моҳим бегимнинг хипча белидан қучиб, ўша томонга бошлаб борар экан:

– Ҳали ҳам келинчаклик пайтларингиздагидек сарвқоматсиз, Моҳим, – деди.

– Чунки сиз мен учун ҳамон йигирма ёшли йигитсиз!

Моҳим бегим шундай деб, ички уйнинг очиқ эшигидан кўриниб турган шоҳона тўшакларига оловли бир нигоҳ ташлаб олди. Бугунги эҳтиросли тун, икковлари худди аланга тилларидек гоҳ бутун борлиқлари бирлашиб, гоҳ яна ажрашиб, сўнг қайтадан олов мавжида бирлашиб, икки тан бир вужудга айланган пайтлари хаёлига титроқ солиб ўтди. Ўша дақиқаларда Моҳим эрининг қулоғига: «Сиз менинг кўз очиб кўрган ягона ёримсиз, сочингиздан-тирноғингизгача бутун борлиғингиз менга жонимдан ҳам азиз, энди сизни бошқа ҳеч кимга бермасмен!» деб шивирлаган эди. Бобурнинг ҳозир уни ўпиб: «Мен шоҳ бўлсам ҳам сизнинг улуғ қалбингиз ўтрусида қулмен!» дегани Моҳимнинг ўша тунги сўзларига жавобдек эшитилди. Бу сўзлар ва ўпичлар Моҳим бегимнинг борлиғини шундай яйратиб юбордики, ёши ўттиз еттига борган бўлса ҳам ҳозир йигирма ёшли жувондек ҳусну жамоли очилиб, кўзларидан ўт чақнаб, шўх оҳангда сўради:

– Мен ҳозир неки тиласам бажо келтирурмисиз?

Бобур Моҳимнинг янги бир кўшк қуриб беришини ёки катта харажатлар учун хазинадан қўшимча олтин сўрашини кутган эди. Унинг бунақа истакларини сўзсиз бажаргиси келиб турган Бобур:

– Сиздан молу жонни аямасмен, буюринг! – деди.

Моҳим бир лаҳза тараддудланиб турдию, паст ва жиддий товуш билан деди:

– Сиздан молу жон эмас, фарзандимиз Ҳумоюнни... Кобулга қайтаришингизни илтимос қилмоқчимен.

Бобур ҳам энди жиддийлашиб:

– Нечук? – деди. – Бутунлай Кобулга қайтсинми?

– Ҳа, сиздан ўтинамен!

– Моҳим, Ҳумоюн ёнимизда бўлишига мен ҳам ташнамен. Бироқ шимолий чегараларимизни Ҳумоюндек ишончли одам қўриқлаб турмаса, шайбонийзодаларни ўзингиз билурсиз...

– Билганим учун туну кун хавотирдамен. Икки йилдан бери Ҳумоюн Бадахшонда. Мен уни шунчалик соғинаменки, турган хоналарига кирсам, ўқилган китобларини варақласам, кўзимга ёш келур.

– Моҳим, сиз билурсизки, тождорлару валиаҳдларга она бўлишнинг машаққати беҳисоб... Шукр қилинг, менинг раҳматли онам тортган азобларни Худо сизнинг бошингизга солган эмас. Ҳумоюн мирзонинг ишлари жуда тараққийда. Бадахшонлик содиқ йигитлардан тўрт-беш минги уни асраб-авайлаб юрурлар. Шайбонийзодалар ҳам биз билан муроса қилишга мажбур, чунки ҳозир улар ички низоларни тинчитолмай, ўзлари билан ўзлари овора.

– Ундоқ бўлса, Бадахшонга энди Комрон мирзони юбора қолинг. Ахир у киши ҳам ўн олтига кирдилар. Гулрух бегим доим ўғилларининг эр етганидан фахрланиб гапирурлар. Бобур хотинларининг орасидаги рақобатни жуда ёмон кўради. Чунки кундошлик рақобати болаларга таъсир қилса, улар бора-бора бир-бирларига душман бўлиб қолишлари мумкинлигини биларди.

– Сиз Гулрух бегимнинг гапига эътибор берманг деган эдим-ку, Моҳим!

– Эътибор бермай иложим йўқ, ҳазратим! Чунки Гулрух бегимнинг икки ўғли ҳам ёнларида. Мен бўлсам узоқдаги Ҳумоюнни соғиниб қон ютурмен!

– Оббо!.. Майли, мен сизнинг тилагингизни бажо келтирамен, деб сўз бердим. Сўзимда турмоғим керак. Ҳумоюнни жуда соғинган бўлсангиз, икки-уч ҳафтадан сўнг уни албатта кўрурсиз.

– Қаерда кўрурмен? – овози титраб сўради Моҳим. – Кобулдами? Бобур овозини пасайтириб:

– Одинапурда, – деди.

Одинапур Ҳиндистон чегарасига яқин жойда эди, Моҳим бегим Бобурнинг ўша жойда қўшин тўплаётганини эшитган эди. Афтидан, Ҳумоюннинг Кобулга келиб юрмасдан, бор қўшини билан Бадахшондан тўғри Одинапурга ўтиб бориши

ҳарбий мақсадларга мувофиқроқ келар эди. Моҳим бегим энди хавотирли овоз билан сўради:

– Ҳазратим Ҳумоюнни ҳам Ҳинд юришига олиб бормоқчиларми?

Сир сақланаётган мавзуда гап очилгани учун Бобур атрофга кўз ташлаб, бир лаҳза жим қулоқ солди. Айвонда ҳам, ички уйларда ҳам икковларидан бошқа одам йўқ эди.

– Сиз билурсиз, мен Мовароуннаҳрдан умидимни узганимдан бери ёруғ бир истиқболни Ҳиндистон томондан изламоқдамен. Ўн йилдан бери бир неча қайта ишончли одамларимни Ҳиндга элчиликка юбордим.

– Ўзингиз ҳам Ҳиндга тўрт қайта бориб келдингиз-ку.

– Лекин тўрт мартасида ҳам Деҳлига етолмадим. Лаҳўр атрофларидан қайтдим.

– Ҳиндда ватанларини жон-жаҳд билан ҳимоя қиладиган ботир йигитлар кўп экан-да.

– Ҳа, хусусан, ражпут йигитлари жасур қиличбоз келурлар.

– Улар жангда нечоғли беомон эканини биз ҳам эшитдик. Шунинг учун ҳар гал Ҳинд юришига кетганингизда хавотир оловида қоврилиб, тунларни уйқусиз ўтказурмен. Ҳар икки томондан қанча бегуноҳ одамлар жанг қилиб ҳалок бўлгани хаёлимдан нари кетмайди. Ҳатто Бажавр қўрғонида ўлдирилган уч минг ёғийнинг бошидан калла-минора ясатибсизлар!

– Сиёсат учун... зарур бўлди.

– Аммо бундай сиёсат сиздек сиймо учун маъзур эмас, ҳазратим! Шаккоклигим учун мени кечиринг! Ҳинд юриши энди бас!

– Йўқ, бас қилолмасмен. Ҳиндистон рожалари менга элчи юбормишлар. Улар Иброҳим Лодининг[1] зулмидан безор эмишлар. Мамлакатлари вайрон, улуслари пароканда, ўзаро урушлардан ҳамма безган. «Ҳиндда қудратли давлат тузиб, қадимий маданиятни тикламоқ учун бизга сиздек маърифатли тождор керак» деб, панжоблик Давлатхон ўз ўғли Диловархонни бизга вакил қилиб юборибдир.

Моҳим бегим Бобурнинг Давлатхон билан иттифоқ тузганини билар эди. Бобурни Иброҳим Лоди зулмига қарши чорлаётганлар орасида ҳиндистонлик машҳур рожа Санграм Сингҳ ҳам бор эди. Бундан уч кун олдин Бобур шу рожанинг

[1] И б р о ҳ и м Л о д и – афғон қабилаларидан чиққан подшо.

элчисини қабул қилган, лекин унга нима жавоб берганини ҳали кўпчилик билмас эди. Моҳим эрига майин тикилиб:

– Бир саволга ижозат беринг, – деди.

– Марҳамат.

– Рано Санго билан ҳам иттифоқ туздингизми?

Бобур тасдиқ маъносида бош ирғади.

– Мен Ҳиндга борсам, уни талаб келиш учун эмас, балки умр бўйи интилиб етишолмаётган орзуларимни ўша ерда рўёбга чиқариш учун бормоқчимен! Ҳозир шу мақсадга етишиш учун қулай фурсат келди.

– Бироқ бу мақсадингиз йўлида даҳшатли бир чоҳ – қонли уруш бор!

– Биз бу чоҳдан от сакратиб ўтмоғимиз мумкин.

– Ҳазратим, сиз от сакратиб ўтганингизда ҳам, бу чоҳга минг-минг беваю сағираларнинг кўз ёшлари тўкилгай! Бегона юртнинг оналарию бевалари сиз билан урушда ўлган фарзандларию ерларининг ўлимини кечирармикинлар?

– Ўшал оналару бевалар нинг фарзандларию эрлари пароканда юртнинг ички урушларида озмунча ҳалок бўлмоқдами? Иброҳим Лоди гоҳ Панжоб билан, гоҳ Гувалиёр билан, гоҳ Бангола билан жанг қилур. Наригилар ҳам бир-бирлари билан тахт талашиб урушурлар. Ҳар йили қирқ-эллик минг навкар бу ўзаро урушларда беҳуда ҳалок бўлмоқда. Мамлакат бизнинг Мовароуннаҳрдек хароб. Бу тўполонлардан безган ҳинд беклари қочиб келиб мендан паноҳ топдилар. Шулардан бири Ҳиндубек беш йилдан бери менинг нуфузли амирларим қаторида юрганини билурсиз. Улар ҳам мени Ҳинд сари чорлайдирлар, мамлакатни обод қилишни, илму маърифатни юксалтиришни ўйлайдилар.

– Агар бундай маърифатли подшоҳ ўз юртларидан чиқса эди, улуғ давлат тузиш йўлида ноилож тўкиладиган қонлар осонроқ унутилмоғи мумкин эди. Аммо бошқа юртдан борган фотиҳларнинг тўккан қонлари фотиҳлик қиличидан етган дил яралари асрлар давомида унут бўлмағай, тузалмағай! Мен ана шундан хавотирдамен, ҳазратим!

Моҳимнинг сўнгги сўзлари Бобурнинг дилидаги энг оғрийдиган ярани тирнагандай бўлди. У озорланиб ўрнидан турди:

– Тақдир қиличи бизнинг дилимизни озмунча яраладими? Қани бу яраларнинг унут бўлгани? Қани тузалгани?!

Бобур кафтини кафтига қаҳр билан уриб, савдарбошини чақирди:

– Мен боя айвонда чоғир келтиришни буюрган эдим! Нечун келтирмади?

Унинг авзои кэскин ўзгарганини, ҳозир савдарбоши кирса бирон жазо олиши мумкинлигини Моҳим бегим сездию тез ўрнидан турди.

– Ҳазратим, чоғир ичгингиз келса, марҳамат, мен сақлаб қўймишмен, – деб ипак парда билан тўсилган токчадан олтин кўзача тўла май ва иккита нафис чинни пиёла олди. Бошқа токчада гулдор дастурхон билан бир лаган норинж турган эди. Дастурхонни апил-тапил шаҳнишинга ёзиб, норинжни унга қўйди-да, Бобурни таклиф қилди. Кўзачадан чинни пиёлага хушбўй майни қуяр экан:

– Ижозат берсангиз, мен ҳозир соқийлик қилсам! – деди.

Бобур ўтирар экан, ижозат маъносида бош ирғади. Моҳим пиёлага ярмидан ошириброқ май қуйди-ю, чап қўли кўксида, ўнг қўли билан Бобурга узатди:

– Олинг, ҳазратим, сизга узоқ умр, бахту саодат ёр бўлғай!

Пиёладаги тиниқ хушбўй ичимлик Моҳимнинг қўли билан бирга хиёл титраб турибди. Бобур пиёлани олар экан, хотини илиқ бир гап кутаётганини сезди. Лекин ҳозир унинг қалбида қандайдир совуқ изғирин хуруж қилмоқда эди. Ҳарбий ва сиёсий ишларнинг қорбўрони хаёлларини чирмаб, гоҳ ҳазора қабилалари билан бўлган қонли тўқнашувларга олиб кетар, гоҳ Панжобга боғлиқ чигал муаммолар, гоҳ карвон йўлларида талончилик қилган қароқчиларни жазолаш ташвишлари эсига тушар, гоҳ оғир замбаракларни синовдан ўтказиш пайтида уларнинг йўғон мис қувури ёрилиб кетгани ва тўпчилардан беш киши ўша жойда ҳалок бўлгани кўз олдига келар эди. У совуқ изғирин чангалидан чиқиб кетишга ва аввалги илиқ руҳий ҳолатига қайтишга интилиб, дардли товуш билан деди:

– Моҳим, узоқ умру бахтли ҳаёт мен учун ушалмайдиган орзу бўлса керак.

– Нечун? Агар Тангрим насиб қилса, ушалиши ҳеч гап эмас. Илоҳим насиб қилсин!

– Айтганингиз келсин...

Бобур майни сипқордию, пиёлани Моҳим бегимга қайтариб берди. Норинждан биттасининг пўчоғини қўли билан

арчиб, ярим палласини еди. Сўнг Моҳим бегимга «Яна қуйинг!» ишорасини қилди. Иккинчи пиёладан кейин вужудига майин бир илиқлик таралди, бояги совуқ изғирин хаёлидан узоқлашгандай бўлдию, Моҳимга кўнглини очиб гапиргиси келди.

– Бу амирлар, элчилар, иттифоқдошлару ёғийлар, яна юз хил давлат ишлари қалбимни юз бўлак қилиб, юз томонга тортадир, Моҳим! Гоҳо менинг кўнглим ҳам парчаланиб кетган, ўзаро урушларда азоб тортаётган мамлакат каби алғов-далғов бўладир! Ҳаётимда гўё шундай бир қутб борки, унга барча амирлару элчилар, чопқинлару урушлар тўпланмишдир. Бу қутбда мен совуққонликка ўрганмишмен, чунки сиёсат бобида одамларга худди шатранж тахтаси устидаги пиёда-ю сипоҳийларга қилган шафқатсиз муомалани қилмасанг, уларни ақлу фаросат, ҳисобу китоб билан идора этмасанг, муродга етолмассен. Аммо бу шафқатсиз сиёсатнинг совуқ изғиринидан ўзим тўнғиб кетурмен. Сўнг май ичиб, исингим келур. Бу совуқ қутбда шеър ёзишга ҳам ҳафсалам қолмас!

– Ўшал нохуш қутб ўтрусида бошқа илиқ маконингиз йўқми, ҳазратим?

– Бугун... мана ҳозир яна бир марта пайқадимким... мен учун оламда энг илиқ қутб Сиз, Ҳумоюн, Гулбадан... Сизлар билан бўлганда туйғуларим жўшиб, ижод қилгим келур.

– Ундоқ бўлса, доим биз билан бирга бўлинг! Бундан биз ҳам беҳад бахтиёр бўлурмиз!

– Қани эди!.. Аммо бунинг учун мен давлат ишларидан бутунлай воз кечмоғим керак.

– Бутунлай воз кечишингизга ҳожат йўқ, ҳазратим. Ахир сиз Кобулда катта давлат барпо этдингиз. Кундуздан Қандаҳоргача, Бадахшондан Синд дарёсигача бўлган пароканда ўлкаларни бир марказ атрофига бирлаштирдингиз. Кобул ўз тарихида биринчи марта шундай улкан мамлакатнинг пойтахтига айланди. Бу ерда сиз янги кўшклар қурдирдингиз, янги боғлар барпо этдингиз, янги ариқлар қаздириб, кўп жойларни обод қилдингиз. Шу ҳаммаси сиз учун азиз эмасми?

– Ношукрлик бўлмасин, мен Кобулда кўп масъуд кунларни кўрдим. Бироқ катта орзуларимни рўёбга чиқаришга ҳамон ожизмен. Шу менга тинчлик бермайдир. Кобул атрофидаги

кўп жойлар ҳали қаламий[1] эмас, сайфий[2]. Ана, Ғазнида неча асрдан бери бузилиб ётган улуғ банд[3] бор. Маҳмуд Ғазнавий банди дерлар. Агар шу банд тикланса, чўл бўлиб қолган катта бир водий яна яшнаб кетгай. Мен шу бандни тузаттирмоқчи бўлдим. Лекин сарфини ҳисоблаб кўрсам, хазинам етмас экан... Бу аҳволда мен Камолиддин Беҳзоддек улуғ истеъдодларни қайси давлатимга таклиф этамен? Беҳзодни Шоҳ Исмоил Табризга олиб кетмишдир. Чунки ҳозир шоҳ мендан қудратлироқ. Қанчадан-қанча илму ҳунар аҳли, меъморлару муҳандислар[4] бор, агар чорласам, кўплари келурлар. Лекин... Кобулга ўзи келган меъмор мавлоно Фазлиддинга муносиб иш топиб берганим йўғу бошқаларни қандоқ чорлай?

Моҳим бегим Бобурнинг Ҳиндистонга интилишига нақадар кўп ва мураккаб сабаблар борлигини сезиб:

– Хоразмлик ватандошингиз Беруний ҳам Ҳиндистонга борган, – деди. – Ҳазратим, сиз унинг «Ҳиндистон» отлиқ китобини қандай ўқиганингиз эсингиздами?

Бобур Ғазнидан топиб келинган бу китобнинг эски араб тилидаги нусхасини қийналиб ўқиган бўлса ҳам мазмунини жуда ёқтирган эди.

– Ҳа, Ҳинд ҳаётини Берунийчалик теран таҳлил этган олим кам бўлса керак. Беруний ҳам менинг Ҳиндни кўриш иштиёқимни оширди.

– Биламен. Ҳиндда сизни оҳанрабодай ўзига тортган яна бир сиймо Хисрав Деҳлавийдир.

– Сўзингиз чин, Моҳим. Мен Деҳлавийнинг кўп ашъорларини «Мухтасар» китобимда келтирмишмен. Деҳлавийнинг отаси амир Маҳмуд Қарши билан Шаҳрисабз оралиғида яшаган лочин исмли туркий қабиладан эди. Мен буни яқинда билдим. Лочин қабиласи Чингизхон истилосидан қочиб, Ҳиндга бориб қолган экан. Хисрав Деҳлавий Давлатноз исмли ҳинд муслимасидан туғилмишдир.

– Ҳазратим, – деди Моҳим Бобурга мулойим тикилиб, – сиз ҳам шоирсиз, ҳам олимсиз. Мен орзу қилардимки, барча

[1] Қ а л а м и й – амру фармон билан солиқ тўлайдиган қаламрав ерлар.

[2] С а й ф и й – ҳали бўйсунмаган, қилич кучи билан солиқ тўлайдиган ерлар.

[3] Б а н д – сув омборининг тўғони.

[4] М у ҳ а н д и с – инженер.

эл-улуслар сизни ҳам Берунийдек, Деҳлавийдек фақат яхши сўзлар билан тилга олсалар.

Бобур Моҳим бегимнинг ботиниб айтолмаган сўзларини тушунди-ю, юзи тундлашди. Хаёлида яна ўша совуқ изғирин қўзғалди.

– Сиз менинг подшоҳ ҳам эканимни нечун эслатмоқчи эмассиз?

– Чунки мен сизни ижодингиз олови ёнган илиқ қутбда муқим туришга чорламоқчимен!

– Мен ижод қутбида умрбод қолмоқчи бўлиб, Даҳкатда, Осмон Яйловда ялангоёқ юрганимда нечун учрамадингиз? Энди кеч!.. Подшоҳни барча эл-улуслар фақат яхши сўзлар билан тилга олиши – ушалмайдиган бир орзу. Мен одамларнинг мақтовига ҳам, таънаю маломатига ҳам роса тўйганмен!

Бобур яқинда ёзган бир ғазалидан икки сатрини жўн сўзга ўхшатиб оҳангсиз, айтди:

Улуснинг таъну таърифи[1] манга, Бобур, баробардур,
Бу оламда ўзумни чун ямон-яхшидин ўткардим.

– Рост, бизнинг ҳеч биримиз дунёнинг аччиқ-чучугини сизчалик кўп татиб кўрган эмасмиз... Оламнинг бераҳм дағал жабру жафоларини бунчалик кўп кўра туриб шу қадар нафис шеърлар битишингиз, шунчалик назокатли оҳангда куйлашингиз мени доим бир мўъжизадек ҳайратга солур. Ҳазратим, сиз улуғ шоирлар даврасидан жой олмоғингиз керак. Мен гоҳо қўрқаменки, жаҳонгирлик, фотиҳлик сизнинг шоирлигингизга соя ташлаб қўймасмикин?

– Ҳинд юришидан воз кечинг, демоқчимисиз?!

Моҳим бегим Бобурни бу ниятидан қайтаролмаслигини энди аниқ сезди.

– Ҳазратим, ҳеч бўлмаса Ҳумоюнни Кобулда қолдиринг! Ахир сиз Ҳиндга кетсангиз, кимдир Кобулни бошқариши зарур-ку!

– Мен йўғимда Кобулни сиз идора этгайсиз, бегим!

– Наҳот! Ахир мен аёл кишимен! Шариатга биноан хотиннинг мавқеидан ўғилларнинг мавқеи баландроқ бўлур. Кобулда ўғилларингиз мирзо Комрон билан мирзо Аскарий борлар. Бобур бу муаммони бирпасда совуққонлик билан ҳал қилди:

[1] Таъну таърифф – таънасию мақтови.

– Мирзо Комронга Қандаҳорни бергаймен. Аскарий иккаласи шу ҳафта Қандаҳорга кетурлар.

– Қандаҳор бу ердан отда бир ҳафталик йўл. Ўғиллари кетса, Гулрух бегимнинг ҳовури пасайиб қолиши аниқ.

– Кобул – менинг хос шаҳрим, – деб давом этди Бобур. – Уни ҳаргиз ўғилларга бермасмен, фақат сизга топшириб кетгаймен! Қосимбек қавчин хизматингизда бўлур. Барча ҳарам аҳли мен йўғимда сизга бўйсунғусидир!

Кутилмаган бу иноятдан Моҳим бегим энди ҳаяжонга тушди. Подшоҳ ўз хотинига бунчалик катта ишонч билдириши жуда кам учрайдиган ҳодиса эди. Айниқса, бутун ҳарам, ҳатто Гулрух бегим ҳам Бобур йўғида Моҳим бегимга бўйсуниши, бунга халақит бериши мумкин бўлган мирзо Комрон ва мирзо Аскарийларнинг Қандаҳорга жўнатилиши Моҳим бегимни қийнаб юрган ишкал тугунни бирдан ечиб юборгандек енгиллик берди:

– Ҳазратим, иноятингиздан бошим кўкка етди! Аммо билурсизки, ожизангиз ҳокимликка ташна эмасмен.

– Кимки ҳокимликка ташна бўлмаса, мен ўшал зотга кўпроқ ишониб ҳокимият бергаймен. Барча ташқи ишларга Қосимбек мутасадди бўлғай. Ҳиндол ёнингизда. Сиз унинг номидан ҳам амру фармон берсангиз, шариатга мос келур.

Моҳим бегимнинг бояги изтиробли ўйлари бир лаҳзага бўлса ҳам хаёлидан узоқлашди. Бобурнинг катта ишончи қалбига шунчалик ёқиб тушгани бегимнинг ўзини ҳам хиёл таажжублантирди. Қандаҳорга ҳоким бўлиш Комрон мирзога ёқиб тушишини ҳам ўйлади. Бобур икки томонни ҳам тинчитадиган нозик бир сиёсат юргизаётганини бегим энди сезди. Одамлардаги ички манфаат туйғусини бехато топиб, шу туйғуга суянган ҳолда уларни моҳирона бошқара билиш катта бир санъат экани, Бобур йиллар давомида мана шу санъатни қанчалик яхши эгаллаганини бегим ҳозир жуда яқиндан кўрди ва гўё ўз тажрибасидан ўтказди. Комрон мирзони Қандаҳорга жўнатиш, Моҳим бегимга Кобул ихтиёрини бериш бошқа кўп амру бекларнинг кўнглидагини топиб, ўринларини алмаштириш, бу – ҳаммаси шатранж доналарини уларга жуда мос келадиган бир маҳорат билан суриш ва ўринларини алмаштиришга ўхшаб кетарди. Шундай бўлса ҳам Бобур Моҳим бегимнинг кўнглидаги энг нозик дардни пайқаб, уни кундоши Гулрух бегимнинг қўли

етмайдиган юксак мартабага муносиб кўргани беҳад ёқимли эди.

– Ҳазратим, сизнинг улуғ ишончингиз менинг танимга янги бир жон ато қилди! Бироқ... не қилайки, мен дунёдаги барча неъматлардан, ҳатто ўз жонимдан ҳам сиз билан Ҳумоюнни ортиқ кўрурмен. Сиз ҳозир раҳнамолик санъатида беназирсиз. Шундай бўлса ҳам фотиҳларнинг ғаними кўп бўлур. Ҳиндда беадад эл, беадад ёғий. Ўйласам ваҳмим келур!

– Жанг хатарсиз бўлмас. Сиз мунча изтиробга тушмоқдасиз, Моҳим? Сизга не бўлди?

– Мен Ҳумоюн учун ҳам изтироб чекмоқдамен... Ҳеч бўлмаса Ҳумоюн Кобулда қолсин, сиздан ўтинамен, ҳазратим!

Бобур Моҳим бегимга энди озорланиб кўз ташлади: наҳотки у «Эрим хатарли жангда ўлса ҳам ўғлим ёнимда тирик қолсин» демоқчи?

– Ҳумоюн – тахт вориси, – деди Бобур ранжиган товуш билан. – Шунинг учун қўшинда мен билан бирга бориши шарт... Эскидан одат шундайлигини нечун унутдингиз?

Бу одатнинг маъноси шу эдики, агар узоқ юртдаги жангда подшоҳ ҳалок бўлса, тахт вориси дарҳол қўшинга бош бўлиши керак эди, акс ҳолда, қўшин бошқа даъвогарлар томонига ўтиб кетиши мумкин эди. Бобур бу одатни эслатиш билан «Мен агар оламдан ўтсам, ўрнимга Ҳумоюн қолишини истаб, уни бирга олиб кетмоқчиман», демоқчи эди. Моҳим бегим Бобурнинг гапидаги бу маънони фаҳмладию, изтироби баттар ошди. Назарида, Бобур Ҳиндистондан умрбод қайтиб келолмайдигандай, олдиндаги юриш «борсакелмас» юриш бўладигандай туюлди. Моҳим бегимнинг юраги эзилиб, кўзлари жиққа ёшга тўлди.

– Э Худойим! Дунё нечун бундай беомон яратилган? Қачон бехатар кунларга етгаймиз?

Бобур жим эди.

ЛАҲЎР. ПАНИПАТ. ДЕҲЛИ

ЯНГИ ҚИРҒОҚЛАР

1

Қўшин илгарилаган сари ўрмон қалинлашиб борар эди. Чинордай баланд банян дарахтларининг очиқ илдизлари шохларидан пастга осилиб тушиб, ерга кириб кетган. Йўғон чирмовуқлар дарахтдан дарахтга ўтиб, ҳамма ёқни ўраб-чирмаб ташлаган. Оёқ тагида ўсиқ буталар. Ҳаво дим ва рутубатли.

От устида келаётган Бобур енгил шоҳи кўйлак кийган бўлса ҳам терлаб-пишиб кетган. У банянларнинг шамолдан шовуллаётган баланд шохларига термилиб қарайди. Тепада эсиб турган шамол чангалзор ўрмон ичида бораётганларга шабадасини ҳам теккизолмайди.

Ўрмондан маймунларнинг шўх қий-чувлари эшитилиб туради. Гоҳо товусларнинг «қў-ў-ўв» деб кескин ва нохуш овоз билан қичқиргани қулоққа чалинади.

Бир пайт ўрмон ичида туя етаклаб пиёда кетаётган навкарлардан аллақайсисининг жон аччиғи билан чинқиргани эшитилди. Сўнг сафдан-сафга:

– Илон чақибди!

– Кўзойнакли илон! – деган шивир-шивир тарқалди.

Тўп ортилган аравалар томондан оти лойга ботган уста Алиқул ташвишланиб чиқиб келдию, Бобурга арз қилди:

– Подшо ҳазратлари, оғир тўпларни бу чангалзор ўрмондан ўтказиб бўлмас! Оёқ таги лой! Тўп ортилган аравалар ҳаммаси тиқилиб қолди!

Бобур орқароқда келаётган Тоҳирга ўгирилиб қаради:

– Раҳнамони чорланг, бек!

Йўл бошловчи Лаъл Чанд олдинда фил миниб бормоқда эди. Тоҳир уни чақириб келганда Бобур минган саман от филдан ҳуркиб асабий пишқирди. Лаъл Чанд филини тўхтатиб, унинг қулоғига бир нима деган эди, фил хартумини юқорига чўзиб, пастга тушириб қўйди. Лаъл Чанд кафтларини бир-бирига қўйиб, кўзи аралаш пешонасига теккизди-да, Бобур-га таъзим қилди. Бобур унга форсча гапирди:

– Бу йўл бизга тўғри келмади. Бошқа йўл топиш керак.

– Ҳазрат олийлари, бошқа йўлларни сув босган. Бу ер Панжоб. Бешта дарёмиз бор. Ҳаммаси тошган.

– Панжобда аравалар ўтадиган йўл кўп деб эшитганмиз. Бу йўлда аравалар тиқилиб, юролмай қолди. Биз адашдикми?

– Адашганимиз йўқ, ҳазратим. Аравалар қаерда тиқилди?.. Рухсат беринг, фил билан чиқарай. Бугун юрсак, эртага яхши йўлларга чиқамиз. Лаҳўр яқин.

– Филни бошлаб боринг, араваларни чиқариб берсин, – деди Бобур уста Алиқулга. Кичкина жуссали озғин Лаъл Чанд тоғдай баланд қора филга яна унинг хартуми ёрдамида минди. Сўнг филнинг супрадай катта қулоқларига тиззалари билан ниқтаб, қўлидаги учи қайрилган темир хилла – кажак ёрдамида уни ўнгу сўлга йўналтириб, тўп ортилган араваларга қараб кетди.

Туялар тортолмай қолган араваларни фил бирпасда балчиқдан чиқариб берди. Араваларнинг бирида оёғини илон чаққан навкар кўм-кўк кўкариб, инграб ётибди. Унинг тирик қолиши гумон бўлса ҳам яланг оёғининг илон заҳар солган жойига доривор барглар қўйиб боғлашган, заҳар баданга кўп тарқалмаслиги учун тиззасини ола чилвир билан танғиб ташлашган эди.

Аравалар қўзғалди. Фил минган йўлбошловчи яна олдинга ўтиб кетди. Йўл юрганлари сари рутубат кучайиб, нафас олиш оғирлашиб борар эди.

Кун оққанда Рави дарёси томондан юстача қуролли одами билан Ҳиндубек чиқиб келди. Хос навкарлар уни яхши билишарди. Асли деҳлилик сипоҳийлардан бўлган Ҳиндубек Иброҳим Лоди билан келишолмай бундан етти йил олдин Кобулга борган ва Бобурнинг хизматига кирган эди. Қирқ ёшлардан ошган бу йигит Бобурнинг Ҳиндистонга қилган аввалги юришида кўп жасорат кўрсатган эди. Бобурга унинг довюраклиги билан бирга ватанидаги ички парокандаликни тугатиш йўлида кўп қон тўкмасликка, иложи бўлган жойларни жангсиз олишга астойдил интилиши ҳам жуда маъқул тушган эди. Ҳиндубек туркий, форсий тилларни ҳам мукаммал ўрганган, илмли, маърифатли, дилкаш киши бўлганлиги учун Бобурнинг энг яқин мусоҳиб беклари қаторига кирган эди. Бундан олдинги юришда Кашмирдан оқиб келадиган Жилом дарёси бўйидаги Бҳира Ҳиндубекнинг ҳаракатлари би-

лан жангсиз олинганда Бобур бу обод вилоятга Ҳиндубекнинг ўзини ҳоким тайинлаб, Кобулга қайтиб кетган эди. Ҳозирги юришда Бобур Лаҳўрни ҳам қон тўкмасдан жангсиз олиш умидида эди ва Ҳиндубекни воситачи қилиб Лаҳўр амирлари билан музокара олиб бормоқда эди. Бобур Ҳиндубекни узоқдан таниди ва у билан яккама-якка гаплашиш учун отини йўлдан четроққа бурди. Ҳиндубек отдан тушиб, таъзим қилди.

– Сўзланг, бек!

– Ҳазратим, Давлатхоннинг авзои бузуқ. Мени туттирмоқчи бўлганини сезиб қочиб келдим.

– Нечун? Ахир Кобулга ўғли Диловархонни юбориб, биз билан иттифоқ тузган эди-ку. Мен уни отам деган эдим! Қанча яхшиликлар қилган эдим.

– Давлатхон ҳаммасини унутган. Белига иккита қилич тақиб олган. Мен бунинг сирини ўғли Диловархондан сўраб билдим. Бир қилични Деҳли султони Иброҳим Лодига қарши тақкан эмиш. Иккинчи қилични сизга қарши.

– Ўғиллари ҳам ёғийлик мақомидами?

– Диловархон сизга хоҳон, келиб мулозамат қилмоқчи, Лаҳўрни жангсиз бермоқчи. Отаси мени туттирмоқчи эканини Диловархон айтиб, бир фалокатдан қутқарди. Лекин катта ўғли Ғозихон отаси томонида.

– Оламхон-чи?

– Оламхон Иброҳим Лоди билан урушиб мағлуб бўлгандан бери қайта урушишга журъати йўқ. Лаҳўрга борганингизда чиқиб мулозамат қилишга сўз берди. Агар Ғозихон шикаст еса, кўпчилик беклар бўйин эгурлар, Лаҳўр жангсиз олинур. Лекин... ҳазратим, нечун Лаҳўрга бундай ёмон йўллардан бормоқдасиз?

– Панжоблик иттифоқдошларимиз пешвоз чиқарган раҳнамо бизни шу йўлга бошлади.

– Қани ўшал раҳнамо? Ижозат беринг, мен бир тафтиш қилиб кўрай.

Фил минган йўлбошловчини яна чақириб келдилар. Лаъл Чанд филини чангалзорга яқинроқ бир жойда тўхтатди ва яна жуфтланган қўлини пешонасига қўйиб, эгилиб саломлашди. Ҳиндубек ҳам кафтини жуфтлаб, пешонасига текизди-да, ўзини осойишта тутиб, ҳиндча гапириша бошлади:

– Асли қаерликсиз?

– Аграликман, соҳиб.

– Панжобга қандай келиб қолгансиз?

– Иш излаб келганман.

– Шундай зўр филингиз бор экан, Иброҳим Лоди сизга иш топиб бермадими?

– Иброҳим Лоди – хасис. Бутун мамлакатнинг олтинларини йиғиб, хазинасига яшириб қўйган. Қурилишга сарфлаш йўқ. Одамларни ишлатиб, рози қилиш йўқ! Безор бўлдик!

– Тўғри айтасиз, – деди Ҳиндубек. – Мен ҳам Лодиларнинг зулмидан қочиб келганман. Искандар Лоди[1] менинг отамни саркашликда айблаб, қутурган филнинг оёғи тагига ташлаб ўлдирган.

Филбон Ҳиндубекка мароқ билан тикилди-ю:

– Кшатрийлардан мисиз?[2] – деди.

– Ҳа, асли отим Индри. Бобур ҳазратлари Ҳиндубек деб атадилар. Бу ном ҳаммага маъқул бўлди. Хўш, сизнинг отингиз нима?

– Лаъл Чанд.

– Сиз ҳам Иброҳим Лодининг зулмидан қочиб келган экансиз. Энди бу зулмдан бизни ким қутқаради, деб ўйлайсиз?

– Худо.

– Бандаларидан-чи?

Лаъл Чанд ўйланиб қолди:

– Давлатхонми? – деди Ҳиндубек.

– Давлатхон – сахий одам. Ғозихон ҳам Иброҳимдан яхши.

Ҳиндубек овозини пасайтириб сўради:

– Ростини айтинг, сиз бу қўшинни нега бу йўлдан бошлаб боряпсиз?

– Ғозихон айтган йўл шу.

– Ғозихон нега ўтиб бўлмайдиган ёмон йўлдан юргин деган, биласизми?

– Булар учун яхши йўл шу.

– Нега? Булар сизга нима ёмонлик қилди?

– Битта золим подшоҳ – Иброҳим бизга озмиди? Яна биттаси келяпти!

– Ғозихон сени алдаган!

---

[1] И с к а н д а р Л о д и – Иброҳим Лодининг отаси. 1517-йилда ўлган.

[2] К ш а т р и й – ҳиндлардаги асосий тўрт табақанинг бири, ҳарбийлар.

Лаъл Чанд филини чангалзор томонга кескин бурди-ю, қичқирди:

– Булар босқинчилар! Булар Бажавр қўрғонида уч минг йигитимизни қиличдан ўтказган! Шаҳар-қишлоқларимизни талатган!

Лаъл Чанд шундай дер экан, филини чоптириб, ўрмон ичига қараб қочди.

– Ҳазратим, бу раҳнамони туттиринг! Бу – ёғий кишиси! Сизни хароб қилмоқ учун ёмон йўлга бошлаган!

– Тутинг уни! – қаҳрланиб қичқирди Бобур. – Нобакорни олдидан тўсиб чиқинг! Тез!

Отлиқлар филнинг кетидан интилдилар. Улардан учтаси катта банан дарахтини айланиб ўтиб, филнинг йўлини тўсиб чиқдилар. Филбон қўлидаги темир кажак билан филни қаттиқ хиллалаб, бир нарса деб қичқирди. Фил отларнинг бирини оёғи билан тепиб йиқитди, иккинчи отнинг бўйнига хартумини ўраб, силтаб итқитиб юборди. Буни кўрган учинчи отлиқ дарахт панасига қочиб, зўрға қутулиб қолди.

Қаҳри келган фил баҳайбат товуш билан наъра тортиб, йўлида учраган йўғон чирмовуқларни узиб ўтар, катта-катта шохларни қарсиллатиб синдирар ва отлиқлар киролмайдиган қалин чангалзорда тобора узоқлашиб борар эди.

– Ўқланг! – деб қичқирди Бобур.

Лаъл Чанд филнинг улкан бўйнига бағрини бериб, унинг баланд сағриси ва қулоқлари панасида биқиниб ётар эди. Орқадан ёғдирилган ёй ўқларининг кўпини дарахтларнинг шохлари ва чирмовуқлар ўтказмади. Уч-тўртта ўқ шохлар орасидан ўтиб, филнинг орқасига урилди, лекин пўлатдай қаттиқ ва қалин фил терисига ботолмай, ерга учиб тушди. Уста Алиқулнинг тўфангдозлари милтиқларини ўрмонга тўғриладилар. Бироқ барқандозлар чақмоқ чақиб, то милтиқ пилтасини ёндиргунларича Лаъл Чанд минган фил йўғон ва қалин дарахтлар панасига ўтиб кўзга кўринмай кетди. Фил зарбасидан йиқилган ҳар икки от ердан туролмай уялаб ётар, уларнинг устидаги навкарлар ўлган бўлмаса ҳам оёқ-қўллари шикастланган эди.

– Ярадорлар аравага олинсин! – буюрди Бобур. – Бизни адаштириб ҳалок қилмоқчи бўлган нобакор жазоланмоғи керак! Тўфангандозлар отланиб, ўрмонни айланиб ўтсинлар! Тўфангандозлар шоша-пиша отланиб, айланма йўл излай бошладилар. Аммо ҳамма ёқ чангалзор, ботқоқлик эди.

– Қани, Ҳиндубек, энди бизга сиз раҳнамолик қилинг!

– Бош устига, ҳазратим!

Ҳиндубек кечки пайт уларни кенг бир кўкламзор водийга бошлаб чиқди. Беҳад чарчаган Бобур шу кўкаламзорга чодир тикдирди.

Ўрмонда кийимлари тирналиб йиртилган, отлари лойга беланган тўфангандозлар Лаъл Чандни тополмай қайтдилар. Шунинг устига Лаҳўрдан амир Давлатхон, унинг ўғли Диловархон эллик-олтмишта мулозим ва навкарлари билан Бобурнинг қароргоҳига яқинлашишди. Диловархоннинг аввалдан хайрихоҳлигини яхши биладиган Бобур хиргоҳда уни ўрнидан туриб кутиб олди ва ўнг томонда ўтирган эътиборли беклари орасидан жой кўрсатди.

– Жаноб Диловархон, падари бузрукворингиз нечун иттифоқни бузиб, бизга ёғийлик мақомида қилич қайрамишлар?

– Ҳазрати олийлари, отамни оғам Ғозихон йўлдан урди. «Ёт қўшин келса, Лаҳўр биздан кетади, булар ҳам бизга Иброҳим Лодийдай душман», деб ишонтирди.

– Шунинг учун Давлатхон алдамчи раҳнамо юбориб, бизни ўрмон ичида адаштирган экан-да?

– Аммо бу фитнадан отамнинг хабарлари йўқ, ҳазрати олийлари! Бу – Ғозихоннинг иши. Агар отам шундай қилганларида бу ерга ўзлари келмас эдилар. Лаҳўрда қон тўкилмасин деб, сиздан иноят истаб келдилар.

– Бизнинг иноятларимизга фақат сиз муносибсиз, жаноб Диловархон! Аммо отангиз қилмишларига яраша жазо олгусидир! – Бобур шиғовулга юзланди: – Давлатхон сўнгги пайтларда белларига иккита қилич тақиб юрган эмиш. Қани, ўша қиличларини биз ҳам бир кўрайлик... Ҳар икки қилични бўйнига осиб киритинглар!

Кўп ўтмай икки зўр навкар оппоқ соқолли кекса Давлатхонни икки билагидан маҳкам ушлаб чодирга олиб кирди. Чол навкарларнинг қўлидан бўшамокчи бўлиб асабий силтанар, унинг бўйнига осилган икки узун қилич кўкрагига урилиб селанглар эди. Давлатхон Бобурга алам билан тикилиб деди:

– Подшоҳ ҳазратлари, мен асир олинган эмасмен, ўзим келдим! Бу қандай шафқатсизлик?

– Сиз мендан элчи бўлиб борган Ҳиндубекни туттирмоқчи бўлибсиз! Агар ниятингизга етганингизда Ҳиндубек омон қолмас эди! Кейин биз ҳам чангалзорда балчиққа ботиб,

Ғозихоннинг қопқонида жон берармидик? Бизга шафқат қилганларинг шуми? Шафқатсизларга биз ҳам шафқатсизмиз! – Бобур шиғовулга буюрди: – Бу одам оиласи билан бирга Лаҳўрдан Бҳирага бадарға этилсин. Бҳиранинг Милват қўрғонида ҳибсда сақлансин!

Бўшашиб ҳеч нарса деёлмай қолган Давлатхонни олиб чиқиб кетдилар.

2

Куз ва қиш ўтиб бораётган бўлса ҳам, дарахтлар яшил либосини ечмас, «дун» деб аталадиган бағри кенг, сайҳон Ҳинд водийлари йил бўйи баҳордагидай кўкалам бўлиб турар эди.

Жамна дарёси бўйлаб жанубга томон ҳаракат қилиб бораётган Бобур қўшини Деҳлидан эллик чақиримча шимолдаги Панипат шаҳрига келиб тўхтади. Деҳли султони Иброҳим Лоди юз мингга яқин аскар ва бир ярим минг ҳарбий фил билан Агра томонидан яқинлашиб келмоқда эди. Иброҳим Лоди шу филлари ва аскарлари билан бултур Деҳли бўсағасида Оламхон, Диловархон ва бошқа душманларининг қирқ минг кишилик қўшинини тор-мор келтирганди. Бобурнинг қўшини эса ўн икки мингдан ошмас эди. Ёвнинг сон жиҳатидан беқиёс даражада устунлиги кўпчилик бек ва навкарларнинг қалбига ғулғула солар эди. Агар мағлуб бўлишса, атроф ҳаммаси нотаниш ерлар, бегона юрт, қаерда жон сақлашади?

Ички беклар орасида юрган Тоҳир кўпроқ Бобурнинг ҳарбий тажрибасига ва уста Аликул бошлиқ тўфангандозлар ва тўпчиларнинг қуролларига умид боғлаган эди. Жаҳонда ҳали жуда кам тарқалган бундай қуроллар Иброҳимнинг қўшинида йўқ эди. Бобур ўзида йўқ ҳарбий филлар ҳужумини мана шу қуроллар кучи билан бартараф қилиш фикрида эканини Тоҳир билар эди.

Улар Панипат шаҳри билан Жамна дарёсининг оралиғидан тўфанг ва тўп отиш учун қулай бўлган бир жойни топишдию, яқин-йироқлардан олиб келинган барча араваларни яримдоира шаклида саф қилдиришди. Етти юздан ортиқ арава бир-бирига занжирдай маҳкам тиркишлар[1] билан боғланди. Араваларнинг олди ва ораларига ёй ўқи ўтмайдиган те-

[1] Т и р к и ш – ҳўкизнинг хом терисидан эшилган арқонсимон нарса.

мир қалқонлар ўрнатилди. Тўфангандозлар ва тўпчилар шу қалқонлар ортига бекиниб ўқ отишни машқ қилдилар.

Аравалар баланд бир тепаликнинг этагига – олди нишаб жойга келтирилди. Улар ўз-ўзларидан юриб кетмаслиги учун ғилдиракларнинг тагига ёғоч тўсиқлар тираб қўйилди.

Ҳарбий машқлар ўтказилган куни Бобур аравалар ортидаги тепаликда отлиқ туриб, ғилдираклар олдидаги ёғоч тўсиқларни бирваракайига олишни ва барча араваларни баробар юргизиб кўришни буюрди.

Мулозимлар қаторида юрган Тоҳир аравалар сафининг нариги четига от чоптириб бориб, саркарданинг буйруғини Мустафо тўпчига етказди. Ҳамма пиёдалар, тўпчилар, зарбзан ва барқзанлар[1] буйруқни бажаришга ҳозирландилар. Ҳаммага кўринадиган жойда турган уста Алиқул:

– Аравалар сурилсин! – деб қичқирди.

Аравалар баъзиси ҳадеганда ўрнидан жилмади, баъзилари эса бирдан тезлаб кетди. Аравалар сафи эгри-бугри бўла бошлади, ора-орага боғланган тиркишлардан бир қанчаси узилди, темир қалқонлар қулаб тушди.

– Тўхтанг! – буюрди Бобур. – Машқни такрорлатинг, жаноб Алиқулбек, токи бирорта тиркиш узилмасин, бирорта қалқон ҳам қуламасин!

Одамлар терлаб-пишиб араваларни юқорига судраб чиқа бошладилар.

Бу оғир ишдан баъзи навкарлар ўзларини четга олса, ўнбошилар аямай сўкар, ҳатто урар эдилар.

– Машқ пайтида навкарни аяманг, – деди Бобур Алиқулбекка. – Ҳозир аясангиз, жангда мағлуб бўлиб ўлиб кетур.

Бобур тепаликдан тушиб, дарё томонга йўл олди. У ёқда фил ўтолмайдиган чуқур хандақлар қазилган, энди баъзи жойларга шох-шабба босиб, иҳота ясашмоқда эди. Хизмати юзасидан Бобурга эргашиб, уни қўриқлаб юрадиган Тоҳир хандақлар ва шох-шаббаларга қараб ўзича ўйланди: «Шунча тайёргарликларга яраша ёғий тўғримиздан келса яхши-я! Агар шаҳарни айланиб ўтиб орқадан келса ҳаммаси беҳуда кетади!»

Бироқ шаҳарнинг нариги томонига бориб келган чиғдовуллар у ёқдаги ботқоқлик ва чангалзорлардан катта қўшин ўтолмаслигини аниқлаб келдилар. Ўнг томонда Жамна дарё-

[1] Барқзан – чақмоқ чақиб, милтиқнинг пилтасини ёндирадиган одам.

си. Чапда Панипат шаҳрининг аҳолиси тиғиз маҳаллалари. Иброҳим Лоди бу маҳаллаларни қўшинига топтатиб, шаҳар оралаб келмас. Демак, уни фақат тўғридан кутиш мумкин. Лекин салкам ўн баробар катта куч билан келаётган ёвга бу аравалару хандақлар туриш берармикин?

Бир вақтлар Кобулда Андижон ва Қуваларни эсласа юраги эзиладиган Тоҳир энди Кобулни эсласа юраги соғинчдан орзиқади. Кобулда унинг ўн беш йил истиқомат қилган уйи бор, хотини Робия, мадрасада ўқиётган ўғли Сафарбек, ёлғиз тоғаси мавлоно Фазлиддин бор. Олдиндаги жанг таҳликасидан кўнгли безовта бўлиб юрган Тоҳир: «Ишқилиб ўлим бўлмасин-да, – дейди ўзича. – Агар шу гал ҳам тирик қолсам, сипоҳийликни бас қилардим. Ёш ҳам элликка бориб қолди. Қачонгача бегона юртларда тентираб юрамен? Сафарбек катта йигит бўлиб қолди, бу йил мадрасани хатм қилиб, муҳандис бўлади. Кейин бошини иккита қилиб қўйсам... Ё Худо! Ўғлимнинг тўйини кўриш менга насиб қилганмикин-а? Робияни яна кўрармикинман-а?»

Юракка ғулғула солувчи бу изтиробли ўйларни ичкилик бироз босар эди. Тоҳир кўпдан бери беклар даврасида юриб, кўнглининг чигалини ичкилик билан тарқатишга анчагина одатланиб қолган эди. Ҳиндистонда узум кам, шунинг учун чоғир танқис, лекин маҳва деган дарахтнинг баргидан олинадиган ўткир ароқ учраб турар эди. Иброҳим Лоди билан жанг бўлишидан бир кун олдин Тоҳир шу ароқдан кўпроқ ичган эди. Саҳар палла бадани тиришиб уйғонди. Оғзи тахир, боши лўқиллаб оғрийди. У ёқ-бу ёққа ағдарилиб, яна ухламоқчи бўлиб кўрди, лекин ухлай олмади. Шундан кейин туриб, сопол кўзанинг тагида қолган ароқдан уч-тўрт қултум ичиб, сабуҳий қилди.

Шу пайт бирдан довуллар ва нақоралар чалиниб, ҳаммани сафланишга чорлай бошлади. Чиғдовуллар Иброҳим Лодининг бостириб келаётгани ҳақида хабар берган эдилар. Сабуҳийдан яна кайф қила бошлаган Тоҳир этиги билан жибасини анча вақт имиллаб кийди.

Бир қулоғи Самарқандда кесилган Мамат сўнгги йилларда Тоҳирнинг отбоқарига айланган, лекин эски қадрдонлиги ва бир-икки ёш катталиги туфайли гоҳ уни койиб ҳам қўяр эди.

– Саҳари мардондан ичиб нима қилар эдингиз, бек! – деб пўнғиллади Мамат.

– Гапни кўпайтирмай кўк отни тезроқ келтиринг! – буюрди Тоҳир.

Сўнгги йилларда хийла озиб, юз-кўзлари аввалгидан ҳам ортиқроқ бўртиб қолган Мамат отлар боғланган томонга чопиб кетди. Ёв яқинлашиб келаётгани ҳақидаги хабардан кўп одам жонсарак бўлиб, у ёқдан-бу ёққа югурмоқда эди.

Мамат кечаси ечилиб кетган кўк отни тутиб олгунча анча овора бўлди. Одатда, от кечаси эгарлоғлиқ қолса, айили, қоринбоғи бўшатиб қўйиларди. Тўполонда Мамат шошилиб айилни маҳкамлашни хаёлидан қочирди.

Тезроқ Бобурнинг ҳузурига етиб бориши керак бўлган Тоҳир узангини излаб ўтирмади-ю, отнинг бўйнидан олиб, устига сакраб минди. Шунда эгар бир чайқалди. Тоҳирнинг кайфи бўлмаганда эҳтимол, эгарнинг яхши урилмаганини тез сезган бўларди, отдан тушиб айилни маҳкамлаб олар эди. Лекин у эгарда чайқалганини сабуҳийдан кўрди-да, оёқ тираб, отни тез орқага бурди.

Анчадан бери боқувда ётиб, кучи танасига сиғмай кетган кўк бедов орқа оёқларига тикка туриб, оғзидан кўпик сочиб, бурилди. Шунда бирдан эгар оғиб, отнинг қорнига тушдию, Тоҳир елкаси билан ерга гурсиллаб йиқилди.

Мамат чопиб келиб, бир қўли билан отнинг жиловидан олди ва иккинчи қўли билан Тоҳирни суяб турғизди. У Тоҳирни кайфи борлиги учун йиқилди деб ўйлаб кулиб гапирди:

– Тоҳиржон, бек бўлдингиз-у ичадиган ҳунар чиғардингиз-да! Бу сабилни кўп ичманг демаганмидим!

Тоҳир юмшоқ ерга йиқилгани учун ҳеч қаери лат емади. Лекин катта жанг арафасида шундай аҳмоқона йиқилиши унга машъум бир фалокатнинг хабарчисидек туюлди. У қаҳр билан сўкиниб, Маматга эгарни кўрсатди.

– Айилни ким бўшатиб қўйган эди?

Мамат кечаси от дам олсин деб бўшатиб қўйган айилини эрталаб маҳкамламаганини энди пайқади.

– Тўполонда эсимдан чиқибди-я! Ҳей, мен хомкалла!

Мамат энди ўзидан кулиб, айилни торта бошлади. Тоҳирнинг арақдан лойқаланган тасаввурида Мамат уни йиқитиб, устидан кулиш учун айилни атайлаб бўшатиб қўйгандай кўринди. Илгари иккови ҳам навкар бўлган пайтларида Тоҳир бундай ҳазилларга кулиб кетаверар эди. Лекин ҳозир...

– Сен менинг бек бўлганимга бахиллигинг келиб шундай қилгансан! – деб у бирдан Маматни сенсираб сўка бошлади: – Сен менга ўлим тилаганингми бу?

Тоҳир ғазабдан титраб, белини пайпасладию, қамчисини қидирди. Қамчи ерда ётар эди. Гуноҳ қилган навкарларни сўкиш, уриш беклар орасида кенг тарқалган одат эди. Бу одат Тоҳирга ҳам озми-кўпми юққан эди. Лекин у ўттиз йиллик қадрдони Маматга ҳали бирор марта мушт кўтармаган эди. Мамат ерда ётган қамчинни олиб Тоҳирга узатди:

– Манг, гуноҳим учун қамчиланг, лекин бундай гапларни айтманг! Мен сизга ўлим тилайдиган бахиллардан эмасмен!

Мамат яна Тоҳирдан кулаётгандай, ўзини ундан олижаноброқ қилиб кўрсатаётгандай туюлди. Тоҳир:

– Шундай кунда йиқитганинг – ўлим тилаганинг эмасми? – дедию унинг пешонаси аралаш бошига қулочкашлаб мушт урди.

Мамат уч-тўрт қадам нарига учиб кетди ва кўзи тиниб ерга ўтириб қолди. Пешона суяги Тоҳирнинг қўлига тошдай қаттиқ тегди, бош бармоғи «қирс» этдию, ўткир бир оғриқ миясига чиқиб борди.

«Бошмалдоқ синди-ёв! – деди Тоҳир ичида. – Қилич тутадиган ўнг қўлнинг бошмалдоғи. Бунга ҳам мана шу сабабчи!»

Бу ўйдан унинг ғазаби яна бир даражада ошди. Ўрнидан туришга интилаётган Маматни чап қўли билан ҳам уриб ерга йиқитди.

Орқадан етиб келган барваста бир йигит орага тушди.

– Қўйинг, бек оға, бир марта кечиринг! Мамат оға сиз учун жонини беради-я! Айилни мен бошқатдан тортиб берай! Мана, ҳозир, ҳозир...

Тоҳир айили тортиб боғланган отга минганда қаттиқ оғриётган қўлига тикилиб қаради. Бош бармоғи шишиб кетган, қимирлатса, оғриғига чидаб бўлмас эди.

«Мендан омад кетди!» ўйлади Тоҳир мулозимлар тўпланаётган томонга от чоптириб борар экан.

Унинг кетидан эргашган йигирматача отлиқ навкарлари орасида пешонаси ғурра бўлган, юзи бўздай оқарган Мамат ҳам бор эди. Бек минг уриб-сўкканда ҳам навкар унинг кетидан қолмаслиги керак эди.

* * *

Жамна дарёсининг чап томонидан чиққан офтоб найзабўйи кўтарилганда ёв қўшинининг тиғиз сафлари аниқ кўрина бошлади. Охири уфққа бориб тақалган беҳисоб кўп қўшиннинг ҳар ер-ҳар еридан ҳарбий филларнинг улкан гавдалари чўққиларга ўхшаб чиқиб турарди. Энг катта оқ филнинг устида ўтирган Иброҳим Лоди атрофга худди тепалик устидан қараётгандек ҳамма ёқни баҳузур кўрар эди. Бобур бир-бирига боғлаб ташланган аравалар ортидаги тепаликда туриб, ёвнинг яқинлашишини кутмоқда. Унинг ўнг қанотига ўғли Ҳумоюн жавобгар эди. Хўжа Калонбек, Ҳиндубек каби энг синалган беклар барча навкарлари билан Ҳумоюннинг ихтиёрига берилган. Марказни тўпчилар ва тўфангандозлар эгаллаган. Ҳар икки қанотнинг икки четида тўлғама учун ажратилган отлиқлар тайёр турибди. Иброҳимнинг ҳарбий филлар ҳимоясига таяниб урушадиган қўшинида пиёдалар кўплиги ва сафлар тиғиз бўлиши маълум эди. Бундай ҳолларда Шайбонийхон тажрибадан ўтказган тўлғама усули кўл келишини Бобур яхши биларди. У ҳам Шайбонийхонга ўхшаб тўлғамага ажратилган аскарларга отларнинг энг чопқирларини саралаб берган эди.

Тоҳир ички беклар ва хос навкарлар билан бирга подшоҳдан орқада турибди. Бобурнинг икки ёнини алоқачи беклар, ясовуллар ва чопарлар эгаллаганлар. Бобур уларга иш буюрар экан, овози ички бир куч ва ишонч билан жаранглаб эшитиларди. «Шу одамнинг паноҳида неча қирғинлардан омон чиқдинг, – деди Тоҳир ўзига-ўзи тасалли бериб. – Бобур мирзо бор экан, сенга ҳеч нима қилмайди».

Дарё билан шаҳар оралиғини тўлдириб ваҳимали қора булутга ўхшаб келаётган Иброҳим Лодининг қўшини қаршисида ҳаракатсиз тек туриб кутиш оғир эди. Кўпчилик бек ва навкарлар фурсатни бой бериб қўяётгандек сабрсизланишар, лекин Бобур:

– Ҳеч ким буйруқсиз қўзғалмасин! – деб ҳаммани қаттиқ тутиб турарди.

Иброҳим Лоди Бобурнинг қўзғалмасдан кутиб турганини, икки орада юзлаб аравалардан ясалган мустаҳкам девор ва чуқур хандақлар борлигини кўрди-ю, қўшинини тўхтатди. Лашкарбошиларни чақириб, асосий зарбани ёвнинг ўнг қанотига бериш ва шаҳар томондан айланиб ўтиш ҳақида

буйруқ берди. Бироқ юз минг қўшинга то янги буйруқни тарқатиб, уни шаҳар томонга бургунча анча вақт ўтди.

Бобур дарҳол мана шу вақтдан фойдаланди. Унинг буйруғи билан тўлғамага ажратилган икки минг отлиқ жойидан қўзғалди. Чопқир отлар ёв қўшинининг икки қанотига тегмай ўтдию, бехавотир келаётган орқадаги отлиқлар ва пиёдаларга ҳамла қилди.

Ҳумоюн бошлиқ тўрт минг отлиқ ўнг томондан ёвнинг йўлини тўсиб чиқди. Чап қанот ҳам жангга тушди. Марказдаги араваларнинг ора-орасидан тўплар устма-уст ўқ ёғдира бошладилар.

Тўрт томондан яшин тезлигида бирваракайига қилинган ҳамлани тепадан кузатиб турган Тоҳир Бобурнинг саркардалик тажрибасига ўзича қойил бўлиб қўйди. У ҳарбий санъатни фақат дўстларидан эмас, душманларидан ҳам ўрганган эди. Бобур тўп ва милтиқ ишлатишнинг аҳамиятини биринчи марта иттифоқдош Шоҳ Исмоилга қараб билган бўлса, тўлғама ишлатишда ашаддий ёвлари Шайбонийхон ва Убайдуллахоннинг тажрибасини ўзлаштирган эди. У аччиқ мағлубиятлар жараёнида орттирган барча ҳарбий тажрибаларини бугун гўё ягона бир муштга тугиб, майдонга усталик билан ташлади-ю, ташаббусни дарҳол қўлга олди.

Бобурнинг бутун режаси – ёв қўшинини тўрт томондан ўраб олишга ва қанотларини ичкарига қайириб ташлашга қаратилган эди. Лекин ўраб олинган ёв Бобур қўшинига нисбатан етти-саккиз баробар кўп эди, чопқир отлар баҳайбат филларнинг бир зарбасидан юмалаб йиқилиб кетарди. Шу сабабли Иброҳим Лоди аскарлари ҳали ўнгда, ҳали сўлда Бобур қўшинининг ҳалқасини ёриб чиқарди. Бобур ёнида турган алоқачи беклар ва ясовулларни кетма-кет жанг майдонига чоптирар, ёвнинг қўли баланд кела бошлаган қанотларга марказдан кўмак юбортирар эди. У марказни ёвга атайлаб очиқ қолдирмоқда эди, чунки ҳали ҳаракатсиз турган аравалар ва тўфанглар марказга қўйилган эди.

Икки томондан ва орқадан устма-уст зарба берилавергандан кейин Иброҳим Лодининг асосий кучлари ва ҳарбий филлари марказга ташландилар. Шунда Бобур араваларнинг ғилдираклари тагидаги ёғочларни олишни буюрди.

Етти юз арава жойидан қўзғалиб ёв қўшинининг рўпарасидан чиқди. Аравалар устидан тўплар, ора-орадан эса

тўфанглар яқин келиб қолган ёвга ўқ ота бошлади. Тўпларнинг гумбурлаши, милтиқларнинг қарсиллаши, борут тутуни, ҳар қандай қалқонни тешиб ўтадиган оловли ўқлар зарбаси ва яна бунинг ҳаммаси беҳисоб аравалар шаклига кириб ўз-ўзидан юриб келаётгани ёв қўшинини даҳшатга келтирди. Филлар яродор бўлиб бўкира бошлади. Филбонлар талвасага тушиб, филларни орқага бурдилар. Орқада эса ғуж-ғуж отлиқлару пиёдалар бир-бирига аралашиб кетган эди. Итар-итар, ур-сур бошланди. Яраланиб қутурган филлар отлиқларни йиқитиб, пиёдаларни босиб янчиб ўта бошлади.

Тўплар ва милтиқлар ҳамон ўқ отмоқда. Тўп ўқи теккан филлардан бир қанчаси пиёдалар устига ағанаб тушди. Орқадан келаётган отлар ва филлар ўзларини тўхтатолмасдан ағанаб ётган филларга суриниб йиқилишарди. Кетма-кет бир-бирини итариб, суриб келганлари олдин йиқилганларнинг устига қулашар ва ўтиб бўлмайдиган тўсиққа айланишарди. Бу қиёмат ур-йиқитдан қочиб қутулушнинг иложини топган филбонлару отлиқлар жон-жаҳдлари билан қочишга тушдилар. Орқада тўлғама ишлатган отлиқларнинг сафи анча сийраклашиб қолган эди. Филлар бу сафни бирпасда ёриб ўтдилару Деҳли томонга интилдилар. Тепалик устидан бунинг ҳаммасини кўриб турган Бобур:

– Ёғий Деҳлини бекитмоқчи! – деди ва алоқачи беклари турадиган ўнг томонга ўгирилди. Бироқ алоқачи беклар, чопарлар ва ясовуллар ҳаммаси бирин-кетин жанг майдонига махсус топшириқлар билан юборилганича қайтиб келишмаган эди. Эҳтимол, уларнинг баъзилари ўлгандир ёки яралангандир – жанг бусиз бўлмайди. Бобур отини буриб, ички беклари ва навкарлари томонга юзланди. Шунда унинг кўзи Тоҳирга тушди. Тоҳир махсус фармонларни ҳамиша яхши адо этиб келганини эслади:

– Тоҳирбек, Иброҳим Лоди қочдими ёки жанг майдонида қолдими, шуни аниқламоқ керак. Агар қочган бўлса хосса тобиндан[1] қувғинчи юборгаймиз.

Тоҳир чанг-тутунга бурканиб жаҳаннам бўлиб ётган жанг майдонига кўзи жавдираб қарадию, синган бошмалдоғини эслаб, овози қалтираб деди:

– Бош устига, ҳазратим!

[1] Т о б и н – резерв, захира.

Шу пайт жанг бўлаётган томонда оёғига ўқ тегиб, узангисидан қон сирқиб оқаётган бир ясовул от чоптириб келди.

– Ҳазратим, зафар бизники! – деди у ҳансираб. – Ёғий қочди!

– Иброҳим ҳам қочдими?

– Қочган филлар орасида Иброҳимнинг оқ филини кўрдим! Қочди!

– Бўлмаса, дарҳол изига тушмоқ керак! Тоҳирбек, сиз тўхтанг! Жаноб Қосимтой мирзо!

– Лаббай, ҳазратим! – деб қирқ ёшлардаги норғул бек сафдан олдинга чиқди. Туркистонда туғилиб-ўсган бу бекнинг Улуғбек мирзога узоқ қариндошчилиги бор эди. У ўн беш йилдан бери Бобур ҳузурида хизматда эди.

– Агар Иброҳим Лоди Деҳли ёки Аграга етиб, бу қалъаларни бекитса, муҳориба-ю муҳосара қайтатдан бошланур, – деди Бобур Қосимтой мирзога. – Ҳолбуки, биз Деҳли билан Аграни жангсиз олиш умидидамиз. Ёғийнинг бизга ҳамла қилиш эҳтимоли энди бартараф бўлди. Жаноб Қосимтой, хосса тобиндан минг кишини олинг. Беклардан Бобочуҳра... Тоҳирбек навкарлари билан... Иброҳимни қувланглар. Агар Деҳлида тўхтамай яна қочса, Аграгача кетидан қолманглар, токи бу шаҳарларни беркита олмасин. Кетларингиздан биз изма-из етиб борурмиз!

– Фармони олийга жонимиз фидо! – деди Қосимтой мирзо.

– Сиз бизнинг илғоримизсиз. Тангрим ёрингиз бўлсин! Енгинг-у енгилманг!

– Омин!

Шундай ғолибона жангда илғор сафда бўлиш Тоҳирнинг кўнглини кўтарди-ю, синган бошмалдоғининг оғриғи ҳам сезилмай қолди. У навкарларини ёнига олиб, жанг майдонига ҳаммадан олдин кириб келди. Офтоб тиккага келган. Кун иссиқ. Чекинаётган ёв беш-олти бўлакка бўлиниб кетган.

Баъзиларини Ҳумоюннинг одамлари, баъзиларини Хўжа Калонбекнинг навкарлари таъқиб этмоқда. Лекин уларнинг отлари эрталабдан бери у ёқдан-бу ёққа чопиб, чарчаб қолган. Тоҳирларнинг тобинда дам олиб турган отлари жангдан толиқиб қолган отлиқлардан ўтиб, ёвга бирпасда етиб олди.

Енгилган қўшин бўлиниб-бўлиниб қочаётган бўлса ҳам чўғи жуда катта экани яқин борганда билинди Тоҳирга. Ҳар тўпда етти минг-саккиз минг келадиган қўшин. Уларга нисбатан қувиб келаётганларнинг тўпи жуда кичик. Ёвнинг ҳар тўпида

қатор-қатор филлар келяпти. Лекин уларнинг орасида оқ фил йўқ. Балки Иброҳим филдан тушиб, от миниб кетаётгандир?

Қосимтой билан Тоҳир ўзаро маслаҳатлашишди-ю, ёвнинг кичикроқ кўринган бир тўпини икки ёнидан айланиб ўтиб, олдиларидан тўсиб чиқишди ва бир сурув филни эгалари билан асир олишди. Уларнинг орасида Иброҳим Лоди йўқ эди.

Қосимтой филбонларни ҳинд таржимон орқали сўроқ қила бошлади.

– Айт, Иброҳим Лодининг қайси тўпда кетаётганини кўрсатиб берса озод қиламен! Филбонлардан бири орқада қолган жанг майдонини кўрсатиб, куйиб-пишиб алланарса деди:

– Иброҳим минган фил яраланиб йиқилган эмиш, унинг ўзи ўлганмиш, – деди таржимон. Лекин Қосимтой бунга ишонмади:

– Бизнинг одамлар Иброҳимнинг қочганини кўрган. Сўра, ростини айтсин, бўлмаса боши кесилгай!

Биринчи филбон яна аввалги гапини такрорлади. Иброҳим чиндан ҳам жанг майдонида ўлган эди. Лекин Қосимтой филбоннинг гапидан кўра боя Бобурга ахборот берган ясовулнинг гапига кўпроқ ишонар эди. Қосимтой сиқиштира бергандан кейин бошқа бир филбон тусмол билан Иброҳимнинг дарё бўйлаб кетиб бораётган катта тўпда эканини айтди. Учинчи бир филбон ўнг томонда кетаётган тўпни кўрсатди. Қосимтой ҳамма филбонларни филлари билан бирга махсус навкарларга топшириб, Бобурнинг ихтиёрига юборди. Кейин дарё бўйлаб чекинаётган тўпнинг кетидан тушдилар. Бу тўпда фил минган, от минган ва Лоди қўшинининг энг жанговар қисми ҳисобланадиган ражпутлар кўп эди. Қосимтой дарё томонда, Бобобек билан Тоҳир ўнгдан айланиб ўтиб, уларнинг йўлларини тўсиб чиқдилар. Ражпутлар таъқиб ётаётганларнинг нисбатан оз эканлигини кўрдилар-у камонларига ўқ ўрнатиб, қилич яланғочлаб, дадил жанг қила бошладилар. Тоҳир камонига ўқ ўрнатиб отаётганда синган бармоғининг жонсизланиб, ишламай қолганини сезди. Ўқнинг учини бошқа бармоқлари билан тутиб, камонни тортиб отди. Ўқ қилич яланғочлаб келаётган қора бир одамнинг кўзи аралаш юзига тегди. Ўқ еган ражпут бир қўли билан юзини чангаллаб, отдан йиқилиб тушди. Бу орада полвонтахлит бир ражпут Тоҳирга яқин келиб қолди. Тоҳир камонига қайта ўқ ўрнатишга улгурмаслигини сездию, қиличини суғурди. Ражпут полвони олтита кескир тиғи бор чакра деган қуролини кўтарди. Тоҳир унинг чакра тутган қў-

лига қараб қилич сермади. Қилич чакрага қарсиллаб текканда Тоҳирнинг синган бошмалдоғидан баданига шундай оғриқ тарқалдики, вужуди зирқираб кетди. Шишиб кетган бошмалдоқ қиличнинг дастасини қўлидан қандай чиқариб юборганини билмайди. Фақат қилич ерга учиб тушганини кўриб, белидан ханжарини олмоқчи бўлди, лекин улгурмади. Олти тиғли кэскир чакра унинг бўйни ва ўнг елкасига шундай бир зарб билан урилдики, кифтидан энгагигача ҳамма жойини қиймалаб ташлагандай туюлди. Тоҳир кўзи тиниб отнинг ёли устига кўкраги билан тушганда чакранинг яна бир зарбаси унинг зирҳли кийимига қарсиллаб урилди. Тоҳир даҳшатли оғриқ ичида: «Энди бу мени отдан йиқитмагунча қўймайди! – деб ўйлади. У отдан йиқилса жасади туёқлар тагида қандай мажақланишини тасаввур қилди-ю: – Тезроқ ҳушимдан кетсам эди!» – деди.

Шу пайт Мамат етиб келиб, дастаси узун ойболтани чакра кўтарган ражпутнинг қўлига урди. Чакра ерга тушиб кетди. Мамат қонга беланиб, эгардан сирғалиб туша бошлаган Тоҳирни тез ўнгариб олдию, жанг майдонидан олиб чиқди.

3

Деҳлига отасидан олдин кириб келган Ҳумоюн Жамна дарёсининг ўнг қирғоғидаги қизил деворли улкан қалъани жангсиз эгаллади. Иброҳим Лодининг қалъадаги хазиналарини муҳрлаб, ишончли посбонларга топширди-да, уч юзтача хос навкари билан шаҳарни айланишга чиқди.

Унда-бунда учрайдиган паст-баланд тепаликларни ҳисобга олмаганда, Деҳли – кўкалам бир текисликка жойлашган ва четларини кўз илғамайдиган катта шаҳар эди. Тиғиз жойлашган уйлар, маҳалла-кўйлар беҳисоб, лекин кўчаларда одам кам – нотаниш фотиҳлардан чўчиб, уйларидан чиқмай ўтирганлар кўп.

Ҳумоюн қайси кўчадан ўтмасин, бесаранжом бир синчковлик билан эшик-деразалар тирқишидан, девор тепаларидан қараб турган ўнлаб кўзларни кўради.

Муқаддас дарё ҳисобланган Жамна бўйида тўп-тўп одамлар дафн маросими ўтказмоқдалар. Улар ўликларни хушбўй ўсимлик мойи сепилган ўтинлар устига қўйиб куйдирадилар-у кулини секин дарёга оқизадилар. Нариги дунёга оид бу иш билан бўлиб, бу дунёнинг ташвишларига, ҳатто

шаҳарни эгаллаётган бегона қўшинга ҳам кўпда эътибор бермасликка тиришадилар.

Чорсу бозорида билакларига ва бўйинларига шода-шода гул осган ялангоёқ болалар, аёллар кўринади. Ҳатто соч-соқоли оқарган баъзи бир кексалар ҳам билакларига қизғиш-сариқ рангли гулшодалар солиб олишган эди.

– Бу – Чандин Чоук бозори, – деб изоҳ берди Ҳумоюннинг ёнида бораётган Ҳиндубек. – Ойдин Чорсу деган маъноси бор.

– Бугун ҳайитми, гул кўп? – сўради Ҳумоюн.

– Ҳа, баҳорги экинларнинг униб чиқишини қутлаб ўтказиладиган ҳайит. Ҳиндистонда ҳайит кўп. Бирон ой ҳайитсиз ўтмайди.

– Ғаройиб эл! – деди Ҳумоюн ўйчан кулимсираб.

Эски бир қасрнинг том ва деворлари устида оёқ-қўллари узун маймунлар бемалол сайр қилиб юрар эди. Юзлари, қўллари қора қоринлари сарғиш, бошқа ҳамма жойлари оқиш-кулранг. Жажжи маймун болалари томдан банан ва ним дарахтларининг шохларига сакраб ўтишар, бир-бирлари билан қувлашиб, дарахтдан ерга ҳам тушишар эди. Қасрнинг ич-ташида одамлар юрибди, лекин маймунлар билан ҳеч кимнинг иши йўқ. Ҳумоюннинг кетидан бораётган юзбошининг кўзлари бирдан овчилик эҳтироси билан ёна бошлади. У камонини қўлига олаётганини кўрган Ҳиндубек:

– Маймуннинг уволи ёмон бўлади, – деди. – Буни овлаган одам бахтсизликка учрагай.

Ҳумоюннинг ўнг ёнида бораётган Хўжа Калонбек кулиб сўради:

– Сигирни ҳам шунақа эъзозлашимиз керакми, жаноб Ҳиндубек?

– Неки тансиқ бўлса, элга азиз кўринур, – деди Ҳиндубек. – Бу ернинг иссиқ иқлимида сигир асраш осон эмас.

– Ҳар қалай, – деб Ҳумоюн Ҳиндубекка ён босди, – подшо ҳазратлари махсус фармон чиқардиларки, ҳинд халқининг азалий удумларига ҳурмат билан қаралсин, эл-улуснинг нафсониятига тегадиган ҳаракат содир бўлмасин.

Хўжа Калонбек ўнг қўлини кўксига қўйди:

– Амирзодам, бу фармони олий – биз учун қонун! Мен фақат Ҳиндубекка сал тегишдим.

– Бекнинг густохлиги маълум-ку, – деб энди Ҳиндубек ҳам Хўжа Калонга ҳазил қилди.

Олдинда баланд дархтлар орасидан бўй чўзиб чиқиб турган ёнлари қирралдор минора кўринди.

– Қутб Минор! – деди Ҳиндубек.

Ҳумоюн минора олдида отдан тушди, сўнг беклар билан миноранинг тепасига чиқди. Минорадан юз қадамча нарида терак бўйи келадиган ёлғиз бир қора устун кўринди. Устун атрофида одам кўп эди.

– Бу недур? – сўради Ҳумоюн Ҳиндубекдан.

Бу устун яхлит темирдан ясалган. Билганларнинг айтишича, уч юз йилдан бери турган эмиш. Кимки устунни қучиб, илкини бир-бирига теккизолса, ўйлаган муроди ҳосил бўлар эмиш. Шу вақтгача ўзини босиқ тутиб келаётган Ҳумоюн энди ўсмирларча бир қизиқиш билан:

– Қани, кўрайлик! – деди ва чаққонлик билан зинадан чопиб тушиб кетди. Темир устун атрофидаги одамлар шаҳзодани кўриб, ўзларини четга олдилар.

– Жаноб Ҳиндубек, қани, устунни не тавр қучиш керак?

Устуннинг тепаси ва пасти қорайиб кетган. Фақат ўртаси – беҳисоб одамларнинг қўл ва елкалари теккан жой оппоқ бўлиб, маъдани йилтираб чиқиб турар эди.

Ҳиндубек устунга тескари туриб, елкасини унга тиради-да, қўлларини орқага чўзди. Устун анча йўғон эди. Ҳиндубек уни тескари қучиб қўлини бир-бирига чўзди, лекин етказолмади. Бутун кучи билан чиранди, барибир қўли қўлига тегмади.

Буни кўрганлар хахолаб кула бошладилар. Ҳумоюн ҳам кула-кула Ҳиндубек уддалай олмаган ишни қилиб кўрди. Лекин у ҳам қўлини қўлига теккизолмади. Бек ва навкарлару яна беш-олтитаси куч синаб кўрди. Шулардан фақат биттаси – қўллари узун, ўзи озғин самарқандлик йигит – устунни тескари қучиб, қўлини қўлига текказишга муваффақ бўлди.

Ҳумоюн унга бир сиқим кумуш танга мукофот берди.

* * *

Деҳлида тўп-тўп бўлиб айланиб юрган ғолиблар орасида ёғли ўлжа излаётганлари ҳам бор эди. Синд дарёсининг бўйидан Бобур аскарларига қўшилиб келган Ёр Ҳусайнбек илгари Хайбар довонининг жанубида йўлтўсарлик қилган қароқчилардан эди. Ҳозир унинг навкарлари шаҳар четидаги бир ибодатхонага киришиб, ҳиндлар сиғинадиган Ху-

доларнинг ҳайкалларига ўрнатилган қимматбаҳо тошларни кўчириб олишга тушдилар. Деворлари оқ-сарғиш мармардан ишланган ибодатхонада кекса бир бараҳман[1] кўзларига ёш олиб, будданинг улкан тош ҳайкалидан нажот сўрамоқда. Ибодатга келган аёллар, чоллар, ўсмирлар, Худолари олдида бош эгиб жим туришибди. Ёр Ҳусайнбекнинг навкарлари эса тўрт қўлли Худо Шиванинг баланд ҳайкалига нарвон қўйиб чиқишган, Шиванинг пешонасига катта қизил холга ўхшатиб ўрнатилган ёқутни ханжар билан кавлаб олишга уринишарди. Шу ҳодисанинг устига келиб қолган Ҳумоюн нарвондаги навкарга қаҳр билан қичқирди:

– Подшоҳ ҳазратлари номидан буюрамен. Ҳайкалга тегма! Туш пастга!

Ёр Ҳусайнбек нимқоронғи ибодатхона ичида Ҳумоюнни аввал танимади:

– Кофирларнинг ҳайкалини ҳимоя қиладиган подшоинг ўзингга! – деди-да, нарвондаги навкарга буюрди: – Олавер!

Навкар ханжар билан ҳайкалнинг пешонасини кавлашда давом этди. Шунда Ҳумоюн отган ёй ўқи унинг билагига тегди. Ханжар ерга тушиб кетди. Навкар билагини чангаллаганича орқага ўгирилди. Ёр Ҳусайнбек қиличини суғуриб:

– Ким у? – деб ўшқирди-ю, Ҳумоюн томонга ҳамла қилди. Ҳиндубек ҳам қиличини суғуриб олдинга чиқди:

– Сиз Ёр Ҳусайнбек бўлсангиз, бу олий зот Бобур подшоҳнинг ўғиллари мирзо Ҳумоюндирлар!

Ёр Ҳусайнбек бу гапга ишонгиси келмай Ҳумоюнга кўзларини олайтириб тикилди. У энг аввал Ҳумоюннинг эгнидаги арғувоний тўнни таниди. Ёқаларига дурлар қадалган бу тўн Бобурники эди. Ҳумоюн Панипат жанги арафасида Иброҳим Лодининг Ҳамидхон деган лашкарбошиси билан олишиб, уни енгган, уч юздан ортиқ одамини асир олиб келган эди. Бобур ўғлининг бу жасоратига қойил бўлиб, эгнидаги шоҳона тўнини ўғлига кийдирган, буни ҳамма беклар, шу жумладан, Ёр Ҳусайнбек ҳам кўрган эди. Ўша тўн ҳозир ҳам Ҳумоюннинг эгнида эди – унинг хипча гавдасига бироз катта келиб, елкалари осилиброқ турар эди.

– Амирзодам, мен сизни танимабмен! – Ёр Ҳусайнбек қўлида қиличи билан бир қадам орқага чекинди.

– Қилични топширинг! – буюрди Ҳумоюн.

[1] Б а р а ҳ м а н – ҳиндларнинг руҳонийси.

– Амирзодам, мен ҳазрат отангизга содиқ хизмат қилган беклардандмен!

– Ибодатхонада суғурилган қилични мен подшоҳ ҳазратларига элтиб топширишим керак! – деди Ҳумоюн. – Сиз йўлтўсарликдан тавба қилиб, ҳазрати олийнинг хизматига кирган экансиз. Бугун яна талончилик кўчасига қайтмишсиз. Подшоҳ ҳазратлари зиёратгоҳларда ножўя ҳаракат содир бўлмасин деб, буюрмаган эдиларми? Нечун назарни бунчалик паст қилдингиз, бек? Ёғий хазиналаридан барча жангчилар ўз улушларини олгайлар! Бу хазина сизга ҳам етиб ортгай! Иброҳим Лодининг одамлари ҳам шу ҳайкалнинг пешонасидаги ёқутга тегмаган эканлар. Улар қилмаган пасткашликни қилиш бизга иснод эмасми? Олинг қиличини! Мана бу нокас йигитларни тутиб ҳибсга элтинг! Токи бошқа йигитларимизга ибрат бўлсин!

Хос навкарлар бу буйруқни бажарганларидан кейин Ҳумоюн Ҳиндубекка бараҳманни ва унинг қавмларини кўрсатди-да:

– Жаноб бек, подшоҳ ҳазратлари бизга тайинлаган гапларни буларга таржима қилиб беринг, – деди. Буларнинг дини бошқа. Лекин биз барча ғайридинларни бир Худонинг бандалари деб билурмиз. Биз Ҳиндистонга яхши ниятлар билан келдик. Бу муаззам кишварни ҳиндлар билан бирга обод қилмоқчимиз. Кимки бизга ҳамкор бўлса, ҳамкорлик қилурмиз!

Ҳиндубек таржима қилган бу сўзларни бараҳман ва унинг қавмлари бош иргаб, таъзим қилиб эшитдилар. Шаҳзода ва унинг одамлари чиқиб кетгандан кейин эса бараҳман яна будданинг ҳайкали олдига ибодатга келиб, бутун миннатдорчилигини унга айта бошлади. Муқаддас ёқутни олмоқчи бўлган нокаснинг қўлидан ўқ еб жазоланиши будданинг иродаси билан бўлганига бараҳман ўз қавмларини ишонтириши зарур эди.

4

Узоқ Сирдарё воҳаларида энди лола барг ёзадиган салқин ҳамал ойида Жамна бўйлари авжи саратон пайтидагидек иссиқ эди. Куни бўйи офтобда отлиқ юриб бадани мисдай қизиб кетган Бобур кечки пайт салқинроқ жой излаб Жамна дарёсининг бўйига келди. Куннинг иссиғидан ташқари

пешиндан сўнг ичилган ароқнинг тафти ҳам унинг ичини ёндирмоқда эди. Кобулда кўп ичиб ўрганган беклар Панипатдаги ғалаба шарафига ҳар куни бир-икки жойда зиёфат беришиб, уни таклиф қилишарди. Иссиқ ва сернам ҳавода устма-уст ичилаётган чоғир ва ароқлар Бобурнинг юрагини беҳаловат қилиб, кечалари уйқусини қочириб юборарди. Кўп ичиб ётган кунлари эрталаб туриб йўталса, балғамга қон аралашиб чиқарди. Буни кўрган ҳиротлик хос табиб Юсуфий:

– Ҳазратим, ўтинамен ичкиликни ташланг! – дея ялинарди.

Бобурнинг ўзи ҳам уйқусиз беҳаловат бўлиб ётган кечалари «Энди ташламасам бўлмас», дерди. Лекин кундуз бирон ташвишдан кўнгли ғаш бўлса ёки, аксинча, кайфини чоғ қиладиган яхши воқеа юз берса, яна ичгиси келиб қоларди. Айниқса, илк қадаҳларни ичиб, кайфи энди кўтарилиб келаётган пайтларда беклари бундан кейинги ичкилик мажлисга таклиф қилсалар осонликча розилик бериб қўярди. Бугун пешиндаги ўтиришда ҳам худди шундай бўлган, «кечаси кемада базм қилурмиз» деб бекларни ўзи зиёфатга таклиф қилган эди. Ҳолбуки тушда ичилган майнинг ғубори халигача тарқамасдан борлиғини лоҳас қилмоқда эди.

Бобур мулозимлари ва хос навкарлари билан Жамнага яқинлашганда дарё бўйидаги кўкалам яланглиқда дафн маросими ўтказаётган бараҳманлар, аёллар, кекса-ёш юздан ортиқ одамларни кўрди. Бобур дафн маросимини яқинроқдан кузатмоқчи бўлдию, отини ўша томонга бурди.

Панипатдаги жангнинг даҳшатли тафсилотларини эшитган одамлар отлиқлардан қўрқиб, маросимни бузиб қоча бошладилар. Бобур яқин борганда ёндиришга тайёрлаб қўйилган ўлик олдида битта мотамсаро келинчак, кекса аёл ва мункайган бир бараҳман чол қолган эди. Ўтин устида чалқанча ётқизиб қўйилган жасаднинг пешонасини тўфангдан мерганларча отилган ўқ қорайтириб тешиб ўтган эди.

Бу ражпут йигитни Бобур қаердадир кўргандай бўлди. Ҳа, Панипат жангидан бир кун олдин Ҳумоюн Ҳамидхон деган афғон саркардасини енгиб, унинг уч юз навкарини асир олиб келган эди. Иброҳим Лоди билан бўладиган жанг ҳали олдинда. Унинг қўшини саккиз баробар кўп. Шунинг таҳликаси таъсирида Бобур асирларга нисбатан аёвсиз бир сиёсат ишлатганини эслади.

Иброҳим Лоди қўшинларида тўфанг йўқ. Асир олинганлар ҳам тўфангдан одамни отиб ўлдириш мумкинлигини билишмайди. Улар кўпроқ ҳинд Худоларидан бўлмиш Шиванинг қаҳридан қўрқишади. Ражпутларнинг эътиқоди бўйича, агар Шива астойдил ғазабланса, икки кўзидан ташқари пешонасида учинчи кўз пайдо бўлади. Шива кимгаки шу учинчи кўзининг қип-қизил оловини сочса, ўт теккан одам тил тортмай ўлади...

Бобур мана шу диний эътиқоддан ҳарбий мақсадда фойдаланмоқчи бўлди-да, асирлардан юзтасини бир четга саф қилдирди. Уларнинг қаршисига юзта тўфангандозни қўйди ва йигирма қадам жойдан ўт очишни буюрди. Ўша тўфанглардан отиб ўлдирилган асирларнинг бири – пешонасидан ўт теккан мана шу йигит эди.

Тирик қолган асирлар тўфангдан отилган оловли ўқ одамни қандай ўлдиришини умрларида биринчи марта кўриб даҳшатга тушдилар. Улардан бири осмонга қўл чўзиб:

– О Шива! Раҳм қил, Шива! – деб бақирди.

Бобур ваҳимадан титраётган юзта асирга таржимон воситасида мурожаат қилди:

– Ҳа, бизда Шиванинг кўзидай шафқатсиз олов сочадиган қурол бор! Сизларни ҳозир озод қилгаймиз. Бориб юртдошларингизга айтинглар! Биз билан урушганлар мана шу оловнинг зарбидан ҳалок бўлурлар! Урушмай таслим бўлганлар сизлар каби омон қолурлар!

Тирик қўйиб юборилган юзта асир бу гапларни шаҳару кишлоқларга тарқатдилар. Ҳозир Жамна бўйида дафн этилаётган жангчи йигитнинг яқинлари ҳам унинг Шива оловини эслатадиган бир балодан ҳалок бўлганини эшитган эдилар.

Марҳум жангчининг ёшгина хотини ўзини эрининг жасади билан бирга оловга ташлаб куйдиришга тайёрланмоқда эди. Бобур сочлари ёйилиб елкасига тушган келинчакнинг юзида ўлим шарпасини кўрдию, ҳиндлардаги сати одатини эслади.

Агар келинчак тирик қолса, умр бўйи азадорлик кийимида юриши, кунига фақат бир марта овқат еб, бошқа эр қилмай, то ўлгунча азоб-уқубатда яшаши керак эди. Мабодо келинчак бундай забун ҳаётни ўзига муносиб кўрмаса, сати одатига бўйсуниб, эрининг мурдаси билан бирга оловда ёниб кетиши керак эди...

Кекса бараҳман жасаднинг тагидаги ўтинларга бирдан ўт қўйиб юборди. Махсус мой сепилган ўтин ловиллаб ёниб кетди. Келинчак олов ичида қолаётган жасадга қараб бир талпиндию, лекин жони ширинлик қилиб, орқага чекинди.

Бобур Ҳиндубекка юзланди:

– Наҳотки шундай гўзал келинчак ўзини оловга ташласа? Бу не жаҳолат?! Бараҳманга бизнинг буйруғимизни айтинг! Келинчакни олиб кетсин!

Ҳиндубек отини чу-чулаб бараҳман билан келинчакка яқинлашди-да, ҳиндчалаб бир нарсалар деди. Келинчак Бобурга тез ўгирилиб қаради:

– Фотиҳларнинг подшоси шуми? Менинг эримга Шиванинг оловини шу одам сочганми? – келинчак икки қўлини Бобур томонга чўзди: – Агар сенда Шиванинг қудрати бўлса эримни тирилтириб бер! Ўшанда мен ҳам тирик қолурмен! Сен Шива бўлсанг, энди бизга раҳм қил! Тирилтир!

Ҳиндубек бу илтижони таржима қилганда Бобур саросима бўлиб:

– Ҳуши жойидами? – деди. – Мен Шива эмасмен! Ўлган одам энди тирилмагай! Келинчакни қутқаринг!

Бу гапларнинг таржимасини эшитган келинчак бирдан ғазабланиб қичқирди:

– Шива бўлмасанг, нечун ёлғон овоза тарқатдинг? Нечун менинг эримни ўлдирдинг?! Энди менинг ўлимимга ҳам сен сабабчи бўлурсен!

Келинчак оловга яқинлашар экан, Бобур Ҳиндубекка:

– Ушланг, ушланг! – деди.

Ҳиндубек от устидан келинчак томонга интилиб, уни ўнгариб олмоқчи бўлди. Аммо келинчак Бобурга қарата:

– Кет босқинчи! Йўқол! Юртингга кет! – деб қичқирдида, Ҳиндубекка чап бериб, ўзини оловга отди ва эрининг ёнаётган жасадини қучоқлаб олди.

Ловуллаб ёнаётган олов дарҳол келинчакнинг ҳарир кийимларига ва елкасида ёйилиб ётган қора сочларига илашди. Бобур унинг олов ичида аччиқ оғриқдан чинқириб юборганини эшитди, шунда ҳам жангчи эрининг жасадини қучоғидан қўймаётганини кўрдию, ларзага келиб, отини орқага бурди.

У Жамнанинг сокин қўлтиғида лангар ташлаб турган икки ошиёнли кемага томон отини елдириб бораётганда

орқадан эсган шамол оловда куйган одам танасининг кўнгилни айнитадиган чучмал ҳидини олиб келди.

Кеманинг пастки қаватида баковул ва ошпазлар подшонинг тушлик таоми учун кабоб пиширмоқда эдилар. Бобур кеманинг «толор» деб аталадиган болохонасига кўтарилаётганда, манғалда пишаётган кабобнинг тутуни ва ҳиди бояги оловнинг чучмал ҳидини эслатдию, бирдан кўнглини беҳузур қилди. У баковулга ўгирилиб:

– Манғални ўчиртиринг! – деди.

– Ҳазратим, сизга тушлик...

– Тушлик керак эмас.

– Аммо кечқурунги зиёфат...

– Зиёфат қолдирилсин!..

Бобур ғамгин юз билан толорга бир ўзи чиқиб келди. Ҳадемай пастки қаватга ҳам жимлик чўкди. Шу жимликда ўзини оловга ташлаган келинчакнинг чинқириғи гўё қайта эшитила бошлади... Панипатдаги ҳарбий ғалаба бу чинқириқ таъсирида Бобурга маънавий мағлубиятдек туюлиб кетди. Шива ҳақидаги ривоятдан сиёсат учун фойдаланган илгари ҳарбий ишда хатарли аснода жоиз бир чорадек кўринган бўлса, энди оловда ёнган гўзал келинчак бунинг қанчалик ғайриинсоний шафқатсизлик эканини унинг кўзига баралла кўрсатди.

Панипат зафари... Тақдир унга шундай улкан ғалабани нега Мовароуннаҳрда бермади? Ватанида жанг қилса, ҳеч ким уни босқинчиликда айблай олмас эди-ку!

Узоқларда қолган Моҳим бегим эсига тушди. Кўрмаганига олти ойдан ошяпти. Сўнгги марта суҳбатлашганларида Моҳим бегим бугунги даҳшатларни олдиндан сезгандай, қанчалик изтиробга тушган эди!..

Бояги келинчакнинг: «Кет, босқинчи! Кет!» деб қичқиргани унинг қулоғи остидан кетмас эди. Бобур ичида: «Ё Раб, бу не кўргилик!» деди-ю, хаёлини бошқа бирон нарса билан банд қилиш учун дафтар-қалам олди. Севган ёридан ва туғилиб-ўсган диёридан узоқда у ўзини беҳад толесиз, бахтсиз сезган пайтлари кўп бўлар эди. Ҳозир ҳам шу оғир туйғу юрагини чулғаб олди. Бобур кўнглини дафтарига бўшатгиси келиб, биринчи сатрни ёзди:

Толеъ йўқи жонимга балолиғ бўлди.

У кенг қирғоқлар орасидан товушсиз жим оқиб ўтаётган Жамнага тикилди. Ботиб кетган қуёшнинг қуюқ шафағидан

дарё суви қизғиш кўринади. Бобурнинг назарида, дарё сувини шафақ эмас, жангларда тўкилган қонлар қизартириб юборгандай туюлди.

У изтироб билан кейинги сатрларни ёзди:

Ҳар ишники айладим хатолиғ бўлди,
Ўз ерни қўйиб Ҳинд сори юзландим,
Ё Раб, нетайин, не юз қаролиғ бўлди!

* * *

Ғира-шира қоронғиликда ўнг қирғоқдан катта бир қайиқ чиқиб, кемага қараб кела бошлади. Кеманинг пастки қаватидан қўрчибоши:

– Ким у қайиқдаги? – деб сўраганини Бобур ҳам эшитдию, қайиққа тикилиб қаради. Қайиқнинг олтитами-саккизтами эшкаги бор эди.

– Мирзо Ҳумоюн ҳазрати олийларининг ҳузурларига ижозат сўрайдилар! – деб жавоб берди қайиқдан йўғон бир товуш.

Ҳумоюн билан кўпдан бери яккама-якка суҳбатлаша олмаган Бобур бугун ўғли билан бир дардлашгиси келдию, пастдан савдарни чақирди:

– Айтинг, Ҳумоюн толорга чиқсин!

Кўп ўтмай толор зинасида вазмин қадам товушлари эшитилди. Ҳумоюн эшикдан кирганда Бобур унинг чақнаган навқирон кўзларига, энди лаб устини қоплаган нозик мўйловига, кучга тўлиб турган хипча, соғлом гавдасига ҳаваси келиб тикилди. Бобурни қийнаётган изтиробли туйғулар, уни беҳаловат қилган иссиқлар Ҳумоюн учун гўё йўқ эди. «Ўн саккиз ёшимда мен ҳам шундай йигит эдим-а, энди нимам қолди?» деган ўйдан Бобурнинг кўнгли қаттиқ эзилди.

Ота-бола кўришиб-сўрашганларидан сўнг, Ҳумоюн отасининг рўбарўсига чўкка тушди-да, кулимсираб қўйнидан чиройли садаф қутича олди.

– Ҳазратим, шуни бир очиб кўринг.

Бобур қутичани қўлига олиб шошилмай очди. Қора бахмал мато орасидан олмосга ўхшаш сержилва бир тош юлдуздай чарақлаб кўринди. Лекин тошнинг ёнғоқдай катталигига қараб, Бобур унинг олмослигига ишонгиси келмасди. Жуда кўп хазиналарни ва хилма-хил жавоҳирларни кўрган Бобур бунчалик катта олмосни ҳали учратмаган, олмос конасининг бу қадар улкан бўлишини тасаввур ҳам этмас эди.

– Бу қандай жавоҳир? – деб сўради Бобур ўғлидан.

– Олмос эмиш.

Бобур нур жилвасига чўмиб ўйнаётган тошни қўлига олиб салмоқлаб кўрди:

– Вазни етти-саккиз мисқол келур. Наҳот шунчалик катта олмос бўлса?

– Мен бир муқаййимни[1] чақириб кўрсатдим. Машҳур Кўҳинур[2] олмоси шу, деди. Оламда бундан катта олмос йўқ эмиш. Баҳоси сандиқ-сандиқ олтинлардан баланд эмиш.

– Мен Бангола подшоси Султон Алоуддинда улуғ бир олмос бор деб эшитган эдим. Таъриф қилган эдиларки, шу битта олмос катта бир мамлакатнинг бир ойлик сарфу харажатини кўтаргай.

– Муқаййимнинг айтишича, мана бу олмоснинг қиймати тамоми оламнинг икки ярим кунлик сарфига баробар экан.

– Сен буни қаердан олдинг?

Ҳумоюн ўнғайсизланиб жилмайдию:

– Гувалиёр рожасининг хайлхонасида пешкаш қилдилар, – деди.

– Нечун?

Ҳумоюн воқеани ҳикоя қилар экан, Бобур Гувалиёр вилоятида юз йилдан бери ҳокимлик қилиб, жуда катта бойлик орттирган рожа Бикрамадитъянинг ҳашаматли қасрини кўз олдига келтирди. Бикрамадитъя Иброҳим Лодига бўйсунмасдан, у билан узоқ вақт уруш қилган, охири Гувалиёрни Иброҳимга бериб, ўзи Шамсобод деган жойга кўчиб кетган ва кўп ўтмай вафот этган эди. Панипатдаги ғалабадан кейин Ҳумоюн бошлиқ илғорлар Деҳлидан ўтиб бориб кўп қасрларни ишғол қилдилар. Шу қасрлардан бирида ўлиб кетган ўша рожанинг бўй йетган икки қиз, бир ўғли ва уларнинг оналари яшаб турган эди. Рожанинг йигирма ёшлардаги ўғли Ҳумоюнни яхши қарши олди:

– Сизларнинг душманларингиз бўлган Иброҳим Лоди бизнинг ҳам душманимиз эди, унинг мағлуб бўлганидан биз шодмиз, – деди. – Энди рухсат берингизлар, биз Шамсободдан она юртимиз Гувалиёрга қайтиб кетайлик.

---

[1] М у қ а й й и м – жавоҳиршунос заргар.

[2] К ў ҳ и н у р – «нур тоғи» демакдир. Ўша замонда бу олмос одамзод топган олмосларнинг энг улкани бўлган. Олимлар Кўҳинур олмосининг 1304 Йилдан бери борлигини аниқлаганлар. Ҳозир бу олмос Лондонда сақланади.

Ҳумоюн ҳам ёш рожа билан илиқ муомала қилдию, лекин Гувалиёрга кўчиб кетиш учун ўзи рухсат бера олмаслигини, подшоҳни кутиш кераклигини айтди. Ўша кеча Вайс деган бир бек элликтача йигити билан рожанинг қасрида тунади. Ҳумоюннинг ўзи қасрнинг ҳовлисидаги боққа чодир тиктириб, кечаси чодирда ухлаб ётганда ичкарида кўтарилган тўполонни эшитиб уйғониб кетди. Қўрчиларини ёнига олиб, қаср ичига чопиб кирса, Вайсбекнинг йигитларидан бири эшик олдида қонга беланиб ўлиб ётибди. Қандилларда шамлар ёниб турибди. Иккинчи қаватнинг зинапоясида турган ўн саккиз ёшли гўзал қиз чувалиб ётган ипак сарисини титроқ қўллари билан олиб, яланғоч елкасига ёпишга уриняпти. Рожанинг ўғлини беш-олтита навкарлар ўртага олиб, қўлидаги қиличини уриб туширишди.

Маълум бўлишича, Вайсбек рожанинг шу қизини ёқтириб қолиб, навкарлари ёрдамида ўз бўлмасига куч билан олиб келтирмоқчи бўлган. Қизнинг акаси қилич яланғочлаб ҳимояга чиққан. Қизни кўтариб кетмоқчи бўлган навкарни қилич билан уриб йиқитган. Энди бунинг қасдига навкарлар ёш рожанинг ўзини ўлдирмоқчи эдилар. Ҳумоюн гап нимадалигини суриштириб билгач, навкарларга:

– Рожани бўшатинг! – деб буюрди. – Ўз сингилларини бунчалик мардона ҳимоя қилган йигит эҳтиромга сазовор. Подшоҳ ҳазратлари бундай кишилар билан яхши муомалада бўлишни буюрган эдилар. Фармони олийни унутган шаҳватпараст Вайсбек ҳибсга олинсин! Қизни илакламоқчи бўлган навкарлар ўн дарра калтаклансин!

Хос навкарлар бу буйруқни бажармагунларича Ҳумоюн уларнинг тепасидан кетмай турди. Бу орада зинапоядан ёш рожанинг онаси қўлида кичкина садаф қутича билан тушиб келди. У олий табақанинг ўқимишли аёлларидан эди, кўп тилларни биларди, Ҳумоюнга форсчалаб гапирди:

– Шаҳзода, менинг бисотимдаги энг катта бойлигим – мана шу қутичанинг ичида. Менга фарзандларим дунёнинг ҳамма бойликларидан азизроқ. Сиз ўғлимнинг жонини қайтариб бергандек бўлдингиз. Мана бу қутичадаги улуғ олмосни сизга пешкаш қиламан!

– ... Воқеанинг тафсили шу, – деди Ҳумоюн ва отасига «Бир навкарнинг ўлгани-ю, Вайсбекнинг жазоланган учун

гап эшитмасмикинмен?» дегандек термилиб қаради. Бобур оғир тин олдию:

– Алқисса, бу гўзал олмос ҳам зўравонлигу хунрезлик балосини кўриб келмишми? – деди.

– Ҳазратим, мендан хатолик ўтган бўлса афв этинг. Мен ўйладимки, ўз ор-номусларини шундай бебаҳо олмосдан ҳам ортиқ қадрлайдиган одамлар ғайридин бўлсалар ҳам...

– Рост, бу мамлакатда шундай ор-номусли одамлар борлигини ўйласам, менинг ҳам кўнглим кўтарилур, ўғлим! Аммо бизнинг назари паст беку навкарларимиз зўравонлигу талончилик билан ҳинд элини биздан чўчитмоқдалар. Ахир бизнинг мақсадимиз фақат мамлакат олмоқ эмас эди-ку. Биз Ҳиндистонда катта давлат тузиш орзусини кўнглимизга тугиб келган эдик. Ягона қудратли давлат барпо этилишидан ҳинд ели ҳам манфаатдор эмасми? Барча ўлкалар бирлашса, элнинг тинкасини қуритган ички урушлар тўхтамасми? Улус тинчиб, илму санъатнинг равнақи осонлашмагайми? Буни сезган ҳиндистонийлардан Диловархон, Ҳиндубек кабилар биз билан ҳамкорлик қилмоқдалар. Биз энди бутун ҳинд элининг кўнглини олмоққа интилмоғимиз даркор, ўғлим!

– Ҳинд элининг кўнглини олмоқ?! – таажжуб билан сўради Ҳумоюн. – Қонли жанглар ваҳимасидан қўрқиб, шаҳару қишлоқларини ташлаб қочмоқда бўлган минг-минг одамларнинг кўнглини биз қандоқ олғаймиз?

Бобур Панжобда йўлни адаштириб, фотиҳларни хароб қилмоқчи бўлган филбонни ва боя «Кет, босқинчи!» – деб қичқириб ўзини оловга ташлаган келинчакни эслади:

– Ҳа, бу жуда мушкул муаммо! – Бобур миз устида турган садаф қутичани қўлига олди. – Умидвормен, шояд бу муаммони ечишга муяссар бўлсак. Ахир мана сен бир қанча ҳиндистонийларнинг кўнглини олмишсен-ку. Деҳлига келган кунинг ибодатхонада бу элнинг муқаддас туйғуларини ҳимоя қилмишсен. Бунинг ҳаммасига лойиқ мукофот мана шу олмосдир! Ол, ҳалолинг бўлсин!

– Ҳазратим, – деб Ҳумоюн қутичани олмай қўлини кўксига қўйди, – бу олмосни мен сизга атаб келтирдим.

Бобур садаф қутичани яна миз устига қўйдию, овози хиёл товланиб:

– Сенинг бу саховатинг учун Тангрига шукрлар қиламен, – деди. – Панипат жангида сен менга энг биринчи бўлиб

зафар келтирдинг, қўшиннинг руҳини кўтаришга сабабчи бўлдинг. Мен ҳали бу хизматларингни кўнглимдагидек тақдирлаганим йўқ.

– Лекин сизнинг аввалги инъомларингиз менинг бутун умримга етгуликдир, – деб Ҳумоюн отасига «Мубаййин»ни эслатгиси келди. – Мен ҳам сизга арзирлик бир армуғон келтириш орзусида эдим...

– Ундай бўлса, майли, мен бу армуғонингни бир марта қабул қилай. Энди шу олмос меникими?

– Сизники!

– Лекин тақдир менга дунёдаги барча олмослардан қимматлироқ бир мукофот бермишдир. Бу мукофот – менинг сендек ўғлим борлигидир. Тождор, тахтдор ота-ўғиллар орасида қандоқ ёмон бахилликлар, қандоқ разил хунхўрликлар бўлганлиги сенга сир эмас. Мен истайменки, бу балолар сену менга ҳеч вақт ёвуқ келмасин. Худодан тилагим шуки, мендан сенга, сендан авлодларингга саховат-у мардлик, фидокорлигу олижаноблик мерос бўлиб қолсин. Бу фазилатлар бизни улкан тоғ силсиласидек доимо бир-биримизга боғлаб турсин. Ана ўшандагина биз Ҳиндистонга келиб кўзлаган улуғ мақсадларимизга етишгаймиз.

– Сиз айтган улуғ мақсадлар учун ўғлингиз жонини беришга ҳам тайёр!

– Бунга менинг ишончим комил. Шунинг учун бу ноёб олмосни мен фақат сенга муносиб кўрурмен. Ол!

Ҳумоюн энди ўрнидан сакраб турдию, садаф қутичани таъзим билан отасининг қўлидан олиб, кўзига сурди. Бобурнинг бояги беҳаловатлиги ва тушкун кайфияти энди тарқаб кетган, кўнглида яна яхши истиқболга ишонч туйғуси мавж урар эди. У Ҳумоюнга:

– Ўтир, – деди-да, қарсак чалиб савдарбошини чақирди: – Ҳиндубекни чорланг. Хўжа Халифа билан бирга кирсин.

Чақирилганлар келгунча Бобур Ҳумоюнга Аградаги аҳвол тўғрисида гапириб берди:

– Қўрғонни Иброҳимнинг онаси, ўғли, Маликдод Короний отлиқ вазири мингдан ортиқ хос аскарлари билан беркитиб олмишлар. «Сўнгги одамимиз қолгунча жанг қилурмиз» деб аҳд қилмишлар. Бу аҳдни бизнинг қўшин бир ҳамла билан кўкка совурмоғи мумкин. Аммо яна хунрезлик бўлур, шаҳар бузилиб, бизга керакли қанча одамлар ҳайф кетур!

Хўжа Халифа ва Ҳиндубек толорга таъзим қилиб киришди. Бобур уларни қаршисига ўтқазгач:

– Сизлар Аграга биздан элчи бўлиб бормоқларингиз керак, – деди. – Мақсад – қўрғонни жангсиз олиш. Молу жонлари омон қолсин. Иброҳимнинг онаси Жамна бўйидан паргана[1] сўраган эмиш. Майли, берайлик, Иброҳимнинг ўғли арабча-форсча ўрганган илмли ўспирин эмиш, уни саройдаги обрўли мулозимларим қаторига қўшай. Маликдод Коронийни тадбиркор вазир деб эшитдим. Уни Ҳиндистон муаммолари бўйича ўзимга маслаҳатгўй қилиб хизматга олай. Бориб, яхшилаб сўзлашинг. Яна қандай маъқул тилаклари бўлса қабул қилайлик. Хуллас, қирғин бўлмасин, бева-бечора кўпаймасин, деб шу йўлни тутмоқдамиз... Яъни, сизларнинг вазифаларингиз – қалъа олиш эмас, балки қалъадагиларнинг кўнглини олишдир!

Оғир жангларнинг олдинги сафида қон кечиб юрган Ҳумоюн билан Ҳиндубек Бобурнинг бу тадбиридан енгил тортишиб, бир-бирларига мамнун қараб олишди.

АГРА

Ё ҲАЁТ. Ё МАМОТ

1

Иброҳим Лодининг онаси малика Байда Панипат жангида ўлдирилган ўғли учун аза тутиб, бошдан-оёқ оқ кийиниб юрар эди. Орага қўйилган одамлар унга истаган парганасини бериб, Аграни жангсиз топширишга кўндирдилар. Малика қўрғон дарвозаларининг калитини Жамна бўйида Бобурга топшираётганда кўзларидан тирқираб ёш чиқиб кетди. Бобур бу салобатли кампирнинг кенг пешонаси ва бир-бирига қўшилган қошларини қаердадир кўргандай бўлди. Сўнг бирдан Панипат эсига тушди. Жанг тугагандан кейин бир бек минглаб ўликлар орасидан Иброҳим Лодининг жасадини излаб топган ва бошини кесиб олиб, узун найзага санчиб Бобурга келтириб кўрсатган эди. Энди қирқ ёшларга борган Иброҳим Лодининг кенг пешонаси ва пайваста қошлари ҳам худди онасиникига ўхшар эди.

[1] П а р г а н а – кичикроқ вилоят.

Бобурга бир лаҳза шундай туюлдики, гўё Иброҳим Лоди тўсатдан тирилиб, онасининг қиёфасига кириб келган. Бобур алланечук саросима бўлиб: – Малика, йиғламанг, – деди. – Биздан яна қандай тилагингиз бўлса айтинг? Малика Байда кўз ёшини кафти билан тез артди:

– Менга бошқа озор бермасалар бўлди.

Бобур мулозимлари томонга юзланди:

– Минбаъд маликага ҳеч ким озор бера кўрмасин, ҳамма уни мўътабар онамиздек эҳтиром қилсин!

Мулозимлар бу топшириқни таъзим билан қабул қилдилар. Малика ҳам бош эгиб, миннатдорчилик билдирган бўлди. Аммо унинг йиғидан намланган кўзлари пўлат тиғнинг совуқ жилосини эслатиб нафрат билан ялтираб кетганини ҳеч ким кўрмади. Малика Байда ўғлининг кушандасини кечирадиган оналардан эмас. Панипатдан мудҳиш хабар келганда малика учун осмон ўпирилиб ерга қулагандай бўлган эди. У ўғлини сўнгги марта кўришни истар, унинг жасадини ўз қўли билан тупроққа қўйиб, қабрини қучоқлаб йиғласа, кўнгли хиёл таскин топадиганга ўхшар эди. Шунинг учун малика энг ишонган одамларини Панипатга юбориб, Иброҳимнинг жасадини топиб келишни буюрган эди.

Лекин Агра билан Панипатнинг ораси уч-тўрт кунлик йўл. То ўлим хабари Аграга етиб келгунча, сўнг Аградан малика юборган одамлар Панипатга боргунча орадан бир ҳафтача ўтган, унгача ўликларнинг бир қисми кўмдирилган, бир қисми мечкай қузғунлар суякларигача тозалаб еб кетган эдилар... Малика Байда юборган одамлар султон Иброҳимнинг жасадини тополмадилар, фақат жанг куни унинг калласини найзага санчиб Бобурга элтиб кўрсатганлари ҳақида хабар топиб келдилар... Ўғлининг жасади қандай хор бўлганини эшитган онанинг қайғу-аламлари аввалгидан ўн ҳисса ошди. У ҳатто жойнамоз устида намоз ўқиб ўтирганда ҳам: «Иброҳимжон, энди бу оламда сенинг қабринг ҳам йўқ, Худо менга жасадингни ҳам кўп кўрди! – деб нола қилар: – Илоҳим, сенга ўлим келтирган Бобурнинг ўзи ўлсин, бундан минг ҳисса ортиқ хор бўлиб ўлсин!» – деб қарғар эди.

Маликанинг канизлари ва хизматкорлари кўча-кўйдан унга таскин берадиган гаплар топиб келишарди. «Бобурнинг аскарлари ем-хашакдан қийналиб, деҳқонларнинг экинларини отларига едирган экан, деҳқонлар ғалаён кўтариб,

навкарлардан бир қанчасини болта ва паншахалар билан уриб ўлдирибди. Фотиҳларни Ҳиндистоннинг иссиқлари ҳам жуда қийнаб қўйган эмиш. Салқин тоғ ҳаволарига ўрганган от ва одамлар бу ернинг аёвсиз иссиғига бардош беролмай ўлаётган эмиш. Вабо ва қора безгак ҳам уларнинг сафларини сийраклаштириб қўяётган эмиш...»

Малика овозаларнинг қанчалик ростлигини Бобур саройида хизматда юрган невараси Баҳодирдан суриштириб билмоқчи бўлди. Баҳодир ҳафта-ўн кунда келавермагач, малика «уни саройдан чиқаришмаса керак», деб ўйладию, канизини подшоҳ маҳкамасига юборди. «Мен бетобман, неварамга рухсат берсинлар, мени келиб кўриб кетсин», деган маънода мактуб юборди.

Ўн етти ёшли Баҳодир форсчани ва санскритни яхши билар, Бобур учун зарур бўлган баъзи ҳужжатларни таржима қилар эди. Саройда бошқа таржимонлар ҳам бор эди. Баҳодирга кўп иш буюришмас эдию, лекин уни ўзича эркин ҳам қўйишмасди. Бобур уни қаттиқ қўриқлаб юришни буюрган эди. Бу қўриқчилар Баҳодирни ташқи хатарлардан эҳтиёт қилиб юргандай кўринсалар ҳам, аслида улар шаҳзодани «Иброҳим тарафдорлари томондан уюштирилиши мумкин бўлган бирон фитнага бош қўшмасин» деб синчиклаб кузатишарди. Шу сабабли Баҳодирни саройдан кўп чиқаришмасди. Бироқ эшикоға Муҳаммад Дўлдай малика Байданинг «Касалман, неварам келиб кетсин» деган мазмундаги хатини олгач, Бобурнинг «Маликани мўътабар онамиздай эҳтиром қилинг» деган буйруғини эсладию, Баҳодирга жавоб берди. Фақат унинг ёнига аввалгидан икки баробар кўпроқ навкар қўшди-да, шу бугуноқ қайтиб келишни тайинлади. Невараси келганда малика Байда дарё бўйидаги мармар кўшкнинг нимқоронғи ички хонасида хасталардай шифтга тикилиб ётган эди. Йўлда иссиқдан терлаб-пишиб кирган неварасига ёнидан жой кўрсатдию, мажолсиз бир аҳволда ўрнидан туриб ўтирди. Неварасининг бўғриққан юзларига қараб ҳол-аҳвол сўрашди. Ёз бу йил ҳар йилгидан ҳам иссиқ келганини айтди.

– Фотиҳлар иссиққа бардош беролмай ўлаётгани ростми? – деб сўради.

– Бирда-ярим ўлаётганлари бор, – деди Баҳодир.

– «Ҳиндистонда турмаймиз, салқин жойларга қайтиб кетамиз» деяётганлари-чи?

– Подшоҳлари кетгани қўйгаймми? Кўпчилик унинг измидан чиқмас экан. Ўзи ҳам жуда гапга уста нотиқ одам экан. «Кетамиз», деб юрганларни саройга тўплаб, шундай бир гаплашдики, ҳаммаси жим бўлиб қолди.

– Сен отангнинг қотилини... мақтаяпсанми?

Баҳодир эшикка хавотирли кўз ташлаб қўйди. У ўзи билан бирга келган ҳамроҳларидан хавотирда эди. Буни сезган малика овозини пасайтириб сўради:

– Кетингга одам қўйганларми?

– Ҳа, ҳеч ким билан яккама-якка гаплашолмайман. Ҳамиша ён-веримда қўриқчилар... Ёмонласам, дарров етказадиганлар кўп.

– Қўрқма, бу хонада фақат биз иккаламиз... Илгари бизга хизмат қилган одамлардан саройда ҳеч ким борми?

– Отамнинг вазири Маликдод Короний бор... Кейин... бизнинг кутубхонада ишлаган тўрт олим ҳам хизматга олинди. Билишимча, Бобур ҳиндистонликларни ўзига эл қилмоқчи, уларни ишончини қозонмоқчи. Шунинг учун отамнинг барча ошпазларини саройга тўплаб, тўрттасини ўзи учун танлаб олибди.

– Шу бизнинг ошпазлар пиширган овқатларни Бобур ҳам ермишми?

– Ҳа, кўрганлардан эшитдим. Бобур ҳиндистоний таомларни ейиш билан ҳам ўзини бизнинг элга яқин кўрсатмоқчи бўлса керак.

Малика илгари ўзининг итоатида бўлган ўша тўрт ошпаздан бирортасини қўлга олиш мумкинлигини ўйладию кутилмаган бир бардамлик билан ўрнидан туриб кетди. Унинг қалбини ўртаб юрган қайғу-аламлар энди бирдан янги йўл топгандай бўлди. Зўр интиқом туйғуси унинг хаёлларини бир нуқтага тўплаб, вужудига куч-қувват бергандай бўлди. «Агар Бобур ўлдирилса, унинг одамлари бу ерда туролмайди: кетади, мамлакат яна ўзимизга қолади!» деган ўй ҳам унинг ошпазларини қўлга олиш ҳақидаги қарорини мустаҳкамлади. Малика оғзини неварасиннг қулоғига яқинлаштириб сўради:

– Ўша ошпазларни сен кўрдингми?

– Кўрдим.

– Уларнинг орасида Аҳмад чошнагир йўқми?

Баҳодир бувисининг авзои ўзгарганидан алланечук чўчиб:

– Йўқ, – деди. – Аҳмад чошнагир Аградан Итавага кетган.

Малика Баҳодирнинг эшикка яна хавотир билан кўз ташлаб қўйганини кўрдию, киноямуз илжайди: «Бу неварам бўшроқ, айғоқчиси ҳам кўп экан, сир бериб қўйса, жувонмарг бўлади, мен ҳам ниятимга етолмайман», деди ўзича ва кўнглидаги қалтис ниятни унга билдирмай гапни бошқа ёққа бурди:

– Бизга шунчалик содиқ кўринган одамлар ҳозир душманларимизга хизмат қиляпти-я! Э, бевафо дунё! Маликдод Короний ҳам, ошпазлар ҳам ҳаммаси сотилган! Лекин сен... душманлар билан тил учида муроса қилу дилингни отангга содиқ тут!

– Ҳали ҳам шундай, бувижон! – пичирлаб деди Баҳодир.

* * *

Невараси кетгандан кейин малика Байда хасталик тўшагини йиғиштирди, илгариги фиғон чекишлар ва қарғашларни ҳам бас қилди. Унинг фикру зикри – энг садоқатли ва тадбиркор одамларини ишга солиб, Бобурни заҳарлаб ўлдиришга қаратилди. Маликанинг атрофида фотиҳлардан қасос олишга ташна одамлар кўп эди. Бобур аскарлари билан тўқнашувларда бирининг акаси, бирининг иниси ўлган, бири илгариги макони ва мавқеидан ажралиб хонавайрон бўлган... Малика ана шундай қасоскорларнинг энг ишончлиларини излай бошлади. Бобур ишга олган тўрт ошпаздан бирининг ёлғиз иниси Панипат жангида ҳалок бўлган эди. Малика зимдан суриштириб буни билганда қувониб кетди. Бироқ ўзи бу ошпаз билан бевосита алоқа қилишни лозим топмади. Чунки маликани ҳамма танийди. Бобур одамлари сезиб қолишлари мумкин.

Илгари султон Иброҳимнинг саройида бу ошпазлар билан бирга ишлаган ва уларга қадрдон бўлиб қолган энг ишончли одам – Итавага кетиб қолган Аҳмад чошнагир эди. Малика Аградан анча узоқ бўлган Итавага махсус одам юбориб, Аҳмад чошнагирни ўз ҳузурига таклиф қилди.

Аҳмад чошнагир Аградаги ҳовлиси ва молу мулкидан айрилиб фотиҳларга қарши ғазабга тўлиб юрар эди. Малика Байда уни ўз парганасига ишга олди, уй-жой ва маош берди, сўнг аста-секин кўнглидаги ниятини айтди. Аҳмад чошнагир аввал «уддалай олмайман» деб қўрқди. Лекин малика унга далда берди, «иниси Панипатда ўлдирилган ошпаз билан гаплашиб бер-

санг бўлди, қолган ишни ўзимиз қиламиз», деди. Аҳмад чошнагир саройга қандай киришни билмас эди. Бунинг йўлини ҳам малика ўзи топди. Малика Байда неварасидан хабар олиш учун саройга бориши мумкин эди. Малика нафис шоҳи ва парчалардан совғалар тайёрлатди, сўнг бу совғаларни Аҳмад чошнагирга кўтартириб саройга борди... Малика подшо қабулига кириб чиққунча Аҳмад чошнагир эски қадрдони бўлган ўша ошпазни топган ва у билан эртаси куни саройдан ташқарида учрашишга келишган эди. Орадан бир ҳафтача ўтгач, Аҳмад чошнагир ошпаз билан тил бириктирганини маликага келиб айтди.

– У ҳам келгиндиларни даф қилишнинг йўлини билмай юрган экан. Подшоҳлари ўлса ҳаммаси даф бўлади деб ишонтирдим!

– Агар ҳамма иш ўйлаганимиздай бўлса, отасининг тахтини Баҳодиржон олади. Ўшанда сизга катта бир парга-на берамиз. Ошпаз ҳам катта мукофот олади.

– Илоҳим шу ниятимизга етайлик! Ватанимиз бераҳм фотиҳлардан халос бўлсин!

– Омин!

Аҳмад чошнагирнинг сарой ошпази билан келишувига биноан, Бобурнинг овқатига солиниши керак бўлган заҳарни малика ўзининг энг ишончли бир канизидан бериб юбориши керак эди. Энди улар мана шу нозик ишни қайси канизга топширишни ўйлай бошладилар...

2

Уч ойдан бери муттасил кўтарилиб бораётган жазирама иссиқлар ҳиндча ашора деб аталадиган тўртинчи ойга[1] келиб жуда авжига чиқиб кетди. Ёмғир фаслининг бошланишига ҳали салкам бир ой бор. Тўрт ойдан бери нам кўрмай қуриб ётган ер иссиқнинг зўридан тарс-тарс ёрилиб кетган.

Жамна дарёсининг чап қирғоғига – илгариги ташландиқ ерлар ва чакалакзорлар ўрнига қурилаётган Зарафшон боғида ҳали соя жойлар кам. Бобур қурилишни отлиқ айланиб кўрар экан, узанги темирининг иссиғи этикдан ўтиб,

[1] А ш о р а – жавзо ойига тўғри келади. Ҳиндистонда ёз фасли баҳорда хут ойидан бошланиб, тўрт ой давом этади. Кейин «Пашкол» деб аталадиган ёмғирлар фасли бошланиб, бу фасл мезон ойигача давом этади.

оёғини жизиллатиб узиб олаётганини сезади. Олтин қопланган эгарнинг офтобда ялтираётган қошини ушлаганда чўғни ушлагандай бўлиб, қўли куяр эди.

Шундай бўлса ҳам у иссиқдан беҳаловат бўлаётганини кетидан эргашиб келаётган бекларига сездирмас эди. Чунки бу беклар ўлжа тушган хазиналардан катта-катта улушлар олгандан бери салқин жойларга кетиб, роҳат-фароғатда яшашга интилишар, Агра ва унинг атрофида янгидан иморат қуриб, боғ-роғ қилишга тоқатлари йўқ эди.

Кобул ва Ғазни каби салқин жойларга тезроқ қайтиб кетишнинг йўлини излаётган беклардан бири марғилонлик Хўжа Калонбек эди. Бобур унга узун оқ яктак кийган, кичкина оқ салла ўраган мўйсафид меъморни кўрсатди-ю:

– Танидингизми? – деди.

– Андижонлик мавлоно Фазлиддинми?

– Ҳа, Кобулдан биз билан кетма-кет келсин деб тайинлаган эдим. Сангтарош ўғли билан етиб келиб, мана шу боғнинг тарҳини чизди. Шундоқ кекса одам чидаган иссиқларга наҳотки биз бардош бера олмасак?

– Лекин мижозига иссиқ тўғри келмайдиган одамлар ҳам бор-да, ҳазратим. Кечаги боди самумда[1] менинг навкарларимдан учтаси тап-тап йиқилиб жон берди.

– Ажали етган бўлса, самум бир сабаб бўлган, холос, – деди Бобур ва таъзим қилиб пешвоз чиққан мавлоно Фазлиддинга юзланди. – Ҳорманг, мавлоно... Қани арзингиз бўлса эшитгали келдик.

– Арзим шуки, ҳазрати олийлари, бизга фил билан ишлайдиган филбонлар керак. Боғ ўртасидаги мармар қаср учун Деҳалпурдан жуда оғир тошлар олиб келмоқчимиз. Бундай тошларни катта аробаларга фақат филлар ортиб беришлари мумкин.

Бобур Панипат жангида филбонлари билан асир олинган сурув-сурув филларни эслади. Сўнг девонхонага ишга олинган ҳиндистонлик маслаҳатчиси Маликдод Коронийга юзлан-ди:

– Жаноб Короний, ҳарбий филларни меҳнатга ўргатиш мумкинмикин?

– Мумкин, ҳазратим. Фил – жуда зийрак жонивор. Филбонлардан эшитганим бор. Филлар қонли жанглардан кўра осуда меҳнатга тезроқ ўрганар эмишлар.

[1] Б о д и с а м у м – энг иссиқ гармсел шамол.

– Бизнинг қўшинлар фил ёрдами билан жанг қилишга одатланган эмаслар. Шунинг учун Панипатда ўлжа олинган ҳарбий филларни қурилишларда ишлатмоқ мумкин. Жаноб Короний, бу фармонни шу бугуноқ барча филбонларга етказинг!

– Жоним билан.

Короний буйруқни тезроқ бажариш учун ҳозир кетмоқчи эди, Бобур уни тўхтатди:

– Яна шаҳару қишлоқларга махсус тавочилар юборинг. Биз Иброҳимдан ўлжа олинган бойликларни ободончилик йўлида сарфламоқчимиз. Шуни барча вилоятларга маълум қилинг. Қурилишларда ишлаш учун сизга ўн беш минг коргар етарлими, мавлоно?

– Етарли. Лекин ҳазратим мармар қаср билан тош войинни[1] бир йилда қуриб битиришни буюрган эдилар. Сангкорлик – тез бўладиган иш эмас...

– Сангтарошларни кўпайтирсак-чи? – деди Бобур.

– Мен ҳам шуни илтимос қилмоқчи эдим. Ҳиндистоннинг ҳавосига Ҳироту Самарқанддаги ғишту кошиндан кўра тошу мармар мосроқдир.

– Ҳозир қурилишларимизда қанча сангтарош уста бор, мавлоно?

– Агранинг ўзида олти юз саксон сангтарош ишлатмоқдамиз. Секрида, Деҳалпурда, яна бошқа жойларда – жами минг тўрт юз тўқсон бир сангтарош...

– Бу оз эмас! – деди Бобур. – Бобокалонимиз Амир Темур Самарқандда энг катта иморатлар қурдирганда турли мамлакатлардан икки юз сангтарош бориб ишлаган экан. Тарихчи мулла Шарафиддин[2] буни фавқулодда мақтаб таърифлаган эканлар. Лекин Ҳиндистон ҳунарпешаларга шу қадар бойки, биз юзлаб эмас, минглаб уста-сангтарошларни ишга таклиф этишимиз мумкин. Жаноб Короний, бизнинг қаламравимиздаги барча шаҳарларга жарчилар чиқаринг. Эълон қилсинларки, бизнинг қурилишларимизга келиб ишлайдиган коргару усталарга истаганларидан ҳам зиёда ҳақлар тўланур, имтиёзлар берилур. Дину миллат айириш йўқ. Барча усталар, аввало, Худонинг, ундан сўнгра бизнинг ҳимоямизда бўлурлар!

[1] В о й и н – катта ҳовуз.

[2] Яъни, Шарафиддин Али Яздий.

Кароний таъзим билан:

– Фармони олийга жонимиз фидо! – деди-да, отини буриб, Агра томонга йўл олди. Бошқа бек ва мулозимлар тобора кучайиб бораётган иссиқдан бетоқат бўлиб, дарёда лангар ташлаб турган кемаларга қараб-қараб қўйишарди. Улар қурилишни кўриб бўлганларидан кейин подшоҳ билан бирга шу кемаларга чиқиб дам олишлари мумкинлигини билишарди. Шунинг учун қурилишга оид гаплар тугашини сабрсизлик билан кутишмоқда эди.

Лекин Бобур меъмордан бўлажак қаср билан дарё оралиғига тушадиган мармар ҳаммомнинг гумбази ва ичи қандай бўлишини сўради.

– Ичи худди Самарқанддаги Улуғбек мирзо ҳаммомидек сангфарш қилинур, – деди мавлоно Фазлиддин. – Лекин гумбази мирзо ҳаммомининг гумбазидан хийла улуғ бўлур. Деворлари қизил тошдан ишланур... Мармарнинг бир хосияти шуки, ёзда муздек салқинлик берур.

– Бўлмаса, мармар иморатларни тезроқ қурингки, биз бу жазирамада куйиб кул бўлмайлик! – деди иссиқдан бўғриққан Калонбек.

– Мармар иморатлар тезроқ битсин десангиз, отдан тушиб ҳашар қилишинг, жаноб бек! – деб тегишди мавлоно.

Бобур унинг жавобидан мамнун бўлиб кулди-да:

– Қалай, мавлоно, иссиқ ўзингизни кўп қийнамадими? – деди.

– Қийнаса ҳам чидаймиз-да. Мана шундай катта обидаларни Андижонда қурамен деб, қуролмадим. Ҳиротда қурамен деб, қуролмадим. Чизган тарҳларим ўттиз йил сарғайиб ётди. Қарангки, бутун умр қилган орзуларим узоқ Аграга келганимда рўёбга чиқадиган бўлиб турибдир. Тақдиру насибам шуни тақозо қилса, иссиғи кўзимга кўринурми? Ҳиндистоний усталар салқин тутадиган мева шарбатларию енгил таомлар ейишар экан. Мен ҳам шунга ўргандим. Эрталаб салқинда туриб бир паҳра[1] ишлаймен. Кун қизиганда бир паҳра ётиб дам олгаймен. Иссиқнинг тафти пасайгач, яна бир паҳра ишлагаймиз.

– Биз бўлсак, эртаю кеч сергўшт таомлар, қазию кабоблар еюрмиз, – деди Бобур Хўжа Калонга қараб. – Яна бу етмагандек, оловли майлар ичурмиз.

[1] Бир паҳра – тўрт соат.

Хўжа Калон от устида офтобнинг тиғида туриб шундай терлаган эдики, юзи ва пешонасидан сирқиган тер томчилари мош-гуруч соқолидан оқиб кўкрагига томмоқда эди.

Бобурнинг ўзи ҳам ҳар нафас олганда ичига ҳаво эмас, олов кираётгандай бўларди. У меъмор билан гапини тугатгач, отини дарёдаги кемалар томонга бурдию, елдириб кетди.

Отлар тез юрганда қаршидан шабада эсгандай бўлар ва нафас олиш енгиллашар эди.

Шунинг учун Бобурнинг кетидан бошқалар ҳам отларини тез ҳайдай бошладилар. Шу тарзда дарё соҳилига яқинлашар эканлар, Хўжа Калоннинг навкари минган бадахшоний қора от суриниб йиқилиб тушди. Бадахшонлик навкар оёғини отнинг тагидан тортиб олди-да, юганни силкитиб, отини турғизмоқчи бўлди. Оғзидан қон аралаш кўпик келаётган от бир-икки талпиниб кўрди, лекин ўрнидан туролмади.

– Буни ҳам офтоб урди! – деди Хўжа Калон алам билан. – Кошки бу мамлакатда от топиш осон бўлса!

– Жаноби бек, бир от учун мунча изтироб чекманг, мен буюрай, навкарларингиз бизнинг тавиладан бир от олсин, – деди Бобур.

– Ғоят миннатдормен, ҳазратим! – деди Хўжа Калонбек. – Лекин гап фақат отда эмас. Мен бу ўлимда ўз истиқболимни кўриб изтироб чекмоқдамен!

Бобур отдан тушдию, дарёда лангар ташлаб турган «Осойиш» номли икки ошиёнли муҳташам кемани Хўжа Калонбекка кўрсатиб ҳазиллашди: – Ҳозир сизга мана бу истиқбол мунтазир! Юринг!

* * *

Қайиқларга миниб кемага етганларида Бобур Хўжа Калонбекни кеманинг тумшуқ томонидаги хонайи хосга бошлади. Кема дарё бўйлаб сузиб борар экан, сувнинг шамоли энг аввал шу хонага тегар ва ажиб бир салқинлик берар эди.

Савдарлар дарёда совитилган норинж ва лиму[1] шарбатидан келтирдилар. Хўжа Калонбек муздай норинж сувидан бир чини коса сипқарди-ю, нафасини сал ростлаб, Бобурнинг юзига қаради.

[1] Л и м у – лимон.

– Ҳазратим, сиз ҳам қорайиб жуда озиб кетибсиз, – деди. – Бизга билдирмайсиз-у, лекин не чоғли қийналиб юрганингизни бошқалар сезмаса ҳам мен пайқаймен.

– Ҳа, энди... Сиз билан биз ўттиз йилдан бери биргамиз. Не ранжу не машаққатларни бошдан кечирмадик! Ўшал ғаму аламларга нисбатан ҳозирги азобларимиз – давосини топса бўладиган дардлар-ку.

Хўжа Калонбекни яна тер босди. У қўйнидан ипак рўмолча олиб, пешонасидан кўзига оқиб тушган терларини артар экан:

– Афсуски, ёшим кетиб қолди, – деди. – Йигитликда иссиқ-совуқни фарқ қилмас эдик. Ҳозир элликдан ошдик... Сезиб турибменки, Ҳиднинг боди ҳавосидан бир ҳафтада бир ёшга қаримоқдамен. Эски беклардан Қосимбек қавчин бор эди. Бу йил кексайиб, дунёдан кўз юмди. Бу аҳволда мен ҳам кўпга бормасмен, ҳазратим!

– Ундай деманг, жаноб Калонбек. Иссиққа ҳам одатланурмиз.

– Мовароуннаҳрдай салқин ўлкалардан чиққан одам ҳинд иссиғига ўрганишига ақлим бовар қилмайдир!

– Нечун! Асли Шаҳрисабзнинг лочин уруғидан бўлган Хисрав Деҳлавий Ҳиндда етмиш йил умр кўрмиш. Бунисига не дейсиз?

Хисрав Деҳлавий – Хўжа Калонбекнинг севимли шоирларидан эди. Деҳлидан ўтганларида Калонбек ҳам Бобур билан бирга Хисрав Деҳлавийнинг Низомиддин Авлиё мақбарасига қўйилган қабрини зиёрат қилган эди. Ўша ерда Калонбек Деҳлавийнинг «Рўй ба Ҳинд овардони соҳибдилон бечиз нест!» деган машҳур сатрини эслаган, «биз ҳам энди Ҳиндга келган соҳибдиллардан-миз» дегандек мағрурланган эди. У пайтда ҳали иссиқнинг тафти бунчалик баланд эмас эди. Хўжа Калонбекнинг Ҳиндистондан қайтиб кетиш истаги ҳам ҳозиргичалик кучли эмас эди. Бобур Деҳлавийни эслатиш билан Калонбекнинг аввалги аҳдида туролмаётганини айтмоқчи эди. Хўжа Калонбек буни пайқаб, томоқ қирди:

– Ҳазратим, Деҳлавий улуғ одам бўлган, – деди. – Менинг улуғ одамларга тенглашадиган қудратим йўқ экан...

– Сиз яна аввалги эътиқодларингизга зид гапирмоқдасиз. Мақсад улуғ одамларга тенглашмоқ эмас, балки уларнинг

нек ишларини давом етказмоқ эди-ку. Бизни мафтун қилган ҳодиса – Хисрав Деҳлавийнинг қалбида туркий улуснинг қудрати билан ҳинд елининг даҳоси бир-бирига пайванд бўлиб, улуғ натижа берганлиги эмасмиди?

Хўжа Калонбек эътирозга сўз тополмай тасдиқ маъносида бош ирғади ва дастурхонда турган лиму шарбатига қўл чўзди.

Улар Деҳлавий ҳақида илгари ҳам кўп сўзлашган эдилар. Лаҳўр, Деҳли ва Аграда Деҳлавийнинг ҳинд тилида битган қўшиқларини мусулмонлар ҳам, оташпараст ва будпарастлар ҳам тўй-у томошаларда куйлаб юрганларининг гувоҳи бўлдилар. Деҳлавий Бобурдан икки юз йил олдин ўтган бўлса ҳам унинг ғазаллари, куйлари, қўшиқлари худди бугун битилгандай янги ва таъсирли эди.

Бобур Деҳлавийнинг Ҳиндистондаги барча елларни аҳилликка даъват этиб кетганини, агар бу мамлакат дин-у миллат низоларидан баланд турса ва тарих майдонига якдил-у яктан бўлиб чиқса, жаҳоннинг энг улуғ қитъасига айланиши мумкинлигини айта бошлади.

Бобурнинг бу гапларни айтишдан мақсади – Хўжа Калонбекни Ҳиндистонда олиб қолиш эди. Лекин Хўжа Калонбек дўстлари даврасида чоғир ичиб ўтирганда: «Шу бу йил Ҳинддан кетмасам юзим қора бўлсин!» – деб қасам ичган эди. Энди у қасамхўр бўлиб қолмаслик учун ҳам Ҳиндистондан кетишга интилмоқда эди. У Бобурнинг нутқи ва мантиқи жуда зўрлигини яхши билар, Бобур келтирган кучли далилларга жим туриб қулоқ солар, лекин эътироз учун қулай пайт пойлар эди.

– Ҳиднинг қадимий маданиятини Беруний қанчалик улуғлаб ёзганини билурсиз, – сўзида давом этди Бобур. – Бу элда истеъдод-у салоҳият конлари ҳозир ҳам беадад. Фақат инқирозли даврлар бу конларни беркитиб кетмишдир. Биз бу конларни қайтадан очмоғимиз мумкин. Ҳунармандлар беҳисоб. «Иш топиб берсангиз қилғаймен», деб мунтазир турган курур-курур[1] заҳматкаши бор. Хазиналарини ўзингиз кўрдингиз. Аҳолиси-ю бойлигининг улканлигини яна шундан билса бўлурки, бизда йўқ рақамлар буларда бор. Юз курур – бир арб[2]. Юз арбни қарб дерлар. Юз қарбни

[1] К у р у р – юз лак, яъни ўн миллион.

[2] А р б – миллиард.

нил[1] дерлар. Юз нил – падам[2]. Биргина Деҳли вилоятидан ҳар йили давлат хазинасига тушадиган даромад уч курур-у олтмиш тўққиз лак-у эллик минг тангадан ортиқ. Бундай вилоятлар Ҳиндистонда озми? Сиз шу вилоятлардан қайси бирини маъқул кўрсангиз, шунисини берайлик.

– Ҳазратим, менга Ғазнини иноят қилсангиз, марҳаматингиздан умрбод миннатдор бўлур эдим.

– Яна Ғазни дейсиз-а! Ғазнида нечоғлик тангдастлик билан кун кечирганларимиз эсингиздан чиқдими? Маҳмуд Ғазнавийнинг бузилган бандини тиклаймиз деб, уддасидан чиқолмаган эдик. Одам топсак, маблағ топилмас эди, маблағ топсак, яна бирон нарса етишмас эди. Бу ерда ҳаммаси бор. Куч-у қудрат уммондай чексиз!

– Лекин бу уммон мендек... мусофирни ном-нишон қолдирмай ютиб юборишидан қўрқамен!

Хўжа Калон «мендек мусофирни» деб фақат ўзи ҳақида гапираётгандай кўринса ҳам аслида у Бобур билан келган барча ватандошларини назарда тутмоқда эди. «Бу улкан мамлакатга бир урвоқ ҳам бўлолмаймиз, катта халққа аралашиб йўқ бўлиб кетамиз, ундан кўра оладиган ўлжамизни олиб, шимолга тезроқ қайтиб кетайлик», деб юрган беклар ёлғиз Хўжа Калон эмас эди. Бобур шуни ўйлади-ю:

– Мақсад ном-нишон қолдириш бўлса, – деди, – одам шу мақсадга ўзини фидо қила билиши керакми-йўқми? Биз ўрганган салқин боғлар, равон ариқлар бу ерда йўқ. Узум йўқ, қовун йўқ, ях йўқ. Яхши от йўқ. Султон Иброҳимдек подшонинг саройида шам-у шамдон ишлатилмас экан. Юз-икки юз чароғбон давтийлар тирик шамдон бўлиб хизмат қилар эканлар. Чап иликларига сепоя бор чироғни тутиб, ўнг иликларига ёғ солинган кадуни кўтариб, улуғларига чироғ керак бўлганда ўтруларида шамдонга ўхшаб турар эканлар... Мен буюрдимким, ҳунармандларга бизнинг шамдонлар-у қандилларни кўрсатиб, шундайларини ясатсинлар. Бир ой ўтмай саройга етгулик шамдон-у қандил тайёрланди. Шамгарлик ҳам жорий этилди. Ток ектирдим, насиб қилса, ҳинд узумини ҳам ермиз. Бугун кўриб келган боғимизнинг ўрни қанчалик бесафо ерлар бўлганини кўрган эдингиз. Ўлмасак, ушбу ерда Самарқанд-у Ҳиротнинг энг машҳур боғ-у чорбоғларидан ҳам гўзалроқ

[1] Н и л – триллион.

[2] П а д а м – квадриллион.

боғлар, кўшклар барпо этилганини кўрурмиз. Самарқанд-у Ҳиротда инқирозга юз тутган маданиятни биз энди ҳинд маданиятига қўшиб юксалтира олсак... Шунинг ҳаммаси биздан ному нишон бўлиб, авлодлар хотирасида қолмасми, бек?

– Ҳазратим, ниятларингизнинг улуғлигига тасанно айтурмен. Лекин ватанимизда қилмаган нек ишларни бегона юртда қилсак, ким бунинг қадрига етур? Не қилсангиз ҳам биз келгинди фотиҳлармиз. «Булар йигитларимизни жангда ўлдириб, кишваримизни зўрлик билан олган», деб таъна қилмасларми? Пайтини топганда қасос олмасларми?

Бобур оғир «уф» тортди-ю:

– Не қилай? – деди. – Мен шу орзуларни ватанимда рўёбга чиқарай деб озмунча олишдимми?

– Сиздан олдин Ҳиндистонни фатҳ этган Маҳмуд Ғазнавий катта ўлжалар олиб, кераклн ҳунарпешаларни Ғазнига олиб кетиб ишлатган. Ана!...

– Наҳотки сиз менинг Маҳмуд Ғазнавийга ўхшашимни истарсиз?

– Густохлигим учун маъзур тутинг!

– Ахир биз мамлакатни талаб, бойликларинию ҳунарпешаларини олиб чиқиб кетадиган қароқчилар эмасмиз-ку!

– Бир шеърингизда ўз еримизни қўйиб Ҳинд сари юзланганимизни юзи қаролик деб атаган эмасмидингиз, ҳазратим?

– Атаган бўлсам, энди юзимизга теккан қарони ювиб ташлаш ҳаракатидамен! Агар биз ҳам Хисрав Деҳлавийдек шу мамлакатга фарзанд бўлсак, бутун ақлу заковатимизни унга бахш этсак, аминменки, келажак авлодлар олдида юзимиз ёруғ бўлғусидир! Хўжа Калонбек мунозара йўли билан Бобурга сўзини ўтказолмаслигини энди аниқ сезди.

– Ҳазратим, сизнинг метин иродангиз бор, – деб энди Бобурни мақтаб юмшатишга тириша бошлади. – Сизнинг бошингизга тушган кулфатлар бошқа одамнинг бошига тушса, бардош беролмас эди. Лекин сиз ҳаммасига бардош беribгина қолмай, яна шундай улкан ишлар қилмоқчисизки, бунга жаҳон таҳсин ўқиғусидир. Йиллар ўтган сари мен сизнинг улуғ бир сиймо эканлигингизни тобора аниқ сезмоқдамен. Мана ҳозир ҳам сизнинг ёнингизда худди улкан тоғ чўққисининг домонасидаги кичик бир тепачадек, ўзимга-ўзим ожиз кўриниб кетдим.

Хўжа Калонбек овози ҳаяжондан титраб, кўзи аламданми, ўксинишданми чақнаб гапирмоқда эди. Буни кўрган Бобур унинг кўнглини кўтаргиси келиб, Деҳлавийнинг бир сатрини эслатди:

– «Асли кас аз кас набошад кам чу жумла аз одаманд»[1].

– Лекин беш қўл баробар эмас, ҳазратим... Менинг аҳволим ўзимга маълум. Сиз кўтарган улуғ юкка елкамни тутсам, майиб бўлурмен. Мени беш-олти йил тирик юрсин десангиз, рухсат беринг Ғазнига борай. Маҳмуд Ғазнавийдан қолган ўша эски бандни тиклатиб, чўлни обод қилай. Бу ишнинг бутун савобини сизга бағишлай.

Бобур бу сўзларга эътироз қилмай, ўйланиб қолди. Хўжа Калонбек кўзлаган мақсадига етказадиган йўлни энди топганини сезди-ю, шоша-пиша сўзида давом этди:

– Ҳазратим, илтимосимни қабул этинг! Умримнинг охирида дуои жонингизни қилиб ором олай. Ўлсам, жасадимни Ғазнига қўйсинлар. Ҳарна ватанимизга яқинроқ бўлғаймен. Бобур Хўжа Калонбекнинг кўзи намланганини кўрдию, ўзининг Ҳумоюнга тайинлаган бир гапи эсига тушди: «Урушда қон кечиб юрибмиз, мабодо вафот этсам, мени Кобулга элтиб кўмгин» деган эди Бобур. Хўжа Калонбек кетса, улар яна дийдор кўриша олармикинлар? Шу ўй таъсирида Бобурнинг ҳам кўнгли бузилиб, овози товланиб эшитилди:

– Кетингиздан бошқа бек-навкарлар эргашса... мен ким билан қолғаймен?

– Ҳамма беклар билан ўзим гаплашурмен, «подшоҳ Ғазнидаги бандни тиклаш учунгина рухсат бердилар», дермен. Ҳеч ким менга эргашмайдиган қилиб кетгаймен, бунга ишонинг!

Бобур Ҳиротга, Табризга, Балхга, Андижону Тошкентга одамлар юборган, «кимда-ким бизга хайрихоҳ бўлса Ҳиндистонга келсин, улуфалар берурмиз, не истаклари бўлса адо этурмиз» деган қадағалар йўллаган эди. Кобулдаги доруғалар келувчиларнинг сарфу харажатлари учун махсус маблағлар олган эдилар.

– Бўлмаса, сиз ҳам... қаердаки қизилбошлар билан шайбонийзодалардан безган олиму ҳунарманд, беку навкар кўр-

[1] Аслида одам одамдан кам эмас, чунки ҳамма ҳам Одам Ато фарзандидир.

сангиз, бизнинг номимиздан айтинг, келсинлар! – деди у Хўжа Калонбекка.

– Жоним билан айтурмен, токи мендек кетганларнинг бири ўрнига юзи келсин!

Хўжа Калонбек Бобурга бу гапларни чин дилдан айтгандай кўринган эди. Аммо Ҳиндистондан кетишга ижозат олгандан кейин Бобурга ўзини аянч кўрсатиб ялингани учун алами келди. У бек дўстлари олдида ичган қасамини қойиллатиб бажарганини ҳаммага намойиш қилгиси, Ҳиндда қолаётганларни куйдириб кетгиси келдию, Аграда яшаган уйининг деворига бир байт шеър ёзиб қолдирди:

Агар бахайри саломат гузар зи Синд кунам,
Сиёрўй шавам, гар ҳавойи Ҳинд кунам[1].

Хўжа Калонбекнинг уйига кўчиб ўтган Ҳиндубек бир кун кечки пайт бу шеърни ёзиб келиб Бобурга кўрсатди ва байтни ўқиган одамлар ҳамма жойда шов-шув гап қилиб юрганини айтди.

Бобур Хўжа Калоннинг «Ҳеч ким менга эргашмайдиган қилиб кетгаймен!» деган сўзларини эслади-ю:

– Бу кудурат нечун? – деб ҳайрон бўлди. – Наҳотки, Хўжа Калон бошқа бекларнинг ҳам Ҳинддан кетишини истаса?

– Билмадим, бу ерда қолган бекларнинг фидойилиги Хўжа Калонбекнинг аламини келтирганми?

– Ҳа, ўзи шундай фидойи бўлолмаганининг алами бу! – деди Бобур ва қарсак чалиб муншийни чақирди.

Мунший келгунча ўрнидан туриб, хонайи хоснинг у бурчагидан-бу бурчагига асабий бир тарзда бориб келди. Бир кўнгли Хўжа Калоннинг кетидан чопар юбориб, уни Ғазни ҳокимлигидан бекор қилишга мойил эди. Лекин шунча йиллик қадрдонидан айрилиш, кейин Ғазнидаги вайрон бўлиб ётган бандни тиклаш учун яна бошқа одам излаш ташвиши уни бу фикрдан қайтарди.

Нима қилиш керак? Хўжа Калоннинг шеъри Ҳиндистондан кетгиси келиб юрган беку навкарларни баттар қўзғатиб қўйиши аниқ. Агар бу байт учун Хўжа Калон жазоланса, шеърнинг таъсири янада ошиши аниқ.

[1] Яхшилик ва саломатлик билан синд дарёсидан ўтиб олганимдан кейин агар яна Ҳиндни хавас қилсам,юзим қаро бўлсин..

– Бу байт деворга ёзилганича турибдими? – сўради Бобур Ҳиндубекдан.

– Ўчиртириб ташладим.

– Бекор қилибсиз, бек. Сиз ўчирганингиздан сўнг бу байт одамларнинг хотирасига янада маҳкамроқ ўрнашур, шеърнинг таъсирини фақат шеър билан кесмоқ мумкин.

Қўлида қалам-қоғози билан хипча бўй, ўрта яшар мунший таъзим қилиб кирди.

– Ёзинг! – буюрди Бобур унга.

Мунши гилам устига чўкка тушиб, жуздонни тиззасига қўйди, қоғозни кафти билан текислаб, ёзишга тайёрланди. Бобур бадиҳа оҳангида гапирди:

Юз шукр де Бобурки, Каримў ғаффор,
Берди сенга Синду Ҳинду кишвари бисёр.

«Кишвар» сўзи вазнга тушмай сакталик берганини сезди-да, иккинчи сатрни бошқача қилиб такрорлади:

Берди сенга Синду Ҳинду мулки бисёр.
Иссиқлиғига гар сенда йўқдур тоқат,
Совуқ юзин кўрай десанг Ғазни бор.

Мушоиранинг нозик қоидаларига мослаб бирпасда яратилган бу бадиҳа Ҳиндубекнинг завқини келтирди. У деворга совуқ гап ёзиб кетган Хўжа Калонбекнинг башараси ҳам Бобурга нечоғли совуқ кўринганини ўзича тасаввур этиб, беихтиёр кулиб юборди.

Бобур отган ўқининг нишонга текканини шу завқли кулгидан сездию, енгил бир сўлиш олиб, муншийга буюрди.

– Бадиҳани уч нусха кўчиринг. Бир нусхасини Хўжа Калонбекнинг кетидан жўнатсинлар.

– Ҳиндубек, бир нусхасини сиз олиб, Калонбекнинг байтини ўқиган беку навкарларга беринг.

– Кўрсинлар-чи, мушоирада ким ғолиб?

Бу бадиҳани ўқиган кўпчилик бек ва мулозимлар Хўжа Калонбекни кулги қилишиб, «Совуқ юзин кўрай десанг Ғазни бор!» дейдиган бўлишди. Иссиқдан тоқатсизланиб нолийдиганларга ҳам: «Совуқ юзин кўрай десанг Ғазни бор!» деб истеҳзо қилиш расм бўлди.

3

Панипатда оғир яродор бўлган Тоҳир уч ойгача ўрнидан туролмай ётди. Саройдан юборилган табиб унинг этидаги яраларни дуруст муолажа қилдию, лекин қовурға ва қўл суякларининг майда-майда бўлиб синган жойларини епақага келтиролмади. Синган суякларнинг оғриғи туну кун тинчлик бермас эди. Тоҳир Аградa ўша эски қадрдони Мамат билан кичик бир ҳовличада турар, «Энди бу ердан ўлигим чиқса керак», деб ўйлар эди.

Шунинг устига Кобулдан мавлоно Фазлиддин Тоҳирнинг муҳандис ўғли Сафарбекни бошлаб келиб қолди. Улар қурилишда бирга ишлайдиган ҳинд сангтарошларидан сўраб-суриштириб, агралик бир жарроҳни топиб келдилар. Жарроҳ камбағалпарвар одам эканини эшитган мавлоно Фазлиддин жиянини унга таништирар экан:

– Соҳиб Байжу, – деди. – Тоҳир ҳам аслида заҳматкаш бир деҳқон эди. Мен бунинг навкар бўлишига қарши эдим...

– Ўшда сиз ҳақ гапни айтган экансиз, мулла тоға, – деди Тоҳир. – Мен бераҳмлар орасида юриб бераҳм бўлиб кетган эканмен... Бўлмаса, йигирма йиллик қадрдоним Маматга шунчалик шафқатсизлик қилармидим? Мана, ҳаммасининг қасоси қайтди. Ҳали ҳам Мамат одамгарчилик қилди. Бўлмаса отларнинг оёғи тагида қолиб мажақланиб кетардим!

Мавлоно Фазлиддин Маматнинг бу яхшилигини келган кунлари эшитган ва уни боғ қурилишига ишга олган эди. Мавлоно буни табибга форсча аралаш урдуча тилида ҳикоя қилиб берди-да:

– Жияним ҳам энди беклигу навкарликни ташламоқчи, – деди. – Сизу биздек тинч меҳнат билан кун кўрмоқчи. Бунга ёрдам берайлик!

– Биламан, сиз бизнинг юртимизга ободончилик қилиш учун келгансиз, соҳиб, – деди Байжу, – Сиз илтимос қилганингиз учун жиянингизга қўлимдан келганича ёрдам бераман!

Табиб айтганини қилиб Тоҳирни бир ой астойдил даволади. Байжунинг сезгир қўллари қайси суяк қаеридан қандай синганини бехато аниқлаб, ҳаммасини моҳирлик билан жой-жойига қўйиб чиқди. Бир ой давомида Тоҳир унинг кафти оқиш-кўкимтир, усти қора майин панжаларига худди

ўз қўлларига ўргангандай ўрганиб кетди. Кейин тузалиб ўрнидан турган куни Байжунинг шу панжаларини қўлларига олиб, кўзига сурди:

– Айтинг, соҳиб, мен бу яхшилигингизни қандай қайтарай?

– Жарроҳнинг қўлини шунчалик эъзозлаб кўзга сурганингиз – яхшилигимнинг қайтгани эмасми?

– Йўқ, мен сиздан умрбод қарздормен!

– Ким билсин, балки мен ўзим ҳозир бир қарзимни узгандирман?

Мавлоно Фазлиддин ҳам шу ерда турган эди. У табибнинг алланимани «Айтайми-айтмайми?» – деб иккиланаётганини кўрди-ю:

– Соҳиб Байжу, сиз нечун ўзингизни қарздор сездингиз? – деди.

– Бунинг тарихи узоқ... Фақат илтимос қиламан, бошқа ҳеч кимга айтмангизлар.

– Илтимосингизни бажонидил қабул қилдик!

– Менинг бир филбон акам бор. Иброҳим Лоди замонида акам Аградан иш тополмай Панжобга кетган эди. Ўша ерда қўшинларингиз қанча одамларимизни қирганини эшитипти. «Буларни ватанимга киргизмайман», дебдию, қўшинларингизни адаштириб, чангалзор ботқоқликка бошлабди.

– Э, бўлди, бўлди! – деди Тоҳир филбон раҳнамо Лаъл Чандни эслаб. – Бизнинг иккита навкаримизни филига урдириб, майиб қилиб кетган эди... Аммо мен ўшанда унинг довюраклигига қойил қолган эдим. Бир ўзи бир қўшиндан қўрқмай олишган эди-я!.. Биз уни чангалзор ботқоқликдан чиқолмайди, деб ўйлаган эдик. Чиқибдими, а? Ҳозир тирикми?

– Тирик, лекин энди Аграга келишдан қўрқади... Акам ўша навкарларингни майиб қилгани... яхши бўлмаган... Эҳтимол, мен соҳиб Тоҳирни даволаганим – ўша гуноҳимизни ювиб кетгандир?

– Сиз акангиз қилган ишни гуноҳ деб атаманг, соҳиб Байжу! – эътироз қилди мавлоно Фазлиддин. – Ватанни бундай баҳодирона ҳимоя қилиш гуноҳ эмас, балки шарафдир!

– Яхши сўзларингиз учун раҳмат, соҳиб! Аммо ўша иши туфайли акам ҳамон ишсиз. Ўз ватанида бекиниб қочиб юрибди. Бола-чақаси оч-яланғоч.

– Акангиз қурилишда ишлаганми?

– Ҳа, фил билан доим қурилишда ишлар эди.

– Бўлмаса менга учрасин, иш топиб берай. Биз ҳатто ҳарбий филларни меҳнатга ўргатмоқдамиз-ку!

– Акам бунинг ҳаммасини эшитган. Иброҳим Лоди бекитиб ётган олтинларни сизлар энди қурилишга сарфлаётганларингиздан мамнун. Аммо қўлга тушиб қолишдан қўрқади.

– Балки акангизнинг Аграга келмагани тўғридир. Бу ерда беку мулозимлар кўп, таниб қолиб, бир бало қилишлари мумкин. Акангиз аъёнлар кам борадиган чет жойдаги қурилишга келсин. Мен жума куни Деҳалпурга бораман. Истаса, ўша жойга борсин.

– Соҳиб, сизни подшоларингиз ҳурмат қилар эмишлар, энг катта қурилишларнинг саркори экансиз. Подшоҳдан акамнинг гуноҳини сўраб, шафоат олиб беролмайсизми? Ўшанда биз бехавотир юрар эдик.

Мавлоно Фазлиддин ўйланиб турдию:

– Сизни бунга ишонтиролмайман Байжу, – деди. – Чунки подшоҳнинг жонига қасд қилган одамларни аёвсиз жазолаш ҳақида фармон чиқарилган. Бобур мирзо шу фармонга имзо чекканлар. Ўзлари соҳибдил шоир, маърифатли инсон бўлсалар ҳам подшоҳлик билан фотиҳлик у кишини мураккаб зиддиятларга дучор қилган. Ўшанда Лаъл Чанд уни аскарлари билан адаштириб, йўқ қилиб юбормоқчи бўлгани эсига тушса, қаҳр устида қатл эттириб юбориши мумкин.

– Бу рост, – деди Тоҳир тоғасининг сўзини маъқуллаб, – Ҳатто мен... энди саройга хизматга қайтишдан чўчиймен. Бобур мирзони чин дилдан яхши кўрсам ҳам унинг шафқатсиз муҳитидан узоқроқ юргим келади.

– Ундоқ бўлса, энди менинг акам нажотни фақат сиздан кутади, мавлоно Фазлиддин!

– Мен унга қўлимдан келган яхшиликни қилишга тайёрмен. Келгуси жума Деҳалпурга келсин. Фақат... ўзини... Сизнинг номингиз билан атасин. Иложи бўлса, қиёфасини сал ўзгартирсин.

– Акамнинг ўзи ҳам соч-соқол ўстириб, таниш қийин бўлган қиёфага кирган.

– Жуда соз. Балодан ҳазар дейдилар. Фили билан қурилишда ишлаб ўзини ўнглаб олсин, сўнгра яна кенгашиб кўрурмиз!

Табиб Байжу акаси Лаъл Чандни келгуси ҳафтада Деҳалпурга мавлоно Фазлиддин олдига юборадиган бўлиб кетди.

4

Аграда сершамол ёмғир фасли бошланган саратон кунларининг бирида Тоҳир саройга – Бобурнинг ҳузурига келди.

Девони хоснинг мармар айвонида ўтирган Бобур уни зўрға таниди – Тоҳирнинг соч-соқоли оқариб кетган. Юзидаги чандиқдан ташқари, энгаги аралаш бўйнига гўё катта бир ямоқ тушган.

– Хайрият, тузалиб кетибсиз, – деб Бобур унинг кўнглини кўтарадиган гап излади.

– Ҳа, мулла тоғам жонимга ора кирдилар...

– Энди қалай, аввалги хизматга қайтмоқчимисиз?

Тоҳирнинг ўнг қўли заиф, бўйни ҳам дуруст қайрилмайдиган бўлиб қолган, ён-верига қарамоқчи бўлса, бутун гавдасини буриб қарар эди.

– Мен энди қўрчиликка ярамасмен.

– Бўлмаса, ички беклар қаторида юраверинг.

– Лекин мен бекликни эплолмадим... Панипатда ўзимдан ўтди.

– Нечун?

Тоҳир жанг бўладиган куни азонда қандай сабуҳий қилганини, отдан қандай йиқилганини ва қадрдон навкарини қандай шафқатсизларча урганини бир-бир айтиб берди.

– Бек бўлдим, деб мағрурланиб золим бўлиб кетган эканмен. Ўлим тўшагида ётиб ўзимни танидим. Менга беклик... тўғри келмас экан, ҳазратим. Ўзим ҳам энди майиб одаммен. Ижозат беринг, мулла тоғам тарҳини чизган боғда сувчими, гулчими бўлиб қолай... Бир вақтлар Қувада кичкина боғчамиздаги дов-дарахтларни суғоришни яхши кўрар эдим...

Бобур айвоннинг жимжимали мармар устунлари ортидан сузиб ўтаётган ёмғир булутларига тикилиб оғир хўрсинди. У Тоҳирга яхшилик қилмоқчи бўлиб беклик унвонини бергани охир-оқибатда ёмонлик бўлиб чиққан эди.

– Сиз-ку, бекларнинг касофат муҳитидан сувчи бўлиб қутулмоқчисиз. Лекин мен қандоқ қутулгаймен?

Бу савол Тоҳирни шошириб қўйди.

– Сиз... подшоҳсиз, ҳазратим. Беклар сизнинг итоатингиздалар.

– Итоатимда бўлиб итоат этдирурлар... Буларнинг шундай гирдоблари борки, сал бехабар қолсангиз, ғарқ қилиб юборурлар... Мен Сўхда сизга айтган гапларим эсингиздами?

– Мен у сўзларингизни ҳеч вақт унутмасам керак...

– Ўшанда, сиз, умрбод ҳузурингиздан кетмасмен, деган эдингиз-ку!

– Ҳазратим, мен у вақтда соғлом йигит эдим... Ҳозир аҳволим бу...

– Саройда менинг хилватхонамга қарайдиган дуруст одам йўқ. Шу ишни сиз олсангиз.

Хилватхона – Бобурнинг ёлғиз ўтириб ижод қиладиган жойи эканини Тоҳир билар, Бобур ҳаётининг энг дилкаш томони унинг ижодида эканини сезарди. Лекин саройнинг мураккаб, бўғиқ муҳитидан кўнгли қолган Тоҳир боғда, тоғасининг ёнида ишлашни истарди.

– Ҳазратим, қулингизни маъзур тутинг. Мен боғда ишлаймен, деб аҳд қилган эдим...

– Боғда ҳам хилватхона бўлур, – деди Бобур. – Қуриб битирилса, унга ҳам сиз қарагайсиз. Маъқулми?

Энди «йўқ» дейишнинг иложи қолмади. Бобурнинг сўзини икки қилиб ўрганмаган Тоҳир қўлини кўксига қўйдию, розилик берди.

* * *

Агра қалъасидаги хилватхона девони хос билан подшоҳ ошхонасининг оралиғида эди. Бир ойдан бери давом этаётган ёмғир фасли ҳали-вери тугайдиганга ўхшамас, баъзи кунлари беш-ўн мартадан жала қуйиб ўтарди. Ёғин-сочинли кунларда Бобур кўпроқ Аградa ишлайди. Хилватхона – ичма-ич қурилган уч хонадан иборат. Бу хоналарнинг майда-чуйда ишларини тўртта савдар қилади, лавозими «офтобачи» деб аталадиган Тоҳир уларга бошлиқ. Энг ички хонада қоғоз, қалам ва Бобур тайинлаган китоблар туради. Бериги хонага дастурхон солиниб, Бобур хуш кўрадиган гулоб, норинж шарбати, анба меваси[1] қайла[2], танбул барги[3] ва мағзи қизил

[1] А н б а – ананаснинг бир тури.

[2] Қ а й л а – банан.

[3] Т а н б у л б а р г и – апелсин баргига ўхшаб кетади. Фуфал ёнғоғи билан бирга оғизга солиб чайналса кайф беради, тишни мустаҳкамлайди.

фуфал ёнғоғи қўйилган. Бир куни Тоҳир дастурхонга энг тоза Ғазни чоғиридан ҳам бир кўзача қўйдирган эди, Бобур:

– Чоғир мажлиси хиргоҳда бўлди, бас, – деди.

Шундан кейин Тоҳир хилватхонага ичкиликни йўлатмайдиган бўлди. Бобур ички уйда туни билан ишласа, Тоҳир ҳам тонг отгунча ухламай, унинг тинчини қўриқлаб чиқар эди. Унинг ташқи хонада уйғоқ ўтиришини биладиган Бобур гоҳо ичкаридан чиқиб келиб, ғалати саволлар берарди:

– Бадахшонда арчазорларда нафис бир ўт бўлур эди, эсингиздами? Даҳкат атрофида, Осмон Яйловда ҳам мўл эди. Ранги ҳаворанг. Мен бир дафтарга ёзиб қўйган эдим... Кобулда қолганми? Йўқ.

– От ейдими?

Ҳа, яхши ейди. Бўйи паст-паст, ердан тўп-тўп бўлиб чиқур.

– Бетакамикин?

– Ҳа-ҳа, бетака ҳам дерлар, лекин асли бутака! Буталаб ўсгани учун бутака дер эканлар. Мен бунинг важҳи тасмиясини[1] Бадахшонда эшитган эдим.

Бобур қидирган сўзини топганидан мамнун бўлиб ичкарига кириб кетди. У Тоҳир билан бирга кўрган жойлари, бирга бошдан кечирган воқеаларининг мана шунақа тафсилотларини сўраб, аниқлаб олган кунлари Тоҳирнинг ҳам кўнгли кўтарилиб юрарди. У Бобурнинг ўз кўрган-кечирганлари ҳақида катта китоб ёзаётганини эшитган эди. Энди Тоҳир ҳам шу китобнинг ёзилишига бир қадар иштирок этаётгани учун «Ҳар қалай, бу ерда ўтган кунларим зое кетмайдиганга ўхшайди», деб қўярди. Бир кун тун яримлаганда Бобур хилватхонадан хомуш бўлиб чиқдию, ҳазин товуш билан бир тўртлик ўқиб берди:

Кўпдан бериким ёр-у диёрим йўқдир,
Бир лаҳза-ву бир нафас қарорим йўқдир,
Келдим бул сори ўз ихтиёрим бирла,
Лекин боруримда ихтиёрим йўқдир.

Бу сатрлар Тоҳирнинг соғинч туйғуларини шундай қўзғатдики, кўпдан бери кўрмаган Робиясини қўмсаб, ўпкаси тўлди.

– Болалар билан қачон дийдор кўришаркинмиз-а, ҳазратим?

[1] В а ж ҳ и т а с м и я с и – шундай деб аталиш сабаби, этимологияси.

– Йўллар ҳали нотинч. Ҳарам учун хатар кўп. Бу ёқда Рано Санго биздан норизоларни атрофига тўплаб, куч йиғмоқда эмиш...

«Биздан норизолар» деган сўзлар Тоҳирга мана шу қалъа ҳовлисида ўтган куни юз берган бир фожиани эслатди.

Ҳинд усталари, пашкол пайтида ер қазиб бўлмайди, ишни тўхтатайлик, дейишди. Лекин саркор бунга кўнмади: «Биз войинни олти ойда қуриб битиришга сўз берганмиз, ёмғир фасли икки ой давом этса, кейин қачон улгургаймиз? Подшо ҳазратлари бизни ёлғончи демасларми? Ёмғир писандмас! Қайтага салқин бўлди! Ишлайверинглар!» Хуллас, саркор ер қазувчиларни мажбур қилиб ишлата бошлади.

Муттасил ёғиб турган ёмғирлар ерни ивитиб, ҳилвирлатиб қўйган эди. Ўтган куни ер қазувчилар ўн қулоч чуқурликдаги чоҳнинг тубида ишлаётганларида жардай чуқур ҳавзанинг бир томони ўпирилиб тушди-ю, тўрт одамни босиб қолди. Уларни лой аралаш тупроқ тагидан кавлаб олгунларича учтаси аллақачон жон берган, тўртинчиси тирик бўлса ҳам бели синиб, майиб бўлган эди.

5

Хилватхонадан сал нарида – сарой ошхонасида овқат пишириб юрган Баҳлул исмли ўрта яшар бир ошпаз ҳам войиннинг чоҳи тагида жон берган ер қазувчиларни кўрган эди.

Бу фожиа ошпазга Панипат жангида фотиҳларнинг қиличидан ҳалок бўлган йигирма яшар суюкли инисини эслатган ва қалбидаги интиқом туйғусини яна жунбишга келтирган эди.

Аҳмад чошнагир малика Байданинг канизларидан бирини орага қўйиб, заҳарни шу Баҳлулга етказиб берган эди. Малика Байданинг яна бир канизи келиб, режани ҳозирги пашкол кунларда – Бобур бирон ёққа юришга кетиб қолмасидан олдин амалга ошириш кераклигини айтган эди.

Тўрт букланган оқ қоғоз ичида зираворга ўхшаб турган заҳар икки мисқолгина бўлса ҳам Баҳлулга зўр бир пўлат қуролдек оғир туюларди. У жангда ватанини ҳимоя қилиб жон берган инисининг ўчини шу қурол ёрдамида олишни ва фотиҳларни бу ердан тезроқ қувишни истар эди. Агар Бобур ўлдирилса, фотиҳлар Ҳиндистонда туролмай кетиб қолишларига Аҳмад чошнагир Баҳлулни ишонтирган эди.

Подшоҳ ошхонасида ҳар бир таомни текшириб татиб кўрадиган махсус баковуллар бўлар эди. Қаттиқ ёмғир ёғаётган куни кечқурун шу баковуллар ароқ ичиб, маст бўлиб қолишди.

Қозонда карунди дарахтининг нордон мевасидан қўшиб тайёрланган мазали қайла пишиб турибди. Бобур бу қайлани яхши кўришини Баҳлул билар эди. У секин қўйин чўнтагига қўл солиб, тўрт буклоғлиқ қоғозни олди. Ошхонада ҳеч ким йўқ. Баковуллар нариги хонада маст бўлиб ашула айтишяпти, шамол аралаш ёмғир ёғяпти. Баҳлул заҳарни қозонга солмади – баковулларнинг ароққа қайлани газак қилиш одатлари бор, еб кўришса, заҳарланиб, билдириб қўйишлари мумкин. Шунинг учун ошпаз заҳарни Бобур овқат ейдиган чинни лаганга юпқа лочира нон устига сепа бошлади. Бирдан шамол ташқи эшикни қарсиллатиб ёпти. Баҳлулга кимдир келаётгандай туюлдию, заҳарнинг қолганини қозон тагида ёниб турган оловга отди. Кейин чинни лагандаги заҳар сепилган лочира устига тез-тез қайлани солди.

Орадан сал вақт ўтгач, савдар кирди, қуён гўштидан қилинган қовурдоқни ва қайла солинган чинни лаганни Бобур овқат еб ўтирган хўракхонага олиб чиқиб кетди. Аҳмад чошнагир бу заҳарни таъмидан билиб бўлмаслигини, унинг таъсири аста-секин билинишини айтган эди. Баҳлул сир очилгунча қўрғон дарвозасидан чиқиб кетиш умидида эди. Аммо у ошхона эшигидан чиқаётганда ширакайф баковуллардан бирига дуч келди.

– Қани, қуён гўштидан бизга ҳам қолдирдингми?

– Қайла бор, соҳиб.

– Йўқ, қуён қовурдоғи керак!

– Қовурдоқ оз эди, ҳаммасини ҳазратга бериб юбордим. Қайла ей қолинг, газакка яхши.

– Йўқ! Қуён кўп эди-ку! Нега бизга қолдирмадинг?

– Ҳаммасини қовурганим йўқ эди...

– Бўлмаса ҳозир бизга қуён гўштидан қовуриб бер! Тез! Баковулнинг йўғон гавдаси эшикни тўсиб турарди.

Ошпаз орқага қайтди ва саросима ҳаракатлар билан ёғ доғлаб, қуён гўштини қовуришга тайёрлай бошлади.

Ёмғирли тун саройни чулғаб олган. Шу пайт бирдан хос навкарлар табибга югуриб, баковуллар бир-бирини чақириб, ошхонанинг ич-таши тўполон бўлиб кетди. Хилватгоҳда ўтирган Тоҳир ҳам хўракхонага чопиб келди.

Бобур устма-уст қайт қилиб, юзи кўкариб кетган. У нафаси қайтиб, ташқарига интилди, аммо икки қадам қўйгунча бўлмай гандираклаб йиқила бошлади. Тоҳир чопиб бориб, уни қўлтиғидан суяб олди. Табиб Юсуфий Бобурнинг нариги қўлтиғига кирди. Жонсарак бўлиб қолган савдарларга буюрди.

– Ичкарига жой қилинг!

– Равонга! – деди Бобур ютоқиб.

Унинг кўнгли беҳуд, боши гир-гир айланар, нуқул ҳаво етишмаётгандай бўлар эди. Бобурни равонга суяб чиқариб ётқиздилар. Табиб юракка қувват берадиган доридан ҳидлатди.

– Сизга не бўлди, ҳазратим? Майни кўп ичдингизми? Ё маъжун аралашдими?

– Овқатда бир сир бор! – деди Бобур ва яна кўнгли айниб, чинни тоз устига энгашди.

– Ошпаз тафтиш қилинсин!

Шу пайт қайладан еган яна икки мулозим Бобурга ўхшаб қайт қилаётгани маълум бўлди. Баковуллар қайла пиширган Баҳлулни тутиб, саройнинг энг қаттиққўл терговчисига топширдилар. Терговчи уни турли қийноқларга солиб сўроқ қилишга киришди. Бобур туни бўйи ўлим билан олишиб чиқди. Ҳар қайт қилганда юрак-бағри узилиб, парчаланиб чиқаётгандай оғрир, гоҳо нафаси ичига тушиб кетар эди. Табиб унинг тепасидан кетмай:

– Шифо топасиз, бардам бўлинг! – деб тасалли берар эди.

Тоҳир ҳам табибга қарашиб, туни бўйи мижжа қоқмай чиқди. У Бобурнинг бошини тутар, тер босган юзини, бўйинларини елпир эди. Бобурнинг заҳар азобидан тўлғанаётганини кўрган сари, ўзи ҳам заҳар ичгандай қийналар эди. Тонг пайти Бобур алаҳсирагандай бўлиб, Ҳумоюн билан Моҳим бегимни йўқлай бошлади.

Шимолий чегаралар яна нотинч бўлиб қолгани учун Бобур Ҳумоюнни ўтган ойда Бадахшонга қайтариб юборган эди. Моҳим бегим ҳамон Кобулда эди.

– Ҳумоюн мирзога чопар юборайликми? – деб сўради Тоҳир.

Бобур кўзини очиб, хиёл ўзига келгандек бўлди. Чопар Кобул ва Бадахшонга етиб боргунча камида бир ой вақт ўтади. Бу орада бирон кориҳол бўлса на Ҳумоюн, на Моҳим бегим етиб келоларди. Бобур ғамгин бош чайқаб:

– Фойдаси йўқ, – деди.

Унинг аҳволи тобора танг бўлаётганини кўрган Тоҳир:

– Ҳазратим, бардам бўлинг! – деб илтижо қилди. – Биз сиз билан неча ўлимлардан қолганмиз! Дардга бўй берманг, енгасиз!

– Лекин... бундай фалокат... биринчи учраши!..

Бобур беҳол қўзғалиб яна тоз устига энгашди, оғриқ зарбидан кўзларига дув-дув ёш келди. Сўнг бошини яна ёстиққа қўйиб кўзини юмиб ётганда равонга терговчи кирди. Юсуфий унга:

– Қисқа сўзланг, фақат ахборот! – деб шипшиди.

Терговчи Байдани ҳам сўроқ қилганини, нариги учовига шу бадбахт малика бош бўлганини, лекин ташқи душманлар билан, жумладан, Рано Санграм Сингҳ билан алоқаси борлигини рад этганини, бошқа саволларга жавоб беришдан бош тортганини айтиб берди.

– Малъунлар!.. – деди Бобур ётган жойида ғазабдан овози қалтираб. – Мен уларга шунчалик ишониб... илкидин таом есам... иззат-икром қилсам!..

– Ҳазратим, бу иблисларни минг қийноққа солиб ўлдирмоқ керак!

– Нариги учовини... қоидага биноан қатл эттиринг! Байда... кейин!

– Бош устига! – деб терговчи чиқиб кетди.

Қоидага биноан, подшоҳнинг жонига қасд қилганлар энг оғир қийноқларга солиб ўлдириларди. Ошпаз Баҳлулнинг териси тириклай шилиниб олинди. Жаллодлар Аҳмад чошнагирнинг аввал қўл-оёқларини кесиб, кейин бошини танасидан узиб, вужудини парча-парча қилиб ташладилар. Икки орада воситачи турган ва усталик билан саройга заҳар олиб кириб, ошпазга берган канизак қутурган филнинг оёғи тагига ташлаб ўлдирилди. Малика Байда энг қаттиқ ҳибсда сақланар, энди одамлар унинг қандай қатл этилишини кутар эди.

Табиб Юсуфий Бобурнинг ҳаёти учун икки кечаю кундуз тинмай курашди. Тоҳир ҳам икки кечаю кундуз беморнинг ёнидан жилмай, хизматини қилди. Ниҳоят, учинчи кун табиб:

– Худога минг қатла шукр, ҳазратим, бир ўлимдан қолдингиз! – деди. – Онадан қайта туғилгандай бўлдингиз. Энди озгина қатиқ ичинг. Сўнгра ухланг!

Бобур бир пиёла қатиқ ичгач, кўзини юмиб, ёстиққа бош қўйди. Лекин бошидан ўтган ўлим даҳшати ҳамон хаёлидан нари кетмасди. Унинг жони шунча вақт қил учида осилиб турганини ўйласа, беихтиёр ваҳми келарди. Шу қил узилса ўлим деб аталадиган зулмат қаърига қулаб тушишини икки кун давомида муттасил ҳис қилиш унда яшаш истагини кучайтириб юборган эди. Ҳаётнинг бир лаҳзаси, бир учқуни дунёнинг барча бойликларию тожу тахтларидан ҳам азиз эканлиги унга энди астойдил сезилди. Унинг азобдан толиққан вужуди ҳамон беҳол бўлса ҳам руҳида нимадир ўзгаргандек ва дунё кўзига бошқачароқ кўрингандек бўларди. Ҳар бир кишининг фақат биттагина умри бор экан ва умрнинг ҳар лаҳзаси шу қадар ширин экан, Бобурнинг ёшига етмай ўлиб кетганларга осон тутиб бўладими? Иброҳим Лоди ундан тўрт ёш кичик эди. Малика Байда буни унутиши ва Бобур яхши муомала қилгани учунгина уни кечириб, фарзанди ўрнида эъзозлаши мумкинмиди? Жангда эришган ғалабалари унга энг мушкул ишларни ҳам осон кўрсатиб қўйгани учун бўлса керакки, Бобур Иброҳим Лодининг онасига шунчалик ишонган ва унинг амрида бўлган ошпазларни ишга олган экан-да! Бу ошпазлар тайёрлаган ҳиндча таомларни ейиш билан эл-улуснинг кўнглини олмоқчи бўлгани ҳам, унинг ўз кучига ортиқ даражада ишонганидан келиб чиқмаганмикин? Ҳолбуки, кечаги душманларни бугун дарҳол дўстга айлантириш осонми? Хусусан, Байдадек фарзанд доғида куйиб юрганлар ёки ошпаз Баҳлулдек инисининг қасдини олмоқчи бўлганлар билан муомалада эҳтиёткорроқ бўлиши керак эмасмиди? Кобулда Моҳим бегим айтган изтиробли гаплар яна унинг ёдига тушди. Бегона юртдан борган фотиҳни осонликча кечирмасликлари, унинг қиличидан пайдо бўлган яралар асрлар давомида битмаслиги рост бўлса... Бобур бу мамлакат халқининг кўнглини олиши учун қанча кўп йиллар керак бўлади? Бунга унинг умри етармикин? Умуман, бу ўзи эришиш мумкин бўлган мақсадми ёки сароб?..

Бу ўйлардан Бобур яна боши берк кўчага кириб қолгандай бўлди, келажак кўзига қоронғи кўриниб кетди.

Фақат танасига аста-секин қайтиб келаётган ҳаётий кучлар шу зулматни ёриб ўтиб келаётган ёғдулардай илиқ туюларди. Ўша кеча Бобур яхши ухлади. Эртаси куни табиб унинг томиридан кўпроқ қон олмоқчи бўлди.

– Заҳарланган ҳаром қонни чиқариб юборгаймиз, ҳазратим. Яна бирор ҳафта қимирламай ётмоғингиз керак.

Бобур бунга эътироз қилди. Бусиз ҳам унинг дармони кетиб қолган эди. Агар табиб кўп қон олса узоқ ётиши аниқ. Ҳолбуки, «Подшоҳ ўлим тўшагида ётган эмиш!», «Умид йўқ эмиш!» деган овозалар тарқалган, қулай фурсат кутаётган ғанимлар жонланиб қолган эди. Беклар ҳам Бобурнинг тезроқ кўпчиликка кўринишини истар эдилар.

Орадан яна икки кун ўтгач, Бобур тантанали маросимларда киядиган кийимларда девони омга чиқди. Баланд тахтнинг икки томонида тизилиб турган юздан ортиқ амирлар, саркардалар, вилоят ҳокимлари таъзим бажо келтириб бўйин эгдилар. Бобур тахтга шошилмай чиқиб ўтиргач, икки навкар малика Байдани пойгаҳдаги эшикдан олиб кирди.

Кампир ҳали ҳам бошдан-оёқ оқ кийиб, ўғли Иброҳимга аза тутиб юрар эди. Фақат қадди аввалгидан бироз букчайганроқ. Лекин кўзлари Бобурнинг юзига тушганда унинг оғир касалга ўхшаб сарғайиб қолганидан қаноат ҳосил қилгандай мамнун йилтиради.

Эшикоға Муҳаммад Дўлдай маликани сўроққа тутиб, суиқасдга яна кимлар иштирок этганини суриштира бошлади.

– Суиқасд эмас, бу интиқом! – деди малика. – Подшоингиз тўккан қонларнинг қасоси бу! Менга ёрдам берган ошпаз ҳам, Аҳмад Чошнагир ҳам, каниз ҳам ботир қасоскорлар эди. Ҳаммаси мардларча жон берди. Энди навбат меники. Мен ўғлимнинг доғида куйиб кул бўлганман. Энди қўлларингдан келса, кулимни кўкка совуринглар!

Малика саройда ҳамма тушунадиган форсий тилда гапирмоқда эди. Аъёнлар нафасларини ичларига олиб, ерга қарашди. Малика бир ўлимни бўйнига олиб келган, энди ҳар бир сўзни ўққа айлантириб ёвига дадил отар, Бобурнинг ғазабга тўлиб, жаллод чақиришини, қуролсиз онага қарши барча қуролларини ишга солишини истарди. Ўшанда маънавий ғалаба малика томонида бўлар, унинг довюраклиги оғиздан-оғизга ўтиб, одамларнинг эҳтиромини қозонар эди. Буни Бобур ҳам сездию, ўзини босиб, Маликдод Короний қаради.

– Бу қандай ёсуманлик! – деди Маликдод Короний Байдага. – Шунчалик ўч олиш ниятингиз бор экан, аълоҳазратнинг иноятларини нега қабул қилдингиз?

– Ниятимга етишим учун шундай қилишим керак эди!

– Аълоҳазрат сизни «Мўътабар онамиздек эъзозланг!» деганларида йиғлаб миннатдорчилик билдирганингиз бизнинг ёдимиздан чиққан эмас!

– Мен у пайтда нафратим зўридан йиғлаган эдим! Ўғлимнинг кушандасига она бўлишдан қийналиб кўзим ёшланган эди!

– Ё алҳазар! Ахир сиз ҳам Муҳаммад умматисиз, муслимасиз-ку! Ўғлингиз буларга қарши неча баробар катта куч билан чиққанини билмасмисиз? Булар мағлуб бўлса, ўғлингиз ёвларининг минг жонларидан бирини ҳам тирик қўймас эди. Сиз султон Иброҳимнинг қанчалик шафқатсиз бўлганини билар эдингиз. Агар сизда инсофу имон бўлса, қўлида қиличи билан очиқчасига жанг қилган саркардага яшириқча заҳар бермас эдингиз!

– Мен аёл кишиман, қилич кўтариб жанг қилолмайман! Ана ўша заҳар менинг қиличим эди. Фотиҳлар Панипатда минг-минг одамларнинг ўлимига сабаб бўлди! Бу мамлакатнинг яна кўп жойларига ажал уруғини экди! Мен каби минглаб оналар ҳозир мотам тутиб, кўз ёши тўкиб юрибди. Қанча-қанча келинчаклар бева қолиб, ўзларини эрларининг жасадлари билан бирга оловда ёндиряпти! Мен берган заҳар ана ўша ажалнинг уруғидан тайёрланган эди! Унга бева-бечораларнинг аччиқ кўз ёшлари ҳам қўшилган эди!

Маликанинг сўнгги сўзлари фотиҳ бекларга ҳам тегиб кетди. Серсоқол бир бек ўрнидан сакраб туриб, Бобурга таъзим билан мурожаат қилди:

– Ҳазратим, бу ялмоғизнинг тилини оғзидан суғуриб олмоқ керак! Шундай малъунлиги устига яна бунча гап!

– Майли, мени қиймалаб ташласинлар! – деб қичқирди Байда. – Мен қўрқмайман!

Бобур Байдани беклар истагандек қийноқларга солиб ўлдиртирса эл-улус нима дейишини ўйлар экан, «лоп» этиб Ҳиротдаги Хадича бегим эсига тушди. Маккорликда у ҳам Байдадан қолишмас эди, невараси Мўмин мирзонинг ўлимига сабаб бўлгани кўпчиликка маълум эди. Шунга қарамай, Шайбонийхон уни Мансур бахшининг ихтиёрига топшириб, даҳшатли қийноқларга солгани жуда кўп одамларнинг нафратини келтирган эди. Бобурнинг ўзи бундан бир ҳафтагина олдин хилватхонада хотира ёзиб ўтирганда Шайбонийхоннинг бу ишини

жирканиб қаламга олган эди. «...Беш кунлик ўтар дунёда Шайбонийхон мундоқ аблаҳона ишлари билан ёмон от қозонди» – деган сатрларни ўз умр китобига битган Бобур энди мана бу куролсиз онага қандай чора кўриши керак? Қандай қилса, одамларнинг нафратига эмас, ҳурматига сазовор бўлади?

Беклар ҳамон Байданинг ўлдирилишини талаб қилмоқда эдилар:

– Бу ялмоғизни қутурган филнинг оёғи тагига ташлаб қатл эттирмоқ керак!

– Ёки оёқ-қўлини чирмаб боғлаб, баланд минора устига ётқизиб қўймоқ даркор – гўштини қузғунлар еб, кўзларини чўқиб кетсин!

Маликага зимдан тикилиб турган Бобур сўнгги таклифлардан Байданинг ранги ўчиб, юзи кўкимтир тусга кирганини кўрди. Шунда Муҳаммад Дўлдайнинг ишораси билан беклар жим бўлдилар. Бобур малика тушунадиган форсий тилда:

– Жаноб беклар таклиф қилган жазолар барчаси асосли, – деди. – Бироқ хиёнатчи маликага буларнинг ҳаммасидан ҳам оғирроқ бир жазо бор. Бу хонимнинг гапига қараганда, ҳамма етиму есирлар учун жони ачир эмиш, заҳарни ўшаларнинг кўз ёшларидан тайёрлаган эмиш! Бироқ бунинг ўғли Иброҳим Лоди эл-улусга озмунча зулм ўтказганми? Озмунча одамни етиму есир қилганми? Иброҳим сабабчи бўлган ички урушларда ҳар йили қанча одам ҳалок бўлган эди, жаноб Короний? Сиз билсангиз керак?

– Ҳазратим, менда ҳисоботи бор: сўнгги уч йил давомида султон Иброҳим бошлаган ички урушларда биздан юз йигирма минг одам ҳалок бўлмишдир.

– Уч йилда бир юзу йигирма минг! – хитоб қилди Бобур. – Иброҳим Лоди эса ўн йилдан ортиқ тахтда ўлтирган! Ҳиндистонда одам кўп. Юз минги ички урушда ҳалок бўлса, Иброҳим яна юз мингини пулга ёллаган. Агар Иброҳимнинг онаси бўлмиш бу хоним ўлган навкарларгаю уларнинг етим-есирларига астойдил жон куйдирса, нечун юз минглаб одамларнинг беҳуда ўлиб кетишларига йўл қўйган? Нечун ўғлини бундай ножўя қирғинлардан қайтармаган?!

– Мен фақат она эдим, подшоҳ ўғлимга амр-фармон беролмас эдим! – деб малика Байда энди ўзини ҳимоя қила бошлади.

– Ножўя ички қирғинларни тўхтатишга амр-фармон бермоқ учун, мана, биз бел боғладик! – деди Бобур. – Тангридан умидимиз борки, бу улуғ мамлакат энди ягона марказий давлат атрофига жипслашгусидир. Биз Ҳиндни ободу қудратли қилмоқ орзусидамиз. Бизга ҳамкору ҳамнафас ҳинд беклари, фузалолари, ҳунарпешалари кўп. Бизни заҳарлаб ўлдирмоқчи бўлган бу маккор хоним учун энг оғир жазо шуки, биз, мана, тирикмиз! Бу хонимнинг ўзию ўғли қилолмаган улкан ишларни биз қилмоқдамиз!

Маликдод Короний бирдан енгил тортиб:

– Ҳазратим лутф қилдилар! – деди.

– Бу малика, – деб давом этди Бобур, – шу даража бева-бечорага жонкуяр бўлса.. Абдукаримбек!

Байдага яқин бир жойда ўтирган шиғовул сакраб ўрнидан турди. Бобур унга буюрди:

– Бу маликанинг барча молу дунёсини мусодара қилиб, Жамна бўйида бир буқъайи хайр[1] қурдиринг. Барча хизматкорлари ўша буқъада хизмат қилсин, маликанинг бутун бойлиги, молу дунёсини етим-есирга хайр-эҳсон қилиб улашсинлар.

– Бош устига! – деб Абдукарим бу фармонни таъзим билан қабул қилди.

– Маликани то умри етгунича тирик сақлаш ҳам сизга топширилур, жаноб Абдукаримбек!

– Тирик?! – ҳайрон бўлиб сўради шиғовул.

Бошқа аъёнлар ҳам таажжубланаётганини кўрган Бобур овозини кўтариброқ гапирди:

– Малика бизнинг бундан кейинги зафарларимизни ҳам кўрсин. Ёмонликка яхшилик қилиш мард кишининг қўлидан келишига амин бўлсин. Агар маликада виждон бўлса, ўғли қилмай кетган ишларни биз қилганимизни кўриб виждони азоблансин. Агар виждони бўлмаса, ичида фақат бахиллик чаёнлари бўлса, бу чаёнлар ўзини чақиб ётаверсин. Маликага бундан ўзга жазо муносиб эмасдир!

Бек ва аъёнларнниг пичир-пичирлари орасидан аллакимнинг:

– Ҳазратим тантилик қилдилар! – деган қувончли хитоби эшитилди.

Ўз ўлимини ҳам ўткир бир қуролга айлантирмоқчи бўлиб келган малика Байда энди бу қуролидан айрилганини сез-

[1] Буқъайи хайр – хайр-эҳсон уйи.

ди. Шу пайтгача у ажали етганига шубҳа қилмас эди. Энди бирдан яна яшаш умиди пайдо бўлди. Маликанинг ўлим совуғидан музлаган қалбига ҳаётнинг илиқ нафаси тегдию, кўнглини бўшаштириб юборди. Малика юзини қўллари билан тўсиб, елкалари силкина-силкина йиғлай бошлади.

СЕКРИ

ҚАЙТА КЎЗ ОЧГАН БУЛОҚ

1

Бобурнинг махсус таклифи билан Ҳиротдан Аграга келаётган мавлоно Хондамир, шоир Шиҳоб Муаммоий ва мударрис Иброҳим Қонуний уч ойга яқин йўл юрдилар. Бадвахима Хайбар довонидан ўтиб, серсув Синд дарёсидан кечиб, чангалзор ўрмонларни оралаб борар эканлар, мавлоно Хондамир оламнинг нақадар улканлигини энди биринчи марта астойдил ҳис қилди. Ҳафталар, ойлар давомида отлиқ сафар қилиб охирига етиб бўлмайдиган бағрикенг ўлкалар ҳаммаси энди яхлит бир давлат бўлиб бирлашганлиги, Балхдан Кобулгача, ундан Лаҳўр ва Деҳлигача ҳамма жойда Бобурнинг муҳри босилган фармонини бетўхтов адо этишларидан сезилар эди. Бу фармонга мувофиқ Хуросон ва Мовароуннаҳрдан Бобурнинг таклифи билан келаётган илму санъат аҳлини, ҳунарпешаларни барча вилоят ҳокимлари, барча қўриқчи аскарлар ва бекат назоратчилари қўшни давлат элчиларига кўрсатиладиган иззат-икром билан кутиб олиб, кузатиб қўйишлари керак эди. Йўлларда ҳали қароқчилар тугатилмаган, тартиб ўрнатилмаган нотинч шаҳар ва қишлоқлар бор эди. Хондамир ва унинг ҳамроҳларини бундай жойлардан «бадрақа» деб аталадиган икки юз-уч юз кишилик қўриқчи аскарлар ўтказиб қўйишарди. Карвонсаройларда ҳам уларни «подшоҳнинг хос меҳмонлари» дейишиб, энг яхши хоналарга жойлаштиришар, қўлларидаги қоғозларига биноан кундалик таомлари учун бепул гуруч, гўшт, ёғ беришар, тағин майда харажатлари учун махсус улуфа ҳам тўлашарди. Чарчаган от-уловларини алмаштиришлари керак бўлиб қолса, ёмчилар боқувдаги от-уловларидан биринчи навбатда уларга беришар

эди. Кобулдан Деҳлигача бўлган минглаб чақирим йўл бўйидаги карвонсаройлар ва ёмлар Бобурнинг ҳаракатлари билан шунчалик обод ва шунчалик яхши ишлаб турар эди.

Хондамир йўлларда, бекатларда Ҳиндистонга бориб келаётган элчилар, сайёҳлар ва савдогарларни кўп учратарди. Бултур Аградан эллик чақиримча ғарбдаги Секри деган жойда Бобур Рано Санго билан урушиб, Панипатдагидан ҳам улканроқ ғалабага эришгандан кейин уни астойдил тан олиб, элчи юбора бошлаган подшоҳлар кўпайиб қолган эди. Хондамир Лаҳўрда учратган қизилбошларнинг элчиси Шоҳ Таҳмаси[1] номидан ғалати совғалар олиб бормоқда эдилар. Бу совғалар орасида оқ туянинг зар уқали кажавасида парваришлаб олиб кетилаётган иккита гўзал черкас қизи ҳам бор эди. Шоҳ Таҳмаси бу қизларни Бобурнинг ҳарамига атаб юборган эди.

Хондамир Деҳлидан шимолроқдаги бир бекатда самарқандлик ва тошкентлик элчиларни ҳам учратди. Секридаги ғалабанинг шуҳрати атроф мамлакатларга ёйилганидан кейин Бобур Ҳиндистонда тузган янги давлатни унинг ашаддий душманлари бўлган шайбонийзодалар ҳам тан олган эдилар. Ҳозир Самарқанд тахтида ўтирган Кўчкинчихоннинг элчиси Бобурга Самарқанднинг сояки майизларидан, Конибодомнинг субҳони ўрикларидан, Бухоронинг ўткир майларидан, Мовароуннаҳрнинг бошқа ноёб неъматларидан етти туяга совға-салом юклаб, ёнига икки юзта яхши отни ҳам тортиқ қилиб қўшиб келтирган эди. Бобур бу элчини ўзининг Жамна бўйида қурдирган янги Ҳашт Беҳишт боғида хонлар ўтирадиган оқ кигиз устига ўтқазиб, камоли эҳтиром билан қабул қилган эди. Бобурнинг қабулидан ва совға-саломларидан мамнун бўлиб қайтаётган хон элчиси Хондамирга мақтанди:

– Э, мавлоно, биз Ҳиндистонда кўрган хирмон-хирмон олтинларни ҳали ҳеч ким кўрмагандир. Бобур мирзо қуйма олтиндан қилинган тахтда ўлтирибдир. Тахтнинг пастига катта гилам тўшалган экан. Вилоят ҳокимлари ҳар йили берадиган олтинларини шу гиламнинг устига келтириб тўкдилар. Бирпасда олтиндан катта хирмон кўтарилди.

Бобур шайбонийзодаларнинг олтинга суқ одамлар эканини билгани учун элчининг кўзи олдида атайлаб шундай хирмон кўтарганини Хондамир ич-ичидан сезиб кулди:

[1] Таҳмасп – Шоҳ Исмоилнинг ўғли. 1524-йилда Шоҳ Исмоил вафот этгач, Таҳмасп унинг ўрнига шоҳ бўлади.

– Жаноб элчи бу хирмондан капсан олмадиларми?

– Подшоҳ бизга қимматбаҳо саруполар кийдирди. Гилам устидаги олтиндан ҳазрат Кўчкинчихонга атаб совға берилди. Олтин тангаларни санаб ҳам ўлтирмадилар. Икки юз эллик мисқолни бир кумуш тош билан тортиб бердилар-қўйдилар.

– Икки орада бирон шартнома тузилдими?

– Ҳа, бемалол борди-келди қиладиган бўлдик. Савдо-сотиқ тикланди. Алоқалар илгаригидан яхшироқ равнақ топғусидир. Биз булардан ипак, зиравор олурмиз. Буларга ҳўлу қуруқ мевалар, от-уловлар сотурмиз... Йўли узоқ бўлса ҳам карвонларимиз иштиёқ билан келиб-кетади. Чунки Бобур мирзо бутун қаламравида тамға[1] солиғини бекор қилмишлар. Ўзбек, туркман, тожик, ҳинд, араб, ажам, форс – қўйингки, ҳамма бани башар[2] бу оғир солиқдан халос бўлиб, даромадлари ошибди. Ҳунарманду савдогарлар ҳам шунисидан жуда мамнун. Фақат Бобур подшонинг бир амри бизга маъқул келмади.

– Қайси амри? – қизиқиб сўради Хондамир.

– Бутун мамлакатида май ичиш ман этилмишдир. Бобур мирзонинг ўзи ҳам «минбаъд ичмаймен», деб бутун эл олдида тавба қилибдирлар. Базмлари ичкиликсиз... муздаккина! Кўчкинчихоннинг элчисини кўнгилсизлантирган бу янгилик Хондамирнинг руҳини кўтарди. Ҳусайн Бойқарони ва унинг ўғилларини ичкилик балоси қай даражада хароб қилгани ҳали мавлононинг эсидан чиққан эмас эди. Бундан тўққиз йилча бурун Бобур Ҳиротга иккинчи марта борганда Хондамир унинг ҳам майхўрликка ружу қила бошлаганини кўрган, «Наҳотки, бу нодир сиймо ҳам бошқа кўп темурийлар сингари истеъдодини ичкиликка бой берса!» деб ташвишланган эди. Элчининг ҳикояси унинг мана шу ташвишини тарқатиб юборди.

Хондамир бу узоқ ва машаққатли сафарга Бобурни орқа қилиб чиққан эди. Ёши элликдан ошаётган олим бу узоқ юртлардан Ҳиротга соғ-саломат қайта оладими-йўқми, ҳали ўзи учун қоронғи эди. У Бобур туфайли мана шу қоронғиликни бўйнига олиб келмоқда эди. Энди йўлларда Бобурнинг иродаси ва ақл-заковатидан далолат берадиган нимаики учраса, ҳаммаси мавлононинг қалбидаги машъум қоронғиликни қуваётгандай бўлар ва ёруғ бир истиқболга ишонч уйғотар эди.

[1] Тамға – қўшимча даромад солиғи.

[2] Бани башар – одам фарзанди.

Хондамир Аграга келиб кирганда дарё бўйига қурилган Ҳашт Беҳишт ва Зарафшон боғларини, мармарларига чиройли гуллар солиб ишланган тош иморатларни, томлари майсалар билан безанган тиллакори толорларни[1], чаман-чаман гуллари кўзни қамаштирадиган гулзорларни кўрди. Бу улуғвор гўзалликлар мавлононинг кела-келгунча кўрган ва эшитганларига қўшилдию, у Бобурни аввалгидан бошқача фавқулодда қудратли бир қиёфага киритиб тасаввур эта бошлади...

* * *

Лекин Бобур сўнгги йилларда кўп касал бўлиб, жуда озиб кетган, жуссаси хийла кичрайиб қолган эди. Хондамир унинг ўзини қанчалик олдириб қўйганини Секри тоғига сайрга чиққанларида офтоб ёруғида жуда аниқ кўрди. Бобур Секри тоғининг мўъжазлиги ва текис жойга тушганлиги Ўшдаги Буратоғни эслатиши ҳақида гапирар, тоғ этагидаги кўл ичига қурилаётган тошсупани қўли билан кўрсатар, пастда қулф уриб ўсган ям-яшил боғ ва дарахтлар орасидан кўриниб турган янги иморатлар қандай барпо бўлганини ҳикоя қиларди. Хондамир эса унинг суяги бўртиб қолган озғин юзига, кўз атрофлари ва пешонасидаги қават-қават ажинларига, уйқусизликдан ичига ботиб кетган қовоқларига қараб, ич-ичидан унга куюнар эди.

Тоғдан кўл томонга тушиб бораётганларида Бобур Хондамирнинг бу куюнишини сезгандай бўлиб:

– Менинг тақдирим ғалати, мавлоно, – деди. – Атрофимни обод қилганим сари ўзим сўлиб бормоқдаман.

– Унчалик эмасу... ҳар қалай, ўзингизга ҳам кўпроқ ғамхўрлик қилишингиз зарурмикин?

– Зарурликка зарур. Лекин мамлакат қанчалик улкан бўлса, уни идора этиш шунчалик қийинлашар экан. Мен зўр бир давлат тузиш мақсадини зиммамга олганимда бунинг қанчалик мушкул эканини тасаввур қилмаган эканмен. Туну кун меҳнат, ташвиш, ўт, олов... Худди ҳаракатдаги вулқонлар орасига тушиб қолгандекмен. Кўзлаган мақсадим амалга ошгунча умрим етгайми-йўқми, билмаймен.

– Ниятни бутун қилмоқ керак, ҳазратим. Сиз ҳали йигит ёшидасиз, алҳол қирқ олти ёшдасиз.

– Аммо Ҳиндга келганимдан бери ҳар йили беш-ўн йиллик умрим сарф бўлгандек туюлур. Иситма, уйқусизлик...

[1] Т о л о р – шийпон.

Хондамир Бобурнинг Ҳиндистонга келиб тузган янги девонини бугун эрталаб ўқиган эди. Шу девондаги бир рубоий ҳозир унинг эсига тушди:

Жисмимда иситма кунда маҳкам бўладур,
Кўздин учадур уйқу чу оқшом бўладур.
Ҳар иккаласи ғамим била сабримдек,
Борғон сари бу ортадур, ул кам бўладур.

Бобурнинг уйқусиз тунлардан киртайган кўзлари сал шамол тегса ёшланадиган бўлиб қолган эди.

– Табиблар уйқусизликнинг давосини билар эдилар-ку?

– Ҳиротлик хос табибимиз Юсуфий муолажа қилиб кўрди. Бўлмади. «Сизга ором керак» дейдир. «Давлат ташвишларини унутинг», дейдир. «Кечалари шеър ёзманг», дейдир. Аммо... давлат тепасида ўлтириб, унинг ташвишини қандай унутиш мумкин? Фақат шеър ёзганда, ижод қилганда бу ташвиш хаёлимдан кўтариладир. Лекин Аграда бўлсам, ижодга ҳам фурсат тополмасмен. Кечаси ҳам, кундузи ҳам давлат ташвиши... Безор бўлиб, мана шу Секрига чиқиб келдим. Ижод учун бу ер тинчроқ... Анчадан бери маснавий ёзмоқдамен. Санасам, бир кеча-кундузда эллик байт маснавий битибмен.

Бобур хасталиги устига кўп ишлаб ўзини жуда толиқтириб қўйганини, уйқусизликнинг бир сабаби шу эканини, табиб кечалари шеър ёзишни ман қилиши тўғрилигини Хондамир сезиб борардию, лекин буни айтишга андиша қиларди. Табиатан ором нималигини билмайдиган Бобур ўзини аямай ишлаб ўрганиб қолган эди, у бир кунда шунча шеър ёзганидан мамнун бўлиб юрганда уни бу мамнуниятдан ҳам маҳрум қиладиган насиҳат гап айтиш мавлонога ўринсиз туюлди.

– Ишқилиб, Худо сизга қувват берсин, – деб қўя қолди.

Бобур мавзуни янгилагиси келиб:

– Мавлоно, «Ҳабиб ус-сияр»ни[1] неча йил ёзганман? – деди.

[1] Тўлиқ номи «Ҳабиб ус-сияр фи ахбори афроди башар» – «Башар аҳли сийратидан хабар берувчи дўст» демакдир. Хондамир ўзининг бу катта асарида Араб, Эрон, Ўрта Осиё, Хуросон тарихининг олам пайдо бўлганидан то XVI асргача ўтган энг муҳим даврлари ҳақида сўз юритади.

– Ўн бир йил. Лекин ҳали хатм қилган[1] эмасмен. Хотиржамлик бўлганда Ҳиротда хатм қилмоқчи эдим. Лекин йигирма йилдан бери суннийпарастлар билан шиапарастлар Ҳиротни бир-бирларидан тортиб олиб, гоҳ ўтга урдилар, гоҳ сувга...

– Ҳў ўшанда... Унсиянинг минорасида туриб сўзлашганимизда «Ҳиротнинг толе қуёши ботиб кетмасмикин? – деб изтироб чеккан эдингиз. Шу изтироблар бари ўринли экан-да.

– Ҳиротда толе кетганда, Самарқанд бизга қучоқ очиб турса экан! Шиа-сунний адовати Мовароуннаҳр билан Хуросону Эроннинг маданий алоқаларини узиб ташлади. Бу алоқалардан қанча авлодлар баҳра олган эди, қанча истеъдодлар камол топган эди. Жоҳил султонлар Мовароуннаҳрни биқиқ муҳитга солиб қўйиб, хурофот билан бидъатга ем қилмоқдалар. Самарқанддан келган бир олим йиғлагудай бўлиб айтиб берди. Обираҳмат бўйидаги уч ошиёнли Улуғбек расадхонаси вайрон бўлмишдир. Шаҳар ҳокимининг парвойига келмас эмиш. Жоҳиллар нураб ётган расадхонанинг ғиштларини олиб кетиб, ўз ҳовлиларига ишлатмоқда эмишлар.

– Биз ўзга юртга келиб иморатлар қурганда улар ўз юртимиздаги обидаларни бузмоқдалар! Чархнинг бундан аччиқ киноясини бўлурми, мавлоно? Шуни ўйласам, ўз еримизни қўйиб, Ҳиндга кўнгил берганим менга худди оқибатсизликдек кўринадир!

– Бироқ фалакнинг гардиши шуни тақозо қилса, одам илож тополмас экан-да. Мана, мен ҳам сиздан ибрат олиб, Ҳиндга келдим-ку! Муаррих бўлганлигим учун тарихий зарурат биздан зўр бўлишини кўп сезмишмен.

Бобур Хондамирнинг сўнгги гапига қизиқиб, отини унинг отига яқин юргиза бошлади.

– Дарҳақиқат, тарих алоҳида шахслар иродасига бўйсунмас экан, – деди Бобур. – Оёғингиз тагидаги тоғ пастга қараб кўчса, сиз юксакка қанчалик интилманг, тоғ кўчкиси билан бирга пастга қулаб кетар экансиз. Энди ўйлаб кўрсам, Мовароуннаҳрдаги кўчкилар мени худди шу кўйга солган экан. Бироқ сиз қадам қўйган тоғ ичдан кўтарилиб ўсиб борса, кўзлаган юксаклигингизга қандай кўтарилганингизни ўзингиз сезмай қолур экансиз. Ҳиндистон менга ичдан кўтарилиб ўсиб борувчи тоғдек туюладир, мавлоно. Шунинг учун Самарқанду Андижонда қилолмаган ишларимни бу ерда қилиш умидидамен!

[1] Хатм қилиш – тугатиш.

– Менинг назаримда ҳам эндиги юксалиш асри Ҳиндга кўчганга ўхшайдир. Жаҳолат қувган жуда кўп илму санъат аҳли сиздан паноҳ истаб Ҳиндга келишлари бежиз эмасдир. Чунки фалакнинг гардиши ўзгарди. Ахир бир вақтлар Хуросону Мовароуннаҳр ҳам ичдан кўтарилиб ўсиб борувчи тоғдек юксалган эмасмиди? Хоразмда – Беруний, Бухорода – Ибн Сино, Тусда – Фирдавсий, Болосоғунда – Юсуф Хос Ҳожиб – булар ҳаммаси бир-бирига асрдош. Шунча зўр сиймолар чиққан аср – бизнинг улуғ бир юксалиш асримиз эди. Чингизхоннинг кўчманчи ўрдулари босиб келди-ю, маданий тараққиётимиз ипларини бир неча асрга узиб ташлади. Улуғбек даврида Самарқандда, Навоий даврида Ҳиротда жуда кўп маданий даҳолар яна уйғонди. Янги юксалишлар асри бошланди. Лекин кажрафтор фалак буни ҳам бизга кўп кўрди! Яна чингизий султонлар маданий тараққиёт ипларини узиб, чалкаштириб юбордилар... Фақир Ҳиротда тополмай юрган калаванинг учини шу ерда топгандек енгил тортмоқдамен. Мусофирлик жуда оғир бўлса ҳам, лекин башарият яшаб турган шу кенг оламда янги даҳолари уйғонган, илму санъатга астойдил йўл очилган Ҳиднинг борлиги қалбларга қувват берадир... Мен энди «Ҳабиб ус-сияр»нинг сўнгги таҳририни шу ерда, қанотингиз остида тугаллаш умидидамен.

– Бажонидил!.. Биздан неки кўмак зарур бўлса тортинмай айтинг.

– Фақир Ҳазрат Мир Алишернинг кутубхоналарида кўп йил ишладим. Ҳусайн Бойқаро ҳазратларининг кутубхоналаридаги нодир қўлёзмалардан ҳам кўп фойдаландим... Энди... бу кутубхоналар Ҳиротда қолди.

Хондамир Бобурнинг ҳам эллик киши ишлайдиган улкан кутубхонаси борлигини билар, Ҳиротдан топилмайдиган нодир манбалар бу ердан топилиши мумкинлигига ишонар эди. Бироқ подшоҳнинг хос кутубхонасига анча-мунча одам йўлай олмайди. Хондамир шуни ўйлаб, гапининг давомини айтишга ийманди.

– Сиз бизни деб шунча жойдан келибсизу биз кутубхонамизни сиздан аягаймизми, мавлоно? – деди Бобур унинг ийманиш сабабини сезиб. – Абдулла китобдорга буюргаймен, сизга неки асар зарур бўлса, топиб бергай. Кутубхонада ҳиндистоний китоблар ҳам кўп. Абдулла китобдорнинг ихтиёрида санскритни яхши биладиган таржимон олимлар

бор. Шулардан бир-иккитасини сизнинг ихтиёрингизга берурмен, неки хизматингиз бўлса адо этурлар.

– Тоабад миннатдормен, ҳазратим! Густохлик саналмаса, яна бир эркалигим бор...

– Марҳамат, мавлоно.

– Ҳиротда ўзингиз ёзган саргузаштларингиздан парча ўқиб берган эдингиз. Мени мафтун этган эди. Агар шу асарингизнинг тайёр қисмлари бўлса, мен учун... энг азиз, энг нодир манба бўлур эди. Чунки сиз бошдан кечириб, тадқиқ этган тарихий воқеаларни бошқа ҳеч ким шундай яхши тадқиқ этган эмас...

Бобур отининг чимирилган қулоқларига тикилиб бироз жим борди. У икки йилдан бери «Бобурнома»ни бошидан қайтиб кўчириб, яхлит бир асар ҳолига келтирмоқда эди. Бултур ёз иссиқлари тугаб, ёмғир фасли бошланганда жуда қаттиқ шамол кўтарилган, Бобур чодирда ишлаб ўтирганда ёмғир аралаш келган довул унинг чодирини йиқитиб, қўлёзмаларнинг ўнлаб варақларини учириб кетган эди. Бутун-бутун бобларни ёмғир-довул ҳалок қилган эди. Уларни тиклаш учун ҳалигача яхлит бир вақт топилмас эди. Қўлёзмани шу аҳволда Хондамирга берса тўғри бўлармикин?

– Мен ўйлаб кўрай, мавлоно.

Бу орада улар Секри тоғининг этагидаги булоққа яқинлашдилар. Атрофи ораста қилиб қўйилган суви муздай булоқ Бобурнинг яхши кўрган жойларидан бири эди. Шу ерда Хондамир икковлари отдан тушдилар.

Тиниқ мавжларга тоза қумлар қўшилиб қайнаб чиқаётган булоқ сокин гулзорларни оралаб, шилдираб оқмоқда эди.

– Атроф шундай сокин, – деди Хондамир. – Кўл бўйида қурилишлар... Бундан икки йил бурун шу Секрида Рано Санго билан даҳшатли жанглар бўлганини тасаввур этиш мушкул. Мана шу атрофларда бўлиб ўтган қирғиннинг энг таҳликали дамлари Бобурнинг тасаввурида қайтадан гавдаланди. Ўшанда у нақ ўлимни бўйнига олиб қўйган эди.

Заҳар асорати ҳали кетмаган. Бобур аста-секин дармонга кириб, соғлиғини тиклаётган кунларда навбатдаги ҳаёт-мамот кураши бошланди. Бу гал энг жанговар ражпут қўшинларининг саркардаси Рано Санграм Сингҳ тўқсон минг қўшин тўплаб, Бобурга қарши жангга отланди.

Ҳолбуки Бобур Кобулда эканида Рано Санграм бир неча марта элчилар юбориб, уни Ҳиндистонга таклиф қилган ва Иброҳим Лодига қарши курашга чорлаган эди. Рано Санграм ўғли Бикрамадитни орага қўйиб тузган шартномада «агар Бобур ҳазратлари бизни Иброҳим Лоди зулмидан халос қилсалар, уни олий хукмдоримиз деб тан олурмиз» дейилган жойи ҳам бор эди.

Эҳтимол, у пайтда Рано Санграм Бобурни «Ҳиндистон иссиқларига бардош беролмас, оладиганини олиб қайтиб кетса, мамлакат ўзимизга қолар», деб ўйлагандир. Аммо Бобур Ҳиндистонда маҳкам ўрнашиб, икки йилдан буён катта қурилишлар қилаётгани ва улкан боғлар, тошҳовузлар, қасрлар бунёд этаётгани Рано Санграмнинг аввалги умидини пучга чиқарди. Суриштириб қараса, Бобурнинг қўшини ҳали ҳам ўн беш мингдан ортиқ эмас. Рано Санграм эса барча ражпут роа ва ранолари билан тил бириктириб, бундан олти баробар ортиқ қўшин тўплади. Яна Иброҳим Лодининг укаси Маҳмуд Лоди ҳам йигирма минг суворий билан унга ёрдамга келди. Рано Санграм мингдан ортиқ жанговар филни олдинга чиқариб, йўлида учраган тўсиқларни парчалаб, янчиб, Бобур томонга бостириб кела бошлади. Ичкарида фитна, хиёнат. Бобур лаҳўрлик Оламхонни икки минг қўшин билан Гувалиёр ҳимоясига юборган эди, у одам йўлини бехатар томонга буриб, аскари билан Панжобга қочди. Ҳасанхон деган яна бир афғон саркардаси олти юз навкари билан Бобур қароргоҳидан яширинча чиқиб, тунда душманга бориб қўшилди. Шунинг устига Муҳаммад Шариф деган мунажжим:

«Миррих ғарб томонида, осмондаги юлдузлар бизнинг мағлубиятимиздан дарак бермоқда», деб овоза тарқатди. Беку навкарларни ваҳима босганини сезган Бобур Секри кўли яқинидаги қароргоҳга беш юздан ортиқ одамини йиғди. Дошқозонларда палов пишмоқда. Дастурхонларга ноз-неъматлар, олтин-кумуш суроҳийлар қўйилган. Соқийлар хумларда куч йиғиб ётган майлардан кўзачаларини тўлдириб олишмоқда. Улардан бири иккинчисига шивирлаб дейди:

– Эртага яна қирғин уруш бўлармиш. Шундай пайтда ичкулик базми кўнгилларига қандай сиғаркин?

Иккинчи соқий эътироз қилади:

– Ичкулик одамни ботир қилгай, ғам-ғуссани унутдиргай! Хумда хосият кўп. Баъзи беклар ҳам: «Жангчиларнинг

кайфиятини май билан кўтармоқ керак!» деб, базмнинг тезроқ бошланишини сабрсизлик билан кутмоқда эдилар. Ҳатто шаҳзодалардан Ҳумоюн билан Аскарий ҳам хатарли уруш олдидан тўйиб кайф қилиш умидида эдилар. Бобур ўғилларининг отадан ибрат олиб аллақачон май ичишга ўтганларини ҳозир яна бир оғриниб ҳис қилдию, кўпдан бери кўнглига туккан ниятини шу қирғинбарот арафасида амалга оширмаса бўлмаслигини ўйлади.

У савдарларга буюриб зиёфат бўладиган жойдан нарироққа каттагина чуқур қаздирди. Чуқур яқинига сандиқдай-сандиқдай иккита харсангтошни юмалатиб келтириб ўрнаттирди. Беку навкарлар унинг нима қилмоқчилигини тушунолмай ҳайрон эдилар. Бобур олтин-кумуш суроҳийларга май қўйишни буюрди. Лекин дастурхон ёнига ҳеч кимни таклиф қилмади. Ўзи ҳам май тўла олтин суроҳий билан ҳалиги чуқур яқинида тикка турибди. Беклардан бири ёнидаги ўртоғига:

– Бугун тик туриб ичгаймиз, чамаси? – деб шивирлади. Бобур ҳамма эшитадиган жарангдор товуш билан:

– Жаноб беклар! Йигитлар! – деб гап бошлади. – Таклиф бўлдики, жангчиларга май ичирайлик, токи дадил бўлиб майдонга кирсинлар. Аммо бошимиздан ўтган, билурмизки, май дадиллиги – алдамчидир. Маст одам жангда ажал паймонасидан қандай ичганини билмай қолур. Нажот қайда? Эртанги жанг биз кўрган қирғинларнинг энг мушкулию энг мураккаби бўлғусидир. Биз сепоялар ясадик, аробаларни занжирлар билан боғладик, ғалабанинг барча режаларини туздик. Энди бу режаларни энг нозик нуқталаригача бехато амалга оширмасак мағлуб бўлгаймиз. Жангда ниҳоятда ҳушёр бўлмоғимиз керак. Нажот мастликда эмас, ҳушёрликдадир! Май ичиб кўп гуноҳлар қилдик. Энди мен ҳаётмамот жангига ҳалқумимни поклаб кирмоқчимен... Бир ўлим ҳар вақт бошимизда бор. Агар эртага куним битса, бу фоний дунёдан боқий дунёга май мастлиги билан эмас, имон поклигию тан ҳалоллиги билан кетмоқчимен!

Бобур ўша дамда чиндан ҳам бир ўлимни зиммасига олиб, беку навкарлари билан видолашаётган одамдай ҳаяжонланиб гапирган эди. Бу кўпчиликка жуда қаттиқ таъсир қилди. Бир лаҳзалик оғир жимликдан сўнг, Бобур шу бугун битган маснавий шеъридан тўрт сатрини ёддан айтди:

Кимки ўлмак ўзига жазм этар,
Ушбу ҳолатта билурсенки нетар.

Аритур барча гуноҳидан ўзин...
Тавба қилдим чоғир ичмакликдин!

Сўнгги сатрини баланд овоз билан айтгандан сўнг, суроҳийдаги майни оёғи остидаги чуқурга сепиб ташлади. Сўнг суроҳийни чуқур ёнидаги харсангтошга қарсиллатиб урди.

Олтин суроҳий худди учқун сачратгандай «ялт-юлт» этиб пачақландию, кўкат орасига юмалаб тушди. Бундай ҳодисани умрларида биринчи марта кўраётган беку навкарлар қўлларидаги майларини нима қилишни билмай саросима бўлиб қолишди. Бобур яна жарангдор, таъсирли товуш билан шеър айтди:

Олтину нуқра, суроҳию аёқ –
Мажлис олотин тамоми бул чоқ.

Ҳозир айлаб борини синдирдим!
Тарк этиб майни кўнгил тиндирдим!

Беку навкарлар ҳанг-манг бўлиб туришибди. Кимлардир қўлларидаги хушбўй майни чуқурга тўкишдан қизғанади. Кимлардир олтин-кумуш суроҳийларни харсангга уриб синдиришга журъат этолмайди. Балки Бобур ўзига эп кўрган бу иш беку навкарларга жоиз эмасдир?

Ўзининг таъсирли нутқларию шеърлари билан ихлосмандларини сеҳрлаб олишга ва ортидан эргаштиришга ўрганган Бобур бугун ҳар қачонгидан ҳам ортиқ эътиқод билан сўзламоқда:

– Беклар! Йигитлар! Қачонгача нафсимизга тобе бўлурмиз? Токай умримизни майга зое этурмиз? Ичкуликнинг ҳаром кайфи кимга вафо қилибдики, сизу бизга вафо қилгай? Олтину нуқрага ачинманг! Суроҳийларнинг синиғини мискину бечораларга улашгаймиз. Агар Тангрим бизга мадад берса, эртанги жангдан ғолиб чиқғаймиз! Май тўкилган мана шу чуқур ўрнига обод бир манзилу мармар войин қурдиргаймиз. Ният қилайликки, войин зилолдай булоқ сувига тўлиб турсин. Войин

бўйига хайр-эҳсон уйи барпо этайлик. Токи бу уйда ичкулик базмларининг сарфу харажатини, олтину нуқра суроҳийлар пулини муҳтожларга хайру эҳсон қилиб улашсинлар. Шу езгу ният йўлида кимки менга ҳамдаму маслакдош бўлса майни тўксин, синдирсин майхўрлик олотини!

Бобур Ҳумоюнга бир қараб олди. Бу қарашнинг маъносини сезган Ҳумоюн:

– Ҳазрат отажон, мен доим сиздан ибрат олишга ўрганмишмен, – деди. – Даф бўлсин маю суроҳий!

Ҳумоюн майни чуқурга сепдию, олтин суроҳийни харсангга уриб синдирди. Ундан сўнг Аскарий, Тоҳир, Ҳиндубек... бир неча соат ичида уч юзга яқин беку мулозим қўлидаги қадаҳини харсангга уриб, май ичишдан тавба қилди. Бу ҳодиса ўша куни қароргоҳдаги ўн минг жангчининг ҳаммасига маълум қилинди. Бобурнинг ҳаёт-мамот жанги олдидан чиқарган фармонида: «Ўз нафсини енгган одамлар ҳар қандай ёғийни енгишга қодирдирлар!» деган сўзлар махсус таъкидланди ва буни исбот этадиган мисоллар муқаддас китоблардан ҳам келтирилди.

Бу ҳаммаси қўшин орасида тарқалган ваҳимани босишга ва одамларнинг руҳини кўтаришга ёрдам берди. Бошқа муаммолар жанг майдонида ҳал бўлди.

Замбараклар ёвнинг ҳарбий филларига оловли ўқлар отдилар. Замбарак ўқлари кигиз парчаларига ўралган эди. Боруддан ўт олган кигиз парчалари филларнинг устига олов бўлиб ёғиларди. Оловдан чўчиган ёв филлари бўкириб орқага қайтар ва изма-из келаётган отлиғу пиёдаларни босиб-янчиб қочиб қоларди. Лекин Рано Санграмнинг қўшини беҳисоб кўп эди.

Эрта тонгдан бошланган жанг кечгача давом этди. Бобурнинг ўзи оғир аҳвол юз берган жойларга от чоптириб борарди. У захирадаги кучлар ёрдамида ёвнинг энг хатарли ҳужумларини бир неча марта қайтаришга муваффақ бўлди. Ҳумоюн ўнг қанотдан, Аскарий чап қанотдан ёв аскарларига устма-уст зарбалар берди. Кечки пайт Бобурнинг буйруғи билан Турдибек Туркистоний чопқир отларда ёвнинг ҳар икки қанотини айланиб ўтди-да, тўлғама ишлатиб, орқадан қақшатқич зарба берди.

Олов ҳалқаси ичида қолган Рано Санграмнинг кўзига ўқ тегди, бир кўзи кўрмай қолди. Шунда ражпут соқчилари уни жанг майдонидан олиб чиқиб қочдилар...

Ғалабадан сўнг ўша чуқур ўрнига мармар войин, унинг ёнига хайр-эҳсон уйи қурилди. Харсангга уриб синдирилган олтин-кумуш суроҳийлар пули беваю етимларга, ғарибу муҳтожларга улашилди...

Кейинчалик Бобур Рано Санграм Сингҳнинг бир кўзи оқиб тушганини, ўзи мағлубият аламидан оғир касалга учраб ётиб қолганини эшитди. Ҳозир буни Хондамирга сўзлаб бергач:

– Ғайридинлар учун ҳам Худо бор экан! – деди. – Рано Санграм биз билан иттифоқ тузган эди. Сўзидан қайтиб, аҳдини бузганларга Худо ўзи жазо бераркан! «Вақоеъ»нинг махсус бобида муҳорибанинг барча тафсилотларини ёзмишмен. Хаттот китобнинг тайёр қисмлари билан бирга шу бобни ҳам бугун кўчириб бўлгай. Оқшом ҳаммасини сизга берурмен, мавлоно. Ўқиб фикр айтурсиз.

Боя жавобсиз қолган илтимосига энди жавоб олган Хондамир қўлини кўксига қўйди:

– Сиз менга тенгсиз бир ишонч билдирурсиз, ҳазратим!

– Сизни Ҳиротдан чорлаб келтиришдан мақсад ҳам ижодий ишлар бўйича маслаҳатингизни олмоқ эди.

– Сарафрозмен!

Шу пайт от дупури эшитилди. Йўлка охирида узоқдан от чоптириб келган чопар сакраб ерга тушди ва таъзим билан Бобур томонга кела бошлади.

– Аграда бирон шошилинч иш чиққанга ўхшайдир, – деди Бобур. – Мавлоно, агар мен пойтахтга кетсам, «Вақоеъ»ни сизга оқшом келтириб берурлар.

Бобур отини тутиб турган жиловдор томонга йўналди.

2

Секри тоғининг шимолий ёнбағрида салқин боғнинг тўрида жойлашган уч хонали шинам хилватхона мавлоно Хондамирга берилган эди. Бобур ўша куни Аграга жўнаб кетди. Мавлоно хилватхонанинг ўймакор айвонига чиқиб, ундан яхши кўринадиган шишадай тиниқ кўлни томоша қилиб ўтирганида хонаи хоснинг савдарбошиси Бобурнинг қўлёзмасини унга олиб келиб берди.

Қўлёзма хаттот томонидан зарварақларга бениҳоя чиройли қилиб кўчирилган эди. Хондамир уни хона ичига олиб кириб, миз устига қўйди. Тепада ёнаётган шамларни

миз устига яхши ёруғ берадиган қилиб ўрнатгач, кўзойнагини тақди ва асарни эҳтиёт билан варақлаб ўқишга тушди.

Бундан ўн йилча аввал Бобур Ҳиротга иккинчи марта борганида Хондамирга «Вақоеъ»дан ўқиб берган бобнинг услуби мавлонони хиёл таажжубга солган эди. Мана бу қўлёзмада ҳам Бобур қаламга олган воқеалар жуда мураккаб бўлса-да, муаллиф уларни оғзаки ҳикояга яқин бир тарзда хийла оддий услубда ёзган эди. Кўп жойларда Хондамир ҳатто Бобурнинг сўзлаш тарзини, оҳанги, баъзи бир шахсий хислатларини пайқаб: «Ғалати-ку!» – деб қўйди. Чунки отаси Мирхонд Хондамирни ёшликдан бошқача эътиқодлар билан тарбиялаб ўстирган эди. Бу эътиқодга биноан, насрнавис муаррих ўз шахсий услубини давр услубига бўйсундирмоғи, ўз «мени»ни давр уммонига қўшиб билинтирмай юбормоғи керак эди. Агар асарда муаллиф ўзини намоён қилаверса, бу – нокамтарлик белгиси ҳисобланарди. Катта тарихий китоблар ҳукмдорлар учун ёзилар, асосий таърифу тавсиф ўшаларнинг ишларига бериларди. Назокатли ўхшатишлар, жимжимадор мажозлар ва шоирона кўтаринки услуб ҳукмдорларга хуш келар ва бу барча муаллифлар бўйсунадиган бир қонун ҳисобланарди.

Бобур мана шу қонунни бутунлай инкор этувчи услуб билан асар ёзгани Хондамирга ортиқ даражадаги бир шаккокликдек туюлди. Бобур ўғли Ҳумоюнга ёзган хатини ҳам китобида келтирган эди:

«...Хат битирда такаллуф қилай дейсен, ул жиҳаттин муғлақ[1] бўладур. Бетакаллуф пок алфоз била бит, сенга ҳам ташвиш оз бўлур ва ўқиғувчиға ҳам».

«Ажабо! – ўйланди Хондамир, – бетакаллуф тил билан асар битмоқ Бобур мирзо учун пок услуб белгиси ҳисобланур экан-да!» Хондамир ўзининг ўн йилдан бери ёзаётган «Ҳабиб ус-сияр»ида назокатли такаллуфлар кўплигини эсладию, ўзини ўнғайсиз сезиб, ўқишдан тўхтади ва айвонга чиқди.

Осмонда саккиз кунлик ой сузиб юрар, унинг нури қаршидаги кўлнинг ўртасида ойдин йўлка ҳосил қилган эди. Кўлнинг нариги четидан тоғ этагигача келган бу нур йўлкасида тўлқинлар жимир-жимири гавҳар жилвасига ўхшаб кўзни қамаштирарди. Лекин Хондамир шу нур ўйинида ҳам Бобур тасвирлаган воқеаларни кўрар, уларнинг таъсирини хаёлидан узоқлаштиролмас эди. Сэртакаллуф, сербезак услуб Хондамир-

[1] М у ғ л а қ – тушуниб бўлмайдиган.

дан жуда кўп куч, вақт, меҳнат талаб қилар эди. Бундай жимжимадор услубда асар ёзиш қанчалик қийин бўлса, уни ўқиб тушуниш ҳам шунчалик қийин эди. Бобур икки томонни ҳам бу қийинчиликдан қутқаришга интилса, нимаси ёмон? Ўғлига ёзган хатида «сенга ҳам ташвиш оз бўлур, ўқиғувчига ҳам» деганда у ҳақли эмасми? Унда Хондамирнинг юксак шоирона услубга оид эътиқодлари пучга чиқадими? Йўқ, бу мумкин эмас!

Хондамир қайтиб ичкарига кирдию, ўзининг ҳақлигига далил қидириб, очиқ қўлёзманинг давомини ўқишга тушди.

Ҳали ҳеч бир муаррих қаламга олмаган ғаройиб воқеалар бу қадар кўп! Хондамир китобнинг мазмуни янги ва мароқли эканига тан бермай иложи қолмади. Бобур ўзи-ўзи очиқчасига муҳокама қилган, ўз хатоларини рўйи-рост ёзган жойлари ҳам Хондамирга жуда илиқ туюлди. Охирги бобларида яна ажиб бир хат учради. Бобур Аградан Кобулга юборган бу мактуб Моҳим бегимга атаб ёзилганини Хондамир сезди. Бобурнинг заҳарланиш тафсилотлари шу ерда битилган эди: *«Дастурхон устида икки-уч марта кўнглум барҳам уриб қусаёздим. Охир кўрдумким бўлмас, қўндум... Обхонага бориб қалин қусдим. Ҳаргиз ошдин сўнг қусмас эдим, балки ичганда ҳам қусмас эдим.*

Кўнглимга шубҳа кечди.

...Жон мундоқ азиз нима эмиш: мунча билмас эдим, ул мисраъ борким:

Ким ўлар ҳолатга етса,
Ул билур жон қадрини.

Тенгри таолонинг инояти бор экандир, манга янги бошдан жон бағишлади».

Бобур ўз ҳаёти ҳақида бу қадар очиқчасига ёзгани Хондамирни ҳайрон қолдирди.

Кейинги бобда яна бир тафсилот унинг эътиборини тортди. Ичкиликни бундан икки йил олдин ташлаган Бобур уни ҳалигача қайтиб оғзига олмас эди. Бунинг осон бўлмаганини Хондамир қуйидаги сатрлардан билди: *«Бу ўтган икки йилда чоғир мажлисининг орзу ва иштиёқи беҳад ва ғоят эди, андоқки, чоғир иштиёқидан борлар[1] йиғламоқ сарҳадига етар эдим».*

[1] Б о р л а р – «баъзи пайтлар» маъносида.

Ўз истагига қарши курашиб, йиғлаш даражасига борганини очиқ ёзиш тождорлар орасида мисли кўрилмаган бир соҳибдиллик эканига Хондамир ич-ичидан тан берди. Очиқчасига айтган мана шунақа оддий тафсилотлар туфайли Бобур унга ўзи каби бир инсон фарзанди бўлиб туюлди. Аммо бошқа тождорлар тарихий китобларда оддий одамларга ўхшаб кўринишдан қанчалик чўчийдилар! Улар эл-юртдан мумкин қадар баландда бўлишни, оддий инсондан кўра Худога яқинроқ туришни қанчалик яхши кўрадилар! Шунинг учун ҳам Хондамирдек муаррихлар подшолар ҳақида оддий одамлар тушунмайдиган баландпарвоз, сертакаллуф тилда китоб ёзишга мажбур бўладилар. Бобур ўзи подшоҳ бўлгач, бундай такаллуфларни ким учун ёзади? Ҳамма томонидан қабул қилинган давр услубининг қонунларини бузиб чиқиб, ўз ҳаёти ҳақида шундай эркинлик ва ростгўйлик билан асар ёзиши – ҳеч кимга қарам эмаслиги туфайли эмасмикин?

Бу фикр Хондамирни Бобурнинг услубидаги ўзгачалик билан гўё яраштирди. Шундан кейин Бобурга хос оддийликнинг теран бир шеърий нафосати ҳам борлигини, бу нафосат одамни сеҳрлаб олишини сезди. Тун ярмидан ошганда эса асарда тасвирланган воқеаларга қизиқиб, услубини бутунлай эсдан ҳам чиқарди.

Тонгга яқин озгина ухлаб, сўнг яна ўқишни давом эттирдию, қўлёзманинг охирига етмагунча ундан ажралолмади.

Бобур Секрига учинчи кун эрталаб қайтиб келди – кундузи ҳаво жуда иссиқ бўлгани учун йўлни тун салқинида босиб ўтган эди. У Хондамирни яна боғда учратди, иккови пиёда ўша булоқ бўйига келдилар.

Бобур йўл юриб чарчаган, уйқусиз ўтган яна бир тун юзини жуда сўлитиб қўйган бўлса ҳам у ўзини хушҳол тутиб:

– Мавлоно, менсиз дилгир бўлмадингизми? – деди.

– Ҳазратим, мен туну кун сиздан айрилмай суҳбатингизда бўлдим, сиз ёзган асар саҳифаларида унутилмас дамларни бошдан кечирдим.

– Ҳали охирига етмагандирсиз?

– Кеча пешинда охирги саҳифасини ёпганимча ҳамон унинг таъсири билан яшамоқдамен.

– Мени аяманг, мавлоно, ростини айтинг.

– Ростини айтсам, сиз мени чил-чил синдирдингиз!

Хондамир бу гапни шундай жиддий туриб, ички бир дард билан айтдики, Бобур таажжубланиб тўхтади:

– Нечук синдирмишмен, мавлоно?

– Услубингиздаги нафис бир соддалик қаршисида менинг юксак шоирона услубим ортиқча бир такаллуфдек туюлди.

– Э, такаллуфми? Аммо менинг аҳволим ўзингизга маълум. Жумлаларни такаллуф билан безашга фурсатим йўқ эди.

– Асли гўзал бўлган юзга ортиқча зеб-зийнат не ҳожат? Ҳазратим, сиз адабиётимизда ҳали ҳеч ким қилмаган улуғ бир ишни қилмишсиз. Муборак бўлсин!

– Миннатдормен, мавлоно. Бироқ ҳали мен бу ишнинг йўқолган саҳифаларини тикламоғим керак.

– Тиклашингизга аминмен. Охири яна бошқа нек ишларингиз ёзилгусидир. Бироқ шу туришда ҳам мен бу улкан асарингизни туркий тилда айтилган янги бир сўздек қабул қилдим. Мен аминменки, авлодларимиз сизнинг бу шоҳ асарингизни Алишер Навоийнинг «Хамса»си каби эъзозлагайлар. Чунки шу вақтгача туркий тилда битилган энг улуғ шеърий асар «Хамса» бўлса, шу вақтгача туркий тилда битилган энг улуғ насрий асар, менимча, «Бобурнома» бўлғусидир.

– Мавлоно, гарчи муболаға қилган бўлсангиз ҳам, дил сўзларингиз учун ташаккур. Мен бу асарни ниҳоясига етказиш учун бугун яна Секрига қайтиб келдим. Агар нуқсонлари бўлса очиқ айтинг.

– Фақир баъзи саҳифалардаги саналару номларда ноаниқликлар учратдим. Хусусан, Ҳиротга Ҳусайн Бойқаро саройига оид боблар хиёл таҳрирталаб.

– Мана шу нуқталарда менга сизнинг кўмагингиз даркор.

– Бажонидил, ҳазратим. Неки ноаниқлик бўлса, барчасини алоҳида қоғозга ёзиб қўйдим. Асарингиз билан бирга бермоқчимен.

Шу пайт тепадан ўтаётган қушлар кескин ҳуштак чалганга ўхшаб нохуш овоз чиқаргани эшитилди. Бобур осмонга қараб, қорамтир-қизғиш калхатлар галаси қанот қоқмай учиб бораётганини кўрди. Сўнг уларни Хондамирга кўрсатиб:

– Бу йиртқичлар жанглардан сўнг ўлакса еб мазахўрак бўлмишлар, – деди. – Рано Санго билан бўлган жангдан сўнг мана шу кўл атрофларида, боғнинг ўрнида ўлиб ётган одамлар, отлар, туялар, филлар беҳисоб эди. Калхатлар қон ҳидини сезиб, узоқлардан гала-гала учиб келганлари ёдимда бор...

Бу хотира Бобурда нохуш туйғулар қўзғаганини сезган Хондамир:

– Начора, ҳазратим, – деди. – Ҳанузгача ҳеч бир улуғ давлат жангу жадалсиз барпо бўлган эмасдир.

– Сўзингиз чину, аммо... Сўнгги йилларнинг воқеаларини қоғозга туширганимда, барча қурбонлар, тўкилган барча қонлар кўз ўнгимда шундай тўлиқ гавдаландики уйқуларим ўчиб кетади... Бажавр қўрғонида уч минг кишининг қиличдан ўтказилгани... Панипатда бир неча юз асирнинг тўфангдан отиб ўлдирилгани... Бизнинг одамлар ҳам калла-миноралар қўпоргани...

– Ҳаммасини умр китобингизда рўйирост битмишсиз.

– Чунки авлодлар ҳақиқатни билсинлар, бизни фариштa деб ўйламасинлар. Қилган гуноҳларимиз ўзимизга нечоғлик оғир тушганидан огоҳ бўлсинлар.

Бобурнинг руҳида дам-бадам сезилиб қолаётган ички бир дард – фақат хасталик ёки чарчоқликдан эмаслигини Хондамир энди сезди. Бобур ижодий ишга берилган сари унинг қалбидаги шоҳ билан шоирнинг муроса қилиши қийинлашиб кетарди.

Хондамир беихтиёр Ҳиротни ва Алишер Навоий билан Ҳусайн Бойқаро орасидаги мураккаб муносабатларни эслади. Бу икки зот ёшликдан бир-бирларини яхши кўрар эдилар, аммо подшоҳнинг шафқатсиз ишлари шоирнинг нафис туйғуларига шу даражада зид келар эдики, Алишер Навоий Ҳусайн Бойқаро билан бир шаҳарга, ҳатто бир мамлакатга сиғишмай қоладиган ва Хуросонни ташлаб ҳажга кетишга астойдил интиладиган пайтлари бўларди.

Ҳатто бир шаҳарга ва бир мамлакатга сиғмайдиган катта шоир билан подшоҳ Бобурнинг қалбида бирга яшашга мажбур эканини ва бу уни қанчалик қийин аҳволларга солишини Хондамир ҳозир яқиндан кўргандай бўлди. Унинг ёдига Бобурнинг:

Юз хайфки, зоеъ ўтадир умри азиз,

Афсуски, ботил[1] *борадир умри шариф!* – деган сатрлари тушди. «Шоир бу сатрларни подшоҳлик ташвишларидан тўйиб кетган пайтда ёзган бўлса керак!» деган ўй кўнглидан кечди.

Бобур булоқ бўйига чўнқайиб ўтириб, кафтини муздай тиниқ сувга тўлдириб олди-да, уни симириб, хиёл тафти босилгандай бўлди.

[1] Б о т и л – қалбаки йўлдан бориш, адашиш.

Хондамир гапни ёқимлироқ мавзуга бургиси келди:

– Ҳазратим, Ҳиротда учрашганимизда сиз ўз ҳаётингизни... кўчки босган булоққа ўхшатган эдингиз. Ёдингиздами?

– Ёдимда бор.

– Фақир ҳозир тахмин қилдимким, Мовароуннаҳрда кўчки босган булоқ балки шу ерга келиб қайта кўз очгандир?

– Ақл бовар қилмайдир. Орада шунча узоқ масофалар бор.

– Лекин чинакам зўр истеъдодлар – ўлмас булоқларга ўхшар эканлар. Уларнинг кўзини ўн жойда бекитсалар, ўн биринчи жойдан яна ёриб чиқар эканлар!

– Лутф қилдингиз, мавлоно. Ҳозир ижодий иш мени худди шу тоза булоқдек ўзига тортадир. Жангларнинг қонли селлари, салтанатнинг бетиним тўфонлари жонимга тегди. Тожу тахтнинг бевафолигини кўпдан бери сезиб юрибмен. Менга вафо қилса фақат ёзган асарларим вафо қилгусидир. Ота юртим Туркистонга ўзим қайтолмасам ҳам, асарларим қайтиши мумкин.

– Иншооллоҳ, сиз ота юртингизга зафар билан қайтурсиз. Тошкентда, Самарқанду Ҳиротда сизнинг қайтишингизни кутиб юрган ихлосмандларингиз кўп.

– Аммо ғанимларимиз улардан кўпроқдир, мавлоно. Улар билан жанг қилиб ватанга қайтгунча яна қон дарёсида сузмоқ керак... Мен бундан жуда безганмен... Қилич билан олинган эллар вафо қилмас эканлар. Фақат маънавий зафарлар умрбоқий бўлишини кейинги даврлар бизга кўрсатди.

– Ҳазрат Алишер ҳам маънавиятни ҳамма нарсадан баланд қўяр эдилар. Сиз чиндан ул зотнинг буюк ишини давом эттирмоқдасиз.

– Афсуски, ҳазрат Алишердек даҳолар турк оламида анча кеч пайдо бўлмишдир. Жаҳон бўйлаб от ўйнатиб, қилич чопган турк баҳодирлари минг йиллар давомида Чин-Мочиндан Мисргача, Ҳинддан Фарангистонгача қанчадан-қанча қудратли давлатлар барпо этганлар. Аммо улар ўз давлатларини умрбоқий қиладиган туркий алифбою она тилига, яхлит бир туркий маънавиятни яратишга яхши эътибор бермаганлар. Қилич билан тикланган давлатларнинг маънавий пойдевори мустаҳкам бўлмаса, улар бошқа қиличлар зарбидан тез қулаб тушаркан.

– Рост, ҳазратим, турк оламининг бу тарихий нуқсони ҳақида сиз билан Ҳиротда ҳам кўп дардлашган эдик.

– Ана ўшал дардларнинг турткиси билан мен Кобулу Самарқандда туркий алифбони тикламоқчи бўлдим. Бундан мақсад – барча давлат ишини туркий тилда юритмоқ эди. Аммо... бу ҳаракат қандай фожиа билан тугагани маълумингиздир.

– Э воҳ, шундай улуғ жасорат увол бўлди-я! Жоҳиллар яна ғолиб келдилар!

Аммо туркий алифбо билан туркий маънавиятга оид орзулар мени ҳамон тарк этган эмас. Ўғилларим Ҳумоюн билан Комрон хатти Сиғноқийни мукаммал ўрганибдир, менга ўшал алифбода мактублар битурлар. Ҳозир мен туну кун туркий тилда ўйлаймен, шу тилда ижод қилмоқдамен. Чунки бизга она сути билан кирган тилимиз – бизнинг маънавий ватанимиздир. Туркий тилда ёзганимда руҳим яна Андижону Самарқандга қайтгандек таскин топур. Маънавият оҳанрабоси билан туркий элларни руҳан яқину иноқ қилиш менинг ззгу ниятимдир. Бу ниятга биз етолмасак, шояд келгуси авлодлар етса! Бобур кўпдан бери уйқусиз юрганиданми ёки соғинч ҳиссининг зўриданми, кўзлари беихтиёр ёшга тўлди.

– Мен ҳам Ҳиротни беҳад соғиниб юрибмен, ҳазратим. Лекин... ўзингиз айтган эдингизки, Ҳинд ҳам энди биз учун ватан. Ёзган асарларингиз Ҳиндннг ҳам шавкатига шавкат қўшғусидир. Ҳиндда барпо қилган улуғ давлатингиз эса сизни вояга етказган Мовароуннаҳрга ҳам шуҳрат келтиргусидир.

– Зора шундай бўлса! – деди Бобур.

У Хондамир билан кечгача дардлашиб юрдию, кўнглини бўшатиб, ўзини анча енгил сезди. Бироқ кечаси яна уйқуси қочиб, тонг оттунча мижжа қоқмади.

АГРА

ЮЛДУЗЛАР ГИРДОБИ

1

Яна ёзнинг жазирама иссиқлари бошланди. Бобур гоҳ девони омда, гоҳ кутубхонада ишлар, мудом ичи куйиб, совитилган норинж шарбати ва яхна чой ичар, лекин чанқоғи ҳеч босилмас эди.

Бир кун пешин кечроқ Тоҳир хилватхонага уч-тўрт бош оқ кишмиш узум олиб кирди. Ҳозиргина узиб ювилган олтинранг кишмиш доналари устида сув зарралари йилтираб туради. Кўпдан бери бундай узумни кўрмаган Бобур таажжуб билан:

– Қайдан олдингиз? – деди.

Ўзимизнинг Ҳашт Беҳишт боғимиздан. Самарқанддан келтирилган кишмиш кўчатини ўз илкингиз билан экканингиз ёдингиздами, ҳазратим?

Бобур қувониб узумдан бир бошини қўлига олди. Бу ерларнинг тарихида биринчи марта етиштирилган оқ кишмиш сал серсувроқ бўлса ҳам, лекин унинг таъми Бобурга Самарқандни эслатди. Узум еган сари чанқоғи босилиб, ўзини бирдан тетик сезди.

– Буни Моҳимга кўрсатмоқ керак! – деб ўрнидан турди.

Бултур кузда Кобулдан Аграга кўчиб келган Моҳим бегим бу боғнинг тўридаги мармар кўшкда эди. Бобур баркашдаги узумни Тоҳирга кўтартириб, гулзор йўлкалардан кўшкка қараб кетди.

Ҳаво дим ва рутубатли. Яна пашкол фасли бошланиб, осмондан булут аримай қолган.

Баркашдаги олтинранг кишмиш Бобурга шу булутларни ёриб ўтиб, узоқ Самарқанддан етиб келган ёруғ бир нурдек кўринарди.

Моҳим бегим кўшкнинг айвонида миз устига энгашиб алланарса ёзмоқда эди.

Айвонга Тоҳирни эргаштириб кирган Бобур:

– Узумимиз пишибди, Моҳим! – деди. – Бир татиб кўринг.

Моҳим бегим ўрнидан туриб, Бобурни одатдагидай таъзим билан қарши олди, лекин ўпкаси тўлиб, дуруст гапиролмади.

Сўнгги икки йил ичида ярасидан қолган асоратлар тузалиб, қўллари аввалгидай ишлайдиган бўлиб кетган Тоҳир узумни таъзим билан Моҳим бегимга тутди.

Моҳим бегим баркашни унинг қўлидан олиб, миз устига қўйди. Унинг қовоқлари шишиб, кўзлари йиғидан қизарганини пайқаган Тоҳир секин орқаси билан юриб чиқиб кетди.

Эр-хотин ёлғиз қолганларида Бобур:

– Сизга не бўлди? – деди. – Йиғлабсизми?

– Нафасим қисилди...

Моҳим бегим қирқ ёшга боргандан бери юзлари тўлишиб, анчагина семириб қолган эди. Кобулнинг енгил ва қуруқ тоғ

ҳавосига ўрганган бегим Жамна бўйидаги иссиқ кунларда сернам дим ҳаводан нафас олиш қанчалик қийин бўлишини аввал ҳам эшитган, бир чеккаси шу сабабдан тўрт йилгача Аграга келмай юрган, ахийри Бобурнинг юзидан ўтолмай бултур келган эди.

– Пашкол фаслида мен ҳам жуда қийналиб нафас олурмен, – деди Бобур. – Ташвиш чекманг, ўрганиб кетурсиз. Қани, узумдан олинг!

Моҳим бегимнинг ҳеч нарса егиси келмас эди. Шундай бўлса ҳам кишмишдан икки дона олиб оғзига солдию, Бобурнинг кўнглига бўла:

– Яхши пишибдир, – деди.

– Мактуб ёзмоқчи эдингизми?

– Ҳа, Ҳумоюнга... Менинг нафасимни пашкол эмас, соғинч қисадир!

Тўлиб ўтирган Моҳим бегим бирдан йиғлаб юборди:

– Мен ҳамиша Ҳумоюннинг дийдорига зормен. Сиз мудом ўғлимни мендан узоқларга юборурсиз! Кобулда эканимда Ҳумоюн Жамнаю Ганга бўйларидан бўшамади. Мен Аграга келдим, Ҳумоюн Бадахшонга жўнаб кетди. Бадахшонни тинчитиб қайтди ҳамки, уни яна узоқ Самбҳалга юбордингиз. Қаерда бир хатар бўлса, ўшанга Ҳумоюн рўбарў! Қайси узоқ юртда мушкул иш бўлса, яна Ҳумоюн! Мен бу ерда хавотирда қон ютиб изтироб чекурмен!

– Бунчалик хавотирланишнинг не ҳожати бор, Моҳим!

– Сиз хавотирланмайсиз, ҳазратим, сизнинг фарзандларингиз кўп! Менинг ёлғиз фарзандим қолган! Учтасини тупроққа топшириб, шу биргина Ҳумоюн билан қолганмен! Бобурнинг бошқа хотинлари ва улардан бўлган бошқа болалари ҳам борлиги Моҳим бегимда қанчалик мураккаб туйғулар қўзғашини Бобур ҳозир яна бир марта сезди. Шу пайт хонага саккиз ёшли Гулбадан чопиб кириб келди. Бўйнидаги жажжи тақинчоқларини шилдиратиб отаси қаршисида эгилиб таъзим қилди. Лекин онасининг йиғлаб, ўртаниб гапираётганини кўрдию, хавотирланиб тўхтади.

– Моҳим, – деди паст товуш билан Бобур, – Ҳиндол билан Гулбадан ҳам сизга фарзанд-ку, ахир!

– Комрон мирзо-чи, ҳазратим? У киши сизнинг ўғлингиз эмасмилар? У киши Лаҳўрда оналари билан тинчгина юрибдилар! Нечун ҳамма балога Ҳумоюн балогардон бўлмоғи керак?

– Чунки Ҳумоюн – тахт вориси! Мен қилмоғим керак бўлган мушкул ишларни Ҳумоюн қилиб ўрганмоғи керак.

– Мен хавотирланиб қон ютсам майли! Сиз бунга парво қилмайсиз, чунки бошқа хотинларингиз бор!

Гулбадан ота-онасини ҳеч қачон бундай мушкул ва ноқулай аҳволда кўрмаган эди. У кўзлари жавдираб, нима гап бўлаётганини тушунолмай лол бўлиб турарди. Ахир ҳазрат онаси подшоҳ отасига ниҳоятда меҳрибон эди-ку. Кобулдан икки ой йўл юриб, кела-келгунча унинг номини тилдан қўймай эъзозлаб гапирар эди-ку! Ҳазрат отаси ҳам уларга Аградан пешвоз чиқиб, Жалоли кўли яқинида кутиб олмаганмиди? Чарчаган отидан тушиб, бошқа от келтиргунларича сабри чидамаган Бобур Моҳим бегимнинг олдига пиёда келган эмасмиди? Сўнг суюкли хотинини эъзозлаб, уни отдан тушишга қўймаган, ўзи эса Моҳим бегимнинг оти ёнида уч чақиримча жойга пиёда борган эди-ку. Буни кўрган одамлар: «Подшоҳнинг ўз хотинини бу даражада юксак иззат-икром билан кутиб олганини умримизда кўрган эмасмиз!» деганларини Гулбадан ўз қулоғи билан эшитган эди-ку. Ҳозир буларга нима бўлди?

Бобур қизчасининг ҳанг-манг бўлиб турганини сезиб, тез ўрнидан турди, баркашдаги узумдан бир бошини қўлига берди:

– Ма, қизим, е! – деб унга мулойим гапириб, эшикдан ташқарига етаклаб чиқди. – Бор, энди боғда ўйна.

У кўз ёшларини ҳамон тўхтатолмаётган Моҳимнинг қаршисига қайтиб келиб ўтирди ва ҳазин товуш билан деди:

– Моҳим, сиз мендан ҳар қанча ранжисангиз ҳақингиз бор. Шариат рухсат бергани билан ҳар бир мусулмон уч хотин олиши шарт эмас эди... Мендек сайёҳтабиат одам... умрининг ярмидан кўпини сафарларда, жангларда ўтказишини била туриб, уч хотин олиши... кечирилмайдиган бир хатолик бўлди. Бу хотинларнинг ҳеч бири мен орзу қилгандек бахтиёр бўлолмаганини... бугун сизга қараб кўриб турибмен... Кундошлик аламлари... Бир-бирига ўгай болаларнинг рақобати... Ота-боболаримизни ўртаган бу жаҳаннамлар бизга дахл қилмас деб ўйлаган эдим... Йўқ, мана, ҳатто сиздек суюкли ёрим ҳам... шу жаҳаннам азобидан кўзёш тўкмоқдасиз. Мажруҳ дилим сизни кўриб, баттар хасталанди.

Моҳим бегим Бобурнинг сарғайиб қолган касалманд юзига қарадию, кўз ёшини апил-тапил арта бошлади.

– Ҳазратим, мендан озорланманг. Мен бир мунглик аёлмен. Сиз подшоҳсиз. Арзимни сизга айтмасам, кимга айтамен?

– Ҳа, мен подшоҳмен – бутун бало шунда. Неки хатолик, неки гуноҳ қилган бўлсам, ҳаммасининг бирламчи сабаби менинг подшоҳлигимдир. Ёшлигимда подшоҳлик занжиридан қутулиб кетмоқчи бўлдим. Лекин мени бу занжирдан халос қиладиган нажоткор топилмади. Энди умидим борки, менинг нажоткорим Ҳумоюн бўлғусидир.

Моҳим бегим Бобурнинг бу сўзларига ишониб-ишонмагандай унга термилиб қаради.

– Моҳим, мактубингизни давом эттиринг. Менинг номимдан ҳам ёзинг, Ҳумоюн Аграга тезроқ қайтсин. Кўзим тириклигида тож-у тахтни эгалласин. Ёзинг, мен имзо чекурмен!

– Ҳазратим, Сиз Ҳумоюнни тожу тахтга бунчалик интиқ деб ўйламанг! Ҳеч ундай эмас! Мен фақат ўғлимиз ёнимизда бўлсин демоқчи эдим, холос!

– Ёзинг, келсин!.. Фақат подшоҳ бўлиш шарти билан келсин. Бу махфий гапни ҳозирча бошқа ҳеч ким билмасин.

Бобурнинг нияти жиддийлигига энди ишонган Моҳим бегим:

– Сиз... Кобулга қайтмоқчимисиз? – деб сўради.

– Мабодо, оламдан кўз юмсам, Кобулда дафн этинглар.

– Нечун бундай дейсиз?

– Сиздан яширадиган сирим йўқ, Моҳим. Сиз Кобулда «Фотиҳликнинг қасоси қайтса, ёмон бўлур» деган эдингиз. Шу гапингиз рост чиқди. Подшоҳлигу фотиҳлик балолари малика Байда берган заҳар шаклига кириб, менинг умримни кемирди. Агар мен ҳам бор кучимни фақат илму ижодга берсам, балки Берунийдек етмишдан ошармидим? Ёки Алишер Навоийдек олтмишга кирармидим? Бироқ мана қирқ етти ёшимда умримнинг охири кўриниб қолди.

– Ниятни яхши қилинг, ҳазратим! Худо хоҳласа, ҳали умрингиз узоқ бўлғусидир!

– Не бўлганда ҳам энди подшоҳлик бас. Қолган умримни ижодга сарфламоқчимен! Менга саройлару қасрларнинг кераги йўқ. Мана шу Зарафшон боғининг бир гўшаси бўлса бас... Ортиқча савдар-у мулозимлар ҳам даркор эмас. Тоҳир офтобачининг бир ўзи менга етарли. Ҳумоюнга шу қароримни айтиб, икковимизнинг номимиздан ёзинг!

Моҳим бегим Бобурга жуда оғир тегадиган мавзуларда гап очганидан энди қаттиқ пушаймон бўлдию, эрига илтижо қилиб:

– Мени кечиринг! – деди. – Мен ҳеч хаёлимга келтирмаган гап... Бу мумкин эмас! Мен бундай мактубни ёзолмасмен!

Бобур ўрнидан турди.

– Бўлмаса мен ўзим ёзгаймен, – деб кўшкдан чиқди.

У боғ оралаб хилватхонага қараб бораётганда гулзор йўлкада кичкина Гулбаданни учратди. Зийрак қизча отасини қийнаб юрган мушкулотларни тушунмаса ҳам унга ич-ичидан қайишиб, ҳамдардлик билдираётгандек мўлтираб қараб турарди[1].

2

Отасининг махфий мактуби борганда Ҳумоюн Самбҳалда оғир касалга чалиниб тўшакда ётган эди. Мактубни ўқигач одамларига:

– Мени тезроқ Аграга етказинглар! – деб буюрди.

Деҳлига келгунча Ҳумоюннинг иситмаси яна ошиб, касали баттар оғирлашди. Уни олиб келаётган Ҳиндубек йўлда бирор кор-ҳол бўлишидан қўрқиб, дарҳол Аграга хабар юбордию, ўзи Деҳлида қолиб Ҳумоюнни энг яхши табибларга даволата бошлади. Лекин дори-дармон кор қилмас, қора безгакка ўхшаш бир дард Ҳумоюнни кечаю кундуз куйдириб, гўё жингак қилиб ташламоқда эди.

Аградан икки кечаю кундуз отлиқ йўл юриб, Моҳим бегим етиб келди. Дарё йўли тинчроқ ва салқинроқ дейишиб, Ҳумоюнни Деҳлида кемага солишди-да, оқим бўйлаб Аграга олиб келишди.

Ҳумоюнни тахтиравонга ётқизиб, саккиз йигит Зарафшон боғига кўтариб кирди. Бобур ранги ердай ўнгиб кетган Моҳим бегимни кўргандаёқ, юраги «шув» этиб кетди. Йигит-

[1] Бобурнинг фарзандлари орасида энг узоқ умр кўрган ва саксонга кирган Гулбадан бегим болалигида кўрган-билганларини «Ҳумоюннома»да батафсил ёзган. У отасининг охирги пайтда тожу тахтдан астойдил кўнгли қолганига, ҳокимиятни Ҳумоюнга бериб, ўзи Тоҳир офтобачи билан бир гўшада яшамоқчи бўлганига далиллар келтирган.

лар кўтариб келаётган тахтиравон унинг кўзига тобутдай совуқ кўринди. Ҳумоюн туни бўйи алаҳлаб беҳуш ётди. Фақат саҳар палла кўзини хиёл очиб, тепасида турган отасини таниди, ўрнидан тургиси келиб қимирлади, лекин бошини кўтаришга ҳам мадори етмади. Отасининг махфий мактубида ёзилган гапга рози бўлолмаслигини айтмоқчи бўлиб:

– Биз... хизматда... сизсиз... – «Мумкин эмас!» дегандай бош чайқадию, кейин яна аллаҳлай бошлади. – Ғулга уринг... уринг! Кетди!.. Тўхта!..

Ҳумоюн нафаси қайтгандай талваса қилиб, ўзини у ёқдан-бу ёққа бир-икки отди-ю, яна ҳушидан кетди.

Сарой табиблари бу оғир дардга ҳеч бир даво тополмадилар. Моҳим бегим юм-юм йиғлайди. Бобур суюкли ўғлини ҳадеб ўтга-сувга солиб, шу касалликка ўзи ҳам сабабчи бўлгандай ўртанарди. Оғир пайтларда Бобур суяниб ўрганган одамлар бирон чора топишни ундан кутадилар. Лекин ҳозир у ҳам чорасизликдан ўзини қўйгани жой тополмай қийналди. Кексайиб мункиллаб қолган шайхулислом Бобурнинг ёнига келди:

– Ҳазрати олийлари, кўп ғам чекманг, Парвардигор ғойибдан шифо юборгусидир, – деди. – Табибларданки иш чиқмади, энди Худо йўлига дунё молидан тасаддиқ қилмоқ керак.

Бобур шайхулисломнинг ниятига тушунолмай:

– Қайси молдан? – деб сўради.

– Жон омон бўлса жавоҳир топилур. Ўшал... ашхас олмос яхши тасаддиқ бўлғай. Бобур Жамна устида кемада ўтирганда Ҳумоюн келтириб кўрсатган олмосни эслади.

– Кўҳинурними?

Шайхулислом тасдиқ маъносида бош ирғади. Бобур ҳушини бир жойга йиғиб:

– Тақсир, кимга тасаддиқ қилайлик? – деб сўради.

Қиймати улкан олтин хазиналарига баробар келадиган бу олмосни ўғрилардан қўриқлаб туриш учун ҳам жуда кўп навкар керак эди. Шуни биладиган шайхулислом «менга» дейишга тили бормади.

– Муртазо Али мозорига, – деди. – Дин йўлига.

Мозор ва Кўҳинур олмоси бир-бирига мутлақо қовушмайдиган нарсалар эди. Диндорларнинг каттаси шайхулислом бўлганлиги учун оламни безайдиган бу гўзал олмос айланиб келиб унинг сандиғига тушиши аниқ. Бобур ҳозир мол-у дунёни ўйлайдиган аҳволда бўлмаса ҳам Ҳумоюнга

тақдим этилган бу ноёб гавҳарга мункайган шайхулислом кўз тиккани уни сергаклантирди. Руҳонийлар иложини топса, подшоҳдан ҳам баланд туришга ва уларнинг бошига оғир кун тушганидан фойдаланиб ўз ҳукмларини ўтказишга интилишлари кўпдан маълум эди.

– Тақсир, назарингизда, ўшал олмос азизми ёки менинг жоним азиз?

Шайхулислом ҳанг-манг бўлиб:

– Нечун ундай дейсиз, ҳазратим! – деди. – Ундоқ олмосларнинг юзтасидан сизнинг бир мўйингиз азизроқдир!

– Миннатдормен! Ундоқ бўлса, мен Ҳумоюнга жаҳондаги барча олмослардан ҳам азизроқ бир нарсамни қурбон қилмоқчимен. Фақат бу қурбонни сизу бизга ўхшаган бандалари эмас, зарур бўлса Парвардигорнинг ўзи олсин!

Бобур ўзига умид билан қараб турган одамларнинг орасидан ўтиб, Ҳумоюннинг тўшаги ёнига келди.

– Ҳумоюн, жигарбандим! – деди у ҳамма эшитадиган товуш билан. – Сенинг бетоқатлигингга мен тоқат келтирай. Сенинг шу оғир дардингни Худо сендан олиб менга берсин!

Беҳуш ётган Ҳумоюн бу гапларни эшитмас, лекин беморнинг хобгоҳидаги аёллар, мулозимлар, табиблар, руҳонийлар – ҳаммаси Бобурга қулоқларини динг қилиб қараб турардилар.

Бобур умумий жимликда Ҳумоюннинг бошидан уч марта айландию:

– Ё, Парвардигор! – деб илтижо қилди. – Менки Бобурмен, агар жон бериш мумкин бўлса, умру жонимни Ҳумоюнга қурбон қилдим! Азройил менинг жонимни олсину Худо Ҳумоюнга шифо берсин!

Моҳим бегим йиғидан тўхтаб, Бобурга қўрқув аралаш ҳайрат билан тикилиб турарди. Кекса шайхулислом эса ҳозирнинг ўзидаёқ Ҳумоюнинг соғайиб кетишини ва Бобурнинг ҳолсизланиб йиқилишини кутгандай анча вақт ота-болага бақрайиб қараб турди. Лекин кутилган мўъжиза юз бермади. Беҳуш Ҳумоюн алаҳлаб бир нима деди-да, яна жим бўлди.

Бобурнинг баданидан «лоп» этиб олов чиққандай бўлди, вужуди қизиб кетди. У ҳамон беҳуш ётган Ҳумоюнга қараб:

– Кўтардим дардингни! – деди-да, елкасига оғир юк олган одамдай қадди хиёл эгилиб хобгоҳдан чиқиб кетди...

3

Йигирма уч ёшли Ҳумоюннинг йигит юраги отаси кўрсатган руҳий мададдан куч олиб, оғир касалликни ахийри енгди. Орадан бир ҳафта ўтгач, у касал кўришга келганларни ўрнидан туриб қабул қилди. Яна икки кундан сўнг отасини бориб кўриш учун хобгоҳидан чиқди.

Бобур ўғлини Оромбоғнинг тўридаги хонаи хосда қабул қилди. Ҳумоюн унинг қаршисида тиз чўкиб, кўзига ёш олиб гапирди:

– Ҳазратим, мен сизнинг илтижоингиз билан шифо топмишмен. Ўзимга келганимдан бери Худодан тилайменки, сизнинг умрингиз узоқ бўлсин! Бу улуғ давлатни сиз барпо этдингиз. Ҳаммамизнинг пушти паноҳимиз ўзингизсиз. Парвардигор бизга раҳм қилсин!

Бобур ўғлини елкасидан олиб ўрнидан турғизди:

– Мана, шукр, юрибмен-ку, ўғлим. Сен кўп хавотир бўлма.

Аммо шайхлар: «Ҳазратим ўғлига келган ажални ўзларига олдилар», деб кўнглимга ғулғула солдилар.

Бобур ўғлига ўнг ёнидан жой кўрсатди.

– Ҳумоюн, ўғлим, мардона бўл, энг оғир юклар энди сенинг елкангга тушадиган кўринадир. Хайрият, тузалиб кетдинг. Агар мутаассиб шайхларнинг гапига кириб, Кўҳинур олмосини тасаддиқ қилсам, улар ғолиб чиқмасмиди? «Ҳумоюнни биз ўшал тасаддиқ эвазига қутқариб қолдик, биз подшоҳдан ҳам зўрмиз!» деб тантана қилмасмиди? Имону эътиқод бундай ғаразлардан баланд турмоғи керак-ку, ахир!

– Илоҳим, сиз ҳақингиздаги карамотлари ҳам ёлғон чиқсин!

– Ҳар қалай, сен Оллоҳ таолога ғаразли шайхлар орқали эмас, бевосита имону эътиқодинг орқали илтижо қилишга ўргангин. Шайхлар мудом подшоҳнинг тепасига чиқиб, унга ҳукмини ўтказишга интилурлар. Шундан эҳтиёт бўлгин.

– Токи тирикмен, бу ўгитингизга ҳамиша амал қилгаймен!.. Энди... Ҳазратим, Самбҳал чегарасида яна қонли тўқнашувлар бўлмоқда эмиш. Ижозат берсангиз, мен бориб чегараларни тинчитсам...

Бобур индамай ўрнидан турди-да, хонаи хоснинг тўридаги сандиқни очди. Ҳумоюн тик турган ҳолда отасига юзланиб қўл қовуштирди.

Бобур сандиқдан оқ ипак матога ўралган қилични олди.

– Ҳумоюн, ўғлим, менинг қанча умрим қолгани Худонинг ўзига аёндир. Соҳибқирон бобокалонимизнинг мана шу қиличини энди сен тақмоғинг керак. Бу қиличга «Куч – адолатдадир» деган сўзлар битилган. Доим одил бўлгину мағлуб бўлмагин!

Бобур қилични ўғлига икки қўллаб узатди. Ҳумоюн табаррук қилични тиз чўкиб олди-да, унинг муқаддас ёзув битилган жойини кўзларига суриб ўпди.

– Майли, – деди Бобур. – Самбҳал нотинч бўлса, бориб тинчитгину ўрнингга Ҳиндубекни қўйиб қайтгин. Энди давлат ишини зиммангга олмоғинг керак...

* * *

Ёмғир фасли ўтиб, осмон яна булутлардан тозаланди, тунлар салқин бўлиб қолди. Бобур уйқусиз тунларда боққа чиқар ва юлдузларни томоша қилгиси келиб осмонга қарарди. Лекин танида иситманинг баландлигидан осмондаги юлдузлар жойидан кўчиб, гирдобга тушиб айланиб кетаётгандай кўринар, кўнгли беҳузур бўлиб, осмондан дарҳол кўзини оларди.

Кундуз саройда давлат ишларини қилган пайтида гоҳ шайхулисломни, гоҳ нуфузли аъёнларни учратар, улар Бобурга аввалгидан ҳам пастроқ, эгилиб таъзим қилишар, лекин ўлиши муқаррар бўлган беморга қарагандай мусибатли кўзлар билан қарашар, муомалаларидаги алоҳида мулойимлик ҳам шундан далолат берар эди. Уларнинг эътиқодига биноан, Бобур ўз ҳаётини ўғлига қурбон қилган, шунинг учун Ҳумоюн тузалиб кетган, энди кўзга кўринмас ажал қиличи Бобурнинг боши устида осилиб турар эди.

Очиқ айтилмайдиган, ҳаддан ортиқ майин гаплар, таъзиму тавозелар остига яшириладиган бу машъум ишонч Бобурга жуда оғир таъсир қилар, гоҳо атрофида айланиб юрган ўлим шарпасини унинг ўзи ҳам сезгандай бўларди.

Мезон ўтиб, қавс ойи кирганда Бобурнинг касаллиги баттар оғирлашди. Бирор жойида яра ёки шиш йўқ, нуқул ичи куяди, иситмаси кўтарилиб, ухлай олмайди, ранги кун сайин сўлиб боради. Мавлоно Юсуфий мамлакатнинг энг машҳур табибларидан уч-тўрттасини чақиртириб маслаҳатлашди. Беморнинг

томиридан қон олиб кўришди. Қоннинг ранги соғлом одамникидек тиниқ эмас, алланечук ириганга ўхшаб қолган эди.

Табиблар ўзаро кенгашиб, «Малика Байда берган заҳарнинг қонда асорати қолган» деган хулосага келдилар ва қонни тозалайдиган дорилардан, анор сувидан кўпроқ беришни буюрдилар.

Лекин бу нарсаларнинг ҳеч бири кор қилмади. Бобур ҳолсизланиб ётиб қолгач, Ҳумоюнга чопар юборишди.

Ҳумоюн келса, отаси ўз хобгоҳида баланд оқ тўшакда терга ботиб ётибди. Ранги сап-сариқ бўлиб кетган. Бобурнинг бош томонида Хонзода бегим пат елпиғич билан унинг юзини елпияпти. Оёқ томонида Моҳим бегим ғам-ғуссага ботиб, ҳайкалдай беҳаракат ўтирибди.

Ҳумоюн тиз чўкиб, отасининг тўшагини қучоқлади. Бобурнинг озғин қўлини ўпиб кўришди, сўрашди. Сўнг отасининг бу аҳволига ўзи сабабчи бўлгандай ёниб гапирди:

– Нечун бизга бунчалик жон фидо қилдингиз, ҳазратим?

Бобур мажолсиз товуш билан:

– Сен буни ўзингдан кўрма, – деди. – Иллат қонда эмиш. Билмадим... Ҳар қандай олов ҳам ёниб-ёниб ахийри бир кун... – Бобур «ўчади» демоқчи бўлдию, лекин аёлларни аяди: – Алангаси пасаядир. Мен умр бўйи аёвсиз ёндим.

– Биз учун ҳам куйиб-ёнгансиз! Энди бу қарзларни узишга менинг бутун умрим етмагай!

– Қарзингни менга узолмасанг... фарзандларингга узарсен...

Бобур тўхтаб-тўхтаб сўзлаётган бўлса ҳам кўнглидаги гапларини равон айтаётгани Ҳумоюнни умидлантирди. У отасининг сўзини бўлмай, жим қулоқ сола бошлади.

– Темурийларнинг кўпчилиги... фидойиликни унутиб... йўқ бўлиб кетди. Ўғил отани ўлдирди. Оға инига хиёнат қилди... Оқибатда... бари разолатнинг қурбони бўлди... Ундан кўра.. яхшиликнинг фидоси бўлган афзал эмасми?... Мана амманг Хонзода бегим... Самарқандда мени қутқариб ўзини асоратга солди. Бу фидойилик мени ҳамиша... шундай бўлишга ундаб келди... Сен ҳам энди иниларингу... авлодларингни мардликка... фидойиликка ўргатгин.

Бобур тўшакнинг орқа томонидаги ҳарир оқ парданинг ортига бошини буриб қаради. Парда ортида одам борлигини Ҳумоюн энди пайқади.

– Тоҳирбек, жуздонни келтиринг, – деди Бобур.

Шу вақтгача қимир этмай ўтирган Тоҳир энди тез ўрнидан турдию, токчадаги катта чарм жуздоннинг ичидаги янги муқоваланган қўлёзмаси билан икки қўллаб кўтариб келди.

– Бадахшонда, «Вақоеъ»ни сўраган эдинг, – деди Бобур Ҳумоюнга. – Мана, ёзиб тугатдим. Ол.

Тоғлар орасида Бобур: «Бу китоб битганда менинг умрим ҳам тугагай!» – дегани Ҳумоюннинг ёдига тушди. У жуздон ичидаги китобни олиб пешонасига суриб ўпар экан, кўзидан тирқираб ёш чиқиб кетди. Йирик бир ёш томчиси зарҳал муқова устига томиб тушганини Бобур ҳам кўрди.

– Сендан илтимосим, – деб давом этди Бобур. – Буни авлодларинг ҳам ўқисин.. Хатоларимни такрор этманглар. Яхши ишларим... оз бўлса, кўпайтиринглар. Бу китобдан нусхалар кўчиртириб, Самарқандга... Тошкентга... Андижонга... муносиб одамларга юборгин... Мен туғилган юрт билан алоқани узманглар. Шояд мен битган китоблар... икки орадаги алоқанинг ришталари бўлса...

Бобур ўғлига васият қилаётганини сезиб турган Хонзода бегим ўзини ортиқ тутиб туролмади.

– Бобуржон, мен эгачингиз!.. Мен... мен сиздан беш ёш каттамен! Бу дунёдан кетиш навбати аввал меники! Сиз таслим бўлманг! Бобуржон, иним!

Хонзода бегим унинг подшолигини унутиб, «Бобуржон!» деганда Бобур болалигини эслаб, кўнгли бир орзиқди. У беклардан ҳам, савдарлардан ҳам, бегоналардан ҳам, ҳатто суюкли ўғли ва хотинидан ҳам нуқул «ҳазратим» деган мурожаатни эшитар, кўп ишлатилавериб сийқа бўлиб кетган бу сўз унинг меъдасига теккан эди. Пиқ-пиқ йиғлаётган Моҳим бегим олдинги оғир суҳбатларни эслаб:

– Менинг хархашаларим ҳам сизни хаста қилди, ҳазратим! – деди. – Мени кечиринг!

– Моҳим, сиз мени кечирсангиз бўлди... Мен сиздан розимен... фақат энди мени ҳазратим деманг...

Моҳим Бобурни: «Кўз очиб кўрган танҳо ёримсиз, жисмимдаги жонсиз!» демоқчи бўлиб оғиз жуфтлаб кўрдию, лекин атрофидагилардан уялди. Йиғи аралаш:

– Хўп, – дея олди, холос.

Бобур унинг айтилмаган сўзларини овозидан, кўзларидан сезди. Сўнг ўғлига юзланди:

– Ҳумоюн, мен сендан ҳам «ота» деган сўзни ҳали эшитганим йўқ. «Ота» деган жўнгина сўзга ўрганмаган Ҳумоюн:

– Падари бузруквор! – деб кўрди. Бундан отасининг кўнгли тўлмаганини сезди-ю: – Отажон! – деди. – Сиз салтанатни менга бермоқчи бўлибсиз. Лекин ишонинг, мен бу тожу тахтдан сизнинг бир нафаслик умрингизни афзал кўрурмен!

– Мен сендан розимен... Энди мендан ҳам рози бўлинглар!

Хонзода бегим розилик сўрашга тили бормай ўртаниб йиғлади. Унинг йиғисига Моҳим бегим қўшилди. Бу оғир аҳволнинг устига кириб келган мавлоно Юсуфий Бобурнинг кўзлари бежо бўлаётганини, уни қаттиқ тер босганини кўрди.

– Энди ҳазратим ором олишлари керак! – деб қўлига оқ докани олиб, Бобурнинг юзидан, бўйинларидан терларини арта бошлади.

Қийналиб нафас олаётган Бобур бош томонда турган Тоҳирга шивирлаб:

– Елпинг!.. – деди.

Йиғи-сиғи билан Бобурни қийнаб қўйганларини энди сезган бегимлар секин чиқиб кетдилар. Бобур Ҳумоюнга:

– Энди эшикоға билан... аъёнлар кирсин, – деди. – Кўзим тириклигида... ҳокимиятни сенга топширай.

Ташқарида кутиб турган Муҳаммад Дўлдай ва бошқа нуфузли беклар кирдилар. Бобур уларнинг олдида подшолик тожини ўғли Ҳумоюнга топширди. Рози-ризолик сўраш пайтида беклардан бир-иккитаси кўзига ёш олгандай бўлди. Лекин чиқиб кетаётганларида ҳаммалари энди Ҳумоюннинг атрофида парвонадай айланиб, янги иноятлар умидида кўзлари тама билан ёнганини Бобур кўриб қолди. Хонада Тоҳир билан икковлари қолгандан сўнг:

– Энди... беку султонларга менинг керагим йўқ, – деди. – Тоҳирбек, кечга... Мавлоно Фазлиддинни чақиртиринг.

Тоҳир Бобурга табиб Юсуфий буюриб кетган суюқ доридан ичирди, унинг қийшайиброқ қолган ёстиғини тўғрилаб қўйди. Сўнг савдарлар хонасига ўтиб, тоғасига одам юборди.

Айтилган пайтга етиб келган мавлоно Фазлиддин Бобурнинг ўлим тўшагида ётганини кўрдию, туғён ичида:

– Ҳазратим, Худо сизга қувват берсин! – деб қўлидан ўпди.

– Мен... подшоҳликни Ҳумоюнга топширдим... Минбаъд ҳазратим, деманг, мавлоно. Муносиб кўрсангиз... мени ҳам мавлоно денг.

– Биз Навоийни улуғ ижодлари учун «ҳазрат Алишер» дер эдик. Сиз туркий адабиётимизнинг Навоийдан кейинги энг улкан сиймосидирсиз. Шу сабабли сизни шоир ва адиб сифатида «Бобур ҳазратлари» дейишга ҳақлимиз».

– Миннатдормен, мавлоно... Сиз Аграда, Секрида, Деҳалпурда ажиб кўшклар, оромгоҳлар барпо этдингиз... Худо умр берса мен... Самарқанддаги Бибихоним мадрасасидек улуғ бир... мадрасанинг тарҳини сизга... чиздирмоқчи эдим... Опа-сингилларимизнинг қадрини бошимизга... кўтарсак арзигай...

Мавлоно Фазлиддин Бобурнинг сўнгги кучларини тўплаб, қийналиб сўзлаётганини сездию, унинг фикрини ўзи давом эттирди:

– Доно сўзларни айтдингиз, ҳазратим! Чиндан ҳам халқимизда бу одат азалдан мавжуд... Самарқандда Бибихоним мадрасасидан ташқари Туркон оғо мақбараси бор. Ҳиндларда ҳам аёл зотига эҳтиром зўр экан, ҳатто сиғинадиган Худолари орасида ҳам аёллар бор... Бизнинг Ҳироту Самарқанддаги энг яхши меъморчилик анъаналаримизни Ҳиндистоннинг энг езгу ажиб анъаналарига пайванд этиб, аёл зотини улуғловчи бир мадраса қуриш менинг ҳам энг эзгу орзуларимдандир!

Бобур мавлоно Фазлиддиннинг Хонзода бегимга бўлган ёшлик меҳри замона зайли билан қандай қурбон бўлганини эсладию:

– Мавлоно, – деди, – менинг эгачим Хонзода бегим... инсонийликда тенгсизлар!.. Агар сиз орзу қилган... мадрасани қуриш бизга насиб бўлса... уни «Хонзода бегим мадрасаси...» деб атасак арзир эди...

Мавлоно Фазлиддиннинг кўзларида яшин каби бир олов чақнади:

– Ҳазратим, сиз ҳозир менинг кўзимга муқаддас бир мақсадни кўрсатдингиз! Агар бу мақсадни рўёбга чиқаришга менинг умрим етмаса, уни фарзандларимизнинг дилига жо этиб кетгаймен. Токи улар ҳинд меъморлари билан ҳамкорликда халқларимизнинг аёл зотига бўлган эҳтиромини улуғ бир меъморчилик обидасида ифода этсинлар!

Бобурни тер босди. Унинг ҳарир оқ кўйлаги қорайиб танасига ёпишиб қолганини кўрган Тоҳир безовталаниб ўрнидан турди:

– Мулла тоға, ҳазратимни чарчатиб қўймайлик!.. Табиб «кўп ҳаяжонланмасинлар!» деб тайинлаган эди...

Суҳбатнинг тафти чиндан ҳам баланд бўлаётганини энди сезган мавлоно Фазлиддин ўрнидан кўтарилди:

– Ҳазратим, энди ором олинг! Мен кейин яна келурмен!

Бобур Мавлоно Фазлиддинга қараб:

– Яна бир ўтинчим бор, – деди. – Оламдан кўз юмсам... Кобулда ўзингиз тарҳини чизган боғ бор... Тоғ тепасида... Абадий оромгоҳим... ўша Гузаргоҳда бўлсин... Ортиқча дабдабасиз... шоирона бир тарҳ чизинг...

Мавлоно Фазлиддин ўпкаси тўлиб гапиролмади. Тасдиқ маъносида бош ирғадию, кўзидан оппоқ соқолига оқиб тушган ёшни артиб эшикдан чиқди.

Тоҳир Бобурнинг тердан хўл бўлган ички кийимларини алмаштирди. У ўзини одатдагидай осуда тутиб, кундалик хизматларини қунт билан адо этар эди. Бобур чанқаса, сув берадиган ҳам, нафаси қайта бошласа елпийдиган ҳам Тоҳир эди. У шу ерда бўлса, Бобур сокинроқ ётишини мавлоно Юсуфий ҳам билар, шунинг учун Тоҳирни туну кун беморнинг олдидан кеткизмас эди.

Бугун кечаси Бобур ичкарида ҳадеб беҳаловат бўлавергандан кейин Тоҳир савдарларни чақириб, уни тўшаги билан ҳовлидаги усти очиқ мармар супага чиқартирди. Агранинг кеч кузи худди Андижоннинг баҳор пайтларидек салқин ва майин туюлар эди. Қоп-қора осмонда юлдузлар чарақлаб турибди. Иситмаси баланд Бобурга юлдузлар яна гирдобга тушиб айланаётгандай ва бир-бирларига урилиб кетаётгандай кўринди. Бобур кўзини юмди:

– Баданимда... қон уюшиб қолаётгандай... – деди Тоҳирга.

Тоҳир унинг елкаларини, қўлларини, кейин оёқларини секин-секин уқалай бошлади. Бобур бундан сал енгил тортгандай бўлдию, кўзини очиб яна осмонга қаради. Юлдузлар энди жой-жойида тўхтаб, сокин нур соча бошлади. Ана Олтин Қозиқ. Унинг ғарб томонидаги Етти Оғайни юлдузлари уфққа оғиб тушиб кетяпти. Шарқдан эса бир тўп бўлиб Ҳулкар юлдузлар кўтарилиб келяпти.

– Бизнинг Қувада ҳам Ҳулкар худди мана шунақа бўлиб чиқар эди, – деди Тоҳир.

Бобур ҳам болалиги ўтган Андижон осмонини эслади. Мана шу Етти Оғайни юлдузлари ўша ерда ҳам Олтин Қо-

зиқни айланиб ўтиб, ғарбга ботиб кетарди. Ўша ерда ҳам Етти Оғайни уфққа бош қўйган сари Ҳулкар юлдузлари осмоннинг баланд жойларига чиқиб борарди. Бобур ўсмирлигида Ҳулкар юлдузларини олмосдан ясалган варракка ўхшатар эди. Думини қувноқ силкитиб учадиган олмос варрак унинг хаёлини яна мусаффо болалик йилларига олиб кетди. Осмон дунёнинг ҳамма жойида бир экани, умрининг бошланишида Андижонда кўрган юлдузлари умрининг охирида Аграда ҳам чақнаб тургани унга сўнгги бир тасаллидек туюлди. Бобур осмонга қараб ётганда яна ёш, соғлом йигитга айланиб, Андижон чорбоғининг супасида ётгандай бўлди. Бир лаҳзалик бу ширин ҳис кетидан яна шафқатсиз бир қалтироқ босиб келдию, юлдузли осмонни гирдобига олиб, гир-гир айлантира бошлади...

Тун ярмидан ошганда Тоҳирнинг ўкириб йиғлагани қоронғи боғни зир титратди...

ХОТИМА

Мавлоно Фазлиддин Кобулда Бобурга анвойи рангли мармарлар билан зийнатланган серфайз бир мақбара қуришга улгурди, лекин Хонзода бегим номига мадраса қуриш унга насиб бўлмади, унинг бу орзусини орадан юз йиллар ўтгандан сўнг Бобурнинг чевараси Шоҳ Жаҳон қурдирган машҳур Тож Маҳалда улуғ ҳинд меъморлари рўёбга чиқарган бўлсалар эҳтимол.

Тоҳир «Бобурнома»дан кўчирилган нусхаларни адибнинг Андижондаги, Тошкент ва Самарқанддаги мухлисларига элтиб топширгач, ўзи Робия билан бирга Қувага қайтди. Улар умрларининг қолган қисмини туғилган юртларида ўтказдилар. Бироқ ўғиллари Сафарбек мавлоно Фазлиддиннинг фарзандлари билан бирга Аграда умрбод қолдилар ва ўша ерда оила қуриб, ҳинд халқига қўшилиб кетдилар.

Бобур тузган улкан давлат ўз қудрати ва маданий ёдгорликлари билан жаҳонга танилиб, уч аср умр кўрдию, тарихда қолди. Унинг ўғил авлодлари бугунги кунга етиб келолмадилар – энг охирги бобурийлар ўтган асрларда инглиз мустамлакачилари даврида маҳв этилди.

Фақат Бобур ўз қўли билан ёзган асарлар ҳалигача тирик бир қалбнинг ҳароратига тўлиб, одамларга ҳамон маънавий озиқ ва завқ беряпти. Тўғри, унинг бир умри қоронғи

осмонда оловли из қолдириб учган юлдуздек тез сўнди. Лекин ўлмас асарлари саҳифасида салкам беш асрдан бери давом этиб келаётган иккинчи умри, бу – юлдузнинг тундан тонгга қараб учганини ва ўз нурини келажакка йўналтирганини айтиб турибди. Бобур қалб ўтига йўғириб яратган маданий мерос бугунги сернур авлодларни баҳраманд қилгани сари унинг ана шу иккинчи умри ҳам қоронғи тунлардан кейинги ёруғ кунларда астойдил обод бўляпти.

1969–1999

МУНДАРИЖА

АРОСАТ

Биринчи қисм

ҚУВА ҚИЛ УСТИДА ТУРГАН ТАҚДИРЛАР

1 - қисм ..... 3 2 - қисм 6

АХСИ АЖАЛГА ДАВО ЙЎҚ

1 - қисм 20

АНДИЖОН ГУЛ ВА ҚУЮН

1 - қисм ..... 30 2 - қисм 37

ҚУВА ЖАСОРАТНИНГ ЖАЗОСИ

1 - қисм ..... 54 3 - қисм 61
2 - қисм 60

ЎШ НАЖОТ ҚАЙДА?

1 - қисм ..... 68 5 - қисм 89
2 - қисм ..... 70 6 - қисм 94
3 - қисм ..... 74 7 - қисм 100
4 - қисм 79

САМАРҚАНД ЗАФАР ВА КУЛФАТ

1 - қисм ..... 107 3 - қисм 116
2 - қисм ..... 110 4 - қисм 120

АНДИЖОН. ХЎЖАНД УВОЛ БЎЛГАН ОРЗУЛАР

1 - қисм 125
2 - қисм 132
3 - қисм 141

ХЎЖАНД. МАРҒИЛОН. АНДИЖОН АМИР ТЭМУР САБОҚЛАРИ

1 - қисм 148
2 - қисм 154

ТОШКЕНТ. НАМАНГАН. АНДИЖОН ЧИНГИЗИЙЛАР ЯНА ҲУКМРОН БЎЛМОҚЧИ

1 - қисм 160
2 - қисм 168
3 - қисм 175

САМАРҚАНД ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ОЛИШУВ

1 - қисм 181
2 - қисм 187
3 - қисм 195
4 - қисм 202
5 - қисм 208
6 - қисм 213
7 - қисм 226
8 - қисм 234

ТОШКЕНТ. ЎРАТЕПА. СЎХ КЎЧКИ БОСГАН БУЛОҚ

1 - қисм 244
2 - қисм 254
3 - қисм 262
4 - қисм 269

ТАҚДИР ТАҚОЗОСИ

Иккинчи қисм

ҲИРОТ ДОВУЛДАН ОЛДИНГИ ОСУДАЛИК

1 - қисм 281
2 - қисм 286
3 - қисм 294

ҲИНДИКУШ. КОБУЛ ЎЛИМ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

1 - қисм 308

ҲИРОТ, МАРВ ПАЙМОНАСИ ТЎЛГАНЛАР

1 - қисм 324
2 - қисм 331
3 - қисм 334
4 - қисм 337

ҚУНДУЗ. САМАРҚАНД ИККИ ҚИЛИЧ ОРАСИДА

1 - қисм 345
2 - қисм 351
3 - қисм 360
4 - қисм 369
5 - қисм 371
6 - қисм 379
7 - қисм 388

КОБУЛ ТОШГАН ДАРЁ ЎЗАН ИЗЛАЙДИ

1 - қисм 393
2 - қисм 404
3 - қисм 409

ЛАҲЎР. ПАНИПАТ. ДЕҲЛИ ЯНГИ ҚИРҒОҚЛАР

1 - қисм 427
2 - қисм 433
3 - қисм 443
4 - қисм 447

АГРА Ё ҲАЁТ, Ё МАМОТ

1 - қисм 457
2 - қисм 462
3 - қисм 474
4 - қисм 477
5 - қисм 480

СЕКРИ ҚАЙТА КЎЗ ОЧГАН БУЛОҚ

1 - қисм 489
2 - қисм 501

АГРА ЮЛДУЗЛАР ГИРДОБИ

1 - қисм 508
2 - қисм 513
3 - қисм 516

Маданий-маърифий нашр

ЮЛДУЗЛИ ТУНЛАР

Роман

Муҳаррир: Алишер Назар
Техник муҳаррир: Аббос Турсунов
Мусаҳҳиҳ: Юсуф Нуруллоҳ
Саҳифаловчи ва дизайнер: Иброҳим Икромов

Нашриёт лицензияси:
№ AI 316. 26.01.2018 й.

Теришга берилди: 14.06.2019.
Босишга рухсат этилди: 23.07.2019.
ими 84x108 $^{1}/_{32}$. Офсет босма усулида чоп этилди.
mes гарнитураси. Босма табоғи 33,0. Адади 2 000.
Буюртма: № 24. Баҳоси шартнома асосида.

Нашриёт манзили:
«Nurafshon business» нашриёти,
Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

ADAD PLYUS» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Тошкент шаҳри, Бунёдкор кўчаси, 28-уй.